

Р.Ловеъой

ЧИН ИНСОН  
қақида  
қисса



*Р. Колебой*

ЧИН ИНСОН  
хакида  
ҚИССА



Уз ССР  
Давлат Народни  
товарищество  
1951

*P. Абдураҳмонов*  
таржимаси

*Расмларни В. Щеглов,*  
*муқова ва титулни В. Кайдалов,*  
*шмуцтитулларни Шашловский*  
*ишлаган.*

# Бүчинчи БҮЛИМ





Юлдузлар ҳали чараклаб турмоқда, қирчилламаған соvuқ; лекин шарқдан осмон ёришиб келмоқда эди. Даражтлар қоронғилиқдан аста-секин чиқабошлади. Бирдан соvuқ шамол құзғалиб, даражтлар бошини силкита кетди. Үрмөнгө дархол жон кириб, шовур-шувур ва гачир-гучирга түшди. Юз йиллик кекса қарағайлар үзаро шивирлаша кетди ва ларзага келган шохлардан қуруқ қиров шувиллаб ёғилабошлади.

Беҳосдан турган шамол беҳосдан тинди. Даражтларин яна жимжит сукунат босди. Тонг ёришар чоғида үрмөндән чиқадиган овозлар дархол әшитилабошлади; ән томондаги майдонда бўрилар ўлжа талашар, тулкилар. Секин товуц чиқариб увилашар ва эндинина уйқудай турган қизилиштон эринибгина тумшуқ ураг, унине

тўқ тўқи жим жиг ўрмоңда янграб, ҳудди у дараҳти  
ни ёмас, скринканинг қорини чўқиётгандек садо бе-  
рар ҳди.

Яна гириллаб эсган шамол қарагай тепасидаги қа-  
лии шиабарғларни шитирлатди. Ёриштан осмондаги  
сўнгги юлдузлар астагина сўни. Осмоннинг ўзи ҳам  
торайди. Туи зулматидан тамоман қутилган ўрмон  
маҳобатли кўк туслга кирди. Қарагайларнинг учлари-  
даги жингалак гўшалар ва иғна барг арчалар қизғим-  
тил туслга кириб, қўёш чиққанидан хабар берди; демак  
буғун кун очиқ, аёз, изғирин бўлади.

Кун тамом ёришиб кетди. Бўрилар кечаси домла-  
рига туширган ўлжаларини ҳазм қилиш учун ўрмон бағ-  
рига кириб кетишиди, тулки ҳам қор устида нақсимон  
изларини айёрлик блан چалкаштириб майдондан жўнаб  
қолди. Кекса ўрмонзор бир зайилда шовур-шувур қи-  
лишидан тинмасди. Фақат қушларнинг пириллаши,  
қизилиштоннинг тўқ-тўқи, шохдан-шохга сакраб сай-  
ровчи читтакларнинг товуши ва ёввойи чумчуқларнинг  
чириллашигина бу тинкага тегадиган, ваҳимали ва  
кўнгилсиз шовур-шувурга турли-туман оҳанг берарди.

Дараҳт шоҳида узун қора тумшугини тозалаб тур-  
ган ҳакка бирдан бошини ёнига буриб қумлоқ солди-да,  
учишга чоғланди. Дараҳт шохчаларининг ваҳимали қа-  
сири-қусури эшитилди. Ўрмон ичидан бадҳайбат, зўр  
бир нарса, йўл-пўлга қарамасдан, босиб келмоқда эди.  
Буталар шитирлаб, ёш қарагайларнинг шохлари ларза-  
га келди ва устидаги қировлари тўкилабошлади. Ҳакка  
қағиллаб, ёй ўқининг парига ўхшаш думини ёйди-да  
тўғрига қараб учиб кетди.

Тонг қировидан оқарган игнабарг дараҳтчалар ичи-  
дан узун кулранг бир тумшуқ кўринди, унинг бошида  
айри-айри бўлиб кетган катта шохлари бор эди. У,  
катта майдонга аланглаб қаарди. Унинг тез-тез нафас  
олишдан иссиқ буғ чиқиб турган қизғимтил бурун те-  
шиклари керилиб қимиirlаб турарди.

Қари буғи қарагайзорда серрайиб қотиб қолди,  
фақат орқасининг қат-қат бўлиб кетган терисигина  
дириллаб турарди. Унинг диккайган қулоқлари шу  
қадар сезгир эдики, қарагай пўстлоғини кемираётган

қуртинг аранг қитирлатишини ҳам эшитиб турарди. Лекин унинг қулоғи нечоғлик сезгир бўлса ҳам, қушларнинг чирқираши, қизилиштоннинг тўқиллатиши ва қарагай шохларининг бир зайдада шивирланидан бошқа ҳеч нимани эшитмас эди.

Қулоғи унинг кўнглини тинчитса ҳам, бурни хавотирга солиб турарди. Юмшоқ қорнинг тоза ҳидига бу чангалзор ўрмонга бегона бўлган қандайдир аччиқ, бадбўй ва хавфли бир ҳид қўшилиб турар эди. Буғининг жовдираган қора кўзлари оппоқ қор устида ётган қора гавдаларга тушди. У, қимир этмай, жуфтагини ростлаб ўзини ўрмонга уришга ҳозирланди. Броқ одамлар қимирламасди. Булар қор устида бир-бирларига жипслалиб, ба'зилари эса устма-уст ётишарди. Улар жуда кўп, аммо биронтаси ҳам қимирламас ва доимий суқунатни бузмас эди. Булардан бироз нарида қандайдир баланд, бадҳайбат нарса осмонга тиккайиб ёгарди Кўнгилга хавотир соладиган аччиқ ҳид ана шулардан циқаётган эди.

Буғи ўрмон ёқасида аланглаб турар ва жимгина ётган, ҳаракат қилмайдиган ва, афтидан, сра зарар етказмайдиган бу бир тўда одамларга нима бўлганини билолмас эди.

Юқоридан эшитилган товуш буғининг диққатини ўзига тортди. Буғи бир чўчиб тушди, орқа териси титради, орқа оёқлари яна жуфтак бўлди.

Броқ эшитилган бу товуш ҳам қўрқинчли эмас эди. Худди энди гуллайбошлаган қайин дарахти барига бирнеча қўнғиз ғўнғиллаб ёпишиб олгандек туюларди. Қўнғизларнинг ғўнғиллашига ба'зан, кечқурун ботқоқда юрган лойхўракнинг қақирлашига ўхшаган бир товуш қўшилиб турар эди.

Ана—қўнғизларнинг ўзи ҳам кўриниб қолди. Улар, қанотларини ялтиратиб, тиниқ кўк осмонда ўйин қулишмоқда. Лойхўрак яна бирнеча бор қақирлагандек бўлди. Қўнғизлардан бири, қанотларини ёйганича, насига думалаб тушди. Қолганлари ҳавода яна ўйинга тушакетди. Буғи хотиржам' бўлиб майдонга ўтди, кўз қири блан осмонга қараб, қор ялади. Шу вақт ҳавода гуж бўлиб ўйнашиб юрган қўнғизларнинг яна биттаси,

қопқора йўғон думини чўзиб, тўппа-тўғри майдонга тушабошлади. У бирдан шу қадар улкан бўлиб кетди-ки, буғи бир сакраб ўзини буталар ичига олгунча, бад-ҳайбат, тўсатдан қўзғайдиган куз бўронидан ҳам даҳшатлироқ бир нарса қарағайлар устига келиб тушди ва ундан гумбирлаб ерга ағнади; ўрмон қарси-лаб, ларзага келди. Гумбирлаган овознинг акс садоси дарахтлар устида янгради ва жон-жаҳди блан ўрмон ичига қараб қочган буғидан илдамроқ югурди.

Акс садо кўмкўқ қалин игнабарг дарахтлар ичидаги ғойиб бўлди. Самолёт зарби блан ларзага келган дарахт шохларидағи қиров тўзиб ялтираб, ерга сочилиди. Ўрмонга яна оғир сукунат чўқди. Сукунат ичидаги кишининг инқиллаши, тўсатдан пайдо бўлган қасир-қусур ва шовқиндан қўрқиб майдонга қочган айиқнинг оёқлари остида қорнинг фирчиллаши барада эшитилди.

Айиқ улкан, қари ва пахмоқ эди. Унинг хунук, кулранг жунлари ичига кириб кетган биқинларидан осилиб турарди. Бу ўлкада куздан бери уруш бўлмоқда. Уруш ҳатто одамзод яшамайдиган бу қалин ўрмонзорларга ҳам келиб етди. Гоҳ-гоҳда келадиган ўрмончи ва овчилардан бўлак одам боласининг бу ерларга оёғи теккан эмас. Атроф-теваракда бўлган уруш қасир-қусури куз бошидаёқ айиқни безовта қилиб, унинг қиши уйқусини бузиб, инидан чиқарган эди. Шундан бўён у очиқиб ва ғазаби тошиб, ўрмонда дайдиб юрарди.

Айиқ, боягина буғи турган ўрмон ёқасига келиб тўхтади. Буғининг ҳозиргина қолдириб кетган изларини маза қилиб ҳидлади ва ичига кириб кетган қорнини ҳарсиллатиб оғир нафас олди-да, атрофга қулоқ солди. Буғи кетиб қолган эди, аммо сал нарироқдан бошқа бир товуш эшитилди; чамаси бу тирик, лекин заниф бир жонзоднинг товуши эди. Айиқнинг жуни ҳурпайди. У тумшуғини чўзди. Ўрмон ёқасидан яна бояги товуш аранг эшитилди.

Айиқ аста-аста қадам босиб, оёқлари остидаги қорни фирчиллатиб ерга чўқдириб, қорга кўмилиб ҳаракатсиз ётган одам гавдасига қараб юрди...

Уучуи Алексей Мересьев икки томондан «исканж» га тушиб қолди. Бу — ҳаво жангида рўй берадиган ҳолларнинг энг ёмони эди. Ҳамма ўқларини отиб қўйиб, ҳақиқатда қуролсиз қолган Мересьевни тўрт немис самолёти ўраб олди ва уни на бурилишга, на четга жилишга қўймай, тўғри ўз аэродромига олиб борди.

Бу воқиа бундай бўлган эди. Лейтенант Мересьев командаси остида бир звено қиручи самолётлар, душман аэродромига ҳужум қилишга жўнаётган «ИЛ» ларни кузатиб бормоқ учун ҳавога кўтарилиди. Дов’юраклик блан қилинган парвоз муваффақиятли ўтди. Штурмчи самолётлар, я’ни ииёда аскарлар айтганидек «учучи танклар» қарағайзор устидан паст учишиб, секингина душман аэродромига яқинлашиб боришиди. Аэродромда катта «юнкерс» транспорт самолётлари қатор-қатор тизилишиб турган эди. Үрмоннинг кўмкўк қалин дарахт шохлари орасидан тўсатдан отилиб чиққан штурмчи самолётларимиз қопқора бадҳайбат «юкчилар»\* устига ёпирилдилар, уларни замбарак ва пулемётлардан ўққа тутдилар, уларнинг устига паррак думлик снарядлар ташладилар. Ҳужум бўлаётган пайтда ўзига қарашли тўртта қиручи самолёт блан ҳавони қўриқлаб турган Мересьев юқоридан туриб, аэродромда югуришиб юрган одамларни, транспорт самолётларнинг, босилган қор устидаги оғир ўрмалашганини, штурмчи самолётларимиз қайта-қайта айланаб келиб ҳужум қилганликларини ва «юнкерс» ларнинг бироз эс-ҳушларини йиғиб олган учучилари ўқ ёмғири остида самолётларини юргизиб, ҳавога кўтарилаётганларини яққол кўриб турарди.

Худди шу пайтда Алексей бир хато иш қилди. У, штурмчи самолётларимиз ҳужум қилаётган жойни ҳаводан туриб қаттиқ муҳофаза қилиш ўрнига, учучилар та’бири блан айтганда, осон овнинг пайига тушди. У, самолётни пастга шўнритиб, эндигина ердан узилиб өғир ва секин кўтарила бошлаган «юкчи» усти-

\* «Юкчилар» — немисларнинг юк ташучи самолётлари. —  
Тарж.

га ташланди ва унинг дюральдан ясалган тўртбурчак ола-була гавдасини хўб ўқса тутди. Ўзига ишонгани Алексей ҳатто душманинг қай тарзда ерга қулаб тушишига қарамади ҳам. Аэродромнинг иккинчи томонидан яна бир «юнкерс» ҳавога кўтарилиди. Алексей уни қувлаб кетди, атака қилди, аммо натижага бўлмади. Унинг отган ўқлари секин юқори кўтарилаётган самолётнинг устидан ўтиб кетди; шахт блан қайрилиб, яна атака қилди, лекин бу сафар ҳам уриб йиқитолмади; «юнкерс»га яна ҳамла қилди ва уни ўрмон тепасида бир четга суриси борди-ю уриб ағдарди ва самолётидаги ҳамма қуроллардан ғазаб блан бирнеча бор қато-расига ўқ узиб, «юнкерс»нинг чўзиқ гавдасини илматашик қилиб ташлади. Алексей, «юнкерс»ни уриб туширгач, бепоён кўмкўк қалин ўрмондан қора тутуц бурқсиб кўтарилиган жойда икки марта ғолибона айланди-да, самолётини буриб яна немис аэродромига қараб йўл олди.

Лекин аэродромга учиб бориш унга мұяссар бўлмади. У, ўз звеносининг учта қиручи самолёти тўққизта «мессер» блан жанг қилаётганини кўриб қолди; афтидан, немис аэродромининг қўмондонлиги штурмчиларнинг ҳужумини даф' қилмоқ учун бу «мессер»ларни чақирган бўлса керак. Учучилар, сони уч ҳисса кўп бўлган немисларга дадил ҳужум қилиб, штурмчи самолётларни душман ҳамласидан сақлашга тиришдилар. Хирмонпо қуши ўзини ярадор бўлиб йиқилаётганга солиб, овчиларни ўзига андармон қилиб учиб кетабергани ва шу йўл блан болаларини сақлаб қолгани каби, уруш қилаётган учучилар ҳам душманни ўзларига андармон қилиб четроқ бир томонга учиб борабердилар.

Алексей осонроқ овни қўлга туширмоқ пайига тушиб юрганидан ўзи ҳам уялиб қолди, уятининг зўридан шлём остида юзлари ўтдек ёнаётганини сезди. У, бир душман самолётини чоғлаб туриб, ғазаб блан ҳужум қилиб борди. У уришни чоғлаган самолёт «мессер» эди. Афтидан, «мессер» ҳам бирон овни қўлга туширмоқчи бўлиб, шерикларидан бир қадар узилиб қолган бўлса керак. Алексей самолётини тез учириб, душманга ён томондан ҳужум қилди. У, ҳамма қоида-

сими ўрнига келтириб, немисга атака қилди. У, душман самолётини расо нишонга олиб, гашеткани босди. Лекин немис пинагини бузмай ёнidan ўтиб кетди. Ўқнинг хато кетиши мумкин эмас эди, чунки нишон жуда яқиндан олинган ва душман самолёти нишонда жуда яққол кўринган эди. «Ҳа, ўқ тамом бўлипти!»— деб ўйлади Алексей ва баданига муздек тер югурди. Синаш учун гашеткани босди, лекин ҳар сафаргилик бутун гавдани ларзага келтирадиган гулдиросни сезмади. Ўқдон бўшаб қолган эди: у, душман «юкчи» самолётларини қувивиб юриб, ўқнинг ҳаммасини сарф қилиб қўйган эди.

Аммо бу ҳолдан душманнинг хабари йўқ-ку! Алексей, қурол-яроқсиз бўлса ҳам, лоақал шерикларининг сонини кўпайтирмоқ учун жанг тўполонига киришга аҳд қилди. Лекин унинг бу фикри хато бўлиб чиқди. У ҳужум қилиб зарар етказаолмаган немис қиручи самолётининг учучиси тажриба кўрган, зийрак киши эди. Алексей самолётининг ўқ-дориси тугаб қолганини пайқаган немис учучиси бу тўғрида ўз шерикларини огоҳлантириб буйруқ берди. Тўрт «мессершмитт» жангдан чиқиб Алексейни ўраб, тепадан ва пастдан ўртага сиқиб олишди-да мовий ва тиниқ ҳавода барада кўриниб турган ёнар ўқлар блан қайси томонга юриш кераклигини кўрсатиши. Шундай қилиб, улар Мересьевни икки томондан исканжга орасига сиқиб олишди.

Бирнече кун бурун Алексей немисларнинг «Рихтгофен» деган машҳур авиадивизияси гарб томондан бу ерга, я'ни Старая Руссага учуб келганини эшитган эди. Бу дивизияга фашистлар империясидаги энг яхши учучилар саралаб олинган бўлиб, унга шахсан Герингнинг ўзи ҳомийлик қиласр эди. Алексей ҳозир ана шу осмон бўрилари чангалига тушиб қолганини, афтидан улар уни ўзларининг аэродромига олиб бориб мажбуран қўндириб, тириклийин асир қилиб олмоқчи бўлгандарини пайқади. Бундай воқиалар у вақтда бўлиб турарди. Алексей ўз ошнаси Совет Иттифоқи Қаҳрамони Андрей Дегтяренко командаси остидаги қиручи самолётлар тивносининг бир куни немисларнинг бир разведкачи самолётини ҳайдаб келиб, ўз аэродромларига қўндириларини кўрган эди.

Асир тушған немиснинг кўкарған, оқарған ўзунчоқ юзи, гандираклаб қадам ташлаши бирда Алексейнинг ёдига тушди. «Асир тушаманми? Ҳечқачон! Бунақа гаплар кетмайди!»—деган қарорга келди у.

Аммо у қутилиш иложини тополмади. У кўрсатилган йўлдан бурилмоқчи бўлган ҳамон, немислар пулемёт отиб йўлини тўсар эдилар. Шу топда яна унинг кўз олдига ранги-кути ўчган, жағлари қалтираб турган асир немис учучиси келди. Бу немис разил бир аҳволда бўлиб, а’зойи баданини қалтироқ босган эди.

Мересьев ғижиниб, самолётини жаҳли блан юқорига тўғрилади ва тепадан сиқиб келаётган немис самолёти остидан ёриб чиқишга уринди, ёриб чиқишга муваффақ ҳам бўлди. Лекин немис учучиси ҳаял ўтказмай гашеткани босди. Моторнинг ритмаси бузилиб, самолёт, безгак тутган кишидай, даф-даф титрайбошлади.

Моторга ўқ тегди! Алексей бир зумда оқ булутлар орасига кириб кетди ва қувиб келаётган немислар кўзидан ғойиб бўлди. Хўш, ундан кейинчи? Алексей ўқ еган самолётини қалтираётганини бутун вужуди блан сезар, унга моторни эмас, балки ўз гавдасини қалтироқ босгандек туюларди.

Моторнинг қаерига ўқ тегди экан? Самолёт ҳавода яна қанча туролиши мумкин? Бензин баклари ёрилиб кетмасмикин? Булар Алексейнинг хаёли эмас, балки гуйғуси эди. У ўзини худди чақмоғидан ўт кетиб ҳозир ёриладиган динамит шашкаси устида ўтиргандек ҳис қилиб, самолётини фронт томонига, я’ни ўз томонимизга бурди, бирон воқиа бўлиб ўлиб-нетиб қолсан, ўлигими ёр-дўстлар ўз қўллари блан кўмишсин, деб ўйлади.

Нима бўлганлиги шу оннинг ўзидаёқ ма’лум бўлақолли. Моторнинг овози бутунлай ўчди. Самолёт, худди баланд тогдан думалаб тушаётгандек, шиддат блан пастга тушабошлади. Самолёт остидан денгиздек бепоён ўрмон кўкиш товланиб кўринмоқда эди... Самолёт ўрмонга яқинлашиб, дарахтлар унинг қанотлари остидан ўтаркан, Алексей «ҳар ҳолда асир бўлмадим-ку!» деб ўйлади. Ўрмон бағрига кириш блан, у беихтиёр бир ҳаракат қилиб, моторни ўчирди. Қарсиллаган бир овоз эшитилди, ҳечнима кўзга кўринмай, ҳамма нар-

**са бирдан ғойиб бўлди, у машинаси блан бирга қора ва илиқ сувга ботиб кетгандай бўлди.**

Самолёт қарағай шохларига урилиб-урилиб тушмоқда эди, шунинг учун ерга қаттиқ зарб блан тушмади. Машина бирнечча дарахтни синдириди ўзи ҳам бўлак-бўлак бўлиб кетди. Лекин Алексей ўтирган жойидан учиб кетди-да, шохлари тарвайиб кетган йўғон ва қарри бир арча устига тушди; сўнг шохлардан сирғониб, арча тагида шамол учириб тўплаган қортепа устига думалаб тушди. Шу унинг жонига ора кириб қолди.

Алексей қанча вақт ҳаракатсиз ва ҳушсиз ётганини эслай олмади. Аввал қандайдир одамларнинг кўланкаси, бинолар, бадҳайбат машиналарнинг қораси кўз олдидан тез ўтиб кетди ва уларнинг қуондек ҳаракатидан унинг а'зойи бадани қақшаб оғриди. Сўнгра, бу тўполон ичидан қандайдир улкан, иссиқ, шакли-шамоилии нотайин бир нарса унинг тепасида туриб, иссиқ, бадбўй нафас чиқарди. Алексей ўзини четга олмоқчи бўлди, лекин гавдаси қорга ёпишиб қолгандай туюлди; шуурсиз даҳшат ичидан ўрнидан туришга интилди ва ўпкасига муздек ҳаво кирганини, қор совуғидан юзлари ачишганини, энди бутун а'зойи бадани эмас, фақат оёқларигина қаттиқ оғриётганини сезди.

«Тирик эканман!» деди у хаёлида. У ўрнидан турмоқчи бўлди ва ёнида кимнингдир оёғи остида қорғижирлаётганини, бирор хириллаб нафас олаётганини эшилди. «Немислар! — деб ўйлади ва кўзини очиш, ўзини мудофаа қилиш учун ирғиб ўрнидан туриш истагини аранг-босди.— Асир бўлдим, ахир асир бўлар эканман-да!.. Хўш, нима қилмоқ керак?»

Шу чоқ унинг эсига бир нарса тушди: ҳар ҳунар қўлидан келадиган механик Юра кеча унинг кобурининг узилган тасмачасини тикиб бермоқчи бўлган эди-ю, лекин тикишга улгуролмаган эди; шунинг учун у учага ётганида тўппончасини комбинизонининг ён чўнтағига солиб қўя қолган эди. Ҳозир тўппончани олмоқ учун ёнбошга ағдарилиш керак эди, лекин бу ишни душманга сездирмасдан қилиш иложи йўқ эди, албатта. Алексей муқкасига тушиб ётган эди. Тўппонча кобирғасига тегиб турганини сезди у. Лекин қимирла-

масдан ётаберди: балки душман менинг ўлук гумон қилиб, кетиб қолар, деб ўйлади у.

Немиснинг оёқ товуши эшитилди, аллақандай, ғалати уф тортиди, у қорни ғарчиллатиб босиб, яна Мересьевга яқинлашди ва устига энгашди. Алексейнинг думоғига яна унинг бадбўй нафаси тегди. Немис ёлгиз экан, демак қутилишининг иложи бор, пойлаб туриб немиснинг томоғидан ғиппа бўғиб олса ва қурол ишлатмасдан, яккама-якка олишса... Лекин бу ишни жуда усталик блан қилиш керак бўлади.

Алексей қимириламасдан, кўзини сал очди ва кинриклиари орасидан қараб, олдида немис эмас, балки кулранг жунлари ҳурпайган бир нарса турганини кўрди. У, кўзларини каттароқ очди-ю, лекин дарров қисди: олдида каттакон, озғин ва а'зойи бадаци тимдаланган бир айиқ чўнқайиб ўтирар эди.

### 3

Айиқ күёш нурида кўкимтил товланиб турган қор ўюмига қапишиб ётган ҳаракатсиз одам гавласи ёнида йиртқичларга хос бир тарзда жимгина ўтиради.

Айиқнинг ифлос бурун тешиклари секин қимирилаб турарди. Унинг эскирган, сарғайган, лекин ҳали бақувват тишлари кўриниб турган очиқ оғзидан қуюқ сўлакайи осилиб шамолда тебранмоқда эди.

Уруш қишиқи инидан чиқариб юборган бу айиқ очиқиб, қутуриб юрган эди. Броқ айиқ ўлукни емайди. Айиқ, бензин ҳиди бурқиб турган ҳаракатсиз гавдани исқаб кўрди-да, аста қадам ташлаб майдонга қараб юрди. Унда ҳам совуқда тарашадек қотиб қолган шу каби ҳаракатсиз одам гавдалари қорда думалашиб ётарди. У, орқадан инграгаң товушни эшитиб, яна изига қайтди.

Мана у ҳозир Алексейнинг олдида чўққайиб ўтирипти. Бир ёқдан очлик ичини кемиради, бир ёқдан ўлук гўшти иштаҳасини қайтаради. Ниҳоят очлик енга бошлади. Айиқ пишқириб ўрнидан қўзғолди, қор ўюмидаги ётган одамни оёғи блан ағдарди ва комбинезоннинг «шайтон терисини» тирнайбошлади. Комбинезон йиртилмади. Айиқ бўкирабошлади. Алексей шу

Он кўзини очиш, йирғиб тўриш, бақириш, кўкрагини зил-замбидек босиб ётган бу мудҳиш гавдани итариб ташлаш истагидан ўзини зўрға тутди. Унинг бутун вужуди ғайрат ва ғазабга келиб, мудофаага қўзғолгач, ўзини босиб, вазминлик блан қўлини секингина чўнтағига тиқди, тўппочанинг ғудур дастасини пайпаслаб топди, отилиб кетмасин учун эҳтиёт бўлиб, бош бармоғи блан курокни кўтариб қўйди, сўнгра қўлини астагина чўнтағидан олди.

Айиқ комбинезонни яна қаттиқроқ тирнайбошлади. Чидамлик мато тариллаб кетди, лекин бу гал ҳам йиртилмади. Айиқ бутун жаҳли блан бўкириб, комбинезонни тишлаб тортди, тишлари жун ва пахтадан ўтиб, баданга ботди. Алексей энг сўнгги иродада кучини сарф қилиб оғриққа чидади ва айиқ уни қор уюмидан ағдарган ҳамон, тўппончани чиқариб курокни босиб юборди.

Тарсиллаб чиққан ўқ товуши варанғлаб кетди.

Ҳакка, қанотларини ёйиб, учачоҷди. Ларзага келган шохлардан қиров тўкилди. Айиқ Алексейни секин қўйиб юборди. Алексей, душманидан кўзини узмай, қорга ағнаб тушди. Айиқ чўнқайиб ўтирас, унинг узун майда қора жун босган кўзлари ола-зирак эди. Унинг тишлари орасидан тирқираб оқаётган қора қон қорга тўкилмоқда эди. У бўғиқ товуш чиқариб даҳшат блан бўкириди ва Алексей яна бир марта отишга улгурмай, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлиб, қорга ағдарилиб тушди. Айиқнинг боши тагидаги қалин қор секин-секин қизариб ва салгина буғ чиқариб эрийбошлади. Айиқ ўлиб ётар эди.

Алексей енгил тортди. Товоnlари яна қаттиқ оғриётганини сезди ва қор устига чўзилиб хушдан кетди.

У ҳушига келиб кўзини очганида қуёш анча кўтарилган эди. Игнабарг дараҳт орасидан ўтган қуёш нурлари қор устида жимиirlаб турарди. Сояда қор кўкишроқ бўлиб кўринарди.

«Нима бало, кўзимга тагин айиқ кўриндими?» деб ўйлади Алексей даф'атан.

Қулранг, пахмоқ айиқ нарироқда — қўкимтил қор устида думалаб ётарди. Үрмон шовур-шувирга кирди

Қизилиштон дарахт пўстлогини тақиллата бошлидай. Қорни сариқ читтаклар бутадан-бутага қўниб сайрашарди.

«Тирикман, тирикман, тирикман» деди Алексей ичидан бирнече бор. Тириклигини билгач бутун вужуди шодликка тўлди, ажойиб қудратли ҳаёт баҳраси унинг тапига сингдики, киши қаттиқ хавф-хатарни бошидан кечиргандан кейин шундай ҳаёт завқига тўлади.

Алексей шундай қудратли ҳаёт завқига тўлга, иргиб ўрнидан турди, лекин шу онда «вой!» деб айик жасади устига ўтириди. Товонларининг оғриғи а'зойи баданини зирқиратабошлиди. Мияси ғувиллар, бошида гёё эски, шалоқ тегирмон тоши филдираб айланар ва миясини кавлар эди. Кўзларига нимадир санчилар, кимдир қовоқларини босаётгандек туюларди. Теварак-атрофидаги нарсалар гоҳ қўёшнинг совуқ, сарғич нурларида равшанланиб кўринпар, гоҳ хиралашиб, жимирилаб кўздан фойиб бўларди.

«Аҳволим ёмон. Йиқилиб тушганимда контузия бўлибман шекилли; оёқларимга ҳам бир нарса бўлганга ўшайди» деб ўйлади Алексей.

У, ўрнидан тургач, дарахтлар орасидан кўриниб турган ярим доира шаклидаги йироқ бир ўрмонга ёндашиб, уфқ блан туташиб кетган кенг майдонга қараб ҳайратда қолди: кузда, балки қиши бошланар чоғида, ўрмон ёқасида бу майдон мудофаа марраларидан бири бўлган ва бу майдонда қизил аскарлар қисми қисқагина бўлса ҳам, лекин сабот ва матонат блан жонбозлик кўрсатганга ўшарди. Бу ерларда ҳосил бўлган жароҳатларни, я'ни ўйдим-чуқур жойларни бўрон оппоқ қор блан қоплаган эди. Лекин, шундай бўлса ҳам, каламуш инига ўшаб қолган окопларни, вайрон бўлган ўт очиш нуқталарини, снарядлардан ҳосил бўлган катта-кичик беҳисоб чуқур ва чуқурчаларни қор тагидан пайқаб олиш осон, бу чуқурлар ўқ тегиб илматешик бўлган, шохлари учиб танаси қолган ёки снаряд зарбидан қўпорилган ўрмон ёқасидаги дарахтларгача чўзилиб кегган эди. Тилка-пора бўлган майдонда ҳар жой-ҳар жойда тангабалиқдек ола-була рангга бўялган бирнече танк қорга ботиб қаққайиб ётарди. Улар-

нинг ҳаммаси кўз кўрмаган ва қулоқ ёшитмаган бадҳайбат маҳлуқларнинг мурдасига ўхшарди. Айниқса бир чеккада тургани жуда ҳам бадҳайбат эли. У граната ёки минага йўлиқиб ёнбошга ағдарилган ва замбарагининг узун стволи ерга суқилиб турган эди. Майдоннинг бутун сатҳида — кичкина ва саёз окопларнинг брустверлари ёнида, танклар олдида ва ўрмон ёқаларида — қизил аскарлар блан немис солдатларининг жасадлари бир-бирига аралашиб ётарди. Улар шу қадар кўп эдики, ба’зи жойларда бир-бири устига қаланиб кетганди. Улар бирнече ой бурун, қиши бошланар чоғида, жангда ўлим чангалига қандай тарзда тушган бўлсалар, ҳозир ҳам худди ўша тарзда музлаб ётмоқда эдилар.

Буларнинг ҳаммаси Алексейга бу ерда бўлган жангнинг жуда қаттиқ ва даҳшатли бўлганидан, унинг жанговар ўртоқлари душманни тўхтатиш ва унга йўл бермаслик учун жон фидо қилиб курашганликларидан хабар берарди. Мана бироз нарироқда, ўрмон ёқасида, ярмини снаряд учириб кетган ва унинг қия синган узун танасидан ҳозир қопқора мўм оқиб турган йўғон қарағай тагида миялари ва юзлари абжақ бўлиб кетган немислар ётилти. Ўртада, бир немиснинг устига кўндаланг тушиб йўғон гавдали, кулчаз, бошчи катта бир йигитнинг жасади ётилти. У шинельсиз, фақат гимнастёркада бўлиб, ёқалари йиртилиб кетган эди, ёнида синган найзаси ва қўндоғи қонга беланиб пачақланган винтовка ётарди.

Ундан нарироқда, ўрмон йўлида, устини қум босиб ва бир ёғини бомба ўпириб кетган арча дарахти тагида буғдойранг бир ўзбек мукка тушиб ётарди. Унинг кичкина чўзиқ юзи эски фил суюгидан тарошлаб ясалганга ўхшарди. Орқасида, арча шохчалари остида ҳали отилмаган гранаталар таҳлаб қўйилган, қуличкаш бўлиб турган ҳаракатсиз қўлида эса бир граната тутиб туради. У гранатани иргитиш олдидан осмонга қарамоқчи бўлиб, шу ҳолича қотиб қолгандек кўринарди.

Бундан яна нарироқда, ўрмон йўлининг ёқасида танклар аганашиб ётган жойда, бомбадан ҳосил

бўлган катта-катта хандақлар бўйида, эски тўнкалар ёнидаги окопчаларда,— ҳамма ерда ўликлар ётарди; уларнинг эгнида ичи жунлик тери камзулча, бўғмашим, ифлосроқ кўк френч бўлиб, бошларида шохлик пилоткалари совуқдан сақланиш учун қулоққача босиб кийилган эди; букилган тиззалар, осилган жағлар, эриган қорда йилтираб турган юзлар, тўкилган сочлар, қарға ва ҳаккалар ўйиб ташлаган бошлар қоруюмлари орасидан кўриниб турарди.

Бир гала қарға майдон устида секин айланишиб учмоқда эди. Бу ҳол бирдан-бир улуғ рус рассоми томонидан чизилиб, мактаб китобида босилган Игорь сечининг ғамгин ва ҳайбатли манзарасини Алексейнинг эсига солди.

«Шулар қаторида мен ҳам ётган бўлар эдим» деб уйлади Алексей ва дарҳол унинг бутун вужуди яна ҳаёт нашу-намосига тўлди. У, сесканиб ўрнидан турди, ҳали ҳам бошида тегирмон тоши секин-секин ғилдираб айлангандек туюлар, оёқларида ўт чиқиб яна қаттироқ зирқирав, лекин Алексей совиб қолган ва қуруқ қор тўкилиб қумушдек оқарган айиқ гавдаси устига ўтиаркан, нима қилсан экан, қаёққа борсан экан, олдинги маррада турган қисмларимизга қандай қилиб ўтиб олсан экан, деб ўйларди.

Планшет блан харитани у самолётдан йиқилган чоғида йўқотган, лекин, харитаси бўлмаса ҳам, у қайси гомонга юриш кераклигини яхши биларди. Штурмчи самолётларимиз ҳужум қилган немис аэродроми фронг чизигидан гарб томонда — олтмиш километрлик масофада эди. Алексей қўл остидаги учучилар немис қиручи самолётлари блан уруш қила-қила, уларни аэродромдан тахминан йигирма километрча шарққа тортиб кетган эдилар. Алексей «исканжга»дан халос бўлганидан кейин, чамаси, шарққа қараб яна бирмунча силжиган эди. Демак, у фронт чизигидан тахминан ўттиз беш километрча йироққа бориб тушган, демак, унинг ҳозир турган ери Қораўрмон деб ном чиқарган катта ўрмон доирасида турган олдинги маррадаги немис дивизияларининг орқа томонида эди. Бомбардимончи ва штурмчи самолётларимиз немис қўшинлари-

нинг орқа томонига қисқа рейд қилиб қайтган пайтларида, Алексей бирнече бор уларни кузатиб бориб, бу ўрмонни кўрган эди. Бу ўрмон тепадан унинг кўзига поёни йўқ кўк денгиздек кўринарди. Ҳаво яхши бўлганда бу ўрмон қарағайларининг учлари жингалакжингалак бўлиб кўринар, ҳаво ёмон бўлганда эса, уни қуюқ туман босар ва қорайиб, мавж уриб турган сувга ўхшарди.

Унинг бу одам оёғи тегмаган ўрмоннинг қоқ ўртасига келиб тушгани бирёқдан яхши бўлса, бир ёқдан ёмон эди. Яхши томони шу эдикি, бу одам оёғи тегмаган қалин тўқайзорда немисларга дуч келиш гумон эди, чунки немислар одатда йўлдан ва қиплоқлардан юришни яхши кўрадилар. Ёмон томони шу эдики, бу ердан манзилга етмоқ учун, йироқ бўлмаса ҳам, оғир йўл босишга, буталар орасидан юришга тўғри келади; ёрдам қиласидан одам бўлмайди, бир бурда нонга, бошпанага, бир ютим қайноқ сувга зор бўлади. Бунинг устига оёқларининг бу аҳволда бўлганлиги... Оёқларини кўтариб босиб бўлармикин? Юраолармикин?..

У, айиқ гавдаси устидан секин турди Товоnlарининг санчиб оғриши бутун баданига зирқираб югурди У «вой!» деб юбориб, яна ўрнига ўтириди. Унтини\* ечишга уриниб кўрди. Уит оёғидан чиқмади. У ҳарбир урнишида жон оғригидан додлаб юборарди. Ниҳояти у, тишини-тишига қўйиб, бутун кучи блан икки қўллаб унгини ечиб олди-ю, ҳушидан кетди. Ҳушига келгач юмшоқ пайтавасини ечди, товони шишиб, бутун оёғи кўкариб, бўртиб чиққан эди. Оёғи ўтдек ёниб, бўғинлари зирқиради. Алексей оёғини қорга қўйди, оғриги бироз босилди. Худди тишини сугуриб олаётгандек яна бир зўр уриб, иккинчи оёғидаги унтни ҳам ечди.

Иккала оёғи ҳам ишдан чиқкан эди. Афтидан, самолёт қарағайларга келиб урилгац, у кабинадан ағдарилиб тушганда, оёқлари бир нимага урилиб

\* Уит — мўйнадан тикилган қўнжи баланд этик. Тарж.

кафт ва бармоқ сүяклари ээилиб кетган бўлса керак. Албатта, бошқа шароит бўлганда, у бундай шишиб, сүяклари ээилиб кетган оёқлар блан қадам босишни сра хаёлига ҳам келтирмас эди. Аммо у ҳозир ўрмон ичидা, душман орқасида турипти, бундай жойда бирон одамга йўлиқиши — ундан мадад олиш эмас, ўлимга кетиш демакдир. Шунинг учун у: юриш керак, тўғри шарққа қараб бориш керак, қулайроқ йўл топишни ва ҳишлоққа яқинлашишни сра ўйламасдан, нима бўлса ҳам ўрмон ичидан борабериш керак, деган қарорга келди.

У, айиқ устидан иргиб турди, инграб, тищларини гижирлатиб бир қадам босди; бироз тўхтаб тургач, иккинчи оёғини қордан узди-да, яна бир қадам босди. Боши ғувиллар, ўрмон ва майдон айланиб, бир томонга оғаётгандек туюларди.

Алексей зўр бераверишдан ва оғриқдан бўшалиб кетаётгандек бўлди. У лабини тишлаб, ўрмондаги йўлга қараб бораберди. Бу йўл шикаст еб ағдарилиб ётган танк ва қўлига граната ушлаган ҳолича ётган ўзбек ёнидан ўтиб, ўрмон ичидан шарққа қараб кетарди. Юмшоқ қорни босиб кета берса-ку унча азоб бўлмас эди, лекин у, шамолдан тақир бўлиб, музлаб қолган қаттиқ ва ўнқир-чўнқир йўлга чиқиши блан оғриқ жуда зўрайди, бир қадам ҳам босолмай тўхтаб қолди. У шу куйича оёқларини кериб титраб тураберди. Бирдан кўз олдини қуюқ туман босди. Йўл ҳам, дараҳтчалар ҳам, улар устиди ёришиб турган кўқимтил ёруглик ҳам бирдан ғойиб бўлиб қолди... У аэроромда ўз самолёти ёнида турипти, унинг механиги, ёки унинг ўзи «технаръ» деб ном қўйган новча бўйли, соқоли ўсган ва доим кир босган юзида кўзининг оқи блан оппоқ тишилари ялтираб турган Юра, Алексейга: кабинага чиқ, самолёт тайёр, марҳамат, учабер... деяётгандек бўларди... Алексей самолётга қараб бир қадам босди-ю, лекин ердан ўт чиқиб оёғини куйдирди, худди қизитилган темирни босиб олгандай бўлди. У, қизиб кетган ердан тезроқ самолёт қанотига чиқиб олмоқ учун бирдан иргиди, лекин совуқ фюзеляжга урилиб, ҳайрон бўлиб қолди. Фюзеляж лож блан бўялган силлиқ

кафт ва бармоқ суюклари эзилиб кетган бўлса керак. Албатта, бошиқа шароит бўлганда, у бундай шишиб, суюклари эзилиб кетган оёқлар блан қадам босишини сра хаёлига ҳам келтирмас эди. Аммо у ҳозир ўрмон ичида, душман орқасида турипти, бундай жойда бирон одамга йўлиқишиш — ундаң мадад олиш эмас, ўлимга кетиш демакдир. Шунинг учун у: юриш керак, тўғри шарққа қараб бориш керак, қулайроқ йўл топишни ва қишлоққа яқинлашишини сра ўйламасдан, нима бўлса ҳам ўрмон ичидан борабериш керак, деган қарорга келди.

У, айнқ устидан иргиб турди, инграб, тишларини гижирлатиб бир қадам босди; бироз тўхтаб тургач, иккинчи оёғини қордан узди-да, яна бир қадам босди. Боши ғувиллар, ўрмон ва майдон айланиб, бир томонга оғаётгандек туюларди.

Алексей зўр бераверишдан ва оғриқдан бўшашиб кетаётгандек бўлди. У лабини тишлаб, ўрмондаги йўлга қараб бораберди. Бу йўл шикаст еб афдарилиб ётган танк ва қўлига граната ушлаган ҳолича ётган ўзбек ёнидан ўтиб, ўрмон ичидан шарққа қараб кетарди. Юмшоқ қорни босиб кета берса-ку унча азоб бўлмас эди, лекин у, шамолдан тақир бўлиб, музлаб қолган қаттиқ ва ўнқир-чўнқир йўлга чиқиши блан оғриқ жуда зўрайди, бир қадам ҳам босолмай тўхтаб қолди. У шу куйича оёқларини кериб титраб тураберди. Бирдан кўз олдини қуюқ туман босди. Йўл ҳам, дарахтчалар ҳам, улар устида ёришиб турган кўкимтил ёруглик ҳам бирдан фойиб бўлиб қолди... У аэродромда ўз самолёти ёнида турипти, унинг механиги, ёки унинг ўзи «технарь» деб ном қўйган новча бўйли, соқоли ўсган ва доим кир босган юзида кўзининг оқи блан оппок тишлари ялтираб турган Юра, Алексейга: кабинага чиқ, самолёт тайёр, марҳамат, учабер... деяётгандек бўларди... Алексей самолётга қараб бир қадам босди-ю, лекин ердан ўт чиқиб оёғини куйдирди, худди қизи-тилган темирни босиб олгандай бўлди. У, қизиб кетган ердан тезроқ самолёт қанотига чиқиб олмоқ учун бирдан иргиди, лекин совуқ фюзеляжга урилиб, ҳайрон бўлиб қолди. Фюзеляж лож блан бўялган силлиқ

эмас, балки қарағай пўстлоғи ўралгандай ғадир-бүдур эди... Ҳақиқатда эса ҳечқандай самолёт йўқ эди, Алексей йўл устида қарағай танасини пайпаслаб турган эди.

«Хаёлми? Қонтузия натижасида ақлдан озаётиман,— деб ўйлади Алексей.— Йўлдан юриш оғир. Қўриққа бурилсаммикин? Лекин бурилсан йўлим бироз секинлашади...» У қор устига ўтириб, яна тишини тишига қўйиб, кучаниб унтларини ечди, эзилган оёқларини сиқмаслиги учун тиш ва тирноқлари блан унтнинг усг чармини йиртди, бўйнидаги майин жундан тўқилган юмшоқ шарфини ечиб олиб, иккига бўлди ва оёқларига ўраб, яна унтини кийди.

Энди юриш бироз енгиллашди. Айтгандай, юриш деган сўз бу ўринда тўғри та'бир эмас, бу юриш эмас, балки сал-сал қадам босиб жилишдир. Жилганда ҳам оёқ товонларини аста-аста босиб, ботқоқликда юрган сингари, оёқни кўтариб-босиб жилиш демакдир. Бирнече қадам қўйғач, оғриқ зўрайиб яна боши айланабошлар, шунда тўхтаб кўзларини юмар ва дарахтга суюниб ёки, юраги қаттиқ тепабошлагач, қор уюми устига ўтириб нафасини росталар эди.

Шу аҳволда у бирнеча соат йўл юрди. Лекин орқасига қайрилиб қараси, майдонда ётган ўзбекнинг жасади ҳануз қорайиб кўриниб турипти. Алексей жуда хафа бўлди, лекин руҳи тушмади. У тезроқ юришга азм қилди, ўридан туриб, тишини-тишига қўйди ва олдидаги қарағайдан қарагайгача, қор уюмидан қор уюмагача, тўнкадан тўнкагача кичик-кичик нишон қилиб, шу нишонларга кўз тикиб юраберди. Бўмбўш ўрмон йўлидаги оёқ тегмаған қор устида унинг кетида яраланган жониворнинг изидек эгри-буғри, чала-ярим излар қоларди.

#### 4

У кечқурунгача шу аҳволда йўл юрди. Орқа томонда қуёш ботиб, қарағайлар тепаси шафақдан сал қизаргаңда ва ўрмондаги қоронғилик қуюқлаша бошлаганда йўл бўйидаги аржад буталари блан қопланган

бир сойлика Алексей даҳшатли бир манзарани кўрди-да, а’зойи бадани муз бўлиб жимиirlаб, шлём остидаги сочлари тикка бўлиб кетди.

Орқада қолган бояги майдонда жанг бўлиб турган чоқда, бу сойликдаги аржад дараҳтлари орасида санитария ротаси жойлашган бўлса керак. Ярадорларни шу ерга олиб келиб, барглардан қилинган ёстиқларга ётқизганлар. Ҳозир ҳам улар буталар тагида қаторлашиб, қор босиб ётмоқда эдилар. Уларнинг жароҳатдан ўлмаганликлари кўриниб турар эди. Кимдир пичоқ блан уларни бўғизлаб ташлаган ва уларнинг ҳаммаси ҳозир бир вазиятда, бошлари таналаридан жудо бўлиб ва худди орқа томонда нима бўлаётганига тикилиб қарагандек ётмоқда эдилар. Бу мудҳиш манзаранинг сири дарҳол ма’лум бўлиб қолди. Бир қарағай тагида қор босган бир қизил аскар жасади ёнида, унинг бошини тиззасига қўйиб кичкина, озғингина бир қиз—сестра ярим белигача қорга кўмилиб ўтирипти. Унинг бошида қулоқчин телпаги бўлиб, тасмасини томоғи тагидан боғлаб олган. Унинг икки кураги ўртасига санчилган пичоқнинг сопи ялтираб турипти. Унинг ёнида СС қўшинининг қора мундирини кийган бир немис блан боши қонли марли блан ўралган бир қизил аскар бир-бирининг томоғидан қаттиқ бўғишиб, шу ҳолича қотиб қолишипти. Алексей воқиани дарров пайқади: ана шу қора мундирлик немис ярадорларни сўйган ва сестрага пичоқ урган. Аммо ҳали жони чиқмаган қизил аскар энг сўнгги кучини қўлига бериб, душманнинг томоғидан бўғиб олган.

Ярадор қизил аскарни ўз гавдаси блан иана қилган қулоқчин телпаклик озғин қизни ҳамда унинг оёқ томонида бир-бирининг томоғидан бўғишиб олган ва оёқларида қўнжи кенг эски керз этик бўлган икки кишини, я’ни жаллод немис блан қасос олучи қизил аскарни қор бўрони шу вазиятда кўмиб ташлаган.

Мересьев бир пас ҳайрон бўлиб турди-да, сўнгра оқсаб-оқсаб сестра ёнига борди ва унинг гавдасидан пичоқни суғуриб олди. Бу эсэслар тақадиган пичоқ эди. У қадимги герман қиличига ухшатиб ясалган ва сопи қизил ёғочдан бўлиб, унда эсэсларнинг тамғаси

кумушбанд қилиб ўйилган эди. Пичоқининг занг бос-  
ган тигида эса „Alles für Deutschland\*“ деб ёзилган  
эди. Алексей ханжарнинг чарим филофини эсесчининг  
белидан ешиб олди. Бу пичоқ йўлда керак бўлади.  
Сўнгра, у тарашадек қотиб музлаб қолган плаш-палат-  
кани қордан кавлаб олиб, сестранинг устига авайлаб  
ёпди ва устига бирнеча қарағай шохчасини қўйди...

У то бу ишларни қилгунча, қоронги бўлиб қолди.  
Фарб томондан дарахтлар орасига тушиб турган  
ёруғлик йўқолди. Сойликни совуқ ва қуюқ зулмат  
босди. Теварак-атроф жим жит бўлса-да, кечки шаба-  
да қарағайлар тепасида ўйнаб юрмоқда эди. Ўрмон  
гоҳ мунгли товуш чиқариб аллалар, гоҳ ваҳимали  
ғувиллар эди. Сойликда ҳозир кўзга равшан кўрин-  
майдиган қорнинг юзи жимирилаб, йилтираб турарди.

Алексей Волга бўйи саҳролари ўртасидаги Ками-  
шин шаҳрида туғилган шаҳарли бўлганидан, ўрмонда  
юришда тажрибаси йўқ эди; шунинг учун у кечаси  
ётадиган жойи ва гулхан ёқиши тўғрисида ўйламаган  
эди. Тим қоронги, бунинг устига юриб зада бўлган  
майиб оёқлари чидаб бўлмаслик даражада зирқираб  
огримоқда, бориб ўтин олиб келишга мадори йўқ. У,  
ёш бир қарағай остидаги буталар орасига кириб,  
дарахт остига ўтириди, бўйини ичига тортиб, калласи-  
ни икки тиззаси орасига эгиб ва қўллари блан тизза-  
сини қучоқлаб мушшайиб ўтириди. У, қимир этмасдан ўз  
нафаси блан ўзини иситар ва ҳозирги осойишталиқ ва  
ҳаракатсизликдан жони ором олмоқда эди.

У, тўппончасининг курокини кўтариб, тайёрлаб  
кўйган эди. Лекин ўрмонда биринчи мартаба тунаётган  
бу кечада Алексейнинг тўппончадан ота билиши гу-  
мон эди. У тошдек қотиб ухлаб қолган эди. У, қара-  
ғайларнинг бир мақомда шивирлашини ҳам, йўл  
бўйидаги қайси бир дарахтга қўниб укиллаётган укки-  
нинг товушини ҳам, бўриларнинг яқиндан увиллашини  
ҳам, хуллас ўрмонни қоплаган кеча зулмати орасидан  
келаётган товушларнинг ҳечбирини эшитмас эди.

\* «Ҳамма нарса Германия учун».—*Тарж.*

Аммо, тонг хира ёришиб, яқиндаги дарахтларнинг қораси қишиң қоронғилиги орасидан сал кўринган ҳамон, Алексей, худди бирор туртгандек, бирдан уйғонди. Уйғонганидан кейин эса ўзига келди ва унга нима бўлганини, қаерда турганини пайқади ва кечани ўрмонда бундай бепарво ўтказгани эсига тушиб, чўчиб кетди. Изғирин совуқ «шайтон тери» дан ва комбинезон ичидаги жундан ўтиб суюкларини ҳам зириқтирабошлиди. А’зойи бадани дағ-дағ титрарди. Лекин оёқлари ҳаммадан ёмон азоб бераётган эди: оёқлари, ҳозир ўтирган чоғида ҳам, яна баттарроқ зирқирайбошлаган эди. У ўрнидан туриши кераклигини ўйлаб ваҳимага тушди. У кеча оёғидаги унтларни қандай шиддат блан ешган бўлса, ҳозир ўрнидан ҳам шундай шиддат блан турди. Фурсатни бекор ўтказмаслик керак эди.

Алексейнинг тортаётган азоб-уқубатлари устига устак бўлиб очлиқ ҳам қўшилди. Кеча у, сестранинг устига плаш-палаткани ёпаётганида, унинг ёнида қизил крест тамраси солинган брезент сумкани кўрган эди. Йиртқич жониворлардан бири аллақачон сумкани ағдар-тўнтар қилиб қўйган, унинг тиш блан йиртилган тешикларидан нон ушоқлар тўкилиб ётарди. Кеча Алексей бунга ҳечқандай э’тибор бермаган эди. Бугун эса у сумкани қўлига олди. Ундан бирнече индивидуаль пакет, бир даста хат ва орқасига орикцина бир кампирнинг сурати ёпиштирилган ойнча тошилди. Сумкада нон ёки сухари бўлганлиги, уни қушларми ёки йиртқич жониворларми еб қўйганлиги билиниб турарди. Алексей консерва блан бинтларни комбинезонининг чўнтакларига бўлиб солди ва ўз-ўзича «раҳмат, синглим!» деди-да, қизнинг оёғи устидан шамол суриб қўйган плаш-палаткани тўғрилаб қўйди; шундан кейин шарққа қараб йўл олди. Бу вақтда шарқ дароxt шохлари орқасидан қизғимтил аланга бўлиб кўрина бошлаган эди.

Энди унинг қўлида бир килолик консерва бўлиб, буни бир кунда бир маҳал — тушдагина ейишга қарор қилди.

Ҳар қадам қўйганида қийнаётган оғриқни босиш учун, Алексей ўзининг диққатини чалғитиб, ҳар кун қанча йўл юришини ўйлай ва ҳисоблай бошлади. У, ҳар кун ўн-ўн икки километрдан йўл босса, уч кунда, кўп деганда тўрт кунда ўзимизниклар турган ерга етиб боради.

Хўп, жуда яхши! Хўш, ўн-ўн икки километр йўл босиш нима деган сўз ўзи? Бир километр икки минг қадам, демак, ўн километр йигирма минг қадам бўлади, лекин ҳар беш-олти юз қадамда тўхтаб дам олиш кераклиги назарда тутилса, йигирма минг қадам жуда кўп...

Кечаке Алексей йўлни яқин қилмоқ учун дарахтни, тўнкани, ўнқир-чўнқирларни мўлжал қилиб, шу мўлжалга етиб олгач, дам олишни ўйлаган эди. Энди у мўлжални рақамга кўчириб, қадамлаб санайдиган бўлди. У, ҳар минг қадам, я'ни ярим километр орасида дам олиб юришга қарор қилди, дам олганда ҳам ҳар соатда фақат беш минутдан дам олишга аҳд қилди. Шундай қилганда, у кун чиқишидан кун ботишгacha, гарчи зўр мاشаққат блан юрса ҳам, ўн километрча йўл босаоларди.

Лекин у дастлабки мини қадамни минг мاشаққат блан босди! У, оғриқ пасаярмикин деб босган қадамини санаб борди, аммо беш юз қадам босгач, саноғдан адашиб, янглиш санайбошлади ва яна бутун хаёли фақат куюшиб санчаётган оғриққа банд бўлди. У, ҳар ҳолда, бир амаллаб, минг қадам йўл босди. Ўтиришга ҳам дармони етмай, муккаси блан қорга ташланди ва зўр бериб қор ялайбошлади. Пешонасини ва лўқиллаб турган чаккаларини қорга босди, бадани муздек қорга тегиши блан жони роҳат қилиб, ором олди.

Сўнгра у сесканиб, соатига қаради. Соатнинг чиққиллаб айланәётган секунд стрелкаси бешинчи минутга етай деб қолган эди. У, худди стрелка айланниб бўлса мудҳиш бир воқия юз берадигандай, қўрқиб стрелкага қаради ва стрелка олтмишга етганда, дарҳол ўрнидан туриб, инқиллаб йўлга тушди.

Кун тиккага келиб, унинг нурлари қалин игнабарглар орасидан ярим қоронғи ўрмонга тола-тола шу'ла сочабошлаганда ва ўрмонда мұм аралаш қор ҳиди бурқиб турганда, у шу зайлда түрт манзил йўл юрди. У, икки қадамча нарида ағанаб ётган катта қайин даражти олдига боришга ҳам мадори етмай, йўл ўртасида қорга ўтириб қолди. У бўшашиб, ҳечнарсани ўйламай, ҳечнарсани кўрмай ва эшитмай, ҳатто оч қолганини ҳам сезмай узоқ ўтирди.

У хўрсиниб, бир-икки думалоқ қорни олиб оғзига солди ва ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб, чўнтағидан занг босган консерва бапкасини чиқарди-да, тифига немисча хат ёзилган ханжар блан уни очди. У музлаб қолган бир бурда бемаза ёғни олиб оғзига солди, ёғни шундайича ютмоқчи эди, оғзида эриб кетди. Еғнинг мазасини тотигач, иштаҳаси шу қадар очилиб кетдики, консервадан нафсини зўрга тийиб, тасалли топиш учун қор еябошлади.

У аржад навдасидан иккита таёқ кесиб олиб йўлга тушди ва таёқларга суюниб юрабошлади, лекин юриш борган сайин қийинлашмоқда эди.

## 6

... Қоронғи ва қалин ўрмонда юриб, одамзод нишонасини кўрмаган Алексей учинчи куни кутилмаган ажойиб бир ҳодисага дуч келди.

Қуёш эндиғина нур сочабошлаганда, Алексей соvuқдан қалтираб ва титраб уйгонди. У, комбинезонининг чўнтағидан зажигалка топди, бу зажигалқани унга механик Юра эсадалик учун милтиқ патронидан ясаб берган эди. У, чўнтағида зажигалка борлигини ҳам, олов ёқиши мумкинлиги ва кераклигини ҳам унтуган эди. У, кечаси тагида ётгани арча дарахтидан қуруқ шохчаларни синдириб олди ва устига игнабаргларни бостириб ўт ёқди. Кўкиш тутун остидан сарғиҷ алангана ёриб чиқди. Еғлиқ қуруқ ўтин гуруллаб ёнабошлади. Сўнгра алангана игнабарг шохчаларига ўтиб, шамолда ҷарсиллаб ва қарсиллаб ёниб кетди.

Гулхан чарсиллаб ва гуриллаб ёнар, унинг жонга ҳузур берадиган ҳарорати теваракка тарқалар эди. Алексей роҳат қилди, комбинезонининг тугмаларини ечиб, гимнастёркаси чўнтағидан бирнечта ғижимланган хатни олди. Бу хатларнинг ҳаммасини бир киши каттакатта ва чиройли ҳарфлар блан ёзган эди. Бир хат ичидан йўл-йўл гулдор кўйлак кийган ва кўкат устида оёқларини йиғиб ўтиргана озғингина бир қизнинг сурати чиқди. У суратга узоқ тикилиб турди, сўнгра, яна авайлаб елим қофозга ўраб хат ичига солди-да, бир пас ўйланиб қўлида ушлаб тургач, яна чўнтағига солди.

У, ҳалиги қизга мурожаат қилибми, ёки ўз-ўзига қаратибми:

— Майли, майли, ҳаммаси яна ўз ўрнига тушиб кетади,— деди ва бироз ўйланиб туриб яна:— Майли...— деб қўйди.

У одатдагича жадал ҳаракат блан оёқларидан унталарини еди, шарфдан қилган пайтаваларини ечиб, оёқларига синчиклаб қаради. Оёқлари яна қаттиқроқ шишган эди. Товонлари худди резинкадан ясалиб, пуфлангандай, бармоқлари ҳар томонга тарвайиб кетган. Товонлари кечагидан ҳам баттарроқ қорайган эди.

Алексей ўчиб қолган гулхан блан хайрлашар экан, бир уф тортиб қўйди ва яна йўлга тушиб, музлаган қорда таёқларини дўқиллатиб, лабини тишлаб ва ба’зан ҳатто ҳушидан кетгудай бўлиб юрабошлади. Тўсатдан у, ўрмоннинг қулоққа сингиб қолган шовуршувлари орасидан моторларнинг узоқдан гулдираётган товушини эшилди. У аввал чарчаганимдан шундай туюлаётир, деб ўйлади, броқ моторлар гоҳ ғувиллаб, гоҳ тариллаб яна қаттиқроқ овоз чиқара бошлади. Афтидан, худди шу йўлдан немислар келаётганга ўхшар эди. Алексей, ичига муз тушгандай, бадани жимирилашиб кетди.

Қўрқиши Алексеяга куч берди. У чарчаганини ҳам, оёқларининг оғришини ҳам унтиб йўлдан бурилди, қўриқдан юриб қалин арчазорга кирди ва буталар орасида қорга ўтирди. Йўлдан уни кўриш, албагта, қийин эди; аммо у арчаларнинг устига келиб тикка

босиб олган ер уларга роҳат ва ҳуэур-ҳаловат бермайди! Ҳатто уч кундан бери Алексей одамзод нишонаси-ни кўрмаган ана шу ўрмонда ҳам уларнинг офицери ўзини мана шундай қурол-аслача ва аскар блан қўриқ-лаб юради.

«Майли, майли, ҳаммаси яна ўз ўрнига тушади!» — деди Алексей ўзига далда бериб ва оёқларининг қаттиқ оғришига, ўзининг мадори кетаётганига қарамай, қадамини тезлатиб юра берди. Ёш арчанинг пўстлоғи-ни кемириш ҳам, қайнин дарахтининг таҳир куртаги ҳам, липа дарахтининг сақичга ўхшаган қобуғи ҳам энди унинг ме'дасига ором беролмас эди.

У, кун ботгунча юриб, зўрга беш манзил йўл босди. Лекин, кечаси, ярим чириб ётган йўғон қайнин дарахти-нинг танаси устига шоҳ-шабба қалаб катта гулхан ёқди. Дарахт танаси биқсиб ёнар экан, у қорда чўзилиб ухлаб ётар, ёқимли ҳароратни сезиб, уйқусида уёнидан бу ёнига ағдарилар ва ҳарзамон уйғониб, аллан-гаси пасайиб ўчаётган гулханга қуруқ шоҳ ташларди.

Ярим кечаси қаттиқ бўрон бошланди. Унинг тепасидаги қарағайлар қимирилаб ваҳимали шовур-шувур, ғажир-ғужур қиласабошлади. Булутдек қалин ёғаётган қор ерда қуюндек кўчиб юради. Чарсиълаб, учкунла-ниб ёнаётган алалга устида қоронғу-зулмат ўйнарди. Аммо қор бўрони Алексейни безовта қилмасди, у гулхан ҳароратида маза қилиб ухламоқда эди.

Үт уни йиртқич ҳайвонлардан қўриқлар эди. Бундай кечада немислардан хавотир олмаса ҳам бўлади. Бўрон вақтида қалин ўрмонга киришга уларнинг юраги дов бермайди. Йўл азобидан чарчаган Алексей тутун аралаш иссиқликда ором олиб ётган бўлса ҳам, сезгирилкка ўрганиб қолган қулоғи ҳарбир товушни дарров илиб оларди. Тонг отарга яқин бўрон тиниб, ер устини оппоқ қалин туман қоплаган пайтда қарағай учларининг шовиллаши, тушаётган қорнинг шитирлаши орасидан Алексейнинг қулоғига йироқдан келаётган жанг садоси — тўпларнинг гумбирлаши, автоматларининг тариллаши, милтиқларнинг қарсиллаши эши-тилгандай бўлди.

«Наҳотки фронт линияси бўлса? Дарров-а».

Броқ эрталаб шамол туманин тарқатган, кечаси блан кумушга бўялиб чиққаи ўрмон эса қуёшда булдуриқдай товлаинган ва баҳор келаётганини сезган қушлар ўрмопининг тўсатдан бундай бошқача туслагириб қолганига суюнгацдай чугурлашиб, чулдирашиб сайдрайбошлаган пайтда, Алексей шунчак қулоқ солса ҳам, жанг садосини — мильтик овозини, ҳатточи замбаракларниң гумбирланшини ҳам эшитаолмади.

Қор қуёшда жилвалалиб, оппоқ тўзон бўлиб дарахтлардан қуйилар эди. Баҳор нишонаси бўлган катка-катта томчилар унда-бунда секингина шипиллаб қор устига тушарди. Баҳор! Бугун эрталаб баҳор ўзининг келгаплигини биринчи марта очиқ ва дангал изҳор қилган эди.

Консерванинг қолган йўқ-юримини — хушбўй ёғ ичидаги бирнеча тола гўшини — Алексей эрта блан емоққа қарор қилди, йўқса ўрпидаи туролмаслигини сезган эди. У банканинг ичини бармоқлари блан хўп қирди, қўлининг бирнеча сенинг банканинг қиррасига уриб кесиб ҳам олди, лекин назаридан ҳамон банкада ёғ қолгандек бўлар эди. Банкага қор тўлғизди, гулхани қоплаган оппоқ кулни бир четга сурди ва банкани чўғ устига қўйди, сўнгра, аранг гўшт ҳиди келиб турган бу қайноқ сувни оз-оз ҳўплаб ҳузур қилиб ичди. У, чой қайнатишга керак бўлади деб, банкани чўнтагига солиб қўйди. Иссиқ чой! Кўнгилга хуш қелган бу кашфиёт Алексей яна йўлга тушганида, уни бироз тетик қилди.

Аммо унинг олдида бир мушкилот турар эди. Кечасидаги бўроңда йўл буткул беркилиб, уни қор уюмлари тўсиб ётар эди. Бир зайлда жимирлаб турган кўкиш қор кўзни қамаштиради. Кўпчиб турган ва ҳали қотмаган қорга оёқлар ботиб кетарди. Оёқларни қордан суғуриб олиш жуда машақкат эди. Ҳатто қўлидаги таёқлар ҳам қорга ботиб қолар ва яхши ёрдам бермас эди.

Дарахтларниң соялари қуюқлашиб, қуёш шохлар орасидан ёлғиз оёқ йўлга мўралаб кун қиёмга яқинлашганда Алексей тахминан бир минг беш юз қадамча

Йўлни аранг босди ва шу қадар чарчадики, энди ҳар-  
бир қадамни не машаққат блан босар, тентирар эди.  
Ер унинг бёқлари остида чайқалар эди. У ҳар нафасда  
бир йиқилиб, бир зумгина пешонасини кирсиллаб  
турган қорга босиб, қор уюми устида ҳаракатсиз  
ётар, сўнгра ўрнидан туриб яна бирнеча қадам бо-  
сарди. Ўйқу жуда қаттиқ ғалаба қилиб, ётгиси,  
сра қимирламай ухлагуси келарди. Нима бўлса бўлар!  
Ў ба’зан караҳт бўлиб, гандираклаб тўхтаб қолар,  
сўнгра лабларини қаттиқ тишлаб, эс-ҳушини йиғиб  
олиб, оёқларини зўрга судраб яна бирнеча қадам бо-  
сарди.

Ниҳоят у ортиқ юраолмаслигини, қимирлашга сра  
мадори қолмаганини ва энди ўтируса қайтиб ўрнидан  
туролмаслигини сезди. У атрофга маҳзун кўз ташлади.  
Ундан сал нарида—йўл бўйида, ёш, садага ўхшаш бир  
қарағай турагар эди. У бор кучини йиғиб шу қарағай  
ёнига борди-да, ўзини унинг устига ташлади, ияги  
тўғри қарағайнинг айрисига бориб тушди. Майиб оёқ-  
ларига тушган оғирлик бироз камайиб, енгиллашди.  
У ларzonланиб турган новдалар устида ором олиб  
ётарди. Ўнғайроқ ётиш учун иягини қарағай айрисига  
тираб, оёқларини бирин-кетин кўтарди, гавдасининг  
оғирлигидан бўшалган оёқлари қор уюмидан дарров  
суғурилиб чиқди. Худди шу топда Алексейнинг миясига  
бир фикр келди.

Ма’қул, жуда ма’қул! Шу қарағайни кесиб олиб,  
айри ҳассса қилинса-ю, иякни айрига тираб, гавданинг  
оғирлигини унга бериб, ҳозиргидай оёқни осонгина  
кўтариб олға босилса бўлади-ку ахир. Тез юриб бўл-  
майдими? Албатта тез юриб бўлмайди, аммо тез чар-  
чаб қолинмайди ва қор уюмлари босилиб, қотишини  
кутиб турмасдан йўлни давом этдириш мумкин бў-  
лади.

У шу ондаёқ чўккалаб, ханжар блан қарағайнини  
кесиб олди, шохчаларини бутаб ташлади, айрисига  
дастрўмолчасини ва бинтларни ўраб, дарҳол юриб  
кўрмоқчи бўлди. Ҳассани олға ташлаб, иягини унга  
тираб ва қўллари блан маҳкам ушлаб бир қадам бос-  
ди, сўнгра иккинчи қадамни қўйди, ҳассани яна олға

кўтариб ташлаб, яна иягини тиради, тагин икки қадам босди. Шу тариқа қадамларини санаб ва янги юриши нормаси белгилаб, юриб кетаберди.

Қалин ўрмонда бундай ғалати усул блан юришини четдан бирон киши кўрса, эҳтимол, ҳайратда қолар эди. Чунки қалин қор устида қурт сингари бундай сургалиб юрганда кун чиққандан кун ботганга қадар фақат беш километр йўл юриш мумкин эди, холос. Лекин ўрмонда ҳечким йўқ эди. Алексейнинг бу аҳволда юришини ҳаккалардан бўлак ҳечким кўрмас эди. Ҳаккалар эса, бу уч оёқли ғалати одамни шу кунларда ҳа деб кўраберид, унинг безарар киши эканлигига ишонган эдилар, шунинг учун у жуда яқинлашиб келган чоқда ҳам, учиб кетмасдан, фақат бир-икки марта бепарво ҳаклаб йўлдан четлашардилар, сўнгра бошлирини ёнга буриб, қора мунчоққа ўхшаш кўзларини чўччайтириб, Алексейга маскара блан қараб турадилар.

## 8

Шу тариқа у таёгини олға ташлаб, гавдасини унга суюб ва оёғини судраб қор босган йўлдан яна икки кун юриб борди. Товоонлари тамомила караҳт бўлиб, энди ҳечнимани сезмас эди, аммо ҳарбир қадам ташлаганида а'зойи бадани зирқираб кетарди. Очлик азоби ҳам йўқолди. Қорнидаги қалтироқ ва санчиқ босилди, энди қорнига қаттиқ бир нарса тиқилиб тўхтовсиз оғрирди, бўш ме'даси тошдек қотиб ва чаппасига ағдарилиб бутун ичак-чавогини эзабётгандек туйиларди.

Алексейнинг овқати дам олишга ўтирган чоқларила ханжари блан сўйиб олган қарагай новдаларининг пўстлоги, қайнин ва липа дарахтларининг майдада куртаклари ва ҳали ҳам кўкариб турган юмшоқ моҳ кўкатидан иборат эли. Бу кўкагни у қор тагидан кавлаб олиб, тунамоқчи бўлган жойида уни сувга солиб қайнатарди. Унинг қорлари эриган жойларда ялтираб турган брусник япроқчаларидан қилган «чойи» жуда ҳам мазали бўлди. Ичига тушган қайноқ сув баданига ором берди ва ҳатто қорни ҳам тўйғандай бўлиб сезилди. Тутун ва кўкат хили келиб турган «чойи»ни иchar

экан, Алексейнинг кўнгли тамом тинчигандай бўлди ва энди йўл ҳам унча бепоён ва даҳшатли бўлиб кўринмас эди.

У, олтинчи кечада ҳам тунаш учун шохлари кўк чодир бўлиб тарвайиб турган арча тагида жой ҳозирлади ва ёнгинасида турган бир тўнка теварагида хасчўп тўплаб ўт ёқди, унинг мўлжалига бу тўнка бутун кечаси блан ёниб чиқиши керак эди. Ҳали қорони тушимаган эди. Арча шохларининг учидаги кўз илғамас олмахон югуриб юрарди. Олмахон арча бўқоқчаларини арчиб, мағзини егаёт, бўши ва ёриқ пўчоғини дам-бадам срия ташлаб турарди. Ҳозир бутун хаёли овқатда бўлган Алексей олмахоннинг бу бўқоқчалардан нима топиб ейишига қизиқди. У битта бутун бўқоқчани ердан олиб чиқди ва ичида катталиги тариқ донасича келадиган япалоқ мағизни кўрди. Бу мағиз майдагина ирвити ёнғоқнинг мағзига ўхшарди. Алексей мағизни чайнаб кўрди. Оғзида ёнғоқникидай хушбўй бир маза пайдо бўлди.

Алексей бирнечта бутун ва ҳўл арча бўқоқчаларини анил-тапил териб олиб, оловга ташлади. Майдага шохчалар ташлаб ўгни ёндиригандан кейин, бўқоқчалар чирсиллаб ёрилабонылади. Алексей унинг донасини қоқиб олиб, кафтлари блан ишқалади, сўнгра пўстиши пуфлаб, мағзини оғзига солди.

Ўрмон секин шилдираб турарди. Тўнка вишиллаб, исириқ ҳидига ўхшаш хушбўй ва чучук ҳид тарқатиб ёнарди. Аланга гоҳ кучаяр, гоҳ пасаярди. Аланга кўтарилиб теваракни ёритганда, олтиндай товланучи қарагайлар ва кумушдек товланучи қайин дарахтлари равшан кўринар, аланга пасайганда эса улар яна зулмат пардасига ўраларди.

Алексей гулханга шохчалар ташлаб, яна арча бўқоқчаларини тозалаб ейишга тутинди. Ирвитий ёнғоқнинг ҳиди унга аллақачонлар унутилиб кетган болалик чоғларини эслатди... Қичкина бир хона, унда ҳархил ганиш буюмлар. Осма лампа остида стол туритти. Ясангай оиласи кечки ибодатдан қайтиб келгач, дабдабали бир суратда бориб сандиқни очар ва ундан қогошга ўрголиқ ирвитий ёнғоқларни олиб лаганга

тўкарди. Бўтун оила а'золари, я'ни онаси, бувиси, икки акаси ва ҳаммадан кенжатои бўлган Алексейнинг ўзи стол атрофига ўтиришиб, одатда ҳайитлардагина ейиладиган бу ёнгоқларни завқ блан чақишардилар. Гап-сўз йўқ. Бувиси ёнгоқ мағзини шпилька блан кавлаб олса, онаси тўғноғич нинаси блан кавлаб оларди. Онаси ёнгоқни тиши блан чақиб мағзини олдига тўплаб қўярди. Сўнгра уларни кафтига қўйиб болалардан бирининг оғзига соларди. Мағизлар қайси боланинг оғзига тушса, унинг лаблари онасининг меҳнат блан қотган ва тинимни билмайдиган, ҳозир эса байрам муносабати блан жайдари атр совун ҳиди келиб турган қўлларига тегарди.

Камишин шаҳри... болалик даври! Бу оила кўчанинг бир чеккасидаги кичкина уйда роҳат қилиб яшарди!.. Ўрмон шилдирав, юзга иссиқ ҳарорат тегар, орқадан эса совуқ шабада санчиларди. Қоронғида уккининг укиллаши, тулкининг увилаши эшитиларди. Гулхан ёнида буришиб, нима тўғрисидадир ўйлаб бир одам ўтирипти, унинг кўзлари сўнаётган ва йилтираб турган ўтга тикилган. Бу одам оч, хаста, бунинг устига ўлгудек чарчаган. Бу ҳайбатли қалин ўрмонда ундан бўлақ одам нишонаси йўқ. Унинг олдида нома'лум йўл турибди, бу йўлда кутилмаган хавф-хатарлар ва азоб-уқубатларни кечиришга тўғри келади.

— Майли, майли, ҳаммаси яна ўз ўрнига тушиб кетади! — дейди бу киши бирдан, шу чоқда у қандайдир узоқ фикрларни ўйлаб, ёрилиб кетган, титраган лаблари блан бу фикрларига жилмайиб қўйди, сўнаётган гулханнинг сўнгги яллиғида унинг жилмайиши яқъол кўринди.

## 9

Алексей етти кун йўл юргандан кейин, бўрон кечаси узоқдан эшитилган жанг товушлари қайси томондан келганини билди.

У тамом ҳолдан кетиб, дамини ростлаб олиш учун ҳар минутда бир тўхтаб, қори эриган ўрмон йўлидан сургалиб бормоқда эди. Энди баҳор ҳам ўз жилвасини

яқиндан кўрсатди. Одамзод яшамайдиган бу қалин ўрмонга баҳор кириши блан гувиллаб иссиқ шамол эсди, қуёш нурлари дарахт шохлари орасидан наштардек ўтиб, тепалик ва дўнгалақлар устидаги қорларни ювабошлади, кечқурунлари қарғалар ғам блан қағиллашга тушдилар, зағчалар эса оёқларини кериб, битта-битта қадам ташлаб йўл ёқаларида кеккайиб юрадилар, ба’зан, ғуж-ғуж бўлиб учиб юрадиган асаларилардек лайлакқор ёғади, қори эриган жойларда сувлар кўлмак-кўлмак бўлиб ялтираб туради — ўзининг маст қилучи кучли хушбаҳр ҳиди блан бутун жону-жониворларниг завқини қўзғатиб эсанкиратган баҳор ана шуидай бошланди.

Алексей баҳор пайтларини ёшлик чоғлариданоқ севарди. У ҳатто ҳозир ҳам, увиган ва ошланиб кетган жунли этиклари ичида майиб оёқларини кўлмак сувлар ичида сургаб бораётган, очликдан, оғриқдан ва чарчашибдан мадорсизланиб, ҳущдан кетиб қолаётган, кўлмак сувларга, ёпишқоқ қор ва лойларга ла’нағ ўқиб бораётган бир чоқда ҳам, баҳорнинг маст қилучи хушибўй ҳидларидан тўйиб-тўйиб нафас оларди. У энди йўл-пўлга қарамай, кўлмак сувлардан ҳазар қилмай, айри таёғига қаттиқ суюниб, йиқилиб, туртиниб тўғри илгари босар, ба’зан тўхтаб дамини олгач, яна таёғини имкон бориҷа каттароқ кўтариб ташлаб, оҳиста оҳиста шарққа қараб борарди.

Ўрмон йўли чапга қараб бурилиб кетган қайрилмага келгач, Алексей бирдан тўхтаб донг қотиб қолди. Йўлнинг икки томонида қалин дарахтчалар ўсган жуда тор жойида, у қайсибир куни ёнидан ўтиб кетган немис автомашиналарини кўриб қолди. Машиналарнинг олдини иккита йўғон қарағай тўсиб турарди. Бу қарағайлар ёнида болта дамига ўхшаган япалоқ броневик турар ва унинг радиатори қарағайлар орасига тиқишиб қолган эди. Броневик ҳозир аввалгицек ола-була оқ рангда эмас, қорамтил рангда эди ва шинлари күниб кеғанидан, пастаккина темир тўғини устида турарди. Унинг учиб кетган башняси қурбақа салласига ўхшиб дарахт ёнида қорда ётарди. Броневик ёнида уч мурда ётарди, булар броневик экипажи бўлиб, танла-

рида ёғ босган калта тужурка, бошларида ёса матодан қилинган шлём бор эди.

Икки вездеход ҳам куйиб, ичидаги асбоб-ускунала-ри кўмирга айланиб кетган эди ва улар куйинди, кул-қурумдан қорайган қорда броневиклар орасида тиқи-лишиб ётарди. Теваракда, йўл ёқаларида, буталар орасида немис солдатларининг ўликлари ағдарилиб ётарди. Улар лоақал нима воқия юз берганини ҳам яхшироқ пайқамасдан, қўрқиб түш-тўшга қочганлари, аммо ҳарбир дараҳт, ҳарбир бута орқасида, қор ўркач-лари орасида пусиб ётган ўлим чангалига тушганлари уларнинг бу йўсинда думалаб ётишларидан кўриниб турарди. Мундирли офицернинг мурдаси дараҳтга боғ-лаб қўйилган эди, лекин унинг иштони йўқ эди. Унинг ёқаси қора кўк френчига бир хат қадаб қўйилган эди. Хатда: «Ниятингга яраша ажалингни топдинг» деб ёзилган эди. Унинг пастроғида бошқа бир кишининг қўли блан катта қилиб: «ит» леб ёзилган эди.

Алексей, ейдиган бирор нарса топилмасмикин, деб анча вақтгача жанг майдонига кўз солиб юрди. У фақат бир жойда қорга босилган ва чўқилган бир бурда эски, могорлаб кетган сухари топиб, оғзига олиб бориши блан жовдори буғдой нонининг ачиган ҳиди бўрқиб думоғига урди. У, бу сухарини бутунлигича оғзига солиб, хушбўй маза берадиган бу нонни сра тинмасдан чайнашни истарди. Аммо Алексей уни учга бўлиб, икки бўлагини так чўнгагига солиб қўйди ва бир бўлагини майда ушоқларга бўлиб, битта-битта оғзига солиб новвотдек сўриб борди ва бу лаззатни узоқроққа чўзишга ҳаракат қилди.

У жанг майдонини яна бир марта айланиб чиқди. Шу вақт хаёлига: партизанлар шу яқин атрофда юрганга ўхшайди! деган фикр келди. Мана шу буталар орасидаги ва дараҳтлар теварагидаги юмшоқ қорни босиб из қилган партизанларнинг оёғи эмасми, ахир. Ҳозир унинг ўликлар орасида тентираб юрганини, балки, партизанлар разведкачиси арча тепасиданми, буталар орасиданми, дўнгалак орқасиданми пойлаб-кузатиб тургандир. Алексей икки қўлини оғзига карнай қилиб овози борича қичқирди:

— Ҳо-ҳой! Партизанлар! Партизанлар!

У, овози секин ва бўш чиққанлигини сезиб ҳайрон қолди. Ҳатто унинг ўрмон ичидан эшитилиб, дараҳтлар орасидан жаранглаб ўзига қайтиб келган акс садоси овозидан баландроқ эди.

Алексей куйган машиналар ва душман ўликлари ўртасида қорда ўтиаркан:

— Партизанлар! Партизанлар! Ҳо-ҳо-ҳой! — деб қичқириди.

Қичқириб бўлгач, диққат блан қулоқ солиб турди. Бақирабериб, бўғилиб, хириллаб қолди. У, партизанлар ишларини битиргач, ўлжаларни олиб, аллақачон жўнаб кетганларини тушунди, улар одамсиз тўқайзор ўрмонда қолиб нима ҳам қилар эдилар? — Шундай бўлса ҳам Алексей чақиришини қўймади: у партизанлар ҳозир соқолларини серкиллатиб бирдан буталар орасидан чиқиб қолишларига ишониб чақираберди. У, партизанларнинг бундай му'жизалари ҳақида кўп қизиқ гаплар эшишган эди. Мана, партизанлар ҳозир келадилар-да, уни олиб кетадилар, у гарчи бошқаларнинг амрида бўлса ҳам, лоақал бирон кун, бирон соат ҳечниманинг ташвишини қилмай ва ҳечнимага уринмай, дамини олади-ку.

Броқ, унинг чақиригига жавобан ўрмондан фақат жараглаган акс садо эшитиларди, холос. Бирдан Алексейнинг қулогига — ёки ҳа деб қулоқ сслаберганидан шундай туйилдимикин? — игна-баргларнинг оҳангдор шилдираши орасидан гум-гум қилиб турган товушлар эшитилди. Бу товушлар тез-тез эшитилар, гоҳ зўрайиб, гоҳ пасайиб туради. Алексей қаттиқ сесканиб кетди: қулогига худди ўрмоннинг узоқ бир еридан бирор уни дўстона овоз блан чақираётгандек туюлди. Лекин Алексей қулогига ишонмади ва бўйинни чўянича узоқ ўтириди.

Їўқ, у алданмаган эди. Шарқдан эсган шамол блан келаётган тўй овозлари яна яққол эшитилмоқда эди. Лекин бу тўй овозлари кейинги ойларда икки тарафнинг қўшиплари мудофаа учун қатор-қатор окоп ва истиҳомларга кириб олиб, ҳар замон-ҳар замонда снаряд отишиб, бир-бирларини безовта қилганилари

сингари, онда-сонда чиқаётган өвөзлар әмас әди. Түпнлар шу қадар тез ва қаттиқ отилаётган әдик, худди бирор бир хирмон қайроқ тошни ағдариб совираётгандек ёки заранг ёғочдан ясалған бочкани муштлари блан тез-тез үриб ноғора қилаётгандек әшигиларди.

Равшан! Икки тараф зўр бериб тўлбозлик қилишаяпти. Тўп овозларига қараганда, фронт марраси бу ердан ўн километрча келарди ва фронтда бир томон ҳужум қилиб, бир томон қаттиқ отишиб ўзини мудофаа қилаётгандга ўхшарди. Хурсандлигидан Алексейнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

У шарқ томонга қаради. Тўғри, бу ерда йўл тикка нариги томонга бурилиб кетарди, унинг олдида эса туаш қор ётарди. Броқ тўп овозлари ҳам ўша томондан эшитиларди. Партизанларнинг қорда қорайиб қолган чўзиқ-чўзиқ излари ҳам ўша томонга қараб кетган эди. Ўрмон кезучи бу жасур кишилар шу ўрмоннин аллақайси бир ерида яшар әдилар.

Алексей ўз-ўзича шивирлаб: «Майли, майли, ўртоқлар, ҳаммаси яна ўз ўрнига тушади!» деб таёғини дадил қорга босди ва унга иягини тираб бутун оғирлигини ташлади, қийналса ҳам оёқларини шахдам кўтариб босиб қор уюми устига чиқди ва йўлдан бурилиб қор босиб ётган қўриққа қараб юрди.

## 10

Бугун у қордан юриб юз эллик қадам ҳам йўл болмади. Қоронғи тушгач, тўхташга мажбур бўлди. У, яна бир қуруқ тўнкани топиб олиб, теварагига қуруқ шохчалар қалади, винтовка патронидан қилинган асрандиқ зажигалкани чўнтагидан олиб чақди, ёнмади, яна бир марта чақди — ёнмади, бирдан ҳафсаласи пир бўлди: зажигалканинг бензини тамом бўлган эди. У, бензиннинг юқ-юримини сиқиб чиқариш учун зажигалкани силкитди ва пуфлади, иатижা чиқмади. Ҳаво тамом қоронғилашди. Зажигалка ғилдиракчаси остидан яшин зарраси каби чиқсан учқунлар бир лаҳзагина юз олдини ёритди. Тош ейилиб кетди, лекин ўт ёқиши иложи бўлмади.

У эмаклаб ва пайпаслаб сербута бир қарағайча ёнинг борди, думдумалоқ бўлиб, иягини тиззаси ора сига эгиб ва тиззаларини қучоқлаб, шу куйича ўрмоннинг шовур-шувурларига қулоқ солиб ўтириди. Бу кечА Алексейнинг руҳи тушиб, умиди узилиши ҳам эҳтимол эди. Аммо тинч ўрмонда тўп овозлари барада эшитилиб турарди; у, ҳатто автомат ва пулемётларини тариллаган овози блан снарядларнинг гупиллаб чиқсан овозларини айирабошлигандай ҳам бўлди.

Алексей эрга блан юраги бекарор ва та'би хира бўлиб уйгонар экан, дарҳол бунинг сабабини ўйлади: «Менинга нима бўлди? Ёмон туш кўрдимми?» Бирдан эсига ғуниб кегди: ҳа, зажигалка. Броқ, қуёш юзидан пардасини кўтариб, теварак-атрофдаги нарсаларга жимиirlаб турган юмшоқ қорга ҳам, қарағай таналарига ҳам ва игнабарг дарахтларга ҳам олтин нур сочиб иситабошлигач, зажигалка гами зўр ташвиш бўлмай қолди. Лекин ундан ҳам ёмонроқ бир ҳол юз берди: у, шишиган қўлларини тиззасидан бўшатиб ҳаракат қиласа, ўрнидан туролмайдиганга ўхшайди. Ўрнидан турмоқчи бўлиб бирнечча бор уриниб кўрди, лекин туролмади, беҳуда зўр уришидан қўлидаги айри таёнина синдириб қўйди ва ўзи мўрт учиб ерга тушди. Шишиб кетган қўл-оёқларига дам бериш учун чалқамчасига чўзилди ва қарағай шохчалари орасидан бепоён кўк осмонга тикилиб қаради. Осмонда пахтадек оппоқ булатлар, теварак четлари олтиндек сарғич товланиб, тез сузиб юрарди. Унинг бадани бироз ёзилабошлиди, лекин оёқларига бирнима бўлганга ўхшарди. Оёқларини сра босолмай қолган эди. Алексей қарағай дарахтчасини ушлаб, ўрнидан турмоқчи бўлиб яна бир уриниб кўрди. Ниҳоят, у бир амаллаб ўрнидан турди, аммо дарахтча томонига бир қадам босиши блан бекуввағликдан ва товоnlари аввалгидан ҳам баттарроқ санчиб оғриганидан, ерга йиқилди.

Наҳотки, шу блан умри тугаса-я? Наҳотки мана шу ерда, қарағайлар остида ўлиб кетса-я? Эҳтимол, бу ерларга умрбод ҳечким келмас ва унинг йиртқичлар шиниб, кемириб ташлаган суюкларини дағн ҳам қиласи! Мадори қуриб, гавдаси тобора қаттиқроқ ерга

ёпишабошлади. Лекин йироқдан гумбирлаган тўп овози эшитилмоқда эди. У ерда жанг бўлаётир, у ерда ўзимизникилар бор. Қолган шу саккиз, ўн километр йўлни бир амаллаб босиш учун наҳотки унинг кучи етмаса?

Тўп овозлари уни ўзига тортмоқда, унга далда бермоқда ва жон ҳолига қўймай уни чақирмоқда эди; Алексей ҳам чақириқни жавобсиз қолдирмади. У икки кафтини ва икки тиззасини ерга тираб кўтарилиди ва эмаклаб шарқ томонга юрди. Аввал у, йироқдан эшитилаётган жанг овозларига бутунлай маҳлиё бўлиб беихтиёр эмаклаб борди, сўнгра ақл-ҳушини йигиб олиб, эмаклаб юришни астойдил давом эттириди, ўйлаб қарасаки, ўрмонзорда таёққа таяниб юришдан кўра эмаклаб юриш осонроқ экан, бундай юрганда, ҳозир заррача ҳам оғирликни кўтараолмайдиган товонларнинг оғриги анча камаяр ва хийла тезроқ ҳам юрар экан. Шу пайтда шодликдан яна юраги тўлиб, томогига бир нарса лишиллаб тиқилаёзди. У, гўё ўзига эмас, балки руҳи тушгани ва бу хил ақлга сигмайдиган юришдан бирон натижага чиқишига ишонмайдиган бошқа бир кишига ўгит қилаётгандек баланд овоз блан деди:

— Зиёни йўқ, биродар, мана энди ҳамма иш жоийда бўладиган бўлди-ку!

Шу аҳволда бир манзил эмаклаб боргандан кейин, у совуқотган бармоқларини қўлтиқларига тиқиб иситди, сўнгра кичкина бир арча дарахти ёнига эмаклаб бориб, унинг пўстлоғидан тўрт бурчак шаклда бирнечча бўлак кесиб олди, ундан кейин тирноқлари блан тирнаб, қайин дарахти пўстлоғидан узун-узун эқ тасмачалар тилиб олди. Шарфдан қилинган пайтаваларини унтларидан ечиб олиб, у блан кафтининг орқа томонидан қўлинни боғлаб, устидан тўрт бурчак пўстлоқни қўйди, уни яна қайн дарахтидан сўйиб олинган юмшоқ пўстлоқ блан боғлаб, сўнгра индивидуаль пакетлардаги бинтдан олиб устидан тортиб боғлади. Шундай қилиб ўнг қўлининг учидага жуда ўнғай ва япалоқ бир чўқмоқ ҳосил бўлди. У чап қўлини ҳам шундай қилиб тишлари блан боғлади, лекин буниси унча яхши

чиқмади. Аммо ҳар ҳолда энди қўллари «қўлқоплик» бўйли, Алексей яна эмаклаб юракетди ва юриш анча тишилашганини сезди. Бир манзил юргандан кейин у тиззаларига ҳам бир парчадан пўстлоқ боғлаб олди.

Кун пешинга яқинлашиб, ҳаво анчагина исиганда Алексей қўллари блан «қадамлаб» бирталай йўл босган эди. Унинг тўп овозлари чиқаётган ерга яқинлашиб бораётганиданми ёки хаёлига шундай туолганиданми, ҳайтовур тўпларнинг гумбирлаган овози кучлироқ эшитилабошлаган эди. Ҳаво жуда исиб кетганидан, у комбинезонининг ёқасини бўшатиб, тугмаларини очди.

У йўсинзорликдан эмаклаб бораётганда, қори эриб кўмкўк бўлиб турган пушталарда тақдир унга яна бир насиба ҳозирлаб қўйганини кўрди: оқиш товланиб турган ҳўл ва юмшоқ йўсинлар устида сийрак япроқчалари ялтираб узун-узун нозик бутачалар турарди. Япроқлар орасида эса бироз эзилган, аммо ҳали ҳам ширасини сақлаган қипқизил клюква мевалари осилиб пуштага тегиб турарди. Алексей пуштага эгилиб зах ҳиди келиб турган баҳмалдек илиққина меваларни лаблари блан қимтиб сябоплади.

Қор танида ёған хуштам ва нордон чучук клюква унинг сўнги кунларда еган овқатлари ичиде энг тузути эди, аммо унинг ме’даси тиришиб ачишабошлади. Лекин ме’дасининг оғриги босилгунча тоқат қилиб туролмади. У, пушга устида айиқ сингари эмаклаб юриб, тил ва лаби блан нордон-чучук ва хушбўй меваларни териб еяберди. Шу тариқа юриб бирнечча пуштани тозалади; унтларининг ичиде шалпиллаб турган муздек қор сувини ҳам, оёқларининг зирқираб оғринини ҳам, чарчаганлигини ҳам сезмасдан, фақат оғнида эриб кетаётган ва ме’дасини тўлдираётган нордон чучук мазанигина сезарди, холос.

Унинг кўнгли айниди. Лекин нафсини тиялмасдан ишча мева гериб ейишга тутинди. У қўлидаги пўстлоқларни ешиб, меваларни узиб банкага солди, банка тўйлач, шлёмига солди, уни тасмача блан камарига боғлаб, яна эмаклаб кетди, у бутун гавдасини босган оғир мулдоқдан ўзини зўрға тутиб борарди.

Кечаси у, шохлари чодир бўлиб турган эски бир арча дарахти остига кириб, клюква еди, пўстлоқ узиб чайнали ва арча бўқоқчаларни чақиб мағзини еди. У ухлар экан, юраги хавотирда ва бесарамжон эди. Уйқусида бирнеча марта қоропғина кимдир пусиб секингина унинг ёнига келгандек бўлди. Кўзларни очиб, ола-зирак бўлиб турди; хавотирининг зўридан қулоқларининг ичи жаранглайбошлади ва тўппончасини ушлаб мушшайиб ўтираберди. Дарахтдан биронта ғудда узилиб тушса, ёки музлаган қор қисирласа, қор тагидан эриб оқаётган сув сал шилдираса, у бир чўчиб тушарди.

Фақат тонг чоғида уйқу қаттиқ ғалаба қилиб уни йиқди. Ҳаво тамом ёришгандан кейин у, ётган дарахти теварагида тулкининг нақш-нақш босилган изларини кўрди, излар орасида унинг думи қорда эланг-беланг бўлиб судралиб кетган эди.

Кечаси унинг уйқусини бузиб безовта қилган ана шу тулки экан! Изларидан кўринишича, тулки унинг атрофидан айланиб юрган, ба’зан ўтириб, яна айланиб юрган. Алексейнинг хаёлига ёмон бир фикр келди. Овчиларнинг сўзларига қараганда, айёр тулки одамнинг ўлишини сезиб, доим унинг орқасидан пойлаб юрар эмиш. Наҳотки бу қўрқоқ тулки унинг ўлишини сезиб, орқасидан пойлаб юрган бўлса?

Алексей ўзига далда бериб: «Бекор гап, бекор гап! Ҳаммаси туппа-тузук бўлиб кетади...» деди ва бу ердан тезроқ кетиш учун тез-тез эмаклаб юрабошлади.

Шу куни унинг яна омади келди. У аржад бутасида осилиб турган сўлқилдоқ, кўкмак, тукли меваларни лаблари блан қимтиб олар экан, ерда—хазон барглар орасида дум-думалоқ бўлиб ётган ғалати бир нарсага кўзи тушди. У қўли блан туртиб кўрди, думалоқ нарса вазмин туюлди ва тўзимади. Сўнгра, у баргларни олатуриб эди, қўлига тиканак суқилди. У дарров билди: кирпи экан. Қаттакон кекса бир кирпи қишлоғ учун буталар орасига кириб олипти ва иссиққина ўралиб ётиш учун кузги хазонларни ўз тепасига тортипти. Алексейнинг хурсандлиги ичига сигмасди. У не-не машаққатлар блан йўл юриб бораркан, ҳамавақт би-

рои шарранда ёки чаррандай ўлдириб егуси қеларди. У бирнече бор тўппончасини чиқариб гоҳ ҳаккага, олақарғага, гоҳ тулкига тўғриларди ва ҳар сафар отишдан ўзини зўрға босиб қоларди. Тўппончада фақат уч дона ўқ қолган эди: уларнинг иккитаси душманга, биттаси жуда иложи бўлмаган тақдирда, ўзига атаб қўйилган эди. Шунинг учун у ўзини зўрға босиб, тўппончани чўнтағига солишга мажбур бўларди. Нима бўлса бўлар, деб ўзини ажал чангалига ташлашга унинг ҳаққи йўқ эди.

Ҳозир эса, бир луқма гўшт унинг қўлига ўз-ўзидан тушди. У, кирпининг гўшти харом, деган таомулдаги гапларга сра э’тибор бермай, апил-тапил кирпи устидаги баргларни олиб ташлади. Кирпи қимириламади, у худди устини тиканак босган каттакон ва бесўнақай лўбияга ўхшарди. Алексей кирпини ҳанжар блан бир уриб ўлдириди, тескари ағдариб, қорнидаги сарпқ терисини ва орқасидаги тиконли палласини бир амаллаб сўйиб олди ва гўштини бурдалаб тўғради-да, ҳали иссиғи кетмаган, суюкларига ёпишиб қолган саргич гўштини тиши блан тортиб-тортиб ҳузур қилиб еябошлади. Кирпининг гўштини у бир пасда паққос еб битирди. Майда суюкларигача чайнаб ютгандан кейингина у, оғзидан мағзаванинг ҳидига ўхшаш ёмон ҳид келаётганини сезди. Лекин тўқ қориннинг олдида ёмон ҳид ҳам гапми! Ҳиди ёмон бўлса ҳам, ҳозир унинг қорни тўйиб, бадани қизиб, тани роҳат қилиб ўтирипти-ку!

У яна бир марта суюкларни текшириб кўрди, уларни бир бошдан яна бир сидра мижиди, сўнгра, бадани исиб, қор устида чўзилиб ором олди. Буталар ичидагулкининг шитирлашини эшишиб уйғониб кетмаганида, у балки қаттиқ ухлаб ҳам қолган бўлар эди. Алексей дикқат блан қулоқ солиб турди, шарқдан тўхтовсиз чинчилиб турган тўп овозлари орасидан у бирдан пулеметининг тариллаб отилаётганини эшилди.

У чарчаганига ҳам қарамай, тулки тўғрисида ўйлашини ҳам йиғишириб қўйиб, дам олишни ҳам хаёлидан чиқариб, дарҳол ҳаракатга кирди ва яна илгарига, ўрмон ичинча қараб эмаклашни давом эттирди.

Алексей эмаклаб ботқоқликдан ўтгаç, очиқ бир майдонга чиқди, майдон шамолдан ранги кетган эски ходачалар блан тўсилган эди ва қатор тизилган ходачалар ерга қоқилгап қозиқларга пўстлоқ ва тол новдалари блан чандиб боғланган эди.

Икки қатор тўсиқ орасида унда-бунда қор тагидан ташландиқ ҳолда ётган ва ҳозир одам юрмайдиган бир йўл кўринниб турарди. Демак, шу яқин атрофда қишлоқ бўлса керак! Алексеининг юраги гупиллаб урабошлиди. Бундай чет қишлоқда немислар турмаса керак! Борди-ю, турганда ҳам, ҳар ҳолда унда ўз кишиларимиз ҳам бор, улар албатга, ярадорни яширадилар ва унга қўлларидан келганча ёрдам берадилар.

Алексей сарсонгарчиликнинг охири яқинлашиб келаётганини сезиб, дам олмасдақ, бор кучи блан эмаклади. У ҳансира б эмаклар, ба'зан қорга муккаси блан йиқилар ва ортиқча зўр беришдан ҳушидан кетар, яна эмаклаб тезроқ тепаликка чиқиб олишга интилар ва унинг жонига ора кирадиган қишлоқ шу тепаликдан балки кўринниб қолишига умид боғлаб юришини тобора тезлатарди. У, бор кучини йиғиб тезроқ қишлоққа етиб олишга тиришаркан, бунда ходачалар ва эриётган қор тагидан тобора яққолроқ кўринаётган қозиқлардан бўлак, одамдан дарак берадиган бошқа ҳечбир нишона йўқлигини пайқамас эди.

Мана, ниҳоят, у тепаликка ҳам етиб олди. Алексей ҳансира б ва қалтираб нафас оларкан, юқорига қаради. Бошини кўтариб қаради-ю, лекин дарров кўзини ерга тикди — унинг кўз олдида даҳшатли бир манзара очилган эди.

Яқин кунларгача бу ер, ўрмон орасида жойлашган бир қишлоқча бўлганлиги шубҳасиз эди. Ёниб култепа бўлиб, қор босиб қолган уйларнинг икки қатор эгри-буғри тизилиб кетган печка мўриларидан бу қишлоқнинг суробини пайқаш осон эди. Ба'зи жойларида ҳовли боқчалари, четан деворлар, бир вақтлар деразалар олдида ўсиб турган супурги буталари сақланиб қолган. Ҳозир улар ёнфиндан қорайиб, қор орасидан кўринниб

турган эди. Бу ер ҳозир қор саҳрөсига ўхшар, унинг ҳарер-ҳарерида, худди каллак қилинган дарахт сингири, пеккаларнинг мўрилари қаққайиб турарди; энг ўргада сув тортадиган қудуқ ёғочи бесўнақай тикка-йиб турар, унинг учидаги эса четига гир айлантириб темир қоқилган, какра босиб кўкариб кетган қовға занги босган занжирга осилиб шамолда секин қимирларди. Қишлоққа кираверишда, тевараги кўк четан девор блан айлантириб олинган боғча ёнида чиройли дарвозача қурилган бўлиб, унинг тепасидаги ошиқ-ма'шуқида занг босган даричаси ғичирлаб турарди.

Бунда жондан асар ҳам йўқ. На овоз эшитилади, на тутун кўринади Гўё бир чўлу биёбон. Дун'ё бино бўлиб, бунда одамзод яшаганга ўхшамасди. Буталар орасида Алексейдан ҳуркиб қочган қуён орқа оёқларини кўтариб-кўтариб ташлаб нарига кетди, қишлоққа киргач, бир эшик ёнига бориб тўхтади-да олдинги оёқларини кўтариб чўнқайди, қулоқларини диккайтириди; орқасидан бадҳайбат ва ғалати бир маҳлук судрабиб келаётганини кўриб, ўтдан қорайган бўм-бўш боқчалар ёнидан яна нарига қочди.

Алексей жадал илгарилаб бораберди. Катта-катта ёни томчилари бетларидаги ўсиқ соқолидан юмалаб қорга тушиди. У, ҳалиниа қуён турган эшик ёнига бориб тўхтади. Эшик устида қоқилган тахтанинг бир парчasi қолиб, унда «Бола...» деган ҳарфлар бор эди. Ана шу кўк четан девор орқасида бир вақтлар чиройли қилиб ясалган болалар боғчаси борлиги яққол кўриниб турарди. Қишлоқ дурадгори меҳр блан рандалаб ваниша блан қириб ялтиратган кичкина скамейкачалар сақланиб қолган эди. Алексей эшикни итариб ичкари кирди ва эмаклаб бориб скамейкага ўтиromoқчи бўлди. Лекин унинг гавдаси букилиб туришга ўрганиб қолган эди. У, скамейкага ўтиракан, бели зирқирайбошлади. Роҳат қилиб дам олмоқ учун у, чарчаганда тўрт оёғини йигиштириб ётадиган жонивор сингари, букилиб қор устига ётди.

Унинг юраги қайғу ҳасратга тўлди.

Скамейка ёнидаги қор эриб кетди. Ер қорайди ва ердан илиққина буғ кўтарилиб, бир-бирига қўшилишиб

ҳавода сузаётгани кўзга чалинди. Алексей ердан бир ҳовуҷ эриган иссиқ тупроқни олди. Тупроқ бармоқлар орасида сариф ёфдек сиқилди; ундан ўғит, зах, молҳона ва уй бисоти ҳиди келарди.

Бу ерда одамлар умр кечирган... Қадим замонларда улар Қора ўрмондан ана шу бир парча қиррақи ерни курашиб забт этганлар. Уни омоч блан ҳайдаб, ёғоч мола блан тирнаб, ўғитлаб парвариш қилганлар. Ўрмон блан, йиртқичлар блан доим курашиб машаққатда кун кечиргандар. Бир амаллаб янги галла пишиғига етиб олишни ўйлаганлар. Совет даврида биргалашиб колхоз тузганлар, эва-чева бўлишиб яхши ҳаёт кечириш орзусини қилғандар, машиналар келган, мўлчилик, серобгарчиллик пайдо бўлган. Қишлоқ дурадгорлари болалар боғчаси ясаганлар, ана шу кўк четан девордан қараб бу ерда дўумбоқ болаларнинг ўйнаб юришини кўрган деҳқонлар, балки, кечқурунлари фикр ҳам қилғандирлар: кучларни йигиб ана шу ерда кутубхона ва клуб солсак, қиши фаслида кечқурунлари унда йигилишиб, шамол-бўрои ғувири остида иссиққина, роҳат қилиб гурунглашиб ўтирасак деб ўйлагандирлар; электр сёқиб, ўрмон бағрини ёритиб юборсак, деб фикр юргизгандирлар... Мана энди ҳечким йўқ, ҳамма ер бўмбўш, қуруқ ўрмон, фақат сукунат, жимжитлик ҳукмрон...

Ўйлаган сари Алексейнинг чарчаган мияси чукурроқ фикрга толди. Унинг кўзига Волга бўйидаги қуруқ ва яланг даштиклида турган чанг-тўзонли Камишин шаҳарчаси кўринди. Ёз ва куз фаслида даштдан бу шаҳарчага қаттиқ шамол уриб туради. Шамол қум ва чанг-тўзонларни суриб келади. Юз ва қўлларга игнадек санчилади. Ҳовлиларга ғувиллаб киради, ёпиқ деразалар орасидан уйларнинг ичига кириб олади, кўзларга чанг уради ва оғизга қум киргизиб тищлар орасида ғижирлашади. Даشتдан селдай ёғиб келадиган бу қум булути «Камишин ёмғири» деб аталади; камишин-лиларнинг кўп авлодлари қумни тўсиб, тоза ҳавода эркин нафас олишни орзу қиласардилар. Улар фақат социалистик давлат даврида орзуларига эришдилар: одамлар аҳл бўлишиб, шамол ва қумга қарши уруш бошладилар. Шанба кунлари одамлар бел кураклари-

иши болталарини ва киркаларини кўтаришиб кўчага чиқдилар. Яланг майдон ўрнига бое пайдо бўлди, кичкина кўчаларнинг икки томонида қатор теракчалар ўсиб хиёбон тусига кирди. Одамлар бу теракчаларни ўз уйларининг деразалари ёнида ўсган гулларни парвариш қилгандай аввайлаб парвариш қилдилар—сугордилар, бутадилар. Баҳор чоғи нозик ниҳоллар новда отиб ва қуртақ чиқариб кўкка беланганда, бутун шаҳар каттадан кичиккача қувончга тўлгани Алексейнинг хотирида... Шу топда бирдан туғилган Камишин шаҳари кўчаларида немисларнинг юрганлиги унинг кўз олдига келди. Камишинилар меҳр қўйиб парвариш қилган бу дарахтлардан немислар гулхан қилиб ёқмоқдалар. Унинг туғилган шаҳарини қора тутун қоплаган, унинг униб-ўсган ва онаси қолган уй ҳам ана шундай култепа бўлиб, қоқ ўртасида ёлғиз мўриси қорайиб, қинғайиб турипти.

Алексейнинг юрагида жуда оғир қайғи-ҳасрат ва алам-изтироб, оташ ёнди.

Немисларнинг яна илгари жилишига йўл қўймаслик керак! Танда жон борича улар блан олишмоқ, курашмоқ керак; ана у ўрмон ичидағи майдонда душман мурдалари устида ётган рус солдати каби жаҳд жадал блан олишмоқ керак!

Қуёш кўмкўк ғўшиша бўлиб турган ўрмон тепасига келган эди.

Алексей бир вақтлар қишлоқ кўчаси бўлган йўлдан әмаклаб борарди. Қуйиндилар орасидан мурда ҳиди бурқиб думоққа уради. Қоронғи ўрмонда одамдан асар йўқ, дейилса, бу қишлоқ ундан ҳам баттар бўлиб кўринарди. Иттифоқо унинг қулоғига бегона бир товшу什 эшитилди, Алексей аланглаб қаради. Энг чеккадаги култепа ёнида у бир итни кўрди. Бу жунлари паҳмоқ ва шалпанг қулоқ, Бобик ёки Жучка хилидаги хоназот пойлоқчи итлардан эди. Ит бир парча этни икки оёғи ўртасига олиб, ўзича ғингшиб ётарди. Одатда жуда ювош бўладиган, хўжайн хотинларнинг ҳамиша нари тур-бери тур деб валдирашларига ўрганиб қолган ва болаларнинг эрмаги бўлган бу ит ҳозир Алексеини кўриши блан тишларини ғижирлатиб ҳуракетди.

Итнинг кўзлари шундай даҳшат блан ёнардики, Алексейнинг бадани жимиirlаб кетди. У, қўлидаги пўстлоқни ечиб ташлаб, чўнтағидаги тўппончасига қўл узатди. Бир нафас улар, я'ни одам блан ёввойилашган ит бирбирига қаттиқ тикилиб туришди. Сўнгра итнинг хотираси уйғонди шекилли, бошини ерга эгди ва гуноҳкорларча думини ликиллатиб ўлжасини кўтардида, думини қисганича қорайиб ётган култепа орқасига ўтиб кетди.

Йўқ, бу ердан тезроқ кетиш керак, тезроқ! Алексей куннинг қолган-қутган ёруғидан фойдаланиб, йўл-пўлга қарамай, қуруқдан эмаклаб, тўғри ўрмонга қараб юрди. У ҳозир деярлик беихтиёр суратда тўп овозлари равшан эшитилаётган томонга қараб бормоқда эди. У илгари юрган сари тўп овозлари уни магнит каби куч блан ўзига тортарди.

## 12

Алексей шу тариқа яна бир кунми, икки кунми ёки уч кунми эмаклаб юрди. У куннинг ҳисобини ҳам йўқотиб қўйган эди. У, ҳозир фақат беихтиёр зўр бериб эмаклаб юришни биларди, холос. Ба'зан уни мудроқ босар, ба'зан эса хаёлга чўкиб кетарди. У, юрганида мудраб борарди, лекин уни шундай азамат бир куч шарқ томонга тортиб бормоқда эдикӣ, кўзлари юмуқ бўлсада, секин эмаклашдан тинмасди. Фақат бирон дараҳтгами, тўнкагами бориб урилгач, ёки қўли тойиб кетиб тумшуғи билчираган қорга теккач, уйқуси қочиб ўзига келарди. Унинг бутун иродаси, бутун фикри-зикри бир нуқтага йиғилган эди, я'ни у нима қилиб бўлса ҳам, фақат илгари силжишни, сра тўхтамасдан эмаклаб боришини ўйларди, холос.

У йўл-йўлакай ҳарбир бутага қаттиқ тикилиб қарарди, аммо энди йўлида битта ҳам кирпи учратмади. Қор тагидан ёввойи меваларни териб еди ва гиёларни оғзига солиб сўрди. Бир куни у бир тўда чумолига дуч келиб қолди. Чумолилар ўрмон ичидаги бир ерда ғуж бўлишиб ётар ва худди текис терилиб қўйилган ва ёмғирдан ювилиб силлиқ таралиб турган похол ғарам-

часига ўхшаб кўринарди. Алексей қўлини ана шу юмшоқ ғарам ичига тиқди ва тортиб олиб қарасаки, қўлининг ҳамма ерига чумолилар ёпишиб қолипти. У қўлидаги чумолиларни териб еябошлади ва қақраб қолган оғзида чумолининг аччиқ-чучмал мазасини сезди. У, қўлини дам-бадам чумоли тўдасига тиқиб илиниб чиқкан чумолиларни еяберди. Ниҳоят, бу кутилмаган хужумдан чумолиларнинг ҳаммаси уйғониб, безовта бўлиб қолди.

Чумолилар жон-жаҳдлари блан ўзларини мудофаа қилишга киришдилар. Алексейнинг қўлини, лабларини, тилиши чақабошладилар ва комбинезон ичига кириб олиб, баданига жизиллатиб. наштар суқдилар, аммо чумолиларнинг чақиши унга ҳатто хушёқарди. Чумолиларнинг аччиқ-чучмал мазаси унга анча дармон бўлди. Сув ичкиси келди. Тўнкалар ўртасида йиғилиб қолган кўлмак сувга кўзи тушиб, унга эгилди-ю, ўзини дарров орқага тортиди: ҳавонинг мовий аксида ойнадай кўкимтил ялтираб турган сув тагидан унга қўрқинчли нотаниш бир башара кўринди. Бу башара жунлари ўсиб, жингалак-жингалак бўлиб кетган қора терини қуруқ каллага тортиб қўйганга ўхшарди. Қовоқлари ичига чўкиб, катта-катта кўз косахоналари ичига кирган кўзлари бежо қаарарди. Пахмоқ соchlар паға-паға бўлиб пешонасига тушиб турарди.

«Наҳстки шу мен бўлсам-а?» деб ўйлади Алексей ва даҳшат босиб яна сувга эгилди. Лекин сувдан ичмади, бироз қор ялаб ютинди-да, яна шарққа қараб йўл олди. Бояги зўр магнит уни куч блан ўзига тортомкда эди.

У тунаш учун бомбадан ўйилган ва теварак четида қум уюлиб қолган хандаққа тушди. Хандақнинг ости тинч ва қулай эди. Унга шамол кирмас эди ва фақат теварагидаги қумлар шамолдан сал-пал учиб тушарди. Пастан қараганда осмондаги юлдузлар ниҳоятда равшан кўринар ва гўё улар бош устида осилиб тургандек туюларди. Юлдузлар остида тарвайиб қимиirlаб турган қарагай шохи эса қўлга ўхшар ва гўё бу ялтироқ чироқчаларни у ҳамиша латта блан тозалаб тургандек кўринарди. Тонг отарга яқин совуқ зўрайди. Ўрмон

устини рутубатли қирор қоплади, йўлини ўзгартиб шимолдан эсган шамол қирорларни музга айлантирди. Ниҳоят тонг хира ёришиб дараҳт шоҳлари орасидан кўрингач, қуюқ туман ерга чўкиб секин тарқалабошлади. Шунда атроф-теваракнинг ҳаммаси оппоқ музга қоплаигандек бўлиб кўринди, чуқурлик тепасидаги қарагай шоҳи эса энди латіа ушлаб турган қўлга эмас, балки гир теварагида майда шишаҷалар осилиб турган ажойиб билур люстрага ўхшарди. Бу майдада шишаҷалар шамолда тебраниб шилдирашарди.

Бу кечаси Алексей айниқса жуда бўшашиб қолган эди. Ҳатто унинг қўлтиғида ғамлаб юрган қарағай пўстлогидан олиб чайнашга ҳам рағбати бўлмади. У гўё кечаси блан ерга қапишиб қолгандай гавдасини зўрға ердан узди. Комбинезонида, соқол ва мўйловларида қотиб қолган музларни қоқмасдан хандақдан тармашиб чиқишга уринди. Лекин кечаси блан музлаб қотгаи қирғоқдан дармонсиз қўллари сирғониб кетди. У қайта-қайта тармашиб чиқишга уринар, лекин ҳар сафар қўллари сирғаниб, чуқурликка йиқилиб гушарди. Чиқишга уринабериб дармони кетаёди. Ниҳоят, у бирорвнинг ёрдамисиз бу чуқурдан чиқаолишига кўзи стмай даҳшатга келди. Шу фикрни ўйлаб яна бир марта чиқишга уриниб кўрди. У бирнеча бор тиришиб тармашиб кўрди, аммо мадори қуриб, ҳолсизланиб ерга сирғаниб тушди.

«Тамом! Энди нима бўлса-бўлди!»

У хандақ ичиди мушшайиб ўтириб олди; унинг а'зойи бадани бўшашиб, иромда ва ихтиёри қўлдан кетаёди. У зўрға қимиrlаб, гимнастёркаси чўнтағидан бирнечга эзилиб бужмайиб кетган хатни чиқарди, аммо уларни ўқишига мажоли йўқ эди. У, гулдор кўйлак блан чаманзор ичиди суратга тушган қизнинг целофанга ўроғлик суратини олди. У, жиддий ва ғамгин бир қиёфада кулимсираб, қиздан сўради:

— Наҳотки энди дийдор кўришмасак?— У шу гапни айтдию, бирдён сесканиб кетди ва қўлида суратни ушлаганича қотиб қолди: ўрмон тепасида балаанд бир ердан, совуқ ҳаво ичидан унга қандайдир таниш товуш эшитилгандай бўлди.

Бирдан уйқуси қочиб кўзларини очди. У эшитган овознинг ҳечбир қизиғи йўқ эди. Бу товуш аранг эши тиларди, ҳаттоти қулоғи ўткир жонивор ҳам уни дараҳтларнинг музлаган шохлари бир мақомда шилдирашидан ажратиб ололмас эди. Лекин Алексей бу товушни тобора яққолроқ эшитди. У юқоридан эши тилаётган овознинг мақом ва маромидан «иш» самолёти учайтганини дарров пайқади, унинг ўзи ҳам шу хил самолётда учар эди.

Моторнинг гулдираши яқинлашабошлиди, самолёт ҳавода айланганда моторнинг товуши кучайиб гоҳ варанглар, гоҳ чинқиради, ниҳоят хира осмонда жуда баландда секин ҳаракат қилаётган кичкина чилликка ўхшашибир нарса пайдо бўлди; у дам кўздан ғойиб бўлар, дам булатлар орасидан яна пайдо бўларди. Мана унинг қанотларидаги қизил юлдузлар ҳам кўриниб қолди, мана Алексейнинг худди тепасига келиб, қуёшида қанотларини ялтиратиб, ҳавода гир айланиб муаллақ ошди ва бурилиб изига қайтди. Тез орада моторнинг гулдираши тиниб, муз блан қопланган ўрмоннинг шамолда майин шилдираши орасида йўқ бўлиб кетди. лекин Алексейга унинг чинқироқ ингичка товуши анча вақтгача ҳамон эпилитилиб тургандай сезилди.

Алексей хаёлида гўё самолёт кабинасида учиб бормоқда эди. У бир нафасда, то папирос чекиб бўлгунча ҳаял ўтмасдан, ўрмон ичидаги ўз қадрдан аэродромига етиб борган бўлар эди. Бу самолётда учган ким бўлса экан? Балки Андрей Дегтяренко эрта блан разведкага чиққандир? Унинг разведка чогида душманга дуч келишини ичидан ният қилиб, шунаقا жуда баланд учиб юрадиган одати бор... Дегтяренко... Самолёт.. Ўртоқлар...

Шу тонда Алексейнинг ғайратига гайрат қўшилиб, хандақнинг деворларини кўздан кечирди. Эҳ-ҳа! Бу аҳволда албатта чиқиб бўлмайди. Аммо, ёнбошлаб олиб, қачон ажал келишини кутиб ўтирабериш бўлмас! У, ханжарини қинидан чиқарди, дармонсиз қўллари блан музлаб қолган хандақ четига бўшгина уриб, юмшатабошлиди, музлаган тупроқни тирноқлари блан тириаб, зинапоя қилишга тутинди. Тирноқлари синди,

бармоқлари қонади, аммо ханжар блан тирнокларини яна қаттироқ ишга солди. Сўнгра, бу чуқурча-зина-пояларга қўл ва тиззаларини тираб аста-аста чиқабошлади. У, бир илож қилиб хандақнинг лабига етиб олди, яна бир зўр уриб, дўнгалакка миниб олса, тамом чиқиб олади. Аммо бирдан оғи сирғаниб кетди ва юзи блан қаттиқ музга урилиб, чуқурга ағнаб тушди. У қаттиқ қалтис еди. Броқ самолёт моторининг гулдираған товуши ҳали ҳам қулоғидан кетмаган эди. У яна деворга тармасиб чиқишига уриниб, яна думалаб пастга йиқилди. Шундан кейин у, ясаган зинапоясининг қандай нуқсонлари борлигини кўздан кечирди ва тузатишига киришди; зинапоя ўртасини чуқур қилиб қазиди ва четларини бироз баландроқ қилди; сўнгра, мадордан кетаётган гавдасига куч бериб, яна аста-секин чиқабошлади.

У кўп мاشаққат чекиб чуқурдан чиқиб олди ва қирғоридан ошиб, беҳол пастга думалаб тушди. Яна эмаклаб йўлга тушди, боя самолёт учиб кетган томонга қараб юрди. Уша томондан туманларни тарқатиб ва музларни ялтиратиб чиққан қуёш ўрмон устига нур сочмоқда эди.

### 13

Броқ эмаклаб юриш ниҳоят қийин бўлди. Қўллари қалтирас, гавдасининг оғирлигини кўтаролмай, букилиб-букилиб кетарди. Муккаси блан йиқилиб юзи бирнеча бор қорга урилди. Ер ўз жозиба қувватини бирнечча карра оширганга ўхшарди. Бу жозибага бардош бериш мумкин эмас эди. Бирозгина, лоақал ярим соатгина ётиб дам олгуси келарди. Лекин бугунги кун Алексейни жадал илгари судрарди. Шунинг учун у, қаттиқ чарчаганига қарамай эмаклашни давом этти-рар, ба’зан муккаси блан йиқилиб тушар, броқ кўтарилиб яна эмакларди; у баданидаги оғриқни ҳам, оч қолганини ҳам сезмас, қулоқлари тўп ва милтиқ товушларидан бўлак ҳечнимани эшитмас эди.

Қўлларининг дармони қолмагандан кейин тирсаклари блан юриб кўрди. Лекин бу юриш жуда ноқулай эди. Сўнгра у узунасига чўзилиб, тирсаклари блан

қорнӣ ӣтариб, ўрмалаб юришни машқ қилиб кўрди. Бу иш қулай келди. Гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига агдарилиб, ўрмалаб юриш осонроқ эди, кўп куч талаб қилмасди. Фақат тез-тез боши айланар, ба'зан эси ҳам оғиб қоларди, бинобарин, у дамбадам тўхтаб, то ерниш, ўрмоннинг, осмоннинг айланиши тингунича қор устида карахт бўлиб ўтиради.

Ўрмон тобора сийраклашабошлиди, ба'зи жойларда эса дараҳтлар кесиб олиниб, очиқ майдон бўлиб қолган эди. Қорда қишида юриладиган йўлларнииг излари кўринди. Алексей ҳозир ўз қўшинларимиз турган жойгача етиб олиш тўғрисида ўйламаса ҳам, аммо тамом мадори қуриб йиқилиб қолгупча эмаклаб, ўрмалаб боришга аҳд қилган эди. Бундай азоб ва машаққат ичида мадорсизланиб ҳушдан кетиб қолганда ҳам, унинг қўллари ва гавдаси ҳаракатдан тўхтамас эди; қор устидан ўрмалаб тўп овози эшитилаётган томонга, тўппа-тўғри шарққа қараб жилгани-жилган эди.

Алексей бу кечани қандай ўтказганини ва эрта блан қанча йўл босганини эслайолмас эди. Азоб-уқубат ичида ҳамма нарса хаёл-бекаёл ўтмоқда эди. У фақат йўлида учраган тўсқинликларни сал-пал эслайоларди холос; олтиндай товланиб ва каҳрабодай сариқ мўм очиб ётган кесик қарагай, устма-уст қалаб қўйилган ғўлалар, ҳаммаёқни қоплаб ётган арра чиқитлари ва пайраҳалар, қат-қат гардишидан неча ёшга киргани очиқ кўриниб турган бир тўнгак,— унинг эсида қолган нарсалар ана шулар эди.

Бегона бир товуш уни ҳушига қелтирди; у ўтириб олиб тўрт томонга аланглаб қаради. Қарасаки, дараҳтлари кесилган катта бир майдонда ўтирипти; майдонни қуёш нурлари қоплаган; атроф-теваракда кесилган ва ҳали пўстлоғи олинимаган дараҳтлар, ғўлалар думалашиб ётипти; ҳарер-ҳарерда ўтинлар устма-уст қалаб қўйилган. Пешин чори бўлиб, кун бош устида тикка кўтарилиган эди; мўм ҳиди, қуёшда қизиган иғнабарг дараҳтларнииг ҳиди ва қорнинг Эришидан пайдо бўлган заҳ ҳиди бурқсиб турарди; қаердадир бир ба-ландликда ўтириб олган тўргай ўзича жовраб, сайрамоқда эди.

Юракни қандайдир нома'лум бир хавф босди ва Алексей олазирақ бўлиб дарахтлари кесилган майдонни кўздан кечирди. Бу ердаги дарахтлар янги кесилган эди; йиқитилган дарахтларнинг барглари ҳатто ҳали сўлиб, сарғаймаган эди; ёғочларнинг кесилган жойларидан қуюқ шира томиб турарди; ҳар тарафда сочилиб ётган ҳўл шохча ва пўстлоқларнинг ҳиди думоққа бурқиб уради. Демак, бу ерда одам бор. Балки, немислар блендај ва истеҳкомлар қуриш учун бу ерга келиб ёғоч кесиб юришар. Шундай бўлса, бу ердан тезроқ жўнаб қолиш керак. Ўрмон кесучилар ҳозироқ келиб қолишлари мумкин. Броқ оғриқнинг зўридан унини гавдаси тошдек қотиб қолган эди ва жилишга сра маҗоли йўқ эди.

Хўш, ўрмалаб юришни давом эттиromoқ керакми? Лекин ўрмонда ҳаёт кечирабошлигандан бўён сингиб қолган туйғу уни эҳтиёт бўлишга ундарди. У ҳечкимни кўрмасди, аммо кимдир уни диққат блан кузатиб, муттасил та'қиб қилиб турганини ғайри инсоний бир туйғу блан сезмоқда эди. Ким та'қиб қиласди уни? Ўрмон жимжит; фақат тепада тўрғай сайрайди, қизилиштонлар дарахтни тўқиллатишади; читтаклар вижирлашиб, йиқилган қарағайларнинг шохидан-шохига сакрashади. Лекин шундай бўлса ҳам, Алексей кимдир уни пойлаб турганини бутун вужуди блан сезмоқда эди.

Бир шохча қисирлаб кетди. Алексей қараса, бир сербута қарағайчанинг тепасида ғўшша боғлаб турган кўмкўқ шохлар шамолдан бир мақомда қимиirlайди, лекин бирнечча шохчанинг қимиirlаши бошқаларникига ўхшамайди. Алексейга ўша қарағайча томонидан ҳаяжон блан секин шивирлаган товуш эшитилгандай бўлди; бу худди одам товушига ўхшарди. Қайси кун итни кўрганда Алексейнинг бадани қандай жимиirlаб кетған бўлса, ҳозир ҳам шундай жимиirlаб кетди.

У қўлтиғидан занг ва чанг босиб қолган тўппончасини чиқарди ва икки қўли блан кучаниб курокини зўрга кўтариб қўйди. Тўппончанинг куроки шиқирлағач, қарағайчалар орасида бирор ўзини орқага олгандай бўлди. Худди бирор теккандай дарахтча-

нинг боши силкиниб кетди ва яна жимжиг бўлиб қолди.

«Нима экан бу — одамми ёки бирон ҳайвон?» деб ўйлади Алексей ва унга ҳам буталар орасидан бирор: «Одамми?» деб сўрагандай бўлди. Назарида буталар орасида бирор русча гапиргандай бўлдими? Ёки хаёлида шундай туюлдими? Йўқ, ҳақиқатан ҳам бирор русча гапирди. Алексей русча сўзлашилганини эшишиб қувончи ичига сифмасди; у, русча гапирган киши дўстми — душманми экани тўғрисида сра ўйламасдан, қувончидан «дод!» деб юборди ва ирғиб ўрнидан турди-да, жон-жаҳди блан, овоз чиқсан томонга отилди, лекин шу ондаёқ инқиллаб тагидан қирқилга дараҳтдай йиқилди ва тўппончаси қўлидан учиб қорга тушди...

#### 14

Алексей ўрнидан тураман деб ағдарилиб тушгандан кейин бир пас ҳушидан кетиб ётди; лекин юрагидаги ҳис тездан ҳушига келтириди. Буталар орасида одамлар яширингани шак-шубҳасиз эди; улар Алексейни пойлаб, ўзаро шивирлашиб сўзлашмоқда эдилар.

У қўлларини ерга тираб ўрнидан турди; ердан тўпнопчасини олди ва уни кўрсатмасдан ерга паст қилиб нойлаб ўтириди. Хавфсираш орқасида хаёли бутунлай ўзига келди. Мияси жуда яхши ишлайбошлади. Ким эди улар? Балки ўрмон кесучилардир, немислар уларни ўтин тайёрлаш учун бу ерга юборгандир? Эҳтимол, руслардир: улар ҳам, унинг сингари, қуршовда қолиб, немислар турган ерлардан яшириқча йўл излаб ўз қўшинлари томонига бораётгандирлар? Ёки шу атрофдаги дехқонларданdir? Ахир боягина бирор: «Одамми?»— деб барада қичқирганини ўз қулоги блан эшилди-ку!

Ўрмалай бериб мадори қолмаган қўлида тўппонча титрар эди.

Лекин Алексей курашишга ва қолган учта ўқни яхшилаб фойдаланишга ҳозирланиб турди...

Шу пайтда буталар орасидан ҳаяжонли бола товуши эшитилди:

— Ҳой, кимсан? Дойч? Ферштеешь?

Бу ғалати сўзлар Алексейнинг диққатини ошириди. Лекин сўзлаган киши шубҳасиз рус эди ва албатта бола эди.

Яна бир боланинг:

— Сен бу ерларда нима қилиб юрибсан? — деган овози эшишилди.

— Ўзингиз ким бўласиз? — деди Алексей ва овозининг бунча бўш, секин чиққанидан ўзи ҳайратда қолиб, жим бўлди.

Алексейнинг бу саволи бута орасидагиларни саросима қилиб қўйди. Улар ўзаро узоқ шивирлашдилар, қўл силкишилар, уларнинг қўл силкитишлари буталарнинг қўмирлашидан билиниб турарди.

— Сен бошни қотирма кўп, бизни алдайолмайсан! Немисни меп беш чақириддан нарида танийман. Сен дойчмисан?

— Ўзингиз ким бўласиз, ахир?

— Бизнинг ким бўлишимиз блан сенинг ишинг нима? Не ферштею...

— Мен русман.

— Гапинг ёлғон... Кўзинг чиқсин, ёлғон гапирмай, фриц!

— Мен русман, мен учучиман, мени немислар уриб туширди.

Энди Алексей хавотир олмай қўйди. Бута орасидаги кишилар руслар, совет кишилари эканига ишонди. Лекин улар бунга ишонмайдилар; ҳеч бокиси йўқ, уруш эҳтиёт бўлишни ўргатади. У шунча йўл юриб келди-ю, ҳозир эса, жуда мадордан кетганини, на оёгини, на қўлини қўмирлатаолмаслигини, на ҳаракат қилишга ва на ўзини мудофаа қилишга қуввати етмаслигини биринчи марта сезди. Кўзларидан ёш оқиб қорайиб қапишиб қолган юзларига тушабошлади.

— Қара, қара, йиғляяпти, — деган овоз эшишилди буталар орасидан. — Ҳой, нега йиғлайсан?

— Мен русман, ахир, русман, ўз кишингизман, учучиман.

— Айтчи бўлмаса, қайси аэродромдан бўласан?

— Ўзларингиз ким бўласиз, ахир?

— Нима ишинг бор биз блан, сен жавоб бер!

— Мончаловодан, менга ёрдам берсаларинг-чи; менга қарашсаларингчи, ахир! Қандақангги одамсизлар...

Буталар орасида шивир-шивир гап кучайди. Унда бўлаётган гаплар Алексейнинг қулогига барада эшитилабошлади:

— Эшитдингми, Мончаловодан деди-ку... Балки сўзи тўғридир... Йиғляяпти ҳам... Ҳой, учучи, қўлингдаги наганни ташласанг-чи! — деб қичқиришди унга.— Ташла наганни, бўлмаса, чиқмаймиз, қочиб кетамиз!

Алексей тўппончани четга улоқтириди. Буталар йирилиб орасидан икки бола чиқди. Улар бир воқиа бўлса дарров учиб кетадиган читтакдай, ола-зирак ҳолда, бир-бирининг қўлидан ушлашиб аста-аста унинг ёнига келабошладилар. Каттаси хотинлар киядиган эски нимча камзилни кийиб устидан арқон боғлаб олган эди, бошида эса немис пилоткаси бор, ўзи ориқ, кўзлари кўмкўк эди, қўнғир соchlари кандир толасига ўҳшарди; у, ҳар эҳтимолга қарши, бир қўлида болта кўтариб олган эди. Унинг орқасига бекиниб, кўзлари ола-зирак мўралаб келаётган, юзларини сепкил босган сариққина бола астагина шивирлаб деди:

— Йиғляяпти. Ростакам йиғляяпти. Вой-вой, шунакаям озиб кетиптики!

Каттаси ҳали ҳам болтани кўтарганча, Алексей ёнига келди ва оёғидаги каттакон валенка блан қорда ётган тўппончани тутиб нарироққа итқитди:

— Учучимисан? Ҳужжатинг борми? Қани, кўрсат.

— Бу ерда ким бор? Бизникларми ёки немисларми?— деб сўради Алексей секин овоз чиқариб ва беихтиёр илжайиб қўйди.

— Мен қайдан билай? Бу тўғрида менга ахборот бериб туришмайди. Бу ер ўрмонзор,— сиёsat блан жавоб берди каттаси.

Алексей гимнастёркасининг чўнтагини кавлаб гувоҳномасини чиқаришга мажбур бўлди. Командирларга бериладиган юлдуз тамғали қизил дафтарча болаларга қаттиқ та’сир қилди. Немислар ҳукмронлик қилган вақтда йўқ бўлган болалик ҳаёти ҳозир,

қадрдан Қизил Армия учучисини кўрганда, яна тамоман қайтиб келгандай бўлди.

— Ўзимизникилар, ўзимизникилар, уч кун бўлди яна ўзимизникилар келишиди!

— Амакижон, сен нега мунча озиб кетдинг?

— ...Бизникилар уларни шунақаям саваладики, шунақаям урдики, шунақаям қирдики! Бу ерда шунақаям қиёмат жанг бўлдики! Уларнинг ўтакаси ёрилди, эҳ-ҳе, ўтакаси шунақаям ёрилдики, қаёққа қочишиня билмай қолди!

— Ҳарким қўлига нима тушса шунга миниб қочди... Биттаси извошнинг ўқига кир ювадиган ёғоч тоғорани боғлаб олиб, миниб кетаяпти. Ярадор бўлган иккитаси отнинг думига осилиб олишипти; яна биттаси бўлса, тўралардек отга миниб олипти... Амакижон, сени қаерда уриб туширишди-а?

Болалар бироз лақиллашиб олгандан кейин, амалий ишга киришдилар. Уларнинг турадиган жойи, ўзларининг айтишича, бу ердан беш километрча келар экан. Алексей жуда ҳолдан кетиб қолганидан ҳатто орқага ағдарилиб тузукроқ чўзилиб ётишга ҳам қуввати йўқ эди. «Немисларнинг дараҳт кесадиган жойига» ўтип териш учун келган болаларнинг олиб келгани ченачаси жуда кичик эди; бунинг устига одам солиб қор босган йўлсиз тўқайдан тортиб боришга болаларнинг кучи етмас эди. Исми Серенька бўлган катта бела укаси Федъкага қишилбўққа чопқиллаб бориб одамларни чақириб келишни буюрди ва ўзи Алексей ёнида қоровул бўлиб қолди; ўзининг сўзича, у Алексейни немислардан қўриқламоқчи эди-ю, аммо кўнглида унга ишонмас эди; «Ким билсин бу қанақа одам, фрицлар айёр бўлишади, ўзини ўлаётган киши қилиб ҳам кўрсатади, гувоҳнома ҳам топади...» деб ўйларди у. Броқ, унинг бу хавфи секин-секин тарқалабошлади ва у лақиллашиб гапга тушиб кетди.

Алексей кўзларини юмид иссиққина қалин япроқлар устида мудраб ётарди. Боланинг сўзларини у гоҳ эшитар, гоҳ эшитмас эди. Бирданига бутун танини қамраб олган мудроқ орасидан у ба'зи сўзларнинг бош-учини аранг эшитиб қоларди. Алексей уйқу ара-

лари бу сўзларнинг ма'носига етмаса ҳам, она тилиниг оромбахш оҳангидан роҳат қилиб ётарди. Плавни қишлоғининг бошига тушган кулфатларни у фақат кейинчалик эшитиб билди.

Теварак-атрофи ўрмон ва кўллар блан ўралган бу ерларга немислар октябрь ойида, қайин дараҳтларининг барглари қаҳрабодек сарғайган ва мирза теракларининг барглари қизил алангадек товланиб турган бир найтда келган. Плавни атрофида жанг бўлмаган. Жуда кўи танклар блан келган немис аскарлари ўттиз километрча гарбда турган ва шошиб-пишиб наридан-бери ясалган мудофаа истеҳкомларида жойлашган қизил аскарлар қисмини яксон қилгач, катта йўлдан четда, ўрмон ичидағи кўл ёқасида бўлган Плавни қишлоғи ёнидан ўтиб шарқ томонга кетган. Улар тезроқ Бологое деган катта темир йўл станицасига етиб олиб, уни қўлга олишга ва Фарбий фронт блан Фарбимолий фронтни бўлиб ташлашга ҳаракат қилганлар. Қалинип областининг барча аҳолиси — шаҳарликлари ҳам, деҳқонлари ҳам, хотин-халажлари, қари-қартанглари ва ўспирииилари ҳам — хуллас ҳамма катта-кичиклари ва аҳли касб-ҳунармандлари кеча-кундуз демай, қор ёмғир ва иссиқ-совуқ демай, пашшаларнинг чақинига, ботқоқ-захга ботиб юришларига қарамай, шу йилиниг ёз ва куз ойларида Бологое шаҳрининг узоқ останаларида ер қазиб, мудофаа истеҳкомлари қурганлар. Бу истеҳкомлар жанубдан шимолга қараб, ўрмонлардан, ботқоқлардан, кўллар, дар'ё ва анҳорларнинг ёқасидан ўтиб бирнеча юз километрга чўзилиб кетган.

Истеҳком қуручилар кўп азоб ва машаққатларни чекканлар, кўп кулфатларни тортганлар, лекин уларнинг меҳнати зойи' кетмаган. Немислар жадал ҳаракат қилиб бирнеча қатор истеҳкомларни ёриб ўтганлар-у, аммо энг кейинги истеҳкомлардан бири ёнига келгач, тақатақ тўхтаб қолганлар. Истеҳком жанги бошланган. Немислар ҳарчанд зўр урсалар ҳам, Бологое шаҳарига бостириб киролмаганлар, шундан кейин улар бу ерда мудофаага ўтиб, асосий зарбани жанубга кўчиришга мажбур бўлганлар.

Кумлоқ далаларидан жуда кам миқдорда олинадиган ҳосилнинг етишмовчилигини ўрмондаги кўллардан мўл балиқ овлаш блан тўлдириб тирикчилик қилиб келган Плавни қишлоғининг деҳқонлари уруш улардан четда ўтиб кетганига хурсанд ҳам бўлган эдилар. Улар, немисларнинг талабига биноан, колхоз раисига оқсоқол номини бериб, немислар совет ерини умрбод оёқ ости қилас, то дориломон бўлгунча балки шу чекка қишлоғимизда тинчгина ўтираберармиз, деган умид блан, илгаригича артель бўлиб яшайбердилар. Қурбақа салласининг рангига ўхшаш кийим кийган немислар келиб кетгандан кейин, қора кийим кийган ва пилоткаларига одам қалласи ва суюкларининг сурати қўндирилган немислар автомобильда келишиди. Плавни қишлоғи аҳолисига, Германияга бориб доимий ишлашни истайдиган ўн беш нафар киши йигирма тўрт соат ичида топиб берилсин, деб буйруқ қилинди. Айтган муддатда топиб берилмаса, қишлоқнинг бошига энг ёмон кулфат тушиши ҳам та'кидлаб қўйилди Германияга боришни хоҳловчи кишиларга балиқчилик артелининг идораси ва омбори бўлган чеккадаги уйга тўпланиш, ўзлари блан бирга бир сидра кўйлак — иштон, қошиқ, вилка, пичноқ ҳамда ўн кунлик озиқ-овқат олиш буюрилган эди. Кўрсатилган муҳлатгача бирон киши ҳам келмади. Броқ, қора кийимли немислар бундай ишларни кўп кўриб тажриба орттирган кишилар бўлганларидан, кўрсатилган жойда одам йиғилишига ўзлари ҳам унча ишонмас эдилар. Улар халойиқнинг кўзини қўрқитмоқ учун артель идораси олдида колхоз раисини, я'ни ўзлари ном қўйган қишлоқ оқсоқолини, болалар боқчасининг тарбиячиси кекса аёл Вероника Григорьевнани, колхознинг икки бригадирини ҳамда қўлларига тушиб қолган ўнтacha деҳқонни унлаб отиб ташладилар. Ўликларни кўмишга қўймадилар ва агар Германияга қўнгилли бўлиб боручи кишилар эртагача буйруқда кўрсатилган жойда ҳозир бўлмасалар, бутун қишлоқ аҳолиси худди шундай отилади, дедилар.

Германияга қўнгилли бўлиб боручи кишилардан яна дарак бўлмади. Эрта блан СС зондеркомандаси-

дан бўлган немислар қишлоқни айланиб кўрсалар, ҳамма уйлар бўмбўш турипти. Қишлоқда на ёш, на қаридан битта ҳам киши қолмапти. Қишлоқ одамлари кечаси уйларини, ерларини, йиллаб йиқкан мол-бисотларини, мол-ҳолларини қолдириб, бу жойларда кечаси бўладиган қуюқ тумандан фойдаланиб дом-дараксиз тойиб бўлганлар. Қишлоқда битта киши қолмай, ҳаммаси ўн саккиз чақирим нарида бўлган ўрмонзорга — илгари вақтларда дарахт кесиладиган жойга кўчиб кетган. Эркаклар ертўла қазиб бериб, сўнгра партизанлик қилишга кетганлар, хотинлар эса бола-чақалари блан ўрмонда ғариб бўлиб қолиб, баҳоргача шунда умр кечирганлар. Зондеркоманда шу атрофдаги бошқа қишлоқлар каби бу қишлоққа ҳам бошдан-оёқ ўт қўйган. Сўнгра немислар бу жойларга ўлик доира деб ном берганлар.

Серенъка қишлоқда бўлган воқиаларни Алексейга ҳикоя қиласкан, унинг сўзлари, Алексей қулоғига худди девор орқасидан келаётган товушдек аранг эшитиларди:

— ...Отам колхоз раиси эди, улар отамга қишлоқ оқсоқоли деб ном бердилар, улар отамни ўлдиришди, акамни ҳам ўлдиришди; акам инвалид эди, бир қўли йўқ эди, қўлинини хирмонда майнб қилган эди. Ўн олти кишини ўлдиришди... Ўз кўзим блан кўрдим, кўриш учун ҳаммамизни қувиб олиб боришди. Отиш олдидан отам бақириб, нуқул немисларнинг она-отасини сўкди... «Бизлар учун боплаб жазонгизни беришади, сиз итваччаларнинг! — деб бақирди.— Бизларнинг қонимиз учун сизларни қон йиғлатмасдан қўйишмайди!..» деб бақирди.

Катта-катта кўзлари ғамгин ва ҳорғин малларанг деҳқон боланинг сўзларини тингларкан, учучида аллақандай оғир бир ҳиссиёт туғилди. Кўзи олдида бутун жаҳон хираланди. Одамзоднинг кучи бардош беролмайдиган қаттиқ ҳаракатлари орқасида ҳолдан кетган ганини зўр ҳорғинлик қамраб олган эди. Ҳозир у ҳатто бигга бармоғини ҳам қимирлатаолмас ва бундан айтиги икки соатча бурун қандай қилиб юриб келганига ўзининг ҳам ақли етмас эди.

Алексей мудроқдан зўрга кўзини очаркан, секин товуш чиқариб боладан сўради:

— Ҳали ҳам ўрмонда турибмиз денг?

— Турмай нима қилардик, ҳали ҳам турибмиз. Ҳозир уччаламиз: мен, Федъка ҳамда онам. Нишкага деган синглум бор эди, қишида ўлди, шишиб ўлди. Энг кичкина укам ҳам ўлди, шундай қилиб ҳозир уччаламиз қолдик.. Немислар тағин қайтиб келишмасми кин-а? Бувам, я'ни онамнинг отаси, ҳозир раиснинг ўрнида турипти; ўша айтадики: немис қайтиб келмайди. Ўликни гўрдан қайтариб олиб келмайдилар, дейди Онам бўлса ҳали ҳам қўрқиб юради. Яна қочиб кетмоқчи бўлади, немис яна қайтиб келади, дейди... Ана Федъка блан бувам ҳам келишиди!

Малларанг Федъка ўрмон ёқасида туриб, ёнидаги узун бўйли чол кишига Алексейни бармоғи блан кўрсатмоқда эди. Чолнинг эгнида хонаки чакман бўлиб, устидан арқон боғланган, бошида эса немис офицерлари киядиган саябони баланд шапка бор эди

Чолнинг оти Михайлабо бобо эди; болалар уни шундай деб атар эдилар. У новча бўйли, қотма ва озгин киши эди. Истараси иссиқ, кўзлари болаларнинг кўзидаи порлаб турарди; бир тутамгина майин ва сийрак соқоли тарам-тарам бўлиб кумушдек оппоқ товланарди. У, Алексейнинг күшдек енгил гавдасини бемалол кўтариб ва ўёқ-буёққа агдариб, қирқ ямоқ эски пўстинга ўраркан, ўзича ҳайратда қолиб ҳадеб гапиради:

— Ё товба-эй, одам ҳам худди қуруқ ёғочга ўхшаб қоларканда! Ё парвардигор, фақат қуруқ суюк бўлиб қолипти-я! Бу уруш одамзоднинг бошига не-не кунларни солмади. Эй аттанг! Эй аттанг!

Бобо Алексейни чақалоқ сингари авайлаб кўтариб ченага ётқизди, ченага ипни ўтказиб, ўйланиб қолди; сўнгра эгнидан чакманини ечди ва бувлаб Алексейнинг боши остига қўйди. Кейин олдинга ўтиб қопдан қилинган хомутни бўйнига солди-да, болаларга биттадан ип тутқизиб «қани, кетдик!» деди. Учслари билдираб турган қор устидап ченани тортиб кетдилар;

қор чепанинг тагига ёпишиб, картошка унидек ғижирлар ва оёқлар остида босилиб қоларди.

## 15

Шундан кейинги икки-уч кун Алексей назарида қуюқ ва иссиқ туман ичиди үтди, бўлган воқиаларни у шу туман ичиди хира бир тарзда тасаввур қилаоларди. Воқиалар уйқуда алаксираш блан қўшилиб кетарди; орадан анча вақт ўтгандан кейингина у ҳақиқий воқиаларни ва бу воқиаларнинг оқибати нима бўлганини тўла хотирлай оладиган бўлди.

Қочқин қишлоқ аҳолиси қадимги қалин ўрмонда яшамоқда эди. Ҳали ҳам қори эримаган ва теласи иғнабарғ дарахтининг шохлари блан қопланган ертўлаларни даф'атан кўз ташлаганда кўриш мумкин эмас эди. Ертўлалардан чиқаётган тутун худди ер бағридан чиқаётгандек кўринарди. Алексей бу ерга келган куни ҳаво нам ва жим эди, тутун ердаги йўсинларга ва дарахтларга ўралишиб юрарди, Алексей: ўрмонда бўлган ёнғин бу ерларга ҳам тарқалиб, энди сўнаётган бўлса керак, деб ўлади.

Бу ернинг аксарияти хотинлар, болалар ва бирнеча қари-қартанглардан иборат бўлган барча аҳолиси, Михайла бобо қаердандир пайдо бўлган ва Федъканинг сўзига қараганда «қуруқ суяги қолган» совет учучисини ўрмондан олиб келаётганини эшитиб, ҳаммалари йўлга чиқиб туришган эди. Уч одам «қўшилган» чена дарахтлар орасидан кўриниши блан, хотинлар уни дув ўраб олиши, улар оёқ остида ўралишиб юрган болаларни муштлаб, итариб ҳайдар ва ченани зич ўраб олишиб, афсусланиб ва йиғлашиб бора дилар. Ҳаммаларининг кийими жулдир ямоқ бўлиб, ҳаммалари бир хилда қариб қолгандек кўринар эди. Гулхан ёқилиб иситилган ертўланинг тутуни уларнинг юзига ураберуб, ҳаммалари бир хилда қорайиб кетган эди. Фақат кўзларининг порлашидан, қора башараларида ялтираб кўринган тишларидангина хотинларнинг ўшу-қарисини ажратиш мумкин эди.

Михайла бобо бўйнидаги хомутини эгилиб чаққон тортар экан, жаҳли блан деди:

— Ҳой хотинлар, хотинлар дейман! Ҳўш, бу нима йигин? Театрми бу сизга? Тамошами? Эй, худо ҳаққи, оёқ остига ўралашмасаларингчи; подага ўхшайди-я, аста'фирулло, ақли пастлар!

Оломон ичидан Алексейнинг қулоғига ҳархил товушлар эшитиларди:

— Шундақаям озиб кетиптики! Ростдан ҳам қуруқ суюк бўлиб қолипти! Қимирламайди-ку, тирикми ўзи?

— Ҳушсиз ётипти... Нима бўлди экан унга-я? Войбой, қарасаларингчи, хотинлар, бирам озғин, бирам озғин!

Сўнгра ҳайрат ва таажжуб тўлқини босилди. Бу учучининг бошига тушган ҳозирча нома'лум бўлган кулфат даҳшатли бир кулфат бўлса керак, деган фикр хотинларга жуда қаттиқ та'сир қилди; чена ўрмон ёқасидан сургалиб, ер тагидаги қишлоққа сескин-секин яқинлашаркан, хотинлар орасида тортишув кетди: гап Алексейнинг кимникида туриши устида борарди.

— Менинг сртўлам қуруқ, рутубати йўқ, қум тўйкилган, ҳавоси ҳам кўп... Печкам ҳам бор,— дер эди лўппи юзлик ёшгина бир хотин; у сўзлагандага кўзларининг оқлари, ёш занжининг кўзларидек, беқарор порларди.

— ... «Печкангиз бўлса бўлар!» Аммо ўзларингиз неча жон? Шунча одамнинг нафасиданоқ кишининг дами қайтади-ку. Михайла, менинига олиб юр, менинг уч ўглим қизил аскарликда, бироз уним ҳам бор, мен унга юпқа пишириб бераман!

— Йўқ, йўқ, менини тузук, кенгроқ, фақат икки киши турамиз; жой топилади; юпқангни бизникига олиб келарсан, овқатни ҳар қаерда еса ҳам бўлаверади. Қсюха блан икковлашиб уни парвариш қиласиз, даволаймиз, музлатиб қўйган балиғим бор, оппоққина майин қўзиқорин ҳам... унга балиқ шўрва ва қўзиқорин шўрва қилиб берамиз..

— Балиқ шўрвани нима қилсин, у, ўзи бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлиб турипти-ку! Миша бобо, олиб юр менинига уни, бизда сигир бор, сут бор!

Лекин Михайла бобо ченани ўз ертўласи томонига  
официо кетди; унинг ертўласи ер тагидаги қишлоқнинг  
республикасида эди.

Алексей қасерда ётганини хотирлайди, у кичкина,  
бронги ертўлада ётипти; деворга сукіб қўйилган  
чишорғ чирсиллаб учқун сочиб, тутун аралаш ёниб  
урити. Устидан қаралса, чирорнинг ёруғида немис  
шашни яшигидан ясалган ва ерга кўмилган устунга  
уриб қўйилган стол кўринади. Яшик ёнида курси ва-  
ифасини ўташ учун бирнеча тўнка турипти. Кампир-  
дирик кийинган озғингина бир хотин столга эгилиб  
ўтирипти, бу Михайла бобонинг кичик келини Вар-  
варида эди. Унинг ёнида сийрак соchlари оқарган Ми-  
хайла бобонинг боши кўриниб турипти.

Алексей хояки матодан тикилган ва ичига похол  
тўлғазилган йўл-йўл тўшак устида ётарди. Унинг устига  
бояги олақуроқ ва қирқ ямоқ пўстин ёнилган. Пўстин-  
дан аллақандай ёқимли сучук ҳид, бисот ва сандиқ ҳиди  
келарди. Алексейнинг а'зойи бадани тош блан уриб пўла  
қилиб ташлангандек зирқирав, оёқлари эса товонига  
қўндирилган ғишт босгандек, ёнарди; аммо шундай  
бўлеа-да, бундай иссиққина ором олиб ётишнинг ўзи  
хўяур эди, чунки ҳозир сенга ҳечким тегмайди, эмаклаб  
юрини ҳам йўқ, хаёл суриш ҳам йўқ, хавотир олиб тўрт  
томони аланглаш ҳам йўқ.

Ергўланинг бурчагига қурилган ўчоқдан чиқаёт-  
ти кўкиш тутин паға-паға бўлиб гирайланиб юарди.  
Алексейнинг назарида тутунгина эмас, балки стол  
ҳам, ҳамон бир иш блан машгул бўлиб ўтирган Ми-  
хайла бобонинг кумушдек ялтираб турган боши ҳам,  
Варваранинг нозиккина гавдаси ҳам доим қимирлаб,  
чўнилиб, ёйилиб турарди. Алексей кўзларини юмади,  
у, исмисча қора бургут тамғали латта тутилган эшик-  
дан кирған муздек шамолдан уйғониб кўзларини очади.  
Кариси, стол ёнида бир хотин ўтирипти. У стол устига  
бир қалтачани қўйиб, худди уни қайтиб олайми-йўқми  
демандек тараалдувланиб, устига қўлларини босиб турар-  
ди. У, ишасини зўрға олиб, Варварага сўзларди:

Мана бу манна ёрмаси... Тинчлик замонидан  
буғи буни Костюнька учун асраб келган эдик. Энди

бунинг Костюнькага кераги йўқ. Буни олиб, ана у меҳмонингизга пишириб беринг. Чақалоқ ейдиган овқат-да бу, bemorga ҳам жуда ёқади.

У, ғам-ҳасратини ёзгач, бурилиб секингина чиқиб кетди. Бирори музлаган балиқ олиб келди. Бошқа бирори ўчоққа пиширилган юпқа нон келтирди; иссиқ-қина ноннинг сучук ҳиди ертўлани тўлғазиб юборди.

Серёнька блан Федъка келишди. Серёнька деҳқонларча одоб блан эшик олдида бошидан шапкасини олиб: «Салом сизларга!» деди-да стол устига маҳорка ва кепак ёпишган икки бўлак чақмоқ қанд қўйди.

— Онам бериб юборди. Қанднинг фойдаси бор, еб олинг,— деди у ва сўнгра иш биларман кишидек бобоға қараб сўзлади:— Куйган қишлоққа яна бориб келдик. Қавлаб битта қозонча топиб олдик. Иккита белкурак ва бир болта ҳам топдик, унчалик ёмон куймаган; аммо болтанинг сопи йўқ. Муюмга ярас деб олиб келдик.

Акасининг орқасидан мўралаб турган Федъка эса, стол устидаги оппоқ қандлардан кўзини узмас ва пишиллаб сўлагини тортар эди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Алексей бу келди-кетдилар тўғрисида узоқ ўйлаб, қишлоқ аҳолисининг унга илтифот қилиб келтирган ейимлик-ичимликларнинг қадрини билди, чунки ўша қишида бу қишлоқ аҳолисининг учдан бири очликдан ўлган, ҳарбир оила камида бир кишини, аксари икки, уч кишини кўмган бўлса ҳам, аҳоли қолган-қутган озиқ-овқатини келтириб унга тақдим қилган эди.

Михайла бобо Алексей учун келтирилган туҳфа ва ин'омларни қабул қилиб оларкан:

— Эй, хотинлар, хотинлар, баҳонгиз йўқ сизларнинг! Тўғрими гапим? Менга қара, Алёха, қулоқ сол, шу рус аёлларининг баҳоси йўқ дейман-да, кўнгли ийса, топган-тутганини чиқариб олдингга қўяди, жонини ҳам аямайди. Бизнинг аёллар шунаقا меҳрибон бўлишади. Тўғрими гапим-а? — дер эди-да, яна ўзишига уриниб кетарди, я'ни от асбобларини тузатар, хомутни ёки таги эзилган валенкани тикиб ўтиради.— Ишда ҳам бу аёллар, биродар Алёха, бизга гал беришмайди, гал бермаслик ҳам гапми, бир вақт қарабсанки,

нинди ўрқиқлардан ўтиб ҳам кетипти! Фақат уларнинг тили Амон, тили, —вой буларнинг тилгинаси-ей! Шайтонни тириқалдиши бу аёллар, Алёха, жуда ҳам бошимни котиришили, расо миямни қоқиб қўлимга беришиди. **Х**иммини Анисьям ўлгандан кейин, товба қилдим, «Худога шукур, энди қулогум тинчиб яшайман!» деб ғонакни ғидим. Мана, худошинг ўзи жазомни берди-ю қўли. Қишлоқда армияга олинмай қолган эркаклар Немислар келганидан кейин партизан бўлиб кетишиди. **М**ен бўлем, қилган гуноҳларимнинг эвазига, худди чини қўйларига боплиқ бўлганидек, хотинларга командир бўлиб қолдим... Бай-бай-бай!

Алексеий ўзини ҳайрат ва таажжубда қолдирган ёғи нарсани ана шу ўрмонзордаги қишлоқда кўрди. Немислар Илавни қишлоғи аҳолисини уй-жойдан, мол ҳолдан, асбоб-анжомдан, сигир-бузоқдан, бисог қизни ўнгалини нарсалардан, кийим-кечакдан,—хулласки лилод ижоддиниг меҳнати блан жамғарилган нарсаларини ҳаммасидан маҳрум қилишган; қишлоқ халқи чини ўрмонда яшаб, кўн азоб-уқубатларни кечирган, Немислар бўлиб қолмасин, деб ҳамиша таҳлика остида юртни, очиндики, ўнгали, аммо лекин ўттизинчи йилда қинчидиги олини кинилар ташаббуси блан, ярим ўнгали чўнини ан мунозара ва торишувдан кейин, бир иммаллиб тушнагин колхоз бўлиб кетмаган Бузилиш ўқуди турени, яксинча урупдан кўрилгани жабру жафо оламларни яши маҳкамроқ бириктирган. Ҳаттоқи ертўниллар ҳам коллектив бўлиб қазилган ва одамлар ертўнилларга ўқиича одаг блан ҳарким хоҳлаган жойига бориб ўз бопича ўтирабермасдан, бригада-бригада ғўлиниб қитор жойланганлар. Ўлдирилган куёви ўрнига **М**ихайли бобонинг ўзи колхоз раислиги вазифасини ўз тафсанини олган. У, ўрмонда яшаб турган вақтда ҳам қонглини гартиб-қондаларига беками-кўст риоя қилиб келган. Мана ҳозир, қоронги ўрмонга қочишга мажбур бўлиб, гор қишлоқда турган аҳоли бригада на иненоларига бўлиниб, кўклам экинига тайёргарлик кўрмайди.

Дедкон аёллар ўзлари оч юрсаларда, қишлоқдан юришида ўзлари блан олиб келган дон-дундан нимай-

ки қолган бўлса, ҳаммасини олиб келиб умумий ертўлага тўклилар. Немислардан яшириб ўрмонга олиб келган бузоқларни асраш ва парвариш қилишга жуда э’тибор берилди. Одамлар оч қолсалар қолдиларки, аммо жамоат молини сўйиб емадилар. Болалар ўлимдан қўрқмай, куйган қишлоққа бориб, кул ва кўмирлар орасини кавлаб, иссиқдан қорайиб кетган плугларни топиб келдилар. Улардан ишга ярайдиганларини ажратиб олиб, ёғочдан даста қилдилар. Кўкламда сигирларни қўшиб ер ҳайдамоқ учун, кандирдан бўйинтуруқ ясад қўйдилар. Хотинлар бригадаси топшириқ бўйича кўллардан балиқ тутиб келди ва қиш бўйи бутун қишлоқ балиқ блан тирикчилик қилди.

Михайла бобо гарчи «ўз аёллари»дан шикоят қиласа ҳам, хотинлар унинг ертўласига келиб, Алексей тузукроқ фаҳмига етмайдиган хўжалик ишлари важидан у блан узоқ жанжал қилганларида, у қулоқларини бекитиб, ба’зан жуда жонига текканда, уларга бақирса ҳам, лекин ҳар ҳолда, уларнинг қадрига етабиларди. Ў, ўзи индамасдан ётиб, гапга қулоқ солишини яхши кўрадиган Алексейга бирнеча бор «хотинлар зотини» кўкларга кўтариб мақтаган ҳам эди:

— Азизим Алёха, бу гапга қулоқ сол, дўстим. Хотин зоти бир бурда нарсага икки қўллаб ёпишади,—бу унга азал-азалдан одат бўлиб келган. Лаббай? Тўғрими гапим? Хўш, нега шундай қилади? Хасисликданми? Йўқ, чунки у бола боқади, чинини айтганда, оила-рўзгорни ҳам шу хотин киши бошқаради, шунинг учун ҳарбир бурда нарсани қадрлайди, маҳкам тутади. Мана энди ҳозирги аҳволга қара. Ҳолимизни ўзинг кўриб турибсан: нон ушоғини санаб еймиз. Сабабки очарчилик! Бир кун, дейман, январь ойида қишлоғимизга бир гала партизанлар келиши; ўзимизнинг қишлоқдан кетганлар эмас, бошқа партизанлар. Ўзимизнинг қишлоқдан партизан бўлиб кетганлар Оленино деган жойда урушиб юришипти. Булар бошқа жойдан келган бегона партизанлар; чугунками-пугунками деган жойдан. Хўп. Бир вақт ана шулар дув босиб келиши: «Очликдан ўламиз» дейишид. Хўш, эртаси қарапсанки, аёллар йигилишиб уларнинг халталарини тўлдириб

ондай солиб беришди. Үзларининг болалари эсса  
тани шиншиб юришипти, оёғини ҳам кўтариб бо-  
ди. Лаббай? Тўғрими гапим?.. Мана шундақа бу  
ро Агар мен командир бўлсан эдим, пемисларни  
тани ҳайдагандан кейй, аскарларимнинг энг сара-  
ни тўплар эдим-да, уларнинг олдига аёлларни чиқа-  
ти юйир эдим; сўнгра ҳамма аскарларимга рус аёллари  
илини саф тортиб ўтиб, уларга, ана шу аёлларга  
робийчасига салом беришни буюар эдим!..

Алексей, чолнинг гапларига қулоқ солиб, мудраб  
ғетарди. Ба'зан у, чолнинг сўзларини эшитатуриб, гим-  
настёркаси чўнтағидан хатларни ва қизнинг суратини  
олиб, унга кўрсатмоқчи бўларди, лекин мадори йўқ-  
ликлари қўллари ҳаракатга келмас эди. Аммо Михайла  
бобо ўз хотинларини мақташга тушган чоқларда, гим-  
настёрка остидаги бу хатлардан Алексеининг юрагига  
мехр қўйиллаётгандек туюларди.

Михайла бобонинг келини ҳам кечқурунлари стол  
нида жимгина ўтириб, ҳамиша чаққон ҳаракат қилиб  
бир иш блан машғул бўларди. Авваллари Алексей уни  
қарри кампир, бобонинг хотини бўлса керак, деб ўйла-  
тиди; лекин сўнгра тузукроқ разм солиб қараса, у йи-  
тирма-йигирма икки ёшли, нозиккина, қадди-қомати ва  
нфт андоми келишган бир жувон экан, у Алексеига из-  
тироб ва ҳаяжон блан назар ташларкан, энтикиб-энти-  
киб шафас олар ва гўё томогига тиқилиб қолган бир  
нираси ютаётгандек бўларди. Ба'зан шундай бўлар  
идики, чўпчироқ ўчиб, тутунга тўлган қоронгиликда  
ильтироқ қурт секин ўрмалаб юрганда, (бу қуртни Ми-  
хайла бобо эски куйган қишлоқдан тасодифан топиб  
олиб, «уй арвоҳи» деб куйиб қорайган товоқ-идишлар  
блан бирга қўлқопига солиб олиб келган эди) Алексе-  
еининг қулоғига супа устида бирор ёстиқни тишлаб  
ширқуллаб йиглаётгандек туюларди.

## 16

Алексеининг келганига уч куни бўлгандан кейин Ми-  
хайла бобо унга қат'ият блан деди:

Жуди ҳам битлаб кетибсан, Алёха, -- жуда ёмон  
булинни ҳудди сассиқ қўнғиздай кирланиб кетибсан.

Баданингни қашлай олмайсан. Гап шуки, мен сен учун бир ҳаммом ясасам дейман. Хўш, лаббай? Ҳа-ҳа.. Ҳаммом Сени яхшилаб чўмилтириб қўяман, баданингга буғ бериб, суякларингни юмшатаман. Шунча қийнатиб азоб тој тганингга ҳаммомнинг жуда фойдаси бор-да Лаббай? Тўғрими гапим?

Шундай қилиб, бобо ҳаммом ясашга киришди. Бурчакдаги ўчоққа ўт ёқиб шундай қизитдики, ўчоқнинг кесаклари чатнаб ёрилабошлади. Алексейга айтишларига қараганда, ташқарила гулхан ёқилиб, унинг устига катта бир темир қўйиб қиздирилмоқда эди. Варя эски бир кувага сув тўлғозди Ертўлага олтиндай товланиб турган похол ёйилди. Сўнгра Михайла бобо белигача ечинди, танида фақат иштони қолди. Ёғоч челакка ишқор солиб сувга тез-тез чалпиди. Кўкат ҳиди келиб турган чиптани бузиб мочалка қилди. Ертўла жуда қизиб кетиб, шипдан катта-катта совуқ томчилар томабошлагач, чол югуриб ташқарига чиқди-да, қипқизил чўғ бўлиб қолган темирни тунука устига қўйиб уйга олиб кирди ва кувага солди. Бирдан қалин буғ шипга кўтарилид ва оппоқ буғ паға-паға бўлиб тепада айланабошлади. Буғ ичиди ҳечнимани кўриб бўлмас эди. Алексей, чол уни тез-тез ечинтираётганини сезди.

Варя қайнотасига ёрдамлашиб турарди. Уй жуда исиб кетганидан, Варя пахталик нимчаси блан бошидаги рўмолини ечиб ташлаган эди. Йиртиқ эски рўмол остида билинмай турган қалин соchlари ёйилиб елкаларига тушди. Кўзлари катта-катта, ўзи озғингина, нозиккина бўлиб кўринган Варя бирдан ўзгариб кетиб, художўй кампирдан ёш бир қизга ўхшаб қолди. Бу ўзгариш шундай тўсатдан бўлдики, аввал Варяга унча э’тибор бермаган Алексей, қип яланғоч ўтиргани учун, уялиб қолди.

— Жимгина ўтирабер энди, Алёха! Ҳа-ҳа, оғайни, жимгина ўтирабер, демак, сен блан ишимиз шунақа бўлади энди! Шундай гапни эшигтганмисан: Финляндияда мужиклар блан хотинлар қип яланғоч бўлишиб бир ҳаммомда чўмилар эмиш. Лаббай, ёлғонми бу гап? Балки ёлғондир. Варька бўлса, ҳозир, масалан, ярат

Дир кекар ёнида ўтирган шафқат ҳамширасига ўхшайди Шундай. Шунинг учун ундан уялиш ҳам керак амас. Унглаб тур уни, мен кўйлагини ечиб олай; байдай бай, кўйлаги тердан чириб кетипти, ўзи суғурилиб чиқдимиш и!

Шунда Алексей жувон хотиннинг қора шаҳло кузларида даҳнат аломатини кўрди. У самолётдан Ниҳонлиб тушигандан бери, айланиб турган қуюқ буғорасида биринчи мартаба ўз баданини кўрди. Олтиндай тоғланиб турган буғлой поҳоли ўстида қопқора териғи ўрилган қуруқ одам суюги ётарди. Тиззаларининг қўзи бўргиб чиққан, сонларининг суюклари лўппайиб чиққан, қорни тамоман ичига кириб кетган ва қобиргилари бўртиб чиққан эди.

Ноди ишқор ивтиилган челак ёнида нимабландирманнинг ул эди. У мочалкани ишқөрлик сувга ботириб олиб, Алексейга яқин келтирас экан, иссиқ буғорасидан унинг баданига кўз ташлади-да, мочалка ушлаган қўли шундайича қотиб қолди.

Вои шўрлик-эй!.. Ишинг чатоқ экан сенинг, бирорлар Алёха! Лаббай? Ишинг чатоқ экан. Немисдан қутнишига қутилибсан-ку, биродар, аммо ажалнинг қулини...

Сунгра бирдан Алексейнинг орқасидан ушлаб турган Варита кўзи тушиб қолди.

Хўш, сен нега яланғоч одамнинг баданига тикилиб турибсан-а, уятсиз? Хўш, нега лабингни тишлайсан? Уҳ, сиз хотинларнинг барингиз ҳаккадан тарқониансиз! Сен Алексей, ҳечнимани ўйлама, кўнглингга кеч ёмон парса келмасин. Биз сени, биродар, ажалнинг қўлига асло бермаймиз. Парвариши қилиб асраймиз, тумтамиз, гапнинг рости шу!.. Яша, саломат бўл!

У чаққон ҳаракат қилиб, худди чақалоқни чўмилтирипидек, авайлаб Алексейни ишқор блан ювар, устидан иссиқ сув қўйиб, яна ҳа деб ишқалар эди; у шу қадар жон куйдириб ишқалардики, охири қўллари Алексеининг дўншайган суюклари устида сирғониб ғирилабонилади.

Варя индамасдан унга қарашиб, ёрдамлашиб турарди.

Лекин чол унга ўринсиз бақирган эди. У, қуруқ сувак бўлиб қолган ва қўлида бўшашиб лахмайиб кетаётган гавдага қарамаган эди. У бошини буриб четга қарашга ҳаракат қилас, қалин буғ орасидан ба'зан Алексейнинг оёғи ёки қўлига билмасдан назари тушиб қолгундай бўлса, кўзларида даҳшат аломатлари ёнарди. Гўё унинг кўз олдида турган киши қандайдир сабаблар блан уларнинг ўртасига тушиб қолган номалум учучи эмас, балки унинг Мишаси, я'ни бир баҳоргина бирга умр кечирган эри тургандай эди; немислар гўё бу кутилмаган меҳмонни эмас, балки қошсиз юзларига сепкил тошган, қўллари бақувват, забардаст йигитни шундай ҳолга солган эдилар ва ҳозир у гўё ўз Мишасининг заиф ва жонсиз гавдасини ушлаб тургандай эди. Шунинг учун уни даҳшат босиб боши айланар ва ҳушдан кетиб йиқилмаслик учун лабларини қагтиқ тишлаб турган эди.

... Сўнгра Алексей юпқагина йўл-йўл тўшакда ётарди; эгнида Михайла бобонинг эгри-буғри йўрмалган, узун, тоза ва юмшоққина кўйлаги бор эди, у, а'зойибадани енгил тортиб, қувватга киргандай сезарди. Алексей чўмилиб бўлгандан кейин уйдаги буғ ўчоқ тепасидаги туйнукдан чиқарилгач, Варя унга хушбўй гиёҳ солиб қайнатилган ва тутун ҳиди келиб турган чойдан ичкизди. У, чойни туновкун болалар келтирган икки чақмоқ қанд ушоқлари блан ичди; Варя бу қандларни оппоқ тахтacha устида майдалаб унинг олдига қўйган эди. Шундан кейин у биринчи марта тузуккина роҳат қилиб, алаксирамай тинчгина ухлади.

Алексей ғовир-ғувир товушдан уйгониб кетди. Ертўла қоронғи бўлиб, чўпчироғ милтиллаб туради. Тутун аралаш қоронғилик ичидан Михайла бобонинг ингичка товуши эшитиларди.

— Эси паст хотин, миянг борми-йўқми? Ўн бир кун зигирдек таом тотмаган кишига тухум пишириб келасанми... бу тухумларингни еса у ўлиб қолади-ку ахир!.. — Бирдан бобонинг овози пасайиб илтимос тусиға кирди: — Агар билсанг Василиса, унга тухум

Үриния ҳозир, ҳозир унга бир қошиққина товуқ шўр-иа бўлсан, жуда соз бўлар эди-да! О! Унга ҳозир ана шу керак. Товуқ шўрва исча, дармонга кириб отдек бўлиб кетир ўди да. Шу дейман, сенинг Партизанчангни, лаб-тай?

Лекин кампирнинг чинқирган қаттиқ овози унинг ғуни бўлди:

Бермайман! Бермайман дедим, бермайман; сўраб овора ҳам бўлма, иблин чол! Гапингни қара-я! Лекин бу тўғрида минбад оғиз очакўрма. Мен Партизанчангни берармишман... Шўрва ичкингиз келдими... Шўрия! Ҳозир ҳам худди тўй қиладиган кишидек, анча ширсанни ташиб олдинг! Энди шу қолувдими!

Чол ингичка овозини қалтиратиб деди:

Эҳ, Василиса, шундақа хотинчалиш гапларни айтнишдан уял. Ўзингнинг ҳам икки кишинг фронтда-ю, сипаринг эса бундақа бема'ни! Айтиш мумкинки, бу одам бизлар учун майиб бўлиб, бизлар учун қонини тўккан.

— Керак эмас менга унинг қон тўкиши. Менинг учун ўзимнилар қон тўкиб юришилти. Сўраб овора ҳам бўлма, бермайман дедим, бермайман.

Қампирнинг қораси эшикка жилиши блан эшикдан баҳор кунининг равшан шу'ласи кирди, Алексейнинг кўйлари қамашиб, беихтиёр инқиллайбошлади. Чол юриб унинг ёнига борди:

Эй, сен ухламаганимидинг, Алёха. А? Бизнинг гапларимизни эшитдингми ҳали? Эшитдингми? Зинҳор сен ундан ранжима, Алёха, унинг сўзларини кўнглингга қаттиқ олма, дўстим. Сўз нима-ю, данакнинг пўчоғи нима, ҳамма гап пўчоқнинг ичидағи мағизда. Сен, утунгни мендан аяди, деб ўйлайсанми? Йўқ, ундей эмас, Алёха! Уларнинг бутун оиласини немис қириб ташлашни ўн ҳам ўн жондан иборат катта оила эди-да. Лирикни энг каттаси полковник эди. Немислар, пол-офицернинг оиласи эканини билиб, Василисадан бўлак замисини бир соат ичидаги чуқурга кўмишди. Рўзгори-ни ҳам вайрон қилишди. Қампирлик чоғида, уруғ-ай-нина қолиш энг ёмон кулфатда, ахир! Қампирнинг шуғуни рўзгоридан фақат битта товуғи қолган. Жуда

мугомбир товуқ әкан, Алёша, немислар келгандан кейин бир ҳафтанинг ичидаёқ товуқ борми, ўрдак борми—барисини тутиб олиб ейишиди, чунки товуқ немиснинг энг яхши кўрадиган овқати. Ҳамиша «курка, матка, курка!» деб юришгани юришган. Броқ кампирнинг товуғи қўлга тушмай қолди. Уни товуқ эмас, фақат бир артист дейсан киши! Немис ҳовлига кирса, товуқ чордоқقا чиқиб, овозини чиқармай пусиб ётади. Ўзимизникилардан бирон киши кирса, ҳовлида бемалол юраберади. Қандай қилиб таниганига ҳайрон қоласан киши. Бугун қишлоғимизда қолган товуқ фақат ана шу; жуда айёр товуқ бўлгани учун биз унга Партизанка деб ном қўйдик.

Мересьев кўзлари очиқ ҳолда мудраб ётарди. Ўрмонда у шунга одатланиб қолган эди. Унинг индамай ётиши, афтидан, Михайла бобони безовта қилди. У, ертўлада нари-бери юриб ва стол ёнида қандайдир бир ишга уриниб, яна бояги мавзу'да сўз очди:

— Кампирдан хафа бўлма, Алёха! Азиз дўстим. ўзинг бир ўйлаб қара: бу хотин бамисоли катта бир ўрмоннинг ўртасида турган кекса қайнин дарахти эди, унга ҳечбир томондан совуқ тегмас эди; энди бўлса, у дарахтлари кесиб ташланган ўрмон ўртасидаги чирик тўнкага ўхшайди; унинг биттаю-битта овунчоги қолди, у ҳам бўлса, товуқ. Ҳой, нега индамайсан, ёки ухлаб қолдингми?.. Хўп, майли, ухласанг ухла.

Алексейни ухлаган деса ҳам бўларди, ухламаган деса ҳам. Ачитки ва деҳқонча эски бисот ҳиди бурқиб турган пўстинга ўралиб, чирилдоқнинг ором беручи чириллашига қулоқ солиб ётар ва ҳаттоки бармоқлари ни қимирлатишга ҳам ра'ии йўқ эди. Гўё унинг иссиқ пахта тўлғозилган устухонсиз гавдасида қон ўйноқлаб югуриб юрганга ўхшарди. Шишиб кетган майиб оёқлари ўтдек ёнар, ичдан лўқиллаб зирқиради, аммо бурилишга ҳам, қимирлашга ҳам мадори йўқ эди.

Алексей ўдроқ босиб ётар экан, хаёлида ертўлада. ги ҳаёт узиқ-юлиқ ҳолда кўринарди; гўё бу ҳаёт ҳақиқий ҳаётга ўхшамас эди, кўз олдидан бир-бирига қовишмаган ва ақлга сифмайдиган манзаралар бирин-кетин ясов тортиб ўтарди.

Құлам пайти әди. Қишлоқдан қочган аҳоли әнгілір күнларни кесирмоқда әди. Озиқ-овқатини ерга құмшыла ғана яширишга улгуролған ҳамда кечалари күйін қишлоққа бориб уларни куллар ичидан қазиб Үрмөнгі келтиролған кишилар ҳозир қолған-қутған оныңдарни сәб соб құлмоқда әдилар. Ернинг музи әриб билчираб қолди. Шошиб-пишиб қазилған ертүлаларнинг күзларидан «ёш»томчилайбошлади. Қишлоқнинг тарб ғарби томонида, Оленин үрмөнларида партизанлик қиңиңи юрган эркаклар авваллар ҳеч бүлмаганда кечалары битта битта яшириқча ер тағидаги қишлоққа келиб кетардилар; ҳозир эса улар, фронт илгари жилиши орқасында, фронтнинг нариги томонида қолған әдилар. Улардан дом-дарак йўқ әди. Ҳамма қийинчилек ва машиқатларга чидаб келаётган аёллар устига яна оғир машиқат тушди. Баҳор келиб қолди, қор эримоқда, әкин тикин, полиз-сабзавот ғамини емоқ керак әди.

Аёллар дарғазаб бўлиб, елиб-югуриб юришарди. Михайлa бобо ертўласида дамба-дам улар ўртасида жанижал-хархаша кўтарилиб туар, улар бир-бирларига та’на қилишар ҳамда эски ва янги, бўлған ва бўлмаган гина-гузарлар ўртага солинарди. Ба’зан жанжал гала-ғовирга айланиб кетарди; аммо муғомбир чол, хотинлар бақириб-чақириб шундай ғала-ғовир кўнгариш пайтларида, хўжалик тўғрисида муҳим бир гап айтгиб луқма ташлаб қўярди, чунончи: куйған қишлоққа одам юбориб, ерларнинг селгиб қолған-қолмаганидан хабар олдирсак бўлмасмикан, шамол қалай бўлсайкини, зах ерда ётабериб димиқиб кетган уруғлик донишларни шамоллатиб олсак бўлармикин, дейиши блан жанижал-сурон дарров босиларди.

Бир кун чол даладан хурсанд бўлиб ҳовлиқиб келли. У бир дона кўкатни олиб келди-да, авайлаб бужраған кафтига қўйиб Алексейга кўрсатди:

Кўрдингми? Даладан олиб келдим. Ерлар селгиб қолшиги; кузги дона эса, худога шукур, ёмон унмапти. Қор мўл: Ўзим кўриб келдим. Баҳори ғалладан ғузукроқ ҳосил олмаганимизда ҳам, кузги ғалладан үчин мушта униб қолади. Бориб хотинларга айтай, бечоринар бир хурсанд бўлишсин!

Ертўла олдида йигилган хотинлар, баҳорда тўдатўда бўлиб учган зағчалар сингари, чуғурлашиб кетдилар: даладан олиб келинган кўкат уларнинг умидини яна кучайтириди. Кечқурун эса Михайла бобо қўлини-қўлига ишқалаб деди:

— Сочи узун министрларимнинг қарори ёмон бўлмади. Хўш, Алёха? Бир бригада сигирларни қўши қпилиб, пастдаги қўриқни ҳайдайдиган бўлди. Унда ерии ҳайдаш жуда оғир. Подада бор-йўқ олти бош сигиримиз қолган холос. Булар блан қанча ер ҳайдаларди! Иккинчи бригаданинг даласи бироз тепароқда, қуруқроқ жойда, уни бел ва кетмон блан кавлашга тўғри келади. Эҳҳа, полиз-сабзавот экиладиган ерларни ҳам кавлашимиз керак экан: учинчи бригада эса дўнгликдаги нишаб ерларни кавлади, у ер қумлоқ; демак, у ерни картошка экишга тайёрлаймиз; бу иш осонроқ; бу ерларни болаларнинг ва кам дармон аёлларнинг қўлларига бел бериб кавлатамиз. Бир кун кўрибсанки, ҳукуматимиз ҳам ёрдам қилиб юборар. Ёрдам бермаса ҳам майли, унча катта зиён бўлмайди. Ўзимиз бир амаллаб тўғрилаймиз; албатта, ерни бўш қолдирмаймиз. Немисни бу ердан ҳайдашганига ҳам раҳмат дешишимиз керак, энди турмушимиз тузалиб кетади. Бизнинг халқ чайир бўлади, ҳарқандай оғирликни ҳам кўтараберади.

Михайла бобо анча вақтгача ухляялмай, похол устидаги қимирилаб, ардарилиб, йўталиб, қашиниб ва «эй худо, эй худо!» деб инқираб ётди; бирнеча бор супадан тушиб, сувлик челак ёнига борди ва чўмични тақирлатиб, ичи куйган от сингари, хўр-хўр қилиб сув ичди. Охири чидаб туролмай, чақмоқ уриб чўпчироғни ёқди, сўнгра, кўзлари очиқ ҳолда хаёлга чўмиб ётган Алексеини секин туртди:

— Ухладингми, Алёха? Мен бўлсам фақат хаёл сурганим сурган. Лаббай? Нима тўғрисида мунича ўйлайсан, дегин. Эски қишлоғимизнинг ўртасида бир эман дарахти бор, хўб. Ўттиз йилча бурун, я'ни Николай уруши вақтида, шу дарахтни яшин уриб, тепасини чўрт учириб кетди. Эман жуда қаттиқ дарахт, илдизи бақувват, шираси кўп. Тепаси ўсмаса ҳам ёнидан нов-

Да үриб чиқди, ҳозир қарасанг, тепаси яна сададай шамалаг бўлиб қолди. Бизнинг Плавни қишлоғимиз дам шунга оўлади.. Қуёш нурини сочиб, ер ҳосил берди турси бўлгани; бунинг устига ўз қадрдан ҳукуматимиз бошимизга соябон бўлиб турса, биз биродар Алексе, нари борғанде беш йил ичидан ҳамма жойни обод қилиб ташлаймиз. Жонимиз қаттиқ. Иш қилиб галоматлик бўлсанн! Тагин, илойим уруш ҳам тезроқ тимом бўлени! Уларни тезроқ яксон қилиб ташласалар мди, ҳамма тишчланиб, осоишига бўлиб ишга уриниб кетарди! Хўш, сенинг фикринг қандай?

Іу кечаси Алексейнинг аҳволи оғирлашди.

Михайла бобонинг ҳаммоми унинг а'зойи-баданини ҳарикига келтирди; ундаги карахтлик, ланжлик ҳолатини йўқогди. Дармонсизлик, ҳаддан ташқари ҳоргинлик, овқаларининг оғриши унга дарҳол қагтиқ сезила бошилди. У мудраб алаксирар, тўшакда ҳар томонга ишларилар, шиқирар, тишларини ғижирлатар, кимнидир шиқирар, ким бландир сўкишар ва нималарнидир талиб қиласарди.

Шарнича чўпқайиб, иягини тиззасига эгиб ва ғамгин шиҳло кўғилири блан унга энтикиб қараб, кечаси блан унинг фина ӯтириб чиқди. У, совуқ сувга ҳўлланган лавтани Алексеининг гоҳ бошига, гоҳ кўкрагига қўяр, Алексей устидаги пўстинни дам-бадам ағдариб ташлагнида, уни тўғрилаб қўяр ва уруш шамоли қаерлардадир унириб юрган йироқдаги эрини қумсаб хаёл сурарди.

Тоин ёриниар чоғида чол ӯрнидан турди. Ҳозир тинчид мудраб ётган Алексеяга кўз ташлагач, Варя блан инчирилаб сўзлашди-да, йўлга ҳозирланабошлади. У автомобиль гилдирагининг резинидан ўзи ясаган катта килюшин валинкаларига кийгизди, чакмани устидан иғтисоқ блан тортиб боялади, юлғундан кесиб олиб ўз қўлини блан сийдам қилган таёғини олди; чол узоқ сифорида чиққанде бу таёқ ҳамиша унга ҳамроҳ бўйирди.

У, Алексеини ҳечнума демасдан чиқиб кетди.

Мересьев шундай бир ҳолатда ётган эдики, у ҳатто уй эгасининг чиқиб кетганини ҳам пайқамай қолган эди. Эртаси ҳам у кун бўйи кўзини очмасдан беҳуш ётди, фақат учинчи куни, офтоб тиккага келиб, тепадаги туйнукдан шипга ва Алексейнинг оёқ улларигача ёйилган қалин қуёш нурлари қоронғиликни тарқатмай, балки яна қуюқлаштириб, ўчоқдан паға-паға бўлиб чиқаётган кўкимтир тутунга аралашиб торалаётган пайтда Алексей ўзига келиб кўзини очди.

Ертўлада бошқа ҳечким йўқ эди. Тепадаги эшик тирқишидан Варянинг секин хириллаб чиқаётган овози эшитиларди. У, чамаси, бирон иш блан машғул бўлиб, бу ўрмонзор томонларда кўп куйланадиган эски бир қўшиқни куйламоқда эди. Бу қўшиқ ёлғиз ва ғариб бир четан дарахтининг ўзидан йироқроқда — ўзидай ёлғиз турган эман дарахти ёнига бориш орзуси ҳакида эди.

Алексей бу қўшиқни илгари ҳам бирнеча бор эшигган эди. Аэродромни текислаш ва тозалаш учун теваррак-атрофдаги қишлоқлардан гала-гала бўлишиб қийчув блан келадиган қизлар шу қўшиқни куйлар эдилар. Қўшиқнинг вазмин ва мунгли оҳангги Алексейга ёқди. Аммо илгари бу қўшиқни эшиганида унинг сўзларига негадир аҳамият бермаган эди; жангу жадал блан ўтадиган серташвиш ҳаётда бу сўзларнинг ма'носи мияга кирмасдан ўтиб кетарди. Ҳозир эса бу шаҳло кўз жувон тилидан учиб чиқаётган бу сўзларда юрак ҳасрати жуда кўп эди; бу сўзлар қўшиқларда айтиладиган ҳижронни эмас, балки хотин кишининг чинакам согинишини ифода этарди; шунинг учун Алексей бу оҳангнинг чуқур ма'носини дарров сезиб олди ва четан дарахти сифатига кирган Варьканинг ўз эманини жуда соғинганини пайқади.

— ... Аммо четан бечора  
Эманига етолмас,  
Ғариб боши бир умр  
Утар ёлғиз, на чора...

Деб кубларкаи, Варяниг кўзларидан ёш оқаётгани  
таниниб турарди. Унинг овози тингач, Алексей, у ҳозир  
булур қусини нурларига кўмилган қайсибир дарахт  
танида ингорои шаҳло кўзларига ёш олиб ўтиргандир,  
деб ўллади. Алексеининг томоғига ҳам бир нарса тиқи-  
либ келабонлари; у гимнастёркаси чўнтағида турган,  
қайта қайта ўқиб ёдлаб олган хатларни олиб бир қара-  
моқчи бўлди, ўқимоқчи эмас, фақат биргина қараб  
қўймоқчи ва чамаизорда ўтирган қизнинг суратига  
бир иштир ташламоқчи бўлди. У қўлини гимнастёрка-  
сига чўншини блан бедармон қўли шалп этиб тўшак ус-  
тига тушди. Яна ҳамма нарса фақат қоронғилик ичига  
тариқ бўлиб кетди, унда-мунда тангачадек сарғиш-кў-  
кини шу'ла тушиб турарди. Сўнгра, шу қоронғилик  
инчидан унинг қулогига икки кишининг бидир-бидир  
овози эшишилди: булардан бир ё Варьканинг, иккин-  
чиси танини бир кампирнинг овози эди. Улар пичирла-  
ниб еўланимоқда эдилар:

Онцат емалиними?

Онцат ейни қаёда!.. Кеча бир бурдагина юпқа-  
ни оғрига солиб чайнатан эди — кўнгли айнади. Шу  
ҳом онцат бўлдими? Оз моз сут ичиб туради. Сут бе-  
риб турбимиз

— Мана, мен шўрса олиб келдим... Кўнгли шўрва  
тусир оғликим

— Висилиса хона! Ростданми... — деб бақириб юбор-  
ди Варя

Рост рост, товуқ шўрваси, нега мунча довдираб  
қоллини? Таомулда бор гап-да бу. Қани қимирлат, уй-  
тои уни, зора оз моз шўрвадан исча.

Мудроқ ҳолда ҳамма гапни эшитиб ётган Алексей  
кўни очар оғимас, Варя қувонганидан қўполлик блан  
уни жула қаттиқ силкиди:

Лексей Петрович, Лексей Петрович, кўзингни  
от! Висилиса буви товуқ шўрва келтирипти! Кўзингни  
от деёман!

Энник синда деворга сукаб қўйилган чўпчироғ чир-  
чилиб миллиллаб ёимоқда эди. Унинг тутун аралаш-  
хира ёргуши Алексей бели буқчайган, юзларини ажин  
боссан, бурни узун, қовоғи солинган пакана кампирни

кўрди. Кампир стол устида турган катта бир тугунни очиш блан овора эди. Аввал чинта дастурхонни очди, сўнгра эски камзилни очди, ундан кейин қофозни очди, улар ичидағи чўян қозончадан товуқ шўрванинг хуштам ва ёғлиқ ҳиди ертўлага уриши блан Алексейнинг оч ме’даси ғулдирайбошлади.

Василиса бувининг ажин босган юзларида ҳали ҳам хафалик ва жаҳл аломати кўринарди.

— Мана, шўрва келтиридим, ирганмасдан баҳузур ичаберинг, худо хоҳласа, дардингизга шифо бўлар.

Кампирининг оиласи бошига тушган мусибат, «Партизанка» деб кулгили ном қўйилган товуқ ҳикояси Алексейнинг хотирига келди ва буви ҳам, Варька ҳам, стол устида буғланиб турган шўрва ҳам бирдан кампирнинг кўзёши дар’ёсида сузабошлади, чунки кампирининг ҳаяжонли кўзлари ёшга тўлган ҳолда Алексейга қаттиқ тикилиб, раҳм-шафқат ва меҳрибонлик блан қараб турмоқда эди.

Кампир кетиш учун эшикка тўғри бораркан, Алексей:

— Раҳмат, бувижон,— деди ва шундан бошқа гап айтиаолмади.

Эшик ёнидан кампирнинг овози эшитилди:

— Арзимайди. Раҳматга арзирлик иш қилганимиз йўқ ҳали. Менинг болаларим ҳам урушда. Балки уларга ҳам бирон киши шўрва пишириб берар. Баҳузур ичаверинг. Тезроқ тузалинг.

— Бувижон, бувижон!— деди Алексей кампирга талпиниб, лекин Варька уни ушлаб, тўшакка ётқизиб қўйди.

— Ётинг, ётинг қимиirlамасдан! Яхиси ана бу шўрвадан ичинг,— деди Варька ва товоқ ўрнига немис солдати котелогининг эски қўрғошин қопқоғини келтириб унинг олдига қўйди; қопқоқ ичидан мазалик ва ёғлик буг чиқиб турмоқда эди; Варя қопқоғини унинг олдига қўяркан, кўзларига бехосдан келган ёшни яцириш учун бўлса керак, бошини четга бурди.— Қани, ичинг шўрвадан!

— Михайла бобо қаерда?



— Чиқиб кетди... Иши бор экан, районни қидириб кетди. Тезда келмайди. Қани, шўрвадан ичинг.

Алексей худди тумшуғи олдида жуда кўп тутилиб қорайиб кетган, лаблари кемтилган ва ичидаги каҳраболек сап-сариф товуқ шўрва тўлиб турган катта бир қошиқни кўрди.

У, шўрвадан бир қошиқ ҳўплаши блан иштаҳаси карнай бўлиб кетди—ме’даси санчиб, тиришабошлиди, аммо ўн қошиқча шўрва ичиб, оппоқ ва юмшоққина товуқ гўштидан бирнеча чимдим оғзига солиши блан ейинини бас қилди. Гарчи Алексейнинг иштаҳаси яна ичинини тијласа ҳам, у овқатни нарироққа суриб қўйди, чунки бундан ортиқ еб қўйса, овқат заҳарга айланиб, ҳоли баттар бўлишини биларди.

Кампирнинг шўрваси хосиятли экан. Шўрвани ичга, Алексей ухлаб қолди. Ҳар сафаргидек ҳолсизланниб эмас, балки баррадек мириқиб ухлади. У уйғониб шўрвадан ичди-да, яна ухлади ва ўчоқнинг тутинидан ҳам, хотинларнинг гангир-гунгир гапларидан ҳам уйғонмади, ҳатто Варя хавотирланиб, ўлиб қолмадимикин, деб уни қимирлатганда ва юрагининг уришини билиш учун кўксига эгилиб қулоқ солганда ҳам уйғонмади.

У тирик эди, бир текисда чуқур нафас олиб ётмоқда эди. У кун бўйи ва кечаси блан ухлади. Шундай қаттиқ ухладики, уни ўйқусига халал берадиган ҳечбир куч дун’ёда йўқдек эди.

Аммо эрта саҳар пайтида жуда узоқда, бир мақомда гулдир-гулдир қилаётган товуш ўрмондаги шовур-шувурлар орасидан аранг қулоққа чалинди. Алексей ўрнидан қимирлаб ола-зирак бўлиб қолди ва бошини ёстиқдан кўтарди.

Унинг қувончи ичига сифмасди. У, кўзларини жовдиратиб данг қотиб қолди. Ўчоқда совийбошлаган тошлар чирсилламоқда, кечаси блан чириллаб чарчаган чирилдоқ замон-ҳар замонда секин чириллаб қўяди; ертўла устида эски қарағайларнинг бир зайлда шилдираши ва эшик орқасида салмоқдор баҳор томчиси чакиллаб турди. Лекин бу шалдир-шулдирлар орасидан бир мақомда гулдираған овоз тўхтовсиз

эшитилмоқда. Алексей бу овозни дарров таниди: бу «У-2» самолёти моторининг овози эди. Унинг овози гоҳ тобора яқинлашиб кучаяр, гоҳ пасаярди, ҳар ҳолда шу томонга келаётгани аниқ эди. Алексей энтикиб нафас олабошлади. Самолёт шу яқин-атрофда учеб, тепадан қарабми ёки қўнадиган жой қидирибми — ўрмон устида айланәтганлиги равшан эди.

— Варя, Варя! — деб қичқирди Алексей ва тирсакларини тираб ўринидан туришга уринди.

Варя уйда йўқ эди. Кўча томондан хотин-қизларнинг ғала-ғовир товуши ва чопишиб юрган оёк шарпалири эшитилди. Кўчада қандайдир бир воқиа юз берган эди.

Шу топда ертўланинг эшиги қия очилиб, ундан Федъканинг чавкар юзи кўринди.

— Варя хола, Варя хола! — деб қичқирди Федъка, сўнгра ҳовлиқиб:— учаяти... тепамизда... айланаяти... — деди. Алексей ниманидир сўрамоқчи эди, лекин Федъка дарҳол ғойиб бўлди.

Алексей зўр уриб, туриб ўтириди. У, юраги қаттиқ ураётганини, қони тугён қилиб чекка томирларини ва оғриқ оёқларини зирқиратётганини бутун гавдаси блан сезмоқда эди. У самолётнинг айланшини санайбошлади: бир, икки, учгача санадио, тўшакка йиқилиб тушкиди, чунки ҳаяжон уни ҳолдан кетказиб, яна аввалгича кучли ва шифобахш уйқу оғушига тортган эди.

У, жаранглаб чиқсан ширалик йўғон бир овозни эшитиб уйғониб кетди. У, бу овозни ҳарқандай бошқа овозлар орасидан таниб олабиларди. Қиручи самолётлар полкида фақат эскадрилья командири Андрей Дегтяренкодагина шундай овоз бор эди.

Алексей кўзини очди, лекин унга ҳали ҳам ухлаб ётганича тушида ўз дўстининг ёноқлари бўртиб чиқсан, истараси иссиқ япалоқ юзини кўраётгандек бўлиб туюлди; дўстининг юзи худди дурадгор фақат суробини ясад қўйиб, ҳали на жилвир ва на синиқ шиша блан рандаланмаган сурат каби дағал кўринарди; унинг пешонасида қизғимтири яра доғи бўлиб, кўзлари пирпириб турарди ва кўзлари устида сарғич киприклири — Андрейнинг ҳарифлари айтганича — чўчқа

кинриклари сингари осилиб турарди. Унинг мовий құллары ҳайрат блан, тутун аралаш хира ёришиб турған ертілдада қарәнга югурарди.

— Хүш, бува, қани күрсат үлжангни,— деди йүғон овоз блан Дегтяренко.

Шарна күз олдида ҳануз турмоқда эди. Лекин бу шарна әмас, ҳақиқатан Дегтяренко эди; гарчи унинг бу ерга келиши ақылга сиғмаса ҳам, қар ҳолда үшанинг үші эди. Хүш, үрмөнзордаги бу ғор қишлоққа дүсти қандай қилиб уни излаб келдикин! Дегтяренко яғрини кенг гавдаси блан, одатдагича, әқалари очиқ ҳолда турарди. Унинг құлида радиофон иплари осилиб турған шлём ва яна аллақандай ўроғлиқ қофоз ва тугунчалар бор эди. Чүпчироғнинг шу'ласи унинг орқасига тушиб турарди. Олтиндай товланиб турған ва қисқа қилиб қайчиланган соchlари боши тепасида жингалак бўлиб ялтиради.

Дегтяренконинг орқасида ранглари оқарип, жуда ҳам ҳолдан тойған Михайла бобо кўзларини мўлтиратиб турарди; унинг ёнида эса медсестра Леночка турған эди; у, сал пучуқроқ, шўх табиат бир қиз бўлиб, қоронфиликда кўзлари ўйноқлаб турарди, қиз қизил крест тамғали йўғон брезент сумкани қўлтиғига қисиб ва аллақандай ғалати гулларни кўкрагига босиб олган эди.

Ҳаммалари жим туришарди. Андрей Дегтяренко қоронғида кўзлари қамашганидан бўлса керак, ҳайрат блан ҳар томонга кўз югуртиради. Унинг назари биринки бор Алексейнинг юзига тушиб ўтди; Алексей ҳам дўстининг бундай тўсатдан пайдо бўлганини ҳеч тушунаолмас ва уни босинқираб тушимда кўраётирман, деган хавотирда эди.

— Ажабо, мана ахир, бу ерда ётипти-ку! — деди Варя секин овоз чиқарип ва Мересьев устидан пўстинни олиб ташлади.

Дегтяренко ҳайрат блан яна бир марта Алексейнинг юзига назар ташлади.

Мересьев тирсакларини тираб туришга уринаркан:  
— Андрей! — деб юборди.

Дегтяренко чўчиб кетган бўлса ҳам, ўзини зўрга тутиб, ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Андрей, танимаяпсами? — деди пичирлаб Мересьев ва а'зойи баданини қалтироқ босаёттанини сезди.

Дегтяренко қопқора терига ўралган жонли скелетга бир пас қараб туриб, дўстининг қувноқ чеҳрасини таниб олишга уринди ва фақат унинг катта-катта кўзларидангина Мересьевга хос очиқ таниш ва ўжар ифодаларни топа билди. У қўлларини олдинга узатди. Қўлидаги шлёми ерга тушди, ўроғлик қофоз ва тугунчалар очилиб кетиб, олма, апельсин ва печеньелар ҳар тарафга сочилиб кетди.

— Лёшка, санмисан? — учучи Дегтяренконинг товуши бўғилиб, узун сарғич киприклари ҳўлланиб бир-бира гига ёпишди. — Лёшка, Лёшка! — деди у ва тўшакдан ҳолсиз ётган енгилгина бемор гавдани қучоқлаб олиб, чақалоқдай бағрига босди ва у фақат: — Лёшка, дўстим, Лёшка!! — дер эди.

У бир пас бошини орқароққа олиб, унга узоқдан тикилиб қаради ва бу одам ҳақиқатан ўзининг қадрдон дўсти эканига ишонгач, яна уни қучоқлаб бағрига босди:

— Нима бўлди сенга! Лёшка!

Варя блан медсестра Лена жони лиқиллаб турган гавдани унинг бақувват қўлларидан бўшатиб олишга уринардилар.

— Худо ҳаққи, қўйиб юборсангизчи уни, ўлай деб турипти-ку ўзи! — деди Варя жаҳли блан.

— Койитмасангиз-чи, касали баттар зўрайди, ётқизиб қўйсангиз-чи! — дер эди сестра бидирлаб ва ҳарбир гапида бирнеча «чи»ни қатор қилиб юборарди.

Учучи Дегтяренко қорайиб кетган, қартайиб қолган ва баданида гўшти қолмаган бу киши ҳақиқатан ҳам ўзининг жанговар ўртоғи ва дўсти Алексей Мересьев эканига ниҳоят ишонди. Улар полкда аллақачонлар уни ўлиб кетган деб ўйлаб юрадилар. Ҳозир эса у Алексейни ўз кўзи блан кўргач, икки қўли блан бошини ушлаб, қувончининг зўридан қаттиқ қичқириб юборди ва қўллари блан уни елкасидан тутиб, чуқур

кириб кетган күз косахоналарида қувноқ парнираб турған қора күзларига тикилиб қааркан, деди:

— Тирик экансан! Хайрият! О, боласи тушмашыр-эй! Қаерда әдинг шунча кунлардан бері! Нима бұлыб мунча озиб кетдинг!

Лекин сестра ҳовлиқиб қолган Дегтяренкони қаттық жеркиб четта итарди:

— Үртоқ капитан, касалнинг ёнидан нарироқ кетенгизчи!— деди у.

Бүйи пакана, думдумалок, семиз ва бурни пучуқроқ бүлған бу қизнинг лейтенантлик унбонини писанд құлмай полкда уни Леночка деб ёки медицина фанлири сестраси деб атар әдилар. Сайроқи ва қақылдоқ Леночка бир куни бошлықлар олдида ҳамма лейтенанттарни бирданига яхши күриб қолганини айтиб қўйиб ғолним кулги бүлған эди.

Сестра кечакатта бир шаҳарга атайлаб учиб бориб олиб келингган ва ҳозир эса керак бүлмай қолган қўлидаги гулдастани стол устига ташлаб, қизил крест тамгали брезент сумкасини очди ва уни диққат блан қарайди. Унинг қисқагина бармоқчалари Алексей оғжарининг устида ёничил ютуаркан, дам-бадам ғуради.

Оғриманингим? Бундай қылса чи? Бундай қилса чи?

Алексей биринчи марта ўз оёқларига чинакам в'тибор бериб қаради. Товоңлари беҳад шишиб, қорайиб кетган эди. Уларга сал қўл тегизса қаттиқ оғриб в'зойи-бадани зирқираб кетарди. Бармоқларининг учи қорайиб кетиб, ҳечнимани сезмаслиги, Леночкага айниқса ёқмагандек кўринарди.

Стол ёнида Михайла бобо блан Дегтяренко ўтиришарди. Улар Дегтяренконинг сувдонидан жиндак-жиндак арақ қуйиб, хурсандлик учун секин-секин ичишар ва қизғин сұхбатлашар әдилар. Михайла бобо ингичка майин овози блан воқиани ҳикоя қилбошлади. Гапининг мазмунидан у бу воқиани бирнеча марта ҳикоя қилганга ўхшарди.

— Хўш, демак, ана шундай қилиб, бизнинг болалар уни ўрмонда дараҳтлар кесилган жойдан топиб

олибдилар. Ундаги дараҳтларни немислар блиндаж қилмоқ учун кесган эдилар. Хўш, шу болаларнинг онаси, я’ни менинг қизим уларни ўтин териб келиш учун ўрмонга юборган экан. Болалар ўрмонда уни кўриб қолиптилар. Аввал улар бу нима бўлса экан? — деб ҳайрон бўлишипти... Энг аввал у, болаларнинг кўзига ўқ тегиб сургалиб юрган айиқ бўлиб кўринипти, болалар бирдан қочишга ростланиптилар, лекин айиқни кўришга қизиқиб яна қайтиптилар: қанақа айиқ экан у, нега сургалиб юради. Хўш, лаббай? Қарасаларки, у бир ёнбошдан иккинчи ёнбошга афдарилиб, сургалиб, инқираб келмоқда.

— «Сургалиб» деганинг нимаси? — деб сўради Дегтяренко ва бобога портсигарини тутиб: — Чекасанми? — деди.

Бобо портсигардан бир дона папирос олди, чўнтағидан букланган газетани чиқарди, ундан бир парчасини текис йиртиб олиб, папироснинг тамакисини қозогзга солиб ўради ва тутатиб олга, ҳузур қилиб тортабошлади.

— Чекмасдан бўладими, чекамиз. Оҳ! Фақат немиснинг қўл остига тушгандан кейин тамакининг юзини кўрмай қолдик, қуритилган ажриқ ва баргларни ўраб чекиб юрдик, ҳа-ҳа! Унинг қандай қилиб сургалганини ўзидан сўра. Мен кўрганим йўқ. Болалар айтишди: гоҳ қорни блан, гоҳ орқаси блан сургалиб келди дейишиди, қорда эмаклашга кучи етмаган-да, мана гап қаерда!

Дегтяренко дамба-дам ўрнидан қўзғалиб дўстига қарамоқчи бўларди. Алексейни эса хотинлар, сестра ўзи блан бирга армиядан олиб келган кулранг одеялга ўрамоқда эдилар.

— Сен, биродар, ўтири, бундақа йўргаклаш биз эркакларнинг иши эмас! Сен гапга қулоқ солу, дилингга тугиб ол ва борганингдан кейин бошлиғингга ҳам айтиб бер... Бу одам жуда катта қаҳрамонлик қилган! Қара у қандай аҳволда. Бутун колхоз бўлиб бир ҳафтадан буён уни боқиб даволаб келсан ҳам қимирлашга мадори йўқ, ҳалиям арслондек кучи бор эканки, бизнинг бу ботқоқзор ва ўрмонзорларимиздан юриб шу

ерніча стиб келипти! Бу иш, биродар, ҳаржимнинг құйлаппен келабермайды! Авлиёлар ҳам тириклигіда бундақы ботирлікни қилолған әмас. Эҳа! Авлиёнинг минорада гүдайиб туриши ҳам ғапми? Хүш лаббай? Сен, йигит, бу ғапларга қулоқ сол, тинглі!..

Чол бошини Дегтяренконинг қулоғига әгди ва сержун майин соқоли тегиб унинг қытиғини келтирди:

— Фақат қандай қилиб у ажалнинг чанғалига түшмай қолганига ҳайронман. Лаббай! Немисдан қутылышга қутилибдику, аммо ажалдан қандай қилиб қутылды экан. Шу қуруқ сұяғи блан қандай қилиб ұмаклаб юрганига сра ақлым етмайды-а. Уни ўз кишиларининг меҳри тортиб олиб келгана үхшайды. Алак-сираганида ҳа деб аэрором, аэрором дейди ва яна плақандай ғапларни айтади. Оля деган ном ҳам аралашиб қолади. Орангизда шунақа отлиқ бирон қыз борми ёки, хотиними? Эй, учқур, әшитаяпсанми сұзла римии ё йўқми, эй учқур, сенга айтаяпман, әшитаяпсанми? Хўш...

Дегтяренко әшитмас эди. У, мана бунда ётган киши, я'ни ўзининг ўртоғи Алексей полкда-ку оддийгина бир йигит бўлиб кўчинарди, ана шу киши жонини аямай ва майиб обқлари блан кечани кеча, кундузни кундуз демай қалин қор устидал, ўрмонлар ва ботқоқлар ичидан әмаклаб, сурғалиб ва ўрмалаб юрган, унинг мақсади: фақат душмандан қутилиб, ўз кишилари ёнига стиб олиш бўлган. У фақат ана шу тўғрида ўйларди Дегтяренконинг касби қиручи самолётда учиш бўлганидан, у ҳарқандай хавф-хатарларга кўникиб қолган эди. У ҳавода душман самолётлари блан жанг қилишга киришаркан, ҳечқачон ўлимни хаёлига келтирмас, балки қувониб юраги жўш уради. Аммо мана бу хил ёлғиз ҳолда ўрмонда қолни эса...

— Сиз уни қачон топиб олдингиз?

— Қачон?— деди чол лабларини қимирлатиб ва очиқ турган папирос қутидан яна бир дона папирос олиб бузди ва газета қофозга солиб ўрайбошлади.— Қачон эди-а? Ҳа, худди шашба куни, я'ни худди эрта якшанба деган куни, демакки бундан бир ҳафта бурун.

Дегтяренко хаёлида кунларни санади ва Алексей Мересьев ўн саккиз кун эмаклаб юрган бўлиб чиқди. Ярадор ҳолда, овқатсиз шунча кун эмаклаб юриш сра ақлга сифмайдиган гап эди.

— Раҳмат сенга, бобо! — деди учучи чолни маҳкам бағрига босиб. — Раҳмат, биродар!

— Арзимайди, арзимайди, ташаккурга арзирли иш қилганимиз йўқ! Раҳмат эмиш! Нима, мен сенга бегонаами, чет элдан келган кишими! Лаббай! Йўқ дейсанми? — деди чол ва иягини кафтига тираб яна хаёл сурисб ўтирган келинига қараб жаҳл блан бақирди: — Ердан нон ва олмаларни териб ол, қарға! Қара, шундай нози-не'матларни хўр қилиб ташлашади-я!.. «Раҳмат» эмиш!

Шу орада Леночка Мересьевни ўраб бўлган эди.

— Зиёни йўқ, зиёни йўқ ўртоқ старший лейтенант, — деди Леночка тез-тез бидирлаб, — Москвада ҳаш-паш дегунча оёғингизни тузатиб қўйишади. Москва бир шаҳри азим! Бундақа яралар у ерда писанд эмас!

Дегтяренко Леночканинг ҳа деб бидирлаб, ҳаш-паш дегунча тузатиб қўйишади, деган гапларидан дўстининг аҳволи яхши эмаслигини пайқади. У, «медицина фанлари сестраси» дан бироз ранжигандай бўлиб: «нега бунча қағиллайди бу қарға!» деб ўйларди. Зотан, полкда ҳечким бу қизнинг сўзларини жиддий ҳисобламас эди, ҳамма уни, у фақат муҳаббат дардини даволайолади, деб ҳазиллашарди, — бу фикр Дегтяренкога бирмунча тасалли бўлди.

Одеялга ўралган ва фақат боши кўриниб турган Алексей Дегтяренкога қадимги дун'ё тарихи дарслигида сурати солинган Фир'авнинг мўм'ёлаб қўйилган гавдасига ўхшаб кўринарди. Андрей каттакон қўли блан дўстининг сариқ соқоллари ўсиб жингалак бўлиб кетган юзини сийлади.

— Зиёни йўқ, Лёшка! Тузатиб қўйишади! Буйруқ бор — сени бугун Москвадаги яхши госпитальга олиб борилсин деган. Унда ҳарбир қадамда битта профессор бор. Ундаги сестралар эса, — у Леночкага кўз қисиб, тили блан «чирқ» этиб қўйди, — ўликларни ҳам

оскъка босиб юрадиган қилиб қўйишади. Биз ҳали та-  
тип сен блан осмонни гумбирлатиб юрамиз,— шу пайт-  
да Дегтяренко ўзи ҳам Леночка каби жуда сергап  
бўлиб кетганини сезди; дўстининг юзларини силаб  
турган қўли эса бирдан намланди.— Хўш, қани носил-  
ка? Олиб келишдими, мунча ҳам чўзишди!— деди у  
жакли блан.

Улар чол блан бирга, йўргаклаб қўйилган Алексей-  
ни авайлаб носилкага ётқиздилар. Варя унинг нарса-  
ларини йиғиб тугди.

Варя «сс» ханжарини олиб тугун орасига қўяётга-  
нида, Алексей уни тўхтатиб деди:

— Бобо, мана буни ол, сенга эсадалик.

Бу ханжарни Михайла бобо бирнеча марта қизиқ-  
симиб кўздан кечирган, тозалаган, қайраган ва бармо-  
гига тегизиб ўткирлигини синааб кўрган эди.

— Раҳмат Алёха, раҳмат! Пўлати пишиқ кўрина-  
ди. Қара, шунда-ям ўткирки. Мана бу ерига қандай-  
дир хат ҳам битиб қўйишилти, бу бизнинг хатимизга  
ҳам ўхшамайди,— деди у ханжарни Дегтяренкога  
кўрсатиб.

Дегтяренко ханжарнинг тифига ёзилган «Аллес фюор  
Дойчланд» — «ҳамма нарса Германия учун» — деган  
хатни ўқиб таржима қилиб берди.

— «Ҳамма нарса Германия учун» — деб такорла-  
ди Алексей ҳам ва бу ханжар қандай қилиб қўлига  
тушганини хотирлади.

Дегтяренко носилкани олдидан кўтараркан:

— Қани, чол, кўтардик,— деди.

Носилка ларzonланиб кўтарилди ва деворлардан  
тупроқларни тушириб кичкина эшикдан ўтди.

Топилган кишини кузатиб қўймоқ учун ертўлага  
ғуж бўлиб йиғилишган кишилар гув этиб ташқарига  
чиқишиди. Уйда ёлғиз Варя қолди. У секин бориб чироқ-  
ниңг пилигини тўғрилади ва одам гавдасининг изи бо-  
тиб қолган йўл-йўл тўшак ёнига бориб, уни қўли блан  
сийпалади. Унинг кўзи бирдан гулдастага тушди,—  
ғовир-ғувур ичиди бу гулдаста ҳечкимнинг эсига кел-  
маган эди. Бу гулдаста иссиқхонада сақланган сирена  
шохчасидан бирнеча дона узиб олинган бўлиб, сўлиб

ранги ўчган ва қишини рутубатда ва совуқ ергўлаларда ўтказган шу қочқин қишлоқ аҳолиси каби сарғайган эди. Варя гулдастани олиб тутун ичида ҳиди аранг сезиладиган ва баҳор наш'асини сочиб турган гулни бир ҳидлади-да, сўнгра бирдан ўзини тўшакка ташлади ва, хотинлар одатича, аччиқ кўзёши тўкиб йиғлади.

## 18

Плавни қишлогининг ҳамма аҳолиси кутилмаган меҳмонини кузатишга чиқди. Самолёт ўрмон орқасидаги қаттиқ музлаган, лекин теварак-четлари эрийбошлигар текис ва узунчоқ бир кўлда турган эди. У ерга борадиган йўл йўқ эди. У ерга фақат қўриқ ичидан, шилта қорни босиб, бир соат бурун Михайла бобо, Дегтяренко ва Леночка из қилиб келган сўқмоқ блан бориши мумкин эди. Ҳозир бу сўқмоқдан бир тўда оломон кўлга қараб оқар, улар олдида мағрур Серенька ва завқли Федъка бошлиқ болалар югуришарди. Учучини ўрмондан топгани учун ўзини эски қадрдан дўст деб ҳисоблаган Серенька носилка олдида салмоқ блан қадам ташлаб, немислар ўлдирган отасидан қолган валенкани қорда тушириб қўймасликка ҳаракат қилиб, башарлари қорайиб кетган, тишлари ялтираб кўринган, уст-бош кийимлари жуда ҳам жулдир бўлиб кетган болаларга ўзини катта тутиб, бақириб-чақириб борарди. Дегтяренко блан Михайла бобо баббаравар қадам ташлашиб, носилкани кўтариб боришар, ён томондан эса Леночка қўриқ ичидан югуриб, дам одеялни тузатар, дам Алексейнинг юзини шарфи блан ёпиб қўярди. Орқадан хотинлар, қизлар ва кампирлар ғовур кўтаришиб келмоқда эди.

Қор аксида жимиirlаб турган ёруғликдан Алексейнинг кўзи қамашди. Сўнгра баҳор кунининг ёруғшу'ласи унинг кўзларига шундай қаттиқ санчилдики, дарҳол кўзларини қисди ва ҳушидан кетишга сал қолди. Алексей кўзларини салгина очиб ёруғ кунга қарашга ўргатди ва сўнгра атрофига кўз югуртириб чиқди. Даф'атан кўз олдида гор қишлоқ намоён бўлди.

Қайси томонга қарасанг, ҳамма жойда эски қалин ўрмонзор кўринади. Дараҳтларнинг учлари бошга те-

Габ деб турарди Дараҳт шохлари эса қуёш нурларини қалип тўсиб, ерни хиралаштириб қўйган эди. Ўрмон иралашди. Жингалак учлари ҳавода қотиб қолган кўкини туғуига ўхшаб кўринган ва туташ тизилиб кетган қайинлар ёнида қарағай таналари олтинланиб турарди, улар ўртасида эса ҳар жой-ҳар жойда уч бурчак шакла қорайиб турган арчалар кўринади.

Ўрмонзор ичида кавланган ертўлаларни дарахтлар сидан ҳам, осмондан ҳам душман кўзидан пана қилиб турарди. Бу ердаги қор юзларча оёқлар босилиб из бўлиб қолган эди. Асрий арчаларнинг шохларида чапалоқларининг йўргаклари осилиб қуриб турарди, қаратайчаларпинг шохларига қуриш учун тувак ва хурмачалар тесқари илиниб турарди. Танасида моҳнинг оппоқ толалари соқолдек осилиб турган эски арча тагида, ўри-буғри бўртиб, тарвақайлаб турган илдизлар орасида, одатда йиртқич ҳайвон ётадиган жойда эскириб, кирлапиб кетган ва япалоқ юзи бўёқли карандаш блан чизиб ташланган латта қўғирчоқ ўтиради.

Носилка орқасидан бораётган оломон йўсин ўсимлиги босилиб йўлак қилинган «кўчадан» секин юрмоқда эди.

Алексей тоза ҳавога чиққандан кейин аввал фаҳмига етмай жуда хурсанд бўлди, сўнгра уни ширин ва секин қайғу босди.

Леночка кичкина дастрўмолчаси блан унинг юзидағи ёшларини артди ва бунга ўзича ма'но бериб, носилкани секинроқ олиб боришни буюорди.

— Йўқ, йўқ, тезроқ юринг, тезроқ!—деди Мересьев.

Унинг хаёлига шундай ҳам жуда секин юрилаётган-дек туюларди. Бундай секин юрилса самолётдан қолиш мумкин деб хавотирланабошлади у; уни олиб келиш учун Москвадан юборилган самолёт уларнинг келишини кутмасдан учиб кетиб қолса, унинг жонига оро кирадиган шифохонага бугун боролмай қолади. Носилкачиларнинг шошиб қадам ташлашларидан унинг оғриғи зўрайиб аста-аста инқираб бораётган бўлса ҳам: «Тезроқ юринглар, барака топкурлар, тезроқ қадам босинглар!» дегани-деган эди. У, Михайла бобонинг ҳансираф, оёқлари калавланиб қолганини билса ҳам, қисташини

қўймас эди. Икки хотин келиб носилкани чолнинг қўлидан олди. Михайла бобо Леночканинг нариги томонига ўтиб носилка ёнидан юриб борарди. Чол терга ботган тоз бошини, қипқизариб кетган юзини ва ажин босган бўйини шапкаси блан артаркан, хурсанд бир қиёфада деди:

— Буни қисташини қара-я? Шошилзяпти-да!.. Тўғри қиласан Лёша, гапинг ҳақ, шошилганинг тузук! Шошилган кишининг умри узун бўлади, хўш, тошиб олган азизимиз, ё сўзим нотўғрими?.. Сен госпитальдан бизга хат ёзиб тур! Адресимизни эсингда тут: Қаленин области, Бологое райони, келгусида бўладиган Плавни қишлоғи, лаббай? Қелгусида бўладиган, лаббай? Шундай деб ёзабер, келиб тегади, адрес тўғри!

Носилкани кўтариб самолётга киргизганда Алексейнинг думоғига авиация бензинининг таниш ҳиди урди ва унинг юраги яна кувончга тўлди. Унинг устидан самолётнинг цеплуюид қопқоғини тушириб қўйишди. Алексей кузатучиларнинг қўл силгашини ҳам, кулранг кўйлаги блаш жаҳли чиққан қарғага ўхшаб кўринган, бурни катта пакана кампирнинг юрагини босиб олиб ва пилдиракнинг айланишидан кўтарилган шамолни кесиб, кабинада ўтирган Дегтяренко ёнига борганини ва унга пишган товуқ гўшти ўралган тугунчани узатганини ҳам, Михайла бобонинг самолёт атрофида юриб хотинларга бақирганини ва болаларни тумтарақай қувганини ҳам, чолнинг шапкасини шамол учириб муз устида юмалатиб кетганини ҳам, бобо бошини ялтиратиб ва оппоқ сийрак соchlарини шамолда ҳиллиратиб турганини ҳам кўрмади. Турли қиёфадаги хотин-халажлар тўдаси ичиди фақат биттагина эркак ғилдираб кетаётган самолёт орқасидан қўл силкиб турарди.

Дегтяренко самолётни муз қопланган ердан узиб, кузатучилар устидан учириб ўтди унинг чанғи боғланган ғилдираклари, музга тегай-тегай деб, қирғоқлари баланд кўл бўйидан айланиб, ўрмон орқасида кўздан ғойиб бўлди. Полкда «калла узар» деб ном чиқарган ва ҳавода маромдан чиқиб тез учгани учун уччилар йигинида бирнечча бор командирдан таинбек еган Дегтяренко бу сафар эҳтиётлик блан учди, у ҳавода учмади,

Оларни пусиб, ер багирлаб, сой бўйлаб, кўлларнинг соҳилариши бекиниб борди. Буларнинг ҳечқайсисини Алексей кўрмади ва эшитмади. Бензин ва майнинг илгаридан таниш ҳидидан ва самолётда учиб хурсанд бўлганидан у ҳушидан кетиб қолган эди; фақат аэродромга келиш, уни носилка блан самолётдан чиқариб, Москвадан учиб келган тезюорар санитария самолётига жойлашимоқчи бўлган чоғда кўзини очди.

## 19

Алексей ўз қадрдан аэродромига келган куни учиш қўйини қизиб кетган эди. Ҳарб-зарб авжига минган бу баҳор кунларида аэродром ҳамавақт шундай ғужгон бўларди.

Моторларнинг гулдир-гулдири бир минут ҳам тиимас эли. Бир эскадрилья самолётлар бензин олиш учун ерга қўйса, иккинчиси ҳавога кўтарилади, иккинчиси қўйса, учинчиси ҳавога кўтарилади. Учучилар ҳам, бензин ташучи шоферлар ҳам ва бензин қуийб беруучи омборчилар ҳам бугун югурабериб оёқдан қолган эдилар. Штаб бошилиги бақирабериб овози бўғилганидан эни хириллаб сўзлашга ўтган эди.

Ҳарким ҳар инига баъд ва ишлар жуда дол-зарб бўлишига қарамай, бугун ҳамманинг фикри-хаёли Мересьевининг қачон келишида эди.

Учучилар самолётларини ерга қўндираган ҳамон моторларнинг гулдираган овози ичидан механиклардан бақириб сўрадилар:

— Ҳали олиб келганлари йўқми?

Бензин ташучи машиналарини ерга қўмилган цистерналар ёнига ҳайдаб келтирган «бензин кон эгалари» қизиқиб сўрадилар:

— Ундан дарак йўқми?

Ҳамманинг қулоғи осмонда эди; полк таниш санитария самолётининг овози ўрмон устидан эшитилиб қолмасмикин, деб ҳамма қулоқ соларди.

Алексей ларzonланиб бораётган носилкада кўзини очаркан, атрофида ғуж бўлиб келаётган кўп таниш кишиларни кўрди. У кўзларини каттароқ очди. Атрофидаги одамлар шодлигидан қий-чув кўтаришиб юборди

У, ёш ва семиз полк командирининг лаблари сал жилмайиб носилка блан ёнма-ён бораётганини кўрди, унинг ёнида эса юзлари қизил, япалоқ ва терга ботган штаб бошлиғи ҳамда юзлари оқ ва тўлиқдан келган БАО (аэродромда хизмат қилучи батальон) командири борарди; БАО командири ҳар ишга расмият блан қараганидан ва хасислик қилганидан Алексейга ёқмас эди. Қанчадан-қанча танишлар! Носилканинг олдини новча бўйли Юра кўтариб бормоқда эди. У, ҳамиша Алексейга қарамоқчи бўлиб бошини бурав ва шунинг учун ҳар қадамда бир қоқинарди. Унинг ёнидан сариққина бир қиз—метеостанцияда ишловчи сержант борарди. Илгари Алексейнинг назарига бу қиз негадир уни яхши кўрмагандек бўлиб кўринарди, унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қиласар ва орқаворотдан ғалати боқиши блан уни кузатиб юрарди. Алексей ҳазиллашиб бу қизни «метеорология сержанти» деб атар эди. Учучи Кукушкин ён томонидан носилкани ушлаб боради, у гавдаси кичик, қопи-қовоги солинган, юзлари тунт бир киши эди. Чакки қилиқлари учун уни эскадрильяда яхши кўрмас эдилар. У ҳам ҳозир илжайиб борар ва Юранинг катта-катта одимлашига қараб қадам ташлашга тиришарди. Утмишда Кукушкин блан бўлган бир воқиа шу топда Мересьевнинг эсига тушди: Кукушкин карта ўйнаб ютқизган қарзини тўламагани учун Алексей бир марта учиш олдидан кўп киши орасида унга қалтис бир гап айтган эди ва шундан буён у, бадгараз Кукушкин бу гап учун ўчини олмасдан қўймайди, деб ўйлаб юрарди. Ҳозир эса Кукушкин носилка ёнидан югуриб, уни авайлаб ушлаб борар ва бирон киши носилкага қоқилиб кетмасин деб жаҳл аралаштирсанги блан туртиб одамларни орқага итарарди.

Алексей ҳечқачон бу қадар кўп ёр-дўстим бор, деб ўйламаган эди. Одамларнинг кўнгли ана шундай пайтларда билинади! Ундан ҳайиқиб юрган «метеорология сержанти»га ҳозир Алексейнинг раҳми келди. БАО командири олдида у ҳозир жуда ўнгайсиз ҳолга тушиб қолган эди, чунки унинг хасислиги тўғрисида бутун дивизияга аллақанча анекдот ва латифалар тарқатган эди. Унинг Кукушкиндан узур сўрагиси ва учучиларга,

Пу ўндақп қўнгли кир ва бадғараз одамлардан эмас, деб айтгуси келарди. Алексей, шунча азоб-уқубатларни тортиш, ахирин ўз ёр-дўстларимга келиб қўшилдим ва менинг кемланимдан буларнинг ҳаммаси хурсанд деб йилар эди.

Алексеини авайлаб, кумушдек ялтираб турган ва ўрмон ёқасида ниқоблаб қўйилган санитария самолёти ёнига олиб бордилар. Техниклар «санитар»нинг сошиб қолган моторини юргизиш траддудини кўрмоқда ёдилар.

Мересьев мумкин қадар қаттиқроқ гапириб, овонла дадиллик тусини беришга тиришаркан:

Уртоқ майор...— деди тўсиндан полк командирини мурожаат қилиб.

Командир, ўз одатича, секингина, такдор жилмабиб, Алексеяга эгилди.

Уртоқ майор... Москвага бормасдан, шу ерда-ўз ёнларингизда қолишга рухсат этсангиз...

Командир қулоғини тўсиб турган шлёмини бошидан олди.

- Москвага бормайман, шу ерда қолиб, медсанбатда даволанмоқчиман.

Майор қўлидаги жун қўлқопини ечиб одеял состига тиқди ва Алексеининг қўлини сиқиб қўяркан, деди:

— Қизиқмисиз, сизни астойдил, чинакамига даволаш керакку, ахир!

Алексей бошини чайқади. Унинг жони роҳат қилиб ором олаётган эди. Тортган азоб-уқубатлари ҳам ва остидаги оғриқ ҳам энди уни хавотирлантирмас эди.

Нима деяпти?— деб сўради штаб бошлиғи хириллаб.

- Шу ерда, ўз ёнларингизда олиб қолинг, деб сўрайти,— деб жавоб берди командир жилмайиб.

Командирнинг ҳозирги жилмайиши ҳамишагидек тикдор, шубҳали эмас, балки меҳрибонларча илиқ ва гамини эди.

-- Аҳмоқлик! Романтика, «Пионерская Правда» газетасига боп мисол,— деди хириллаб штаб бошлиғи.

лиғи.— Унинг иззати учун Армия қўмондонининг буйруғи блан Москвадан маҳсус самолёт юборсалару, энди бунинг гапига қаранг!..

Мересьев жавобга ҳозирланиб, мен ҳечқанақа романтик эмасман, фақат бу ерда қолиб медсанбатда даволанганим тузукроқ, чунки бир марта самолётимга ўқ тегиб ерга нотўғри қўнгандা, енгил шикаст еб, бирнеча кун медсанбатда ётиб даволаниб тузалиб чиққан эдим, шунинг учун Москвадаги таниш бўлмаган шифохонадан кўра, шу таниш ерда ётиб даволансам тезроқ тузалиб кетаман, демоқчи бўлди. У, штаб бошлиғига ачишиб-ачитиб айтиш учун керакли сўзларни ҳам танлаб қўйди-ю, лекин айтишга улгуромай қолди.

Бирдан чинқирган тревога овози эшилди. Ҳамманинг қиёфаси бирдаи ўзгариб, ташвишли тусга кирди. Майор қисқа-қисқа бирнеча буйруқ бертач, одамлар чумолидек ҳар тарафга югуриб кетиши: ба'зилари ўрмон ёқасида бекитиб қўйилган самолётларга қараб югурди, ба'зилари майдон честида дўппайиб турган команда пунктига чопиши, ба'зилари ўрмон ичидаги яшириб қўйилган машиналарга қараб югурди. Алексей осмонда чўзилиб чиқиб кетган тутуни ва шу'ласи ҳар томонга таралиб кетган ракетани кўрди. У дарҳол тушунди: бу «ҳаводан хавф!» деган ишора эди. Унинг юраги арзиқиб кетди, бурун тешиклари керилди, а'зойи-баданига муз юргандек бўлди, хавфли пайтларда унда ҳамиша шундай ҳолат пайдо бўларди. Жанговар тревога кўтарилиб, аэродромда ҳамма ўзиши блан овора бўлган пайтда, Леночка, механик Юрова «метеорология сержанти» нинг қиласидан иши йўқ эди, улар учовлашиб Алексей ётган носилкани кўтардиларда, баравар қадам ташлашга уринишиб, аммо шошганиларидан оёқлари бир-бирига қовишмасдан, яқиндаги ўрмонга қараб югурдилар.

Алексейвой-войлайбошлади. Улар қадамларини секинлатдилар. Йирокда автомат зениткалар тата-татага тушди. Самолётлар звеноси бирин-кетин текис йўлга чиқиб ҳавога кўтарила бошладилар; Алексей ўз моторларининг таниш овозлари орасидан ўрмон орқасида узук-узук дўриллаб чиқаётган товушни эши-

Лу товунини ёшилгац, упинг мускуллари ўз-ўзи-  
шришиб, ҳиракатга кирди; носилкага боғлаб қў-  
и лу бедирмонгодам ҳозир ўзини, қиручи самолёт  
жасиди ўтириб, душман устига тикка учиб бораёт-  
к, они сенсан тозидек ҳис қиласди.

Бошлаки кур «шель»га сифмади. Жонкуяр Юра блан  
қишини Алексейни қўлда кўтаришиб настга тушири-  
мопни бўлганиларида, у қаршилик қилди ва носилкани  
Урмон ёқасидаги йўғон қайнин дарахти соясига қўйиш-  
ни сўриди. Алексей дарахт тагида ётиб, бўлаётган  
дикхатли ҳодисаларни ўз кўзи блан кўриб турди.  
Чучинларга ердан туриб ҳавода бўладиган жангларни  
кўриш камдан-кам мусассар бўлади. Уруш бошланган  
кундан буён жанг қилучи авиацияда учиб юрган  
Мерсөев бир марта ҳам ердан туриб ҳаво жангини  
курмаат эди. Ҳавода физиллаб учиб жанг қилишга  
одатлашсан Алексей ҳозир ҳайрон бўлиб осмочга қараб  
туарди, чунки ердан қараганда ҳаво жангни унга  
жуда секин ва хавф-хатарсиз кўринарди. Қиручи  
самолётлар оғир ҳаракат қиласи ва уларнинг пулемёт-  
ларидан чиқаётган овоз жуда беозор бўлиб, худди ти-  
кув машинасининг шиқирлашига ёки секин йиртилган  
коленкорнинг тариллашига ўхшарди.

Немисларнинг ўн икки бомбардимончи самолёти  
қатор тизилишиб аэроромнинг бир чеккасидан учиб  
ўиди ва тикка турган қўёшнинг ёрқин нурлари ичидা  
кўздан ғойиб бўлди. Сўнгра қўёш нурлари ичидা  
ҳавода сузиб, теварак четлари лишиллаб турган оқ  
булутлар орасидан уларнинг қўнғиз каби ғўнғиллаган  
овози эшитилди. Урмон ичидаги автомат зениткалар  
яна қаттиқроқ тариллашга тушди. Зенитка ўқларининг  
ёрилишидан пайдо бўлган тутунлар тўзғофдек ҳавода  
таралишиб кетарди. Қиручи самолётларнинг ялтираган  
қанотларидан бошқа ҳечнарса кўринмас эди.

Қўнғизларнинг ғўнғиллаган овози, йиртилган колен-  
кордек эшитилаётган товушларни бўлиб-бўлиб турарди:  
Гиррр, гиррр, гиррр! Қўёшнинг жимиirlаб турган нур-  
лари орасида жанг борар ва бу жанг ердан кўринмас  
эди, лекин шундай бўлса ҳам, бу жанг ҳаво жангидаги  
шитирок қилучи киши ўз кўзи блан кўрадиган жангга

ўхшамас эди. Ердан у назар илмас ва кўнгилга ёқмас бир жангдек кўринарди ва шунинг учун Алексей ҳам уни бепарво кузатиб турарди.

Ҳатто юқоридан қора томчилардек, қаторлашиб тушаётган бомбаларнинг қаттиқ чийиллаб эшишилган ва тобора кучайиб бораётган овозларидан ҳам у чўчи-мади ва бомбаларнинг қаерга бориб тусишини кўрмоқ учун бошини сал юқори кўгариб қаради.

Шу топда, «метеорология сержант» Алексейни жуда ҳам ҳайратда қолдирди. Бомбаларнинг чийиллаши жуда ҳам қаттиқ эшишилган чоқда, ярим белигча шель ичида туриб, ҳамиша кўз қири блан Алексейни кузатиб турган сержант қиз бирдан чуқурдан отилиб чиқди-да, ўзини Алексей ётган носилка устига ташлади, қўрққанидан а'зойи бадани қалтираб, гавдаси блан Алексейни қоплаб ерга босди.

Кўз очиб юмгунча Алексей худди кўзлари олдида қизнинг қорайган, болаларнинг юзига ўхшаган, лаблари дўррайган ва бурни лўппайиб чиқсан юзини кўрди. Ўрмоннинг қаериладир бомба ёрилиб, гумбирлаб кетди. Шу ондаёқ яқиндан уч-тўрт бомбанинг биринкетин портлаган овози эшишилди. Бешинчи бомба шундай қаттиқ портладики, ер ларзага келди ва Алексей боши устидаги дараҳтнинг тепасига осколка тегиб қарсиллаб ерга тушди. Унинг кўз олдида яна бир марта қизнинг оқарган ва даҳшат босган юзи кўринди; Алексей қизнинг муздек юзи ўз юзига тегиб турганини сезди ва бир қатор бомба тушиб, иккинчи қатори ҳали тушиб портламаган пайтда, бу қизнинг лаблари қалтираб шивирлади:

— Жоним!.. Жонгинам!..

Янгидан ташланган бомбалар ерни ларзага келтирди. Аэрором устида портлашлар гумбирлаб осмонга кўтарилиди, дараҳтлар худди қаторлашиб ердан отилиб чиққандай туюлар, уларнинг илдизлари бирдан ёйилиб кетар, сўнгра йўғон таналари ҳавода аччиқ, саримсоқ ҳиди келадиган кўкиш тутун қолдириб ерга тушгандек кўринарди.

Тутун тарқалгандаги ҳамма жой жимжит эди. Ҳавода бўлаётган жанг овози ўрмон орқасидан аранг эшишил-

— 99 —  
иши Сержант қиз иргиб ўрнидан турди, унинг  
жини ва оқарган юзи энди қизил тус олди, у уял-  
дини қон қизариб кетди ва Алексейга қарамасдан  
иши қарди.

Хеч срипгизни оғритиб қўймадимми? Вой, ўла-  
ни, кечирасиз, хафа бўлмайсиз!

Оиди нушаймон қилишнинг нима кераги бор? —  
и Юра тўнгиллаб; у, дўстига ўзи эмас, балки метео-  
ном станицисидан келган бу қиз қалқон бўлгани  
учун узлиб қолган эди.

У тўнгиллаб-тўнгиллаб комбинезонини қоқди, елка  
чиши қилинлади, осколка тегиб калласи учиб кетган ва  
шираси танасига оқаётган қайнинг қараб бошини  
қўмирилди. Яраланган дарахтнинг бу шираси ялти-  
раб, тудур-будур пўстлоқдан оқиб ерга томмоқда эди,  
у худоди кўздан оққан ёшдек тоза ва ялтироқ эди.

Қаранглар, қайнин йиғляяпти,—деди Леночка.  
Бу қиз шундай даҳшатли пайтларда ҳам тантиқлиги-  
дни қолмас эди .

“Ҳали кўп йиғлайсан!— деди Юра қовоғини со-  
либ. Ҳўш, тамоша тамом, қани — кўтардик. Санитар  
тормикин, унга осколка тегмадимикин?

Мересьев дарахтнинг яраланган танасига, офтобда  
ялтираб ерга томиб турган ширасига, бўйига тўғри  
тимайдиган кенг шинель кийлб олган ва ҳатто оти  
шимилигини билмайдиган сержант қизга қарапкан:

Баҳор!—деб қўйди.

Учовлашиб — Юра олдиндан, қизлар орқадан —  
Алексейни носилка блан кўтариб, ҳали ҳам тутун  
чиқиб ва ичига қор суви оқиб турган бомба хандақ-  
лари орқали самолётга олиб бораётганда, Алексей,  
шинель енгларидан чиқиб турган ва носилкани қаттиқ  
унлашган му’жаз кўлларга кўз қири блан қизиқиб  
қаради. Бу қизга нима бўлди экан? Ёки Алексей қўр-  
қиб кетганидан, бояги сўзлар унинг хаёлига кир-  
шими?

Алексей Мересьев учун унтуилмас кун бўлган бу  
кунда у яна бир воқиани ўз кўзи блан кўрди. Қанот-  
арида ва қорнида қизил крест тамғаси бўлган,  
кумушдек ялтираб турган самолётта жуда яқин қолган

эди; бортмеханик бошини қимирлатиб, самолёт атро-  
фидан айланиб, унинг бирон ерига осколка ёки бомба  
зарбаси тегиб бузилиб қолмадимикин, деб қараб  
текшириб юрган эди; худди шу пайтда қиричи само-  
лётлар бирин-кетин келиб ерга қўнабошлаган эди.  
Улар шиддат блан ўрмон орқасидан чиқиб, оддатдаги-  
ча аэрордом устидан айланиб турмасдан, дарҳол паст-  
га эниб ерга қўнишар ва шу ондаёқ ўрмон ёқасига юриб  
бориб, пана жойларга бекинар эдилар.

Тез орада ҳаво жимжит бўтиб қолди. Аэрордомда  
ҳечнима қолмади. Ўрмонда моторларнинг гулдираган  
овози ўчди. Лекин команда пунктидаги одамлар ҳали  
ҳам туришиб, қўлларини қошлари устига соябон қилиб  
осмонга қарамоқда эдилар.

— «Тўққизинчи» келмапти! Кукушкин қаердадир  
қолиб кетипти!— деди Юра.

Алексей, Кукушкиннинг ҳамиша тунтайиб туради-  
ган думалоқ юзини хотирига келтирди ва Кукушкин  
буғун унинг носилкасини авайлаб ушлаб борганини  
эсига олди. Чинданми? Бу фикр учучилар учун ҳар  
кунги оддий фикр бўлса ҳам, аммо ҳозир, аэрордом  
ҳаётидан чиқиб қолган Алексейнинг а'зойи-баданини  
қалтиратиб юборди. Худди шу пайтда осмондан гул-  
дираган товуш эшитилди.

Юра қувонганидан сакрай кетди:

— Келди!

Команда пунктида ғовир-ғувир бўлиб қолди.  
Бирон воқиа юз берганга ўхшарди. «Тўққизинчи»  
қўнмасдан, аэрордом тепасида айланиб юрарди; само-  
лёт Алексейнинг тепасига келгач, қараса, қанотининг  
бир парчаси узилиб тушган бўлиб, қорни остида фақат  
битта «оёғи» кўринарди,— буниси энг хавфли эди!  
Қизил ракеталар бирин-кетин ҳавони ёриб кетди.  
Кукушкин яна тедага келди. Унинг самолёти худди  
ини бузилиб, қаерга қўнишини билмай ини устида  
айланиб юрган қушга ўхшарди. У, учинчи марта  
айланабошлади.

Юра соатига қараб:

— Ҳозир сакрайди, бензини тугай деб қолди!—  
деди.

Симолётни қўндириши мумкин бўлмаган шундай пилотларди учучига баландга кўтарилиб, ўзини парашютида ташланига рухсат берилади. Чамаси «тўққизинчи» ҳим шундай қилиш тўғрисида буйруқ берилган эли. Мекин у аэродром устида айланиб юришдан тўхтамас эди.

Юра тоҳ самолётга, тоҳ соатига қараб қўярди. Унга мотор жуда секин ишлаётгандек бўлиб кўрингач, у бўйини пасайтириб айланабошлади. Наҳотки у самолётни омон сақлаб қоламан деб ўйласа-я? ҳар ким ҳим бўлса: «Ташласангчи, ташласангчи ўзингни!» деб ўйларди.

Цумига «I» рақами чекилган бир қиручи самолёт аэроромдан ҳавога кўтарилиди. У, ҳавода чарх уриб бир айланди-ю, моҳирлик блан ярадор «тўққизинчи» синга ўтиб олди. Ўсталик блан шошмасдан учиш маромидан Алексей полк командирининг ўзи учганини пайқади. Командир, Кукушкиннинг радиоси бузилиб қолган ёки ўзи шошиб нима қилишини билмаяпти, деб ўйлади шекилли, Кукушкинга яқинлашиб самолёт қапотларини силкитди, бу «сен ҳам шундай қил» деган широра эди, шундан кейин ўзи четроқقا кетди. У Кукушкинга четроқقا бориб, ўзини парашют блан ташлашни буюрди. Айни шу пайтда Кукушкин шиддат блан ерга тушабошлади. Унинг бир қаноти синган самолёти шиддат блан тўппа-тўғри Алексейнинг устига келабошлади. Самолёт соғ «оёғи» блан ернинг бир чеккасига тушган ҳамон чап томонга қийшайиб кетди ва бир фидираги блан бироз ҳаклаб юргач, юришини тезлатди-да, сўнgra ўнг томонга ағдарилди; соғ қаноти бориб ерга тиralгандан кейин, турган жойида фириллаб айланиб, қор тўзонини ҳавога кўтарди.

Самолёт бир пас кўздан ғойиб бўлди. Қор тўзони босилгач, ёнбошига қийшайган самолётнинг синиқ қаноти томонида, қор устида бир нарсанинг қорайиб ётгани кўринди. Одамлар шу қорайиб кўринган нарсага қараб чопдилар, санитария машинаси ҳам тўхтовсиз гудок бериб ўша томонга қараб югурди.

«Аэропланни омон сақлаб қолди, шоввоз! Баракалла, Кукушкин! Бу ҳунарни у қачон ўрганди экан?».

деди Мересьев носилкада ётган ҳолда. Ўртоғининг бўишига унинг ҳаваси келди.

Алексей ҳам бор кучини йиғиб ўша томонга, бир вақтлар ҳамма ёмон кўрадиган, ҳозир эса бирдан бундай жасорат ва маҳорат кўрсатган пакана киши қорустида думалаб ётган ерга боргуси келарди. Лекин Алексей йўргакланиб, носилкага қаттиқ боғланиб қўйилган эди; уни қаттиқ оғриқ жуда эзиз ташлаган эди, ҳозир эса асаб томирлари ҳаракатга келганидан оғриғи яна зўрайган эди.

Бу воқиалар ҳаммаси бўлиб бир соатча вақтни олди, лекин шу вақт ичида шу қадар кўп ҳодисалар бўлиб ўтдики, Алексей уларни бирдан пайқайолмай қолди. Унинг носилкаси санитария самолётининг махсус тешикчаларига ўтқазилиб маҳкамлаб қўйилгач, Алексей «метеорология сержанти» унга тикилиб қарраб турганини тўсатдан сезиб қолди; боя икки бомба тушган вақтда бу қизнинг оқарган лабларидан чиққан сўзларнинг ма'носини Алексей энди чинакам тушунди. У, бу меҳрибон ва фидокор қизнинг лоақал номини билмагани учун ўз-ўзидан уялди. Алексей қизга миннатдорлик блан назар ташлар экан:

— Ўртоқ сержант...—деди.

Қизиётган моторнинг гулдираган товуши орасидан бу сўзлар қизнинг қулоғига етгани гумон эди. Аммо қиз унинг яқинига борди-да, кичик бир тугунчани унга узатди.

— Ўртоқ старший лейтенант, мана бу сизга келган хатлар. Мен буларни асраб юрган эдим: сизнинг тирик эканингизни ва бир кун қайтиб келишингизни билардим, сезардим.

Қиз бир даста хатни унинг кўкрагига қўйди. Бу хатлар орасида Алексей онаси ёзган уч бурчак хатларни кўриб қолди, бу хатларнинг адреси кекса кишининг қўли блан ёзилган бўлиб, конвертлари гимнастёркаси чўнтағида олиб юрган хатларнинг конвертларига ўхшарди. У, бу конвертларни кўргач чеҳраси очилди ва одеял тагидан қўлларини чиқаришга уринди.

— Бу қиздан келганми?— деб сўради «метеорология сержанти» ма'юс бир оҳангда ва айтган гапидан

ни шу қандир қиариб кетдики, ҳатто узун сариқ киприкнири ёндан памланиб бир-бирига ёпишиб қолди.

Мересьев бомба түшгас вақтда қизнинг сўзларини ўши эшитмаганинайқади ва шунинг учун гапнинг Ағрипени айтишига ботинолмади.

Ҳаминирамдан келган, у эрга теккан, шунинг учун фамилияси бошқа,— деди Алексей ва ўзига қарши ташриғанини сезиб қолди.

Ки иётгани моторларнинг гулдирани орасидан сонир тувири товуши эшитилди. Ён эшик очилиб, шиғаръи устидан халат кийгани нотаниш бир врач ичкари кирди.

Бигта касал шу ерда экан-ку?— деди у Мересьевга қараб.— Жуда соз, қани унисини ҳам олиб келини; ҳозир жўнаймиз. Хўш, сиз бу ерда нима қилиб юрибсиз?— деди у терлаган кўз ойнаклари орқали «метеорология сержант»га қараб, қиз эса Юранинг орқасига ўтиб бекимоқчи бўлиб турган эди.— Хўш, қани чиқинглар, ҳозир жўнаймиз. Ҳой! Носилкани олиб келсаларинг-чи!

Қизнинг секин шивирлаб:

— Хат ёзинг, ёзинг албатта, кутаман,—деган товушни Алексейнинг қулоғига чалинди.

Врач блан Юра яна бир носилкани кўтаришиб аэроплан ичига олишди, унда кимдир инграб ётарди. Носилка ўрнига жойлаштирилгач, устидаги оқ чойшаб учиб кетди ва Мересьевнинг кўзи Кукушкиннинг азоб-машаққатдан ўзгарган юзига тушди. Врач қўлини артиб, кабинага қаради, сўнгра Мересьевнинг қорнига секингина уриб деди:

— Жуда соз, жуда яхши! Шундай қилиб, яхши йигит, учганда зерикиб қолманг деб, мана сизга ҳамроҳ ҳам топилиб қолди. Лаббай? Энди бегона кишилар пастга тушсин. Хўш, анов сержант қиз Лорелея кетиб қолдими? Жуда соз. Қани, жўнадик!..

Врач, анграйиб қолган Юрани туртиб туширди. Эшиклар ёпилди. Самолёт ҳаракатга келди, сакраб юриб кетди, сўнгра она юрт ҳавосида моторларини бир мақомда гулдиратиб, равон сузиб кетди. Врач деворни ушлаб Мересьев ёнига келди.

— Ҳол қалай? Қани ғомирингизни кўрай,—у пульсини кўраркан, ажабланиб Алексейга қаради ва бошини қимирлатди.— Ҳимм, забардаст одам экансиз! Сизнинг бошдан кечирган ишларингиз ҳақида ўртоқлар кўп ажойиб-ғаройиб гапларни айтишиди, худди Жек Лондон ҳикоясида айтилгандек.

Врач ўз столига омонат ўтириб бирпас ўйланиб қолгач, сўнgra тузукроқ ўтириб олди, бўшашиб, шалвайиб мудрайбошлади. Ёши анчага бориб қолган, ранги сўник бу кишининг ўлгудек чарчаганлиги кўриниб турарди.

«Худди Жек Лондон ҳикоясида айтилгандек» деб ўйлади Мересьев ва болалик чоғларида ўқиган бир ҳикоя эсига тушди: бу ҳикояда айтилишича, оёғи маийб бўлган бир киши чўл-биёбонларда сарсон-саргардон бўлиб юради, касал ва оч бўри ҳам унинг орқасидан қолмасдан бораберади. Моторларнинг бир мақомда гулдираши орасида ҳамма нарсанинг суроби кўздан ғойиб бўлабошлади ва мудрайбошлаган Алексеининг хаёлига энг охири галати бир фикр келди: уруш ҳам йўқ, бомба ташлашлар ҳам йўқ, оёғингнинг доим зирқираб турган оғриқлари ҳам, Москвага учеб бораётган самолёт ҳам йўқ, буларнинг ҳаммаси, ҳозир узоқда қолиб кетган Камишин шахрида болалик чоғларида ўқилган қизиқ бир китобчадан олинган.



Искани

**В ЎЛИМ**





Армия қўмондонининг илтимоси блан Алексей Меречьев ва у блан бирга лейтенант Константин Кукушкин Москвага келтириб жойлаштирилган пойтахт госпиталининг дабдабаси Андрей Дегтяренко блан Лепоchkанинг ўз дўстлари Алексеяга ҳақиқатан мақтагилларича бор эди.

Урушидан илгари бу ер институтга қарашли бир клиника ёди, унда машҳур сове олими ҳархил касал ва мийиб майриқ одамларнинг организмини тезликда танолиб аслига қайтариш учун янги методлар излаб топириди. Бу клиниканинг ан'анаси зўр бўлиб, шуҳрати олимни сийлан эди.

Уруши виқғида олим ўз клиникасини офицерлар госпиталинга иблантириди. Илгарилаб кетган илм-фан ўша нақтда динолашининг қандай йўлларини топган бўлса,

бундаги касаллар ҳозир шуларнинг ҳаммаси блан ил-гаригидек даволанаарди. Пойтахт яқинида қизиб кетган уруш келган ярадорлар сонини шу қадар кўпайтириб юбордики, натижада госпитальда койкаларнинг сонини аввалгидан тўрт марта оширишга тўғри келди. Клиниканинг бошқа ҳархил ишларга ажратилган хоналари — касал кўришга келучилар блан сўзлашиладиган қабулхоналар, китоб, газета ўқиладиган ва товуш чиқазмай ҳархил ўйин қиласидаги бўлмалар, медицина ходимларининг комнаталари ва тузалаётган касаллар овқатладиган хоналар — палаталарга айлантирилди. Олим ҳатто ўз лабораторияси ёнидаги кабинетини ҳам ярадорлар учун бўшатиб берди, ўзи эса китоблари ва бошқа керакли буюмлари блан кичкина қабулхонага кўчиб ўтди. Шундай бўлсада, ба’зи пайтларда коридорларга ҳам койкалар қўйишга тўғри келарди.

Медицина илмининг зўр сукунат ичидаги равнақ топиши учун архитекторнинг ўзи гёё атайлаб солган бу салобатли шифохонанинг оппоқ ялтираб турган деворлари ичидаги ҳартомондан чўзиқ-чўзиқ инқираплар, оҳ-войлар, хуррак товушлари, оғир касалларнинг алаксирашлари эшитилиб туради. Урушнинг нафасни қайтарадиган қаттиқ хиди—қонли бинтлар, мадда боғлаган яралар, тириклайнин чириётган одам гўштининг ҳиди бу ерда бўриқсаб турган эди ва ҳарқанча шамоллатганда ҳам бу ҳидни йўқ қилиб бўлмас эди. Олимнинг ўзи чизиб берган режага мувофиқ ясалган чиройли ва соз каравотлар ёнига аллақачон букма темир каравотлар ҳам келиб тиркалган эди. Идиш-товоқ етишмас эди. Клиниканинг чиройли гулдор чинни коса-товоқлари блан бирга пачақ тунука товоқчалар ҳам тутиладиган бўлди. Клиника яқинига келиб тушган бомбанинг портлапи зарбидан итальянча катта-катта деразаларнинг ойналари ҳам чил-парчин бўлди ва уларга фанер қоқишига тўғри келди. Сув етишмас эди, газ дам-бадам ўчар ва асбобларни эски жинчироқларни ёқиб қайнатиб олишга тўғри келарди. Ярадорлар эса ҳамон келиб турмоқда эди. Уларни самолётларда, автомашиналарда ва поездларда ташиб келтирмоқда эдилар ва уларнинг сони тобора кўпаймоқда эди. Фронтда ҳужуми-

**Миёнинг зарби кучайган сари ярадорларнинг сони ҳам үнашиб борар эди.**

Шундай бўлса ҳам госпитальда ишловчи ходим-лириниң ҳаммаси — хизмат кўрсатган фан арбоби ва Олий Совет депутати бўлган бошлиқдан тортиб то ҳирбир касал боқучи, кийим сақловчи ва эшик олдида түручи аёлгача — чарчаганларига, ба’зан тўйиб овқат ғимасдан ҳолдан кетганларига, сра ухламаганликларига қарамай, ўз клиникаларида ажойиб тартиб сақла-моқда эдилар. Икки ва ҳатто уч сменалаб ишлаган кисал боқучи аёллар бир пас кўллари бўшаб қолгудай бўлса, дарров палаталарни тозалаш, ювиш ва сиди-ришга тушар эдилар. Озиб, ранглари сўлиб кампир башара бўлиб қолган ва чарчаб ҳолдан тойган сестралар ҳарқаҷонгидек оҳорланган ҳалат кийиб ишга чи-қар ва ҳар доим касаллардан врачнинг буюрганини бажаришни қаттиқ туриб талаб қиласдилар. Ординаторлар кўрпа-тўшакда салгина доғ кўрсалар, илгари-гидек, дарров танбех қиласдилар ва оппоқ дастрўмолчалари блан деворлар, зинапоя панжаралари, эшик дастала-рининг тозалигини текшириб кўрар эдилар. Гавдаси йўғон, юзлари қизил, дўнг пешонаси устидаги соchlари оқарабошлаган, мўйлабли, кичкина мошгуруч соқоли чўччайиб турган, сўкиш-койишдан сра тинмайдиган бошлиқнинг ўзи эса, урушдан бурунгидек, оқхалат кий-ган бир гала ординаторлар ва ассистентлар олдига тушиб, ҳар кун икки марта белгиланган соатда палата-ларни айланиб чиқар, янги келган касалларнинг диаг-нозларини кўрар, оғир касаллар тўғрисида консульта-ция берарди.

Ҳарб-зарб қизиб кетган ўша кунларда унинг гос-питальдан ташқарида қиласдиган ишлари ҳам жуда кўп эди. Лекин у дам олиш ва уйқуни тарк қилиб бўлса ҳам, ўз жигарбанди бўлмиш клиникага келиб — кетиш учун вақт топар эди. Ходимлардан бирортаси лавашанглик, bemazалик қилиб қўйгудай бўлса, уни ўша жойининг ўзида тутиб, касаллар олдида шовқин солиб, жон-жаҳди блан боплаб сўкар ва ҳамиша бўғи-либ, қоронfilaштирилган, ҳаркун бомбардимон қилиниб турган Москвада бу клиниканинг илгари идеқ

намунали ишлаб туриши гитлер-митлерларга ва геринг-перингларга бизнинг жавобимиздир, уруш қийинчиликлари тўғрисидаги баҳоналарни эшитгим ҳам келмайди, ишёқмаслар ва дангасалар дарров кўзимдан йўқолсин, худди ҳозирги пайтда, ҳамма нарса мушкуллашиб қолган бир чоқда, госпитальда жуда қаттиқ тартиб бўлмоғи керак, деб бақиради. Унинг ўзи эса палаталарни айланиб чиқиши шундай ўз вақтида аниқ бажардики, касал боқучи аёллар унинг келишидан палаталардаги соатларнинг тўғрилигини текшириб билар эдилар. Ҳатто ҳаводан хавф пайдо бўлиб қолган чоқларда ҳам бу одам госпитальга келишини асло канда қилмас эди. Ходимларнинг жуда яхши ишлашларига ва энг оғир шароитда ҳам урушдан бурунги тартибни сақлашларига балки ана шу сабаб бўлгандир.

Бир кун эрталаб касалларни кўриб чиқиш вақтида госпиталь бошлигининг кўзи (масалан, унинг номини Василий Васильевич дейллик) учинчи қават зинапояси тепасида ёнма-ён турган икки койкага тушиб қолди.

— Бу қанақа кўргазма? — деди у бақириб ва қалин ўсиқ қошлари остидан ординаторга шундай ҳўмрайиб қарадики, узун бўйли, савлати келишган ва ёши анчага бориб қолган бу одам мактаб боласидек данг қотиб қолди:

— Тундагина олиб келишди... Учучилар экан. Мана бунисининг биқуни ва ўнг қўли майиб бўлган. Ўзининг аҳволи тузук. Ана унисининг эса — у, қўли блан жуда озиб кетган, неча ёщдалиги пома'лум бўлган, кўзларини юмиб жим ётган кишини кўрсагди—касали оғир. Оёкларининг капитлари эзилиб кетган, товоонлари маддалаб иринг боғлаган — гангрена, ҳаммадан муҳими жуда ҳам озиб кетган. Ўзим ишонмайманку, аммо уларни олиб келган иккинчи даражали ҳарбий врачнинг ёзишига қараганда, у эзилиб майдаланиб кетган товоонлари блан немисларнинг орқа томонидан ўн саккиз кун эмаклаб, сургалиб келган эмиш. Бу муболага, албатта...

Василий Васильевич ординаторнинг сўзини қулоқ солмасдан, касал устидан одеялни очди. Алексей Мересьев кўлларини кўкрагига қовуштириб ёгарди: оппоқ кўйлак ва чойшаб орасидан қопқорайиб кўриниб

Түркни бу чиллакдек қўллардан одамнинг сұяклари қондай тузилганилигини ўрганиш мумкин эди. Профессор учучини одеям блан авайлабгина ўтар экан, бақирий ординаторнинг сўзини бўлди:

Нега бунда ётишишти?

Коридорда жой йўқ... Ўзингиз...

• Ўзингиз, «ўзингиз» деяберар экансиз-да! Хўш, қирқ иккинчи палата-чи?

Ахир, у полковниклар палатаси-ку.

Полковниклар палатаси? — деди профессор бир-лар туғақиб. — Қайси аҳмоқ буни ўйлаб чиқарди? Полковниклар палатаси эмиш! Аҳмоқлик!

Ахир, бизга: Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари учун алоҳида жой қолдирилсин, дейилган эди-ку.

«Қаҳрамонлар учун» эмиш. Бу урушда ҳамма қаҳрамон. Сиз менга ақл ўргатмоқчи бўласизми? Ким бошлиқ бу ерда? Менинг буйруғимни ёқтирмайдиган кини бўлса бу ердан дарров жўнаб қолиши мумкин. Ҳозир учучиларни қирқ иккинчи палатага ўтказинг! • Полковниклар палатаси» деган бўлмағур нарсаларни ўйлаб чиқариб юрасизлар!

У, жим турган ёрдамчилари олдига тушиб нарига кетмоқчи бўлди-ю, лекин бирдан орқасига бурилиб Мерсөев койкасига эгилди ва ҳа деб дезинфекция қилибергандикдан шишиб пўст ташлаган қўлини учучи елкасига қўйиб сўради:

— Ростми шу гап, немисларнинг орқа томонидан икки ҳафтадан ошиқ эмаклаб келганинг?

— Наҳотки, гангрена бўлган бўлсам-а? — деди Мерсөев ма'юс товуш блан.

Профессор эшик олдида турган ёрдамчиларига қаттиқ ҳўмрайиб қаради-да, сўнгра учучининг ғам ва ташвиш босган катта кўз қорачиқларига тикилиб деди:

— Сендай кишиларни алдаш — гуноҳ. Ҳақиқатан гангрена, лекин хафа бўлмаслик керак! Дун'ёда даволаб бўлмайдиган касал ва илож топилмайдиган мушкуллик йўқ. Тушундингми? Гап ана шу.

Шундан кейин у харсиллаб, гурсиллаб нарига ўтиб кетди ва энди унинг гулдираган овози узоқдан, коридорнинг ойналик эшиги орқасидан эшитилмоқда эди.

Мересьев унинг орқасидан оғир тикилиб қоларкан:  
— Қизиқ чол экан,— деб қўйди.

— Псих. Кўрдингми? Бизни калака қиласяпти. Бундақа содда муғомбирларни яхши биламиз,— деди заҳарханда блан Кукушкун койкасидан туриб.— Демак «полковниклар» палатасига кириш шарафига мұяссар бўлибмиз.

— Гангрена,— деди Мересьев секин товуш чиқариб ва ғамгинлик блан яна: — Гангрена,— деб қўйди.

## 2

«Полковниклар» палатаси деб аталган палата иккинчи қаватдаги коридорнинг тўрига жойлашган эди. Унинг деразалари жануб ва шарққа қараганилигидан унга кун бўйи офтоб тушиб турар ва қуёш шу’ласи аста-аста бир койкадан иккинчи койкага ўтиб юради. Бу кичиккина бир бўлма эди. Паркетдаги изларга қараганда, урушгача унда икки каравот, икки тумбочка ва ўрталиқда бир тўгарак стол турганлиги билинарди. Ҳозир эса унда тўртта койка қўйилган эди. Бир койкада ҳамма ери бинтланган ва йўргакланган чақалоққа ўҳшаган ярадор ётарди. У ҳамавақт чалқанчасига ётиб кўзлари бинтлар орасидан шипга бирдай тикилган эди. Алексей ёнида турган иккинчи койкада серҳаракат, солдатча ғадир-будур юзини чўтири босган, ингичка мўйлабларига оқ кирган сермулозимат ва сергап бир киши ётарди.

Одамлар госпитальда бир-бирлари блан тез танишиб оладилар. Қечқурунга бориб Алексей бояги чўтири кишининг кимлигини билиб олди. У — сибиръли, колхоз раиси, овчи экан, ҳарбий мутахассислиги снайпер экан, снайпер бўлганда ҳам омади келган снайперлардан. У, Ельна ёнида бўлган машҳур жанглар вақтида ўз Сибирь дивизияси блан биринчи марта урушга кирган. Унинг икки ўғли ва куёви ҳам у блан бирга шу дивизияда хизмат қилган. Ана шу пайтдан бошлаб у, ўз та’бирича, етмиштacha немисни «чўрт учириб юборган» Ўзи ҳозир Совет Иттифоқи Қаҳрамони экан. У ўз фамилиясини Алексеяга айтганда, Алексей унинг кўримсиз гавдасига мароқ блан тикилиб қолди. Бу фами-

дии ўша кунларда армияда катта донг чиқарган эди. Ҳито катта газеталар ҳам бу снайперга бағищлаб боимиқолалар ёзған эдилар. Госпитальдагиларнинг ҳиммаси есстралар ҳам, врач-ординатор ҳам, Василий Васильевичининг ўзи ҳам уни иззат қилиб, Степан Иванович деб агар эдилар.

Налагада бошдан оёғигача бинт ўралган ҳолда ёнан тўртинчи киши кун бўйи ўзи тўғрисида бир сўз ҳам айтмади. У, умуман сра гапирмас эди. Лекин дун'ёдаги ҳамма воқиалардан хабардор бўлган Степан Иванович унинг бошдан кечиргандарини Мересьевиа секингина сўзлаб берди. Униш номи Григорий Гвоздев экан. Танк қўшинлари лейтенанти бўлиб, у ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони экан. У, танкчилар мактабини битириб армияга келган ва уруш бошланган кундан бўён жанг қилиб юрган, чегарада, Брест-Литовск қал'аси ёнида биринчи марта жангга кирган. Белосток ёнида бўлган машҳур танк жангидага у ўз танкидан ажралган. Шу ондаёқ у, командири ўлган бошқа бир танкка тушиб, танк дивизиясининг қолган-қутганлари блан, Минскка қараб чекинаётган аскарларимизни ҳимоя қилиб борган. Буг дар'ёси бўйида бўлган жангда у иккинчи танкидан ҳам ажралиб, ўзи ярадор бўлган ва учинчи танкка тушиб, ўлган командирнинг ўрнини босган ва ротага командирлик қилишни ўз зиммасига олган. Сўнгра, немисларнинг орқа томонига тушиб қолиб, уч танкдан иборат сайёр танк группаси тузган ва бир ойча немислар орқасида юриб, уларнинг аравалари ва аскар тўдаларига ҳужум қилиб келган. У, яқинда жанг бўлиб ўтган жойларга бориб, танкларига ёнилғи тўлдириб олган ҳамда ўқ-дори ва запас қисмлар ғамлаб олган. Бу ерда, катта йўллар бўйидаги кўкат босган жарликларда, ўрмон ва тўқойларда жуда кўп ҳархил машиналар пачақланиб, уймалашиб қолган.

Унинг асл туғилган ери Дорогобуж шаҳри яқинида эди Танкчилар командир танқидаги рация (радио) орқали мунтазам суратда олиб турадиган Совет Информация бюроси ахборотларидан Гвоздев жанг ҳаракатлари унинг туғилган юритига яқинлашиб қолганини

биди. У, ортиқча тоқат қилолмай, ўзига қарашли уч танкни портлатди ва омон қолган саккиз жангчи блан ўрмоянлар ичидан йўлга тушди.

Уруш бошланиш олдидан у, кўкатлар орасидан эланг-беланг бўлиб оқадиган сой бўйидаги кичкина бир қишлоқда жойлашган уйига бориб келган эди. Қишлоқ ўқитучиси бўлган онаси қаттиқ касал бўлиб қолганлиги сабабли кекса агроном, меҳнаткашлар депутати область Советининг а'зоси бўлган отаси уни армиядан чақирирган эди.

Гвоздев мактаб ёнидаги пастак ёғоч уйини, эски девонда бемор ётган нимжон, озғин онасини, эски андазада тикилган чужинча педжак кийиб олган, бемор тўшаги ёнида беором йўталиб ва оқ соқолини чимдиб ўтирган отасини ва турхлари онасига жуда ўҳшаган, қорачадан келган дўмбоқ уч синглисини эслади. У, қишлоқ фельдшери бўлиб хизмат қилути нозиккина, ферўзакўз Женяни эслади. Бу қиз уни аравага миндириб станцияга элтиб қўйган ва Гвоздев унга ҳаркуни хат ёзишга ва'да берган эди. Белорусиянинг поймол қилинган далалари, ўт қўйиб куйдирилган одамсиз қишлоқларидан, ёввойи бир жонивор сингари тусиб борар, шаҳарлар ва серқатнов йўллардан четлашиб юраркан, у ғам ютиб, түғишган кичкина уйида нималарни кўриши тўғрисида хаёл сурарди, қавм-қариндошларим қочиб қутилаолдилармикин, уларнинг ҳоли нима бўлди экан, деб ўйларди.

Гвоздев юртида шундай даҳшатли ҳодисаларни кўрдики, даҳшат ва ваҳшатнинг бундан ортиқчасини хаёлга келтириш қийин эди. У, уйини ҳам, ота-она, қариндошларини ҳам, Женяни ҳам, қишлоғини ҳам тополмади. Кўмирдек қовжираб култепа бўлган қишлоқ ўртасида ёлғиз қаққайиб қолган печкада нимадир пишириб, гир-гир айланиб валдираб юрган овсар бир кампирдан у, немислар қишлоққа яқинлашиб келганда онасининг аҳволи жуда оғир бўлганини, отаси қизлари блан уни олиб кетишга ҳам, ташлаб кетишга ҳам юрак қилаолмаганини эшитди. Немислар, меҳнаткашлар депутатлари область совети а'зосининг орласи шу қишлоқда қолганлигини билиб олганлар. Уларни тутиб олиб,

**Жиңи жекеллиниң үзидәбәк уй ёнидаги қайин дарахтига ос-  
ғынлар на уйга ўт қўйғаплар. Гвоздев оиласини сўраб  
олиш учун немис офицериининг энг каттаси олдига югу-  
риб борган Женини узоқ қийнаганмишлар, офицер уни  
туба ёлбориб сўраб олган эмиш, шундан кейин нима  
бўлганини кампир билмайди, аммо орадан икки кун  
Чиганидан кейин офицер турган уйдан қизнинг ўлигини  
олиб чиққаплар ва унинг жасади икки кунгача сой  
бўйида ётган. Қашлоқ эса беш кун илгара ёндирилган,  
немисларининг колхоз отхонасида турган бензин цистер-  
наларига кечаси кимдир ўт қўйгани учун немислар  
қинилоқни ёндиргаплар.**

Кампир танкчиини култепа бўлиб қолган уй жойига  
бошлаб бориб, эски қайин дарахтини кўрсатди. Ёшлик  
чоғида бу дарахтнинг йўғон шохидаги унинг беланчаги  
осилиб турарди. Ҳозир эса дарахт қуриб қолган ва  
унинг кўйиб қовжираган шохидаги беш жойда иличис-  
турган узик арқонларни шамол тебратиб турарди. Кам-  
пир гир-гир айланиб ва ўзича дуо ўқиб, Гвоздевни сой  
бўйига бошлаб борди ва унга қизнинг жасади ётган  
жойини кўрсатди. Гвоздев ана шу қизга ҳар кун хат  
ёзини ва’да қилиб, бир марта ҳам ёзмаган эди У.  
шилдираб турган қамишлар орасида бироз тургач, бу-  
рилиб ўрмонга йўл солди. Жангчилар уни ўрмонда ку-  
тиб турмоқда эдилар. У бир сўз ҳам айтмади ва кўзи-  
дан бир томчи ёш ҳам оқизмади.

Июнь ойининг охирларида, генерал Конев армияси  
Гарбий фронтда ҳужум бошлаган вақтда Григорий  
Гвоздев ўз жангчилари блан бирга немислар фронти-  
дан бу томонга ўтиб олди. Август ойида у «Т—34» деб  
ном чиқарган янги танкни олди ва қиши бошлангунча  
батальонда «жон сабил» одам деб донг кўтарди. Унинг  
қақида ақлга сифмайдиган, лекин ҳақиқатда бўлган  
воқиаларни сўзлар ва газеталарга ёзар эдилар. Бир  
куп у разведкага юборилганда, кечаси ўз танкни  
шиддат блан ҳайдаб немис истеҳкомлари устидац ва  
миналаштирилган ердан омон-эсон ўтиб кетди, бора-  
боргунча ўқ узиб, ваҳима солиб, немислар босиб олган  
ва Қизил Армия қисмлари икки томондан сиқиб турган  
бир шаҳарчага бостириб кирди ва немисларни кўп

саросима қилиб, ўтакасини ёриб чиқиб кетди ва иккинчи томондан бориб ўз қисмларига қўшилди. Яна бир марта у, немисларнинг орқа томонида эпчил групла блан ҳаракат қилиб юрганида, бирдан пистирмадан отилиб чиқиб, немис араваларига ҳужум қилди ва танкнинг ўрмаловчи фиддираклари блан отларни, араваларни, немисларни мажақлаб ташлади.

Қишиш фаслида у кичик бир танк группасига бош бўлиб, Ржев ёнида истеҳкомга айлантирилган ва душманнинг кичик бир оператив штаби жойлашган қишлоқ гарнizonига ҳужум қилди. Танклар мудофаа маррасидан ўтиб қишлоқ чеккасига етганда, унинг танкига суюқ ёнилғи солинган шиша келиб тегди. Танкни қуюқ тутун аралаш алганга қоплаб олганда ҳам танкчилар курашни давом эттирабердилар. Улкан бир маш'ала сингари ёнаётган танк қишлоқда бостириб кириб, ҳамма хил қуролларидан ўт очган, чап бериб, ҳар томонга йўл солиб, қочаётган немис солдатларини хўп мажақлади. Гвоздев ва унинг ўзи қуршовдан биргэ қутилиб чиқсан кишилардан ташлаб олган танкчилар ҳозир бак ёрилиб ёки ўқ-дорилар портлаб ҳалок бўлишларини билар эдилар. Улар тутундан димиқиб, чўқقا айланган бронядан баданлари куйиб, кийимлари ёнаётган бўлишига қарамай, курашни давом эттирганлар. Танк фиддираклари тагига тушиб ёрилган катта бир снаряд танкни ағдариб юборган, бомба тўлқиними ёки зарбдан ҳавога кўтарилиган қум ва қор тўзоними, ҳайтовур нима бўлса ҳам, танкдан алангани ўчирган. Геоздевни ҳамма ери куйган ҳолда танкдан чиқариб олганлар. У башинда ўлган отучи ёнида ўтирган ва унинг вазифасини бажариб турган.

Танкчи Гвоздев икки ойдан бери ҳаёт блан ўлим ўртасида зўр хатарда ётмоқда, тузалишга кўзи етмайди, ҳечнимага қизиқмайди, ба'zan кун-туни блан бир оғиз гапирмайди.

Оғир ярадорлар оламининг чегараси одатда улар ётган госпиталь палатаси деворларидан нарига ўтмайди. Бу деворлар доирасидан ташқарида қаердадир уруш боради, катта ва кичик воқиалар бўлиб туради, эҳтирослар қайнаб тошади ва ҳаркун одам кўнглига

Қынлайдып жиши бир нақш бөглайди. «Оғирлар» палатасына ташын одам ҳәётини киргизмайдилар ва госпиталь деңорлари орқасида бўлаётган алғов-далғовларни бу оғзи фақит яранг бир сас эшитилади, холос. Шолтада ғулдини кун-туплар ноиложликдан шу ернинг ўанди бўлиб турган майда-чуйда воқиалар блан тимом ғўларди. Бу ерда кундузги офтобдан исиган дерваза обинеси и қлерданидир мудроқ ва чанг босгани ташинанин келиб қўниши бир ҳодиса ҳисобланади. Ниччи сестраси Клавдия Михайловнанинг бугун госпитальдаги чиқиб ўғри театрга бормоқчи бўлиб, пошибаси билан жиши түфли кийиб келганлиги — янгилик ҳисобланади. Обиқотдан кейин шириниллик учун берилалигини на ҳамманинг жонши геккак ўрник кисели ўрнига олхўри компоти берилиб қолинса, бу шу ердагиларнинг суҳбати учун бир маъзу' бўлади.

Госпитальда ҳамиша бир зайдилда секин ўтучи ва зериктиручи қувларда оғир ярадорнинг бутун фикр-зикри ўз ярасига банд бўлади. Бу яра уни жангчилар қаторидан, оғир жанг ҳәётидан ажратиб ана шу ерга келишириб, мана бу юмиюқ, ётишга қулай бўлган, лекин дарҳол зериктирайлини койкага ташлаган. У ухлаганда ҳам ҳаёлида ана шу яра, шини ёки синиқ кезади, уларни тунида кўради ва уйгонган ҳамон дарров баданини текшириб кўради: шиш қайтишими, қизиллик нўқолиптими, ҳарорати пастми ёки баландми — билгиси келади. Жимжит кечада кишининг қулоғи диккайиб ҳарбир шарпани ўн марта ошириб эшитирсан сингари, бу ерда ҳам ҳамиша фикр-зикрнинг ўз касалига банд бўлиши явларни яна баттарроқ оғриётгандек туйдиради ва ҳатто чидамли, иродаси мустаҳкам, жангда ўлимга тикка боручи кишилар ҳам ўз касалининг аҳволи қандайлигини профессор оҳангидан пайқамоқчи бўлганда чўчиб кетарди ва Василий Васильевичнинг авзоига қараб ўз касали ҳақида унинг фикрини сезмоқчи бўлганда, юраги увишарди.

Кукушкин зарда блан тинмай тўнғилларди. Унга ҳамиша тахтакачлар нотўғри боғлангандек туюларди: тахтакачлар жуда қаттиқ сиқиб боғланган, бундан суюклар нотўғри битиб қолади ва кейин уларни яна

синдириб боғлашга тўғри келади, деб тўнғиллагани-тўнғиллаган эди. Гриша Гвоздев ма'юсона хаёлга чўмиб индамай ётарди. Лекин Клавдия Михайловна унинг баданидан бинтларни ешиб яраларига ҳовучлаб вазелин сурганида, у қизариб кетган ва куйган терилари пахмайиб осилиб турган гавдасига бетоқатлик блан кўз югуртириб қааркан ва врачларнинг ўзаро гапларига диққат блан қулоқ соларкан, шу топда унинг қандай изтироб тортаётганини пайқаш қийин эмас эди Палатада ўз оёғи блан юраоладиган бирдан-бир киши Степан Иванович эди, аммо у ҳам темир таёқ ва каравот панжарасидан ушлаб энкайиб-тенкайиб юраоларди. Степан Иванович доимо ажиб бир қиёфада зарда блан ўзини майиб қилган «бетамиз, бомба»ни ва контузия натижасида пайдо бўлган «ла'нати радикулит»ни ҳа деб сўkkани сўkkан эди.

Мересьев ичидағи дардини ҳечкимга билдирамасликка тиришарди, врачларнинг унинг тўғрисида ўзаро сўзлашувлари уни қизиқтиргмагандек бўлиб кўринарди. Аммо лекин электртга солмоқ учун унинг оёқларидаги бинтларни ешган чоқларида, у ҳар сафар товонида қизариб турган мадданинг секин-секин, лекин тўхтовсиз юқори кўтарилаётганини кўриб даҳшатга келар ва кўзлари косахонасидан чиқиб кетгандек бўлар эди.

Унинг фе'ли бузилиб тунд бўлиб қолди. Ўртоқлардан бирори қалтис ҳазил қилиб қўйса, чойшабнинг бирон ери ғижимланиб қолса, касал боқути кекса аёлнинг қўлидаги супурги ерга тушиб кетса, унинг жаҳли чиқиб тутақиб кетарди ва ўзини зўрға босиб оларди. Тўғри, госпитальда бериладиган овқатнинг доимо ва аста-секин кўпайиб яна мазалик бўлиб бораётганилиги уши тезлик блан қувватга киргизмоқда эди ва унинг оёқларини ешиб қайтадан боғлаганда ёки озғин баданини электртга солганда, тажриба учун келган доктор қизлар энди чўчимайдиган бўлган эди. Лекин унинг организми тезлик блан бақувват бўлиб, борган сари, оёқлари баттарроқ ёмонлашмоқда эди. Товонарида қизариб турган маддалар аллақачон кенгайиб тўпикқа чиққан эди. Оёқларининг бармоқлари ҳечни-

мани сезмас эди, уларга тўғноғит сүққанларида ҳам оғримас эди. «Блокада» деган ғалати ном блан аталу-чи қандайдир янги бир усул блан шишнинг ёйилиши тұхтагилди. Лекин оғриқ зўрайди. Оғриқнинг азобига сра чидаб бўлмас эди. Қундузлари Алексей юзини ёс-тиққа босиб жимгина ётарди. Кечалари эса Қлавдия Михайловна ушинг баданига укол блан морфий юбо-рарди.

Врачларниң ўзаро гапларидан энди «ампутация» легай мудхии сўз тобора кўпроқ эшитиладиган бўлди. Василий Васильевич ба’зан Мересьев койкаси ёнида тўхтаб ундан сўярди:

- - Хўш, ўрмаловчи, қани ишма дейсан? Балки оёқ-ни кесармиз-а? Шартта кесамиз-у, қўямиз-да.

Алексеининг а’зойи баданига муз югурпб, тириша-бошларди. У, дод, деб бақириб юбормаслик учун ти-шини тишига қўйиб, фақат бошини қимиrlатарди. Профессор ҳам жаҳл блан тўнғиллаб:

- - Хўп, майли, чидасанг чида, ихтиёр сенда. Яна мана бу чорани ҳам қилиб кўрайлик,— дерди ва янги дори-дармоц тайинилаб кетарди.

Профессор чиқиб кетгаç, эшик ёпилар, коридорда врачларниң оёқ тонуши тиар, Мересьев эса қўзлари-ни томғанича ётиб хаёл сурарди: «Вой, оёқларим, оёққиналарим, эссиэзгиша оёққиналарим!». Наҳотки у оёқларидан ажралиб қолса-я, ўз юрти Камишинидаги кекса кемачи Аркаша бобо каби ёғоч оёқда юрадиган чўлоқ бўлиб қолса-я! Чўмилган вақтда, Аркаша бобо сингари, сой бўйида ёғоч оёқларини ечиб қўйиб, ўзи маймундек эмаклаб сувга кирадиган бўладими энди у.

Бу дард ва кечирмаларни яна бир ҳолат кучайти-риб юборган эди. У госпитальга келган кунида Ками-шиндан олгаи хатларни ўқиб чиқди. Онасидан келган кичиккина уч бурчак хатлар, умуман онасининг ҳар-сафарги хатларидек, қисқа эди. Бу хатларниң ярмиси дуойи саломдан ва соғ-саломатликни хабар қилишдан уйда, худога шукур, тинч ва хотиржамлик, сен, Алёша, бизлар тўғримизда ташвишланма, деган сўзлардан ибо-рат бўлиб, қолган ярмиси; ўзингни эҳтиёт қил, шамол-лаб қолма, хавф-хатарли жойларга бораберма, немис-

ларнинг ҳийла-найранги ёмон бўлади — ҳушёр бўл, (немисларнинг найранги ҳақида она қўни-қўшни хотин-лардан кўп нарсалар эшитган эди), оёқларингни намдан сақла, деган сўров ва ўгитлардан иборат эди. Бу хатларнинг мазмуни бирхил бўлиб, бир-биридан фарқи жуда оз эди, чунончи: бир хатида онаси қўшни хотиндан аскар Алексейни дуо қилишни сўраганини ёзган, гарчи ўзи худога ишонмаса ҳам, ҳар эҳтимолга қарши шундай қилишни лозим кўрган, бордию, у томонда ҳақиқатан бирон нарса бўлса, деб ўйлаган; иккинчи хатида онаси жануб томонда жанг қилаётган акаларидан анчадан бери хат келмаганини ва улардан хавотир олаётганини ёзган; охирги хатида эса у қизиқ бир туш кўрганини ёзган. Тушида кўрса, Волгода ёзги сув тошқини вақтида ҳамма ўғиллари унинг олдига келган эмиш, улар марҳум отаси блан бирга мўл-кўл балиқ тутиб келган эмишлар ва она уларни оиласнинг севимли овқати вязига солинган пирог блан зиёфат қилган эмиш. Қўшилар бу тушнииг та'бирини айтиб, ўғилларингдан бирори албатта фронтдан уйга келиши керак, деган эмишлар. Шундан кейин онаси, бошлиқларингдан сўраб кўр, бир кунгинага бўлса ҳам, уйга келиб кетишингга рухсат бермасмикинлар, деб ёзган.

Кўк конвертларга солинган, мактаб болалариникидек катта-катта ҳарфлар блан ёзилган хатлар ўзи блан бирга ФЗУ да ўқиган бир қиздан келган эди. Қизнинг исми Ольга эди. Ольга ҳозир Қамишиндаги ёғоч-тахта заводида техник бўлиб ишлар эди. Алексей ҳам ёшлик чоғида шу заводда метал токари бўлиб ишлаган эди. Бу қиз фақат болалик чоғидаги ўртоқ ҳисобланмас эди. Шунинг учун унинг хатлари ҳам бошқача эди. Алексей бу хатларни қайта-қайта ўқиб, эни оддий сатрлар орасидан унча очиқ қилиб айтилмаган, кўнгилга хуш ёқадиган яширин ма'но излар экан, бу бесабаб эмас эди.

Қиз ёзганки, ишлар бошдан ошибб-тошиб ётипти, вақт бекор кетмасин деб кечалари ҳам уйга бормасдан шу ерда конторада ётиб қоламан, агар сен ҳозир ўз заводингни кўрсанг, балки танимасдинг ва ҳозир бизлар нима ишлаб чиқараётганимизни ўйлаб топсанг,

қайрагди қолардинг ва қувонганингдан ҳушдан кетар-  
ниш Оляга яна шундай деб ёзганки, онда-сонда ҳар  
олди бир марта бўладиган дам олиш кунларида онанг-  
нинг олдига бориб тураман, кампирнинг кайфи чхши  
эмас, чунки акаларингдан дому-дарак йўқ, кампир-  
нинг турмуши ҳам тузук эмас, сўнгги вақтларда у қат-  
тиқ қасал бўладиган бўлиб қолди. Қиз сўраганки, она-  
нига тез-тез ва қўпроқ хат ёзиб тур, қайгули гаплар  
сабаб уни ташвишлантирма, чунки унинг бирдан-бир  
қувончи, ҳозир балки, фақат сендирансан.

Алексей Ольганинг хатларини қайта-қайта ўқигач,  
онасиининг туш кўрганлиги ҳақида гапларининг сирини  
ларров пайқаб олди. Онаси қандай нигорон бўлиб уни  
кутаётганлигини, унга қандай ишонч-умид боғлагани-  
ни пайқади ва ўз бошига тушган кулфатни уларга бил-  
лирса, уларни қандай мусибатга солиб қўйишини анг-  
лади. У, нима қилиш керак эди, деб узоқ ўйлаб қолди  
га ҳақиқатни айтиб уйга хат ёзиб юборишга юраги  
ботинмади. Бироз сабр қилиб туриш керак, деган қа-  
рорга келди-да, онаси блан Ольгага хат ёзиб, аҳволим  
яхши, мени тинчроқ томонга ўтказдилар, деди. Адре-  
сининг ўзгарғанлигига ҳақиқатга яқинроқ баҳона то-  
пиш учун, ҳозир орқа томонда турган қисмда хизмат  
қилиб, маҳсус топшириқни бажарайпман ва шу қисм-  
да ҳали кўп турсам керак, деб ёзди.

Энди эса, врачларнинг ўзаро гапларидан «ампута-  
ция» сўзининг тез-тез эшитилиши уни даҳшатга солган  
эди. Қандай қилиб у чўлоқ ҳолда Камишинга боради!  
Қандай қилиб у чўлтоқ оёқларини Оляга кўрсатади!  
Шу аҳволда уйга борса, фронтдаги бошқа ўғиллари-  
дан дому дарак бўлмаган ва ёлғиз унигина интизор  
бўлиб кутаётган онасини қандай ғам-ғуссага дучор  
қилади! Алексей ҳафагазак тинч палатада ётар ва бео-  
ром Кукушкин каразотининг фижирлаши, танкчининг  
секин инқираши, кун бўйи дераза олдида ўтирадиган ва  
бели жуда букчайиб қолган Степан Ивановичнинг бар-  
моқлари блан ойнани дўмбира қилиши қулогига  
эшитилиб туар экан, ана шу тўғрида ўйларди.

«Ампутация! Йўқ, буниси кетмайди! Ундан кўра  
ўлган яхшироқ... Бирам совуқ, бирам заҳарли наштар-

дай гапки бу! Ампутация! Йўқ, йўқ, кетмайди бунда-  
қа гаплар!»— деб ўйларди Алексей. Бу даҳшатли сўз  
ҳатто Алексейнинг тушига ҳам кирди. Тушида кўрса,  
бесўнақай бир пўлат ўргимчак бўғумдор ўткир оёқла-  
ри блан ҳа деб унинг баданини тирнаб ётган эмиш.

### 3

Қирқ иккинчи палатада бир ҳафтагача тўрт киши  
турди. Бир куни куйиб-пишиб Клавдия Михайловна кел-  
ди, унинг ёнида икки санитар ҳам бор эди. У, энди бироз  
сиқилиброқ туришга тўғри келади, деди. Степан Ива-  
новичнинг койкасини деразанинг ёнгинасига сурис  
қўйишиди, бу ишдан у жуда мамнун бўлди. Кукушкни  
бурчакка, Степан Ивановичнинг ёнига жойлаштири-  
дилар ва бўшаган ўринига юмшоқ тўшак солинган  
яхнигина настак каравот келтириб қўйдилар.

Буни кўрган Кукушкни тутикашиб кетди. Унинг ранг-  
ги оқариб, мушти блан тумбочкини ураберди, сестрани  
ҳам, госпитальни ҳам, Василий Васильевичнинг ўзини  
ҳам бақириб сўкабошлади, дўқ уриб, кимгадир шико-  
ят қилмоқчи ва қаергадир ёзиб юбормоқчи бўлди, хул-  
лас, бояқиш Клавдия Михайловнанинг бошига кружка  
блан туширишига сал қолди, агар Алексей қора кўзла-  
рини ўқрайтиб жаҳли блан унга бақирмагандা, балки,  
кружка блан солиб ҳам қолар эди.

Худди шу пайтда бешинчи касалии олиб кирдилар.

У, афтидан, жуда оғир одам эди, чунки санитарлар  
ҳар қадам босганида носилка фирчиллаб букилиб кетар-  
ди. Соҳи қириб олинган думалоқ боши ёстиқ устида  
аранг чайқалиб турарди. Худди мўм қўйилгандай сар-  
гайган, япалоқ ва лўппи юзларда ҳаётдан асар кўрин-  
мас эди. Оппоқ сқарган лабларида ранж-алам аломат-  
лари бор эди.

Янги келтирилган касал худди беҳуш ётганга ўх-  
шаб кўринарди. Лекин носилкани ерга қўйишлари блан  
у кўзларини очди, тирсагига суяниб сал кўтарилди да,  
палатага мароқ блан разм солиб чиқди ва негадир  
Степан Ивановичга, кўрдингми, ҳаёт қанақа бўлади?—  
дегандай кўз қисиб қўйди ва қариллаб йўталди. Чама-

чи, унинг йўғон гавдаси қаттиқ контузия бўлган ва шунинг учун а’зойи бадани зирқираб оғриётганга ўхшарли. Ҳаф’атан қараганда бу йўғон, шишиқ одам Мересьевга исгадир ёқмади, шунинг учун у икки санигар, иккни касал боқучи аёл ва сестра бир бўлиб, у олимни зўрга кўтариб каравотга қўйишларига ижирганинб қараб турди. Янги касалнинг фўладек йўғон оғизин тўсатдан ағдариб юборгандарида, унинг юзи оқарниб тер босиб кетганлигини ва оқарган лаблари бўришинб хунук бир шаклга кирганини Алексей кўрди ю, лекин фақат тишларини ғижирлатиб қўяқолди.

Янги касал каравотга чиқиб олгач, дарров тагидаги чойшабнинг четларини текис қилиб тўғрилади, орқасидан келтирилган китоб ва дафтарларни даста-даста қилиб тумбочка устига қўйди, тумбочкининг пастки қаватига тиш тозалайдиган пастани, одеколонни, соқол оладиган асбобларни ва совун қутисини қатор териб қўйди, сўнгра ўз ишларига яна бир разм солиб кўздан кечириб чиққач, дарров ўз уйида ўтиргандек хотиржам бўлди ва йўғон, чўзиқ овоз блан гап бошлади:

— Қани энди танишиб олайлик. Полковой комиссар Семён Воробьев. Ювош ва чекмайдиган одам. Улфатликка қабул қилишларингизни сўрайман.

У, вазмин назар солиб, палатадош ўртоқларини ма-роқ блан кўздан кечирди ва Мересьев унинг қийик, саргич ва жуда ўткир кўзлари блан ўзига қаттиқ тикилиб турганини пайқаб қолди.

— Мен бу ерда кўп турмайман. Билмадим, бошқаларга қандайдир, аммо менга бу ерда ётабериш тўғри келмайди. Отлиқ аскарларим мени кутиб турипти. Муз эриб, йўллар қуриган ҳамон жўнаб қоламан: «Биз отлиқ қизил аскарлар, бизнинг донгимиз...». Хўш, лаббай?— деди у дўриллаб ва унинг йўғон, ширали овози бутун бўлмага янграб кетди.

— Ҳаммамиз ҳам бу ерда кўп турмаймиз. Муз эриши блан... оёқларимизни олға ростлаб эллигинчи палатага жўнаб қоламиз,— деди Кукушкин ва дарров юзини деворга ўгириб олди.

Госпитальда эллигинчи палата йўқ эди. Қасаллар ўзаро ўлихонага шундай деб ном берган эдилар.

Лекин комиссар ҳали буни билиб олгунча ўйқ эди, аммо у, ҳазил гапнинг хунук ма'носини дарров пайқади, хафа бўлмади ва фақат Кукушкинга таажжуб блан қараб, ундан сўради:

— Хўш, азиз дўстим, неча ёшга кирдингиз ўзингиз? Вой, серсоқол-эй! Жуда ҳам эрта қариб қолибсиз.

4

Қирқ иккинчи палатага янги келган касални ўзаро Комиссар деб атайдишилар, у келиши блан палата ҳаётининг тартиби бутунлай ўзгариб кетди. Бу вазмин ва бедармон одам иккинчи куни ҳамма блан яна бир марта танишиб чиқди ва, кейинчалик Степан Иванович айтганидек, «ҳарбир кишининг қулф дилига яраша калид» топабилди.

У, Степан Иванович блан ширин суҳбат қилиб, отва ов тўғрисида сўзлашарди, уларнинг иккаласи ҳам овга жуда ишқивоз ва моҳир эдилар. Урушнинг ҳамма икир-чикирларини билишга ишқивоз бўлган Мересьев блан у, авиация, танк ва кавалерияни ҳозирги замон урушида татбиқ қилиш усуллари тўғрисида қизғин тортишди ва қизишиб кетиб, авиация блан танклар, албатта, жуда соз нарсалар-у, аммо отнинг ҳам қадри ҳали йўқолмаганлигини, агар кавалерия қисмларини ҳозир яхшилаб тузатиб олинса, уларга янги қуроласлаҳалар берилса, эски тажрибали уста қиличвоз командирлар ёнига жасур ва дадил ёшлиардан етиштириб берилса, отлиқ аскарларимиз ҳали кўп ҳунар кўрсатиб, бутун дунёни қойил қолдиришини исбот қилиб берди. У, ҳатто ҳамиша индамасдан ётадиган танкчи Гвоздев блан ҳам тил топишди. Ма'лум бўлдики, у комиссар бўлган дивизия Ярцев ёнида, сўнгра Духовшинада жанг қилиб, Коневнинг машҳур қарши зарбасига қатнашган экан, танкчи Гвоздев ўз группаси блан худди шу ерда немис қуршовидан қутилиб чиқсан экан. Комиссар уларнинг икковига ҳам таниш бўлган қишлоқларнинг номини завқ блан айтиб берар ва қаерларда немислар яхшилаб калтак еганини ҳикоя қиласади. Танкчи аввалгидек индамай ётса ҳам, лекин

нили илтиришлек юзини ўгирмас эди. Бинт орасидан унинг юзлири кўринимаса ҳам, у бош силкитиб Комиссарни гапларини ма'қулларди. Комиссар Кукушкинга бир сидри шахмат ўйнашин таклиф қилиши блан ининг чеҳраси очилиб кетди. Шахмат тахтаси Кукушкинни кўйкаси устида турар, Комиссар эса ётган юйиди кўймарини юмиб «таваккалига» ўйнар эди. Жами наш дегунга, жаңжалкаш лейтенантни мот қилиб ўғди ни шу блан уни ўзига тамоман ром қилиб олди.

Комиссир келинин блан қирқ иккинчи палатада шундай бир воқия юз бердики, касал боқучи аёллар британий дериги даричаларини очганларида, жимжит хифзийлик кеналхонига кўчашинг қувноқ шовқин-суронлари Олан бирни Москва баҳорининг илк тоза ва ним шабадини тириллиб киради. Бунинг учун Комиссир ҳенбир жон койитмас эди. У фақат яшар, ҳаёт ийинин сурарди, жонини азоблаётган оғриқни ўйла-масди ёки ўзини Ҳамамасликка мажбур қиласди.

У эрталло ўйқундан туриб койкасига ўлтирас. қўлларини юқорига ни ён томонларига чўзиб, эгилиб ва қоматини кўтарни, муқом блан бошини ҳар томонга буриб ва настга яиб гимнастика қиласди. Ювениш учун сув келтирганиларила, у суннинг совуқроқ бўлишини талаб қиласди ва тоста эгилиб олиб, узоқ ювинар, оғиз, бурунларини чайқар, сўнгра сұлги блан шундай қаттиқ артинардики, шиниган бадани қизариб кетарди, бошқалар ҳам унга қараб, чор-ночор шундай қилгулари келарди. Газета келтирганларила уларни сестранинг қўлидан юлиб олиб, дарҳол баланд овоз блан Совет Информбюроси ахборотини ўқирди, сўнгра тартиб блан битта-битта фронт хабарларини ўқиб чиқарди. У газета ўқишни ўринлатарди, я'ни ҳафсала блан ўқирди: гоҳ ўзига ма'қул тушган ерини секин пичирлаб тақрор ўқиб, «тўғри» деб қўяр ва ниманидир тасдиқ қиласди, гоҳ эса, бирдан жаҳл блан бақириб: «Ёлғонни ёзипти, итвачча, калламни бераман, агар у фронтга борган бўлса. Вой, хумса! Тағин уялмай ёзипти-я» дерди. Бир кун унинг қайси-бир ёлғончи мухбирдан жаҳли чиқиб, газета редакциясига зарда блан хат ёзиб юборди ва хатида, урушда

бундай нарсалар бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ёлғончи мухбирнинг адабини бериб қўйишингизни сўрайман, деб ёзди. Гоҳо эса, газета устида ўйлаб, ёстиққа суюниб олар ва шу куйича кўзларини очиб ётарди ёки ўз отлиқ аскарлари ҳақида қизик-қизиқ воқиаларни айтиб берарди, унинг сўзларига қараганда, унинг отлиқ аскарлари қаҳрамондан-қаҳрамон, паҳлавондан-паҳлавон эди. Шундан кейин яна газета ўқишига бошларди. Шуниси ғалатики, унинг дам-бадам газетани йиғиштириб қўйиб, ўз мулоҳазаларини айтиши ва бошқа ҳикояларга ўтиб кетиши тингловчиларга халақит бермас, уларнинг хаёлини чалғитмас эди, балки, аксинча, ўқилган нарсанинг магзини яхшилаб чақиб олишга ёрдамлашарди.

У ҳар куни кундузги овқат блан дори-дармон қилинадиган вақт орасида икки соат немис тилини ўрганиш блан шугулланарди, сўзларни қайта-қайта такрорлар ва сўзлардан жумла тузарди, ба'зан эса, бирдан ёт тилнинг ма'носини ўйлаб қолиб, бундай дерди:

— Биласизми, йигитлар, жўжани немисча нима дейди? Кюхельхен. Ажойиб! Кюхельхен — кичкина, думалоққина, мўйдоргина бир жонивор дегани бўлади. Хўш, айтингчи, қўнғироқни нима дейди? Глёклинг. Ҳақиқатан жарангли сўз-а?

Бир кун Степан Иванович чидаялмасдан ғапириб юборди:

— Үртоқ полковой комисsar, немис тилининг сизга нима кераклиги бор? Ҷоннингизни койитиб шима қиласиз? Дармонингизни қуритмасангиз-чи...

Комисsar кекса солдатга айёрларча боқиб, деди:

— Э, соқоли тўкилмагур, рус кишиси учун шу ҳам турмуш бўптими? Хўш, Берлинга борганимиздан кейин немис хотинлари блан қайси тилда сўзлашаман? Се нингча чулчут тили блан сўзлашини керак бўладими? Лаббай?

Комисsarнинг койкасида ўириан Степан Иванович, аскарларимиз ҳозирча Москва яқинидаги қиляяпти, немис хотинларига етишга ҳали анча бор, деб қаттиқ этироz қилмоқчи бўлган эди шекилли, лекин Комисsarнинг овозида қувноқ қат'ият аломати борли-

тини шайқагач, солдат томогини бир қириб олиб, жиддий қиёфада деди:

Албатта чулчут тили блан сўзлашмаймизку-я, иммо лекин, ўртоқ комиссар, шундай контузия бўлиб қаттиқ шикаст топганингиз учун, ўзингизни аянг деяпманида.

Аяган отнинг энг аввал туёғи синади, деган ганини эшигтганмисан? Яхши эмас бу гапинг, соқоли тўкилмагур!

Касалларнинг ҳечқайсиси соқол қўймас эди. Комиссар эса ҳаммага «серсоқол, соқоли тўкилмагур» деб ном қўйган эди. Унинг бу гапидан ҳечким хафа бўлmas, балки хурсанд бўлар эди, ҳазиллашиб айтилган бу номдан ҳамманинг кўнгли роҳат топгандай бўларди.

Алексей кун бўйи Комиссарга зимдан разм солиб, ундаги туганмас бардамликнинг сирини билгуси келарди. Комиссарнинг қаттиқ азоб тортаётганлиги шубҳасиз эди. Агар у уйқуга кетиб, ўз ихтиёрини қўлдан бериб қўйса, дарҳол иҳрашга тушиб, ҳартомонга тўлгонар, тишларнин гижирлатабошлар ва қалтираб юзлари буришиб кетарди. Афтидан, у шундай бўлишини билиб, кундуз кунлари ухламасликка ҳаракат қиласади ва бирон нарсаға ўзини машгул қилиб ўтиради. Ўйгоқ бўлганида у ҳардоим вазмин ва осойишта эди, унинг ҳечбир ери оғримаётгандек кўринарди, врачлар унинг касал жойларига қўл тегизиб текшириб кўрганларида, улар блан шошмасдан сўзлашар ва ҳазиллашарди, лекин шундай пайтларда унинг қўли чойшабни тижимлаб олганлигидан ва лаблари атрофида маржон маржон бўлиб турган терлардангина унинг дарди нечоглиқ оғир эканлигини ва у зўрға чидаб турғалишини пайқаш мумкин эди, холос. Бу одам энг оғир дардни қандай босаётганлигини, унда бунчалик гайрат, тетиклик, қувноқлик қаердан пайдо бўлишини Мересеъен тушунмас эди. Алексейнинг буни билиб олишга яйниқса иштиёқманд бўлишининг сабаби шу эдикি, у беҳуши қиладиган дорини қанча кўп беришларига қарамай, кечалари ухлайолмас ва ба'зан тонғ отаргача кўйларнин юммасдан,вой-войламаслик учун одеялни тишлаб чиқарди.

Врачлар кўриги вақтида маш'ум «ампутация» сўзи яна кўпроқ ва қат'йроқ эшитилабошлади. Алексей даҳшатли куннинг тўхтовсиз яқинлашиб келаётганини сезгач, оёқлардан ажралиб яшашнинг фойдаси йўқ, деган қарорга келди.

5

Мана кутилган кун ҳам келди. Қасалларни кўриш вақтида Василий Васильевич Мересьевнинг қорайиб кетган, ҳечнарсани сезмайдиган бўлиб қолган товонларига қўл югуртириб кўргандан кейин, бирдан бошини кўтарди-да, Алексейнинг кўзларига тикка қараб: «Кесмоқ керак!» — деди. Рангти оқариб кетган учучи бирон нима дейишга улгурмасданоқ, профессор оташин ҳолатда яна: «Кесмоқ керак, вассалом, эшиитдингми? Бўлмаса, ўзинг нобуд бўласан! Тушундингми? — деди.

У, ёрдамчиларига қарамасдан, бўлмадан чиқиб кетди. Палатани оғир сукунат босди. Мересьев кўзлари очиқ ҳолда тамом ҳайрат ичиди ётарди. Унинг кўз олдидан инвалид кемачининг кўкариб кетган, хунуги чиққан чўлтоқ оёқлари хидалашиб ўтмоқда эди, унинг кўзига яна ўша кишининг сой бўйида ечиниб, маймундек, қўли блан эмаклаб, ҳўл қумлоқ устидан сургалиб сувга кираётганилиги кўринди.

- Лёша,— деб чақирди секингина Қомиссар.
- Нима? — деди Алексей аранг товуш чиқариб.
- Шундай қилиш керак, Лёша.

Шу топда Мересьевнинг кўзига кемачи эмас, балки унинг ўзи чўлтоқ оёқлари блан сургалиб юргандай ва унинг севган қизи Оля ҳилпираган йўл-йўл кўйлак кийиб, қушчадай пириллаб, қуёшдай товланиб, гўзал бир қиёфада лабларини тишилаб қумлоқ устида унга тикилиб тургандай бўлиб кўринди. Шундай бўлади! — деди у хаёлида ва ёстиққа бошини тиқиб, қалтираб ва а'зойи бадани титраб, товуш чиқармасдан зор-зор йиғлади. Ҳамманинг таб'и хира бўлди. Степан Иванович инқираб-синқираб койкадан тушди, халатини елкасига ёпиниб, ковушларини шалпиллатиб, каравотнинг

поясндан ушлаб, инқираб Мересьев ёнига борди, лекин Комиссар имлаб: қўй, йиглаб олсин, халақит берма, деган ишорани қилди.

Дарҳақиқат, Алексей анча енгиллаши. У, тездан босилди ва ҳатто руҳи ҳам бирмунча очилди, одатда ишон узоқ вақт ўзини қийнаб келган масалани ниҳоят ҳам қилиб олганда ҳамиша ана шундай снгил тортиди. У, кечқурунга қадар индамасдан ётди. Кечқурун иш сашгарлар келиб уни операцияхонага кўтариб кеминди. Бу оппоқ ялтираб турган хонада ҳам у бир демади. Ҳатто унга юраги қаттиқ беҳуш қилишни кўғирмаслигини, шунинг учун местный нағоз блаъ операция қилишга тўғри келишини айтганларида ҳам, у фақат бошини силкитиб қўйди. Операция вақтида у тоғи ҳам демади, дод ҳам демади. Бу унча мураккаб бўймаси ампутацияни ўзи бажарган ва шу вақтда ўз оғатни кўра сестралар ва ёрдамчиларини қаттиқ койиб олган Василий Васильевич ўз асистентига бирпеча бор: қарачи, касал ўлиб қолган бўймасин тагин, деб буюорди.

Чукини арралайбошлаганларида оғриқнинг аламига чиқиб бўймас эди, лекин у чидади; чуки бундай опро машҳудаги ва азобларга чидашга ўрганиб қолган эди. Ҳаттохи у, бу оқ ҳалат кийиб бетларига докадан шикор тутиб олган кишилар унинг обёқ учларида нима қилиб юрганиларининг фаҳмина ҳам тузукроқ бормади.

У, налатага келтириб ётқизилтандан кейин ҳушига келди ва энг аввал кўзи Клавдия Михайловнанинг серташвиш юзига тушди. Шуниси ғалатики у бўлган шиларнинг биттасини ҳам билмас эди, ва ҳатто ҳамиша, чеҳраси очиқ бўлган оппоққина Клавдия Михайловнанинг юзларида ташвиш ва изгироб аломатларини кўриб ҳайрон бўлди. Клавдия Михайловна унинг ҳушига келиб кўзларини очганини кўргач, гулдай очилиб кетди ва одеял тагидан секининана унинг қўлини сиқди.

— Офарин, мард йигит экансиз! — деди-да, дарҳол томирини ушлади.

— «Нима қиласяпти бу қиз?»— деб ўйлади Алексей ва обёклари энди илгаригига қараганда юқорироқдан

оғриётганини ва аввалгидаи куёшиб, зирқираб оғри-  
масдан, караҳт ҳолда лўқиллаб оғриётганини, худди  
тиззалари настидан ип блан қаттиқ тортиб боғлаб қў-  
йилгандай сезди. Шу топда бирдан кўзи одеялнинг  
қатига тушиб, гавдаси қисқариб қолганини кўрди.  
Энди дарҳол эсига тушди: оппоқ ялтираб турган бўл-  
ма, жаҳл блан бақириб турган Василий Васильевич  
ва сирланган пақирнинг тақир-туқири хаёлига келди.  
«Дарров-а!» — деди у бўшашиб, таажжуб блан ва  
зўрга кулимсираб сестрага қараб деди:

— Мен калтароқ бўлиб қолибман, шекилли,—  
деди.

Кулимсираши худди лабларни буриб масхара қи-  
лаётганидек хунук бўлиб чиқди. Клавдия Михайловна  
мехрибонлик блан унинг соchlарини тузатиб қўйди.

— Зарари йўқ, азизим, энди енгил бўлади.

— Тўғри, ҳақиқатан ҳам енгил. Неча килограм  
енгиллашдим экан?

— Қўйинг бундай гапларни, жоним, қўйинг бундай  
гапларни. Сиз мард йигит экансиз, ба’зи кишилар ба-  
қириб додлайди, ба’зиларини эса қайиш блан боғлаб,  
яна босиб ҳам турадилар, сиз эса «вой» ҳам демадин-  
гиз... Эй, уруш қурсин, уруш!

Шу пайтда палатанинг кечки ғира-шира қоронфи-  
лиги орасидан Комиссарнинг бақирган овози эши-  
тилди:

— Нима қилиб сизлар у ерда аза очиб ўлтирибсиз-  
лар. Сестрахон, мана бу хатларни унга олиб беринг-  
чи. Жуда бахтли одам экан у, ҳатто менинг ҳам  
ҳавасим келаяти: бирданига шунча хат келипти-я!

Комиссар Мересьевга бир даста хат узатди. Бу  
унинг ўз полкидан келган хатлар эди. Бу хатлар бош-  
қа-бошқа кунларда ёзилган бўлса ҳам, негадир ҳам-  
маси йиғилиб бир кунда келган. Мана ҳозир Алексей  
кесилган оёқлари блан чалқанча тушиб ётиб, бу дўс-  
тона мактубларни бирма-бир ўқиб чиқмоқда. Уларда  
серташвиш, хавф хатарларга тўла бўлган, лекин дои-  
мо ўзига жазб қилиб турадиган узоқ ҳаёт тўғрисида  
ёзилган. Алексей бўлса энди бундай ҳаётдан тамоман  
маҳрум бўлиб қолган. У, полкдан хабар қилинган

китта китта янгиликлар ва ўзи учун қимматли бўлган миёда чубида воқиаларни маза қилиб ўқиди. Унга ҳамма воқиа бир хилда қизиқ туюларди: корпудан келгани сиёсий ходимнинг полкнинг Қизил байроқ орденига Чиқдим қилинганилиги ҳақида лақиллаб айтиб қўйган Гани ҳам, Иванчукнинг бирданига икки мукофот олганилиги ҳам, Яшиннинг овга чиқиб отган қуёни негадир думсиз бўлиб чиққанлиги ҳам, назла тушиб лунжи Шиннилиги учун Стёпа Ростов блан сестра Леночка Ўргасидаги муҳаббатнинг бузилганилиги ҳам уни қиёқтириарди. Бир зум унинг хаёли ўрмонлар ва кўллар оғисиди яйлашган аэроромга қараб учди, бу аэроромнинг ери тоғ қаттиқ, тоғ юмшоқ бўлганилиги учун учучилар уши доим сўкардилар, ҳозир эса Алексейнинг кўнига бу аэрором оламда ягона бир жой бўлиб кўринмоқда эди.

У, хатларга жуда берилиб кетиб, уларнинг қачон сиптиланлиши ҳам қарамади ва Комиссарнинг Алексей томонинча ишора қилиб сестрага кўз қисиб қўйганилигишини унинг қулоига пичирлаб: «Сизларнинг алдаб-уядиб ўтиришинги здан кўра, менинг чорам хийли тувкроқ» деганини ҳам пайқамади. Комиссар шундай воқия бўлинини олдан билиб, Алексеяга келган хатлирнинг бир қисмини яшириб қўйгани эди ва Мересьев учун эни даҳнатли кун келинада, жонажон аэроромидан келгани бу дўстона саломлар ва янгиликларни топнириб, унинг оғир аҳволини ва гам-кулфатини ешиллаштироқчи бўлган эди,— Алексей эса Комиссарнинг бу ишидан мутлақо хабарсиз қолди. Комиссар кўпни кўрган кекса аскар эди. У, шошиб-пишиб бир парча қофозга ёзилган бу хатларнинг кучи зўрлигини, ба’зан улар фронтда ҳарқандай дори-дармон ва сухаридан ҳам азиз тутилишини биларди.

Андрей Дегтяренконинг ўзига ўхшаган қўпол ва оддий хати ичида, жингиладор майда ҳарфлар блан ёзилган ва жуда кўп хитоб аломатлари қўйган бир хат бор эди:

«Ўртоқ старший лейтенант! Ўз сўзингизда турмаслигингиз яхши эмас!!! Полкда жуда тез-тез йўқлаб турадилар ва: ростини айтсан, фақат сиз тўғрингизда

сўзлайдилар. Яқинда ўртоқ полк командири ошхонада айтдики, мана Алексей Мересьевга ҳақиқатан қойил қолмоқ керак!!! У бундай гапларни фақат энг сара кишилар ҳақида айтишини ўзингиз биласиз. Тезроқ келинг, сизни бу ерда кутиб туришипти!!! Ошхонада ишловчи катта Лёла сўрадики, у кишига айтиб қўй, энди келганларида ҳечбир гап-сўзсиз ҳаркун учтадан қуюқ овқат бераман, бунинг учун мени военторг ишдан бўшатиб юборса ҳам майли, дейди. Фақат сиз ўз сўзингизда турмаслигингиз яхши эмас!!! Бошқаларга хат ёзиб турдингиз-ку, менга бўлса битта ҳам хат ёзганингиз йўқ. Бу менга жуда алам қиласди, шунинг учун сизга алоҳида хат ёзмадим, ўзингиз менга соғ-саломатлигингиз ва ҳол-аҳволингиздан, марҳамат қилиб, алоҳида хат ёзинг!..»

Бу қизиқ хат тагига «Метеорология сержантси» деган имзо қўйилган эди. Мересьев кулимсираб қўйди, лекин шу онда унинг назари: «Тезроқ келинг, сизни буерда кутиб туришипти» деган сўзларга тушди. Бу сўзларнинг таги чизилган эди. Алексей, худди бир муҳим ҳужжатни йўқотиб шошиб-пишиб чўнтакларини кавлаётган кишидек, бошини ёстиқдан кўтарди-да, ҳаяжон блан қўлини узатиб оёқлари турган ерни пайпаслаб кўрди. Қўли қуруқ тўшакдан бошқа нарсани тополмади.

Ана шу пайтдагина Алексей энг оғир жудоликка дучор бўлганини тамом пайқади. Энди у полкка, авиацияга, умуман фронтга асло қайтиб боролмайди. Энди у ҳечқачон самолётни ҳавога учиролмайди ва ҳаво жангига киролмайди, ҳечқачон! Энди у ўз севган ҳунаридан жудо бўлган, ўтирган жойидан қимирламайдиган, уйида ортиқча юк ва ҳаётда бефойда бир инвалид. Бу ҳолни тузатиб бўлмайди, то ўлгунча шу аҳволда қолиб кетади.

## 6

Операциядан кейин Алексей Мересьев шундай пайтларда бўладиган энг мудҳиш бир аҳволга тушиб қолди. У ўз хаёлига чўкиб кетди. У зорланмас, йиғла-

**Мас** ни қалинираб ҳаяжонга келмас эди. **Фаҳат** индамиседи бгарди.

У, кун бўйи қимирламасдан чалқанчасига ётиб, қўйиларини шипда илон изидек эгри-буғри чўзилиб ётган опр ёриқдан сра узмас эди. Ўртоқлар у блан сўзларни ашларида, у, тўғри келса-келмаса ҳам, «ҳа», «Нўқ» деб жавоб берар ва яна индамай шипдаги хира ёриққа тикилиб қоларди. Шипдаги дарз кетган бу ёриқ чизиқ худди бир шикаст хат бўлиб, шу хатни ўқиб ма’носини чақиб олабилса, гўё бутун дарди шифо топадигандек бўлиб кўринарди. У, врачларнинг буюрганларини сўзсиз бажарап, берилған дориларни јз вақтида исте’мол қиласар, пешинлик овқатни иштаҳасизлик блан зўр-базўр еб тамом қиласар ва яна чалқанча тушиб ётарди.

— Эй, серсоқол, нимани ўйлаяпсан? — деди Комиссар унга қичқириб.

Алексей, худди уни энди кўраётгандек, бошини бирдан унинг томонига бурди.

— Нимани ўйлаяпсан дейман?

— Ҳечнимани.

Палатага Василий Васильевич кириб келди.

— Хўш, ўрмаловчи, тирикмисан? Аҳволлар қалай? Баракалла, баракалла, додламадинг операцияда. Энди, оғайни, немислар томонидан ўн саккиз кун сургалиб, эмаклаб келганингга ишонаман. Мен ўз умримда сенга ўхшаганларнинг қанчадан-қанчасини қўлимдан ўтказдим, лекин сенинг жароҳатингга ўхшаган жароҳатни ҳозиргача кесганим йўқ эди.— Профессор қизарган ва тирноқлари доридан ейилган ғадир-будур қўлларини бир-бирига ишқалади.— Нега ҳўмраясан? Уни мақтасалар, ҳўмраяди. Мен медицина хизмати генерал-лейтенантиман. Буюраман, қани — кулинсин!

Мересьев лабларини зўрға жилмайтириб кулимнрагандек бўлди ва: «Агар шундай бўлишини билсан, сургалиб овора бўлиб юармидим. Тўппончада яна учта ўқ бор эди-ку» — деб ўйлади.

Комиссар газетадан қизиқ бир ҳаво жангги тўғрисидаги хабарни ўқиди. Олтига қиручи самолётимиз немисларнинг ўигирма икки самолёти блан жанг

қилиб, саккизтасини уриб туширган ва биздан фақат бир самолёт нобуд бўлган. Комиссар бу хабарни шундай шавқ блан ўқидики, бу қаҳрамонликни унга таниш бўлмаган учучилар эмас, балки унинг отлиқ аскарлари қилгандай эди. Бу жангнинг қандай бўлганини тасаввур қилиш учун тортишганларида, ҳатто Кукушкин ҳам қизиб кетди. Алексей эса қулоқ солиб туриб: «Қандай бахтли кишилар экан улар! Ҳавода учиб жанг қилиб юришади, мен бўлсан энди сра ҳавога учолмайман» деб ўйларди.

Совет Информбюросининг ахборотлари тобора қисқача бўлиб бсрмоқда эди. Қизил Армия жанг майдонининг орқасида қаердадир зўр куч тўпланаётганилиги ва душманга янгидан зарба беришга тайёргарлик кўрилаётганилиги сезилиб турарди. Комиссар Степан Иванович блан бу зарба қаердан берилиши мумкинлигини ва бу зарбадан немисларнинг ҳоли нима бўлишини қизғин муҳокама қилди. Бирнеча кун илгари Алексей бундай мубоҳасаларни ўзи бошлаб берарди. Ҳозир эса у, бундай гапларга қулоқ солмасликка ҳаракат қиласарди. У ҳам зўр воқиалар бўлаётганини пайқамоқда, зўр ва, балки, қат’ий жанглар яқинлашиб келаётганини сезмоқда эди. Лекин у, ўртоқлари ва ҳатто тез соғайиб келаётган Кукушкин ҳам бу жангларда иштирок қилишини, у эса тузалмас бир дардга йўлиқиб қолганидан энди ҳамиша мунфайиб орқа томонда ўлтиришни ўйлаганида, юраги эзилиб, жигари қон бўларди ва шунинг учун энди Комиссар газета ўқиса ёки урушдан гап очса, у, кўзим ҳам кўрмасин, қулоғим ҳам эшитмасин, деб бошига одеялии тортиб юзини ёстиққа босиб оларди. Аммо: «Судралиб юришга яратилган учишга ярамайди» деган ибора негадир унинг миясидан сра кетмас эди.

Клавдия Михайлова бирнечча дона тол новдаси келтирди. Совуқ ва ҳарбий ҳолатда бўлган, ҳамма томони баррикадалар блан ўралган Москвага бу новдальарнинг қаердан келиб қолганилиги нома’лум эди. У, ҳарбир кишининг столига стаканга солиб биттадан новдача қўйиб чиқди. Думалоққина пўтанаклари оппоқ бўлиб турган қизил новдачалардан тоза кўкат

ҳиди шундай бурқиб келардики, гүё баҳорнинг ўзи қирқ иккинчи палатага кириб келгандай туюларди. Бугун ҳамманинг кўнгли хурсанд ва шод эди. Ҳатто доимо индамай ётадиган танкчи Гвоздев ҳам бинтлар орасидан ғулдираб бирнеча оғиз гапирди.

Алексей ётган жойида хаёл сурарди: Қамишинда ариқчаларнинг лойқа суви лойдан билчираб ётган прогуарлар, қайроқчалари ялтираб турган тош йўллар ёнидан жилдираб оқмоқда, қуёшдан қизиган ернинг, тоза намнинг ва от тезагининг ҳиди думоққа урмоқда. Худди шундай кунда улар Оля блан бирга Волганинг баланд соҳилида турган эдилар ва одогига кўз етмайдиган дар'ё сатҳида, зўр сукунат ичида, қушчаларнинг чулдираб сайрашлари орасида, музлар равон ва тинч оқиб улар ёнидан ўтмоқда эди. Шу топда худди муз настна қараб эмас, балки Оля блан у, усгини майдада музлар қоплаган ва пишқириб оқаётган дар'ёнинг юғорисига қараб сузиб бораётгандек туюларди. Улар жимгина турар ва хаёлда келажакдаги баҳт-саодатлирининг туганимае айшини сурардилар, ҳозир ана шу кени Волги бўйида, ёркин ўйнаб турган баҳор шабадасида улари а худди ҳаво камлик қилаётгандек эди. Эйли бунданка ҳоллар асло бўлмайди. Оля энди уни кўрганида юниши тескари қилиб кетади, юзини тескари қилиб кетмаганида ҳам, Алексей унинг илтифотини қашул қилолмайди-ку, шундай опсоққина, чиройлик, қомати келингган бир қизни чўлоқ-чўлтоқ бўлган ўзи блан ёни-ён юргизишга ҳақлими у!. Шу сабабли у сестрадан стол устидаги келишмаган баҳор нишонасини олиб ташлашни сўради.

Тол навдаси унинг ёнидан олинди, лекин оғир хаёл миялан кегмади: оёқларимдан ажралганимни Оля билиб қолса, нима деркин? Кетиб қолармикин, унутармикин, мени ўз ҳаёт дафтаридан ўчириб ташлармикин и? Алексейнинг бутун вужуди бу фикрга қарши чиқди: йўқ, у ундақа қизлардан эмас, у ташлаб кетмайди, юниши тескари ҳам бурмайди! Лекин буниси ўндан ҳам ёмон. Алексейнинг хаёлига бундай бир гап келди: хўш, у, олижаноблик қилиб мен чўлоққа турмушига чиқади, шу важдан у олий техника ма'лумоти

олиш орзусидан ҳам өз кечади, ўзини, инвалид эрини, ким билади, балки болаларини ҳам боқмоқ учун рўзгор халтасини бўйнига илиб олиб, тинмай ишлайди.

Хўш, бундай илтифотни қабул қилишга унинг ҳаққи борми? Ахир, ҳали улар ўртасида ҳечқандай эрхотинлик муносабати йўқку, у фақаг унашиб қўйилган бир қиз, аммо ҳали унинг хотини бўлган эмас. Алексей у қизни астойдил севарди ва шунинг учун уни мушкул аҳволга солишга ҳаққи йўқлигини ўзига қат’ий қилиб, уларни бир-бирига боғлаб турган барча тугунларни ўзи кесиб ташлашга қарор қилди, у, қизни келажакдаги оғир аҳволдангина эмас, балки нима қилишини билмай довдира布 юришдан ҳам халос қилиш учун бу тугунларни бирданига шартта кесиб ташлаш фикрига келди.

Лекин худди шу топда «Қамишин» деб тамға босилган хатлар келиб, бу қарор ва фикрларни бирдан чиппакка чиқариб юборди. Олянинг хатида қандайдир зўр яширин ташвиш аломатлари бор эди. Бошга тушган бахтсизликни худди олдиндан сезгандек, у, сен қандай ҳолда бўлсанг ҳам, мен ҳамиша сен блан бирга бўламан, менинг тириклигим фақат сен блан, бўш вақтларда доим сени ўйлайман ва сени ўйлаганимда ҳарбий ҳаётнинг оғирликлари, заводда ухламай ишлаб чиқсан кечалар, бўш қолган кеча ва кунларда окоплар ва танк тўсадиган хандақ қазишлар ва, ростини айтганда, ба’зан очин-тўқин юришларнинг ҳаммаси енгиллашади. «Сўнгги марта юборган, тўнка устида ит блан ўтириб, кулимсираб тушган расмингни доим ўзим блан бирга олиб юраман. Уни мен ойимнинг бозбандига (медальонига) солиб, кўкрагимга осиб юрибман. Аҳволим оғирлашган пайтларда бозбандни очиб суратингга қарайман... Шуни билгинки, биз бир-биримизни севар эканмиз, бизга ҳечнарса қўрқинчли эмас, меп бунга қат’ий ишонганман». У яна, онанр кейинги вақтларда жуда бетоқат бўлаётир, деб ёзган ва, кампирга тез-тез хат ёзиб тур, қайгули гаплар ёзиб уни ташвишлантирма, деб талаб қилган.

Илгарилари эл-юртдан келган хагларнинг ҳарбири баҳт нишонаси ҳисобланиб, фронтда кечирилаётган

**Ончор** күнларда жонга роҳат берарди, энди эса туғилған шиҳардан келган хатлар биринчи марта Алексейни курсанд қўлмади. Бу хатлар унинг кўнглига янгидан ташини солди ва шунда у бир хато қилиб қўйиб, сўнгра ўзи бу хатосининг кўп азобини тортди, я’ни оёқлашими кеедилар, деб Қамишинга хат ёзишга унинг жур’ати стмади.

У, фақаг бир кишига ўз бошига тушган кулфатни иш ўзи ғам-ҳасратларини баён қилиб муфассал ҳагфади, у ҳам бўлса метеостанцияда ишловчи қиз эди, Алексей у қиз блан унча яхши таниш эмас эди ва шунинг учун у блан сўзлашиш унга енгил эди. У, ҳатто қўригининг исмини ҳам билмас эди, бинобарин, хатини: ШИС, фалон метеостанция, «Метеорология сержантита» тегсин, деб ёзиб юборди. У, фронтда хатнини қадрига етишларини билар ва шундай ғалати адрес блан ёнилган бу хат ҳам охир бир кун ўз эгасини топади, деб ишонарди. Нафсламрини айтганда, унинг учун бунииг унчалик аҳамияти ҳам йўқ эди. Унинг тилаги: ўз хасратларини бирон кишига айтиб, юрагини бўшани эди, холос.

Госпитальда ҳамиша бир зайлда кечайдан кунларни Алексей Мересьев нохуш хаёллар блан ўтказмоқда эди. Гарчи унинг темирдек бақувват организми усталик блан қилинган ампутацияга бардош берган на яралари тез тузалиб бораётган бўлса ҳам, лекин ўзи анча ҳолдан кетиб қолган эди ва ҳарчанд доридармон қилинишига қарамай, кундан-кун озиб, дармон-сизланиб бормоқда эди.

## 7

Шу кезларда далада баҳор ҳам авжи бошланган наинт ёди.

Ончор, иодоформ ҳидига тўлган қирқ иккинчи палити бўлмасига ҳам келиб кирди. Очиқ форточкалардан эриган қорнинг салқин ва рутубатли шабадаси уриб турар, чумчуқларнинг мастона чириллаши, трамвайларнин қайрилишда жаранглаган ва ғижиллаган онон, қорлари эриган асфальтда тарақ-туроқ боси-

лаётган оёқ товушлари ва кечаси эса гармоннинг бир оҳангда варанглаб чиқадиган нағмаси эшитилмоқда эди. Баҳор ён томондаги деразага ҳам мўралаб боқди: дераза устида осилиб турган ва узунчоқ сарғич куртаклари дўппайиб турган терак шохчасига қуёш нур сочмоқда эди. Баҳор палатага тилла ранг сепкил доғларини олиб кирди; бу сепкил доғлари Клавдия Михайловнанинг чеҳраси очиқ юзларига ёйилиб, ўз жилвасини оламга ҳархил пудралар орасидан кўрсатган ва бояқиши сестрага кўп қайғу-аламлар етказган эди. Баҳор ўзининг келганлигини дераза тепасидаги тунука сарафаларга йирик томчиларини шитирлатиб уриш блан билдирилмоқда эди.

Баҳор ҳамишагидек кўнгилларни юмшатиб, орзу-ҳавасларни уйғотмоқда эди.

— Эҳ, қани энди шу топда милтиқни қўлга олиб бирор тўқайга чиқсанг! Шу қалай бўлади, Степан Иванович, а?.. Тонг отар пайтда пана бир жойда пусиб ётсанг... жуда соз бўлади-да!.. Биласан-ку, тонг отар пайти, ҳаво аёз ва совуқ, сен эса қулогингни диккайтириб ўтирасан, бир вақт қарабсанки: гил-гиллашиб ва қанотларини фафиллатиб учиб келаётир... Думларини ёзиб худди тепангга қўнади, орқасидан иккинчиси, сўнгра учинчиси келади...

Степан Иванович худди сўлакайи оқаётгандек зўр бериб пишиллаб нафас олади, Комиссар эса гапдан тинмайди:

— Сўнгра гулхан ёқиб ёнига плаш-палаткани ёза-сан, чой қайнатиб ичасан ва сўнгра бадани қизитиш учун чорактани ўриб оласан, лаббай? Анча захмат тортиб мاشаққат чекканингдан кейин...

— Эҳ, нимасини айтасиз, ўртоқ полковой комиссар... Биласизми, бизнинг юртда шу топда нима ов қилинади? Балки ишонмассиз, чўртон балиқ ов қилинади, ё товба, эшиитмаганмисиз? Ўзи жуда қизиқ иш; эрмакбозликка ўхшайди-ю, лекин фойдаси ҳам бор, албатта. Қўлларда муз эриб, ариқларда сув оқабошлигач, чўртон ўзини қирғоққа уради, четга чиқиб тухум қўйиб, бола очади. Сув тошиб қирғоқдаги ўт-ўланларни қоплайди. Чўртон ана шу ўтлар ичига ки-

риб олиб түхум қўяди. Дар'ё бўйлаб бораберсанг, үнни ҳаржой ҳаржойда дўмпайиб ётганини кўрасан. Милецқандан қашқиллатиб қўйиб юборасан! Бир вақт қаррабоники, овинг қопга сиғмай қолипти. Худо урсин! Йи'зин бундан ҳам...

Шундай қилиб овчиликдан гап бошланниб кетди. Гап секин-секин фронт ишларига ўтди, дивизияда, ротида ҳошир нима қилишаётган экан, қишида қурилган ирттиларининг шилтаси чиқиб кетмадимикин, истеҳкомлир нурамадимикин, Фарбда асфальтда юриб ўрганини немисга бу баҳор қандай бўлди экан, деб фикр кришиш эдилар.

Кундузги овқатдан кейин чумчуқ боқиши бошланди. Сри бекор ўлтирмайдиган ва озғингина тинмасак қўллари блан доим бир нимага уриниб юрадиган Степан Иванович овқатдан қолган нонушоқларни териб олиб деразадан қушчаларга ташлаш одатини чиқарди. Бу ин расм бўлиб қолди. Фақат нонушоқларини териб ташламасдан, бўлак-бўлак нонларни тўғраб берадиган ҳам бўлдилар. Шундай қилиб, Степан Иванович таъбири блан айтганда, бир гала чумчуққа ҳам озиқ-озиқаг тайёрланадиган бўлди. Чумчуқчалар чувиллашиб катта бир қотган нонушоққа ёпишар, чийиллашиб бир бирини чўқишар, сўнгра, дераза тагини нонушоқлардан тозалаб бўлгач, терак шохига қўнишиб дам олар ва патларини чўқиб қашингандан кейин, бирданига париллаб учиб ўз ишларига кетардилар. Чумчуқларининг бу ишидан бутун палата жуда завқланарди. Чумчуқ боқиши кўнгил очиш учун бир эрмак бўлиб қолди. Чумчуқлардан ба'зиларини танийдиган бўлдилар ва ҳитто уларга лақаб ҳам қўйдилар. Чамаси, ёмон ва жашнирилик одати учун думидан ажралган думи юлиқ ин туллак чумчуққа палатадагилар айниқса қизиқиб қариниарли Степан Иванович унга «Автоматчи» деб лиқиб қўйди.

Шуниси қизиқки, чумчуқларни чийиллатиб боқиши доим индамай ётучи танқчини ҳам ҳаракатга солди. Анига у, Степан Ивановичнинг әгилиб, букилиб ва қўлтиқ тлөққа таяниб, батареяга тармашиб деразага чиқиншига ва форточкага қўл узатишига эмрайиб

түрлүчтар, унга ҳалок бўлган командирнинг пионер иш қадам Қозоғистондан хат ёзган, у, бу қизнинг исмени сра эсида тутолмас әди. У, бу хатларнинг ҳаммасини муроқ блан ўқиб, ҳаммасига албатта жавоб қайтишарди, шу блан бирга дарҳол тегишли идорага келиб олиб, фалон командирнинг хотинига ёрдам беришни иштимос қиласарди, «Қуюшқондан чиққан» эрларни бошилаб ўқиб хаг ёзарди, уй бошқармасига хат ёзиб, фронтидаги азамат командирлардан фалон қишининг ошлагина почка қуриб берилмаса, ўзим бориб каллангани оламан, деб дўқ қиласарди ва исми қийин бўлганидан сра эсида тутолмайдиган қозоғистонли қизчани руи тилидан иккинчи чоракда икки олгани учун койиб барарди.

Степан Иванович ҳам фронт ва мамлакат ичкариси блан ге-гез хат ёзишиб турарди. Степан Иванович ўзи киби моҳир снайперлар бўлган ўғилларидан ва колхозди бригадир бўлиб ишловчи қизидан келган хатларни курсандлиги ичига сифмай дарҳол ўқиб берарди, пала-таддиларнинг ҳаммаси, касал боқучи аёллар, сестра ва ҳатто жиккак ва серзарда бир киши бўлган ординатор ҳам унинг оиласвий аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиб турардилар. Қизидан келган хатда уй ичидан, қовим-қариндошлар ва таниш-билишлардан кўпдан-кўп дуойи салом айтилган ва колхоз янги қурилишга яна одам юборган бўлса ҳам, хўжалик планларининг шунча процент ошириб бажарилганлиги хабар қилинган.

Ҳатто одам ҳидини ёқтирмайдиган ва тамом дун'ёдаги одамлар блан уришиғлиқдай бўлиб кўринган Күкүшкун ҳам Барнаул томонда туручи онасидан бир хаг олди. У, сестранинг қўлидан хатни юлиб олди, палатадаги одамлар ухлаб қолгандан кейин секин хатни олиб ичиди пичирлаб ўқиди. Шу пайтда унинг ёқимсиз башарасида унга сра келишмайдиган зўр қувонч аломати пайдо бўлди. У, фельдшер бўлиб ишловчи кампир онасини жуда яхши кўради, лекин буни очиқ айтишдан негадир уяларди ва шунинг учун онасига бўлган муҳаббатини сра билдирамасликка тиришарди.

Палатадагилар хурсанд бўлишиб хат ўқиган ва ажойиб янгиликлар тўғрисида қизғин сұҳбатлашган чоқларда ёлғиз танкчининггина хафалиги ошар ва де-ворга ўгирилиб, бошига одеялни тортиб оларди: унинг хат ёзадиган кишиси йўқ эди. Палатага хатлар кўп келган сари, унинг кимсасиз ёлғизлик дарди тобора ошарди. Бир кун Клавдия Михайловна қандайдир зўр бир ҳаяжон блан кириб келди. У, Комиссарга қара-масликка тиришиб, шоша-пиша сўради:

— Хўш, бугун ким ўйинга тушади?

У, танкчининг койкасига қараб туарар ва очиқ юзларида табассум аломатлари кўринарди. Ҳамма одатдан ташқари бир ҳол юз берганини сезабошлади. Палатадагилар нафасларини ичга ютиб жим қараб туардилар.

— Лейтенант Гвоздев, ўйнанг! Ҳа, нима бўлди сизга?

Гвоздев титраб кетиб, бирдан юзини буёққа ўгириди ва бинт остида кўzlари ялтираб кетди. (Мересьев унга қараб туарди). У, дарров ўзини тутиб олиб, босин-қираган бир оҳангда хўрсиниб деди:

— Янгишдир. Нариги уйда тағин бир Гвоздев ётгандир.— Лекин унинг кўzlари жовдираб, сестра байроқ сингари баланд тутиб турган учта конвертга умидворлик блан боқарди.

— Йўқ, сизга. Мана қаранг: лейтенант Г. М. Гвоздевга тегсин деб ёзилган. Ҳаттоқи: қирқ иккинчи палата ҳам дейилган. Хўш?

Бинт ўралган қўл одеял остидан бирдан отилиб чиқди. Лейтенант конвертни тишлари блан юлиб-юлиб очгунча қўли титраб турди. Гвоздевнинг кўzlари бинт остидан ялтираб кўринарди. Бу хатлар ғалати бўлиб чиқди. Бир университетнинг бир курсида ўқучи уч дугона қиз турли ёзув ва турли сўзлар блан деярлик бир мазмунда хат ёзганлар. Улар қаҳрамон танкчи лейтенант Гвоздевнинг ярадор бўлиб келиб Москвада ётганини эшишиб, у блан хат ёзишиб туриш маслаҳатини кўрибдилар. Улар, лейтенант, агар малол келмаса, бизга ўз соғлигингиздан хат ёзиб турсангиз, деб ёзидилар. Улардан «Анюта» деб қўл қўйган бир қиз

Фур, гунга бирорн шимадан ёрдам қилиш керак эмасми, ишни китоблар керак эмасми, агар бирор нарса керак бўлий, ушлардан менга айтаберинг, деб ёзган.

Лефтеапти куни бўйи бу хатларни қўлдан қўймай, адрип ярини ўқиб, ёзувларини қаради. Шундай хатлар ёзишини, албаттага, у биларди, ҳатто ўзи ҳам бир вақтлар шонанини бир қиз блан хат ёзишиб юради. Бу ёзишув унга бийрам куни берилган совфа қўлқопнинг бошбар-  
Могидин чиққан меҳрибонона хатдан кейин бошланган ёди. Лекин сўнгра бу ёзишма ўз-ўзидан тўхтаб қолди, чунки кейин келган бир хатдан тўрт боласи блан туш-Гин кекса бир аёлнинг сурати чиқиб, суратнинг орқасида ҳтиялашиб қизиқ сўзлар ёзилган эди. Лекин бу хитларда бошқа гап бор эди. Гвоздевни изтиробга солған ва ҳайратда қолдирган нарса шу эдики, бу хитлар кутилмагандан бирдан келиб қолган эди, бунинг устига медфакт студент қизлари унинг жангда кўрсатган ишларини қаердан билганликлари кишини ажаблантирарди. Бунга бутун палата ва айниқса Комиссар жуда ҳайрон қолган эди. Лекин Мересьев Степан Иванович ва сестра блан ма'нодор қарашиб олгач, бу ишни Комиссар қилганини пайқади.

Нима бўлса ҳам ишқилиб иккинчи куни эрта блан Гвоздев Комиссардан қоғоз сўраб олди, ўзича ўнг қўлининг бармоқларидан бинтни ечди ва кечгача ўтириб хат юборган нотаниш қизларга жавоб ёзди, у жавоб ёзаркан, гоҳ ёзганини ўчирап ва ғижимлаб ташларди ва қайтадан ёзарди.

Кейин қизларнинг иккитаси ёзмасдан қўйди, аммо гамхўр Анюта сра канда қилмай тез-тез ёзиб турди. Гвоздев кўнгли очиқ бир киши эди, шунинг учун палатадагиларнинг ҳаммаси ҳозир мёдфакнинг учинчи курсида нима бўлаётганидан хабардор эдилар, биологиянинг қизиқ фан эканлиги, органиканинг кишини зериктириши, профессорнинг овози ёқимли эканлиги, фалон доцентнинг ўз лекцияларини мингиллаб ўқиши, студентлар якшанбалигида юк ташучи трамвайларга қанча ўтин ортилганлиги, бир вақтда ҳам ўқиб, ҳам кўчма госпитальда ишлашнинг нечоғлик қийинлиги, ўқиша уқуви бўлмаган ва хусни-жамоли ҳам унча

ёкимли бўлмаган бир студент қизнинг «танизлигига»  
ҳозир ҳаммага ма’лум эди.

Гвоздев тилга кирибгина қолмади. У бутунлай очи-  
либ кетди. Унинг касали ҳам тез тузалабошлади.

Кукушкиндан тахтакачни ешиб олдилар. Степан Ива-  
нович қўлтиқ таёқсиз юришни машқ қиласидиган ва қо-  
матини анча тик кўтариб юрадиган бўлиб қолди. У,  
энди кун бўйи дераза ёнида ўтириб, «эркин дун’ёда»  
нималар бўлаётганига назар соларди. Фақат Комиссар  
блан Мересьевнинг аҳволи кундан-кун оғирлашмоқда  
эди. Хусусан Комиссар жуда бўшашиб бормоқда эди.  
У энди эрталаблар ўз гимнастикасини қилолмайдиган  
бўлди. Унинг бадани кун сайин ёмон сарфайиб шишиб  
бормоқда эди, қўллари зўрға букилиб, энди на қалам,  
на қошиқ тутаоларди.

Қасал боқучи аёллар эрталаб унинг бетини ювиб  
артиб қўяр ва қошиқ блан овқат егизар эдилар, шу-  
нинг учун зўрайган оғриқ эмас, балки ана шу ожизлик  
ва ўз ихтиёрича ҳеччима қилолмаслик уни азоблаб  
ҳолдан кетказаётгандай туюларди. Аммо у бундан  
руҳсизланмас эди. Кундузлари унинг йўғон овози ҳар-  
қачонгидек тетик гулдирап, ҳарқачонгидек газеталар-  
даги янгиликларни қизиқиб ўқир ва ҳаттоқи немис  
тилини ўрганишни ҳам давом этдиради. Степан Ива-  
нович унга симдан китоб қўядиган маҳсус плюпитр  
ясад берди ва у китоб ўқиганда ёнига ўтириб китоб-  
нииг варағини ағдариб турди. Эрталаб ҳали янги  
газеталар келмасдан буруй Комиссар бугун қандай  
ахборот берилганини, радиодан қандай янгилик эшиг-  
дирилганигини, об-ҳаво қандайлигини ва Москвада  
нима гап борлигини сестрадан сескин суриштириб би-  
ларди. У, Василий Васильевичдан каравоти ёнига  
радио карнайи қурдириб беришни илтимос қилди.

Унинг жасади қанча бўшашиб кучдан кетган сари,  
руҳи тобора маҳкам ва бардам бўлиб бораётгандек  
туюларди. У, жуда кўп келадиган хатларни аввалги-  
дек қизиқиб ўқир ва дам Кукушкинга, дам Гвоздевга  
айтиб ёздириб, уларга жавоб қайтарарди. Бир кун дори-  
дармондан кейин мудраб қолган Мересьев унинг ба-  
қирган товушидан уйғониб кетди.

— Тўралар!—деб бақирди у ғазаб блан. Унинг олдиғаги сим пюпітрга дивизия газетаси осиғлиқ турарди, «қисмдан чиқарилмасин» деган буйруқ бўлишига қарамай, бу газетани дўстларидан бирори унга муніазам сурагда юбориб турарди.— Улар мудофаада сабериб қутириб кетишипти. Кравцов — бюрократ?! Армияда уччиға чиққан бюрократ?! Гриша, ёз, ёз, бўл тез!

У, Гвоздевга айтиб туриб, армия Ҳарбий кенгаши а'зоси номига қаттиқ рапорт ёзи ва яхши, серҳаракат бир кишини ноҳақ сўккан «қалами юручилар»ни тийиб қўйишни илтимос қилди. Хатни сестрадан бериб юборгач, у яна узоқ вақтгача «найзабозлар»ни боплаб сўқди. Бошини ёстиқда ҳатто қимирлатаолмайдиган бир кишидан жон кўйдириб айтилган бундай сўзларни эшитиш ғалати туюларди.

Ўша куни кечқурун яна бир қизиқ ҳодиса бўлди. Ҳамма жимжиг эди, ҳали чироғ ёқилмаган ва палата бурчакларига гира-шира қоронғи тушмоқда эди. Степан Иванович дераза тагида ўгириб, дар'ё соҳилига қараб хаёл сурарди. Дар'ёдан муз кесиб олмоқда эдилар. Олдиларига брезент фартук тутган бирнеча аёл мисрон блан музни тахта-тахта қилиб кесар ва сўнгра бу тахта музларни бир-икки уриш блан узун-узун парчаларга бўлиб, уларни чангак блан сувдан тортиб чиқараардилар. Муз парчалари қаторлашиб, тагдан кўкимтири, устидан саргич товланиб ётарди. Дар'ё ёқасидаги йўлда от-аравалар бир-бирига боғланган ҳолда қатор тизилишиб турарди ва улар муз олинадиган ерга гўғрилаб қўйилган эди. Бошига қулоқчин кийган, тумали чалвор ва пахталик тўн кийиб олиб, устидан камарипи тортиб боғлаган ва болтаси камарига қадалган бир чол отларни етаклаб муз кесадиган жойга олиб келди ва хотинлар чангак блан тортиб музларни ченаларга юклайбошладилар.

Хўжалик ишининг кўзини биладиган Степан Иванович бу одамларнинг колхоздан келиб ишлаётганини ва иш бетартиб ташкил этилганини билди. Кўп киши бир ерда тўпланиб бир-бирига халақит бермоқда эди. У, хўжалик ишига ошна бўлган миясида иш режасини

тузди. У, фикрида ўйлаб, ҳамма кишиларни уттадан қилиб группаларга бўлди ва ҳарбир группа алоҳида алоҳида сувдан муз тортса, иш осон бўлади, деб ўйлади. У, фикран ҳарбир группага айрим участка ажратиб, уларга ялписига эмас, балки кесиб олган музнинг миқдорига қараб ҳақ тўлашни ма'қул кўрди. Анов юзлари ойтовоқдек қипқизил аёлга у учлик группалар ўртасида мусобақа бошлишни маслаҳат берган бўларди... У ана шундай хўжалик хаёлларига берилиб кетган эдикни, отлардан бири муз ўйилган ерга бориш блан бирдан кейинги оёғи сирғаниб сувга тушиб кетганини дарров сезмай қолди. Чена отни сувга ботишга қўймас, дарё оқими эса уни муз тагига тортарди. Белига болта қадаб олган бояги чол беҳуда уриниб, дам ченанинг шотисидан ушлар, дам отнинг жиловидан тортарди.

— От ботди! — деб юборди Степан Иванович бутун палатага эшилтириб.

Комиссар кучи борича зўр уриб, оғриқдан а'зойи бадани кўкариб, тирсакларига таянди ва кўкрагини дераза такчўбига тираб ойнадан қаради.

— Бефаросат!.. — деди у пичирлаб. — Шунинг ҳам фаҳмига бормайдими? Хомутбоғини... хомутбоғини кесиб ташласа-ку, отнинг ўзи чиқиб кетади... Оҳ, жониворни нобуд қиласди.

Степан Иванович кучаниб деразага чиқишига уринарди. От сувга чўқди. Лойқа сув тўлқинланиб отнинг устидан ошар, от эса жон аччиғи блан сувдан ирғимоқчи бўлар ва олдинги оёқларининг тақаси блан музни тимдарди.

— Хомутбоғини кес дейман! — деб қичқирди Комиссар овози борича. Кошки дарёда турган чол унинг овозини эшилтса!

— Эй, биродар, хомутбоғини кес! Болтани белингдан ол, хомутни кес, кес тезроқ! — деди қўлларини карнай қилиб Степан Иванович.

Чол худди осмондан гулдираган бу маслаҳатни эшилти. У болтани белидан олиб, қулочкашлаб икки марта урди-да, хомутбоғини узди. Ченадан бўшалган от дарҳол ирғиб муз устига чиқди ва муз уйдими ёни-

да туриб, совуқдан ялтираган қоринларини хурпайти-  
риб итдек силкинди.

— Бу нима гап? — деган овоз эшитилди шу пайтда  
палатада.

Василий Васильевич халатининг тұгмалари очилған  
ва бошида одатдаги оқ шапкаласи бўлмаган ҳолда  
эшик олдида туарди. У жаҳл блан сўкиниб ва ҳеч-  
бир важга қулоқ солмай, ер тепина бошлади. У, ҳаддан  
ошиб кетган палатадагиларни ҳайдаб юбормоқчи бўл-  
ди ва, чамаси, нима воқиа бўлганини билмасдан, сўки-  
на-сўкина ҳарсиллаб чиқиб кетди. Бир пасдан сўнг  
Клавдия Михайловна кўзлари ёшга тўлиб ҳовлиққан-  
ча палатага келиб кирди. Ҳозиргина у Василий Ва-  
сильевичдан болланиб та’зирини еган эди, аммо шу  
топда унинг кўзи Комиссарнинг ёстиқда кўкариб кўз-  
лари юмиқ ҳолда мурда бўлиб ётган юзига тушиши  
блан югуриб унинг ёнига борди.

Кечқурун Комиссарнинг аҳволи оғирлашди. Унга  
камфара юбордилар ва кислород бердилар. У анчага-  
ча ҳушига келмади. Ҳушига келгач, у кислород солин-  
ган ёстиқни ушлаб тепасида турган Клавдия Михай-  
ловнага кулимсираб ҳазиллашмоқчи бўлди:

— Хафа бўлманг, синглим. Мен дўзахга тушсан  
ҳам қайтиб келаман, аммо сизга у ердан шайтонлар-  
нинг сепкил догини кеткизадиган дорисидан олиб  
келаман.

Бу зўр ва бақувват одамнинг касаллик блан қаттиқ  
олишиб кундан-кун бўшашиб, ҳолсизлашиб бораётга-  
нини кўрганда кишининг юраклари эзилиб кетарди.

## 8

Алексей Мересьев ҳам кундан-кун бўшашиб ҳол-  
сизланиб бормоқда эди. У, ўз қайгу ҳасратларини ҳо-  
зир бирдан-бир ишониб айтадиган кишиси бўлган  
«Метеорология сержантига» ёзган яна бир хатида, эҳ-  
тимол, мен бу ердан энди соғ чиқмасам керак, шундай  
бўлгани ҳам тузукроқ, чунки оёқсиз учучи нима-ю, қа-  
нотсиз қуш нима,—икковининг фарқи йўқ, қанотсиз  
қуш ҳаёт кечириб, донини териб еб юради-ю, аммо  
ҳечқачон ҳавога учолмайди, шунинг учун мен қанотсиз

қуш бўлиб яшашни истамайман ва ҳатто ўлимимга ҳам розиман, кошки ўлим тезроққина келса эди, деб ёзди. Бундай хат, албатта, энг оғир туюлар эди: янаги сафарги хатларида қиз «ўртоқ старший лейтенантни» кўпдан бери яхши кўриб келганини, агар унинг бошига шундай кулфат тушмаганда, бу гапни унга ҳечқачон очиқ айтмаган бўлишини билдириди.

Уз гапини ҳамавақт ўзи ма'кул топадиган Кукушкин заҳарханда блан бу хатнинг ма'носини шархлаган бўлди:

— Эрга теккиси келипти, ҳозир эрларнинг қадри баланд. Унга оёқ нима керак, аттестат блан кўпроқ пул келиб турса бўлди-да.

Лекин Алексей анов бир сафар тепаларидан ўқ ёғилиб турган вақтда қизнинг юzlари оқариб, унга маҳкам ёпишиб олганини эслади. У, қизда Кукушкин айтгандай мақсад йўқлигини биларди. Шунингдек у, ўз дард-аламларини очиқ айтиб ёзган хатларини ўқиганда қизнинг юраги эзилишини ҳам биларди. У ҳатто «Метеорология сержантни»нинг номини билмасдан, унга ишониб ўз дард-ҳасратларини билдиришни давом эгдирди.

Комиссар ҳаркимнинг қулфи дилига калид топа биладио, аммо Алексей Мересьевнинг дилини очабилмади. Мересьев операция қилинган куннинг эртасига-ёқ палатада «Пўлат қандай тобланди» деган китоб пайдо бўлди. Бу китоб баланд овоз блан ўқилабошланди. Бу ўқиш кимга қаратилганини Алексей пайқади, лекин бу ҳам унинг кўнглига тасалли бўлмади. Павел Корчагинни у ешлигидан ҳурмат қиласарди. Бу унинг севикли қаҳрамонларидан бири эди. «Лекич Корчагин учучи эмас эди-ку,—деб ўйларди ҳозир Алексей.— «Ҳаво дарди» нималигини Корчагин билармиди, ахир? Островский тўшакда ётиб ўз китобларини ёзганида ҳамма эркаклар ва кўпгина хотин-қизлар урушда иштирок қилмас эди-ку, ҳозир эса ҳатто бурни оқиб турган бўлалар ҳам бўйлари етмаганидан ёёқларининг тагига қути қўйиб ўқ ясамоқдалар».

Хулласки, бу сафар китобнинг унча катта та'сири бўлмади. Шундан кейин Комиссар бошқача йўл тутди.

У, гўё бирдан эсига келиб қолган бир қиёфада, икки оёги майиб бўлса ҳам, катта-катта жамоат ишларини бажарадиган бошқа бир одам тўғрисида ҳикоя бошлиди. Дун'ёда бор нарсаларнинг ҳаммасига қизиқадиган Степан Иванович у одамнинг ишларига ҳайрон қолиб ўх-ўхлаб бош қимирлатарди. Шу пайтда ўз юртидаги бир қўли йўқ врач унинг эсига тушди, бу врач районда энг ўткир табобатчи бўлган, ҳатто от миниб юрган, бир қўли блан милтиқ отиб ов қилган ва у шундай уста мерганд бўлганки, бир қўли блан отиб булбул нинг кўзини урган. Шунда Комиссар марҳум академик Вильямсни эсга олди. Комиссар уни аввалдан МТС ишлари блан билар экан. Гавдасининг ярми фалаж бўлиб қолган ва фақат бир қўли блан ишлайдига бу одам институт ишларига раҳбарлик қилиш блан бирга яна кўп катта-катта ишларни ҳам бажарган

Мересьев бу гапларга қулоқ соларкан, ўзича писқам уриб куларди: оёқ бўлмаса ҳам ўйлаш, сўзлаш, ёзиш, буюриш, даволаш, ҳатто ов қилиш мумкин, аммо у учучи-ку ахир, учучилик унга касб бўлиб қолган, у учучиликка ёшлигидан ишқивоз бўлган. Унинг учучилик даври энг болалик чоғида полиз қўриқлаб турган кундан бошланади. Шу куни у полиз ичидা, қакраб қолган срда барглари сўлиб олабула бўлиб думалаб ётган ва бутун Волгага донғи кетган тарвузлар орасида ўтирганида қўшқанотларини қўёшда ялтиратиб учibur бораётган кумушдек сўзанакни кўрган эди. Сўзанак чанг-тўзон кўтарилиб турган дашт устидан секин-секин сузуб, қаёққадир Сталинград томонига учиб кетган эди

Шу пайтдан бошлаб учучи бўлиш орзу ҳаваси унинг кўнглидан маҳкам жой олди. У мактаб партасида ўтирганида, сўнгра токарь бўлиб ишлаган чоқлари да ҳам фақат шуни орзу қилар ва шу тўғрида ўйларди. Туплари, уйдагиларнинг бариси ухлаб ётган чоқларда, Алексей Ляпидевский блан бирга челюскинчилари излаб топар ва қутқазар, Водопьянов блан бирга оғир самолётларни Шимолий қутбнинг най қамишлари орасидаги музликка қўндирап, Чкалов блан бирга ҳалигача одамзод оёғи тегмаган қутб орқали учиб Кўшма Штатларга йўл очарди.

Комсомол ташкилоти уни Узоқ Шарққа юборди. Тайгада у Амур бўйидаги Комсомольск шаҳарини— ёшлик шаҳарини қурди. Лекин тайгада ҳам унине фикр-хаёли учиш, учучи бўлиш эди. Қуручилар орасидан у ўзига ўхшаш учучи бўлишни орзу қилиб юрган йигит ва қизларни тошиб олди; улар ҳақиқатан ақлга сифтмайдиган бир иш қилдилар: я'ни ҳали фақат режаси тузилган бу шаҳарда ўз қўллари блан аэрoclub бино қилдилар. Қош қорайгандан қурилиш та- моман туман ичидаги қолар, қуручилар эса баракларига кириб деразаларни бекитиб олар ва ҳавода ғужро ўйнаб финғиллашиб юрган пашша ва чивинларни қочириш учун эшик олдиларида ҳўл шоҳ-шаббаларни тутатиб қўярдилар. Худди ана шу пайтда, қуручилар кундузги ишдан кейин дам олаётган чоқда, Алексей бошчилигидаги аэроклубчилар пашша ва чивинлардан сақланиш учун баданларига керосин суртиб, бел, кирка, арраларини кўтариб ва портлатиш учун тол олиб тайгага чиқардилар. Улар дараҳтларни арралаб, томирларни ковлаб, кундаларни портлатиб, ерларни текислар ва шу тариқа тайгадан жанг блан ер олиб аэродром учун майдон ҳозирлардилар. Шундай қилиб улар тўқайзор ичидан бирнечча километр ер текислаб, учиш майдони тайёрладилар.

Алексей ана шу аэродромдан биринчи марта машқ самолётида ҳавога учди ва ниҳоят ёшлиқдан бери юрагига туғиб келган муқаддас орзусига эришди.

Сўнгра у авиация мактабида ўқиб та'лим олди ва ундан кейин ўзи ҳам ёшларга та'лим берди. Уруш бошланганда ана шу мактабда инструктор бўлиб ишлар эди ва урӯш бошланиши блан у, мактаб бошлиқларининг дўйқ-пўписаларига қарамай, инструкторлик ишини қўйиб ҳаракатдаги армияга кетди. Унинг ҳаётидаги бутун тилаги, азми-жазми, ташвиш ва хурсандчилиги, истиқболдаги план ва режалари, ҳаёт йўлидаги барча ютуқ ва муваффақияти—бариси авиация блан чамбарчас боғланган эди...

Булар бўлса унга ҳадеб Вильямсдан гапирадилар!

— Сиз айтган Вильямс учучи эмас-ку,—деди Алексей ва юзини деворга ўгириб олди.

Лекин Комиссар калид топиб унинг дилини очиш ниятидан сра қайтмади. Бир кун Алексей одатдагидек бепарво мудраб ётганида, Комиссарнинг дўриллаган овозини эшилди:

— Лёша, менга қара: мана бу ерда сен тўғрингда ёзишипти.

Степан Иванович бир журнални Алексейга элтиб берди. Кичкина бир мақоланинг тевараги карандаш қалам блан чизиб қўйилган эди. Алексей чизилган ерга кўз югуртириб чиқиб ўз фамилиясини тополмади. Бу биринчи жаҳон уруши вақтидаги рус учучилари ҳақидә ёзилган мақола эди. Журнал саҳифасидан нотаниш ёш бир офицер Алексейга қараб турарди, унинг учлари жингалак қилиб буралган мўйловчалари ва қулоғи устига дол қўйиб кийган, пешонасида оқ тамғачаси бўлган пилоткаси бор эди.

— Ўқи, ўқи, худди сен учун ёзилган,— деди Комиссар.

Мересьев мақолани ўқиб чиқди. Мақолада рус ҳарбий учучиси поручик Валерьян Аркадьевич Карпович ҳақида ҳикоя қилинган эди. Поручик Карпович душман истеҳкомлари устидан учганида оёғига немисларнинг портловчи дум-дум ўқи тегиб ярадор бўлган. У, тилкаланган оёғи блан «Фарман» деган аэропланида фронт чизигидан учиб ўтиб ўз қисмига келиб қўнган. Унинг товонини кесиб ташлаганлар, лекин ёш офицер армиядан бўшаб кетишини истамаган. У ўзича ўйлаб оёғига протез ясаган. У тинмай мунтазам суратда гимнастика қилган, юришни машқ қилган ва шунинг орқасида уруш охирига келиб яна армияга кирган. У ҳарбий учучилар мактабида инспектор бўлиб ишлаган ва мақолада айтилишича, ба'зан ўз аэропланига тушиб ҳавога унишдан ҳам қўрқмаган. У офицерлик ордени «георгий» блан мукофотланган ва рус ҳарбий авиациясида яхши хизматлар қилиб, охирида ҳалокатга йўли-қиб нобуд бўлган.

Мересьев мақолани икки-уч марта қайта-қайта ўқиб чиқди. Қотма ёш поручик суратда юзларида хорғин ирода аломати блан бироз зўраки бўлса ҳам, аммо умуман мардонавор жилмайиб турарди. Палатадаги-

ларнинг ҳаммаси жимгина ўтириб, кўз қири блан Алексейни кузатарди. У, бармоқлари блан сочларини тузатди ва кўзини мақоладан узмасдан қўли блан тумбочка тепасини пайпаслаб карандаш қаламни олди-да, мақолани секин айлантириб чизиб чиқди.

— Ўқидингми? — деб сўради, Комиссар зуккоклик блан; Алексей индамасдан сатрларни ҳамон кўздан кечирмоқда эди.— Хўш, бунга нима дейсан энди?

— Аммо унинг фақат бир товони йўқ экан-да.

— Сен совет кишиносан-ку, ахир.

— У «Фарман» да учган экан-да. Шу ҳам самолёт бўлдими? Нима у, устма-уст қоқиб қўйган иккита қуруқ тахта-да. Қийин бўптими унда учиш? Уни учирив бориш учун чақонлик ҳам, эпчиллик ҳам керак бўлмайди.

— Аммо сен совет кишиносан-ку!—деди Комиссар тақрорлаб. Алексей кўзини ҳали ҳам мақоладан узмасдан:

— Совет кишиси,—деди беихтиёр тақрорлаб; сўнгра унинг оқарган юзларига қандайдир қизиллик югурди ва у ажойиб шод чеҳра блан атрофдагиларга қараб қўйди.

Кечаси Алексей журнални ёстиғи тагига тиқиб қўйди, журнални тиқатуриб ёшлик чоғи эсига тушди: ёшлигига у акалари блан уйдаги тахта супага чиқиб ётганда, онаси эски баҳмал кўйлагидан тикиб берган бадбашара, калта қулоқ айигини ҳам худди шундай қилиб ёстиғи тагига тиқиб ётарди. Шу нарса ҳозир эсига келгани учун ўзи кулиб юборди ва кулгу-сидан уй янграб кетди.

Кечаси у сра кўз юммади. Палатадагиларнинг ҳаммаси маст уйқуда эди. Гвоздев пружиналарни фижирлатиб койкада ағнарди. Степан Иванович, худди ичакчавоқлари узилаётгандек, чўзиб-чўзиб хуррак отарди. Комиссар ўрнида ба’зан секин қимирлаб, тишлари орасидан иҳрарди. Аммо Алексейнинг қулоғига ҳечни-ма кирмас эди. У дам-бадам ёстиғи остидан журнални олиб жинчироқ ёруғига поручикнинг кулимсираб турган юзига қаарарди. «Сенга қийин бўлган, лекин ҳархолда сен эплабсан,—деб ўйлади у.—Менга ўн марта



қийинроқ бўладио, аммо кўрасанки, мен ҳам қолиш-майдиган бўламан».

Ярим кечаси бирдан Комиссарнинг нафаси чиқмай қолди. Алексей бошини кўтариб қаради: у ранги оқарган ҳолда, афтидан, нафас олмай жимжит ётмоқда эди. Учучи қўнғироқчани олиб қаттиқ силкитди. Сочлари тўзиган, юзлари ботган ҳолда Клавдия Михайловна югуриб келди. Бирнеча минутдан сўнг ординатор чақирилди. Томири ушлаб кўрилди, камфара юброрилди, оғзига кислород резинкаси солинди. Бу ишлар бир соатча чўзилди ва ба’зан умид узилгандай туюлди. Ниҳоят Комиссар кўзини очиб Клавдия Михайловнага қаради ва салгина жилмайиб деди:

— Кечирасиз, мен сизни беҳуда овора қилдим. Дўзахга етиб боролмасдан ва сепкил дориси топилмасдан қайтиб келдим. Азизим, нима қиласиз энди, шу сепкиллар блан сатанг бўлиб юраверасиз, бошқа илож йўқ.

Бу ҳазилдан ҳамманинг кўнгли ором олгандай бўлди. Эман дараҳтидек бақувват бўлган бу одам ана шундай бўронларга ҳам бардош бераоларди. Ординатор чиқиб кетди, касал бокучи аёллар ўрин-ўрнига тарқалишиди, фақаг Клавдия Михайловна Комиссарнинг каравоти четида ёнламасига ўтириб қолди. Касаллар ухлашиди, лекин Мересьев кўзлари юмуқ ҳолда ётиб, протезлар тўғрисида ўйлар ва самолётга чиққанда уларни оёқ босиб юргизадиган жойга лоақам қайиш блан боғлаб қўйиш мумкинлиги тўғрисида хаёл сурарди. Шу пайтда бир вақтлар, ҳали аэроклубда ўқиб юрган чоқларида гражданлар уруши даврида учучи бўлган кекса инструктордан эшитган бир гап эсига тушди: инструктор унга оёқлари калта бўлган бир учучи педальларга қолип боғлаб оёғи тагини баланд қилганини сўзлаб берган эди.

«Мен ҳам, биродар, сендан қолишмайдиган бўламан»—дерди у Карповичнинг суратига қараб. Алексейнинг миясида: «Учаман, учаман!» деган фикр жаранглаб турар ва уйқуни қочирарди. У кўзларини юмиб жим ётарди. Четдан қараганда, у уйқусида кулимсираб қаттиқ ухлаб ётипти, деб ўйлаш мумкин эди.

Шу вақтда унинг қулоғига гап товуши эши билди ва бу гапларни у ҳаётининг әнг оғир дақиқаларида бир-неча бор өслади.

— Хўш, нега шундай қиласиз, ахир? Жонингиз шундай оғриб турганда кулиш, ҳазиллашиш—жуда хавфли-ку. Шундай оғриқ азобини чекишингизни ўйлаганимда юрагим арзиқиб кетади. Алоҳида палатага ётқизамиз деганда нега йўқ дедингиз?

Бу гапларни палата сестраси меҳрибон ва дўстрўй Клавдия Михайловна эмас, балки қандайдир жисмисиз бир хотин айтётгандек, эди. Хотин жон куйдириб ва норозилик билдириб гапирмоқда эди. Унинг овозидан қайғу надомат ва, балки, қайгудан ҳам каттароқ бир оҳанг эши биларди. Мересьев кўзини очди. У жинчироқнинг хира ёруғида Комиссарнинг ёстиқда оқариб ва шишиб ётган юзини, меҳр блан жовдираб турган кўзларини ҳамда сестранинг латиф ва иффатли рухсорини кўрди. Орқадан тушиб турган чироқ шу'ласида унинг ҳашам қўнғир соchlари барқ уриб товланарди ва Мересьев бу иши яхши эмаслигини билса ҳам, ундан кўзини узолмасди.

— Вой, сестраси тушмагурей! Кўз ёши ҳам бўлиб кетипти-ку! Балки, жиндак бром ичармиз? — деди Комиссар худди қиз болага гапираётгандай.

— Яна куласиз. Сиз қанақа одамсиз ўзингиз? Биласизми ахир даҳшат-ку бу ишингиз: йиғлаш керак бўлганда сиз нуқул куласиз, жонингиз қийналиб жигар бағрингиз пора-пора бўлаётган чоқда бошқаларни юпатмоқчи бўласиз. Азизим, жонгинам! Кўйинг бу ишингизни, қўйинг дейман, ўзингизни бироз аянг.

У бошини қуий солиб товуш чиқармай узоқ йиғлади. Комиссар эса унинг халат остида қалтираётгани озгин елкаларига қайгули ва меҳрибон назар блан қараб турарди:

— Вақт ўтди энди, азизим, вақт ўтди. Уз шахсий ишларимга келганда мен ҳамиша жуда бепарволик қилиб вақтни ўтказиб юбордим, ҳамиша вақт йўқ, қўл тегмайди, дердим, энди эса вақтни тамоман ўтказиб юборибман, шекилли.

Комиссар уф тортди. Сестра бошини кўтариб, ёшга тўлган кўзлари блан унга қаттиқ тикилиб қаради. Комиссар кулимсираб яна бир уф тортди ва одатдагича юмшоқ ва салгина истеҳзо оҳангি блан сўзини давом этдириди:

— Қани қулоқ солинг, доно қиз, сизга бир воқиани айтиб берай. Ҳозир бирдан хотиримга келди. Бу воқиа аллақачонлар, гражданлар уруши вақтида Туркистонда бўлган эди. Хўш. Бир кун бир эскадрон отлиқ аскар босмачиларни қувиб бораберib катта бир чўлу биёбонга кириб қолди. Отларимиз Россия отлари бўлиб, қумлоқда юришга ўрганмаган эди ва шунинг учун таппа-таппа йиқилиб ўлабошлади. Бир вақт қарасак, ҳаммамиз пиёда аскар бўлиб қолибмиз. Хўш. Шундан кейин командир ўз қарорини айтди: юклар ташлансин ва фақат қуроллар олиниб катта шаҳарга қараб пиёда йўл олинсин. Катта шаҳаргacha бир юз олтмиш километр келади, йўлда қуруқ қумдан бўлак нарса йўқ. Эшитаётисизми, доно қиз? Йўл босиб бормоқдамиз, бир кун ўтди, икки кун ўтди, уч кун ўтди. Жазира маофтоб баданин куйдиради. Ичадиган сув йўқ. Ташналикдан оғизлар қақрайбошлади, ҳаво эса иссиқ қум аралаш юзга уради, оёқлар остида қум ғарчиллайди, тишлар орасида қум ғижирлайди, қум кўзга киради, томоқларга жойлашади, хулласки — ҳол қолмади. Киши қум ўркачига йиқилиб, юзини қумга босиб ётиб олади. Комиссаримиз эса Яков Павлович Володин эди. У кўринишда жиккаккина бир киши эди, ўзи интеллигент — тарихчи эди... Лекин чиниқкан большевик эди. Ҳолига қаралса, энг аввал ўша йиқилиши керак эди, у эса бўшашмасдан қадам босади ва, ҳа, ҳа яқинлашиб қолдик, деб аскарларни жадаллатади ва ётиб олган киши тепасида тўппонча ўйнатиб: тур, отиб ташлайман,— дейди...

Тўрт кечакундуз юриб, шаҳарга ўн беш километрча қолганда одамларнинг дармони бутунлай қуриди. Маст кишидек довдираб, тентираб юрамиз, оёқ изларимиз ўқ еб ярадор бўлган жониворникидай эгри-бугрини бўлиб қолади. Шу топда комиссаримиз бирдан ашула бошлаб юборди. Унинг овози паст ва ширасиз эди,

бошлаган ашуласи эса: «Чубарики, чубчики» деган эски солдатча бемаза ашула эди, аммо ҳамма унга қўшилиб кетди, ашула кўтарили. Мен: «сафлан» деб команда бердим ва бир-икки-уч деб бордим, қарангки, шундан кейин қадам босиш енгиллашиб қолди.

Бу ашула тамом бўлгач, иккинчиси олинди, сўнгра учинчиси бошланди. Биласизми, синглим, оғизлар қақраб қолган шундай жазира маисида! Билган ашулаларимизнинг ҳаммаси йўлда айтилди ва шундай қилиб манзилга етиб олдиқ, битта ҳам одамни қумда қолдирмадик... Ана шунақалар ҳам бўлади!

— Комиссар-чи? — деб сўради Клавдия Михайловна.

— Комиссарми? Ҳозир ҳам соғ-саломат юрипти. У ҳозир профессор, археолог. Тарихдан илгари бўлиб ўтган қандайдир бир шаҳарни ер тагидан қазиб олаётган эмиш. Тўғри, ўшандан кейин у овозидан ажралди. Хириллаб қолди. Унга овознинг ҳам нима кераги бор? Нима, Лемешев бўлармиди у... Ҳўш энди гап тамом, Соринг энди, доно қиз, сизга отлиқ аскарларча сўз бериб айтаманики, энди бугунчалик ўлмасдан тураман.

Ниҳоят, Мересьев ором олиб қаттиқ ухлаб қолди. Умрида сра кўрмаган қўмлоқ дашт-биёбон, қақраб қонталаш бўлиб қолган оғизлар ва улардан чиқаётгани ашула овозлари ҳамда Володин унинг тушига кирди, унинг тушида Володин негадир Комиссар Воробьевга ўхшаб кўринди.

Алексей кеч уйғонди, у уйғонгани вақтда қўёш нурлари палата ўртасида алпоқ-чалпоқ бўлиб ётарди, бу, куннинг пешин бўлганлиги аломати эди. У нимадандир хурсанд бўлиб уйғонди. Тушданми. Қанақа туш... Қўзи журналга тушди, бу журнални уйқусида ҳам қўлида маҳкам сиқиб ётган эди. Поручик Карпович ҳали ҳам журнал саҳифасидан кўкрак кериб мардонавр кулиб турмоқда эди. Мересьев авайлаб журнални тахлади ва Карповичга кўз қисиб қўйди.

Аллақачонлар ювиниб, тараниб бўлган Комиссар кулимсираб Алексейга разм солиб турарди.

— Нима у блан бунча кўз қисишиб қолдинг? — деб сўради у гурур блан.

- Учадиган бўлдик,— деб жавоб берди Алексей.
- Хўш, қандай қилиб. Унинг фақат бир оёғи йўқ эди, сенинг бўлса иккала оёғинг ҳам йўқ.
- Мен совет кишиси, рус кишисиман-ку ахир! — деди Алексей.

Бу сўзни у шундай оҳанг блан айтдики, худди шу сўзга сифиниб Карповичдан албатта ўтиб кетаётгандек ва ҳавода учәётгандек эди.

Тушлик овқат вақтида у касал боқучи аёл келтирган овқатнинг ҳаммасини еб битирди ва еб бўлгач тақир бўшаб қолган товоқчаларга ҳайрон бўлиб қарали-да, яна овқат сўради: у шу пайтда асабий бир ҳолатда бўлиб, фиринглаб ашула қиласар, ҳуштак чалмоқчи бўлар ва баланд овоз чиқариб ўз-ўзи блан сўзлашарди. Профессор касалларни кўргани келганда, У Василий Васильевичнинг кайфи яхшилигидан фойдаланиб, унга тезроқ соғайиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида кўп саволлар берарди. Бунинг учун кўпроқ овқат ейиш ва кўпроқ ухлаш кераклигини билгач, у пешинлик овқат вақтида қуюқни икки товоқдан беришни сўрар ва котлетканинг тўртинчи бўлагини тиқилиб-тиқилиб зўрға ерди. Кундуз кунлари у бир ярим соагча кўзларини юмиб ётса ҳам ухлайомас эди.

Бахт келса киши ўз-ўзи блан бўлиб қолади. Профессор келганда Алексей унга саволлар бера бериб жонига тегаркан, палатадагиларнинг э'тибори кўпроқ нимага жалб бўлганини пайқамади. Василий Васильевич касалларни кўришга ҳамишагидек ўз вақтида, я'ни қуёш шу'ласи кун бўйи палатада секин-секин жилиб паркет нақшларига тушган чоқда келди. Профессор сиртдан аввалги қиёфада эди, лекин ҳамманинг э'тибори унда қандайдир ички безовталик борлигига қаратилган эди ва бундай ҳол унинг фе'ли авторига тамоман ёт эди. У сўкинмас эди, одатдаги аччиқ сўзлари блан бақирмас эди, қизарган ва шишган кўзларининг бурчакларидағи томирчалар доим лишиллаб турарди. Кечқурун у қовоқлари шишган, юзлари анча буришган ҳолда келди. Эшик тутқичида латтани унубиб қолдирган касал боқучи аёлга секингина танбиҳ

қилди, Комиссарнинг температураси ёзилган қоғозни олиб қаради, унга бошқа дори-дармон тайинлади, сўнгра ўзи сингари хомуш ва хаёли паришон ёрдамчилари блан индамай чиқиб кетди, эшикдан чиқатуриб остонаяга қоқилиб, йиқилиб тушишига сал қолди — одамлар қўлтиғидан суюб қолишиди. Бу савлатли, хирилдоқ ва бақироқ одамга хушмуомалалик ва хомушлик сра ярашмас эди. Бу йўғон ва кўнгли очиқ одамни яхши кўриб қолган кишиларнинг ҳаммаси қандайдир ғалати бўлиб қолишиди.

Эртаси куни эрталаб ҳамманарса аён бўлди: Василий Васильевичнинг бирдан-бир ўғли Фарбий фронтда ҳалок бўлган, унинг исми ҳам Василий Васильевич экан, у ҳам медицина ходими бўлган, умидли ёш олим, отасининг ғурури ва овунчоғи бўлган у. Профессорнинг келиш вақти яқинлашганда, госпитальдагиларнинг ҳаммаси, профессор бугун ҳам одатдагидек касалларни кўргани келадими-йўқми, деб хомуш кутиб туришарди. Қирқ иккинчи палатада полдаги қуёш шу'ласининг сезиллар-сезилмас секин ҳаракатини кузатардилар. Ниҳоят, шу'ла бориб паркет нақшларига тушди — ҳамма бир-бирига қарашиб олишиди: демак, келмайди. Аммо шу пайтда коридордан гурсиллаган таниш оёқ товуши ва у блан келаётган ёрдамчиларнинг тақир-туқир қадам босиши эшитилди. Профессорнинг авзои кечагидан кўра ҳатто анча тузук эди. Аммо лекин қаттиқ шамоллаган одамдек қовоқлари ва бурни шишган, кўзлари қизарган эди, териси кўчиб ғадир-будур бўлиб қолган қўллари эса, Комиссарнинг температураси ёзилган қоғозни столдан олганда, титради. Лекин у аввалгидек серғайрат ва ишчан эди, броқ бақириб сўкишлари йўқолган эди.

Ярадор ва касаллар, худди тил биритиргандай, бир-бирларига сўз бермай бирон гап блан уни хурсанд қилишга тиришардилар. Бугун ҳамма ўз аҳволини тузук деб биларди. Ҳатто энг оғир касаллар ҳам ҳечни-мадан шикоят қилмадилар ва аҳволимиз яхши бўлиб бораётир, дедилар. Ҳаммалари бирдан, ҳатто бирмунча ошириб бўлса ҳам, госпитальдаги тартибни ва ҳархил дори-дармонларнинг дардга малҳамдек шифо бўй

Ҳаётганлигини хўп мақташардилар. Бу дўст бир оила бўлиб, бошга тушган зўр қайғу уларни ана шундай бириктирган эди.

Василий Васильевич палаталарни айланиб чиққандан кейин, бугун эрталабдан бошлаб даволаш ишларининг бундай ривожга миниб кетганини кўриб ҳайратда қолди.

Ростдан ҳам ҳайратда қолдимикин? Балки у палатадагиларнинг сукут блан бундай соддаларча тил бириктирганларини пайқагандир ва агар пайқаган бўлса, балки, ўзининг давоси топилмайдиган оғир жароҳатининг аламини тортиши бирмунча енгиллашгандир.

## 9

Шарққа қараган дераза ёнидаги теракнинг осилиб турган шохчасидаги сарғич куртаклар очилиб, улардан ҳалқа-ҳалқа бўлиб лўппакдек қизғич баргчалар чиқди. Эрта блан бу баргчалар қуёшда товланар ва худди компресс қофозидан кесиб ясаб қўйилганга ўхшарди. Улардан бурқсиб чучмалроқ янги ҳид тарқалар ва бу хушбўй ҳид очиқ дарчалардан кириб госпитальнинг димиқан ҳавосини тозаларди.

Степан Иванович бўқиб семиртирган чумчуқлар жуда ҳам қутириб кетишиди. Баҳор келиши блан туллаб янги дум чиқариб олган «Автоматчи» яна кўпроқ тинмасак ва урушқоқ бўлиб қолди. Эрта блан чумчуқлар дераза тепасида ғуж бўлиб олиб чандон чуғирлашардики, палатани тозалаб юрган касал бокучи аёл безори жон бўлганидан, валдираб-валдираб деразага чиқар ва бошини деразадан чиқариб қўлидаги латта блан уларни ҳайдарди.

Москва-рекадаги музлар эриб кетди. Дар'ё бироз пашқириб тошгандан кейин яна хонасига тушди ва нойтахтда сийраклашиб қолган автотранспортнинг ўрнини босган пароходлар, кемалар, дар'ё трамвайларига кеңт бағрини очиб берди. Кукушкун ваҳима қилиб юрганига қарамай, қирқ иккинчи палатадан ҳечкимни тошиқин олиб кетмади. Комиссардан бўлак, ҳамманинг аҳволи яхшиланиб бормоқда эди ва ҳозир гап фақат жавоб олиб кетиш устида борарди.

Палатадан биринчи бўлиб Степан Иванович кетди. Кетишидан бир кун илгари у, қувончи ичига сиғмай, госпитальни айланиб юрди. У сра бир ерда ўтиrol-масди. У, коридорда лақиллаб юрагини бўшатиб олгач, палатага келар, дераза тагида ўтириб, ноннинг юмшоқ жойидан олиб нимадир ясарди, сўнгра яна ўрнидан сапчиб туриб чиқиб кетарди. Фақат кеч тушиб қош қорайганда у жимгина келиб дераза тагига ўтиради ва оҳ-уҳ қилиб чуқур хаёл сурди Ҳозир даволаш вақти бўлганидан палатада уч киши қолган эди: Комиссар индамасдан Степан Ивановичга разм солиб ётарди, сўнгра, қандай бўлса ҳам ухлаш хаелида ётган Мересьев бор эди.

Ҳамма жимжит эди. Комиссар бирдан бошини Степан Иванович томонига буриб, секин овоз блан гал бошлиди,— унинг сояси шафақдан қизариб турган дераза ойнасига тушиб турарди:

—...Шу топда қишлоқда қронги тушиб, ҳамма жой жимжит, сув сепгандай. Гўнгдан семирган нам ердан буғ чиқиб туради. Оғилда сигир типирчилайди, чунки унинг туғиши вақти яқинлашган. Кўклам... Аёллар ерларга гўнг солиб улгурдимикин? Үруғлик, от-улов жой-жойидамикин?..

Мересьевга худди Степан Иванович кулиб турган Комиссарга ҳайрат блан эмас, балки хавотир блан қараб тургандек туюлди:

— Жодугармисиз дейман, ўртоқ полковой комиссар, бироннинг ўйлаганини дарров топиб оласиз-да... Тўғри, гўгри, аёллар, албатія, ишчан кишиларку-я, аммо лекин, ким билсин, аёллар у ерда бизсиз қандай қилишаётган экан... Дарҳақиқат.

Ҳамма жим бўлди. Дарёда пароход қичқирди ва унинг овози тош соҳиллари орасида сувга таралиб кегди.

— Хўш, айтчи: уруш тез тамом бўладими?— деб сўради Степан Иванович негадир пичирлаб.— Пичанга ўроқ тушгунча тамом бўлармикин.

— Сенга нима? Сенинг урушадиган ёшинг эмас, сен ўз ихтиёринг блан кўнгилли бўлиб боргансан, урушгунча урушиб олдинг. Энди бориб рухсат сўра,

Жавоб беришада, бориб хотиňларга командирлик қила-сан, юртга ҳам ишчан киши керак, лаббай? Ма'кулми, серсоқол?

Комиссар меҳрибонларча кулимсираб кекса сол-ұлатта қаради. У ҳаяжон блан ҳовлиқиб дераза ёнидан тушди:

— Жавоб берадилар дейсизми? А? Мен ҳам шундай деб ўйлайман, жавоб берсалар керак. Комиссияга бориб айтсаммикин деб ўйлаб турибман ҳозир. Дар-воқи', уч урушни кўрдим, империалистлар урушида йўлдим, гражданлар урушини бошидан охиригача кечирдим, мана бунисига ҳам қатнашдим. Балки етар шунчаси, а? Хўш, нима маслаҳат берасан, ўртоқ полковой комиссар?

Алексей Мересьев чидаялмай, ётган жойидан туриб бақириди:

— Аризангга шундай деб ёз: жавоб беринглар, юртимга хотинлар олдига юборинглар, бошқалар урушиб мени немисдан ҳимоя қилсин, деб ёз!

Степан Иванович ҳижолат тортгандай бўлиб унга қаради, Комиссар эса жаҳл блан қошларини чи-мирди:

— Сенга нима маслаҳат бериш керак, Степан Ива-нович, юрагингдан сўра, юрагингдан, ана ўша русларга хос юрак сенга айтиб беради.

Эртаси Степан Ивановичга госпитальдан жавоб бердилар. У, ҳарбий кийимларини кийиб, хайрлашув учун палатага келди. Тоза ювилган, устидан камар тортиб боғланган ва битта ҳам букланган жойи бўлмаган ихчам гимнастёркада унинг кичкина қомати ўн беш йил чамаси ўшроқ кўринарди. Кўкрагида бўр блан тоза оқартирилган Қаҳрамонлик юлдузи, Ленин ордени, «Жасурлиги учун» медали ялтираб турарди. Халатни у плаш-палаткадай елкасига ташлаб олган эди. Ҳурпайиб турган халат унинг солдатлик шавкатини бекитмас эди. Степан Ивановичнинг бутун юриши-туриши, кирз этиги ҳам, ҳўллаб «бигиздай» қилиб юқорига бураб қўйған кичкина мўйлаби ҳам, худди 1914 йилги уруш вақтида рождество муносабати блан су-ратга олинган ботир рус аскарига ўхшарди.

Солдат палатадаги ҳарбир ўртоғи ёнига бориб, унинг уйвонини айтиб хайрлашади ва хайрлашганда пошналарини бир-бирига шундай қарсиллатиб урадиди, унга қараб кишининг завқи келарди.

У энг чеккада турган койка ёнига бориб, алоҳида бир мулозимат блан деди:

— рухсат этинг хайрлашайлик, ўртоқ полковой комиссар.

— Хайр кўришгунча, Стёпа. Бахting ёр бўлсин,— деди Комиссар ва оғригини босиб унга томон сал қўзгалди.

Солдат тиз чўкиб, унинг бўйнидан қучоқлади, улар русча одат блан елкани елкага қўйиб уч марта ўпишилар.

— Тезроқ тузал, Семён Васильевич, худойим сени омон сақласин ва узоқ умр берсин, тилла одам экансан ўзинг! Отамиз ҳам бизларга шунча меҳрибонлик қилмагандир, умрим борича унутмайман сени,— деди солдат хўрсиниб.

— Боринг энди, Степан Иванович, боринг энди, унинг кўнглини бузманг, зарап қиласи,— деди Клавдия Михайловна унинг қўлини туртиб.

— Сестрахон, қилган меҳрибонлигингиз ва ғамхўрлигингиз учун сизга ҳам раҳмат,— деди Степан Иванович Клавдия Михайловнага ҳурмат блан қараб ва бошини эгиг унга та'зим қилди.— Сиз бизнинг совет юртимиzinинг малаги, фариштаси,— ана шу сизга айтадиган гапим...

У, бутунлай довдираб қолгандан яна нима дейиши ни билмай орқаси блан эшикка жилабошлиди.

— Каерга хат ёзиш керак сенга, Сибиръгами?— деб сўради Комиссар кулиб.

— Қаёққа бўларди, ўртоқ полковой комиссар! Солдатнинг жойи ма'lум, урушга ёзилади албатта,— деди Степан Иванович шошиб қолиб ва яна ҳаммага бош эгиг та'зим қилгач, кўздан ғойиб бўлди.

Палата бирдан жимжит ҳувиллаб қолди. Сўнгра, ўртоқлари, уларни кутиб турган жанговар полклари, ўртоқлари, уларни кутиб турган жанговар ишлар ҳақида сўзлашдилар. Ҳамма соғайиб қолган эди, шунинг учун энди бу гаплар хаёл эмас, балки

амалда қилинадиган ишларга оид эди. Кукушкін әнди коридорда юриб, сестралар блан тортишар, ярадорларни мазоқ қиласы, у ўз оёғи блан юрадиган касаллар блан аллақаңчон бирнече бор сүкишиб ҳам олган эди. Танкчи Гвоздев ҳам әнди ўрнидан туриб юрадиган бўлган эди, у коридордаги ойна олдида туриб, бинтлари олиб ташланган ва яралари тузалаётган юзига, бўйнига ва елкаларига узоқ қаради. Анюта блан кўпроқ хат ёзишиб, унинг университетдаги ишларидан кўпроқ хабардор бўлган сари, у куйиб хунуги чиққан юзларига шунча безовта бўлиб қаради. Қош қорайганды ёки қоронфироқ уйда унинг юзлари туззуккина, ҳатто чиройли бўлиб кўринарди: суроби келишган турқи, тик пешанаси, қангшари сал пасайиб турган кичкина бурни, госпитальда қўйган қисқагина қора мўйлабчаси, болаларникидай салгина чўччайиб туручи ҳақиқдай лаблари ўзига зеб бўлиб тушарди, аммо равшан ёруғликда қараганда юзлари ажир-бужир бўлиб, терилари тиришиб қолганлиги дарров билинарди. У, бирон нимадан ҳаяжонланиб қолган ёки сув шифохонасидан терлаб-пишиб келган вақтларда бу ажир-бужир доғлар уни жуда ҳам хунук қилиб кўрсатарди ва шунидай пайтларда ойнага қараганида у йиғлагундек бўларди.

— Хўш, нега қовоғинг солиниб қолди? Кинога артист бўлиб бормоқчимисан ёки? Анави қизинг ҳақиқатан ақлли қиз бўлса, бунингдан қўрқмайди, агар қўрқса, демак аҳмоқ қиз экан, ундақалар жаҳаннамдан нарига кетаберсин. Жўнайберсин хоҳлаган ерига ундақалар, яхшироғини топиб оларсан,— деб юпатарди уни Мересьев.

— Хотинларнинг ҳаммаси аҳмоқ,—деди Кукушкін.

— Сизнинг онангиз ҳамми?— деб сўради Комисsar; бутун палатада у фақат Кукушкінни «сизлаб» гапиравди.

Вазминлик блан берилган бу савол лейтенантга қандай та'сир қилганини тасвирлаш қийин. Кукушкін ўзини койкага ташлади, унинг кўзлари ўтдек ёнар ва юзлари чойшаб сурупидан ҳам баттарроқ оқариб кетган эди.

— Ана кўрдийгизми, демак дун'ёда яхши хотинлар ҳам бўлар экан,— деди Комиссар юмшоқроқ оҳангда. Ҳўш, нега Гришанинг омади бўлмасин? Турмушда, йигитлар, шундақа воқиалар ҳам бўлади: умид қилган етар муродга, ҳасад қилган қолур уятга.

Хулласки, бутун палатага жон кирди. Фақат Комиссарнинг аҳволи борган сари оғирлашмоқда эди. У морфий ва камфара блангина жон сақлаб турарди ва буларнинг та'сиридан ба'зан кеча-кундузлари блан ўрнида сапчиб, безовталаниб ярим ҳушсиз ётарди. Степан Иванович кетгач, у айниқса бўшашиб қолди. Мересьев керак вақтда ёрдам бериши учун ўз койкаси ни Комиссарга яқинроқ қўйишни сўради. Унинг Комиссарга бўлган меҳри-муҳаббати тобора ошмоқда эди.

Оёқсиз кечириладиган турмуш бошқаларнинг турмушидан беқиёс даражада оғир ва мушкул бўлишини Алексей тушунарди, шунинг учун ҳам у, ҳечнимага қарамай чин ҳаёт кечираётган ва ўзининг дармонсизлигига қарамай одамларни магнит сингари ўзига жазб қилаётган бу одамга беихтиёр интиларди. Эндиликда комиссар жуда камдан-кам ҳушга келиб кўзини очадиган бўлган эди, лекин ҳуши жойида бўлган пайтларда у аввалгидек ҳушчақчақ бўларди.

Бир куни қеч пайтда госпитальда оёқ товушлари тиниб, унинг хоналарида оғир сукунат чўккан ва палаталардан аҳён-аҳёнда касалларнинг иҳраши, хуррак отиши ва алаксираши сал-пал эшитилиб турган бир чоқда коридорда гурсиллаб келаётган таниш оёқ товуши эшитилди. Мересьев ойнавонлик эшикдан қора тўсилган лампалардан тушиб турган хира ёруғликда бутун коридорни, коридорнинг энг нариги чеккасида стол ёнида сра битмайдиган кўйлагини тўқиб ўтирган навбатчи сестранинг гавдасини кўриб турарди. Коридор охирида Василий Васильевичнинг узун гавдаси кўринди. У, қўлларини орқасига қилиб секин-секин юриб келмоқда эди. У яқин келиши блан сестра иргиб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, лекин у ма'юс бир қиёфада қўлинин силтаб унинг ёнидан ўтиб кетди. Халатининг тумалари очиқ бўлиб, бошида шапкачаси йўқ эди ва қалин оқ соchlари пешонасига тушиб турарди.

Махсус андаза блан юсаладиган протезларининг лойиҳасини Комиссарга баён қилиб турган Мересьев:

— Вася келаяпти,— деди унга секин шивирлаб.

Василий Васильевич қоқиниб кетиб, қўли блан деворга суюниб қолди, сўнгра ўзича пинғиллаб, девордан қўлини олди ва қирқ иккинчи палатага кирди. У палата ўртасида тўхтаб, бир нимани эслагандай пошонасини уқалайбошлади. Ундан спирт ҳиди келиб турарди.

— Қани ўтиринг, Василий Васильевич, қоронгида ҳасратлашамиз,— деди Комиссар.

Профессор оёқларини судраб, зўрга қадам босиб унинг каравоти ёнига борди ва ўтириши блан пружиналар эгилиб ғарчиллаб кетди. Ўтиргач у, чеккарини уқалаб қўйди. Илгарилар ҳам у касалларни кўргани келганда Комиссарнинг ёнида туриб қолиб, урушнинг бориши тўғрисида сўзлашарди. Ў, касаллар орасида Комиссарни алоҳида бир киши деб биларди, шунинг учун унинг бугун кечаси кириб келиши ҳечбир галати туюлмас эди. Лекин Мересьев негадир, улар ўртасида алоҳида бир гап бўлиши керак, бу гапга бошиқа кипи аралашмаслиги керак, деб ўйлади. У кўзларини юмиб ўзини уйқуга солди.

— Бугун йигирма тўққизинчи апрель. Унинг туғилган куни. Унинг ёши ўтгиз олтига тўлди, йўқ, тўлган бўлар эди,— деди профессор секин товуш чиқариб.

Комиссар шишиб кетган йўғон қўлини зўр машақ-қат блан одеял остидан чиқарди-да, Василий Васильевич қўли устига қўйди. Шу пайтда ақлга сифмайдиган воқия юз берди: профессор йиглаб юборди. Бу йўғон, бақувват ва иродаси маҳкам одамнинг йиғлашини кўриш-тоқат қилиб бўлмайдиган бир ҳол эди. Алексей беихтиёр бошини ичига тортиб, одеялга ўранди.

— Кетиш олдидан у менинг олдимга келди. Халқ лашкарига ёзилдим, деди ва ишларини кимга топширай деб сўради. У шу ерда, ўз ёнимда ишлар эди. Мен турган жойимда данг қотиб, ҳатто унга бақириб юборибман. Медицина кандидати бўлган талантли олимнинг винтовка кўтариши нега лозим бўлганини мен сра тушунмадим. Лекин у менга айтди, ҳамма сўzlари

эсимда, у менга айтдики: «Ота, медицина кандидати ҳам винтовка кўтариши лозим бўлган вақтлар бўлади». У шу гапни айтди-ю, яна: «Ишларни кимга топширай?» — деб сўради. Мен шу пайтда телефон трубкасини олиб бир оғиз гапирганимда, ҳечнима бўлмас эди, биласизми, ҳечнима бўлмас эди! Ахир, у шу ерда ўз ёнимда бир бўлимни бошқариб госпитальда ишлаб турган эди... Тўғрими гапим?

Василий Васильевич жим бўлди. Унинг ҳансираб оғир нафас олаётгани эшитилиб туарди.

— ... Қўйинг, азизим, қўйинг, қўлингизни олинг, қимирлаганда жонингиз қандай оғришини меш биламан.. Шундай, тун бўйи нима қилишни ўйлаб чиқдим. Биласизми, менга шу вақтда бир нарса ма’лум эди, яна бир одамнинг ўғли бор эди,— биласизми мен ким тўғрисида гапирайпман,— ўғли офицер эди, уруш бошлиланган кунларда унинг шу ўғли ҳалок бўлди. Хўш, биласизми, унинг отаси нима қилди? У фронтга иккинчи ўғлини юборди, юборганда ҳам, энг хавфли ҳарбий ишга юборди, я’ни қиручи самолётга учучи қилиб юборди... Ўшанда мен шу одам тўғрисида ўйлаганимда, ўз фикрим ўзимга уят бўлиб туюлди, шундан кейин телефон ҳам қилмай қўйдим...

— Ҳозир энди ачинаяпсизми?

— Йўқ. Ажабо, шундай қилса ачиниш бўлармишми? Мен юраман, юрган йўлимда ўйлайман: наҳотки мен ўзимнинг ягона ўғлимнинг қотили бўлсам-а? Ахир, ҳозир у шу ерда, ўз ёнимда бўларди, биз икковлашиб мамлакат учун кўп фойдали ишлар қилган бўлардик. Ахир, яшнаб келаётган чин истедод эгаси эди. У агар ўша вақт телефон қилгачимда... у ҳозир совет медицинасининг ифтихори бўлиб қоларди.

— Телефон қилмаганингизга ачинаяпсизми энди?

— Сиз нима деяпсиз ўзингиз? Эҳ, ҳа... Билмайман, билмайман.

— Агар ҳозир шуларнинг ҳаммаси қайтадан такрорланганда, сиз бошқача иш тутган бўлардингизми?

Орага сукунат чўкди. Ухлаб ётган касалларнинг пишиллаб нафас олиши эшитилиб туарди. Каравот бир оҳангда ғижирларди, афтидан, чуқур хаёлга бот-

ган профессор ўзини ағдан-баққа ташлаб турмоқда эди,— яна буғ блан иситиладиган печкада сувнинг шиллишили томиб тургани эшитиларди.

— Хўш, нима қиласардингиз?— деб сўради Комиссар ва унинг овозида битмас-туганмас илиқ меҳрибонлик борлиги сезилиб турарди.

— Билмайман... Сизнинг саволингизга дарҳол жавоб бериш қийин. Билмадим, лекин агар бордию, шуларниң ҳаммаси қайтадан такрорланганда мен, балки, худди шундай қилган бўлар эдим. Мен бошқа оталардан ортиқ ҳам, лекин кам ҳам эмасман... Жуда даҳшатли нарса экан бу уруш...

— Билингки, қора хат келганда бошқа оталарниң қайғуси сизницидан кам бўлмаган эди. Йўқ, кам бўлмаган эди.

Василий Васильевич узоқ вақтгача индамасдан ўтириди. У нимани ўйлаётган эди, шундай оғир дақиқада унинг ажин босган тик пешонаси тагидаги миасида қандай хаёллар ўрмалаётган эди.

— Рост, гапингиз тўғри, унинг қайғуси ҳам кам эмас эди, аммо ҳар ҳолда у иккинчи ўғлини юборди... Раҳмат, азизим, раҳмат, дўстим, дўстим! Эҳ! Нимасини айласиз...

У ўрнидан туриб койка ёнида тўхтади-да, Комиссарниң қўлини секин авайлаб ўрнига олиб қўйди ва устидаги одеялни тўғрилаб қўйиб, индамай палатадан чиқиб кетди.

Кечаси Комиссарнинг аҳволи оғирлашди. У, ҳушидан кетиб ётар, гоҳ койка устида ағдан баққа тўлғониб, тишларини гижирлатар ва баланд-баланд иҳрасарди, гоҳ бирдан нафаси ўчиб, қўл-оёқлари шалпайиб қоларди ва ҳамма уни, тамом бўлди, деб ўйларди. Унинг аҳволи жуда оғирлашган эди, шунинг учун, ўғли ўлгандан кейин ҳувиллаб қолган катта ҳовлидан госпитальга кўчиб келиб, ҳозир кичкина кабинетда клеёнкалик девон устида ётиб юрган Василий Васильевич Комиссарни бошқа касаллардан парда блан тўсиб қўйишни буюрди. Одатда касални «эллигинчи палата»га юбориш олдидан шундай қилинарди ва бу ма’лум эди.

Комиссарга камфара ва кислород бериб юрак тепишини бироз тузатгандан кейин навбатчи врач блан Василий Васильевич кечанинг қолган қисмида ухлаб олиш учун чиқиб кетишиди, парда орқасида касал ёнида фақат Клавдия Михайловна қолди, у жуда безовта бўлиб, кўзларидан ёш томиб турарди. Мересьев ҳам ухламасдан: «Наҳотки шу блан тамом бўлса-я!» деб ўйлаб ётарди. Комиссар эса жон азобида эди. У тўлғонар, алаксира, иҳраб, қисташ блан қандайдир бир сўзни тутилиб-тутилиб такрорларди, Мересьев унинг истагини пайқагандай бўлди:

— Пить, пить, да пить же\*!

Клавдия Михайловна пардадан чиқиб, қўли қалтираб стаканга сув қўйди.

Лекин касал сувни ичмади, стакан бекордан-бекорга тишиларга тегиб тиқирлади ва сув чайқалиб ёстиққа тўкилди. Комиссар эса ҳамон қистаб гоҳ илтимос қилиб, гоҳ талаб қилиб, гоҳ буйруқ қилиб, ўша бир сўзни ҳа деб такрорларди. Мересьев бу сўз «пить» эмас, балки «живь» эканини, бу қурдатли одамнинг бутун вужуди ҳозир ҳушсиз ҳолда ўлимга қарши фар'ёд уриб ис'ён қилаётганини дарҳол тушунди.

Сўнгра Комиссар жим бўлиб, кўзларини очди.

— Худога шукур-эй!— деди пичирлаб Клавдия Михайловна ва енгил нафас олиб пардани йиғабошлиди.

— Олманг, қўйинг,— деди Комиссар уни тўхтатиб.— Олманг, синглим, шундай ўтирганимиз яхши, кейин йиғлаш ҳам керак эмас, сизнинг кўз ёшингизсиз ҳам дун'ёning шилтаси чиқиб кетган... Совет юртининг малаги, нима бўлди сизга! Аттанг, аттанг, малакларни ҳатто сизга ўхшаган малакларни ҳам фақат нариги... томонга кетаётганингда учратасан киши.

## 10

Алексей ғалати бир ҳолатни кечирмоқда эди.

Машқ қилиш йўли блан оёқсиз учишни ўрганиш ва яна илгаригидек уста учучи бўлиш мумкинлигига

\* Сув, сув, сув дейман!

ипонч ҳосил қилған пайтдан бошлаб у ҳаётга ва ишға иштиёқ блан қизиқиб қарайдиган бўлиб қолган эди.

Ҳозир унинг бирдан-бир мақсади: қиручи самолётда учучилик касбига қайтиб бориш эди. Оёқлари майиб бўлганда у қандай ақлга сифмайдиган шиддат-шижоат блан ўз кишилари томонига сургалиб келган бўлса, ҳозир ҳам бу мақсадига эришмоқ учун худди шундай шиддат-шижоат блан ҳаракат қилмоқда эди. У, ёшлик чоқларидаёқ ҳаёт кечириш йўлини пухта ўйлашга ўрганиб қолганлигидан, бу мақсадга қимматли фурсатни бой бермасдан, мумкин қадар тезроқ эришмоқ учун энг аввал нима қилиш лозимлигини пухта аниқлади. Демак у шундай хулосага келди: биринчидан, тезроқ соғайиб олиш, оч қолган вақтларда йўқотган соғлиги ва кучини тезроқ қайтариш, бунинг учун кўпроқ овқат ейиш ва ухлаш; иккинчидан, энг муҳим ва энг қийин вазифа шуки, болдирандек кесиб ташланган оёқларини ишга солиб бақувват ва чаққон ҳаракат этадиган қилиш, сўнгра протезлар келгандан кейин уларни оёқларга қадаб олиб, самолётни бошқариш учун қилинадиган ҳаракатларнинг ҳаммасини машқ қилиб бориш.

Оёқсиз кишининг ҳатто оддийгина юриши ҳам осон иш эмас. Мересьев бўлса самолёт учирашни, тағин қиручи самолётни учирашни орзу қилиб юрипти. Бунинг учун эса, айниқса ҳарбир секунднинг юздан бири ҳисобга олинадиган ва ҳаракатлар ўз-ўзидан бир-бири блан мослашиб кетиши лозим бўлган ҳаво жангига пайтида оёқлар қўлдан тезроқ, чаққонроқ ва моҳирроқ ишламоғи лозим. Бунинг учун машқни шундай ўрнига етказмоқ керакки, чўлтоқ тиззага қадаб қўйилган ёғочлар блан оёқ териси бу нозик ишни худди соғ оёқлардек бажараолсин.

Учучилик техникасидан хабардор бўлган ҳарбир кишига бу иш ақлга сифмайдиган бир нарса бўлиб кўринарди. Лекин Алексей ҳозир буни инсон қўлидан келадиган бир иш деб биларди, бас шундай экан, мен бу ишнинг уддасидан чиқаман, деб аҳд қилган эди. Шундан кейин Алексей ўз режасини амалга оширишга киришди. У, врачларнинг айтганларини жуда ихлос

блан бажарар ва берилган дори-дармонларнинг ҳам-  
масини исте'мол қилиб борарди. У, овқатни кўп ер ва,  
гарчи иштаҳаси бўлмаса ҳам ҳамиша қўшимча овқат  
талаб қиласарди. Нима бўлса ҳам у, ўзини белгиланган  
соатларда ухлашга мажбур қиласарди ва ҳатто, серҳара-  
катлик ва ишсеварлик хулқи узоқ вақтгача қаршилик  
кўрсатишига қарамай, пешинлик овқатдан кейин  
ухлашни одат қилиб олган эди.

Ўзингни овқат ейишга, ухлашга, дори-дармон ичишга  
мажбур қилиш қийин эмас. Лекин гимнастикага кел-  
гандан иш чатоқроқ эди. Мересьев илгарилари қилиб  
юрган ҳаракатлар қоидаси оёғидан ажralиб койкада  
ўтиручи киши учун ярамас эди. У ўз гимнастика қоидасини  
ўйлаб чиқарди: У, икки қўлини ёnlарига тираб  
пастга эгилар, юқори кўтарилар, гавдасини бурав,  
суяклари қисирлаб кетгунча бошини буриб, соатлаб  
гимнастика қиласарди. Палатадаги ўртоқлари уни мазақ  
қилиб кулишардилар. Кукушкун унга гоҳ ака-ука  
Знаменскийлар, гоҳ Лядумег номини бериб, гоҳида  
бошқа машҳур югуручилар исми блан атаб уни мас-  
хара қиласарди. Кукушкун гимнастикани ўлгудек ёмон  
кўрарди, уни госпитальдаги bemazagarchiliklar наму-  
наси деб ҳисобларди ва Алексей гимнастика қилабош-  
лаган пайтларда, одатда, у жаҳли блан пўнфиллаб  
коридорга чиқиб кетарди.

Алексейнинг оёқларидан бинтлар ечиб олингач, у  
койка устида яйраб ҳаракат қиладиган бўлди ва гим-  
настика машқини мураккаблаштирди. У чўлоқ оёқла-  
рини каравотнинг поясига суқиб, қўлларини белига  
тираб, пастга эгилар бошини юқори кўтарарди ва ҳар  
сафар аста-аста «та’зим» қилиш сонини ошириб  
боғарди. Сўнгра у оёқлари учун бир сидра гимнастика  
машқи ўйлаб чиқарди. У чалқанчасига ётиб олиб, оёқ-  
ларини навбатма-навбат гоҳ ўзига тортиб букарди,  
гоҳ олдинга узатиб чўзиб юборарди. У, бу ҳаракатни  
биринчи марта қилиб кўрганида, олдида жуда катта,  
балки, енгиб бўлмайдиган қийинчиликлар турганини  
дарров пайқади. У, чўлтоқ оёқларини ҳаракат қилдир-  
гандагаттиқ зирқираб оғрирди. Ҳаракатлар қўрқоқлиқ  
блан нотўғри қилинарди. Масалан, қаноти ёки думи

шикаст ёғаи самолётда учиш қандай қийин бўлса, бў  
ҳаракатларни мослаштириш ҳам шундай қийин эди.  
Мересьев беихтиёр ўзини самолёт блан таққослаб  
кўрган одамзоднинг жуда мослаштириб ясалган гав-  
даси унда бузилганлигини пайқади ва гарчи гавдаси  
ҳали бутун ва бақуват бўлсада, ҳар ҳолда ҳечқачон  
ёшлик чоқларида ўрганган ҳаракатларидек мос бўлол-  
мас эди.

Гимнастика қилганда оёқлари қаттиқ оғриса ҳам  
аммо Мересьев оёқлари учун гимнастика минутларини  
кун сайин ошириб юборди. Гимнастика қилган пайт-  
ларда кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб кетар ва деб  
юбормаслик учун лабларни маҳкам тишлашга тўғри  
келарди. Лекин у гимнастикага ўзини мажбур қилди,  
дастлаб ҳар куни биттадан, сўнгра иккитадан ҳаракат  
қилиб, ҳар сафар вақтни кўпайтириб борди Ҳарбир  
гимнастика ҳаракатидан кейин у ёстиққа ётиб олар  
ва: яна шу ҳаракатларни қилаолармикинман, деб  
ўйларди. Лекин вақти соати келгач, ишлар жўна-  
шиб кетди ва ўзи ҳам гимнастикага элашиб қолди.  
Кечқурунлари у сонлари ва болдиrlарининг мускул-  
ларини ушлаб кўрарди ва қўлига аввалгидек юмшоқ  
гўшт эмас, балки қадимгидек чандир мускул те-  
гарди.

Мересьевнинг бутун фикри-зикри оёқларида эди:  
Ба’зан эсидан чиқиб қолиб, товонлари оғриётгандек  
туюларди, шу вақтда у вазиятини ўзгартирганда, товон-  
ларининг йўқлиги дарҳол эсига келарди. Асабларнинг  
қандайдир бузилиши орқасида оёқларнинг кесилган  
қисмлари узоқ вақтгача гавда блан бирга яшагандек  
бўтиб туюлар, бирдан қичиб қолар ва намгарлик бўл-  
ганда зирқирап ва ҳатто оғрирди. У оёғи тўғрисида шу  
қадар кўп ўйлардики, кўпинча тушида ўзини соғ ва  
чопиб юрган кўрарди. Тушида гоҳ бирдан тревога  
бўлиб қолиб, жони борича югуриб самолёт ёнига борар  
ва боратуриб бир сакраб қанот устига чиқиб олар, то  
Юра мотордан чехолни олгунча кабинага ўтириб олиб,  
оёқлари блан рульларни босиб кўрарди. Гоҳида эса  
Оля блан қўлма-қўл ушлашиб, чаманзор саҳрова югу-  
ришар, оёқ яланг чопишиб, нам ва илиқ ердан баҳра

олишарди Бу ҳол кўнгилга жуда хуш ёқарди, аммо уйқусидан уйғониб оёқларини йўқ кўргач, жуда алам қиласарди!

Алексей шундай тушлар кўргандан кейин ба'зан руҳан эзиларди. Унинг хаёлига: бекордан-бекор ўзингни қийнаб юрибсан, камишинли гўзал қиз блан ҳечқачон саҳрода оёқяланг югуrolмаганинг сингари, самолётда ҳам ҳечқачон учолмайсан, деган фикр келабошлади. Камишинли қиз блан кўришмаганига қанча кўп вақт ўтаборса, у қиз унга шу қадар яқинроқ ва матлуброқ бўларди.

Оля блан муносабат тутишдан Алексей хурсанд эмас эди. Клавдия Михайловна ҳар ҳафта деярлик уни «ўйинга тушишга» я'ни койка устида ликиллашга мажбур қиласарди ва ўзи чапак чалиб турарди, сўнгра мактаб боласининг хатидек катта-катта қилиб териб ёзилган конвертни чиқариб берарди. Бу хатлар тобора муфассаллашиб, илиқлашиб бормоқда эди, гўё эндинина бошланган, сўнгра уруш орқасида узилиб қолган ёш муҳаббат энди Оля учун борган саристук бўлиб қуюқлашмоқда эди. Алексей бу сатрларни зўр ташвиш блан оҳ уриб ўқиркан, шундай мазмун блан жавоб қайтаришга ўзини ҳақли эмас деб биларди.

Улар ёшликда Камишин шаҳаридаги ёғоч-такса заводи ҳузуридаги фабрик-завод та'лими мактабида бирга ўқишиган мактабдош ўртоқ бўлиб, бир-бирларига кўнгил қўйишиган ва бу кўнгил қўйишини катталарга тақлид қилиб муҳаббат деб аташган ва сўнгра бирбиридан олти-етти йил ажрашиб кетишиган болалар эди. Дастлаб қиз механика техникумига ўқишига кетди. У ўқишидан қайтиб келиб заводда механик бўлиб ишлайбошлаганда, Алексей шаҳарда йўқ эди. У учучилик мактабида ўқимоқда эди. Улар уруш бошланишидан сал бурунроқ учрашган эдилар. Бу учрашуви Алексей ҳам, қиз ҳам сра хаёлига келтирмаган эди, улар ҳатто бир-бирларининг эсига ҳам келмаган эди, чунки орадан кўп вақт ўтиб кетган эди. Лекин баҳор кунларидан бирида кечқурун Алексей онасини қаёқладир кузатиб шаҳар кўчасидан бормоқда эди, шу пайт-

да уларнинг олдидаң бир қиз ўтиб кетабердӣ, Алексей ҳамбо унга эътибор бермади, фақат унинг келишган сөқларига қўзи тушиб қолди.

— Иса саломлашмадинг, ёки унутдингми, ахир Оли-ку у,— деди онаси ва қизнинг фамилиясини айтди.

Алексей орқасига бурилиб қаради. Қиз ҳам бурилиб уларнинг орқасидан қараб турарди. Ўлар бир-бирларига қараниб қолдилар ва Алексей юраги шув этиб кетганини сезди. У, онасини ташлаб, юргурганча қиз туриған ериға борди,— қиз тротуарда қуруқ бир теракча газида турарди.

— Сенми? — деди Алексей ҳайрат блан ва унинг бошдан оёғигача шундай қаттиқ разм солиб қарадики, 1 ўё унинг олдида узоқ бир юртдан келган ва қандай бўлиб бу қоронғу, одамсиз, баҳор ёғингарчилигидан шилтаси чиқиб ётган кўчага тушиб қолган гўзал ва ажиб бир нарса турарди.

Қиз ҳам таажжуб блан ва ҳатто ишонмагандек:

— Алёшамисан? — деб сўради.

Улар олти ёки етти йиллик жудоликдан кейин энди биринчи марта бир-бирларига қарамоқда эдилар. Алексей олдида қомати келишган, гавдаси нозиккина, юзлари лўппигина, икки рухсори ёнида олтиндай сепкил доналари салгина сочилган қўғирчоқдай бир қиз турарди. Қиз порлаб турган катта-катта кўзлари блан, ингичка қошларини сал учириб унга қаради. Бу нозик, дириллама, латофатли қизда аввалги кулча юзлилик, гавдаси қўзиқориндек думалоқ, бақувват ва қўполроқ ёшликтан камроқ асар кўринарди. Ўлар фабрик-завод та’лими мактабида кейинги учрашиб юрган йилларда бу қиз ана шундай эди, у ўша вақтларда отасининг эски пиджагини кийиб олиб, енгларини шимариб кеккайиб юрарди.

Алексей онасини ҳам эсидан чиқариб, ҳайрат ва завқ блан қизга қараб турарди, унга худди шу ўтган олти ёки етти йил мобайнида бу қизни сра унутмагандек ва шу учрашувни ҳамиша қумсаб юргандек туюлмоқда эди.

— Мана қандай бўлибсан энди! — деди у ниҳоят.

— Қандай бўлибман? — деб сўради қиз йўғонроқ жаранглаган товуш блан; унинг овози ҳам мактабдаги вақтидагидан бошқача эди.

Бурчакдан шамол эсиб теракчанинг баргиз шохчаларини шилдиратди, қизнинг келишган оёқларини ёпиб турган юбкасини ҳилпиратди. Қиз соддача табий назокат блан юбкасини босиб, қақиллаб кулдида, ерга чўнқайди.

— Мана қандай бўлибсан! — деди Алексей яна ва энди ўз завқини яширолмади.

— Қанақа бўлибман ахир, қанақа? — деди қиз кулиб.

Она икки ёшга пича қараб турди-да, сўнгра ма’юсона кулимсираб, ўз йўлига кетди. Улар ҳали ҳам шу ерда туришиб, бир-бирларига термулиб қаравашар ва бир-бирларига сўз бермай: «ҳа, эсингдами», «ҳа, билсанми», «ҳозир қаерда», «ҳозир нима» деб сўз талашардилар.

Улар шу куйда жилмасдан турабердилар. Сўнгра Оля Алексейга атрофдаги уйларнинг печак гул ва арча дараҳтчалари орасидаги деразаларидан уларга қизиқиб қараб турган кишиларни кўрсатди.

— Вақting борми? Юр, Волга бўйига борамиз,— деди қиз ва улар қўлма-қўл ушлашиб (улар ёшлик чоқларида шундай қилмаган эдилар), дун’ёда бор нарсаларнинг ҳаммасини унутиб, дар’ё бўйидаги баланд тепаликка чиқдилар. Пишқириб тошаётган ва музлари шовуллаб оқаётган Волга бу ердан барала қўриниб турарди.

Шу пайтдан бошлаб она ўз фарзандини уйда камдан-кам кўрадиган бўлди. Қийим танламайдиган Алексей бирдан олифталикка зеб бериб қолди: у ҳар куни шимларини дазмоллайди, ҳарбийча калта камзилининг тугмаларини бўр блан тозалайди, учучилик, қуббача тамғаси қадалган тепаси оқ шапкасини чемодандан олиб қўяди, кунда соқолини қиради, кечқурунлар эса, ўзини ойнага солиб қарагач, ишдан қайтган Оляни кутиб олиш учун завод йўлига чиқади. Кундуз кунлари ҳам қаёққадир кетиб қолар, хаёли паришон бўлиб юрар ва берилган саволга қовушиқсиз жавоб қайта-

йизтироб аломати кўринар ёди. Якка таҳтадан жиддий қиёфада шошинқираган эркаклар ва ҳаяжонга тушиб йиғлаган хотинлар Оля блан Алексей ёнидан индамай ўтди. Икки ёш нима гаплигига тушунмай, сакраб қайиққа тушдилар ва Аркаша амаки уларнинг хурсанд юзига боқмай, деди:

— Уруш... Бугун радиода ўртоқ Молотов сўзлади.

— Уруш? Ким блан? — деди Алексей ва ҳатто сакраб скамейкага чиқди.

— Ким блан бўларди, яна ўша ла'нати герман блан-да,— деб жавоб берди Аркаша амаки жаҳл блан ёшкакни босиб.— Одамлар аллақачон военкоматларга кетишид... Сафарбарлик бошланди.

Алексей уйга кирмасдан даладан тўғри ҳарбий комисариатга борди. У, кечаси соат 12.40 да кетадиган поезд блан тайинланган авиация қисмига жўнаб кетди, кетиш олдидан чамадонини олиш учун уйига кириб чиқишига зўрга улгурди ва ҳатто Оля блан ҳам хайрлашаолмади.

Улар бир-бирларига кам хат ёзишардилар, лекин бунинг сабаби уларнинг бир-биридан кўнгли совуши ва бир-бирини унутабошлиши эмас ёди. Йўқ, қизнинг мактаб боласиникидек катта-катта қилиб ёзган хатларни у зориқиб кутар ва ундан келган хатларни ҳамиша чўнтағида олиб юриб, вақтни холи топганда қайта-қайта олиб ўқирди. Бу хатларни у кўкракларига босар ва ўрмондан-ўрмонга кўчиб юрган энг оғир кунларда шу хатларга боқарди. Лекин икки ёш ўртасидаги муносабат тўсатдан, нома'лум бир паллада узилди: улар ўз хатларида бир-бирлари блан худди эски қадрдан таниш ва дўстлардек сўзлашардилар ва бунга бошқа бирон каттароқ нарсани қўшиб гапиришдан қўрқардилар, шундай қилиб айтилмай қолган гаплар шундайча юракда қолиб борарди.

Мана энди Алексей госпитальга келгандан кейин Олядан келаётган хатларни ўқиган сари тобора кўпроқ ҳайрон бўларди; қиз бирдан гапни ўзи бошлаб берди, у ҳозир ёзаётган хатларида тортинмасдан очик қилиб, соғинганини айтарди, ўша куни Аркаша амакининг бевақт келганлигини айтиб афсусланарди, бошинг-

га қандай мушкул иш түшса ҳам бу ерда сенга ҳамиша мададкор бўладиган киши борлигини унутма, бошқа юртларда юраркансан, бу ерда туғилган жойинг борлигини ва урушдан қайтиб тўғри шу ерга келишингни эсингда тут, деб илтимос қиласди. Гёё бу хатларни бошқа бир янги Оля ёзаётгандек эди. У, Олянинг суратини олиб қараган чоқларида: шамол туриб қолса, бу қиз гулдор кўйлаги блан бирга худди қамиш тўзғогининг саллачасидек учиб кетади, деб ўйларди. Бу хатлар юрагида севгиси жўш урган, ўз ёрини соғинган ва унинг келишини интизор бўлиб кутаётган меҳрибон бир хотиннинг хатларига ўхшарди. Бу ҳол Алексейни ҳам хурсанд қиласди, ҳам изтиробга соларди, лекин хурсандлиги хоҳишга боғлиқ эмас эди, изтиробга тушишининг сабаби шу эдикি, Алексей бундай севгига ўзини ҳақсиз деб билар ва юрак сирларининг бундай очиқ айтилишига ўзини номуносиб кўрарди. Ахир, у ўз вақтида, мен ҳозир илгариги қораҷадан келган бўзбала йигит эмасман, ҳозир Аркаша амакига ўхшаган оёқлари йўқ инвалидман, деб ёзишга жур'ат қилолмаган эди-ку. Онасини мусибатга қўйишдан қўрқиб ҳақиқатни тўғри айтиб ёзишга жур'ат этолмаган Алексей эндиликда ўз хатларида Оляни алдаб юришга мажбур бўлган эди ва Оляни алдайман деб ўзи кундан-кунга чалкашиб мушкул бир аҳволга тушмоқда эди

Қамишиндан келаётган хатларнинг Алексейда қара-ма-қарши туйғулар туғдиришнинг, я'ни уни ҳам қувонтириб, ҳам қайғуга солиб, ҳам умидвор қилиб, ҳам ташвишга солиб боришининг сабаби шу эди,—бу хатлар бир томондан унинг руҳини кўтарар, иккинчи томондан эса руҳини эзарди. Бир кун у ёлғондан хат ёзмоқчи бўлиб яна алланималарни ўйлаган эди, броқ, у ёлғонни дўндиrolмасди, шунинг учун Оляга ёзган жавоблари қисқача, қуруқ гаплардан иборат бўларди.

«Метеорология сержантига» хат ёзиш осонроқ эди. У, соддагина бир қиз эди, лекин ўзи фидокор ва ҳалол эди. Алексей операциядан кейин жуда руҳи тушиб қолган пайтда кимга бўлмасин ҳасратини ёзмоқчи бўлиб, у қизга катта ва қайғули бир хат ёзган эди Орадан кўп ўтмай, бир дафтар қоғозга худди устига кўкнор

донаси сепилгән тешик кулчадай гажак ҳарфлар блан ёзилган, ҳамма ерини хитоб аломатлари босган ва тўкилган кўз ёшларининг доғлари қолган жавоб хат олган эди. Қиз ёзган эдик, агар ҳарбий интизом йўл қўйганда ҳозир ҳамма ишни ташлаб ёнингга борардим ва касалингга қарашиб, дардингга шерик бўлардим. Қиз ундан кўпроқ хат ёзиши илтижо қилган эди. Қиз нинг қовушиқсиз хатларида шу қадар болаларча содда ошиқона сўзлар бор эдик, уларни ўқиб Алексейни фам босарди ва ана у вақтда бу қиз Алексеяга Олядан келган хатларни берганида, У Оляни турмушга чиқсан ҳамширам деб айтгани учун энди ўз-ўзини койирди. Бундай кишини алдаш ярамас эди. Шунинг учун у, сержант қизга тўғрилик блан очиқ хат ёзиб, Камишин да қаллиғи борлигини ва ўз бошига тушган мусибат тўғрисида онаси блан Оляга ҳақиқатни айтиб ёзишга жур'ат қилолмаганини билдириди.

«Метеорология сержантининг» жавоби ўша вақтларнинг сур'атига кўра ақлга сифмайдиган тезлик блан келди. Қиз ёзган эдик, бу хатни полкимиға келиб қолган бир майор, ҳарбий муҳбирдан бериб юбордим, бу майор менга хушомад қилиб юрди, лекин ўзи хушчақчақ ва келишган йигит бўлса ҳам, мен, албатта, унга илтифот қилмадим. Қизнинг аччиғи чиқиб хафа бўлганлиги, лекин сир бой бермасликка тиришганлиги, броқ чидаялмасдан сирни билдириб қўйишга сал қолганлиги хатдан кўриниб турарди. Қиз ундан, ўша вақтда тўғрисини айтмадингиз, деб ўпкалагандай бўлиб, бундан кейин мени ўз дўстингиз деб билгайсиз, деб сўраган эди. Хатнинг охирида сиёҳ блан эмас, қарандаш қалам блан ёзилган эдик, «ўртоқ старший лейтенант» шуни билиб қўйингки, мен сизнинг қалин дўстингизман. Агар бордию Камишиндаги қиз сизга бевафолик қилса, (мамлакат ичидаги хотин-қизлар нинг нималар қилиб юрганини биламан) ёки сўзидан қайтса, ёки оёқларингиз майиб бўлганини билиб сиздан чўчиса, ўша вақтда камина «метеорология сержантини» унутмасангиз бўлгани, лекин фақат илтимосим шуки, менга хат ёзганингизда ҳамавақт тўғрисини айтиб ёзинг. Алексеяга берилган хат ёнида ихчам

қилиб тикилган бир халтача совға ҳам бор эди, халтача да Алексейнинг ўзи нишона қилиб қўйган парашютдан қилинган бирнеча дастрўмолча, ўртасига учайдган самолёт расми солинган тамаки халта, тароқ, «Магиалия» одеколони ва бир бўлак атр совун солинган эди. Алексей ўшандай қийинчилик кунларда бу нарсалар солдат қизлар учун нечорлик қимматли ва азиз эканлигини биларди. У, бирор байрам муносабати блан уларнинг қўлига тушиб қолган бу совун блан одеколонни улар илгариги тинч турмушларини эслаб, муқаддас тумордай сақлашларини биларди. У, бу совғалар нинг қадрини биларди ва уларни тумбочкаси устига ёйиб қўяркан, ҳам қувонар, ҳам уяларди.

Энди у бутун ғайратини ишга солиб майиб оёқларини жаҳду-жадал блан машқ қилдирар ва яна ҳавода учиб урушишни орзу қиласкан, ўзидаги келишмаган икки кўнгилликни сезмоқда эди. Оляга бўлган муҳаббати кундан-кун ошиб бораётган бир вақтда унга ёлғон хатлар ёзиб, кўнглидаги гапларни айтмасликка мажбур бўлганига ва ҳатто номини ҳам билмаган бошқа бир қиз блан сир беришиб юрганига энди ўзи ҳам чандон пушаймон эди.

Лекин у, орзумга етиб, яна сафга қайтсам ва куч йиғиб илгаригидек бардам бўлиб олсан, Оля блан яна муҳаббатдан сўз очаман, деб ўз-ўзига тантанали сўз берди. У, бу мақсадига эришиш учун яна жаҳду жадал блан ҳаракатини давом эттирди.

## 11

Комиссар биринчи май куни вафот қилди.

Бу воқиа қандайdir сезилмасдан рўй берди. Комиссар эрта блан ювиниб-тараниб бўлгач, унинг соқолини олаётган сартарош хотиндан ҳавонинг яхши-ёмонлигини, байрам куни Москванинг кўриниши қандайлигини хўп сўраб олди, кўчалардаги баррикадалар йиғиштириб олинаётганини эшитиб курсанд бўлди. Шундай гўзал баҳор кунида намойиш бўлмаслигини эшитиб анча хафа бўлди, байрам муносабати блан янгидан қаҳрамонлик қилиб сепкилларига пудра сургиб чиқсан

Клавдия Михайловнага бироз ҳазиллашди. Ўз аҳволини анча яхшиланганини сезди, ва ҳаммада: балки энди тузалиб қолар, деган умид туғилди.

Анча вақт илгари, у газета ўқийолмайдиган бўлиб қолган пайтдан бошлаб, унинг койкаси ёнига қулоққа қўйиб эшитадиган радио карнайчалари ўрнатган эдилар. Радио техникадан оз-моз хабари бўлган Гвоздев карнайчаларнинг нималаринидир тузатиб қўйди, шундан кейин улар бутун палатага эшитдириб баланд бақирадиган ва ашула қиласидиган бўлди. Ўша кунларда овози бутун дун'ёга ма'lум ва машҳур бўлган диктор соат 9 да Мудофаа Халқ Комиссарининг буйругини ўқиб эшиттирди. Ҳамма ҳечбир сўзни қолдирмаслик учун нафасини ютиб, деворга осилиб турган иккита думалоқ қора карнайчага бўйинни чўзиб тингларди. «Улуг Лениннинг енгилмас байроғи остида ғалаба сари, олға!» деган сўзлар эшитилаётганда ҳам палата да ҳамма дамини чиқармай жим турарди.

— Ўртоқ полковой комиссар, менга мана бу масалани тушунтириб берсангиз... — деб сўз бошлади-да Кукушкин ва даҳшат блан бирдан бақириб: — Ўртоқ Комиссар! — деб юборди.

Ҳамма бирдан қаради. Комиссар шипга қандайдир бир нуқтага тикилиб, жиддий вазиятда каравотда чўзилиб ётарди, унинг озиб ва оқариб кетган юзларида салобат, осойишталик ва ҳашамат ифодаси бор эди.

Кукушкин Комиссарнинг каравоти олдига тиз чўкиб:

— Ўлди! Ў-л-ди! — деб бақирди.

Қасал боқучи аёллар шошиб қолиб дам ичкарига, дам ташқарига югуришар, сестралар йўл-йўлакай халатларининг тугмасини солиб чопишарди, ординатор ҳам юрганича етиб келди. Дилозор ва ноаҳил лейтенант Константин Кукушкин ҳечкимга қарамай, болалардек юзини одеялга босиб, бурни пирқиллаб, елкалари ва бутун гавдаси титраб Комиссар кўкрагида ҳўнграб йиғларди...

Шу куни кечқурун бўшаб қолган қирқ иккинчи палатага янги ярадорни келтирдилар. Бу пойтахтни ҳаводан ҳимоя қилучи дивизияда қиручи самолёт учучиси

бўлган Павел Иванович Стручков эди. Немислар байрам куни Москвага ҳаводан қаттиқ ҳужум қилмоқчи бўлган. Уларнинг бирнеча тўпга бўлиниб ҳужум қилиб келаётган самолётлари Подсолнечная райони атрофида қуршаб олинди ва қаттиқ жангдан кейин торморм қилиниб тўзитиб юборилди ва фақат бир «юнкерс» қуршовни ёриб ўтди ва баланд кўтарилиб пойтахтга йўл тутди. Унинг экипажи байрамни мотамга айлантириш учун, чамаси нима қилиб бўлса ҳам, топшириқни бажаришга аҳд қилганга ўхшарди. Стручков ҳавода тўс-тўполон жанг бўлаётган пайтдаёқ бу «юнкерс»-нинг орадан чиқиб кетганини кўриб, дарҳол унинг изига тушган эди. Ў, ўша вақтларда қиручи авиациямизга янги куч бўлиб кираётган энг яхши совет самолётларидан бирида учган эди. Ў, олти километр баландликда, Москва атрофидаги боғзорлар устида немисга етиб олди ва усталик блан унинг дум томонига ўтди-да, нишонга олиб гашеткани босди. Пулемётдан одатдаги тариллаган таниш овоз чиқмаганини кўриб ҳайрон бўлди. Спусковой механизм ишламас эди.

Немис сал олдинда бормоқда эди. Стручков унинг кетига тушиб, немис бомбардимончи аэропланини орқадан ҳимоя қиласидиган икки пулемётдан ўзини сақлаш учун унинг думи паррагига пана бўлиб борарди. Май эртасининг тиниқ ҳавосида тутун чиқиб турган катта-катта ҳаво тўсиқлари орасидан Москва кўрина бошлади. Стручков аҳд қилди. Тасмачаларини ечиб қулоқчинни орқасига туширди ва ўзи бутун мускулларини таранг қилиб, худди немис устига ташлапишга тайёрланаётгандек, мушшайиб олди. Ў, ўз самолётининг юришини немис бомбардимончиси юришига тўғрилаб, нишонга олди. Бир пасда улар худди кўзга кўринмайдиган ип блан яқинроқ қилиб бир-бирига улангандек, кетма-кет бўлиб олишди. Стручков «юнкерс» нинг ялтираб турган қопқоғи ичидаги ўтириб, унинг ҳар бир маневрини кузатиб, паррак орқасидаги самолёт қанотининг сал кўринишини пойлаб турган немис башни отучисининг кўзларини аниқ кўрди. Ў, немис жаҳл блан бошидан шлёмини олиб ташлаганини ва хатто унинг паға-паға бўлиб пешонасига тушиб турган узун

қўнғир соchlарини ҳам кўриб турди. Йирик калибрли қўш пулемётнинг қора тумшуқлари Стручков томонига қаттиқ тикилиб, худди жони бордек, қимирлаб пойлаб турарди. Шу топда Стручков ўзини кўкрагига тўппонча тираб турган ўғрининг қўлига тушган қуролсиз кишидек ҳис қилди. У ҳам ўғри қўлига тушган қуролсиз дадил кишилар шундай кезларда қиласидан ишни қилди. У, ердаги одамлар сингари муштини кўтариб эмас, балки самолётини илгари силжитиб ва унинг ялтираб турган тумшуғини немис бомбардимончисининг думи паррагига тўғрилаб, душманга ўзи ҳамла қилди.

У ҳатто қарсиллаган товушни ҳам эшитмади. Шу онда у даҳшатли зарбдан учиб кетиб, ҳавода муаллақ ошиб тушаётганини сезди. Ер унинг бош устида айланар ва кўкимтир тусда жилваланиб унга қараб вишиллаб келмоқда эди. Шу вақтда у парашют халқасини очиб юборди. Парашютда беҳуш осилиб тушиш олдиндан думи узиқ «юнкерс»нинг катта сигарага ўхшаган гавдаси куз шамоли учирган қофоз парчасидек айланаб-айланиб орқасидан тушиб келаётганини кўз қири блан кўриб қолди. Парашютда ҳолсиз чайқалиб келаётган Стручков бир уйнинг томига гурсиллаб урилди ва Москва яқинидаги байрам тусиға кирган бир кўчага йиқилиб тушди. Бу кўча аҳолиси унинг ўз самолётини душман бомбардимончи аэропланига боплаб элтиб урганини пастан кўриб турган эди. Улар Стручковни кўтариб яқин бир уйга киргиздилар. Теварак-атрофдаги кўчалардан шундай одам тўлиб келдики, чақириб келтирилган врач эшик зинапоясига зўрға йўл очиб чиқди. Учучи томга келиб урилган вақтда тиззалирининг кўзлари шикаст еганлиги ма’лум бўлди.

Шундан кейин майор Стручковнинг қаҳрамонона иши маҳсус «Сўнгги хабар» қилиниб радиодан берилди. Москва совети раисининг ўзи келиб уни пойтахтнинг энг яхши госпиталига кузатиб борди. Стручков палатага келтирилгандан кейин, унинг орқасидан санитар аёллар гулдасталарни, мева солинган қофоз ўрамларини ва конфет солинган қутичаларни кўтариб келдилар, булар москвалиларнинг ташаккур изҳор этиб унга юборган совғалари эди.

У, хушчақчақ, дарров элашиб кетадиган бир одам әди. У, палата эшигидан кириши блан касаллардан, госпиталларингда «қорин тұýр» ишлари қалай, одамни қаттиқ тутишмайдими, сестраларнинг тузукроқлари борми, деб сүраб кетди. Унинг оёқларини ечиб то қайтадан бинтлаганларича у Клавдия Михайловнага военторг ҳақида доимо айтиладиган латифани айтиб берди ва без бўлиб олиб сестранинг қадди-қомати, ҳусни-жамолини мақтаб кетди. Сестра чиқиб кетаётганда, Стручков унинг орқасидан кўз қисиб қўйди.

— Бинойгина экан. Қаттиқроққа ўхшайди-а? Қаҳру ғазаб блан ҳаммангизнинг юрагингизни олиб қўйган бўлса керак? Қўяберинг, бўш келманг асло. Нима, сизларга тактикани та’лим бермаганларми? Қўлга кирмайдиган истеҳком бўлмагани сингари, қўлга кирмайдиган хотин ҳам йўқ,— деди у ва қаҳқаҳлаб кулди.

Унинг қилиқлари бу госпитальда бир йилдан бери ётган кишининг қилиқларига ўхшарди. У, палатадагиларнинг ҳаммаси блан дарҳол «сен-сенлаб» сўзлайбошлиди ва бурнини қоқиш керак бўлганда, тортинмайнетмай дарров Мересьевнинг тумбочкаси устидан «метеорология сержанти» парашют шойисидан бино қўйиб тикиб юборган ва бурчагига ўз нишонасини солган дастрўмолчани олиб муширди.

— Нозанин юборганми?— деди у Алексейга кўз қисиб ва дастрўмолчани ёстиги тагига тиқиб қўйди.— Ошнам, сенга етади, агар етмаса, нозанининг тағин тикиб юборади. Бундоқ нарсаларни қилиш — унга фақат роҳат.

Унинг офтобда куйган юzlари қизариб турса-да, ўзи ёш эмас әди. Чаккалари ва кўз олдиларини ўргумчак оёқларидек ажин босган әди ва ҳамма юриш-туриши, гаплари эски солдатга ўхшарди, я’ни нарса солиб юрадиган қопчаси қаерда турса ва совун қутиси блан тиши чўткаси қайси юз-қўл ювадиган идиш ёнига қўйилса, ўша ерни ўз уйим деб ҳисобладиган киши қабилидан әди. У келиши блан палата кулги ва шовқинга тўлди, лекин унинг бу ишидан ҳечким хафа бўлмасди ва ҳамма уни жуда эски танишдек кўрарди. Янги келган бу ўртоқ ҳамманинг кўнглига ёқди, лекин

унинг хотин ҳотига ўч бўлиши Мересьевга ёқмади, ҳо-  
тан, майорнинг ўзи ҳам бу сирини яширмас ва бу тўғ-  
рида жуда кўп гапиради.

Эртаси кун Комиссарни кўмиш маросими бўлди.

Мересьев, Кўкушкун, Гвоздев ҳовлига қарайдиган  
дераза тагида ўтириб, тўп аравасига қўшилган отлар  
тўп остига қўйиладиган фидиракларни ичкарига тор-  
тиб кирганини, ҳарбий оркестр музика асбобларини  
офтобда ялтиратиб тўпланишиб турганини ва бир ҳар-  
бий қисм саф тортиб келганини қараб турадилар.  
Клавдия Михайловна келиб, касалларни дераза та-  
гидан ҳайдади. У, ҳамишагидек хомуш ва серҳаракат  
эди, лекин Мересьев унинг овози бузилиб қалтирайди-  
ган ва иққилладиган бўдиб қолганини сезди. Шу  
пайтда музикачилар ҳовли юзида мотам маршини  
чалишди. Сестра оқариб, термометр қўлидан тушиб  
кетди ва бир томчи симоб ялтираб паркет полига дума-  
лади. Клавдия Михайловна қўллари блан юзини беки-  
тиб палатадан югуриб чиқди.

— Нима бўлди унга? Ёки севган кишиси эдими—...  
— деди Стручков оғир музика товуши келаётган дера-  
за томонига боши блан имлаб.

Унинг саволига ҳечким жавоб бермади.

Ҳаммалари деразага осилиб кўчага қарадилар, тўп  
фидираклари устига қўйилган қизил тобут секин-секин  
дарвазадан чиқарилмоқда эди. Комиссарнинг жасади  
кўкат ва гулга ботиб ётарди. Унинг кетидан саккиз-  
тacha орденини ёстиқ устига қатор тизиб кўтариб бори-  
шарди. Қандайдир генераллар эса бошларини қўйи  
солиб бормоқда эдилар. Улар орасида генерал шинели  
кийган, лекин негадир бошида шапкаси бўлмаган Ва-  
силий Васильевич ҳам бор эди. Орқароқда, ҳамма-  
нинг кетида ва майда-майда шаҳдам қадам ташлаб  
келаётган жангчилар олдида соchlари оддийча тараб  
қўйилган ва оқ ҳалат кийган Клавдия Михайловна,  
афтидан олдида ҳечнимани кўрмасдан, туртиниб-сур-  
тиниб бормоқда эди. Дарвазадан чиққанда кимдир  
унинг елкасига пальтони ёпди. У юриб бораберди,  
йўлда пальто елкасидан сирғаниб ерга тушди ва жанг-  
чилар иккиёққа айрилиб пальтони босмасдан ўтдилар.

— Йигитлар, кимни кўмишаяпти? — деб сўради майор.

У ҳам деразага ёпишиб чиқмоқقا уринди, лекин тахтакач боғланиб гипсга солинган оёқлари халақит бергани учун чиқолмади.

Кўмиш маросимининг қатнащчилари узоқлашдилар. Музиканинг гулдираган хазин товуши энди йироқдан, дар'ё юзига тарқалиб, уй деворлари орасидан аранг эшитилмоқда эди. Чўлоқ қоровул хотин дарвозадан чиқиб от тезакларини ҳокандозга супуриб олди ва қайтиб кириб темир дарвозани тақирлатиб ёпди, қирқ иккинчи палатадагилар эса ҳали ҳам дераза ёнида туриб, Комиссар блан охирги марта видо'лашмоқда эди.

— Кимни кўмишаяпти, ахир? Хўш? Нега ҳаммаларинг ёғочдек серрайиб қолдинг? — деб сўради тоқат қилолмай майор; у ҳали ҳам деразага чиқмоқчи бўлиб уринаётган эди. Константин Кукушкин охири унга маъюс, бўғиқ, қалтироқ ва хўрсинган товуш блан жавоб берди:

— Чин инсонни кўмишаяпти... Большевикини кўмишаяпти.

Мересьев ҳам бу сўзни хотирига олди: чин инсонни. Комиссарга бундан яхшироқ сифат топиб бўлмас, балки, Алексейнинг ҳам, худди ҳозир охирги марта видо'лашаётган одам сингари, чин инсон бўлгуси келди.

## 12

Комиссар ўлгандан кейин қирқ иккинчи палатанинг ҳаёт тарзи тамоман ўзгарди.

Госпитальларнинг палаталарида ба'зи-ба'зида чўқадиган оғир сукунат вақтида ҳамма бир-бири блан сўзламай-нетмай бирдан қора хаёлга ботади ва ҳаммани гам босади. Қирқ иккинчи палатада шундай пайтлар бўлганда самимий сўзлар блан кўнгилларни очиб, ғам-ғуссани тарқатадиган киши энди йўқ эди. Руҳи тушган Гвоздевни ҳазил гаплар блан руҳлантирадиган, Мересьевга маслаҳат берадиган ва валдирвоқи Кукушкини ранжитмасдан усталик блан тийиб қўядиган

киши энди йўқ эди. Хулқи-атвори ҳархил бўлганӣ бу кишиларни ўз жозибасига тортиб жамбаст қиласидиган жозиба маркази барҳам топди.

Лекин бу нарса ҳозир унчалик керак ҳам эмас эди. Даволаш ишлари ва кунларниң ўтиб бориши блан ҳамма нарса ўзгариб борди. Ҳамма тезлик блан соғаймоқда эди. Соғайиб госпитальдан кетиш куни яқинлашган сари, улар ўз дардларини камроқ ўйлардилар. Улар госпитальдан чиққандан кейин қандай ишлар қилишларини, ўз ҳарбий қисмларига боргандага қандай кутиб олишларини ва олдиларида қандай вазифалар турганини кўпроқ ўйлар эдилар. Ўрганиб қолган ҳарбий ишни соғинган бу кишиларниң ҳаммасини қўли қичимоқда эди, ҳамманинг истаги янги ҳужумга етиб бориш эди, гарчи янги ҳужум тўғрисида ёзилмаса ҳам ва гапирилмаса ҳам, ҳар ҳолда у ҳаводан сезилиб тургандай эди: Фронтда бирдан жимжит бўлиб қолишидан худди момоқалдироқ бугун-эрта чақнаб кетаётгандек туюларди.

Госпитальдан ҳарбий ишга қайтиб бориш ҳарбий киши учун оддий бир иш. Фақат Алексей Мересьев учун бу нарса бир муаммо эди: у маҳорат қозониш ва машқ қилиш йўли блан оёқларининг йўқлигини билдирамасликни улдалай оладими, у яна қайтиб бориб қиручи самолёт кабинасига ўлтираоладими? У шу мақсадга эришмоқ учун тобора тиришиб зўр бермоқда эди. У секин-секин минутларни ортдириб, оёқларини машқ қилдириш ва умумий гимнастика қилиш вақтини эртаюкечда икки соатгача олиб борди. Лекин бу ҳам унга камдек кўринарди. У кундузги овқатдан кейин ҳам гимнастика қилабошлади. Унга кўз қирини ташлаб куяги блан кузатиб турган майор Стручков ҳар сафар э'лон қилиб дерди:

— Гражданлар, энди табиатнинг сирини тамоша қилинг: Сибирь ўрмонларида нусхаси топилмайдиган улуг шаман Алексей Мересьев ҳозир сизларга ўз ўйинини кўрсатади.

Дарҳақиқат, Алексей зўр бериб, кучаниб гимнастика ҳаракатларини қиласидиган, унинг қилиқлари худди шаманга ўхшарди. Унинг сурункасига ҳа деб қимирла-

шига, бир мұқомда ҳар төмөнга бурилишига, құллари ва бүйнини ликиллатиб астойдил мұқом қилишига қараб туриш қийин эди, шунинг учун унинг ўз сөғи блан юраоладиган ўртоқлари шу вақтда каридорга чиқиб кетар, юраолмайдиган Стручков эса койкасида ётиб, бошига одеялни тортиб ўзини үйқуга соларди: Палата-дагиларнинг ҳечбери оёқсиз учишга ишонмас эди, албатта, броқ ўртоқлари бўлмиш Алексейнинг бундай жаҳду жадал блан ҳаракат қилишига ҳаммалари ҳурмат блан қарап ва ҳазилкашлиқ блан буни ундан яширмоқчи бўлсалар-да, балки, ҳатто ичларида унга қойил ҳам қолардилар.

Майор Стручков тиззаларининг кўзларидаги шикастлар аввал ўйлаганларидаи жиддийроқ эканлиги ма’лум бўлди. Уларнинг битиши жуда секинлик блан бормоқда эди, оёқлари ҳали тахтакачда бўлса ҳам уларнинг соғайишига ҳечбир шубҳа йўқ эди, шундай бўлса ҳам майор уни шунча ташвишга қўйган «бетамиз тиззаларни» авра-астар қилиб сўккани-сўккан эди. Шундай вайсаб сўкишлари бора-бора тажангликка айланиб кетди. Бирон арзимас нарса учун у ҳечким ва ҳечніма қолмасдан сўкабошларди. Шу пайтда бирон киши уни эпақага келтирмоқчи бўлса, у одамни уриб юборишдан ҳам қайтмас эди. Шундай вақтларда ўртоқлари индамай чиқишиб кетар, унинг ўз та’бири блан айтганда, у «ҳамма ўқларини отиб тамом қилгунча» унга ҳечким тегмас эди ва урушда бузилган асаблари қалтирашдан тўхтаб, яна аввалги хушчақчақлиги бошлангандан кейингина улар киришиб келардилар.

Стручков тобора ашаддийлашиб бораётган бундай тажанглигига сабаб қилиб шуни кўрсатардики, менга ҳеч кун беришмайди, ҳатто ҳалога бориб секингина чекишига ҳам қўйишмайди, оёқларни бинтлашга олиб бораётганларида операцияхонада ишловчи сариқ қиз блан кўз қисишиб танишган эдим, энди шу қиз блан коридорда учрашгани ҳам қўйишмайди. Унинг бу гаплари, балки, бирмунча тўғридир, лекин Мересьевнинг сезишича, майорнинг тажанглиги Москва устида самолётларнинг учшини кўрганда, ёки газета ва радиодан бирон қизиқ ҳаво жангги тўғрисида ва бирон таниш

учучининг муваффақияти тўғрисида ҳабар эшигандан қўзир эди. Бу ҳол Мересьевнинг ўзини ҳам ҳаяжонга келтириб, табиатини хира қиласди. Лекин у ҳозир ҳам сир бой бермасдан, ўзини Стручков блан тақдослаб кўриб, ич-ичидан қувонарди. У, оз-моз бўлса ҳам ўзим айтган «чин инсон» қиёфасига яқиялашабошладим, деб ўйларди.

Майор Стручков эски одатини давом эттириди: у кўп овқат ер, салгина нарсага қаҳқаҳа отиб кулар, кўпроқ гапи хотинлар тўғрисида бўларди, шу блан бирга у хотинларга, ҳам муҳаббат блан, ҳам нафрат блан қарарди. Негадир у мамлакат ичкарисидаги хотинларни айниқса кўпроқ ёмонлаб гапиради.

Мересьев Стручковнинг бу гапларига тоқат қилиб туролмасди. Стручков хотин-қизлар тўғрисида гапиранда, Алексейнинг кўз олдига ҳамиша Оля ёки мете-реология станциясидаги анов шўх солдат қиз келарди. Аэроромда хизмат қилучи батальон старшинаси жуда шилқимлик қилиб ёпишгандан, қиз уни винтовка кўндоғи блан уриб будкадан ағдариб ташлаганлиги ва жаҳл устида отиб ташлашига сал қолганлиги тўғрисида полкда сўзлаб юардилар. Алексей майор Стручков ана шуларга туҳмат қилаётир, деб ўйларди. Бир кум майор яна хотин-қизлардан гап очиб, охирида тажантлик блан: «уларнинг ҳаммаси шунаقا», улардан истаганингни «ҳаш-паш» дегунча қўлга олиш мумкин дегандан, Мересьев чидаб туролмади ва жағлари оғригунча тишини тишга босиб:

— Истаганингними? — деб сўради.

— Истаганингни,— деди майор бепарволик блан.

Шу пайтда Клавдия Михайловна палатага келиб кирди ва кириши блан касалларнинг юзларидаги изтироб аломатини кўриб ҳайрон бўлди.

У, беихтиёр қўл юбориб, дуррача тагидаги сочларини тузатаркан:

— Нима гап? — деб сўради.

— Ағдан-бағдан гаплашиб, лақиллашиб ўтириб-миз-да, сестрахон, бизнинг ишимиз шундаقا, чоллардек лақиллашиб ўтирамиз,— деди майор оғзининг таноби қочиб илжайган ҳолда.

Сестра чиқиб кетгач, Мересеъев сўради:

— Буни ҳамми?

— Ҳа нима, унинг зуваласи бошқамиди?

— Клавдия Михайловнани орага қўшмаларинг,— деди Гвоздев жиддий қиёфада.— Ана шу ерда ётган кекса бир киши уни, совет юртиниң малаги, деган эди.

— Хўш, қани ким гаров ўйнайди?— деди майор.

— Гаров?— деб бақирди Мересеъев қора кўзларини ўйнатиб,— Нимадан ўйнамоқчисан ўзинг.

— Масалан дейлик, тўппонча ўқидан, эски замондаги офицерлар шундақа қилишаркан: сен ютсанг, менга отасан, мен ютсам, сенга отаман,— деб кулди Стручков ва ҳамма гапни ҳазилга айлантироқчи бўлди.

— Ҳали шундан гаров ўйнамоқчимисан? Совет командири эканлигингни унутдингми? Агар гапинг тўғри бўлиб чиқса, менинг башарамга туфлашинг мумкин.— Алексей Стручковга қаттиқ ҳўмрайди.— Лекин қараб тур, тағин ўзим башарангга туфлаб қўймай.

— Гаров ўйнамасанг, ўйнама. Жуда кўпиришиб кетдинг. Ол-а. Шунга шунчами... Мен сизга айтсам йигитлар, шу қиз учун отагўри қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, мен сизга шундай ҳам исбот қилиб бераман.

Шу кундан бошлаб Стручков Клавдия Михайловнага ҳархил хушомадлар қиладиган ва латифалар айтадиган бўлиб қолди. У латифа айтишга жуда уста эди. Учучилар ўз ҳарбий саргузаштларини бегона кишиларга ҳа деб айтабермайдилар, лекин Стручков ёзилмаган ана шу қоидани бузиб, ўз ҳаётидаги ҳақиқатан бўлиб ўтган ҳархил қизиқ-қизиқ ва катта-катта воқиаларни унга ҳикоя қилиб берар ва ҳатто оҳ-воҳ қилиб, оиласвий турмушидан ялчимаганлигини, қок боши блан фарид ва ёлғиз бўлиб қолганлигини сўз орасига қистириб ўтарди, ҳолбуки палатадагиларнинг ҳаммаси унинг бўйдоқлигини ва оиласвий турмушида ҳечқандай можара бўлмаганини билишарди.

Клавдия Михайловна уни бошқалардан ўзгача кўриб, кўп бўлмаса ҳам, ба’зи-ба’зида келиб унинг койкасига ўтирас ва унинг жанг мушкулотлари ҳақидаги ҳикояларини тингларди, шу орада Стручков гўё бил-

‘магандек бўлиб унинг қўлини ушлаб тўриб гапирафди, у ҳам қўлини тортмас эди. Мересьевнинг ғазаби тошиш қони қайнарди. Палатадагиларнинг ҳаммаси Стручковдан дарғазаб эди. Стручков эса, худди улар блан ҳақиқатан гаров ўйнаган кишидек қилиқ қиласарди. Унга, бу ярамас қилифингни ташла, деб қаттиқ танбиҳ ҳам қилишди. Палатадагилар, бу ишга жиддий аралашмасак бўлмайди, шекилли деб турган пайтларда. ишнинг ўзи бирдан чаппасига айланаб кетди.

Бир кун кечқурун Клавдия Михайловна навбати келиб дежурлик қилиб турганида бироз лақиллашиб ўтириш учун қирқ иккинчи палатага кирди. Шундай меҳрибонлиги учун ярадорлар уни айниқса ҳурмат қиласардилар. Майор бир ҳикоя бошлади ва сестра унинг койкаси ёнига бориб ўтирди. Нима воқиа бўлганини ҳечким пайқамай қолді. Сестранинг бирдан сапчиб турганини эшишиб ҳаммалари ўша томонга қарашди. Сестра ғазаб блан қорамтири қошлирини чимириб, юзлари қизарип-бўзарип Стручковга қараб турарди. Стручков эса уялганидан ва ҳотто қўрққанидан пима қилишини билмас эди.

— Ўртоқ майор, агар сиз касал ва мен сестра бўлмаганимизда, башарангизга тарсаки блан қўйиб юборардим.

— Нима бўлди сизга, Клавдия Михайловна, менинг кўнглимда шундақа нарса асли йўқ эди... Ол-а, шунга шунчами...

— Шунга шунчами эмиш?— деди сестра; у ҳозир унга ғазаб блан эмас, нафрат блан қаради.— Хўп, мен блан сизнинг бошқа гапирадиган гапимиз йўқ. Эшиздингизми? Ўртоқларингиз олдида сиздан сўрайманки, бундан кейин менга фақат иш блан, тиббий ёрдам керак бўлган вақтлардагина мурожаат қиласиз. Хайр, яхши ётиб, яхши туринг, ўртоқлар.

У ғайри оддий юриш блан оғир-оғир қадам ташлаб чиқиб кетди. Афтидан, у бутун кучи блан ўзини босишга ҳаракат қилмоқда эди.

Палатадагиларнинг ҳаммаси бир пас жим туришди. Сўнгра Алексейнинг ғолибона заҳархандаси эшитилди ва ҳамма майорга юзланди:

— Хўш, энди ҳолинг қалай?

Мересьев кўзларини порлатиб хушмуомала блан сўради:

— Ўртоқ майор, башарангизга туфлашга ҳозир рухсат этасизми ёки кейинроқми?

Стручков ўйланиб ўлтиromoқда эди. Броқ, у бўш келмади ва лекин бироз пасайиб деди:

— Ҳмм, шундақа. Атака қайтарилиди. Майли, зиёни йўқ, тағин бир атака қилиб кўрамиз.

То кечгача у индамасдан ётиб, ниманидир секингина ҳуштак блан кўйга солар ва ба’зан ўз фикрини ма’қуллаб баланд овоз блан: «Ҳмм, шундақа...» деб кўярди.

Шу воқиа бўлгандан кейин орадан кўп ўтмай, Константин Кукушкин соғайиб, госпитальдан кетишга рухсат олди. У, кетиш вақтида на ачинди, на афсусланди, хайрлашаётгандан фақат, медицина жуда ҳам жонимга тегди, деди. У, қўл учи блан бепарво хайрлашида, фақат Мересьев блан сестрага, онамдан хат келса, албатта полкка менга юборинглар, хатни эҳтиёт қилинглар, йўқотиб қўйманглар, деб қайта-қайта таинлади.

— Бориб қандай жойлашганингни ва қандай кутиб олганларини ёз,— деди Мересьев хайрлаштуриб.

— Мен сенга нима ёзардим? Сенинг мен блан нима ишинг бор? Қофоз қоралаб мен сенга хат-пат ёзиб ўтирамайман, барибир, хатимга жавоб қайтармайсан.

— Хўп, ўзинг биласан.

Бу гапни Кукушкин эшитмаган бўлса керак. У, орқасига қарамасдан палатадан чиқиб кетмоқда эди. У, госпиталь эшикларидан ҳам ҳечёқча қарамай чиқиб кетди ва госпитал қоидасига кўра шундай пайтларда палатадагиларнинг ҳаммаси ўртоғини кузатиб қолиши учун дераза остида тўпланишини яхши билса ҳам, индамасдан дар’ё бўйидан ўтиб муюлишда кўздан ғоийиб бўлди.

Броқ, Алексейга у ҳарҳолда хат ёзди ва хат ҳам анча тез келди. Хатдаги гаплар қуруқроқ бўлиб, кўпроқ иш тўғрисида эди. Ўзи тўғрисида у фақат, менинг келишимдан полкдагилар хурсанд бўлишганга ўхшай-

ди, деб ёзгану, аммо шу ондаёқ, кейинги жаңгларда кўп талафот берилган, шунинг учун, тажрибаси катта-роқ киши келиб қолса, бунда ҳамма хурсанд бўлишади, деб писанд қилиб қўйган. У, ўлган ва ярадор бўлган ўртоқларнинг фамилияларини кўрсатгандан кейин, сени ҳозир ҳам йўқлашиб турадилар, ҳозир подполков-ник унвонини олган полк командири сенинг зўр бериб гимнастика қилаётганингни ва авиацияга қайтиб келиш ниятинг борлигини эшитиб: «Мересьев қайтиб келади. У ўз айтганини қилмасдан қўймайди» деди. Штаб бошлиғи унинг бу сўзига: бўлмаганни бўлдириш мумкин эмас, деганда, командир унга, Мересьев ҳам-ма нарсани бўлдиради, деб жавоб берди, деган гап-ларни ёзган. Алексей «метеорология сержант» тўгриси-да ҳам бирнеча оғиз сўз ёзилганини кўриб, ҳайрон қолди. Кукушкин бундай деб ёзган эди: ҳалиги сер-жант сени сўрайбериб тинкамни қуритди, сўнгра жо-нимга текканидан унга: налево кругом, марш... деб юбордим. Кукушкин хатининг охирида ёзганки, қисмга келган куним икки марта учиб кўрдим, оёқларим бу-тунлай тузалиб қолипти. Яқинда полк «Ла-5» деган янги самолётларда учади, бу самолётлар яқинда кела-ди ва қабул қилиш вақтида уларда учиб кўрган Андрей Дегтяренко, бу самолётлар олдида немисларники шалаги чиққан аравага ўхшайди, деди.

### 13

Ез фасли бошланди. Қирқ иккинчи палатага ёз яна ўша теракча орасидан мўралади. Теракчанинг барглари ҳозир қотиб, ялтироқ бўлиб қолган эди. Барглар худди бир-бири блан пицирлашётгандек шилдирашар ва кечқурунлари кўчадан урган чанг-тўзон блан қора-йиб кўринарди. Терак шохчасида ҳалқача-ҳалқача бў-либ турган кучалалар аллақачон кўк мунчоқقا ўхшаб қолган эди ва ҳозир улар ёрилиб, орасидан попукдек лўппакчалар чиқмоқда эди. Қун пешин бўлиб ҳаво қи-зиган чоқда теракнинг бу иссиқ лўппакчалари тўзгиб Москвага таралади, ойналардан уриб палаталарга ки-рарди, қизилроқ тусда товланиб эшик устида керилиб

ёарди ва иссиқ шамол учириб уларни палата бурчаклариға қамарди.

Бир кун қүёш нурларидан сарғич товланиб турган шабадали ёз эртасида Клавдия Михайловна темир кўз ойнакларини ип блан боғлаб қўйган кексароқ бир кишини мағрур бир қиёфада бошлаб келди, оҳори кўплигидан шарақлаб турган янги оқ халат бу кекса устанинг афти-ангорини сра ўзгартирган эди. Унинг қўлида оқ латтага ўроғлиқ бир нарса бор эди, у, тугунни Мересьев койкаси олдида ерга қўйди-да, уни худди фокусчи сингари жиддий қиёфада авайлаб очабошлиди. Қўли осталарида кўн ғичирларди, палатани ошланган бир нарсанинг чумал, ўткир ва аччиқ ҳиди босди.

Чолнинг тугуни ичидан бир жуфт ғарчиллаб турган сариф протез чиқди. Улар жуда келиштириб ясалган ва андазаси соз қилиб олинган эди. Устанинг деярлик бутун ғурури ва фахри бўлган бу протезларнинг учига давлат ишхонасида тикилган янгигина сариф бошмоқлар кийгизилган эди. Бошмоқлар шундай ярашиб тушиган эдикни, худди жонли оёқларга кийилгандек тасаввур қолдиради.

Уста ўзи ясаган бу нарсаларга кўз ойнаги тепасидан суюниб қарапкан:

— Устидан калош кийиб олу, сўнгра подшо таҳлити бўлиб юрабер,—деди.— Буни Василий Васильевичнинг ўзи буюрган: Зуев, шундай протез ясагинки, оёқдан ҳам яхши бўлсин, деди. Мана Зуев ясад келтирди, олинг, марҳамат! Подшолар киядиган хилидан!

Мересьев ўз сун'ий оёқларини кўраркан, юраги орқасига тортиб кетди, ҳурпайди, баданига муз югурди. Лекин протезларни тезроқ кийиб олиб, ўз боши блан мустақил юриш истаги бошқа фикрларнинг ҳаммасини енгди. Ў, чўлтоқ оёқларини одеял остидан чиқариб, чолни тезроқ ўлчаб кўришга қистади. Лекин ўз сўзига қараганда «омон-омон замон»да пойгода отдан йиқилиб оёғини синдириган «кatta бир князъ»га протез ясад берган кекса протезчи устага бундай қистов ёқмади. Ў, ўзи ясаган мато'ига фахри зўр бўлганидан, уни эгасига топшириш маросимини кўпроқ чўзишни истарди.

Уста протезларни енги блан артди, кўн устидаги кичкина донгни тирноғи блан қириб кеткизди, ўша донг теккан жойни оғзига яқинлаштириб пуфлади, оқ халатнинг этаги блан уни артди, сўнгра протезларни полга қўйди, латтани секин ўраб чўнтағига солди.

Мересьев каравотда ўтириб оёқларини ликиллатдидা:

— Чол, бўлсангчи тезроқ,— деди.

Шу топда у ўзини гўё бегона бир киши тусмол қилиб, яланг чўлтоқ оёқларига разм солиб қаради ва оёқларидан мамнун бўлди. Оёқлари ноиложлиқдан ҳаракатсиз ётган кишининг оёқларидек хом семиз эмас, балки миҳдек бақувват эди, қорамтир териси тагидан мускуллари бўртиб ўйнаб турарди, улар сра чўлтоқ оёққа ўхшамас эди, худди тез ва қўп юрадиган кишининг оёқларидек соппа-соғ бўлиб кўринарди.

— Олиб кел, олиб кел деб қистайберма кўп! Шошгае қиз эрга ёлчимас,— деб тўнгиллади чол.— Василий Васильевич менга айтди, Зуев, шу протезларни жуда ғалати қилиб ясад берасан, деди, шундай боплаб ясаки, номинг чиқсин, деди, лейтенант оёқлари бўлмаса ҳам самолётда учишга ҳозирланиб юрибди, деди. Мана биз таппа-тайёр қилиб келдик, мана олинг, марҳамат қилиб, бундақа протезлар блан юриш ўёқда туруси, лисапетда пириллаб гашт қилиб юрса ҳам бўлади, ойнчалар блан капалақдек гир айланиб танцага тушса ҳам бўлади... Қулинг ўргулсин қилиб ясалганда ўзиям.

Чол Алексейнинг ўнг оёғининг чўлтоқ еридан тутиб протезнинг юмшоқ мовут қўйилган қўнжига тиқди ва тасмалари блан оёғини қаттиқ тортиб боғлади. Сўнгра ўзи бир оз орқага тисарилиб разм солиб қаради ва тили блан «чўлп» эткизиб қўйди.

— Қулинг ўргулсин этикча бўлибди-да ўзиям!.. Безовта қилмаяптими? Ана шуниси бор-да!.. Зуевдан яхши уста Москвада йўқ деса бўлади. Зуевнинг қўллари қўл эмас, тилла.

Ў, иккинчи протезни ҳам чақонлик блан кийгизди ва тасмаларини ўтказиб бўлар-бўлмас, Мересьев бирдан сакраб койқадан полга тушди. Тақирлаган товуш

эшитилди, Мересьев оғриқнинг зўридан шу ердаёқ қаравот ёнига бўйи баравари гурсиллаб афдарилиб тушди.

Кекса уста ангфрайиб ҳайрон қолганидан кўз ойнаклари пешонасига чиқди. Ўз суфоришчисидан у бундай шошқолоқликни кутмаган эди. Мересьев ботинкаллик сун'ий оёқларини иккиёққа тарвайтириб, мўнгсиб, ўқсиб полда чўзилиб ётарди. Кўзларида ҳайрат, ранж ва қўрқинч аломати кўринарди.

Наҳотки унинг умиди пучга чиқса-я?

Клавдия Михайловна қўлини қўлига шалпиллатиб урдида, унга ташланди. Улар кекса уста блан бирга Алексейни кўтариб койкага ўтқазиши. У руҳсизланиб, бўшашиб ўтирас ва юзларида ғамгинлик аломати кўринарди.

— Э-э-э, биродар азиз, бундақа қилиш ярамайди, асло ярамайди,— деб валдираб кетди уста.— Қаранг-а, унга худди бутун оёқ ясад қўйгандай сакраб тушипти, тағин. Қовоқ солиб ўтиришнинг фойдаси йўқ, азиз дўстим, энди сенинг ишинг шундақа бўладики, ҳаммасини бошқатдан бошлайсан. Ҳозир сен ўзингни жангчи деб ўйлама, сен ҳозир чақалоққа ўхшаган бир нарса, тетапоя қилиб юрадиган вақтинг, аввал қўлтиқ таёқ блан юришни ўрган, сўнгра деворни ушлаб юрадиган бўласан. Ундан кейин кичкина таёқ ушлаб юрасан. Бу иш бирдан әмас, аста-секин бўлади, сен бўлсанг, бирданига ўзингни осмондан ташламоқчи бўласан!.. Оёқларинг яхши бўлса ҳам, ҳар ҳолда ўз оёқларингдек әмас, отанг блан онанг ясаган оёқларни энди сенга ҳечким ясад бермайди, азиз дўстим.

Ноқулай сакрашдан оёқлар зирқирамоқда эди. Лекин Мересьев протезларни ҳозир синаб кўришни талаб қилди. Унга қалайдан ясалган енгилгина қўлтиқ таёқ келтириб бердилар. Алексей уларни қўлтиқларига тираб, секингина қимирлаб койкадан турди ва оёқларини ерга босди. Ҳақиқатан ҳам у ҳозир юрабилмайдиган ва ўзича юрсам юриб кетаман деб талпинадиган, лекин унга мадад бериб турган девордан қўлларини узишдан қўрқадиган чақалоққа ўхшарди. Биринчи марта юришга ҳозирланган чақалоқни онаси ёки бувиси қўлтиғи тагидан рўмол ўтказиб ушлаб юргани сингари

Мересьевни ҳам Қлавдия Михайлова блан кекса ўста икки томондан авайлаб ушлашиб юришди. Мересьев бир жойда тикка туриб, оёқларининг протез қадалган срлари ҳали ўрганмагани учун зирқираб оғриётганини сезаркан, энг аввал қўлтиқ таёқнинг биттасини кўтариб қўйди, сўнгра иккинчисини кўтариб қўйди-да, гавдасининг бутун оғирлигини уларга ташлаб, бирин-кетин оёқларини кўтариб босди. Протезнинг кўнлари ғажиргужир қилди, полга бўм-бўм қилиб урилган икки овоз чиқди.

— Хайрият, хайрият,—деди кекса уста.

Мересьев эҳтиёт бўлиб яна бирнеча қадам босди, лекин бу қадамларни босишда у шунча қийналдики, эшик олдига бориб келгунча, худди оғир бир юкни бешинчи қаватга кўтариб чиқаргандек бўлди. У, каравот олдига келибօқ ўзини кўкраги блан унинг устига ташлади, ҳаммаери терга ботиб, орқасига ағдарилишга ҳам ҳоли бўлмади.

— Хўш, қандай экан протезлар? Ана шундақа, дун'ёда уста Зуев борлиги учун худога шукур қил,— деб чолларча мақтанди уста ва секин-секин тасмаларни ечиб, Алексейнинг ҳали ўрганмагандан шишган оёқларини астагина бўшатди.—Бундақа оёқлар блан ҳавога учиш уёқда турсин, ҳатто худой таолонинг арши а'лосига етиш ҳам мумкин. Ўзи ҳам ясалганда қулинг ўргилсан қилиб!

— Раҳмат, раҳмат, бобо, жуда соз ясабсан,— деди Алексей инқираб.

Уста худди нимадир сўрашга ботинолмай ёки ўзи бирор сўроқ кутаётгандай бир жойда депсиниб индамай турмоқда эди.

— Ундей бўлса, хайр. Омон-эсон кийиб юр,— деди у; ҳафсаласи пир бўлгандай бир уф тортди-да, сўнгра секин-секин эшикка қараб юрди.

— Ҳой, уста,— деб чақирди уни Стручков,—ма, буни ол, «шоҳларга муносаб» протезлар ясаганинг шарафиға арақ олиб ичарсан,— деди ва чолнинг қўлига бир ҳовуч йирик қоғоз пул қистирди.

— Ҳўп, раҳмат, раҳмат,— деди чол хурсанд бўлиб,— шундай пайтларда арақ ичмай бўладими.— У,

пулларни орқа чўнтағига солмоқчи бўлиб халатнинг этакларини косибнинг коржомасидек қайириб олди.— Раҳмат, арақ ичамиз бу пулга, протезлар ҳам жондек қилиб ясалганда, ахир. Василий Васильевич менга айтдики, Зуев, бу маҳсус буюртма, расво қилма лекин хўш, Зуев ҳечвақт кўра-билатуриб расво қила-дими. Хонаси келганда, сиз Василий Васильевичга рапорт бериб, устанинг ишидан хурсандмиз, деб қўйинг.

Шундан кейин чол та’зим қилиб, нималарни дир фу-дурлаб чиқиб кетди. Мересьев эса каравот ёнида тур-ган янги оёқларига қараб ётарди. У, қараган сари бу янги оёқларнинг усталик блан ясалиши ҳам, келишган эндаzasи ҳам ва енгиллиги ҳам унга кўпроқ ёқарди: исапет миниб юрса ҳам, капалакдай айланиб таниага ушса ҳам бўлади, самолётга тушиб учса ҳам, худой таолонинг арши а’лосига чиқса ҳам бўлади. «Ҳаммаси-ни қиласман, шуларнинг ҳаммасини албатта қиласман» деб ўйлади у.

Шу куни у, Оляга хурсандлик блан ёзилган катта хат юборди ва бу хатида: самолётларни қабул қилиш ишини тамомлаётирман, бошлиқлар арзимни қабул қилиб, балки, кузла ёки, ҳеч бўлмаса, қишида мени бу ҳафагазак орқа томондан олиб фронтга, ўз полкимга юборсалар керак, деган умидим бор, у ерда ўртоқла-рим мени йўқлаб кутишиб турипти, деб ёзди. Бу хат унинг оёқлари майиб бўлгандан кейин қувноқлик блан ёзган биринчи хати эди. У ўз қаллиғига, ҳамиша фик-ри-ҳаёлим сенда, ҳамиша сени соғинаман, деб ёзган эди. Сўнгра у, юраги унча дов бермай, урушидан кейин балки учрашармиз ва агар сен фикрингдан қайтмасанг балки бирга туармиз, деб ёзди. Бу хатни у бирнеча бор қайта-қайта ўқиб чиқди-да, сўнгра бир уф тортиб, охирги сатрларини яхшилаб ўчириб ташлади.

Броқ, «метеорология сержантига» ёзилган хат жуда ўткир ва хуш мазмун эди. Бу хатда шу кунги ҳангамалар чиройли қилиб тасвирланган, подшоҳ-император ҳам умрида киймаган протезларнинг мақтови келтирилган эди ва ўзининг бу протезларда энг аввал қандай қилиб юрганлиги, сергап кекса устанинг гапира-

Бериб қулоқ мияни қоқиб берганлиги ва лисапетга миниб юришга ҳам, капалакдай айланиб танцага тушишга ҳам, «арши а'лога» чиқишга ҳам орзумандлиги муфассал ёзилган эди. «Шундай қилиб, менинг полкка стиб боришимни кутинг ва унутманг, комендантга айгингки, янги ерга кўчганда албатта менга жой ажратиб қўйсин» деб ёзди Мересьев ва кўз қири блан полда ётган протезларга қараб қўйди. Протезлар чўзилиб ётарди, худди бирор каравот тагига бекиниб, янги сариф ботинка кийган оёқларини кенг тарвайтириб ётганлек кўринарди. Алексей уёқ-буёққа қараб, ҳечким унга назар солмаётганига ишонгандан кейин, муздек ғажир кўнни қўли блан силаб-сийпалаб қўйди.

Қирқ иккинчи палатада «шоҳона протезлар»нинг пайдо бўлганлиги тез кунда яна бир жойда муҳокама қилинди: у ҳам бўлса, Москва Давлат Университети медицина факультетининг учинчи курсида эди. Шу курснинг ўша вақтларда аксариятини ташкил қилган хотин-қизлар қисми қирқ иккинчи палатадаги воқиалардан Анюта орқали жуда яхши хабардор эди. Анюта хабарлашиб турадиган кишисидан жуда хурсанд эди ва, аттангки, лейтенант Гвоздевнинг ошкора қилмаслик шарти блан юборган хатларининг ба'зи ўринлари баланд овоз блан ўқиб эштилиарди, ба'зан эса, хатларнинг сир сақланадиган айрим жойлари ташланиб, қолган ҳаммаси ошкора ўқиб чиқиларди. Сўз тўғри келганда айтиб ўтиш керакки, бу хатларнинг сони кўпайган сари уларнинг сир сақланадиган жойлари ҳам тобора кўпайиб бормоқда эди.

Учинчи курсдаги медициначиларнинг Анюта бошлиқ ҳаммаси қаҳрамонлик кўрсатган Гриша Гвоздевга меҳру муҳаббат блан қаарарди, дилозор Константин Кукушкинни ёмон кўришарди, Совет снайпери Степан Ивановични Толстойнинг Платон Каратаевига ўхшатарди. Мересьев ўзини тетик ва бардам тутганлиги учун унга қойил қолишиб, офарин ўқишарди, Комиссарнинг вафот этганини ўз бошларига тушган мусибат деб билишарди, чунки Гвоздевнинг унинг ҳақида қувончи ичига сиғмай айтган гапларидан улар Комиссарнинг кимлигини яхши билган ва уни чинакам севган

эдилар. Бу азамат ва хушчақчақ одамнинг ҳаёт ипи узилганлиги тўғрисидаги хатни ўқиганларида кўпларининг кўзларидан ёшлар оқди.

Госпиталь блан университет орасида бориб келадиган хатлар тобора кўпаябошлади. Икки ёш ўша кунларда жуда секин юрадиган почтадан қаноагланмасди. Гвоздев бир хатида Комиссарнинг, йироқ юлдузларнинг шу'ласи қанча вақтда ерга келиб етса, ҳозир хатлар ҳам эгасига бориб етгунча шунча вақт ўтади. Хат ёзган киши ўлиб кетса ҳам, унинг хати йўлда узоқ вақт юриб эгасига бориб тегади-да, қачонлар ўлиб кетган хат ёзган кишининг ҳаётидан сўзлайди, деган гапларини келтирган эди. Чақон ва серҳаракат Анюта мукаммалроқ алоқа воситаларини излайбошлади ва бу воситани топди: икки жойда, я'ни ҳам университет шифохонасида, ҳам Василий Васильевич госпиталида ишлайдиган кекса бир сестрани топди.

Шу кундан бошлаб университет қирқ иккинчи палатада бўлган воқиаларни иккинчи куни, кўп деганда учинчи куни биладиган ва улар ҳақида ўз фикрини тез айтадиган бўлиб қолди. «Шоҳона протезлар» пайдо бўлиши муносабати блан университет ошхонасида, Мересьев учаоладими-йўқми, деган мунозара кетди. Бу қизгин музокарага қатнашган ҳар икки томон ҳам учучига меҳр-муҳаббат блан қарабарди. Ноумид кишилар қиручи самолётни бошқариш қийинлигини сўзлаб: йўқ учаолмайди, дер эдилар. Умидли кишилар эса душман орасидан чиқиб ярим ой давомида ўрмонлар ва ботқоқлардан эмаклаб ўтган ва, худо билсин, неча километр йўл босган бир киши учун имкондан ташқари ҳечнарса йўқ деб ҳисоблардилар. Умидли кишилар ўз далилларининг исботи учун тарихдан ва китоблардан мисоллар келтирадилар.

Анюта бу мунозараларга қатнашмади. Унга нома'-лум учучининг протезлари уни унча қизиқтирмасди. Онда-сонда бўш бўлган вақтларида у, Гриша Гвоздевга бўлган муносабатини ўйларди, бу муносабат унга тобора мураккаблашиб бораётгандек бўлиб туюлмоқда эди. Бошда у, шунча фожиаларни бошидан ке-чирган командирнинг кўрсатган қаҳрамонлигини эши-

тиб; бошқа ҳечбир мақсадни ўйламасдан, қайғусиниң сингиллаштириш тилагида унга хат ёзган эди. Сўнгра, уларнинг ғоибона танишлиги маҳкамланаборган сари Ваган уруши қаҳрамонининг мавҳум сиймоси ўрнини чинакам бир йигит келиб босди ва бу йигит борган сари кўпроқ Аниотани ўзига қизиқтирабошлади. Ундан хат келмай қолган вақтларда Аниота безовтала на диган ва соғинадиган бўлиб қолганини сезди. Бу янгилик уни қувонтирас за чўчитарди. Нима бало, севиб қолдимикин? Ажабо, бир марта ҳам афтини кўрмаган, хатто овозини ҳам эшитмаган бир кишини фақат хат орқали севиш мумкинми? Танкчининг хатларида сирли гаплар тобора кўпаймоқда эди ва бу гапларни қиз блан бир курсда ўқучиларнинг билиши мумкин эмас эди. Бир кун Гвоздевнинг ўзи унга, «ғоибона муҳаббат туйғуси» менга ҳам та’сир қилаётганга ўхшайди, деб ёзганидан кейин Аниота ошиқ бўлиб қолганига ишонди, бу, мактабда ўқиб юрган вақтларидаги болалик ишқи эмас, балки ҳақиқий ишқ эди. Агар хат келмай қолса, ҳаётида ма’но йўқдай туюларди ва тоқатсизлик блан хат келишини кутарди.

Шундай қилиб, улар бир-бирларини кўрмасдан, муҳаббат изҳор этишдилар. Шундан кейин Гвоздев фалати бир ҳолга тушиб қолди. У зарда блан хат ёзадиган, хатларида аччиқ-чучук гаплар ва очиқ айтилмаган фикрлар кўп учрайдиган бўлди. Сўнгра у, эс-ҳушини йиғиб олгач, қизга хат ёзиб, бир-бири мизни кўрмасдан муҳаббат изҳор қилишимиз яхши бўлмади, куйгандан кейин афти-башарамнинг қандай хунуги чиқиб кетганини, балки, сиз тасаввур қилмассиз, ҳозир мен сизга юборган эски суратимга сра ўхшамайман, деди ва, мен сизни алдамоқчи эмасман, шунинг учун ўз кўзимиз блан бир-бири мизни кўриб кимлигимизни билгунча, ишқ-муҳаббат тўғрисида хат ёзишмай турсак, деб сўради.

Қиз аввал довдира б қолди, сўнгра қўрқиб кетди. Чўнтагидан суратни олиб қаради. Икки чеккаси сал тутириб чиққан турқи келишган, қирра буруни ўзига ярашгац, мўйловчалари сабза уриб турган ва лаблари нозикдан келган ёш бир йигит унга қараб турарди. Қиз

суратга боқиб турди-да: «Ҳозир-чи? Ҳозир қанақасан, жонгинам, бахтсизликка учраган азизим»—деди пичирлаб. Қиз медицинадан хабардор бўлгани учун, куйгандан кейин ёмон, чуқур доғлар қолишини ва бу доғлар тузалмаслигини биларди. Шу пайтда негадир унинг хаёлига анатомия музейида кўрган одам қалласининг ясама бужур сурати келди. Унинг юзларини чўзиқ-чўзиқ кўкимтир доғлар ва уни қизил риханаклар босиб ётарди, лаблари қийшиқ ва кемтиқ, қошлари пахмайган ва киприксиз кўзларининг милклари қипқизил бўлиб турган эди. Борди-ю, у ҳам шундай бўлиб қолган бўлса? Қиз чўчиб, ҳатто оқариб кетди, лекин шу ондаёқ ўз ичидаги ўзини жеркиб ташлади... Хўш, шундай бўлиб қолса, нима қилипти! У, ёниб турган танқ ичидаги туриб душманга қарши курашган, у менинг эркимни, ўқиш, илм олиш ҳуқуқимни, менинг номусим ва ҳаётимни ҳимоя қилган. У қаҳрамон, урушда ўзини бирнечча марта хавф-хатарга урган, ҳозир яна жанг қилиши ва ўз ҳаётини яна хавф-хатарга солиш учун қайтиб боришига отланаянти. Хўш, мен-чи? Уруш учун мен нима қилдим? Окоплар қазиганим, томда қоровул бўлиб турганим ва ҳозир кўчма госпитальда ишлаб турганими? Менинг бу ишларимнинг ҳаммаси унинг қилган ишлари олдида урвоқ ҳам бўлмайди-ку, ахир?! Қиз хаёлига келган бояги доғ босган хунук башарани беихтиёр миёсидан ҳайдаб: «фақат ана шундай ёмон фикрларни ўйлаганим учун ҳам мен бу йигитга муносиб бўлолмайман» деди ўзини жеркиб.

Қиз ўтириб унга жуда хушмуомала блан катта бир хат ёзди. Бу хат шу вақтгача ёзган хатлари ичидаги энг назокатли ва энг муфассал хат эди. Қизнинг ҳалиги иккиланишлари тўғрисида Гвоздев ҳечнами билмас эди, албатта. Ташвишланиб ўтирган Гриша ўз хатига жавобан шундай яхши хат олгандан кейин, уни узоқ термулиб ўқиди ва қайта-қайта ўқиб чиқди, хатнинг мазмунидан ҳатто Стручковни ҳам хабардор қилди. Стручков эса, унинг сўзларига диққат блан қулоқ солиб туриб, деди:

— Бўш келма, танқчи. Эй, дўстим, «башараси қийшиқ бўлсину, ақли бўлсин» деган бундақа гапларнинг

и йилгани қачон эди? Бундақа гапларга учма. Ҳозир, дўстим, айниқса ҳозирги вақтда эрларнинг қадри жуда ошиб кетган.

Ма'лумки, бундай таги йўқ гаплар блан Гвоздев хотиржам бўлолмасди. Соғайиб госпитальдан кетиши иқинлашган сари, у тез-тез ойнага қарапди, гоҳ узоқдан туриб, ўзига юзаки назар ташларди, гоҳ ажир-бужир юзларини ойнага жуда яқинлаштириб, пўсти тушгани ва доғ қолган ерларни соатлаб силаб текисларди.

Унинг илтимосига кўра, Клавдия Михайловна унга нудра блан юзга суртадиган крем сотиб олиб келтириб берди. У дарҳол упа-эллик блан юзларидаги доғларни ёниб бўлмаслигини билди. Броқ шундай бўлса ҳам, кечаси ҳамма ухлагандан кейин, секингина ҳалохонага бориб, юзларидаги қизил доғларни узоқ ишқаларди, нудра сепиб яна ишқаларди, сўнгра умидворлик блан ойнага қарапди. Йироқдан қараганда у қадди-қомати келишган, елкалари кенг, беллари хипча, оёқлари ғоздай, «мана ман» деган йигит бўлиб кўринарди. Яқиндан-чи! Яқиндан қараганда, юзлари ва бўйинларидаги қизил доғлар, териларининг ажир-бужир бўлиб ётиши унинг ҳафсаласини пир қиласарди. Уни бирдан даҳшат босиб ўйланиб қоларди: қиз бир кун кўриб қолса-я? Бирдағ юраги чиқиб кетар, бирдан менга қараб, юзларини тескари бурада, елкаларини қисиб кетаберар. Ёки бундан ҳам ҳунукроқ бир ҳол рўй бериши мумкин: чунончи, қиз адаб юзасидан у блан бир-икки соат гаплашиб ўтиради-да, сўнгра бирон расмана совуқроқ гапни айтиб, хайр, деб кетаберади. Худди шу воқиаларнинг ҳаммаси амалда бўлиб ўтганидек, Гвоздев хафаликдан ҳаяжонланиб, ранги оқарабошлади.

Шу вақтда у халатининг чўнтағидан суратни олдида, унга тикилиб қаради: кўзлари олдида пешонаси баланд, юмшоққина барра соchlари орқага гаралган, чинакам русча бурни сал қалинроқ туртиб чиқсан ва болаларча лаблари нозикдан келган тўлиқ бир қиз турарди. Юқори лабида билинар-билинмас кичкина бир холи бор эди. Қовоқлари салгина бўртиб турган сариф ёки мовий кўзлари очиқ ва гўзал юзларига қўшилиб, тантни ва ҳалоллик блан Гвоздевга боқарди.

У, қизнинг суратига тикилиб қааркан, худди унгā савол берәётгандек: «Ўзинг қанақасан? Қани айтчи, башарамни кўриб қўрқиб қочиб кетмайсанми? Хунуги чиққан афт-ангоримни кўриб индамасдан туришга юрагинг чидайолармикин?» дерди.

Шу вақт ундан нарироқда, коридор ёнида қўлтиқ таёқларини тақиллатиб, протезларини гажирлатиб старший лейтенант Мересьев чарчамасдан бир муқомда ҳаракат қилиб нари-бери юрмоқда эди. У, йигирма марталаб уёқ-буёққа юриб ўтди. У, ўзича қандайдир бир программа тузиб олиб, эрталаб ва кечқурунлари юришдан ўзига дарс берарди ва кун сайин юриш саатини ошириб борарди.

«Ажойиб йигит бу!— деб ўйлади Гвоздев.— Тиришқоқ, айтганини қилмасдан қўймайдиган бир киши. Одамда ҳам шу қадар зўр ирода бўлар экан-а! Бир ҳафта ичидаги қўлтиқ таёқ блан тез ва чаққон юришни ўрганиб олди. Бошқалар ойларча юриб зўрға ўрганади. Кеча носилка блан олиб боришга унамасдан, давохонага ўзи зинапоядан тушиб борди. Қайтишда ҳам ўзи зинапояга чиқди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқиб туринти-ю, лекин у юқори кўтарилаяпти. Ҳатто у, ёрдам беришга борган санитаркани жеркиб ташлади. Ўз кучи блан тепага чиқиб олгандан кейин бирам чеҳраси очилиб кетдики! Худди Эльбрус тоғига чиққандай бўлди».

Гвоздев ойнадан четлашиб, Мересьевнинг орқасидан қараб турди: у оёқлари ва қўлтиқ таёқларини кўтариб-босиб юрмоқда эди. Унинг тез-тез йўргалашига қара-я! Унинг юзлари қанда йяхши, қандай келишган! Қоши ёнидан кесиб ўтган кичкинагина доғ ҳуснини заррача бузмапти, балки ҳуснига ҳусн бўлиб тушипти. Менинг юзларим ҳам шундай бўлганда эди ҳозир. Оёқларнинг аҳамияти йўқ, оёқлар кўзга кўринмайди, у, албатта, юришни ҳам, учишни ҳам ўрганиб олади. Лекин юзнинг мана бундақа ажир-бужир бўлгани ёмон, худди шайтонлар маст бўлишиб кечаси юзнинг устида ноҳат туйганга ўхшайди...

... Алексей Мересьев кечки дарс ҳисобидан коридор ёнида йигирма уч марта қатнагач, бутун гавдаси ҳориб

чириқираётганини, сонлари шишиб ачишаётганини ўа қултиқ таёқ зарбидан қўлтиқларининг осги куайишиб оғриётганини сезди. У ойна олдида турган Гвоздев синидан ўтатуриб, унга кўз қисиб қўйди: нега бояқиш юзларини бунча қийнайди бу тентак! Албатса, энди у кинога артист бўлмайди, аммо танкчиликни қойил қилиди... Юз ёмон бўлса нима қилипти, бош блан қўл-осек омон бўлса — бас-да. Аммо лекин бундақа чўлтоқ оеклар эмас, чинакам оёқлар бўлгани тузук; нима шу ҳам, шулар ҳам оёқ бўптими, ҳа деб оғриб куйишгани куйишган, протезлар кўндан эмас, балки қизитилган темирдан ясалганга ўхшайди.

Тўқ, тўқ, ғарч-ғурч. Тўқ, тўқ, ғарч-ғурч.

Старший лейтенант Мересьев лабларини тишлаб ва ёш чиқармасликка тиришганидан кўзлари ачишиб, коридорда зўрға йигирма тўққиз марта қатнаб, бир кунлик дарсини тамом қилди.

## 14

Григорий Гвоздев июнь ойининг ўрталарида госпитальдан чиқди.

Шундан бир кун ёки икки кун бурун улар Алексей блан яхшилаб сўзлашиб олдилар ва икковлари ҳам баҳтсизликка учраганликлари, ҳамда икковларининг ҳам шахсий ишлари бирхилда ишқал бўлганлиги учун, улар ҳатто ичдан қувонгандай бўлдилар. Шундай кезларда дилкашлиқ қилиш расм бўлиб қолгани сингари, улар сир яширмасдан бир-бирларига нимадан хавфирашларини сўзлаб бердилар, ҳарқайсиларининг юрагида мадда бўлиб ётган ҳасратларини ёздилар, чунки иззатнафслари ўз шубҳаларини бировга айтишга ҳозиргача йўл бермай келган эди. Улар таниш қизлари.ning суратларини бир-бирларига кўрсатдилар.

Алексеининг уриниб эскириб ва қорайиб қолган ўрганчик ~~Фото~~ аппарати бор эди. Улар Оля блан Волганинг нариги томонидаги чаман очилиб ётган кўкаламзорда кўкатлар устида оёқ яланг чопишиб юрган ҳув ана у июнь ойининг тиниқ ва очиқ бир кунида у,

Оляни суратга олган эди. Қиз бола сингари озғингина Оля гулдор кўйлаги блан кўкат устида оёқларини тагига йиғиб, оқ гуллар орасида ўтирган эди, терилган гуллар тиззалири устида сочилиб ётарди ва ўзи ҳам тонг шабнамида чўмилган оқ гулдек оппоққина ва озодагина эди. У, гулларни ушлаб тураркан, ўйланқираб бошини бир томонга сал эгган эди, кўзлари катта-кatta очилган ҳолда жовдираб турарди, гўё у, дун'енning ҳашамати ва ноз-не'матларини биринчи марта кўраётган эди.

Танкчи Олянинг суратига қараб туриб, бошингга кулфат тушганда бундай қиз бевафолик қилиб ташлаб кетмайди, деди. Хўп, ташлаб кетса кетаберсин, демак, соҳт-сумматига ишониб бўлмас экан, шундай бўлса, ташлаб кетгани ҳам тузукроқ, демак асли ўзининг таги паст экан, ундақа таги паст киши блан турмуши қуриш мумкинми, ахир!

Анютанинг турқи ҳам Алексейга ёқди. Боягина Гвоздев ўз дардини унга қандай ҳикоя қилиб берган бўлса, Алексей ҳам ўзи пайқамасдан, худди шу гапларни ўз сўзи блан унга бирма-бир айтиб берди. Бу оддийгина сухбат, ма'lумки, уларнинг шахсий ишларига ҳечбир янгилик киргизмади, лекин икковлари ҳам ҳасратлашиб, юракларини анча бўшатиб олдилар, худди эски маддалари ёрилгандай анча енгиллашдилар.

Икковлари бундай бир шарт қилишдилар: Гвоздев Анююта блан бирга госпитальдан чиқиб, (Аниюта телефон қилиб Гвоздев чиқадиган кун келишини ва'да қилган эди) ва у блан бирга палатанинг деразалари ёнидан ўтди, Алексей шу ондаёқ бу қиздан олган таас-суротини хатга ёзиб Гвоздевга беради. Гвоздев ҳам уни Аниюта қандай кутиб олганини, куйиб хунуги чиққан юзига қандай қараганини ва умуман муносабатлари қандай бўлганини дўстига ёзиб юборишни ва'да қилди. Шу топда Мересьев бир гапни ўйлаб юрагига тугиб қўйди: агар Гришанинг ишлари жўнгина жўнашиб кетса, у ҳам ўзи тўғрисида ҳамма воқиани айтиб дарҳол Оляга хат ёzáди, фақат ҳали ҳам тўшакда ётган бемор онасига бу воқиани билдириб, уни мусибатга солмасликка қиздан сўз олади.

Шунинг учун уларнинг иккови ҳам танкчига қачон рухсат берилишини юраклари дукиллаб кутмоқда эдилар. Зориқиб кутаберганларидан кечаси ухламай чиқдилар, кечаси икковлари коридорга чиқишиди, Гвоздев ойна олдида туриб юзидағи доғларини яна бир марта боплаб ишқалади, Мересьев бўлса, товуш чиқармаслик учун қўлтиқ таёқларининг учларига латта боғлаб, яна бир марта юришни машқ қилди.

Эрта блан соат ўнда Клавдия Михайловна айёрларча кулимсираб, Гвоздевга, сизни олиб кетгани келишиди, деди. У, шамол учиргандай койкадан иргиб турди. Қипқизариб кетганидан, юзларидаги доғлар яна яққолроқ кўринди, у тез-тез нарсаларни йифабошлади.

Сестра унинг шошиб-пишиб йигинаётганига қараб туриб, кулимсираб деди:

— Тузуккина қиз экан, ўзи ҳам оғиргина кўринади.

— Жиддий айтаяпсизми? Сизга ма'қул бўлдими? Иўқ, тўғрисини айтинг, ҳақиқатан яхши қизми? — деди Гриша ва шошганидан хайрлашишни ҳам унугиб югуриб чиқиб кетди.

— Ёш бола! — деди пўнғиллаб майор Стручков.— Бунлақалар пашша тутишга ҳам ишқивоз бўлишади.

Тиниб-тинчиб ўтирумайдиган бу одам кейинги кунларда ўзгарабошлади. У камгап бўлиб қолди, ҳечбир сабабсиз тез-тез жаҳли чиқадиган бўлди, у ҳозир койкада туриб ўтирадиган бўлганлигидан, икки қўлинин жағига тираб, кун бўйи деразага қараб ўтирас ва бирон гап сўралса, жавоб ҳам бермас эди.

Палатадагиларнинг ҳаммаси — тумшайиб қолган майор ҳам, Мересьев ҳам, янги келган икки ярадор ҳам — бошларини деразадан чиқариб, Гвоздевнинг кўчага чиқишини кутардилар. Кун иссиқ эди. Осмонда теварак-четлари олтиндай ялтираб қизариб турган барра булатлар дамба-дам шаклини ўзгартиб тез сузарди. Шу пайтда дар'ё устида бир парча қора булат пайдо бўлиб, қуёшда ялтираган ёмғир йирик томчиларини йўл-йўлакай сийраккина сепкилайбошлади. Дар'ё қирғонидаги гранит тошлар ёмғирдан ялтирас ва худди пардоз берганга ўхшарди, асфальт устини қорамтири мармардек доғлар қоплади ва улардан чиройли бўлиб

буғ кўтарилди, шу топда бошингни деразадан чиқариб бу ёқимли ёмғирга тутгинг келарди.

— Келяпти, — деди секингина Мересьев.

Эман ёғочидан ясалган пастдаги оғир эшик секинлаб очилди. Эшиқдан икки киши чиқди: бири тўлиққина бир қиз бўлиб, бош кийимсиз эди, соchlари оддийгина тараб йиғиб қўйилган эди, эгнида оқ кўйлакча ва қора юбка бор эди; иккинчиси ёш ҳарбий киши эди, Алексей унинг танкчи Гриша эканлигини дарров пайқамади. Ҳарбий киши бир қўлида чемодан ушлаб, иккинчи қўли устига шинелини ташлаган ҳолда қушдек енгил ва шағдам қадам ташлаб борарди ва унинг юришига қараб кишининг завқи келарди. Эҳтимол, ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлиб ва яйраб юрадиган бўлганига хурсанд бўлиб, у ҳатто эшик зинапоясидан югуриб эмас, балки чаққонлик блан сирғониб тушдида, ҳамроҳининг қўлтиғидан олди, улар олтиндай товланиб йирик-йирик томчилаб сийрак ёғаётган ёмғир остида дар'ё бўйидан юриб, палата деразасига яқинлашилар.

Алексей уларга қараб тураркан, қувончи ичига сифмасди: демак, ишлар муваффақиятли, қизнинг чеҳраси бундай очиқ, юзлари бундай соддагина дилбар бўлиши бежиз эмас. Бундақа қиз юз ўгириб кетмайди. Шундай, шундай, инсон бошига кулфат тушганда, бундай қизлар ундан юз ўгириб кетмайди.

Улар дераза тўғрисига келиб тўхтади ва бошларини кўтариб юқорига қаради. Икки ёш дар'ё бўйида ёмғирдан ялтираб турган тош деворнинг панжаралари остида ёмғир томчилари кам сачрайдиган сал қуруқроқ ерда турардилар. Шу пайтда Алексей танкчининг юзларида саросималик ва безовталик аломатини кўрди, унинг ёнида турган ва ҳақиқатан суратидагидай келишган Аниота эса ниманидир ўйланқираб, ташвичланниб тургандай эди. Унинг қўли танкчи қўли устида омонат тургандай кўринарди ва туриши ҳам худди ҳозир қўлини тортиб олиб қочиб кетадигандай безовта ва мужмал эди.

Икки ёш қўлларини юқорига силкитиб ва зўраки кулимсираб дар'ё бўйидан юриб кетишди ва муюлиш-

да кўздан ғойиб бўлишиди. Палатадагиларнинг ҳаммаси индамасдан жой-жойига бориб ўтири.

— Гвоздичнинг иши пачавага ўхшайди,— деди майор ва коридордан Клавдия Михайловнанинг оёқ шарпасини эшитиб, сесканиб кетди ва дарҳол юзини деразага ўгирди.

Алексей қолган кунни безовталик блан ўтказди. Кечқурун у ҳатто юриш машқини ҳам қилмади, ҳаммадан бурун чўзилиб ётиб олди, лекин палатадагилар ухлаб қолганидан кейин ҳам унинг койкасининг пружиналари узоқ вақтгача қаттиқ ғичирлаб турди.

Эртаси куни эрталаб сестра эшикдан кириши блан у, менга хат йўқми, деб сўради. Хат йўқ эди. У, бўшашиб ювинди ва бўشاшиб овқат еди. Лекин у бугун одатдагидан кўпроқ юришни машқ қилди, кеча дадиллик қилмагани учун ўз-ўзини жазолаб, бажарилмаган кечаги норма ҳисобидан ўн беш марта ошиқ қатнади. Кутимаган бу муваффақият уни ҳамма ташвишларни унудишига мажбур қилди. У, қўлтиқ таёқлар блан, ўзини унга чарчатмай, бемалол юриши мумкинлигини исбот қилди. Масалан, коридорнинг эллик метр узунлигига қатнов сонини қўшиб қирқ бешга кўпайтиrsa, икки минг икки юз эллик метр ёки икки километру чорак бўлади. Офицерлар ошхонаси блан аэродром ўртасидаги масофа ҳам тахминан шунча келарди. У, ўзи юрган бу йўлни хаёлида чамалаб кўрди, бу йўл бузилиб ётган эски қишлоқ черкови ёнидан, немислар ўт қўйган ва чолдевор бўлиб ўтдан қорайган дераза ромлари мунграйиб йўлга қараб турган мактаб олдидан ўтиб, бензин ташучи машиналар устига арча шохлари ташланиб пана қилиб қўйилган ўрмонча орқали командирнинг ертўласи ёнидан борарди, сўнгра «метеорология сержант»и хариталар ва схемаларни қўйиб ҳалол ишлайдиган будка ёнидан ўтиб кетарди. Анча йўл, азбаройи худо, анча йўл-да!

Мересьев ҳар кунлик юриш машқини эрта блан ва кечқурун йигирма учтадан қатнов шарти блан қирқ олтига етказишга, эртадан бошлаб эрта бланги бардамликда қўлтиқ таёқсиз юриб кўришга аҳд қилди. Бу аҳд унинг миясидан ҳархил қора хаёлларни ҳайдаб,

руҳини кўтарди ва уни ишчанлик йўлига солди. Кечкў-  
рун у шундай гайратга кириб юришни машқ қилдики,  
ҳаш-паш дегунча ўттиз марта қатнаб қўйганини ўзи  
ҳам деярлик сезмай қолди. Худди шу пайтда кийим  
илучи хотин уни тўхтатиб, қўлига хат тутқизди. У, те-  
насиға: «Старший лейтенант Мересьевнинг ўз қўлига  
тегсин» деб ёзилган кичкина конвертни олди. «Уз қўли-  
га» деган сўзниң таги чизиб қўйилган эди ва бу иш,  
Алексейга ёқмади. Хатнинг тепасида ҳам «Фақат хат  
олучига» деб ёзилиб, унинг таги ҳам чизилгани эди.

Алексей деразага суюниб конвертни очди ва Гвоздев томонидан кечаси вокзалда ёзилган бу узун мак-  
тубни ўқиди, ўқиган сари унинг юзлари тундлашиб  
борарди. Гвоздев ёзганки, Аюта ҳақиқатан ўз ўйла-  
ганимиздек бўлиб чиқди. Москвада ундан чиройлироқ  
қиз бўлмаса керак, мени у ўз гушишганидек кугиб  
олди, шундан кейин у яна кўпроқ менга ёқди.

«... Лекин ҳаммаси ўзимиз гаплашгандек бўлиб чиқ-  
ди. Ўзи яхшигина қиз. У менга бир сўз ҳам айтмади ва  
ҳатто ҳечнарсани сезмагандай бўлиб кўринди. Ҳамма-  
си яхшиликча борди. Аммо мен кўр эмасман-ку, қурғур  
бу башарам уни чўчитганини кўриб турибмай. Гўё  
ҳечнимани кўрмагандек бўлиб ўтирган эдим, бир вақт  
қарасам, у менга разм солиб қарайапти: фақат ўниси-  
ни сезиб қолдим: у ё ўзидан-ўзи уялди, ё уни даҳшат  
босди, ёки менга ачинди шекилли... У мени университе-  
тига олиб борди. Қайта, бормаганим тузук эди. Студен-  
тент қизлар мени ўраб олиб зеҳн солишди... Биласан-  
ми нима гап, улар бизларнинг ҳаммамизни билишар  
экан, Аюта бизлар тўғримиздаги гапларнинг ҳамма-  
сини уларга айтиб берган экан... Разм солиб турсам,  
Аюта уларга гуноҳкор кишидай қараб, шундай бар-  
ззингини бошлаб келганим учун кечирасизлар, дегандай  
бўлди. Энг қизиги шундаки; Алёша, қиз сра сир бой  
бермасдан, мендан айланиб-ўргилиб юради, шириин  
муомала блан тинмасдан афдан-бағдан гапиради, га-  
пирмай қолса бир нарсадан қўрқандай, сра гапдан  
тўхтамайди. Сўнгра унинг уйига бордик. У бир ўзи ту-  
рар экан, ота-оналари уруш вақтида бошқа юрга кў-  
чиб кетишган экан, оиласи му'табар оиласага ўхшайди.

Олдимга чой-нон қўйди, ўзи бўлса чойнакда менинг аксимни кўриб ҳа деб уф тортади. Хулласки ўйлаб қарасам, тўғри келмайди, баҳридан ўтдим! Мен унга фалон-фалон деб тўппа-тўғрисини айтдим. «Билиб турибман, афт-ангорми сизга ёқмаяпти. Зарари йўқ, тўғри қиласиз, мен буни тушунаман ва хафа бўлмайман» дедим. У кўз ёши қилди. Мен унга: «Йигламанг, сиз келишган қиз, ҳарбир киши сизни севади, нима қиласиз ўз жонингизни қийнаб» дедим. Сўнгра мен унга айтдим: «Мана энди менинг қандайлигимни кўрдингиз, ҳуснимни тамоша қилдингиз, ўзингиз энди яхшилаб ўйлаб кўринг, мен ҳарбий қисмга бораман, адресимни юбораман, мабодо фикрингиздан айнамасангиз, хат ёзарсиз». У эса: «Йўқ, йўқ, бунингиз нимаси» деб йиғлади. Шу пайтда қандайдир аҳмоқона ҳаво тревогаси бўлди, у чиқиб кетди, мен ғала-ғовирдан фойдаланиб ура қочдим ва тўғри офицерлар полкига бордим. Бориб киришим блан қисмга юборадиган бўлди. Жуда соз бўлди. Поезд паттаси чўнтагда, чиқиб кетаяпман Фақат шуниси борки, Алёша, менинг у қизга муҳаббатим яна кўпроқ ошди, бундан кейин уни кўрмасдан қандай яшар эканман— билмайман».

Алексей дўстидан келган хатни ўқиди ва унинг кўзига ўз истиқболи кўрингандай бўлди. Балки, унинг олдида ҳам худди шундай бир ҳодиса тургандир. Йўқ. Оля унинг кўкрагидан итармайди, ундан юзини тескари қилиб кетмайди, йўқ, у ҳам шундай мардонавор туриб жон фидо қилишни истайди, йиғлаб туриб табасум қиласди, кўнглидаги ғашликни босади.

— Йўқ, йўқ. Қерак эмас! Қерак эмас! — деди Алексей баланд овоз блан.

У тез-тез чўлоқланиб палатага борди, стол ёнига ўтириб, бир ўтиришда Оляга ағдан-бағдан қилиб қисқагина, совуқроқ хат ёзди. У ҳақиқатни айтиб ёзишга ботинолмади. Бемор ётган онага тағин бир ғам юкланишни истамади. У, Оляга ёздики, мен орамиздаги муносабат тўғрисида кўп ўйладим, мени кутиш сизга, балки, оғир туюлаётгандир. Уруш яна қанча вақтгача давом қиларкан? Ёшлик ҷоғлари бўлса ўтиб кетмоқда. Уруш шундай бир нарсаки, кутишнинг оқибати пуч бўлиб

чиқиши ҳам мумкин. Мен урушда бирдан ўлиб қолишин мумкин, у вақтда сиз менга ҳатто хотин бўлмасдан туриб бева қоласиз, ёки ундан баттарроқ бир воқиа бўлиши, я'ни мен майиб бўлиб қолишим мумкин, у вақтда сизга инвалидга турмушга чиқишга тўғри келади. Нима кераги бор шундай қилишни? Йўқ, сиз ёшлик чоғингизни ўтказманг ва мени тезроқ хотирингиздан чиқаринг. Сиз менинг хатимга жавоб ҳам бермаслигиниз мумкин, мен хафа бўлмайман. Мен сизнинг ҳолингизни тушунаман, шунисига чидаш ҳам жуда оғир. Шундай қилсак, яхшироқ бўлади.

Хатдан ўт чиқиб қўлларни куйдиргандек эди. У, хатни ўқиб кўрмасдан конвертга солди, тез-тез чўлочланиб чиқди-да, хатни коридорда қайноқ сув солиб қўйилган ялтироқ «улкан бак» орқасида осилиб турган кўк қутига солди.

Палатага қайтиб келгач, у яна стол ёнига ўтиреди. Ўз ҳасратларини кимга ёзмоғи керак? Онасиға ёзиш мумкин эмас. Гвоздевгами? У, албатта, тушунар эди, хўш, уни ҳозир қаердан топиб бўлади, сон-саноғи йўқ фронт йўлларининг қайсибиридан уни излаб топасан, киши. Полкка ёзиш керакмикин? Аммо у ерда ўз ҳарбий ишлари блан машғул бўлиб юрган баҳтли кишиларнинг у блан қандай иши бўлсин! Ҳа топди кимга ёзиш кераклигини! «Метеорология сержантига!» У, ўтириб ёзабошлади, қалам ҳам тез юришиб кетди, дўстнинг елкасига бош қўйиб йиғлагандек ҳасратларни қофозга тўкиш ҳам осон бўлиб қолди. Лекин жумласини ёзиб тамом қилмай, бирдан ўйланиб қолди ва жаҳли блан қофозни ғижимлаб ёзганларини йиртиб ташлади.

— «Сўз азобидан кўра даҳшатлироқ азоб йўқ» — деди Стручков истеҳзо блан; у бу сўзларни қўлидаги хатдан олиб айтган эди.

Стручков Гвоздевнинг хатини қўлида ушлаб койкада ўтиради. Эҳтимол, бу хатни у, ўз одатича сўрамай-нетмай Алексей тумбочкиасидан олиб ўқиб чиқсан бўлса керак.

— Нима бу, ҳаммага бугун жин тегиб қолди?.. Гвоздев ҳам қипқизил жинни-да! Бир қиз сал қово-

ғини солганига ҳам шунча ғам чекиши!.. Қарамазовлар сингари бунинг ҳам ҳасратидан чанг чиқадиган бўлипти... Хатингни олиб ўқиганимга хафа бўлмайсанми? Биз фронтчилар орасида бир-бири миздан яширадиган сир бўлармиди?

Алекссий хафа бўлмади. У ўйлаб ўтиromoқда эди. Балки, эрта почтальонни пойлаб туриб, хатни унинг қўлидан қайтариб олишга тўғри келар?

Алексей бу кеча безовталик блан ухлади ва алақчалақ тушлар кўриб чиқди: бир вақт қараса, тушида қор юуми босган аэродромни ва ким ясаганлиги номалум бўлган ҳамда оёқлари ўрнига қуш панжалари қўйилган «Ла-5» самолётини кўрипти; гўё кабинага техника раҳбари Юра кириб олипти-да, киргандан кейин «Алексей учганича учиб олди», энди учиш навбати меники, депги; бир вақт қараса, Михайла бобо оқ кўйлак кийиб ва иштонлари ҳўл бўлиб, Алексеини похол устида бир даста барг блан уриб буғляяпти ва кулиб: тўй олдидан буғланиб, чўмилиб олса, увол бўлмайди, деяпти. Сўнгра, саҳар пайтига келиб Оля тушига кирди. У тўнкарилган қайиқ устида, офтобда қорайган бақувват оёқларини сувга солиб, енгилгина, нозиккина бўлиб ва гулдек очилиб ўтирипти, у офтобдан сақланиш учун кафтини кўзлари устига соябон қилиб, Алексеини ўзига имлаб чақираётган эмиш; Алексей эса унга қараб сузиб бормоқчи бўлармиш-у, лекин сувнинг пишқириб турган кучли оқими уни қиртоқдан, қиздан орқага сурармиш. У қўллари, оёқлари ва ҳамма мускулларини зўр бериб ишга солиб, сузиб қизга тобора яқинлашиб бориб, шамол унинг сочларини тараб турганини оғробда қорайган оёқларида сув томчилари ялтираб турганини кўрган эмиш...

Шу вақтда у ўйқусидан шодланиб ва чеҳраси очилиб уйгонди. Ўйғонгандан кейин яна кўзларини юмиб узоқ ётди ва яна ухлаб гушида кўрган яхши нарсаларни қайтадан кўришга ҳаракат қилди. Лекин фақат болалик чогида шундай ҳол бўлиши мумкин. Тушида кўрган нозик ва қуёшда қорайган қизнинг образи унинг чеҳрасини бирдан очиб юборди. Майор айганидек, ўйлаб ўлтирасдан, табиатни хира қилмасдан,

достоевскийчиликни авж олдирмасдан, қизга қараб сузиш керак, оқимға қарши сузиш керак, нима бўлса ҳам сузиб илгарилемоқ керак ва бутун кучни йигиб сузмоқ керак-ку, маррага етмоқ керак. Хўш, хат-чи? У, хат қутиси олдига бориб почтальонни пойлаб турмоқчи бўлдию, сўнгра қўлини силтаб: қўй, кетаберсин борадиган жойига, деди. Севги чин бўлса, бундай хатлар уни чўчитмайди. У ҳозир севгининг чинлигига, уни қувноқлик ва ғамгинлик блан, соғ ва касаллик блан ва бошқа ҳоллар блан кутаётганларига ишонди-да, ўз куч-куввати бардамлашиб кетганини сезди.

Эрта блан у қўлтиқ таёқсиз юриб кўрди. Аввал секин каравотдан тушди. Ўрнидан турди. Оёқларини кериб ва қўллари блан мувозанат сақлашга уриниб тикка турди. Сўнгра қўллари блан деворни ушлаб, бир қадам босди. Протезнинг кўни гижирлаб кетди. Гавдаси бир томонга оға бошлаган эди, дарров қўли блан мувозапатга келтирди. Девордан қўлларини узмасдан яна бир қадам босди. У, бу тахлитда юриш қийин эканлигини ҳечвақт хаёлига келтирмаган эди. У, ёшболалик чоқларида ёғоч оёқларда юришни ўрганган эли. У ёғоч оёқлар устига чиқиб, ўзини девордан сурниб юборарди. То икки-уч қадам юргуича бир томонга қийшайиб кетарди, шу вақтда ўзини ерга ташлаб сакраб-сакраб кетарди, ёғоч оёқлар эса, кўчанинг четларидан чанг босиб ётган ажриқлар устида ётарди. Ёғоч оёқларда юриш осон эди, улардан ерга сакраб тушиш мумкин эди. Протезлардан сакраб ғушиб бўлмайди. У, учинчи қадамни қўяман деганда, бир томонга оғиб кетиб оёғи қайрилди ва гурсиллаб муккаси блан полга йиқилди.

У юриш машқини касалларни кабинетларга олиб кетиб дори-дармон қиласиган вақтда белгилаган эди. Ҳечкимни ёрдамга чақирмай ўзи девор ёнига сургалиб борди ва деворга суюниб секин-секин ўрнидан турди, оғриётган биқинини ушлаб кўрди, дарров қизарарабошлигани тирсагидаги шишга қаради ва тишларини тишига қўйиб яна девордан сурилиб бир қадам илгари босди. Ҳозир у, афтидан, сир нимадалигини билиб олди. Унинг сун'ий оёқлари илгариги ўз оёқларидек ҳарқа-

ёққа эгса эгилаберадиган эмас эди. У, бу оёқларининг хусусиятини билмаган ва юрганда оғирлигини товондан оёқ учига ташлаб, сўнгра иккинчи қадам қўйганда гавда оғирлигини иккинчи оёқ учига ташлаб юришни ўрганмаган эди. Ниҳоят, оёқ босгандага тўғри босмай, балки оёқ учларини икки томонга қаратиб юриш керак эди, чунки шундай қилганда, юриши вақтида гавда маҳкам турадиган бўлади.

Бу ишларнинг ҳаммаси чақалоқликдан эндиғина ўсаётган вақтларда, бола онасининг назорати остида тетапоя бўлиб юрган чоқларда қилинади. Бу одат бутун умр бўйи эсдан чиқмайди ва табиий бир ҳаракат бўлиб қоларди. Одам протезлар кийиб, гавдасининг табиий боғланиши ўзгаргандан кейин, ёшлиқда ўрганилган ҳаракат ёрдам бермайди, балки, аксинча, юришни қийинлаштиради. Шунинг учун янгича юришни одат қиласман деб, эскича юриш одатини енгмоққа тўғри келади. Оёғи йўқ кишиларнинг кўпи, ўзларида ирова кучи тополмай, то қариганларича ёшлиқдаги чаққон юриш одатини ўрганиб ололмайдилар. Ҳолбуки уни янгидан ўрганиш жуда осон.

Мересьевнинг зуваласи пишиқ эди. У, айтганини қильмасдан қўймас эди. У, хатоларини билиб олгандан кейин, девордан ўзини сурисиб юборди ва сун'ий оёғининг учини бир томонга қаратиб, товонини босди, сўнгра гавдасининг оғирлигини оёқ учига кўчирди. Протез қаттиқ ғажирлаб кетди. Гавдасининг оғирлиги оёқ учига кўчгач, Алексей иккинчи оёғини ердан узиб илгари босди. Товони гурсиллаб полга тегди. Энди у қўллари блан мувозанат сақлаб уйнинг ўртасида турар ва яна қадам босишга юраги дов бермас эди. У шу куйича довдираб турар, мувозанатини сақлай олмас эди, шу пайтда бурни теварагида муздек тер чиққанини сезди.

У шу ҳолда турганда Василий Васильевич кириб келди. У, эшик олдида бир пас туриб, Мересьевга разм солгач, келиб унинг қўлтиғидан олди.

— Балли, ўрмаловчи! Хўш, нега бир ўзинг тентираб юрибсан, нега сестрани, санитарни чақирмайсан? Инсоннинг фурури тутгандан кейин... Хўп, майли,

ҳарбир ишнинг боши қийин, ҳозир сен энг қийиндан ўтдинг.

Сўнгги вақтда Василий Васильевични энг катта бир медицина идорасининг бошлиғи қилиб тайинлаган эдилар. Бу катта иш унинг кўп вақтини олар эди. Шунинг учун унга госпитальдан бўшашга тўғри келган эди. Лекин ҳозир госпитальниң бошлиқлари бошقا кишилар бўлса-да, Василий Васильевич илгаригидек унинг отаси ҳисобланарди ва ҳар кун келиб палаталарга кирап, вақти бўлса, касалларни кўриб маслаҳатлар берарди, лекин ўғли ўлгандан кейин у илгаригидек қувноқлигини ва тинмай койиб юришини ташлаган эди, энди у ҳечкимга бақирмас, ҳечкимни сўкмас эди, уни яқиндан таниган кишилар буни, тез қаришлиқ аломати деб билардилар.

— Қани, Мересьев, келинг бирга машқ қиласиз юришни,— деди у ва ўзи блан бирга келганларга қараб:— Сизлар ишингизга бораберинг, боринг, бу ерда ҳечким цирк ўйини кўрсатаётгани йўқ... Қасалларни менсиз ўзларинг кўриб чиқинг,—деди.— Хўш, йигитча, қани бошладик, бир... мени маҳкамроқ ушласангиз-чи, нимадан уяласиз! Ушланг, мен генералман, сўзимни тингламоқ керак. Хўп, икки, ана шундай. Энди ўнг оёқни. Соз. Чап оёқни. Жуда соз!

Машҳур медицина арбоби одам боласига юришни ўргатаркан, гўё худо билсин, медицина соҳасида худди қандайдир катта бир тажрибани қилгандек қўлларини қўлларига ишқаларди. Лекин унинг характеристи шундақа эди: ҳамма нарсага қизиқарди. Бирон ишга киришгундай бўлса, бутун жон-дили блан, бутун ғайрати ва шижоати блан уни бажаарди. У, Мересьевни палата айланасидан юриб боришга мажбур қилди. У, жуда чарчаб стулга ўтиргандан кейин, Василий Васильевич ўз стулини унинг ёнига қўйиб ўтирди.

— Хўп, учиш қандай бўлади энди—хўш, учамизми? Балли, балли! Ҳозир, отам, уруш шундақа бўлиб қолди, қўли узилиб тушган кишилар ротани атакага бошлаб боришаётни, қаттиқ ярадор бўлганлар пулемётдан отаяпти, кўкраги блан дотларни тўсаяпти... фақат

ўлганларгина урушга қатнашмайди,— чол ма’юсланиб уф тортиб қўйди.— Дарвоқи’, улар ҳам ўз шуҳрати блан урушга қатнашашаити... Хўп... хўш, йигитча, қани бошладик.

Мересьев иккинчи марта палатани айланиб чиқиб, дам олишга ўтиргач, профессор бирдан Гвоздевнинг койкасини кўрсатиб, сўради:

— Бу ерда ётган танкчи қани? Соғайиб кетиб қолдими?

Мересьев, у соғайиб, урушга кетди, фақат шуниси ёмон бўлдики, унинг юзи, айниқса юзининг пастки томони куйгандан кейин жуда хунук бўлиб қолди, энди уни тузатиб бўлмайди, деди.

— Ундан дарров хат келдими? Ҳафсаласи шундаقا пир бўлиптими, қизлар севмаптими? Унга айтинг, соқол-мўйлов қўйсин, гапим жиддий. Шундай қилса, кўзга кўриниб номи ҳам чиқади, бу ҳол қизларга жуда ёқиб қолиши мумкин!

Ҳарсиллаб келган сестра эшикдан бошини суқиб, Совнаркомдан телефонга чақираётирлар, деди. Василий Васильевич шишган, терилари ғадир-бутир бўлиб турган кўкимтирик қўлларини тиззаларига тираб, гавдасини зўрға тиклаб секин ўрнидан турди. Кейинги бирнечча ҳафта ичиде унинг нечоғлик дармондан кетиб қолганлиги жуда яққол билинабошлаган эди. У эшик олдига боргац, орқасига қараб деди:

— Унга, ҳалиги дўстингизга албатта шундай деб ёзинг, Василий Васильевич сенга соқол қўйиши буюрди, денг. Бу энг синалган чора! Хотин-қизлар орасида жуда довруқ қозонадиган бўлади!

Кечқурун шифохонанинг эски бир хизматчиси қўлла тутиб юрадиган бир таёқ келтириди, бу қайрафочдан ясалган, дастаси дандондан қилиниб, устига қандайдир хат ўйилган қадимги ва чиройли таёқ эди.

— Профессор Василий Васильевич бериб юбордилар, ўзлари тутиб юрадиган хассаларини сизга ин’ом қилдилар. Сизни, таёқ тутиб юрсин, дедилар.

Бу ёз кечасида госпитальда ҳамма зерикиб қолган эди. Шунинг учун қирқ иккинчи палатага кетма-кет тамошачилар келабошлади. Ўнг, сўл томонда ва ҳатто

юқори қаватда ётган қўшилар профессор ин'ом қилган таёқни кўришга келишди. Таёқ ҳақиқатан яхши эди.

## 15

Фронтда момоқалдироқ олдидан бўладиган жимжитлик чўзилиб кетди. Ахборотларда ҳар жой-ҳар жойда бўлиб ўтган жанглар ва разведкачиларнинг қидиришлари қайд қилинарди. Ярадорлар камайиб қолди. Госпиталь бошлиқлари қирқ иккинчи палатани бироз бўшатиб, унда фақат икки койка қолдиришиди— ўнг томонда Мересьев койкаси, чап томонда, дарёга қараган дераза ёнига майор Стручков койкаси қўйилди.

Разведкачиларнинг қидиришлари бўлди! Мересьев блан Стручков тажриба кўрган аскарлар эдилар, шунинг учун улар: бу зўр жимжитлик қанча узоққа чўзилса, момоқалдироқнинг шунча қаттиқроқ ва кучлироқ гулдирашини билар эдилар.

Бир кун ахборотда фронтнинг жануб томондаги участкалардан бирида Совет Иттифоқининг Қаҳрамони снайпер Степан Йувушкиннинг йигирма беш немисни ўлдирганлиги ва шу блан у икки юзга яқин душманни йўқ қилганлиги хабар қилинди. Гвоздевдан хат келди. У, қаерда, нима қилиб юришини ёзмаган, албатта. Аммо яна илгариги командирим Павел Алексеевич Ротмистров хўжалигига тушдим, турмушим яхши, бу ерда гилос жуда кўп, ҳаммамиз гилос еб юрибмиз, деган ва Алексейдан агар шу хатни олсанг, Анютага бир энлик хат ёзиб юбор, деб сўраган. У айтганки, мен ҳам унга хат ёзиб турипман-у, лекин бу хатларим бориб тегадими-йўқми, билмайман, чунки биз ҳамавақт маршдамиз ва турадиган ўрнимиз муқим эмас.

Ҳарбий кишига ҳатто ёр-дўстлар ҳақида ёзилган шу икки хабарчадан момоқалдироқ жанубнинг бироян ерида гулдираши равшан бўлди. Албатта, Алексей Анютага ҳам хат ёзган ва Гвоздевга ҳам профессорнинг соқол қўйиш тўғрисидаги маслаҳатини билдирган эди, лекин у, Гвоздев ҳозир зўр бериб жангларга тайёр гарлик кўраётганини, бўладиган бу жанглар жуда сермашаққат бўлиши блан бирга аскарнинг юрагига катта далда беришини, шунинг учун Гвоздевнинг ҳозир

соқол-поқолга қарамаслигини ва, балки, Ашота блан ҳам иши бўлмаслигини биларди.

Қирқ иккинчи палатага яна бир хуш хабар келди. Майор Павел Иванович Стручковга Совет Йиттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги ҳақидаги фармон э'лон қилинди. Лекин бу зўр қувонч ҳам майорга жуда узоқ далда бўлмади. У яна қош-қовоғини солиб ўтирадиган бўлди. «Қурғур шу тиззалирининг кўзи» сабабидан у шундай дол-зарб пайтда бу ерда ётипти. Хафақонлиги учун бошқа сабаб ҳам бор эди, бу сабабни у қаттиқ яшириб келарди ва буни Алексей тўсатдан найқаб қолган эди.

Хозир Алексей бутун куч ва иродасини бир мақсадга, я'ни юришни ўрганишга сарф қилиб юргани учун теварак-атрофида нима бўлаётганини унча пайқамасди. У ҳар кун учун қаттиқ график тузиб олган эди. Ҳар куни уч соатдан — эрта блан бир соат, кундуз бир соат, кечқурун бир соат-протезлар блан коридорда юришни машқ қиласди. Авваллари кенг коридорда протезларини бир мақомда ғарчиллатиб доимо палата эшиклари ёнидан уёқ-буёққа липиллаб ўтиб юручи кўк халатли фигура касалларнинг ғашини келтиради. Сўнгра унга шундай ўрганиб қолдиларки, агар шу липиллаб ўтиб турадиган фигурани кўрмай қолсалар, вақт-соат қанча бўлганлигини ҳам билмас эдилар. Бир кун Мересьев тумов касали бўлиб қолганда, қўшни палаталардан қирқ иккинчи палатага чопарлар келиб, оёғи йўқ лейтенантга нима бўлганини сўраб кетишиди.

Алексей эрталаблар бадан тарбия қилиб бўлгандан сўнг, столга ўтириб, самолёт ҳайдаш учун оёқларини машқ қилдиради. Ба'зан у ҳолдан кетиб қолгунча машқ қилганидан, қулоқлари жаранглаб, кўзлари тиниб, боши айланиб қоларди. Шундай пайтларда у қўл-бет ювадиган идиш олдига бориб, бошини ҳўллар ва тезроқ ўзига келиб гимнастика блан юриш машқини ўз вақтида қилиш учун бироз чўзилиб ётарди.

Бу сафар у, боши айланиб қолганидан, олдидаги ҳечнарсани кўрмас эди, шунинг учун эшикни пайпаслаб топди-да, секин келиб койкасига ўтирди. Шундан кейингина унинг қулоғига таниш кишининг товуши

эшитилабошлади — бири Клавдия Михайловнанинг товуши бўлиб, у бироз истеҳзо блан вазмин сўзламоқда эди; иккинчиси майор Стручковнинг товуши бўлиб, у қаттиқ-қаттиқ ва жаҳл блан гапирмоқда эди. Улар гапга қизиқиб кетганларидан Мересьевнинг келиб кирганини ҳам сезмаган эдилар.

— Ахир, гапимга тушунасизми, ё йўқми, мен сизга жиддий айтаяпман! Қулолингизга гап кирадими-йўқми? Сиз хотин зотиданми, ёки хотин зотидан змасми?

— Албатта, хотин зотидан-ку, аммо қулогимга ҳеч нарса кирмайди, бу тўғрида сиз жиддий сўзлайолмайсиз ҳам. Бундақа жиддий гапларингизни менга кераги ҳам йўқ.

Стручков тутақиб кетди. Худди у бошқаларнинг жанжалини босаётгандай, бутун палатага қаттиқ бақирди:

— Мен сизни севган бўлсан, нима қилай, ахир! Буни сезмайдиган хотин, хотин эмас, қуруқ тўнка! Тушундингизми энди? — деди у ва юзини ўгириб бармоқлари блан дераза ойнасини чертабошлади.

Клавдия Михайловна тажрибали медицина сестраси бўлганидан, секингина ва сездирмасдан юриб эшикка борди.

— Тўхтанг, қаёққа бораяпсиз? Хўш, менга нима жавоб берасиз?

— Бу ер бу тўғрида сўзлашадиган ўрин эмас, ҳозир вақти ҳам эмас. Мен ҳозир ишдаман.

— Нега мунча ноз қиласиз? Нега мени мунча қийнайсиз? Жавоб бериб кетинг,— деди майор; унинг товушидан хўрси니ш оҳангси сезиларди.

Клавдия Михайловна эшик олдида тўхтади. Унинг келишган қоматидан тушган соя хира коридорда жилваланди. Мересьев бу камгап ва ёши ҳам анчага бориб қолгап сестранинг хотинлик жозибаси ҳам кучли бўлишини ва бирорвларни шайдо қилишини хаёлига ҳам келирмаган эди. Сестра бошини сал орқага ирғитиб, мармар тош устида турган ҳайкалдек майорга қараб турарди.

— Хўп, мен сизга жавоб бераман. Мен сизни севмайман ва, эҳтимол, ҳечқачон севмасам керак.

У чиқиб кетди. Майор ўзини каравотга ташлаб, бопини ёстиққа буркади. Стручковнинг кейинги кунлардаги телбанамолиги, сержаҳллиги, асабийлиги ва сестра келган чоқларда бирдан фе'ли бузилиб, ғазаби тошиб кетишининг сабаблари Мересьевга энди аён бўлди.

У, балки, ҳақиқатан ҳам ошиқ бўлгандир. Алексей майорга ачинди ва шу блан бирга хурсанд ҳам бўлди. Майор ўрнидан тургандан кейин, Алексейнинг ҳазилкашлиги тутиб кетди:

— Энди башарангизга тупиришга рухсат этасизми, ўртоқ майор?

Бу гапнинг оқибати шундай бўлишини билганда, Алексей бу гапни ҳатто ҳазиллашиб ҳам айтмаган бўлур эди. Майор югуриб унинг койкаси олдига келди-да, жуда хунук бир товуш блан бақирди:

— Мана, тупир! Тупир, дейман, ҳаққинг бор тупиришга. Тупиришга арзидиган иш бўлди. Йўқми, тупирмайсанми?.. Энди мен нима қиласман-а? Айт, нима қиласман энди мен, айт, ўргат,— сен ҳамма гапимизни эшигдинг-ку...

У койкага ўтириб, бошини икки қўли блан сиқиб, тебранарди.

— Сен, балки, буни эрмакбозлик деб ўйларсан, эрмакбозлик деб! Мен эса жиддий гапирдим, мен у тентак қизга уйланишни таклиф қилдим!

Кечқурун Клавдия Михайловна дори-дармон қилиш учун палатага келди. У, ҳамишагидек хомуш, хушумомала ва вазмин эди. У, майорга ҳам жилмайиб қарди-ю, аммо бироз ҳайронлик блан хавфсираб турди. Стручков дераза ёнида ўтириб, жаҳли блан тирноқларини тишларди. Клавдия Михайловна чиқиб кетиб, оёқ шарпаси коридордан эшигидан кейин, майор унинг орқасидан ҳўмрайиб, ҳайрат блан қараб қолди:

— «Совет юртининг малаги»... Қайси аҳмоқ бу лақабни қўйди унга, у халат кийган бир албасти-ку!..

Госпиталь идорасида ишловчи озғин ва кекса бир сестра келди.

— Алексей Мересьев юраоладиган касалми?— деб сўради у.

— Чопиб юрадиган,— деди дўнгиллаб Стручков.

— Мен бу ерга ҳазилкашлик қилишга келганим йўқ,— деди сестра жиддий товуш блан.— Старший лейтенант Алексей Мересьевни телефонга чақириша-япти.

Майор жаҳли чиққан сестра томонига кўз қисиб қўяркан:

— Қизми чақираётган? — деб сўради кулиб.

Сестранинг ғазаби тошди ва жадал қадам ташлаб палатадан чиқаркан:

— Мен унинг паспортига қараганим йўқ,—деди.

Мересьев койкадан ирғиб турди. Қўлтаёғини шахдам-шахдам босиб, сестрадан ўтди ва ҳақиқатан коридордан чопиб кетди. У қариёб бир ойдан бери Олядан жавоб кутарди ва унинг миёсига, борди-ю, Оля келган бўлса-я? деган беҳуда фикр келди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди: шундай маҳалда Сталинград ёнидан Москвага келиш осон бўлтими! Бунинг устига Оля қандай қилиб уни излаб госпитальга келиши мумкин, чунки у, Оляга, Москвада эмас, балки шаҳар ёнидаги бир ҳарбий ташкилотда ишлайпман, деб ёзган эди-ку. Лекин шу пайтда Мересьев му’жизага ишонди, ҳатто ўзи ҳам сезмасдан югуриб кетди, протезда биринчи марта чинакам югуриши ҳам шу эди, у ёнда-сонда қўлидаги таёққа таяниб, ҳар томонга чайқалиб югу-рарди ва протезлари фирч-фирч қилиб бораради.

Телефон трубкасидан жаранглаган, ёқимли товуш эшитилди, лекин у мутлақо нотаниш бир говуш эди. Ундан: қирқ иккинчи палатадаги старший лейтенант Алексей Петрович Мересьев сизми?—деб сўрашди телефондан. У, бу саволга гўё уни хафа қиласидан бир нарса бордай, трубкага жаҳли блан қичқириб:

— Ҳа!— деди.

Трубкадаги товуш бир пас жим қолди. Сўнгра, безовта қилганим учун кечирасиз, деган совуқроқ товуш келди.

— Мен Анна Грибова. Сизнинг дўстингиз лейте-нант Гвоздевнинг таниши бўламан. Сиз мени танимай-сиз,— деди қиз; у, қўпол жавобдан хафаланиб, мажбуран гапираётгандай эди.

Лекин Мересьев трубкани икки қўли блан ушлаб овози борича қичқирмоқда эди:

— Аниотамисиз? Ўша Аниотами? Йўқ, мен сизни яхши биламан, жуда яхши биламан! Гриша менга...

— Ўзи қаерда, нима бўлди унга? Тўсагдан гойиб бўлиб қолди. Тревога бўлиб, мен уйдан чиқсан эдим. Мен санпост эдим. Қайтиб келсан, ҳечким йўқ, хат ҳам, адрес ҳам қолдирмапти. Мен ҳечнимага тушумай қолдим, қаёқда юрипти у, нега чиқиб кетипти, нима бўлди унга... Азизим Алёша, кечирасиз отингизни тутиб гапирганим учун; мен ҳам сизни яхши биламан, мен жуда ташвишда қолдим: қаёқда қолди у, нега бундай тўсатдан...

Алексейнинг кўнгли очилди. У, дўсти учун хурсанд бўлди. Демак, у тентак янглишган, ўзидан ҳадиксираган. Ҳақиқатан ҳам Карамазовлар хилидан. Демак, урушда майиб, чўлоқ бўлсанг, чин виждони бор қизлар бундан чўчимас экан. Демак, мен ҳам, мен ҳам умид қилсан бўлар экан, демак, мени ҳам шундай ташвишланиб излар эканлар. У, бўғилиб трубкада гапираётганда, шу фикрлар яшиндай унинг миясига урилди.

— Аниота! Ҳамма иш жойида, Аниота! Хунук онглашилмовчилик бўлипти. У соғ-саломат, уруш майдонида жанг қилиб юрипти. Шундай, албатта! Полевая почта 42531—В. У соқол қўйиб ўстириб юрипти, Аниота, худо ҳаққи, масалан... масалан ҳалиги... масалан... партизанларнинг соқолидай ҳашам соқол қўйипти. Соқол унга жуда ярашади.

Аниота соқолни ма'кул кўрмади. Уни ортиқча нарса деб ҳисоблади. Бу гапдан яна кўпроқ хурсанд бўлган Мересьев, агар шундай бўлса, Гриша уни бир пасда қириб ташлайди, аммо ҳамма унга соқол жуда ярашади, дейишади.

Хулласки, улар дўстлашиб трубкани илдилар, Алексей госпитальдан кетиш олдидан унга албатта телефон қилмоқчи бўлди. Алексей палатага қайтиб келгач, телефонга югуриб бормоқчи бўлиб югорулмагани эсига тушди. Протезларнинг ерга қаттиқ урилишидан унинг тамом бадани зирқираб оғрир эди. Майли, зарари йўқ, бугун бўлмаса, эртага, эрта бўлмаса,


индин, ишқилиб бир югуриб чопиши бор-ку! Ҳаммаси жойида бўлади! У, янгидан чопишга ҳам, учишига ҳам, жанг қилишига ҳам шубҳа қилмасди, у ичида юз қасам ичиб, биринчи марта ҳаво жангига қатнашиб, биринчи немис самолётини уриб туширганимдан кейин, ҳамма воқиани айтиб Оляга хат ёзаман, майли, нима бўлса бўлар, деб ўзига сўз берди.



Учим

**в ўлим**





1

1942 йил ёз фаслининг қоқ ўртасида Москвадаги II-инчи госпитальниг оғир дуб эшикларидан бақуввағ қора таёққа суюниб чорпаҳлу бир йигит чиқди. Унинг эгнида ҳарбий учучилар киядиган френч ва почалари солинган ҳарбийча шим бор эди, ёқасидаги мовий ранг петлицаларда старший лейтенант унвонини билдиручи уттадан кубик тақилган эди. Оқ халат кийған бир хотин уни кузатиб борарди. Биринчи жаҳон уруши вақғларида шафқат ҳамширлари бошига танғиб юрадиган ва ўртасига қизил крест тамғаси солинган дуррача бу хотиннинг иссиқ ва ёқимли юзига бир қадар гурур ифодасини бериб турарди. Улар эшик олдидаги майдончада тұхтадилар. У учучи қүёшдан оқарған пилоткасини бошидан олди ва сестранинг құлларини

ўұшовсиз бир тарзда үшлаб лабларига яқин қелтирди, сестра эса унинг бошини икки кафти орасига олиб пешонасидан ўпти. Сүнгра йигит лапанглаб зинапоядан тез-тез тушди ва орқасига қарамай, дар'ё бўйидаги асфальт йўлдан, госпитальниң узун биноси ёнидан юриб кетди.

Кўк сариқ,mallаранг пижамалар кийган ярадорлар деразалардан унга қўлларини, қўл таёқларини ва қўлтиқ таёқларини силкитар, бақириб нималарни дир гапирав ва ҳартурли маслаҳатлар берардилар. У ҳам уларга қўлини силкитиб бораради, лекин унинг бу улкан кулранг бинодан мумкин қадар тезроқ узоқлашишга ҳаракат қилаётганлиги ва ўз ҳаяжонини билдирамаслик учун деразаларга қарамасликка уринаётганлиги сезилиб туради. У қўл таёғига енгилгина суюниб, ғалати бир тарзда, диконглаб-диконглаб тўғри юриб кетмоқда эди. Агар ҳарбир қадам босганида ғирчиллаган товуш эшитилмаганда, бу қадди-қомати келишган, миқти ва серҳаракат кишининг икки оёғи йўқлиги ҳечкимниң хаёлига ҳам келмас эди.

Алексей Мересьевни госпитальдан кейин яхшилаб даволаниш учун Москва яқинида бўлган Ҳарбий Ҳаво кучлари санаториясига юборган эдилар. Майор Стручков ҳам ўша ерга жўнаётган эди. Уларни олиб кетмоқ учун санаториядан машина юборилган эди. Броқ Мересьев госпиталь бошлиқларини, Москвада қариндошларим бор уларни кўрмасдан кетолмайман, деб ишонтириди. У, буюм халтасини Стручковга қолдириб, гостиницадан пиёда кетди ва электричка поезди блан кечқурун санаторияга етиб боришга ва'да қилди.

Москвада унинг қариндошлари йўқ эди. Лекин унинг пойтахтни жуда кўргиси келган эди, аммо ғалловир оломон ичидаги туртиниб-суртиниб юришга ва бу блан мустақил юраолиш кучини синаб кўришга тоқати бўлмади. У, Анютага телефон қилиб, агар имкониятингиз бўлса соат ўнинкиларда учрашсак, деб илтимос қилди. Хўш, қаерда? Қаерда, ахир?.. Масалан, Пушкин ҳайкали ёнида учрашсак ҳам бўлар... Шундан кейин у икки томони гранит тошлар блан ўралган ва зилол

суви қуёшда жим-жима товланиб турган улуғвор дар'ё бўйидан ёқалаб борар ва ҳиди қандайдир таниш бўлган хушёқим, илиқ ёз ҳавосидан кўкрагини тўлди-риб нафас оларди.

Теварак-атроф бирам яхши, бирам гўзал!

Хотин-қизларнинг ҳаммаси унга чиройли бўлиб кўринарди, кўмкўк дараҳтларнинг яшиллиги товланиб ақлни қочирарди. Ҳаво бирам тоза эдики, ундан худди масти бўлгандай бош айланарди, у шундай тиниқ эдики, ҳамманарса кўз олдида жилваланарди, қўл узатса, худди у ҳечқачон ўзини кўрмаган Кремльнинг кунгирадор кўҳна деворларига, Буюк Иван гумбазига, дар'ё устида камалак бўлиб вазмин чўзилиб турган кўпrik-нинг улкан соявонли дарвозасига етгудек бўларди. Шаҳар тепасини қоплаб олган, кишини хумор қилдирадиган ёқимли ширин ҳид ёшлиқ чоғларини эслатарди. Қаёқдан пайдо бўлди экан бу ҳид? Нега унинг юраги мунча типирлаб тепиб қолди ва нега бирдан онаси хотирига келди? Хотирига келганда ҳам онаси-нинг ҳозирги, озғин кампирлик чоғи эмас, балки анов вақтлардаги қомати баланд ва келишган, соchlари барқ уриб турган чоғи хотирига келди. Ахир, у онаси блан бир марта ҳам Москвада бўлмаган эди-ку.

Ҳозиргача Мерсесьев пойтахти газета ва журналларда кўрган суратлардан, ўқиган китобларидан, Москвага бориб келган одамларнинг ҳикояларидан, кўҳна курант соатнинг ярим кечаси радио карнайи орқали бутун дун'ёга эшитилучи данғиллаган чўзиқ товушидан ва намойишларнинг турли мақомда янграб эшитиладиган ғала-ғовир ва ҳайқириқларидан билар эди. Мана энди шу пойтахт ёз қуёшининг жазирама тиниқ нурларига кўмилиб, кенг бағрини очиб, гўзал бир манзара блан унинг кўз олдида жилваланмоқда.

Алексей Кремль ёнидан юриб бўм-бўш дар'ё бўйидан ўтди, муздек харсанг тош девори ёнида Бироз дам олиб, дар'ёнинг камалакдек ранго-ранг чўзилиб товланиб турган ва тош девор тагига шипиллаб урилаётган қорамтири сувига бир пас қараб турди, сўнгра астасида юриб Қизил майдонга чиқабошлади. Лип дараҳт-

ўхшовсиз бир тарзда ўшлаб лабларига яқин қелтирди, сестра эса унинг бошини икки кафти орасига олиб пешонасидан ўпти. Сўнгра йигит лапанглаб зинапоядан тез-тез тушди ва орқасига қарамай, дар'ё бўйидаги асфалт йўлдан, госпитальнинг узун биноси ёнидан юриб кетди.

Кўк сариқ, малларанг пижамалар кийган ярадорлар деразалардан унга қўлларини, қўл таёқларини ва қўлтиқ таёқларини силкитар, бақириб нималарни дир гапирав ва ҳартурли маслаҳатлар берардилар. У ҳам уларга қўлини силкитиб бораради, лекин унинг бу улкан кулранг бинодан мумкин қадар тезроқ узоклашишга ҳаракат қиласётганилиги ва ўз ҳаяжонини билдирамаслик учун деразаларга қарамасликка уринаётганилиги сезилиб туради. У қўл таёғига енгилгина суюниб, ғалати бир тарзда, диконглаб-диконглаб тўғри юриб кетмоқда эди. Агар ҳарбир қадам босганида фирчиллаган товуш эшитилмаганда, бу қадди-қомати келишган, миқти ва серҳаракат кишининг икки оёғи йўқлиги ҳечкимнинг хаёлига ҳам келмас эди.

Алексей Мересьевни госпитальдан кейин яхшилаб даволаниш учун Москва яқинида бўлган Ҳарбий Ҳаво кучлари санаториясига юборган эдилар. Майор Стручков ҳам ўша ерга жўнаётган эди. Уларни олиб кетмоқ учун санаториядан машина юборилган эди. Броқ Мересьев госпиталь бошлиқларини, Москвада қариндошларим бор уларни кўрмасдан кетолмайман, деб ишонтирди. У, буюм халтасини Стручковга қолдириб, гостиницадан пиёда кетди ва электричка поезди блан кечқурун санаторияга етиб боришга ва'да қилди.

Москвада унинг қариндошлари йўқ эди. Лекин унинг пойтахтни жуда кўргиси келган эди, аммо ғалавовир оломон ичида туртиниб-суртиниб юришга ва бу блан мустақил юраолиш кучини синаб кўришга тоқати бўлмади. У, Анютага телефон қилиб, агар имкониятингиз бўлса соат ўнккиларда учрашсак, деб илтимос қилди. Хўш, қаерда? Қаерда, ахир?.. Масалан, Пушкин ҳайкали ёнида учрашсак ҳам бўлар... Шундан кейин у икки томони гранит тошлар блан ўралган ва зилол

суви қуёшда жим-жима товланиб тұрған улуғвор дар'ё бўйидан ёқалаб борар ва ҳиди қандайдир таниш бўлган хушёқим, илиқ ёз ҳавосидан кўкрагини тўлдириб нафас оларди.

Теварак-атроф бирам яхши, бирам гўзал!

Хотин-қизларнинг ҳаммаси унга чиройли бўлиб кўринарди, кўмкўк дараҳтларнинг яшиллиги товланиб ақлни қочирарди. Ҳаво бирам тоза эдики, ундан худди маст бўлгандай бош айланарди, у шундай тиник эдики, ҳамманарса кўз олдида жилваланарди, қўл узатса, худди у ҳечқачон ўзини кўрмаган Кремльнинг кунгирадор кўхна деворларига, Буюк Иван гумбазига, дар'ё устида камалак бўлиб вазмин чўзилиб турган кўприкнинг улкан соявоили дарвозасига етгудек бўларди. Шаҳар тепасини қоплаб олган, кишини хумор қилдидиган ёқимли ширин ҳид ёшлик чоғларини эслатарди. Қаёқдан пайдо бўлди экан бу ҳид? Нега унинг юраги мунча типирлаб тепиб қолди ва нега бирдан онаси хотирига келди? Хотирига келганда ҳам онаси нинг ҳозирги, озғин кампирлик чоғи эмас, балки авов вақтлардаги қомати баланд ва келишган, соchlарни барқ уриб турган чоғи хотирига келди. Ахир, у онаси блан бир марта ҳам Москвада бўлмаган эди-ку.

Ҳозиргача Мерсесьев пойтахтни газета ва журналларда кўрган суратлардан, ўқиган китобларидан. Москвага бориб келган одамларнинг ҳикояларидан, кўхна курант соатининг ярим кечаси радио карнайи орқали бутун дун'ёга эшитилучи данғиллаган чўзиқ товушидан ва намойишларнинг турли мақомда янграб эшитиладиган ғала-ғовир ва ҳайқириқларидан билар эди. Мана энди шу пойтахт ёз қуёшининг жазирама тиник нурларига кўмилиб, кенг бағрини очиб, гўзал бир манзара блан унинг кўз олдида жилваланмоқда.

Алексей Кремль ёнидан юриб бўм-бўш дар'ё бўйидан ўтди, муздек харсанг тош девори ёнида бироз дам олиб, дар'енинг камалакдек ранго-ранг чўзилиб товланиб турган ва тош девор тагига шипиллаб урилаётган қорамтири сувига бир пас қараб турди, сўнгра астасида юриб Қизил майдонга чиқабошлади. Лип дараҳт-

лари гуллаган эди. Кўча ва майдонларнинг асфальти ўртасида, оддийгина чучук ҳид тарқатиб дум-думалоқ бўлиб сарғайиб турган чамандагуллар орасида асаларилар тинмасдан фунғуллашарди, улар йўловчи машиналарнинг гудокларига ҳам, трамвайларнинг тақиртуқур ва гижиллашига ҳам, қизиб кетган асфальт устида нефть ҳиди тарқатиб жимиirlаб турган иссиқ саробга ҳам асло парво қилишмас эди.

Мана қандай гўзал экан бу Москва!

Госпитальда сурункасига тўрт ой ётиб чиққан Алек сей Москванинг ёзги хашаматини кўриб жуда ҳайратда қолди ва шунинг учун ҳам у, пойтахтнинг ҳарбий формага ўраниб, учучилар айтганидек, ҳарбир минутда душман блан олишишга шайланиб, биринчи номер вазиятида турганини дарҳол пайқамади. Кўприк ёнидаги катта кўча бесўнақай баррикада блан тўсилган эди, я’ни йўғон ғўлалар чаппа-роста қўйилиб, ўртасига қум тўлдирилган эди; кўприкнинг тўрт бурчагида тўрт амбразурали бетон дотлар, ёш боланинг стол устида унтиб қолдирган ўйинчоқ қутичалари сингари. Квадрат тарзида чўққайиб турарди. Қизил майдоннинг ялтираб турган кулранг тошлари устида уйлар, чаманзорлар ва хиёбонлар ясалиб турли ранглар блан бўялган эди. Горький кўчасидаги магазинларнинг деразаларига қум солинган қоплар қўйилган эди Кўчаларнинг бошида ҳам рельслар бир-бирига уланиб чиллак қилиб ясалган темир тўсиқлар занг босиб турарди, улар ҳам ўз эрки блан иш қиладиган болалар томонидан ясалган ва сўнгра унтиб қолдирилган ўйинчоқларга ўхшар эди. Фронтдан бу ерга келган ва илгари Москванинг қандайлигини билмаган ҳарбий кишига буларнинг ҳаммаси дарровгина кўзига чалинабермас эди.Faқат ба’зи уйлар ва деворларнинг ҳархил тусда ғалати қилиб бўялганлиги кишини ажаблантиради, улар худди футуристлар томонидан чизилган бема’ни расмларга ўхшарди. Бундан ташқари, йўловчиларга деворлардан, витриналардан қараб турган ва худди Маяковский ше’рлари саҳифаларидан узилиб кўчага чиққандек бўлиб турган «ТАСС ОКНОЛАРИ» ҳам ғалати қўринарди.

Юрабериб жуда ҳам чарчаб қолган Мересьев противнико-ларини гарчиллатиб ва энди қўл таёғига оғир сунниб, Горький кўчасидан юқорилашиб бораракан, ҳартомонга кўз югуртириб, бомбадан ўйилган чуқурларни, шикастланган, бузилган уйларни, девор ёриқларини, чилпарчин бўлган деразаларни ҳайрат блан изларди. У, энг ғарб томонда жойлашган ҳарбий аэродромлардан бирида турганида, ҳар кеча деярлик немис бомбардимончи самолётлари тўда-тўда бўлишиб, кетмакет шарққа қараб учиб ўтишини ертўла ичидаги эшишиб ўтиради. Душман самолётларининг бир тўдаси йироқ-қа кетиб товуши ўчай дегандаги, иккинчи тўдаси пайдо бўларди ва шундай қилиб, ба'зан ҳавода тун бўйи гулдирак овози тинмасдан эшишиб чиқарди. Буни кўрган учучилар: фриц Москвага ҳужум қилишга бораётир, дер эдилар. Шундай вақтларда улар Москва устида ҳозир қандай қиёмат жанг бўлаётганини ўйлар эдилар.

Мана шунинг учун ҳам Мересьев ҳозир ҳарбий Москвага разм солиб қаракан, душман ҳужумлари вақтида ташланган бомбаларининг изларини қидирав, лекин уларни топаолмас эди. Асфальт кўчалар тентекис ҳолича туарди, уйлар эса ҳечбир шикаст кўрмагандек бир текисда қаторлашиб кетган эди. Деразаларининг ойналарига гарчи қоғоз тасмалари чиллак қилиб ёнишириб қўйилган бўлса-да, уларнинг кўпичутун эди. Лекин фронт яқин эди, бу ҳол аҳолининг юзларидаги ташвиш аломатларидан ҳам сезилиб туарди. Бу ердаги аҳолининг ярми ҳарбийлар бўлаб, этиклари чанг босган, юзларидан тер оқиб, гимнастёркалари елкаларига ёпишган ҳолда буюм халталарини орқаларига осиб юришарди. Худди шу пайтда бир тор кўчадан бир қатор чанг босган юк автомобильлари қуёш нурига чўмилган катта кўчага чиқди, уларнинг қанотлари пачақланган ва кабина ойналарига ўқ тегиб илма-тешик бўлиб кетган эди. Ҳамма ерларини чанг босган ва плаш-палаткаларини елкаларига илиб олган жангчилар автомобильларининг шалоқ тахталари устида ўтириб, ҳар томонга қизиқиб қарадилар. Юк автомобильлари троллейбуслар, енгил автомобилльлар,

трамвайларни қувиб ўтиб кетар ва душман шу атрофда яқин турганини эслатгандай ҳаракат қиласади. Мересьев юк машиналарининг орқасидан узоқ тикилиб қолди. Шу тобда ана шу чанг босган машина устига сакраб чиқиб олса-ку, кечқурунгача фронтга, ўз аэродромига етиб олган бўлар эди! У, Дегтяренко блан бирга турган ертўласини кўз олдига келтирди, ундаги арча қозиқларига ўрнатилган сўричалар, қора ёғ ҳамда снаряд гильзасидан ясалган лампадаги бензиннинг аччиқ ҳиди, эрта блан қизиётган моторларининг гулдираган товушлари ва қарағайларниң бошлари устида тун-кун тинмасдан шилдираб туриши хаёлига келди. Бу ертўла роҳат қилиб ўтирадиган тинчгиня, ҳақиқий уйдек туюларди! Намлиги, ерининг балчиқлиги учун ва пашшалари узлуксиз ғингиллаб безорижон қилгани учун учучилар доимо сўкиб юрадиган бу ботқоқ ерга қани энди тезроқ етиб олса!

Пушкин ҳайкали ёнига Алексей зўрга етиб борди. Йўлда у икки қўлинин таёғига тираб ва гўё саноат моллари сотиладиган магазинларниң чанг босган ветриналарига қўйилган қандайдир кераксиз нарсаларга қарагандай бўлиб, бирнеча бор дам олди. Ҳайкал яқинида турган ва қуёшдан исиган кўк скамейкага бориб ўтириди, йўқ, ўтирмади, балки ўзини унга ташлаб, зирқираб оғриётган, шишган ва қайишдан зада бўлган оёқларини узатиб олди. Лекин чарчаганига қарамай, кайфи жуда чоғ эди. Бугунги очиқ кун жуда чиройли бўлиб кўринарди! Энг чеккадаги уйнинг бурчагида тиккайиб турган тош аёл устидан чўзилиб кетган осмоннинг поёни йўқ эди. Ёқимли майин шабада гуллаб турган лип дарахтларининг тоза ва чучук ҳидини бульвар ёнидан суриб ўтарди. Трамвайлар тўхтовсиз жаранглаб ва тақиrlаб борар, ҳайкал тагидаги чангтўзони чиқиб турган иссиқ қумда гуж бўлишиб ўтирган, рангпар, озғин ёш москвали болалар қийқириб хандон отиб кулишардилар. Ундан сал нарироқда, бульварнинг ўртасида, арқон тортиб қўйилган майдондан нарида аэростатнинг улкан чўзиқ гавдаси кумушдек товланар ва уни гимнастёркаларини шинам қилиб кийган икки қиз қоровулларди. Урушга хизмат қиладиган

ана шу асбоб Мересьевга Москва осмонини кечаси қўриқлайдиган посбон бўлиб эмас, балки ҳайвонот бетидан қочиб бу ерга келган ва ҳозир бульварда гуллаб ётган дараҳтлар салқинида мудраб ётган улкан ва ювош бир йиртқичга ўхшаб кўринарди.

Мересьев кўзларини қисиб, жилмайган юзини офтобга тутди.

Фуж бўлишчб ўтирган болалар аввал Алексейга э’тибор беришмади. Улар қирқ иккинчи палата деразаси остида ғужғон ўйнайдиган чумчуқларга ўхшар эди. Алексей болаларнинг қувноқ чулдираши ичидаги ҳузур қилиб ўтириб, бутун вужуди блан қуёшдан иссиқ нур эмар ва кўча ғовир-ғувирларидан ором оларди. Шу топда оёқ яланг бир бола шеригидан қочмоқчи бўлиб, Алексейнинг узатилган оёқларига қоқилиб кетди ва ағдарилиб қум устига йиқилди.

Боланинг думалоқ юзи бирдан буришиб, ҳозир йиглайдигандек бўлиб кўринди, сўнгра унинг юзида қўрқув ва ташвиш аломати пайдо бўлди. Бола бақириб юборди ва Алексейга хавотир блан кўз ташлаб, ўзини четга олди. Қолган болалар дув тўпланишиб уни ўргага олдилар ва кўз қири блан учучига қараб узоқ чулдирашдилар. Сўнгра секин-секин юриб, қўрқа-писа унинг яқинига келабошладилар.

Уз фикр-хаёлига ғарқ бўлган Алексей бу воқиалардан бутунлай хабарсиз эди. Унинг кўзи ҳайрат ва хавотир блан унга тикилиб турган болаларга тушгандан кейингина, уларнинг гапи кулогига кирабошлиди.

— Гапингнинг бариси ёлғон, Витамин! Ҳар кун кўриб юрадиган учучиларимиздан, старший лейтенант — деди ёши ўнларда бўлган ориқ бир бола жиддий қиёфада.

— Үлай ёлғон бўлса шу гапим, пионер бўлмай,— ёғочдан! Чинакам оёқлар эмас, ёғочдан! — деб қасам ичди думалоқ юзли Витамин.

Мересьевнинг юрагига бирнимма санчилгандай бўлди. Уни бирдан ғам босди ва кўз олди қоронфилашди. У бошини юқори кўтарди, болалар унинг кўзларида

қўрқиб, орқага чиғандилар, лекин улар ўчучининг оёқ-ларидан кўз узмас эдилар. Ёлғончисан дегани учун жаҳли чиққан Витамин ориқ бола блан тортиша кетди:

— Хўп, бўлмаса, ўзидан бориб сўрайми? Мени қўрқади деб ўйлайсанми? Қани кел, гаров ўйнаймиз!

Витамин болалар тўпидан чиқиб, «Автоматчи» чумчуқдай кўзлари олазирак бўлиб, ёnlамасига секин-секин қадам босиб, Мересьев олдига келаберди.

У, чопиш ўйинида маррада югуришга чоғланиб турган кишидек ола-зирак бўлиб тураркан, деди:

— Старший лейтенант амаки... Амакижон, оёқларингиз чинакамми ёки ёғочданми? Сиз инвалидми?

Чумчуққа ўхшаган бу бола, шу пайтда, учучининг кўзлари ёшга тўлганини кўриб қолди. Агар Мересьев шу топда ўрнидан иргиб туриб, унга бақирганда, қўлидаги олтин ёзувли таёгини ҳамла қилиб унинг орқасидан қувлаганда ҳам, болага мунча қаттиқ та'сир қилмас эди. Бола «инвалид» деган сўзни айтиб, қорачадан келган бу ҳарбий кишини қаттиқ ранжитганини ақл блан эмас, балки чумчуқдек сезгири юраги блан сезди. Бола орқага чиганиб, жимжит турган шерикларига бориб қўшилди, гуж бўлиб турган болалар худди асал ва мўм ҳиди келиб турган хушбўй ҳавога қоришиб кетгандай бир пастида кўздан фойиб бўлди.

Қимдир унинг отини тутиб чақирди. У иргиб ўрнидан турди. Унинг олдида Анюта турган эди. У, қизнинг суратидан тусмоллаб дарров таниди. Аммо қизнинг ҳозирги туриши суратига ўхшаш чиройли эмас эди. Унинг юзи оқарган ва ҳорғин бир қиёфада эди, ярим ҳарбийча кийинган эди — эгнида гимнастёрка ва оёғида эгиги бор эди. Сочлари тепасида эски пилотка буқланиб турарди. Лекин унинг қовоқлари сал туртиб чиққан ферўза кўзлари Мересьевга жовдираб илиқ боқарди, унинг қарашлари шундай дўстона эдики, бу нома'lум қиз гўё эскидан таниш бўлган ва бир ҳовлида ўсиб улғайгандек бўлиб кўринарди.

Бир пасгина улар индамасдан бир-бирларига разм солиб туришдилар.

— Мен сизни бутунлай бошқача ҳаёл қилган әдим.

— Хўш, масалан, қанақа? — деди Мересьев, у ҳозир юзида зоҳир бўлган бироз беўхшов кулгини кетказишга ожизлик қилаётгандек ҳис қилди...

— Қанақа деб айтсан бўларкин, мен сизни сумбати қаҳрамонлардек, бўйи узун, масалан айтайлик, икки чеккаси бўртиб чиққан, албатта бўртиб чиққан деб ҳаёл қилган әдим... Сиз тўғрингизда менга Гриша жуда кўп гапларни айтиб ёзган эди!

— Сизнинг Гришангиз ҳақиқатан ҳам қаҳрамон,— деди Алексей унинг сўзини бўлиб ва қизнинг чехраси очилиб кетганини кўргач, «сизнинг» сўзини яна қаттиқроқ та’кидлаб гапини давом этдириди: — Сизнинг Гриша чиндан ҳам одамохун. Мени қўяберинг, аммо у, сизнинг Гриша, ҳақиқатан уни қаҳрамон деса бўлади, ўзи тўғрисида у сизга, балки, ҳечнима айтмагандир...

— Биласизми, Алёша... Сизни Алёша деб атасам бўладими? Мен унинг хатларига шундай ўрганиб қолибманки... Москвада бошқа ишингиз йўқми? Йўқ? Бўлмаса, бизнига борамиз, мен дежурнилигимни тамомладим, энди бир кеча-кундуз вақтим бўш. Юринг, кетдик! Ўйда арагим ҳам бор. Сиз арақ ичишини яхши кўрасизми? Мен сизга арақ қуюб бераман.

Шу пайтда Алексейнинг кўзига узоқ ҳаёл орасидан майор Стручковнинг қиёфаси кўринди, у, Алексейга муғомбирларча кўз қисиб: мана кўрдингми, уйда ёлғиз ўзи туради, араги бор, ол-а! — дегандай бўларди. Лекин Стручков бундай гаплари блан жуда шарманда бўлган эди, шунинг учун Алексей унга энди сариқ чақалик ҳам ишонмас эди. Кечгacha ҳали анча вақт бор эди, улар бульварни сайр қилишиб, эски қадрдан дўстлардек, шод-хандон лақиллашиб юрдилар. Алексей уруш бошларида Гвоздевнинг бошига қандай мусибат тушганини ҳикоя қилиб берганида, қиз ўзини зўрға тутиб, лабларини тишлиб борарди, бу ҳол Алексейга ёқиб тушарди. Алексей Гвоздевнинг бошидан кечирган ҳарбий воқиаларини тасвиirlаркан, қизнинг мовий кўзлари унга ялтираб қаради. Қиз ундан жуда фахрла-

нарди! У қизарид, ўнинг тўғрисида ҳамон янги-янги нарсаларни сўраб, ҳаммасини батафсил билгиси келарди! Гвоздев сўрамай-нетмай унга ўзининг шул аттестатини юборганини айтиб жаҳли чиқарди! Хўш, унинг бирдан чиқиб кетиб қолгани нимаси? Бир оғиз гапирмасдан, бир эллик хат қолдирмасдан, адресини бермасдан кетиптию қолипти. Бу ҳарбий сирми? Бир кишининг хайрлашмасдан кетиб қолиши ва сўнгра хат ёзмаслиги қанақа ҳарбий сир бўлсин?

— Айтгандай, сиз телефонда унинг соқол қўйиб ўстираётганини нега бунча та'кидлаб гапирдингиз? — деб сўради Анюта ва Алексейга синамоқчи бўлиб кўз ташлади.

— Шундай, ёлгондан айтган эдим, бекорчи гап,— деди Мересьев гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлиб.

— Йўқ, йўқ, айтасиз. Кўймайман, айгасиз. Ёки бу ҳам ҳарбий сирми?

— Бунда қанақа ҳарбий сир бўлсин! Шунчаки бизнинг профессоримиз Василий Васильевич унга... қизларнинг кўзига... ҳа, бир қизнинг кўзига яхшироқ кўриниш учун шундай қилишни маслаҳат берган эди.

— Ҳа, шундай денг, мен энди ҳаммасига тушуман. Шундай денг!

Анютанинг қиёфаси бирдан тундлашиб, афт-башараси буришди, сал бўртиб чиқсан мовий кўзларидағи чироқлар гўё сўнгандай бўлди, сўнгра бирдан ранги оқарди, пешонасида ва кўзлари пастида худди игна блан қазилгандек майдада ажинлар пайдо бўлди. Қизнинг бутун гавдаси, эгнидаги эски гимнастёркаси ва қўнғир майин соchlари устидаги офтобдан рангги кегган пилоткаси блан бирга, Алексейга жуда чарчаб ҳолдан тойгандек бўлиб туюлди. Қизнинг кичкинагина ҳақиқдай оғзи, унинг атрофида билинار-билинмас сабза уриб турган майнингина мўйловчалари, юқори лаби устидадек қорайиб турган холи унинг ҳали жуда ёш эканлигидан, ёши жуда нари борса йигирмага етганлигидан дарак берарди.

Москвада ба'зан шундай бўладики, кенг кўча бўйлаб чиройли уйлар тагидан бораберасан, бориб-бориб, сўнгра бу кўчадан ўн қадамча бир томонга бурила-

сан,— шунда олдингдән әски, дўмaloқ бир уй чиқади, унинг пойдевори ер блан текисланиб қолган, эскилиги-дан қорайиб кетган кичкина дераза ойналари хира бир тусда кўринади. Анюта ҳам худди ана шундай уйда турарди. Улар мушук ва керосин ҳиди келиб турган тор зинапоядан иккинчи қаватга чиқдилар. Қиз калид блан эшикни очди. Улар икки эшик орасида салқин жойда турган, озиқ-овқат солинган халтачалар, идиш товоқлар устидан хатлаб ўтиб, қоронғи ва бўш ошхонага кирдилар, ундан ўтиб парда тўсилган бир даҳлизчага кириб, кичик бир эшикка дуч келдилар. Рўпарадаги эшикдан озғингина бир кампир бошини чиқарди.

— Анна Даниловна, унда сизга хат бор,— деди кампир ва икки ёшга мароқ блан кўз ташлагач, ўзини ичкари олди.

Анютанинг отаси ўқитучи эди. У ишлайдиган институт орқа томонга (тылга) кўчиб кетганда, Анютанинг ота-онаси ҳам бирга кўчиб кетишган эди. Мебель магазинига ўхшаган ва эски стул ва столлари, жавон ва диванлари полотно жилтлар блан ўралган иккита кичкина хона Анюта қарамоғида қолган эди. Мебельлардан, эскириб ва сарғайиб қолган дарпардалардан, деворга осилган ҳархил сурат ва расмлардан, пианино устида турган ҳайкалчалар ва чинни идишлардан рутубат ҳиди бурқиб тураг ва бу нарсаларга қарамай қўйилганлиги кўриниб тураг эди.

— Кечирасиз, мен казарма ҳолатидаман, госпитальдан тўғри университетга бораман, бу ерга эса ҳар замонда бир келиб хабар олиб кетаман,— деди қизариб Анюта ва шошиб-пишиб столдаги дастурхонни ҳархил ахлат-пахлати блан тортиб олди. Қиз ташқарига чиқди ва қайтиб келиб дастурхон ёзди, унинг четларини тортиб текислади.

— Агар бир амаллаб уйга келмоқчи бўлсанг, шундай чарчайсанки, диванчага зўрға бориб ечинмай ётиб оласан. Бундай вақтда уйни йиғишириш, тозалаш қайдა дейсиз!

Бирнеча минутдан кейин электр чойнак вижиллай-бошлиди. Стол устида қирраларининг сири кетган гул-

дор эски чашкāлар ёлтирас эди. Чинни равон устида юпқа кесилган қора нон гуарди, қантдоннинг тагида жуда майда-майда ушатилган қант бўлакчалари кўринарди. Утган асрдан қолган жун попукли жилт остида чой дам еб, хушбўй ҳид тарқатар ва урушдан бурунги даврларни эслатарди, стол ўргасида эса кўкимтир ёлтираб бир шиша ва унинг икки томонида қоровул бўлиб иккита юпқагина рюмкача турарди.

Мересьев баҳмал қопланган чуқур креслога ўтқизилган эди. Ипак блан тикилган ва креслонинр ўтирадиган, суннадиган ўринларига чандиб қадаб қўйилган шолча кўк баҳмал орасидан чиқиб турган похолларни бекитишга ожизлик қиласарди. Лекин у жуда юмшоқ бўлиб, кишини ҳар томондан ўраб бағрига босарди, Алексей унга ўтириши блан шишган ва ўт чиқаётган оёқларини роҳат қилиб чўзиб олди.

Анюта унинг ёнидаги кичкина ўриндиқقا ўтирди ва қиз боладек унинг бошдан оёғигача кўз югуртириб чиққаҷ, яна Гвоздев тўғрисида саволлар берабошлади. Сўнгра у бирдан сакраб ўрнидан турди-да, ўзини коийиб, Алексейни стол томонига тортиб келди.


— Арақдан ичарсиз, балки, а? Гриша айтган эдики, танқчилар... албатта учучилар ҳам...

Қиз рюмкага қўйиб Алексей олдига қўйди. Уйга тушган оппоқ қуёш нурларида арақ кўкимтир товланарди. Арақ ҳиди узоқ ўрмондаги аэроромни, ундаги командирлар ошхонасини ва овқат олдидан бериладиган «ёнилғи нормаси» устида бўладиган хушчақчақ ғовир-ғувурларни эслатарди. Алексей иккинчи рюмканинг бўш турганини кўриб сўради:

- Сизчи?
- Мен ичмайман,— деди Анюта.
- Унинг учун, Гриша учун ҳам ичмайсизми?

Қиз табассум блан индамай ўзига ҳам қўйди, нозик рюмкани кўтариб ўйланқираб Алексей блан уриштириди.

— Унинг омади учун,— деди қиз қат'ият блан ва рюмкани шартта кўтариб оғзига қўйди, лекин шуондаёқ тиқилиб йўталакетди ва қизариб зўрға нафас ола бошлади.



Мересьев ичиб одатланмаганидан боши айланаётганини, баданига иссиқ ва роҳат кирганини сезди. Ўна қўиди. Анюта йўқ ишорасини билдириб бошини қаттиқ қимирлатди:

— Йўқ, йўқ, мен сра ичмайман, ўзингиз кўрдингиз-ку.

— Менинг омадим учун-чи? — деди Алексей—Анюта, менга омад қанчалик кераклигини агар билсангиз эди!

Қиз унга қандайдир жиддий бир қиёфада қараб қўйди-да, рюмкани кўтарди, очиқ чеҳра блан унга бош силкигди, унинг қўлини ва билагини астагина сиқиб қўйди ва яна ичди. Нафаси бўғилиб зўрга йўталди.

— Бу нима қилганим?!.. Бир кечаю-кундуз дежурлик қилишдан кейин-а? Фақат сиз учун ичдим Алёша. Ахир сиз... сиз тўғрингизда Гриша менга кўп нарсани ёзган... Мен сизга жуда катта омад тилайман! Сизнинг омадингиз албатта келади, эшитаяпсизми, албатта келади!— Қиз қақиллаб кулди.— Нега ҳечнарса емайсиз? Олинг, нондан енг. Уялманг, тағин ноним бор. Бу кечаги нон, бугунгисини ҳали олганим йўқ,— деди қиз табассум блан ва сирдек юпқа кесилган нонни чинни равончаси блан унинг олдига суриб қўйди.— Олинг, нондан енг, олинг, қизиқ одам экансиз-ку, бўлмаса, масг бўлиб қоласиз, унда нима бўлади ҳолингиз?

Алексей тўғралган нонни равончаси блан ўзидан нарига суриб қўйди ва Анютанинг ферўза кўзларига, кичкинагина оғзига ва ҳақиқ лабларига кўз солди.

— Агар мен сизни ҳозир ўпид олсам, нима қилган бўлар эдингиз — деб сўради у бўғиқ товуш блан.

Қиз чўчиб унга қаради,— у, афтидан дарҳол ҳушига келиб қолди, унга ғазаб блан эмас, балки синов ва хафсаласизлик назари блан қаради, киши, ҳозиргина йироқдан ялтираб, турган ва унинг хаёлига қимматли тошдек туюлган синиқ ойна парчаларига худди шундай назар блан қарайди.

— Эҳтимол, сизни қувиб юборган бўлар эдим ва Гришага хат ёзиб, сен одамни яхши ажратмас экансан деб ёзар эдим,— деди қиз совуқ бир оҳангда ва

яна юнни унинг олдига суриб қўйди.— Ноңдан енг, маст бўлиб қолибсиз.

Мересьев очилиб кетди:

— Бу гапни тўғри айтдингиз, сизга раҳмат бунинг учун, ақлли қиз! Бутун Қизил Армия номидан раҳмат сизга! Мен Гришага хат ёзиб, сен одамни жуда ҳам яхши ажратар экансан, дейман.

Улар соат учларгача лақиллашиб ўтирдилар, уйга қия тушиб турган тўзонли қуёш шу'ласи девор томонига оғабошлади. Поездга чиқадиган вақт эди. Алексей қулай кўк креслодан негадир ғамгинлик блан турди, унинг френчига бир тутам сомон похоли ёпишиб қолган эди. Аниота уни кузатиб борди. Улар қўлни-қўлга ўтқазишиб бормоқда эдилар. Алексей дамини олгандан кейин энди шундай шағдам қадам ташлаб борардики, буни кўрган қиз ҳайрон бўлиб ўйланиб қолди: ажиб, Гриша, дўстимнинг оёқлари йўқ, деб ҳазиллашмадимикин. Аниота Алексейга кўчма госпиталь ҳақида сўзлаб берди, у бошқа медик қизлар блан бирга шу госпитальда ишлаб, ярадорларни оғир ва енгилларга ажратар экан, ҳозир уларнинг иши жуда қийинлашиб қолган, чунки, ҳар куни жануб томондан бирнече эшелон ярадорлар келиб турган, келучи бу ярадорлар шундай ажойиб одамлар эканки, оғриқ ва азобни мардонавор кечирадиган матонатли кишилар экан. Қиз бирдан ўз сўзини ўзи бўлиб, Алексейдан, сўради:

— Ростдан ҳам Гриша соқол қўйиб юритими?— деди у ва бироз индамай ўйланиб тургач, секин товуш блан қўшиб қўйди:— Мен ҳаммасини тушундим. Сизни ўз отамдай билиб тўппа-тўғрисини айтаман: унинг юзидағи доғларга ва ғадир-будурларга қарааш аввалда ҳақиқатан ҳам оғир туюлади. Йўқ, оғир эмас, ундай демоқчи эмасман, бироз қўрқинчлироқ, йўқ бундай ҳам эмас, қўрқинчли эмас, ундақа демоқчи ҳам эмасман... Қандай дейишимни ҳам билмайман. Сиз менинг фикримга тушундингизми? Бу ҳол, балки, яхши эмасдир, аммо начора? Лекин қочиб кетиш, мендан қочиш—тентаклик, товба, қип-қизил тентак экан-ку у! Агар сиз унга хат ёёсангиз, айтингки, унинг бу ишидан мен жуда хафаман.

Вокзалнинг каттакон биноси дёярлик бўш эдӣ. Унда бирнече ҳарбийлар бор эди, улар ба’зан иш блан ҳар томонга югуришар, ба’зан девор ёнидаги скамейкаларда, буюм халталари устида ва полда чордана қуриб индамай ўтиришардилар, уларнинг ҳаммасининг юзида қўпидайдир ташвиш аломати бўлиб, қовоқлари солинган ва ҳаммалари бир фикри ўйлаётгандек эди. Бир вақтлар бу йўл Фарбий Европа блан алоқа боғлаш учун хизмат қиласарди. Ҳозир эса Фарбга борадиган бу йўлии душман Москвадан саксон километр нарида кесиб қўйган эди, шунинг учун поездлар фақат тўғри келган вақтда шаҳар атрофида қатнарди, холос.Faқат ҳарбий поездлар юрарди, бу поездларга тушган ҳарбий кишилар икки соат ичида пойтахтдан тўғри ўз дивизияларининг мудофаада турган ерига етиб борар эдилар; электричка поездлар ҳам ҳар ярим соатда шаҳар атрофида ишчиларни ва сут-қатиқ, мева-чева, қўзиқорин ва сабзавот кўтарган дехқон хотин-қизларни платформага келтириб тушириб турарди. Улар говур-ғувур блан бир пасда вокзал биносини тўлдирар ва шу ондаёқ майдонликка чиқиб кетишарди, вокзалда яна фақат фронтчиларнинг ўзи қоларди.

Ўртадаги залнинг деворида совет-герман фронтининг катта харитаси шифтгача осиғлиқ туради. Ҳарбий форма кийгани, юzlари ойтовоқдек қип-қизил бир қиз шоти устига чиқиб, бир қўлида Совинформбюронинг янги ахбороти босилган газетани тутган ҳолда, харитага булавкалар блан шнур қадаб фронт чизирини кўрсатмоқда эди.

Хаританинг пастида шнур ўнг томонга қараб қаттиқ бурилиб кетган эди. Немислар жанубда ҳужум қилмоқда эди. Улар Изюм-Барвенково дарвозаларига ёриб кирган эдилар. Мамлакат ичкарисига тикка ёриб келаётган олтинчи немис армияси Дон дар'ёсига яқинлашмоқда эди. Бояги қиз шнурни Донга яқинроқ қадаб қўйди. Ўнинг яқинида Волга йўғон илон изидек элангбеланг бўлиб кетган эди, унинг устида думалоқ доира шаклида Сталинград ва ундан сал юқорироқда кичкина шукта бўлиб Камишин шаҳари турарди. Донга яқинлашиб келган душман қўшини Волгага қараб интилаёт-

гандлиги ва тарихий шаҳар бўлған Сталинградга яқинлашиб қолганлиги равшан сезилиб турарди. Қизнинг оёғи тагидаги шоти теварагини гуж ўраб олган халойиқ қаттиқ сукунат блан қизнинг булавка қадаётган йўғон қўлларига қараб турарди.

— Зўр бериб тумшуқ суқиб келаяпти ит... Қаранг-а, қандай босиб келаётир!— деди ғазаб блан бир ёш солдат; унинг ҳамма ерини тер босган эди ва эгнидаги янги шинелининг ҳали қати бузилмаган эди ва танида ҳурпайиб турган эди.

Мўйловларига оқ кирган ва бошида эски, ёғи чиққан шапка кийган бир темир йўлчи бўйини эгиб солдатга олайиб қаради:

— Босиб келаётти дейсанми? Хўш, сен уни нега босиб келишга қўясан. Сен ундан қочиб, яшириниб юрганингдан кейин албатта босиб келади-да. Жангара иловонлар! Душманни она-Волганинг худди бўйига етиб келишигача қўйиб беришди-я,— унинг товушида дард ва алам оҳангি бор эди, у худди катта бир гуноҳ иш қилиб қўйган ўғлини койиб тургандек эди.

Жангчи гуноҳкорларча уёқ-буёққа аланглаб қаради ва янги шинелини елкаларига кўтариб қўйиб, оломон ичидан суғирилиб чиқабошлади.

— Урушганимизча хўп урушдик,— деди кимдир уф тортиб, сўнгра у бошини қимирлатиб,— эҳ,— деб қўйди.

— Уни сўкишдан нима чиқади?.. Унинг гуноҳи нима? Улардан озмунчаси жанг майдонида жонини фидо қилдими? Унинг қандай қилиб босиб келаётганини эшитиб турибмиз, Европанинг ҳаммаси деярлик танклари ва тўп-тўпхонаси блан босириб келаётти уларни бирданига тўхтатиб бўладими— деди бир чол киши жангчининг ёнига тушиб; афтидан у қишлоқ ўқитучисига ёки фельдшерга ўхшар эди.— Агар яхшилаб ўйлаб қаралса, сиз блан биз Москвада тирик ва эркин юрганимиз учун шу жангчининг оёғига бош уришимиз керак. Немис бир ҳафта ичиде не-не мамлакатларни танклари блан поймол қилиб ташлади, ахир! Биз бўлсак бир йилдан ошиқ вақтдан бери жанг қилиб келаояпмиз, жанг қилишимиз ҳам чакки эмас, уларни боплаб дўппасляяпмиз ва қанчадан-қанчасини

дўппаслаб ерга ётқизиб қўйдик. Бутун дун'ё келиб ана шу жангчининг оёғига бош урса арзийди, сиз бўлсангиз. «Қочасан, яширанасан» дейсиз.

— Биламан, биламан, менга ташвиқотингни қилма, худо ҳақи! Ақл ҳаммасига етади-ку; аммо кишининг юрак бағри эзилади ва танда жон қийналади, тарс ёрилиб кетгандай бўлади,—деди қовоғини солиб темир йўлчи.— Ахир немис бизнинг еримизни босиб келаяпти ва уйларимизни вайрон қиласяпти...

— У ҳам ўша ердами? — деб сўради Анюта, қўли блан жанубни кўрсатиб.

— Уша ерда. Қиз ҳам ўша ерда,—деб жавоб берди Алексей.

Алексей Волганинг кўк ҳалқаси ёнида, Сталинграддан юқорироқда «Қамишин» деб ёзилган кичкина доирачани кўрди. Унинг учун бу оддий бир жуғрофий нуқта эмас эди. Бу, теварак-атрофидаги кўчаларида кўкатлар ўсган, теракларнинг чанг босган, ялтироқ барглари шилдираб турган, тевараги панжара блан ўраб олинган сабзавот майдончаларидан шивит, качничларнинг ҳиди тўзон аралаш думоққа уриб турган, полизларнинг қора ва қоқ кесаклари орасида ола-була тарвузлари думалаб ётган кўкаламзор бир шаҳар эди, унда дашт-саҳродан эсган шабада ўт-ўланларнинг ўткир ҳидини думоққа келтириб уради, дар'ёнинг жим-жимадор оқиши яққол кўриниб турарди, ана шу шаҳарда қадди-қомати келишган, шаҳлокўз ва қорамтирик қиз ҳамда соchlарига оқ тушган ва инқираб-синқираб юрган она яшарди...

— Улар ҳам ўша ерда,—деб такрорлади у.

## 2

Электричка поезд филдиракларини тез-тез тақирилатиб ва жаҳл блан чинқириб, Москва атрофига жадал югурмоқда эди. Алексей Мересьев дераза ёнида ўтирган эди, соявони кенг шляпа кийган, олтин қирра кўзойнагини қора ип блан бойлаб олган ва соқоли қирилган бир чол башара киши уни вагон деворига сиқиб

ўтиради. Чол газетага ихчам ўралган ва устидан ип блан боғланган дарахт бутайдиган чопқи, темир курак ва паншахани икки тиззаси орасига қўйиб бормоқда эди.

Уша даҳшатли кунларда ҳамманинг фикри-зикри урушда бўлганидек, бу чолнинг ҳам ўй ва хаёли урушда эди. У қотма кафтини Мересьевнинг бурни олдида қаттиқ силкитиб, тил биринчириб иш кўрадиган кишилардек, унинг қулоғига шивирларди:

— Сиз менинг ҳарбий кийимда бўлмаганинг қараманг, мен уруш планизнинг тагини жуда яхши билдим, бу план душманни Волга атрофидаги дашт-саҳроларга алдаб келтириш, хўш, унинг ўз коммуникацияларини жуда чўздириш, я’ни ҳозирги замон та’бири блан айтганда, уни орқа таянчидан ажратиш, сўнгра мана бу томондан, ғарб ва шимолдан унинг коммуникацияларини шартта-шартта кесиб ташлаб, уни бирёзлик қилишга мўлжалланган.— Хўш... Бу жуда ақлли иш. Ахир, бизга қарши фақат Гитлернинг ўзи урушаётгани йўқ-ку. У қамчи зарбаси блан Европани бизнинг устимизга ёпираётир. Ахир, биз олти мамлакат армияси блан яkkама-якка жанг қилиб турибмиз. Яkkама-якка олишайпмиз. Бунинг қусурини ҳеч бўлмаганда, лоақал мамлакатимизнинг кенглиги ҳисобидан чиқаришимиз керак-да, хўш. Ягона оқилона чора ана шу. Ахир, иттифоқчиларимиздан бирон гап чиқадиганга ўхшамайдику... Лаббай? Сиз қандай ўйлайсиз?

— Мен ўйлайманки, сиз бекорчи гапларни айтаяпсиз. Ватан тупроғи қусур чиқаручилар учун жуда қимматлик қиласди,—деб жавоб берди қовогини солган ҳолда Мересьев; шу вақтда унинг кўз ўнгидаги негадир қишида сургалиб ўтган бўм-бўш қишлоқнинг култепалари кўринди.

Лекин чол оғзидан тамаки ва арпа кофеси ҳидини бурқитиб Алексейга вайсагани-вайсаган эди.

Алексей деразадан бошини чиқарди. У, юзини тўзон аралаш эсаётган иссиқ шамолга тутди. У, поезд ёнидан тез ўтиб кетаётган платформаларга ва уларнинг кўк панжараларига, дераза ва эшикларига тахта қоқиб қўйилган чиройли дўкончаларга, кўмкўк дарахтлар

орасидан мўралаб тўрған боқчаларга, қурғиб қолган ариқчалар ёнида кўмкўк кўлмак бўлиб ётган ҳовузча ларга, ботаётган қуёш шуласида, ингнабарг дарахтлар орасида, қаҳрабодек олтинланиб турган қарағайларнинг мўм шамдай тиккайган таналарига, ўрмон орқасидан кечки пайтда кўкимтири товланиб кўринаётган узоқларга энтикиб қараб борарди.

— ... Йўқ, мана сиз ҳарбий кишисиз, сиз айтиб беринг: яхшими шундай бўлиши? Фашизм блан яккама-якка олишаётганимизга мана бир йилдан ошиб кетди-ку? Хўш, иттифоқчиларимиз қани, иккинчи фронт қани? Сиз мана бундай бир манзарани кўз олдингизга келтиринг. Бирон ёмон воқиа бўлишини хаёлга келтирмасдан, пешонасидан тер тўкиб ишләётган кишига ўғрилар ҳужум қилди. У киши ҳам бўш келмай, ўғрилар блан муштлашишга киришди ва муштлашмоқда. А’зою баданидан қон оқишига қарамай, муштлашиб, қўлига тушган нарса блан солмоқда. У ёлғиз, ўғрилар эса кўп, улар қуролланган, улар бу кишини аллақачон каллак қилиб қўйишиди. Хўш. Бу манзарани кўриб турган қўшилар эса, ўз уйлари ёнида туриб унга хайриҳоҳлик билдирадилар: балли, шаввозд, жуда шаввозд киши экан-ку! Ўғрининг жазоси ана шу, аяма, урабер!—дейдилар. Улар ўғридан қутилишга ёрдам бериш ўрнига, унга майдатчийда тошларни ва темир-терсакларни узатиб: ма, булар блан қаттиқроқ ур, дейдилар ва ўзлари эса бир чеккада турадилар. Хўш, хўш, иттифоқчилар ҳозир ана шундай қилаётирлар... Пассажирлар...

Мересьев қизиқиб чолга қаради. Ҳозир кўп киши улар томонига қараб турган эди, лиқ тўла вагоннинг ҳар томонидан овозлар эшитилабошлади:

— Гапнинг тўғриси-да. Яккама-якка урушияпмиз Иккинчи фронт қаёқда қолди?

— Майли, худо хоҳласа, бир ўзимиз уддалаб қўяшимиз, ҳаммасини тайёрлаб қўйганимиздан кейин, иккичи фронт ҳам тайёрга ҳозир бўлиб қолади.

Поезд боғзор бир платформа ёнида тўхтади. Вагонга бирнечча ярадор чиқди, уларнинг эгнида пижама, қўлларида таёқ, қофозга ўроғлиқ мева ва семечка бор

эди. Афтидан улар согайиб келучилар учун бўлган бирон госпитальдан бу ердаги бозорга келган эдилар. Чол иргиб ўрнидан турди.

— Утилинг, биродар, ўтилинг,— деди у ва оёғи бинтланган, қўлтиқ таёқли сариқ йигитни қўярда-қўймай ўз ўрнига ўтқизди.— Майли, майли, ўтираберинг бемалол, мен ҳозир тушаман.

Чол дабдурустдан ўроқ ва паншахаларини кўтариб ҳатто эшикка ҳам юзланди. Сут сотучи аёллар ярадорларга жой бўшатиб бермоқ учун бир-бирларига сиқилабошладилар. Алексей орқа томондан хотин кишининг койиб турган овозини эшилди:

— Уялмайди ҳам бу киши. Ёнида майиб аскар зўрға энгашиб турипти, жуда сиқиб қўйишипти бечорани, у бўлса соппасор бўлатуриб, парво қилмай ўтирипти. Гўё у ўзини дуо ўқитиб ўқ ўтмайдиган қилиб қўйгандай, тағин ўзи командир, учучи!

Алексей ўзига ёпишмайдиган бу қаттиқ гапдан тутақиб кегди. Унинг бурун тешиклари тез-тез керилиб ёнилаберди. Лекин бирдан чеҳраси очилиб, ўрнидан иргиб турди-да:

— Утир, биродар,— деди.

Ярадор довдираб қолиб, орқага чиганди:

— Йўғе, ўртоқ старший лейтенант! Бемалол ўтираберинг; мен тикка тураман. Яқин қолди, яна икки остановка қолди!

— Утир, дейман!— деб бақирди Мересьев унга: шу тобда унинг қувноқлик, шўхлик ҳисси қўзғаган эди.

У вагон деворига суюниб, икки қўли блан таёғига тираниб тураберди. У кулимсираб турарди. Катак рўмол блан ўралиб олган кампир ўз хатосини тушунди, и'екилли.

— Эй халойиқ! Яқиндаги бировинг анов таёққа таяниб турган командирга ўрин берсангиз-чи. Уялмайсизми? Ҳой, шляпа кийган хотин, менга қара, бировга уруш-у, сенга роҳатижонми, ўтиришингга қара-я!.. Уртоқ командир, келинг менинг ўрнимга ўтилинг! Ҳой, орани бўшатиб командирга йўл берсангиз-чи, худо ҳақи!

Алексей ўзини эшиитмасликка солди. Унинг түғेғ қилаётган қувноқлиги энди сўнабошлаган эди. Шу вақтда проводник хотин у борадиган станцияни айтди ва поезд ҳам секинлашабошлади. Алексей оломон орасидан чиқиб борар экан, эшик олдида яна бояги кўзойнакли чолга дуч келди. Чол, эски танишлардек, унга кўз қисиб қўйди.

— Қандай деб ўйлайсиз, ҳар ҳолда иккинчи фронтни очишармикин? — деб сўради секин овоз чиқариб чол.

— Очишмаса очишмасин, шундай ҳам ўзимиз уддалаймиз,— деб жавоб берди Алексей тахта перронга тушатуриб.

Филдиракларини шақирлатиб ва гудогини бақиртириб жўнаган поезд муйилишда бекинди, унинг орқаси дан сийраккина чанг чўзилиб қолди. Бирнеча пассажир қолган платформани шом пайтининг хушбўй сукунати чулгаб олди. Урушдан илгари бу ер жуда яхши ва тинч бир жой бўлган бўлса керак. Платформани зич ўраб олган қарағайларнинг учлари бир мақомда шилдираб, ором берарди. Эҳтимол, бундан бир йил бурун ана шундай гўзал кечаларда гулдор кўйлаклар кийиб ясанган хотин-қизлар, қувноқ болалар, қуёшда қорайган эркаклар поездлардан тушиб, шаҳардан олиб келган турли таомларни ва боғдорларга совға учун олиб келган виноларини кўтарган ҳолда ана шу йўл ва йўлакларга тарқалишиб, ўрмонзорлар орқали боғларга борган бўлсалар керак. Ҳозир эса поезддан тушиб қолган бирнеча пассажир, чопқи, белкурак, паншаха ва сабзавотчиликка керак бўладиган бошқа асбобларни кўтариб, тез-тез қадам ташлаб платформадан тушиди ва ўз ташвишига ботган ўрмонга қараб жадал юриб кетишиди. Фақат Мересьев ўз таёғи блан сайр қилиб юрган кишига ўхшаб кўринарди, у ёз кечининг гўзал лигига қараб, тамоша қиласарди, кўкраганин тўлдириб нафас олар ва қарағайлар орасидан ўтиб баданига иссиққина тегаётган қуёш нурларидан кўзини юмарди.

Москвада унга йўлни батафсил тушунтирган эдилар. У тажриба кўрган ҳарбий киши бўлганидан, бироз

мўлжал блан санаторияга борадиган йўлни дарров аниқлаб олди. Санатория станциядан ўн минутлик йўл бўлиб, осойиштагина турган кичик бир кўл бўйида жойлашган эди. Бир вақтлар, революциядан илгари, бир рус миллионери Москва яқинида ҳечкимда бўлмаган ёзги қаср солишига аҳд қилган. Ў, архитекторга: мен пулни аямайман, лекин қаср фақат жуда ҳам фалати бўлиши керак, деган. Архитектор хўжайинниң дидини бажо келтирмоқчи бўлиб, кўл бўйида ғиштдан жуда каттакон фалати бир қаср бино қилган, унга панжарадор торгина деразалар қурган, қуббадор минораталар, зинапоялар, кирадиган ва чиқадиган эшиклар қурган, томларининг тепасида осмонга чўзилиб кетган гумбазлар ясаган. Теварак-четида қамиш-қиёқлар ўсган кўл бўйида ола-була нақшлар блан ясалган бу бино кенг ва эркин рус манзарасига ярашмайдиган бир ҳол бўлиб тушган эди. Манзара эса гўзал эди! Баргларини шилдиратиб турган бўйдор чиройли мирзатерак ойнадек ялтираб турган сув ичидан ўз жилвасини кўрсатарди. Мавж уриб турган кўкатлар орасидан унда мунда қайн дарахтларининг таналари оқариб кўринарди. Эски буталарнинг кўкимтири халқаси кенг кунгирали доира шаклида кўлни ўраб олган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси осойиштагина ялтираб турган муз-дек кўкимтири сувнинг зилол ойнасида ўз аксини кўрсатарди.

А’ло зиёфатлари блан бутун Россияга донг кўтаргая бу ернинг хўжайининицида кўп машҳур рассомлар узоқ вақт туриб, бу жойнинг манзарасини тўлиқ ҳолича ёки унинг айрим бўлакларини чизиб жуда кўп суратлар яратган ва улуғ рус табиатининг қудратли ва камтар гўзаллигидан намуналар кўрсатган эдилар.

Худди ана шу қасрда Йишли-Деҳқон Қизил Армияси ҳарбий-ҳаво кучларининг санаторияси жойлашган эди Тинчлик вақтида бу ерда учучилар хотинлари блан бирга, ба’зан эса бутун оиласлари блан турар эдилар. Уруш вақтида эса уларни госпитальдан кейин яхшилаб даволаниш учун бу ерга юборардилар. Алексей санаторияга теварак-четида қайн дарахтлари ўтқазилган кенг ва айланма асфальт йўл блан эмас, балки стан-

циядан ўрмонзор орқали тўғри кўл бўйига чиқадиган сўқмоқ йўлдан юриб борди. У, ҳечкимга сездирмасдан, орқа томондан кириб бориб, кўча дарвозаси олдида усти одамга лиқ тўла икки автобусни ғовур-ғувур ўраб олишган катта оломон орасига кириб кетди.

Алексей бу одамлар ўртасидаги гап-сўзлардан, хайр-хўшлардан, омон-эсонлик тилаб қолишилардан санаториядан тўғри фронтга кетаётган учучиларни кузатёстганликларини пайқади. Кетучиларнинг кайфлари чоғ, руҳлари баланд эди, улар гўё ҳарбир булут парчаси орасидан ажал уруғи сочиладиган жойга эмас, балки ўзларининг тинчгина турган гарнizonларига жўнаб кетаётгандек эдилар; кузатучилар юзида сабрсизлик ва ғамгинлик аломати кўринарди. Бунинг сабабини Алексей билар эди. Жануб томонда бошланган катта янги жангни эшитганида унинг ўзи ҳам худди шундай қаттиқ энтиккан эди. Фронтда воқиалар авж олиб, вазият оғирлашган сари бу интилиш зўрайиб борарди. Қачонки ҳарбийлар орасида, гарчи ҳали секинлик ва эҳтиётлик блан бўлса-да, «Сталинград» сўзи тилга олинабошлагач, бу интилиш ични тимдайлайдиган фуссага айланиб кетди ва госпитальдаги мажбурий бекорчилик жуда жонга тегабошлади.

Хашамроқ машиналарнинг ойналаридан кетучиларнинг қорайган ва изтиробга тушган юзлари кўриниб турарди. Сочларининг бирмунчаси тўқилиб тоз бўлиб қолган, йўл-йўл пижама кийган, пакана чўлоқ армани — ҳаммага ма’лум ва машҳур бўлган, дам олучилардан ҳарбир тўдаси ичиди албатта бўладиган аскиябоз ва қизиқчилардан бири бўлган ана шу киши— автобуслар атрофида чўлоқланиб юрар ва кетучиларидан бири блан қўлидаги таёфини силкитиб хайрлашарди:

— Ҳой, осмондаги фрицларга дуюо салом айтиб қўйинглар! Федя! Сенга ой нуридан ванна олишини тамом қилишга қўймаганлари учун улар блан яхшилаб муштлаш. Федя, Федя! Совет аскарига ой нуридан ванна олишга қўймаслик, одамгарчилик эмаслигини уларга осмонда боллаб қўрсатиб қўй!

Боши дўмалоқ, пешанасида узунчоқ катта доғи бўлган қора бир йигит—Федя бошини ойнадан чиқариб, санаториянинг ой нури берадиган комитети хотиржам бўлсин, деб бақирди.

Оломон ичида ва автобусда қаттиқ кулги кўтарилди. Шу кулги остида машина юриб кетди ва секин юриб эшикка чиқди.

— Овларинг барор олсин! Оқ йўл бўлсин!— деган овозлар эштилди оломон ичидан.

— Федя, Федя! Полевая почтангнинг номерини тезроқ юбор! Зиночка юрагингни пакетга солиб заказной қилиб қайтариб юборади!..

Автобуслар хиёбон муйилишида кўздан ғойиб бўлди. Шафақдан қизарган чанг-тўзон босилди. Халат ва йўл-йўл пижама кийган дам олучилар секин-секин паркка тарқалишди. Мересьев санатория ичкарисига кирди, кириши блан кийим иладиган қозиқларда осилиб турган кўк жиякли шапкаларга, полдэ думалаб ётган соққаларга, волейбол коптовларига, крокета болғачаларига ва тенис ракеткаларига кўзи тушди. Эски бир чўлоқ киши уни идорага бошлаб борди. Яқинроқдан қараганда у кишининг қиёфаси жиддий ва кўзлари чиройли, сузук эканлиги ма’лум бўлди. Боратуриб у ўзини санатория ой нури комитетининг раиси деб ҳазиллашиб таништирди ва, медицинанинг исботига кўра ой нуридан ванна олиш ҳарқандай ярани даволаш учун энг яхши чорадир, бу масалада мен ҳечқандай тартибсизликка ва ўзбошимчаликка йўл қўймайман, кечки сайр учун нарядларни ўзим ёзиб бераман, деди. Ҳазил гап унинг оғзидан тўхтовсиз чиқарди. Лекин кўзлари ҳарҳолда илгаригидек жиддий бўлиб, қаршисидаги кишига разм блан қаради.

Идорада Мересьевни оқ халат кийган бир қиз кутиб олди, қизнинг соchlари сарғич товланиб шундай ялти-рардики, гўё унинг боши кучли аланга ичида қолган-дек кўринарди.

— Мересьевми? — деб сўради қиз қат’ият блан ва ўқиб турган китобини бир четга қўйди. — Мересьев Алексей Петровичми? — Қиз ишончсиз назар блан учучининг бош-оғигига қаради. — Сиз мени калака

қилаяпсизми? Мана бу ерда «Мересьев, старший лейтенант, Н-чи госпитальдан, оёқлари йўқ» деб ёзилган, сиз эса...

Алексей эндиғина қизнинг ҳамма сариқ хотинларда бўладиган оппоққина кулча юзига қаради, унинг юзи ҳурпайиб турган сариқ сочлари орасида кўмилган эди. Нозиккина терисидан очиқ пушти ранг қон сиртга тепиб турарди. У, бойқушнинг кўзларидек думдумалоқ ва ўйноқи кўзларини жовдиратиб, қувноқ бир таажжуб блан Алексейга қаради.

— Нима бўлса ҳам мен Алексей Мересьевман, мана қогозим ҳам бор... Сизнинг отингиз Лелями?

— Йўқ, қаердан ўйлаб чиқардингиз буни. Менинг отим Зина. Оёғингиздагилар протезми дейман?—Қиз Алексейнинг оёқларига ишонмаслик блан қаради.

— Ҳа, билдим! Федя юрагини берган Зиночка сиз экансиз-да.

— Бу гапни сизга майор Бурназян айтдими? Дарров-а! Жуда ёмон кўраманда шу Бурназяшкани! Ҳаммани масхара қилиб юргани-юрган. Ҳўш, Федяга танца қилишни ўргатган бўлсан нима қилипти? Шуни ҳам ғап қилиб юрганига қаранг!

— Энди танца қилишни менга ўргатасиз, хўпми? Бурназян менга ой нуридан ванна олишга путёвка ёзиб беришини ва’да қилди.

Қиз яна кўпроқ таажжубланиб Алексейга қаради:

— Нима, танца қиласман дейсизми? Қайси оёқлар блан? Сиз ҳам хийлигина борга ўхшайсиз, сиз ҳам ҳаммани масхара қилиб юрасиз шекилли.

Шу вақтда майор Стручков югуриб келиб қолди ва Алексейни қучоқлаб бағрига босди:

— Зиночка, гаплашганимиз эсингиздан чиқмасин: старший лейтенантни мен турган хонага юбрасиз.

Бир госпитальда бирга узоқ ётган кишилар, сўнгра худди ака-уқадек учрашадилар. Алексей майорни кўриб жуда хурсанд бўлди, уни гўё бирнечча йил кўрмагандек эди. Стручковнинг буюм халтаси аллақачон бу санаториядан ўрин олган эди ва у ўзини бунда ўз уйидагидек ҳис қилиб, ҳаммани таниб олган эди ва бошқалар ҳам уни танлаб олган эдилар. Бир кеча-кундуз

иҷида ў ба'зи бировлар блан дўстлашиб, ба'зи бировлар блан уришиб ҳам олган эди.

Улар жойлашган хонанинг деразалари паркка қарарди. Бу паркнинг бир тўп тикка чўзилиб кетган қаралайлари, бир-бири блан чирмашиб кетган черника ниҳоллари ва пальма дарахти сингари япалоқ барглари чиройли бўлиб силкиниб турган ва мевалари фақат бир гужум бўлиб турган милаш дарахтчаси уйга келиб туашган эди. Кечки овқатдан кейин Алексей дарҳол каравотга чиқиб кечқурунги шабнамдан муздек бўлиб қолган чойшаблар устида чўзилиб ётиши блан ухлаб қолди.

Бу кечаси у алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди. Кўкимтири товланиб турган қор ва ой. Бир-бирига чатишиб кетган қалин ўрмон уни қоплаб олган, у бу чакалакзордан чиқиб олишга тиришади, лекин қор оёқларини ердан уздирмайди. Алексей бошига қандайдир мудҳиш бир кулфат тушишини сезиб азобланади, оёқлари эса қор ичида музлаб қолгаи, уларни тортиб олишга мадори йўқ. У инграб ёнига ағдарилади ва кўзига энди ўрмон эмас, аэродром кўринади. Бўйи узун техника раҳбари Юра қаноти йўқ, юмшоқ фалати бир самолётнинг кабинасида ўтирипти. У қўлини силкийди, кулади ва тиккасига ҳавога учади. Михайла бобо Алексейни икки қўлига кўтариб, худди чақалоққа гапи-раётгандек унга: «Қўй уни, майли кетаверсин, биз маза қилиб чўмиламиз, иссиққина буғда баданни юмшатиб, оппоққина, озодагина бўлиб оламиз» дейди. Лекин у Алексейни иссиқ тахтанинг устига эмас, қор устига келтириб қўяди, Алексей ўрнидан турмоққа ҳаракат қиласди, лекин туролмайди: ер уни ўзига қаттиқ тортади. Йўқ, уни тортаётган ер эмас эди, балки айиқ иссиқ ва оғир гавдаси блан унинг устига ташланиб, бўғмоқда, таталамоқда ва ғурилламоқда эди. Учучилар тушган автобуслар ёнидан ўтиб кетмоқда, лекин ўйин-кулги блан ойнадан қараб бораётган бу кишилар Алексейни кўрмадилар. Алексей бақириб уларни ёрдамга чақирмоқчи, уларга қараб югурмоқчи ёки қўли блан ишора қўймоқчи бўлади-ю, лекин биттасини ҳам қилолмайди. Оғзи очилади-ю, лекин товуши иҷида қолади. Алексей димиқиб бўғилабошлайди, юраги тепищдан тўхтаётга-

нини сезади, у бор кучи блан охирги марта зўр уриб кўради, негадир кўз олдида Зиночканинг кулиб турган юзи, ўтдек ёниб турган соchlари, ўйнаб турган кўzlари кўринади.

Алексей зўр бир ҳаяжон ичида уйғонади. Жимжитлик. Бурнини сал-сал пиқиллатиб майор ухламоқда. Ойнинг ойнадан чўзилиб кирган оппоқ шу'ласи пол устида ялпайиб ётарди. Ўтмишнинг бу даҳшатли кунларининг суратлари нима сабабдан унинг кўз олдига келди экан? Алексей у кунларни деярлик ҳечвақт эсига олмас эди ва олганда ҳам уларнинг ҳаммаси унинг ўзига худди хаёлий эртакдек бўлиб туюларди. Бир мақомда секин-секин эштилаётган шилдираған овоз, уйқудаги инфир-синфирлар блан қўшилиб, кечанинг хушбўй салқин шабадаси блан ой ёруғида ялтираб турган кенг очиқ деразага урмоқда эди. Бу шилдираған овоз гоҳ кўтарилар, гоҳ пасаяр, гоҳ жуда секинлашиб шовирлаб қоларди. Бу дераза орқасидаги чакалакзорнинг шовур-шувурлари эди.

Учучи каравотда ўтириб, қарагайларнинг сирли шилдирашига узоқ қулоқ солиб тургандан кейин, худди миясини чулғаган беҳуда хаёлларни ҳайдагандек, бошини қаттиқ силкитди, унинг яна ғайрати илгаригидек тўлиб-тошиб кайфини кўтарди. Санаторияда у йигирма саккиз кун туриши керак. Шундан кейин унинг урушга қатнашиш-қатнашмаслиги, ҳавога учиш-учмаслиги ёки трамвайдага унга доимо ўрин бўшатиб бериб, хайриҳоҳлик назари блан қараб юришлари ҳал қилинади. Демак, узоқ ва шу блан бирга қисқа бўлиб кўринган бу йигирма саккиз куннинг ҳар минути чин инсон бўлиш учун курашувдан иборат бўлмоғи лозим.

Алексей ойнинг хира ёруғида ва майорнинг хуррак товушлари остида каравотда ўтирас экан, машқ қилиш планини тузди. Бу планга у эрта блан ва кечқурун гимнастика қилишни, юриш, югуришни, оёқларини махсус ўргатишни киритди ва хусусан Зиночка блан гаплашган вақтида унинг миясига келган ва ясама оёқларини ҳартомонлама ўргатишга ёрдам қиласидиган фикр уни айниқса кўпроқ ўзига тортди.

У танцани ўрганишга аҳд қилди.

Август ойининг тинч ва тиниқ кунларидан бири, табиатда бор нарсаларнинг ҳаммаси ялтираб ва гулгун товланиб туради, аммо иссиқ ҳавода қандайдир сокин ва ма'юс сўлғинлик аломати ҳали унга билингесизлиниб турипти, ана шу пайтда, бутазорлар орасидан майнингина шилдираб эгри-буғри оқаётган бир ариқча бўйидаги кичкина қумлоқда бирнечча уччи қуёш нурида ясланиб ётарди.

Улар жазирама иссиқдан сулайиб, сукунат блан мудраб ётган эдилар ва ҳаттоки тиниб-тинчимайдиган Бурназян ҳам ярадор бўлгандан кейин нотўғри битиб қолган майиб оёғини иссиқ қумга кўмиб индамай ётарди. Уларнинг ётган ўрни паналикда бўлиб, сербарг бир ёнғоқ дараҳти уларни чет кишилар кўзидан бекитиб турарди, лекин уларга сувлоқ устидаги нишабликка ғушиб борадиган ва кўкатзор ичидан ўтадиган сўқмоқ йўл барада кўриниб турарди. Ўз оёғи блан озора бўлиб ўтирган Бурназян худди ана шу йўлда ажойиб бир манзарани кўриб ҳайратда қолди.

Кечакелган янги дам олучи йўл-йўл пижама чалворини кийган ва оёқларидағи ботинкаси блан кўйлаксиз ҳолда дараҳтлар орасидан чиқди. У уёқ-буёққа қараб ҳечкимни кўрмагач, тирсакларини икки биқинига тираб бирдан ғалати бир тарзда сакраб-сакраб чопакетди. У, икки юз метр чамаси югургач, қадамга ўтди ва а'зойи баданини тер босиб ҳансирағ юрабошлиди. У, нафасини ростворлаб олгандан кейин яна югурди. Унинг бадани чоптирилган отнинг сағринидай ялтиради. Бурназян боши блан имлаб ўртоқларига чопучи кишини кўрсатди. Улар бутазорлар орасидан унга қараб турдилар. Унинг учун қийин бўлмаган бу югуриш машқидан у ҳарсиллаб қолган эди, оғриқнинг зўридан ҳарзамон-ҳарзамонда юзи буришиб, инграб-инграб қўярди, лекин ҳамон чопгани чопган эди.

Бурназян ниҳоят чидаб туролмади-да:

— Эй, оғайни! Знаменскийларнинг довруғи сенга ором бермаётганга ўхшайди, шекилли? — деди

Чопқир киши тўхтади. Ҳорғинлик ва оғриқ аломати унинг юзидан тамом кетгандек бўлди. У бепарволик блан буталар орасига қарадида, саволга жавоб бермай, ғалати бир юриш блан сандирақлаб ўрмон ичига кириб кетди.

— Қанақа бу от ўйинчиси экан? Жинни-пинни бўлиптими? — деб сўради Бурназян ҳайрат блан.

Ҳозиргина мудроқдан кўзини очган майор Стручков тушунтириди:

— Унинг оёқлари йўқ. Протезлар кийиб машқ қилиб юрипти, у яна қиручи авиацияга қайтиб бормоқчи.

Сукут қилишиб ётган бу кишилар устидан худди совуқ сув қуюлгандай бўлди. Улар бирдан ўриниларидан туриб сўзлашакетдилар. Улар ғалати юришидан бўлак ҳечнарасасини пайқамаган ҳалиги йигитнинг оёқлари йўқлигини эшитиб данг қотиб қолган эдилар. Унинг оёқлари бўлмаса ҳам қиручи самолётда учиш фикри борлиги бу кишиларга бема'ни, ақлга сифмайдиган ва ҳатто беадабликдан иборат бир фикр бўлиб кўринди. Арзимаган нарсалар учун, масалан, қўлдаги икки бармоқнинг узилганлиги, асабларнинг бузилганлиги ёки оёқ товоналарининг япалоқ бўлганлиги учун авиация хизматидан бўшатиб юбориш каби ҳоллар уларнинг эсларига тушди. Ҳатто уруш вақтида ҳам учучининг соғ бўлишига бошқа хил аскарларнинг соғлигига нисбатан ҳамиша ғоят катта талаб қўйилар эди. Айниқса, қиручи самолёт каби нозик ва серҳаракағ машинани протезлар блан бошқариш мутлақо имкониз бўлиб кўринарди.

Ҳаммаларининг фикри бир бўлиб, Мересьевнинг бу хаёли пуч, деган қарорга келишди. Лекин оёқсиз кишининг бу қадар шиддат блан ўз орзусига етишга аҳд қилганлиги уларни кўпроқ қизиқтирган эди.

— Сенинг дўстинг ашаддий бир тентак ёки улуғ бир кишиидир,— деди мунозарани якунлаб Бурназян,— унинг бошқача бўлиши мумкин эмас.

Оёқлари йўқ бир киши келганлиги ва унинг қиручи самолётда учишни орзу қилиб юрганлиги тўғрисидаги хабар бир пасда бутун санаторияга тарқалди. Кундузги овқат вақтигача ҳамманинг э'тибори Алексейга

қаратилган эди. Аммо унинг ўзи бу э’тиборни сезмагандек бўлиб кўринарди. Унинг овқат вақтида ёнидаги кишилар блан сўзлашиб қоқолаб кулганини, иштаха блан кўп овқат еганини, овқат ташучи қизларга одат бўйича қилинадиган ҳушомадларни беками-кўст ўринлатиб келганилигини, парқда таниш шериклари блан крокет ўйнашни ўрганишни ва ҳатто волейбол майдон-часида тўп отиб юрганини кўрган, билган ва эшитган кишилар секин-секин унинг оқсоқланиб юришдан бўлак ҳечбир одатдан ташқари нарсани сезмас эдилар! У жуда оддий бир киши эди. Ҳамма унга ўрганиб қолган эди ва шунинг учун энди уни кузатиб юриш одатлари ҳам тарк қилинган эди.

Алексей санаторияга келган кунининг эртасига кечқурунроқ идорага Зиночка ёнига борди. У овқат вақтида берилган ва қофозга ўралган пирожнийни такаллуф блан қизга узатди ва индамасдан стол ёнига ўтириди-да, ундан:

— Қани ва’дангизни қачон бажарасиз? — деб сўради.

Қиз ингичка камон қошларини учираркан:

— Қайси ва’дамни? — деб сўради.

— Зиночка, сиз менга танца қилишни ўргатаман деб ва’да берган эдингиз.

— Аммо лекин... — деб э’тиroz қилабошлаган эди қиз, броқ Алексей унинг сўзини бўлди:

— Менга айтишдики, сиз танца ўргатишга жуда уста экансиз, шунаقا ўргатар экансизки, ҳатто оёғи йўқлар ҳам сизнинг олдингизда ўйинга тушиб кетар экан, оёғи борлар эса оёғидан ажралиш уёқда турсин, ҳаттоки Федя сингари бошини ҳам йўқотиб қўяр экан. Қелинг энди бошлаб юборайлик, вақтни бекорга ўтказмасдан.

Янги келган бу киши қизга жуда ёқиб қолди. Оёқлари бўлмаса ҳам танца қилишни ўргат! — дейди. Нега ўргатмаслик керак? У жуда келишган йигит, қорамағиз, қорача териси орасидан икки юзи бир текисда қизарип турипти, соchlари чиройлик бўлиб мавж уриб турипти. Юриши соғ кишидай, кўзлари эса ўсмоқчилик қарайди, лекин қандайдир ўйноқланиб турари ва балки бироз ғамгин кўринади. Танца қилиш Зиночканинг

ҳаётида кўп ўрин тутган. У танца қилишни ҳақиқатай ҳам севар эди ва унга уста эди... Йўқ, Мересьев тузук йигит!

Қисқаси, қиз рози бўлди. У, танца қилишни бутун Сокольникига машҳур бўлган Боб Гороховдан ўрган-ғанлигини, Бобнинг ўзи ҳам бутун Москвага донг чиқарган машҳур танца устаси Поль Судаковскийнинг энг яхши шогирди ва муҳлиси эжанлигини, Судаковский ҳозир қандайдир ҳарбий академияларда ва ҳаттоқи Ташқи Ишлар Министрлиги клубида танцадан дарс беришини ҳикоя қилди: мен, деди қиз, бу улуғ зотлардан катта-катта солонларда қилинадиган қадимги танцаларнинг энг яхшиларини ўрганиб олганман ва сизни ҳам албатта шундай ўргатаман-у, аммо ақлим унча бовар қилмайди, чинакам оёқлари йўқ бўлган кишига қандай қилиб танца ўргатиш мумкин бўларкин. У, Алексейнинг олдига ҳарҳолда қаттиқ шартлар қўйди: нима десам, бажарасиз, зиҳн қўйиб ўрганасиз, менга ошиқ бўлмасликка ҳаракат қиласиз — бу иш дарсга халақит беради — хусусан: бошқа йигитлар мени танца қилишига таклиф этганда, рашк қилмайсиз, чунки бир киши блан ҳа деб танца қилаберсанг ҳам тез вақт ичида малакани йўқотиб қўйиш мумкин ва умуман бундай қилиш кишини зериктириб қўяди.

Мересьев шартларни сўзсиз қабул қилди. Зиночка оловдек ёниб турган соchlарини силкитиб, келишган нозик оёқларини эпчиллик блан ҳаракат қилдириб, шу ернинг ўзидаёқ, биринчи «па»ни кўрсатди. Бир вақтлар Мересьев, Камишиндаги кичкина боғда ўт ўчириш командасининг оркестри «русча» ва қадимги танцалар мақомини чалгандা, жуда яхши ўйнарди. У, чолгининг муқомини пайқашга сезгир эди ва шунинг учун бу қувноқ фанни моҳирлик блан тез билиб оларди. Энди унинг қийинчилиги шунда эдики, танца қилганда жонли, истаган томонга бурса бўладиган, серҳаракат оёқлар блан эмас, балки кўндан ясалиб бодирларига қайиш блан боғлаб қўйилган ясама оёқлар блан чаққон ва уста ҳаракат қилиши лозим эди. Оғир ва даққи проғезларни бодирларининг ҳаракатига ўргатмоқ учун гоят зўр куч-қувват ва ирода керақ эди.

Ниҳоят, ясама оёқларини ўзига бўйсундириб олди. Салон танцасининг мушкул техникаси бўлган, Поль Судаковский томонидан назарияга айлантирилган, «глиссада», «парад», «змейка», «точка» деган ҳашамдор ва оҳангдор терминлар блан аталиб муқаддас ном олган бу ўйиннинг ҳарбир ҳаракатини ўрганганда, унинг қувончи ичига сифас эди. Ҳарбир янги «па» ни ўрганганда, у ёш боладек қувонарди. Уни ўрганиб олгандан кейин хурсандлигидан гир-гир айланар ёки ўз муаллимасини кўтариб ҳавога ирғитарди. Лекин турли муқомда депсиниб қилинадиган бу оғир ҳаракатлар унинг жонини қандай азоблаётганини ва бу фанга у не-не машаққатлар блан эришаётганлигини ҳечким ва ҳатто муаллимаси ҳам пайқамас эди. Ба’зан у кўзидан чиққан ёшлиарни юзидағи тер аралаш шартга сидириб ташлаганини ҳечким сезмай қоларди.

Бир сафар у жуда ҳориган, дармони қуриған ҳолда, лекин қувноқ бир қиёфада ўз хонасига келиб кираркан, дераза олдида ўйланқираб, ботаётган қуёшнинг дараҳатлар учига тушиб турган сарғич нурларига қараб турган майор Стручковга тантана блан деди:

— Танца қилишни ўрганаяпман!

Майор индамади.

— Албатта ўрганиб оламан!—деди Мересьев ва хурсандлик блан протезларини ечиб ташлаб, қайишнинг сиқишидан шишган оёқларини зўр бериб қашлай бошлади.

Стручков бурилиб қарамади, у хўрсиниб йиғлаётгандек ғалати бир товуш чиқарди ва унинг елкалари ҳам шу топда буришиб кетди. Алексей индамасдан одеял тагига кириб олди. Майорга қизиқ бир ҳодиса бўлганга ўхшарди. Ёши анчага бориб қолган, хотин-қизларга уятсизларча қилган муомиласи ва уларга нисбатан ҳазиллашиб ёмон гапларни айтгани учун яқиндагина палатадагиларни кулгига солган ва ғазаблантирган бу киши худди бешинчи синфда ўқийдиган ёш боладек ошиқ-шайдо бўлиб қолган эди, лекин афсуски, бу ошиқликнинг таги унга пуч бўлиб кўринмоқда эди. У, ҳар куни бирнеча бор санатория идорасига кириб Москвага Клавдия Михайловнага телे-

фон қиларди. Москвага борадиган ҳарбир кишидан, гулдасталар, мевалар, шоколад, қисқа ва узун хатлар бериб юборарди ва унга таниш конвертни келтириб топширганларида қувониб ҳазилкашликка тушиб кетарди.

Қизнинг эса уни танигуси ҳам келмас эди, умидвор ҳам қилмас эди ва ҳатто унга ачинмас эди. У, мен бошқа кишини яхши кўраман, севганим ҳозир йўқ, ўлган, сиз, майор, мени ўз ҳолимга қўйинг, унунинг, бекорга чиқимдор бўлиб ва вақтни бекорга ўтказиб овора бўлиб юрманг, деб ўртоқларча маслаҳат бериб ёзган эди. Ана шу қуруқ сўзлар блан дўстона маслаҳат бериб ёзилган, аммо ишқ-муҳаббатда ҳақорат бўлиб туюладиган хат майорни ғазабга келтирган эди.

Алексей одеялга ўралиб, дипломатларча сукунат блан индамай ётиб олган эди. Майор бирдан дераза ёнидан ирғиб туриб, унинг елкасидан туртиб қулоғига бақира бошлади:

— Хўш, айтчи, нима керак у қизга? Нима, мен дала да унмай қолган кўкатми? Ҳечкими йўқ ғарибми? Оғзи-бурним қийшиқми, қари чол бўлиб қолибманми, ёки латга-луттаманми? Унинг ўрнида бошқа қиз бўл ганида... Эҳ, нимасини айтасан энди!

У креслога ташланиб, бошини икки кафти орасига олиб шундай бир ларзонга келдики, ҳатто кресло ғижирлаб кетди.

— Ахир у хотин зотидан-ку! У менинг аҳволимни тушуниши керак эди, ҳеч бўлмаса илтифот қилиши керак эди. Ахир уни, у шайтон қизни, бир киши шунча севган экан, унга шу қадар муҳаббат қўйган экан, бир ҳисобини қилиш керак-да!.. Эҳ, Лёшка, Лёшка! Сен уни, ана у мақтаб юрган кишининг билардинг... Хўш, айтчи: унинг нимаси мендан яхши, унинг нимаси бу қизнинг юрагини ўзига бу қадар жазб қилиб олипти? Нима, унинг ақли зўр, ҳусни ортиқми? Нима қилипти у киши қаҳрамон бўлиб?

Алексейнинг хотирига комиссар Воробьев, унинг оқ чойшаб устида ётган йўғон ва шишиқ гавдаси, унинг ёнида доимо қайри-ҳасрат чекиб йиғлаб-сиқтаб ўтирган хотин кишининг ғамгин сиймоси ва қизил аскар-

ларнинг дашт-биёбонда қандай қилиб юрганлари тўғрисида бехосдан айтилган ҳикоя келди.

— Майор, у чин инсон эди, большевик эди. Кошки мен блан сен ҳам ўшандай бўлсак эди.

4

Санаторияда: оёғи йўқ учучи... танцага берилиб кетипти, деган хабар тарқалди ва бу хабар кўп кишига бема'ни бўлиб туюлди.

Зиночка идорадаги ишларини тамом қилган чоқда, шогирд уни коридорда кутиб турарди. У, қўлида бир даста гул, шоколад ёки овқатдан олиб қолган апельсинни тутиб, муаллимасини кутиб оларди. Зиночка сипоҳ бир қиёфада унга қўл узатар ва улар биргаликда ёз палласида бўш турадиган залга бўрардилар. Ўқишга қунт қўйган шогирд илгарироқ келиб, ҳархил ўйинлар ўйналадиган столларни девор томонга суриб қўйган эди. Зиночка назокат блан унга янги фигура кўрсатарди. Учучи, нозик ва келишган оёқларининг пол устида қилаётган «вензель» ҳаракатларига қовоқларини солиб жиддий қараб турарди. Сўнгра қиз жиддий қиёфага кирди ва чапак чалиб санайбошлади:

— Бир, икки, уч, бир, икки, уч, глиссад ўнгга... Бир, икки, уч, бир, икки, уч, глиссад сўлга... Айланинг. Балли! Бир, икки, уч, бир, икки, уч... Энди икковлашиб змейка қиласмиш.

Бу қизни, эҳтимол, оёқсиз бир кишига танца ўргатиш каби шу вақтгача тарихда кўрилмаган ва балки Боб Гровховга ҳам, ҳаттоқи Поль Судаковскийга ҳам асло тўғри келмаган бир масалани ҳал қилиш кўпроқ қизиқтиргандир. Эҳтимол, бу қизга унинг қорамағиздан келган, қора соч, кўзлари «ўйноқи» шогирди ёқиб қолгандир, аммо буларнинг иккаласи ҳам уни қизиқтирганилиги ҳақиқатга яқин эди; қандай бўлмасин, у ўзининг ҳамма бўш вақтини ва бутун жону дилини ўқитиш-ўргатишга берган эди.

Кечқурунлар, одамлар сувга чўмилиб, волейбол ва бошқа ўйинлар ўйнаб қайтганларидан кейин, санаториядаги энг серзавқ ўйин танца бўларди. Алексей ҳеч-

бир тойпанмай бу қечаларда қатнашар, танцанинг ҳамма қоидасини ўрлига келтириб ўйнар ва ҳечбир танца кечасидан қолмас эди. Ҳозир унинг муаллимаси ҳам уига шундай жуда қаттиқ шартлар қўйганига кўп мартабалар пушаймон қилган эди. Баян чалинар, жуфтжуфт кишилар ўргтада муқом қилишарди. Мересьев қизиб кетиб ва ҳаяжон ичидаги кўзларини ялтиратиб, танцанинг ҳамма қоидаларини — глиссадларзи, змейкаларни, поворот ва точкаларни эпчиллик блан бажаар ва соchlари оловдек ёниб турган нозик ва гўзал қизини ҳечбир машаққатсиз равон олиб юргандек кўринарди. Аммо ҳар замонда бир кўздан ғойиб бўладиган бу эпчил танцачининг ба’зан эшикка чиқиб нима қилиб келишини ҳечким хаёлига ҳам келтирмас эди.

У ҳар замонда бир қизариб, кулимсираб, дастрўмолчасини бесўнақай елпиб кўчага чиқар эди, аммо оstonадан чиқиб ўрмон ва кеча қоронфилиги ичига киргандан кейин юзидағи табассум йўқолиб, унинг ўрнини буришган юз ва лаблар оларди. У, зинапоя панжарасини ушлаб сандирақлаб, инқираб пастга тушар ва шабнамдан ҳўл бўлган кўкат устига ўзини ташлар ва ҳали иссиғи кетмаган нам ерга бағрини босиб олиб, қайишлар блан боғланган ва зўриқсан оёқларининг зирқираб оғришига чидолмай йиғларди.

Қайишларни бўшатиб оёқларига дам беради. Сўнгра яна протезларни боғлаб олар ва оқсоқланиб, тез-тез юриб уй томонга кетарди. У сездирмасдан сёкин задга киради, унда чарчамао инвалид баянини чалиб турган бўларди. Алексей кириши блан уни кўзлари блан оломон ичидан излаб турган Зиночка ёнига келиб, садафдек текис ва оппоқ тишларини ялтиратиб турарди. Яна бу иккала ёш, эпчил ва бир бирига ярашиб тушган жуфт даврага киради. Зиночка, мени якка қолдириб кетдинг деб унга та’на қиласарди. У шўхлик блан ҳазиллашиб, гапни бошқаёққа буради. Улар бошқалардан ҳечбир қолишимасдан танца қиласардилар.

Оғир танца машқлари ўз натижаларини кўрсата бошлиган эди. Алексей протезларнинг сюғини тобора камроқ сезадиган бўлди. Улар гўё унинг болдиirlарига ўз оёқларидек ўрнашиб кетган эди.

Алексей хурсанд эди. Лекин унинг фақат бир нарса безовта қиласди, у ҳам бўлса: Олядан хат йўқлиги эди. Гвоздевнинг муҳаббат бобида омади юрмагандан кейин у ҳам Оляга хат ёзиб юборганига ҳозир бир ойдан ошган эди. Энди бу хати ўзига энг мудҳиш ва ҳеч бўлмаганда тамоман бема'ни бир хат бўлиб кўринмоқда эди. Хатга жавоб йўқ эди. Ҳар эрта у гимнастика ва югуришдан кейин,— у ҳар куни югуриш маррасини юз қадамдан ошириб борарди,— идорага кириб, келган хатлар солиб қўйиладиган қутини қаради. Бошқа хоналарга қараганда «М» хонасида хат ҳамиша кўпроқ бўларди. Лекин у бу хонадаги бир даста хатни олиб, қайта-қайта ағдариб чиқса ҳам ҳечнima тополмасди.

Аммо бир куни танца қилиб турган чорида танцахонанинг деразасидан Бурназяннинг қора сочли боши кўриниб қолди. Унинг бир қўлида таёфи, иккинчи қўлида эса бир хат бор эди. Бурназян унга бирор гап айтаман дегунча, Алексей унинг қўлидан мактаб болалариникидек йирик ва думалоқ ҳарфлар блан ёзилган конвертни тортиб олиб, ура қочиб кетди, Бурназян ҳайрон бўлиб дераза олдида, муаллима эса жаҳли чиқиб танцахона ўртасида қолаверди.

— Зиночка, ҳозирги замоннинг йигитлари... ана шунақада,— деди Бурназян фийбатчи кампирлардек бидирлаб.— Уларга ишонманг, яхши қиз, авлиёларнинг мозоридаги жин-ажиналардан ҳазар қилгандек, улардан ҳазар қилинг. Қўйинг уни, яхшиси мени ўргата қолинг,— деди-да қўлидаги таёфини уй ичига ташлаб деразага ёпишиб чиқабошлади. Зиночка ҳали ҳам ҳайрон бўлиб ғамгин бир қиёфада турган эди

Алексей бўлса, кўпдан бери орзу қилиб юрган хатни қўлида ушлаб худди бирор унинг орқасидан қувиб буду-шудини тортиб оладигандек ҳадиксираб кўлга қараб тез чопиб бормоқда эди. У, юлиниб-гимдаланиб қамишлар орасидан ўтди-да, баланд ўт-ўланлар блан тамом ўралган пана бир ерда қумлоқда турган дўнгалик тош устига ўтирида ва қўли қалтириаб ушлаб турган қимматли хатнинг уёқ-буёғига кўз ташлади. Нима ёзилган экан бунда? Унинг ичиди қандай жазо ҳукми бор экан? Конверт ғижимланиб, хатлари ўчиб

қолган эди. У, ўз әгасини тополмай мамлакатда кўп сарсон-саргардон бўлиб юрган бўлса керак. Алексей авайлаб конвертнинг бир четини очдида, дарҳол хатнинг охирига кўз ташлади. Унда: «Жоним, сени ўпиб: Оля» деб ёзилган эди. Юрагининг уриши босилди. Энди анча тинчланиб олгандан кейин, дафтар бетларига ёзилган хатни тиззаси устига қўйиб қатларини очди. Хат негадир лойга булғанган ва устига шам ёғлари томган эди. Саришта-саранжоми ҳамиша жойида бўлган бу Оляга нима бўлди экан? Шу топда у ўқиган сўзларидан юраги орзиқиб кетди ва юзида ғурур ҳамда ташвиш аломатлари пайдо бўлди. Ма’лум бўлдики, Оля бир ой илгари заводдач кетган экан ва ҳозир бир даштликда туриб, Камишин хотин-қизлари блан танкка қарши хандақлар қазиётган экан ва «номи ҳаммамиз учун азиз бўлган катта бир шаҳар» (хатда шундай деб ёзилган эди) атрофида тўсиқлар қуришаётган экан. Хатнинг ҳечбир жойида Сталинград деган сўз йўқ эди. Аммо қизнинг у шаҳар тўгрисида бу қадар жон куйдирив, муҳаббат блан, ташвиши ва умид блан ёзишларидан гап Сталинград устида бораётганилиги очиқ-ойдин билиниб турган эди.

Оля ёзган эдикни, биз ўз ихтиёrimiz блан кўнгилли бўлиб келган мингларча кишилар бу даштликда бел, кирка, замбил-галтаклар блан тун-кун ишлаб ер қазиётимиз, тупроқ ташиётимиз, истеҳкомлар қураётимиз. Хат баланд руҳ блан ёзилган эди ва фақат ундаги ба’зи сўзлардан улар бу даштликда анчагина қийинчилик блан ишлаётгандиклари аранг сезиларди. Оля, афтидан, ўз фикри-зикрини банд қилган ишлари гўғрисида тамом ёзиб бўлгандан кейингина, унині саволига жавоб берганга ўхшарди. У жаҳл блан ёзган эдикни, кейинги хатингни ана шу ерда, «окоплар ичидা» олдим, лекин бу хат менга ҳақорат бўлиб туюлди, агарда сен кишининг асабларини жуда бузадиган урушда бўлмаганингда, бу ҳақоратингни сра кечирмас эдим. У яна бундай деб ёзган эди:

«Азизим, ўлимдан қўрқадиган муҳаббат ҳам муҳаббат бўлиптими? Бундай муҳаббат йўқ, жонгинам агар бўлганда ҳам, менингча, ундай муҳаббат сариқ чақага

арзимайди. Мана мен ҳозир бир ҳафтадан бери ювин-масдан юрипман, чолвор, ботинка кийиб юрипман, ботинкаларнинг учидан бармоқларим чиқиб юрипти. Офтобда кўйиб шундай қорайиб кетганманки, баданиннинг пўсти палахса-палахса бўлиб тушиб, таги бўртиб-бўртиб кўкариб қолмоқда. Агарда мен ҳозирги чарчоқ, ифлос, буришган ва хунук ҳолимча сенинг ёнингга борганимда, сен мени қўкрагимдан итариб қувармидинг ёки сўкармидинг? Тентаксан, тентаксан! Нима воқиага учрасанг ҳам келабер; шуни билки, мен ҳамиша ва ҳарқандай бўлса ҳам сени кутганим кутган... Сенинг тўғрингда кўп ўйлайман ва сени тез-тез тушимда кўриб тураман. Шуни билиб қўйки, мен тирик эканман, танимда жоним бор экан, сенинг борадиган жойинг, кутадиган кишинг ҳамиша бўлади ва қандай аҳволда келсанг ҳам кутиб олади... Хатингда ёзибсанки, урушда мен бирон ҳодисага учраб қолишим мумкин деб. Борди-ю, мен «окопларда» юрганимда бирон баҳтсиз ҳодисага йўлиқиб қолсам ёки майибчўлоқ бўлиб қолсам, хўш сен мендан юз ўгирамидинг. Эсингдами, фабрика-завод шогирдлиги мактабида ўқиб юрганимизда алгебра масалаларини ўрин олмоштириш усули блан ҳал қилганларимиз? Ҳозир ҳам сен мени ўзинг ўрнига қўйиб бир ўйлаб кўр. Ана шундай сўзларни ёзганинг учун кейин ўзинг ҳам уялиб қоласан...».

Мересьев хатга қараб узоқ ўтириди. Қуёш қорамтири сувда аксини жимирилатиб ёнмоқда, қамишлар шилдираб туради, баҳмалдек кўк чигирткалар секин учibur бутоқдан-бутоқча қўнишади. Югурдак қўнғизчалар ингичка ва узун оёқлари блан қамиш илдизлари устидан сувда юриб, орқасидан жим-жима из қолдириб кетади. Кичкина бир тўлқин келиб қумлоқ сўҳилнинг четини секин ялаб кетади.

«Бу қандай гап бўлди? — деб ўйларди Алексей.— Каромати борми, ўйлаб топиш исте'доди борми?». «Юрак сезгир бўлади» — деган эди бир вақт онаси. Ёки окоп қазишининг оғир ишлари қизни доно қилиб қўйдимикин ва шунинг учун у айтишга ботинолмаган нарсани сезгиси блан пайқадимикин? У хатни яна бир

қайта ўқиб чиқди. Йўқ, бекорчи гап, ҳечқанाहқа қаро-  
мат йўқ, қайдан келди бу гап менга! Шунчаки у менинг  
сўзларимга жавоб ёзган-да. Лекин жавобни ҳам боп-  
лапти!

Алексей бир уф тортиб, секин-секин ечинди, кийими-  
ни тош устига қўйди. У ҳамиша шу ерда чўмиларди, бу  
қамишлар блан ўралган пана қумлоқ ва нишаб жойни  
фақат ўзи биларди. Протезларини ечиб қўйди ва секин  
тошдан сирғаниб сувга тушди, чўлтоқ оёқлари блан  
қаттиқ қумда тикка юриш қанча азоб берса ҳам у  
чидарди, аммо сра эмакламас эди. Сувнинг совугидан  
бадани жимирлаб кўлга кирди ва сувга шўнгиди. У  
қирғоқдан юзиб бориб чалқанчасига ағдарилди ва шу  
куйи қотиб қолди. У поёнсиз мовий осмонга қараб  
ётарди. Теварак чети олтинланиб турган тўда-тўда  
булутлар бир-бирини итаришиб юрмоқда эди. Ёнига  
бурилгач, қирғоққа кўзи тушди, қирғоқнинг акси сувга  
тушиб, унинг кўкатлари, барглари ва бутоқлари сувда  
яққол кўриниб туради. Шу вақтда бирдан кўзига Оля  
кўриниб кетди, у худди дўнгалак тош устида ўтирган-  
дай эди ва у худди тушида кўргандай бир қиёфада  
ўтиради. Қиз гулдор кўйлагида, оёқларини узатиб  
ўтирипти. Лекин оёқлари сувга тегмайди. Икки чўлтоқ  
оёқ сув бетида кўринмай шалпилларди: Алексей мушти  
блан сувни уриб бу хаёлни ўзидан ҳайдади. Йўқ, Оля  
айтган ўрин олмошлириш усули унга ёрдам бермади!

## 5

Жанубда вазият мушкуллашди. Газеталар Дон  
бўйидаги жанглар тўғрисида ёзмай қўйган эдилар.  
Иттифоқо Совинформбюро ахборотида Дон орқасидаги  
станицаларнинг номи кўриниб қолди. Бу станицалар  
Волгага, Сталинградга борадиган йўллар устида эди.  
Бу жойларни билмаган кишилар учун бу номларнинг  
нималиги унча билинмас эди. Броқ шу ерларда ўсиб  
кatta бўлган Алексей Дон бўйидаги истеҳкомлар лини-  
яси ёрилиб ўтилгани ва уруш Сталинградга қараб  
бораётганини дарров тушунди.

Сталинград! Бу сўз ҳали ахборотда айтилмаса-да,  
аммо у ҳамманинг оғзида эди. Бу шаҳарнинг номини

1942 йилнинг кузида ташвиш ва ҳаяжон блан тилга олабошладилар. Бу шаҳар тўғрисида худди энг яқин бир киши жуда қаттиқ хавф-хатар остида қолгандек сўзлар эдилар. Бу умумий ташвиш Мересьев учун яна бирмунча ортиқ эди, чунки Оля ўша ерда, ўша шаҳар ёнидаги бир даштликда эди, ким билсиз, у қандай мاشаққатлар ва синовларни бошидан кечирад! У энди Оляга ҳар кун хат ёзиб турадиган бўлди. Лекин қандайдир полевая почта адресига ёзиб юборилган бу хатлардан нима фойда чиқар эди? Ҳамма шошибишиб чекинаётган ва Волга бўйидаги саҳроларда катта жанглар қизиб кетган бир пайтда бу хатлар эгасига бориб тегармикин?

Учучилар санаторияси худди чўп тиқилган чумоли уясидек ғалаёнга келди. Ҳархил ўйинлар: шашка, шахмат, волейбол, городки ва фронтда доимий бўладиган «козёл» ўйинлари йиғишириб қўйилди. Кўл бўйидаги буталар орасида яшириниб карта ўйнайдиган картабозлар ҳам ўз «очко»ларини йиғишириб қўйдилар. Мияга ҳечнима кирмас эди. Туришдан бир соат илгари, соат еттида радио орқали бериладиган ахборотни эшитиш учун ҳаттоки энг дангасалар ҳам ўринларидан туриб келадиган бўлди. Ахборотнинг жанг эпизодлари кўрсатилган қисмида учучиларнинг қаҳрамонлиги тўғрисидаги гапларни эшитганда улар тумшайиб, ҳафаланиб юрар, сестраларига инжиқлик қилишар, тартиб интизомдан ва овқатдан зорланишар эдилар, шундай қизғин жанг бўлиб турган вақтда уларнинг Сталинград саҳролари устида жанг қилмасдан, бу ерда, офтобда, ўрмон соясида, ойнадай ялтираб турган кўл бўйида ўйнашиб юрганлари учун гўё санатория ма'мурияти айбдор эди. Ниҳоят бўлмади, дам олучилар: дам олиб бўлдик, энди бизни ҳаракатдаги қисмларга юбораберсинлар, деб арз қилишди.

Кечқурун ВВС (Ҳарбий Ҳаво Кучлари) танлаш бўлимининг комиссияси келди. Чанг-тўзон босган машина ичидан ёқаларида медицина хизмати петлицаси таққан бирнечча командир тушди. Машина олдидан қўлини орқалиққа тираб йўғон бир киши тушди. У ҳарбий ҳаво кучлари орасида машҳур бўлган ва оталарча муносави

бати учун ҳамма учучилар яхши кўрадиган, биринчӣ даражали ҳарбий врач унвонига эга бўлган доктор Мировольский эди. Кечки овқатдан кейин, комиссия эрта бландан бошлаб спҳати тузукроқларни ва отпускандан келиб муддатдан илгари тездан қисмга етиб боришни истовчиларни ташлашга киришади, деб э’лон қилинди.

Шу куни Мересьев саҳар пайти ўрнидан туриб, одатдаги машқларини қилмасдан, тўғри ўрмёнга борди ва то нонушта вақтигача шу ерда тентираб юрди. У ҳечнима емади ва овқатингизни емасдан шундайгина қолдирибсиз, деган овқат ташучи қизга қўрс муомала қилди. Стручков унга: нега сўкасан у қизни, у сенга яхшиликтан бўлак ҳечнарсани раво кўрмайдику, деганда, у ўрнидан ирғиб туриб ошхонадан чиқиб кетди. Коридорда деворда осилиб турган Совичформбюро ахбороти ёнида Зина турарди. Алексей ёнидан ўтиб бораёғганида қиз ўзини кўрмасликка солди ва жаҳл блан елкасини қисиб қўйди. Аммо Алексей ҳақиқатан қизни кўрмасдан ўтиб кетган эди, лекин қиз хафаланиб йигламсираб уни чақирди. Алексей жаҳл блан бошини бурди:

— Хўш, нима гапингиз бор? Нима керак?  
— Ўртоқ старший лейтенант, нега сиз... — деди қиз секин товуш чиқариб; шу тобда у шундай қизариб кетдики, юзининг рангги соchlарининг рангги блан қўшилиб кетгандай бўлди.

Алексей дарров ўзига келиб, эс-ҳушини йиғиб олди.  
— Бугун менинг тақдирим ҳал қилинади,— деди ӯ бўғиқ товуш блан.— Қани, омад тилаб бир қўлимни сиқиб қўйинг...

У ҳамишагидан яна кўпроқ оқсоқланиб ўз уйига кирди ва устидан эшикни бекитиб олди.

Комиссия залда ўринлашди. Соғлиқни текширадиган асбобларнинг ҳаммаси — спирометрлар, силомерлар, кўз қувватини текшириш учун қўлланиладиган таблицалар шу ерга келтирилди. Санаториядагиларнинг ҳаммаси, муддатидан илгари кетучилар, я’ни дам случиларнинг ҳаммаси деярлик қўшни бинода тўплани-

шиб, узун очередьга тизилдилар. Лекин Зиночка келиб ҳаммаларига қачон келиш вақти соат ва минутлари блан кўрсатилган билет бериб чиқди ва энди тарқалиб кетишни сўради. Биринчи бўлиб бирнече киши комиссиядан ўтгандан кейин тузук қарашар экан ва жуда ҳам инжиқлиқ қилишмас экан, деган овоза тарқалиб кетди. Қизиқ гап, Волга бўйида қизиб кетган жуда катта жанг янги-янги кучларни талаб қилаётган бир чоқда комиссия инжиқлик қилмас эмиш! Алексей ғишт девор устида оёқларини ликиллатиб ўтиради ва бирон киши эшикдан чиқса, гўё жуда ҳам қизиқмаган киши-дек сўради:

— Хўш, нима гап?

Эшикдан чиқсан киши гимнастёрка тугмаларини солиб ёки камаризи тортиб келаркан, қувноқлик блан жавоб берарди:

— Урушга борадиган бўлдик.

Мересьевдан олдин Бурназян кирди. У эшик ёнига таёғини қўйиб ичкари киаркан, ўзини тетик тутишга, уёқ-буёққа чайқалмасликка ва чўлоқланмасликка тиришди. Комиссия уни узоқ сақлади. Охири очиқ деразадан Алексей қулогига жаҳл блан айтилган сўзлар чалинабошлади. Сўнгра эшикдан терга ботган Бурназян чиқди. У, Алексейга бир ўшқириб қаради-да, сўнгра индамай чўлоқланиб паркка кетди:

— Бюрократлар, орқа томонда юручи каламушлар! Авиацияни биладими улар? Нима, мен оёқ ўйинига борармидим? Бир оёғим калта эмиш... Ла'нати клистирлар, шприцлар!

Алексейнинг юраги шув этиб кетди. Аммо у шағдам қадам босиб қувноқ бир қиёфада кулиб ичкари кирди. Комиссия а'золари катта бир стол ёнида ўтиришарди. Ўйнинг ўртасида биринчи даражали ҳарбий врач Мировольский қорнини дўппайтириб тикка туради. Ен томонда, бир столча ёнида шахсий делоларни олдига қўйиб Зиночка ўтиради, у эгнидаги охорлик оппоқзи-на ҳалати, олтиндай товланиб, дока-дуррача орасидан силкиниб турган соchlари блан жуда чиройли бўлиб кўринарди. Қиз Алексейнинг «дело» сини унга узатди ва узататуриб секин қўлинни сиқди.

— Қани, яхши йигит,— деди врач кўзини қисиб,— гимнастёркани ечинг.

Мересьевнинг бу қадар спорт блан шуғулланиб, офтобда қорайиши бежиз эмас экан. Врач унинг миқтидек баданига завқ блан қарапди, унинг қора териси орасидан ҳарбир мушаги туртиб турарди.

— Сиздан Довуд пайғамбарни ясаса бўларкан,—деди комиссия а'золаридан бири билимдонлигини кўрсашиб.

Мересьев ҳамма синовлардан осонлик блан ўтди. Ҳаммаси жойида эди. Қўлининг ишлаши, ўпкаси, қон босими ва асаблари ўрнида эди. Энг охирида у куч синайдиган крафтапаратнинг пўлат дастасини жўрттага тушириб юбориб бузиб қўйди.

— Учучими? — деб сўради врач хурсандлик блан ва креслога ўтириб «старший лейтенант А. П. Мересьевнинг шахсий делоси» бурчагига резолюция қўйишга ҳозирланди.

— Учучи.

— Қиручими?

— Қиручи.

— Хўп, боринг, қираберинг. У ерда ҳозир сиздақа кишилар жуда ҳам керак!. Xа, айтгандай, госпитальда нима учун ётдингиз.

Мересьев ўйланқираб қолди, ҳамма иш ҳозир чиппакка чиқиб кетиши мумкиндек туюлди, лекин врач шу топда унинг шахсий делосини ўқиб, очиқ япалоқ юзларида ҳайронлик аломати пайдо бўлиб ўтирган эди.

— Оёқлари ампутация қилинганд... Қанақа гап бу? Янгиш ёзилганмикин? Хўш, нега индамайсиз!

— Йўқ, янгиш эмас,— худди дорга осилаётган кишидек жуда паст ва жуда секин товуш чиқариб жавоб берди, Алексей.

Врач ва бутун комиссия а'золари бу бақувват, чақон йигитга гумонсираб ва ҳайрон бўлиб тикилиб турардилар.

— Шимингизнинг почаларини кўтаринг!—деб буюрди врач тоқатсизлик блан.

Алексей оқариб кетди. Унинг кўзлари жовдираб

Зиночкага қаради, у секин шимини кўтарди ва кўн протезлари блан стол олдида қотиб турди.

— Ахир, сиз биродар нега бизнинг бошимизни қотириб ўтирипсиз? Қанча вақтни бекорга олдингиз? Оёқларингиз бўлмаса ҳам авиацияга боришни ўйлар экан-сиз-да? — деди ниҳоят врач.

— Ўйламайман: бораман! — деди Алексей; унинг кўзлари ўжар ялтираб турарди.

— Сиз ақлдан озибсиз! Оёқларингиз бўлмаса ҳам-а?

— Ҳа, оёқларим бўлмаса ҳам бораман ва учаман,— деб жавоб берди Мересьев, энди юмшоқ товуш блан; у эски бичимдаги учучилик френчининг чўитагини кавлаб, журналдан кесиб олинган ва соз қилиб тахлаб қўйилган варақни чиқариб кўрсатди.— Мана қарапг, мана бу киши бир оёги бўлмаса ҳам учган экан, нега мен учолмас эканман, икки оёғим бўлмаса ҳам?

Врач мақолани ўқиб, учучига ҳайрон ва ҳурмат назари блан қаради.

— Аммо бунинг учун жуда кўп машқ қилиш керак. Кўрдингизми, у ўн йил машқ қилипти. Протезларни худди оёқлар сингари ҳаракат қилдиришни ўрганмоқ керак,— деди врач юмшаб.

Шунда Алексейга кутилмаган ҳолда мадад келди: Зиночка ўз столчаси орқасидан силкиниб турди-да икки қўлини кўкрагига қўйди ва қизариб кетганидан икки чеккасидан маржондек терлар чиқди. У врачга қараб, дудуқланиб деди:

— Ўртоқ биринчи даражали ҳарбий врач, сиз унинг қандай танца қилишини кўрсангиз эди! Соғлардан ҳам яхшироқ танца қиласди. Ростини айттаётити, ишонинг!

— Нима, танца қиласди? Қанақа шайтон бунинг ўзи? — деди врач елкасини қисиб ва комиссия а'золари блан очиқ қиёфада кўз уриштириб олди.

Алексей қувониб, Зиночка айтган фикрини қувватлади:

— Сиз «ҳа» деб ҳам «йўқ» деб ҳам ёзманг. Бугун кечқурун бизнинг танцамизга келинг. Ўшанда сиз менинг учаолишимга ишонасиз.

Мересьев эшикка боратуриб, ойнадан комиссия а'золарининг нима тўғрисидадир қизғин гапиришганлари ни кўриб қолди.

Пешинлик овқат олдидан Зиночка Алексейни излаб паркнинг бир бўш жойидан топди. У айтдики, сиз чиқиб кетганингиздан кейин комиссия а'золари сиз тўғрингизда яна узоқ сўзлашди ва врач: Мересьев бошқа хил одам, балки, у ҳақиқатан учиси ҳам мумкин. Рус кишининг қўлидан нима иш келмайди дейсиз!— деди Комиссия а'золаридан бири бу гапга э'тиroz билдириб, авиация тарихида бундай воқиа бўлгани йўқ, дегани гапни айтди. Врач эса унга жавобан: авиация тарихида кўп нарсалар бўлмаган, ана шу урушда совекишилари унинг тарихида кўп нарсаларни ўргатиб қолдирадилар, деди.

Танлаб олинган кўнгиллиларни Ҳаракагдаги Армияга юборишдан бир кеча олдин (уларнинг сони иккюзтacha эди) санаторияда кенг программа блан катта танца уюштирилди. Москвадан юк автомобилига тушиб бир тўда музикачилар келди. Музика овозлари уй ва эшикларни ларзага келтириб янгради. Учучилар терга ботиб ва чарчашни билмай хўп ўйинга тушдилар. Улар орасида қувноқ, серҳаракат, чаққон Мересьев олтин соч қизи блан танца қилди Уларнинг танцасига ҳечким тенг келолмасди.

Биринчи даражали ҳарбий врач Мировольский очиқ дераза ёнида олдига бир кружка пиво қўйиб ўтирас ва кўзини Мересьевдан ва унинг олов сочли шеригидан узмас эди. У медик эди, бунинг устига, у ҳарбий медик эди. У, протезларнинг жонли оёқлардан қандай фарқ қилишини сон-саноқсиз мисоллардан биларди.

Хозир эса, у нозик ва гўзал бир қиз блан пириллаб танца қилаётган қора ва бақувват учучига назар солиб тураркан, буларнинг ҳаммаси унга қандайдир уста кўз бўёқчиликдек бўлиб кўринарди. Энг охирда, Алексей қўлни-қўлга, тиззага, юзга ва сонга уриб турли муқомда чалинган қарсаклар остида ўртага тушиб «бариня» ўйинини ўйнаб бергандан кейин, орани ёриб Мировольский ёнига келди, у ҳурмат блан Алексеининг қўлини сиқди. Мересьев индамасдан турса ҳам, лекин унинг

врачга қаттиқ тикилиб турган кўзлари ялиниб жавоб талаб қиласарди.

— Биласизки, менинг тўғридан-тўғри сизни қисмга юборишга ҳаққим йўқ, лекин мен сиз тўғрингизда ўз фикримни ёзиб кадрлар бошқармасига юбораман. Мен тегишли машқ қилгандан кейин сизни учишингиз мумкинлигини билдираман. Хулласки, ҳарвақт сиз мени ўзингизга тарафдор деб билинг,— деб жавоб берди врач.

Врач санатория бошлиғи (у ҳам тажрибали ҳарбий врач эди) блан қўл ушлашиб ва ҳайратда қолишиб залдан чиқишиди. Улар ухлаш олдидан яна узоқ вақт папирос чекишиб ўтирилар ва совет кишиси бирон ишни қилишга астойдил бел боғласа, қилмасдан қўймаслиги тўғрисида яна узоқ муҳокама қилишдилар...

Пастда ҳали ҳам музика янграб турган эди ва танца қилаётганларнинг ердаги соялари деразаларга тушиб турган хира ёруғлик орасидан кўринмоқда эди. Худди шу вақтда Алексей Мересьев юқорида ваннахонада оёқларини совуқ сувга солиб ва лабини қаттиқ тишилаб ўтирган эди,— ваннахонани устидан маҳкам ёлиб олган эди. У оғриқнинг зўридан ҳушини йўқотмасдан ўзини зўрға тутиб турди, протезларнинг қаттиқ ҳаракати натижасида пайдо бўлган қонталаш кўкимтирик қадоқларини ва чақадек яраларини сувга ҳўллаб ўтирган эди.

Бир соатди кейин майор Стручков уйга келиб кирганда, Мересьев ювиниб, тозариб бўлгач, ойна олдида жингалак ҳўл соchlарини тарамоқда эди.

— Сени у ерда Зиночка излаб юрипти. Кетиши олдиндик у блан бироз сайр қилсанг бўларди. Ачинади киши бу қизчага.

— Юр, бирга борамиз, Павел Иванович, қани юр, ниманг кетади? — деб ёлворабошлади Мересьев.

Унга жон куйдириб танца ўргатган бу ажойиб кўнгли очиқ ва ғалати қиз блан бирга ёлғиз қолиши фикри қандайдир унга ўнгғайсиз сезилмоқда эди. Олядан хат келгандан кейин у бу қизнинг олдида ўзини қандайдир жуда оғир ҳис қиласарди. Шунинг учун у ҳозир Стручковга маҳкам ёпишиб бирга боришни илтимос қилмоқ-

да эди. Ниҳоят, Стручков пўнғиллаб-дўнғиллаб шапкасини олиб бирга чиқди.

Зиночка балконда кутиб турарди. Унинг қўлида янгигина узилган бир даста гул бор эди. Гулнинг фунчалари ва барглари узилиб қизнинг оёғи остига тўкилимоқда эди. Алексейнинг оёқ шарпасини эшитгач, у илгари юрабошлигаран эди, лекин унинг ёлғиз ўзи эмаслигини кўриб орқага тортинди.

— Юринглар, ўрмон блан хайрлашайлик,— деб таклиф қилди Алексей бепарво бир оҳангда.

Улар қўлтиқма-қўлтиқ ушлашиб, индамасдан эски лип хиёбонидан юриб кетдилар. Уларнинг оёқлари остида, ой нурлари ола-чалпоқ бўлиб тушиб турган ерда қопқора соялар кезарди ва унда-бунда тушган хазон барглари тилла тангачадек ялтираб кўринарди Хиёбоннинг одоғига етдилар. Паркдан чиқиб, шудринг босган ва қариган кўкатлар устидан юриб кўл бўйига бордилар. Пастликни оқ қўй терисидек оппоқ ва қуюқ туман қоплаб олган эди. Туман ерга қуюлиб уларнинг белига чиқарди ва муздек ой шу'ласида сирли бир тусда ёйилиб нафас оларди. Ҳаво нам бўлиб, куз ҳиди анқиб турарди, у дам совуқ, дам иссиқ ва дим бўлиб туюларди, худди бу туман деңгизининг қандайдир иссиқ ва совуқ булоқлари бордай сезиларди.

— Биз худди булутлар устидан юриб бораётган девларга ўхшаймиз-а? — деди Алексей ўйланиб, шу топда у қизнинг кичкина бақувват қўли билагини қаттиқ сиқаётганини ўнгғайсизлик блан сезмоқда эди.

Ўзининг қандайдир нохуш хаёлларига ботган Стручков дўнғиллаб деди:

— Биз қипқизил аҳмоқларга ўхшаймиз, оёқларимизни ҳўл қилиб, йўлга касал ортдириб кетамиз.

— Сизлардан кўра менинг ишим тузукроқ. Мен ҳўл ҳам бўлмайман ва шамолламайман ҳам,—деди Алексей заҳарханда блан.

Зиночка уларни туман қоплаган кўлга қараб тортиди:

— Юринглар, юринглар, унда ҳозир жуда соз бўлса керак.

Улар сувга ботишларига сал қолиб ҳайрон бўлиб тўхтадилар. Шу вақтда Зина барра туман орасида,

салгина нарида қорайиб бир нима қилиб юрган эди. Сўнгра у ерда тахта кўприкча борлиги билинди ва унинг ёнида турган қайиқчанинг қораси кўринди. Зиночка туман ичидан ғоз кўтарилиди ва қўлида эшкак кўтариб келди. Эшкакларни ҳалқалардан ўгказдилар, Алексей қайиқни ҳайдаб кетди, Зина блан майор орқада ўтирган эди. Қайиқ тиниқ сув устида сузиб кетди, у гоҳ туман ичига кириб кетар, гоҳ ой шу'ласида оппоқ ялтираб турган очиқлиқقا чиқарди. Уларнинг ҳарбири ўз ўйини ўйлар эди. Кеча тинч бўлиб, эшкаклар остида сув симоб томчилариdek жимиirlab кўринар ва симоб-dek оғир туюларди. Эшкак ҳалқалари тақирлар ва қасирлар, қаердадир қуш чақирлар эди, жуда йироқдан уккининг кукулаган хунук товуши сув устида аранг эшитиларди.

— Яқинда уруш бўлаётганига ишонгинг келмайди...— деди секингина Зиночка.— Ўртоқлар, менга хат ёзиб турасизми? Масалан, сиз Алексей Петрович лоақал бир элликкина хат ёзарсиз. Истасангиз, мен сизга адресим ёзилган открытка ҳам бераман, хўпми? Соғ, саломатман, салом, деб қутига солиб юборарсиз, балки...

— Йўқ, мен жуда маза қилиб кетаман, дўстлар! Бўлди энди, ҳаммасини йиғишириб қўйиб, ишга киришиш керак, ишга! — деб юборди Стручков.

Яна ҳаммалари жим бўлишди. Майдамайдада тўлқинлар қайиқ остида биқирлаб турар ва сув қайиқнинг икки томонига шилдираб уради. Туман тарқалди, энди қирроқ томондан қайиққа қараб келаётган ой нурининг кўкимтирияларига шу'ласи ва гулларнинг сувда жилваланиб турган акси яққол кўриниб турган эди.

— Бир ашула қилмаймизми, а? — деди Зиночка ва жавобни кутмасдан, ўзи четан дараҳти ҳақидаги ашулани бошлаб юборди.

Қиз ёлғиз ўзи мунгли оҳанг блан биринчи бандни айтгач, дарҳол майор Стручков чуқур ва кучли овоз блан унга қўшилди. Илгари майор сра ашула қилмас эди, ҳаттоқи, Алексей ҳам унда шундай силлиқ ва ширалик овоз бор, деб гумон қилмаган эди. Бу мунгли ва ишқий ашула силлиқ сув устида кенг ёйилиб янгра-

моқда эди. Хотин ва эр кишининг жаранглаб чиқаёғган икки овози соғинишиб бир-бирини қувватларди. Алексейнинг хотирига уйининг деразаси олдида бир бош қип-қизил мевасини осилтириб ёлғизги турган ингичка четан дарахти, еростидаги қишлоқда туручи шаҳло кўз Варя келди; сўнгра буларнинг ҳаммаси хаёлдан учди: кўл ҳам, бу сиҳрли ойдинлик ҳам, қайиқ ҳам, ашулачилар ҳам бирдан кўздан ғойиб бўлди, унинг кўзига кумушдек оппоқ туман ичидан камишинли қиз кўринди, аммо бу қиз чаман очилиб ётган кўкатзор ичидан оқғуллар орасида ўтирган суратдаги Оля эмас эди, бу қандайдир янги, нотаниш, ҳорғин Оля эди, унинг юзлари офтобда қорайиб дор босиб ва лаблари пўрсилдоқ боғлаб ёрилиб, эгнидаги гимнастёркаси қорайиб кетган эди, у қўлида белкурак кўтариб Сталинград ёнидаги даштилиқда юрган эди.

У эшкакни қўйди ва учковлари жўр бўлиб қўшикнинг охирги лапарини айтдилар.

## 6

Эрта блан бир қатор ҳарбий автобуслар санатория ҳовлисидан чиқди. Автобуслардан бирининг зинапоясида ўтирган майор Стручков дарвозадан чиқмасданоқ четан дарахти тўғрисидаги севикли ашуласини бошлаб юборди. Бошқа машинадагилар ҳам унга қўшилиб кетдилар, хайрлашулар, соғ-саломатлик тилашлар, Бурназяннинг асқиялари, автобус ойнасидан Алексеяга нималарнидир айтиб хайрлашаётган Зиночканинг гаплари — ҳаммаси бу ашуланинг оддий ва ма'нодор сўзларига аралашиб кетди. Қадимдан қолган ва кўп йиллар унутилиб кетган бу ашула Улуғ Ватан уруши йилларида янгидан тилга олиниб юракларни қитиқламоқда эди.

Жўрлашиб айтилган қўшиқнинг замзамадор оҳанги остида автобуслар жўнаб кетишди. Қўшиқ тамом бўлгач, ҳамма жим бўлди, то пойтахт атрофидаги заводлар ва қишлоқлар ойнадан аранг кўрингунча ҳечкимдан садо чиқмади.

Кителининг тугмаларини очиб зинапояда ўтирган майор Стручков табассум блан Москва теварагининг манзараларини тамоша қилиб борарди, унинг кайфи чоғ эди. Тиниб-тинчиб ўтирмайдиган бу ҳарбий жаҳонгаштага юриш, кезиш бир одат бўлиб қолган эди, ҳозир у ўз гаштини сурис бормоқда эди. Гарчи у, ҳозирча ма'лум бўлмаган қандайдир бир ҳарбий қисмга бораётган бўлса ҳам, барибир, худди ўз уйига бораётгандек ҳис қиласр эди. Мересьев безовталик блан индамай ўтиради. У, катта мушкулот ҳали олдинда эканлигини сезар ва янги ғовларни енгиб ўтаоламанми, йўқми, деб ўйланиб борарди.

Мересьев автобусдан тушиши блан ҳечерга кирмай, ҳаттоки кечаси қаерда тунашини ҳам ўйламай, тўппаттўғри Мировольский турадиган ерга борди. Биринчи омадсизлик ана шу ердан бошланди. Унинг кўп меҳнатлар қилиб ўзига рай' қилдирган хайриҳоҳ одами шошилинч командировка блан учиб кетган экан ва тезда қайтмас экан. Алексейга умумий қоида юзасидан рапорт беришни таклиф қилдилар. Мересьев шу ернинг ўзида дераза ёнига ўтириб рапорт ёзди. Рапортни пакана ва озғингина командир — интендантга топширди. У, қўлидан келгунча ёрдам беришга ва'да қилди ва бир-икки кундан кейин келишини сўради. Учучи қанча ялиниб ёлворса ҳам ва ҳатто дўқ уриб кўрса ҳам натижажи чиқмади. Интендант суюклари чиқиб турган чиллакдек қўлларини кўкрагига қўйиб, умумий тартибимиз шунаقا, мен уни бузолмайман, деди. Эҳтимол шундай бўлиши ҳам мумкин: бирон ёрдам қилинш ҳақиқатан ҳам унинг қўлидан келмас, Мересьев қўлини силтаб чиқиб кетди.

Унинг ҳарбий идоралар ўртасида танда қуриб юриши ана шундан бошланди. Яна бир нарса унинг аҳволини мушкуллаштирди; у ҳам бўлса шу эдики, уни госпитальга шошиб-пишиб юборгандари учун, уйийм-кечак, озиқ-овқат ва пул аттестатлари олмасдан келган эди ва уларни сўратиб олдириш тараддудини ҳам кўрмаган эди. Унинг ҳатто командировка қофози ҳам йўқ эди. Хуш муомала ва сермулозимат интендант гарчи унга тегишли ҳужжатларни телефон орқали тез-

дан сўратиб олишни ва'да қўйлган бўлса ҳам, Мересьев бундай ишлар жуда секинлик блан қилинишини билар эди, демак, у ҳарбир килограм ион ва ҳарбир чақмоқ қанд қаттиқ ҳисобга олинадиган ҳарбий Москвада бирмунча вақт жойсиз ва озиқ-овқатсиз туриши керак бўлади.

У госпитальга Анютага телефон қилди. Қизнинг овозидан унинг бир ниманинг ташвишини қилиб юрганлиги ёки жуда зарур иш блан банд бўлганлиги сезилди, аммо қиз унинг келганига жуда хурсанд бўлди ва ўз уйига бориб туришини таклиф қилди, хусусан у шу кунларда госпитальда казарма ҳолатида турганини ва уни ҳеч безовта қилмаслигини айтди.

Санаториядан кетучиларга йўл учун беш кунлик озиқ берилган эди, шунинг учун Алексей овқат тўғрисида ўйламасдан, шағдам қадам ташлаб, катта-катта янги иморатлар орқасидаги ҳовлиниң тўрида жойлашган эски таниш уйга равона бўлди. Ҳозир бошпана ҳам, овқат ҳам бор — кутиб туриш мумкин. У яна ўша айланма қоронги зинапоядан юқори кўтарилиди. Уердан яна ўша ҳидлар — мушук, керосин, ҳўл латта ҳиди келиб турарди. У пайпаслаб эшикни топди ва қаттиқ тақијлатди.

Иккита йўғон занжир илиб қўйилган эшик тирқишидан бир кампирнинг чўзиқ юзи кўринди. Алексейга шубҳа блан узоқ разм солиб қарашибди, унинг кимлигини, фамилияси нималигини ва кимда иши борлигини суриштиришди. Шундан кейингина занжирлар шақиrlаб тушиб, эшик очилди.

— Анна Даниловна уйда йўқ, у, телефон қилиб сизнинг келишингизни айтди. Ичкари киринг, мен сизни унинг уйига киргизиб қўяман.

Кампир нурсиз ва жимириқ кўзлари блан унинг юзига, усти-бошига, айниқса буюм халтасига тикилиб қаради.

— Сизга, балки, сув иситиб бериш керак бўлар? Ана печка устида Аннанинг керосинкаси турипти, ўзим иситиб бераман...

Алексей таниш уйга ҳечбир ўнгайсизланмасдан бемалол кирди. Ҳаммаерни ўз уйим деб биладиган ва

майор Стручковда жуда ҳам тараққий қилган солдатлик одати, балки, унга ҳам юққандир. У, бирнеча йиллар ҳалол ва содиқ хизмат қилган бу уй аш'ёларидан нафталин, чанг аралаш думоққа ураётган таниш ҳидларни сезиб, бирмунча ҳаяжонланди, у ўзини худди узоқ вақт сайр-саёҳат қилиб охири ўз туғишган уйига келган кишидек ҳис қиласди.

Кампир унинг изидан эргашиб бораркан тинмасдан бидирлагани-бидирлаган эди: булка сотадиган дўконда очередь бўлиб туришади, агар тўғри келиб қолса қора юн ўрнига карточка блан юмшоқ кулча олиш мумкин, яқинда трамвайдагатта бир ҳарбий кишидан эшийтдим: Сталинград ёнида немислар жуда бопланиб калтак епти, Гитлер ғам-ғусса ютабериб ақлдан озиб қолипти, уни ҳозир жиннихонага солиб қўйишган эмиш, Германияда ҳозир афти-башараси худди Гитлерга ўхшаган бошқа бир киши ҳокимлик қилаётган эмиш; Алевтина Аркадиевна деган қўшним бор, у бекордан-бекорга ишчи карточкаси олади, менинг сут соладиган сирланган яхшигина бир битонимни олган эди, шуни қайтариб бермаяпти; Анна Даниловна жуда яхши қиз, ота-онаси жуда одамшавандаги кишилар, улар уруш вақтида бу ердан эвакуация бўлиб кетишиди, қиз жуда ақллик, оғир ва ўзига эҳтиёт, ба'зи ана унда-қа шалтоқ юручилардан эмас, тўғри келган одам блан ҳириллаб юрабермайди ва уйига йигитларни бошлаб келмайди.

— Сиз унинг куёви бўласизми? Совет Иттифоқи Қаҳрамони танкчи сизми?

— Йўқ, мен оддий учучиман,— деб жавоб берди Мересьев ва шу топда кампирнинг пириллаб турган юзида ҳайрат, ранж, ишончсизлик ва ҳатто газаб автоматини кўриб кулиб юборишига сал қолди.

Кампир лабларини буриштириб эшикни ёниб чиқди ва даҳлиздан туриб, қўполроқ оҳанг блан дўнгфиллаб деди:

— Иссиқ сув керак бўлса ўзингиз керосинкада қайнатиб оларсиз.

Анюта кўчма госпитальда иш блан жуда банд бўлса керак. Бугунги хира куз кунида уй бутунлай таш-

ландиқ ҳолда кўринарди. Ҳамма нарсани қалин чанг босиб ётарди. Кўпдан бери суғорилмаган гуллар деразалар тагида ва тумбочкалар устида сарғайиб, сўлиб ётарди. Стол устида чойнак турарди, нон ушоқлари могорлаб ётарди. Пианино устини чанг-тўзон қоплаган эди. Ҳавонинг оғирлигидан ва бузуқлигидан бўлса керак, катта бир пашша деразанинг сарғайиб, қорайиб кетган ойналарига урилиб, зўрға нафас олаётгандек нолиш блан фўнгфилларди.

Мересьев деразаларни очди. Улар усти харра-харра бўлиб турган қия бир тепаликка қараб очиларди. Тоза ҳаво тўлқинланиб уйга кирди, ундаги чанг-тўзонларни қуюндеқ кўтариб кетди, уйни чанг тумани босди. Шунда Алексейнинг хаёлига қувноқ бир фикр келди: бу ташландиқ уйни супуриб-сиририб қўймоқчи ва кечқурун Анюта вақт топиб уни кўрмоқча келганида бу иши блан уни ҳайрон қолдирмоқчи бўлди. У, кампирдан пақир, латта, супурги сўраб олди ва эркаклар азалдан ёмон кўрадиган уй тозалаш ишига ғайрат блан киришди. Ў, бир ярим соатча зўр бериб ҳамма жойни тозалади, супуриб сидирди, чангларни қоқди ва бундай осон ишни топиб олганидан хурсанд бўлди.

У кундузи бу ерга келаётганида кўприк бошида қашқар гул сотиб турган қизчаларни кўрган эди. Кечқурун бориб шу гулдан бирнеча донасини келтириб стол ва пианино устидаги вазаларга қўйди ва юмшоққина кўк креслога ўтириб, а'зойи бадани роҳат қилиб ҳордиқ олди, кампир ошхонада унинг масаллиғидан тайёрлаётган қовурма ҳиди думоғига уриб, маза килди.

Лекин Анюта келди-ю, у блан зўрға сўрашиб, ўзини девонга ташлади, ҳатто ярқираб турган теварак-атрофига ҳам назар солмади. Бирнеча минут дам олиб, сув ичиб олгандан кейингина теварак-атрофига ҳайрон бўлиб қаради ва ҳаммасига дарров тушунди-да, ҳорғин бир қиёфада табассум блан ташаккур изҳор этиб Мересьевнинг билагини сиқиб қўйди:

— Гриша сизни бунчалик яхши кўришининг сабаби бор экан-да, ҳозир менинг бироз рашиким ҳам келаяпти. Алёша, шу ишларнинг ҳаммасини... наҳотки ўзингиз қилган бўлсангиз? Жуда яхши одам экансиз!

Гришадан ҳеч хабарингиз йўқми? У ўша ерда, уч кун бурун ундан хат олдим, қисқагина хат, ҳаммаси бўлиб икки оғиз сўз ёзилган: ҳозир Сталинградда экан, тен-такка қаранг; соқол қўйиб юрибман деб ёзишти. Топ-ган ишига-ю, топган вақтига қаранг!.. У ер жуда хавф-лик-ку, а? Гапирсангизчи, Алёша, гапирсангизчи<sup>3</sup> Сталинград тўғрисида шу қадар даҳшатли гаплар айтилаётирки!

— У ерда уруш бўлаяпти.

Алексей уҳ тортиб қовоини солди. Унинг Волга бўйида бўлган кишиларга ҳаваси келарди, унда ҳозир катта жанг бораётган эди ва бу жанг ҳамманинг оғзида эди.

Улар то кечгача гаплашиб ўтирдилар, иштаҳа блан қовурма еб овқатландилар, сўнгра ухлаш тараддудига тушдилар, иккинчи уй мих қоқилиб маҳкамланиб ташлаганлигидан, улар ака-сингилдек бир уйда жой солишиб ётдилар—Анюта каравотда, Алексей девонда ётди—ва шу ондаёқ қотиб ухлаб қолдилар.

Алексей уйқудан кўзини очиши блан иргиб ўрнидан турди, қуёшнинг тўзон аралаш нурлари аллақачон пол устида қия тушиб ётган эди. Анюта йўқ эди. Алексеининг девони орқасида бир парча хат суқиб қўйилган эди: «Шошиб госпитальга кетдим. Чой стол устида, нон жавонда, қанд йўқ. Шанбадан илгари келолмасман. А.»

Шу кунларда Алексей уйдан чиқмади. Қиладиган иши йўқлигидан кампирнинг ҳамма примусларини, керосинкаларини тузатиб берди, кострюльларини ямади, электр ёқадиган выключатель ва штепсельларни тузатиб қўйди ва ҳатто кампирнинг илтимоси блан, сирланган битонни қайтариб бермаган ҳалиги дажжол Алевтина Аркадьевнанинг сут идишини ҳам ямаб тузатиб берди. Бу ишлари блан у, кампирнинг ва унинг эрининг меҳрибончилигига сазовар бўлди. Кампирнинг эри қурилиш трестида ишлар экан, ҳаво хавфидан мудофаа қилучи активлардан экан, у ҳам уйдан чиқиши блан бирнечча кеча-кундуз йўқ бўлиб кетар экан. Чол-кампир шундай хулосага келишди: танқчилар, албатта, яхши одамлар-куя, аммо учучилар ҳам улар-

дан қолишмайди, гарчи уларнинг касби ҳавои касб бўлса ҳам, аммо ўзлари уй-рўзгор ишини биладиган ва масалага жиддий қарайдиган кишилардир.

Алексей ўзи тўғрисида натижани билиш учун кадрлар бўлимига боришдан бир кечака бурун ўз девонида қўзларини очиб ётди. Эрта саҳар ўрнидан туриб, соқолини қирди, ювинди ва идоранинг очилиш пайтини пойлаб етиб борди ва ўз тақдирини ҳал қиласиган маъмурий хизмат майорининг столиёнинг бориб биринчи бўлиб турди. У, майорга кўзи тушиши блан уни ёқтирмади. Майор, Алексейни гўё кўрмагандек бўлиб, столнинг ичини анча вақтгача титкилаб ўтири, бирқанча папка ва қофозларни чиқариб олдига териб қўйди, кимгadir телефон қилди ва секретарь қизга шахсий делоларни қандай номерлаш кераклигини айтиб ба-тафсил тушунтири, сўнгра қаёққадир чиқиб кетиб, анчадан кейин қайтиб келди. Шу орада Алексей бу бурни узун, юзи чўзиқ, соқол-мўйлови созлаб қирилган, лаби оқариб ва пешонаси устидаги соchlari тўкилиб ялтираб турган бу кишини ёмон кўриб қолди. Энг охири майор календарьнинг бир варагини ағдариб қўйгандан кейин бошини кўтариб келучига қаради:

— Менда ишингиз борми, ўртоқ старший лейтенант?—деб сўради йўғон ва сипоҳона бир овоз блан.

Мересьев ўз арзини баён қилди. Майор секретарь қиздан унинг қофозларини келтиришни сўради ва то «дело» келгунча оёқларини чўзиб, дандон чўп блантишини кавлаб ўтири ва одоб юзасидан чап кафти блан оғзини пана қилиб турди. Қофозлар келтирилгач, у дандон чўпини рўмолчаси блан артди, қофозга ўраб, кителининг чўнтағига солиб қўйди ва шундан кейин «шахсий дело» ни ўқишига тутинди. Эҳтимол, ўқиб бориб оёқларининг кесилгани тўғрисидаги ўринга етгач, Алексейга столни кўрсатиб: ўтиринг, нега тикка турибсиз, дегандай қилди ва яна ўқишига тутинди. Энг охирги варагини ўқиб бўлгандан кейин сўради:

— Хўш, муддаонгиз нима?

— Муддаом қиручи полкка бориб хизмат қилиш.

Майор столнинг орқасига суюнди ва ҳали ҳам тикка турган учучига ҳайрат блан тикиларкан, столни унинг

яқинига суриб қўйди. Унинг қалин қошлари силлиқ ва думалоқ пешонасига томон яна баландроқ кўтарилиди.

— Аммо сиз учаолмайсиз-ку?

— Учаоламан, учаман. Синаш учун машқ қилучи-лар мактабига юборинг, — деди Мересьев; унинг овози худди бақираётгандек бўлиб эшитилди, унинг сўзла-рида шундай қаттиқ истак бор эдики, ҳатто бошқа столлар ёнида ўтирган ҳарбий кишилар ҳам бошлари-ни кўтариб унга қарадилар ва бу қорача чиройли йигит бунчалик жон кўйдириб нимани талаб қилишини билмоқчи бўлдилар.

— Ахир, менга қаранг, оёқларингиз йўқ бўлатуриб, қандай қилиб учасиз? Қизиқ... ҳечерда кўрилмаган нарса. Ким сизга рухсат беради? — деди майор; у, олдида турган кишини қандайдир бир сирли ёки, эҳти-мол, жинни бўлса керак, деб ўйлади.

Алексеининг тунд юзига ва «ўйноқи» кўзларига қийшайиб қаарarkan, у мумкин қадар юмшоқроқ га-пиришга ҳаракат қиласди.

— Бу ҳечерда кўрилмаган бўлса, ана энди кўришади, — деди Алексей зарда блан; у қўлтиқ дафтарчаси ичидан ялтироқ қофозга ўраб қўйилган журнал варагини олди-да, майорнинг олдига стол устига қўйди.

Қўшни столлар ёнида ўтирган ҳарбийлар ишларини қўйиб, бу гапларга қизиқиб қулоқ солиб турдилар. Улардан, бири гўё бирор иши бордек, майор ёнига келди ва ундан гугурт сўраб, Мересьевнинг юзига қа-ради. Майор мақолага кўз югуртириб чиқди.

— Бу биз учун ҳужжат бўлолмайди. Бизда йўл-йўриқ бор. Бу йўл-йўриқда авиацияга яроқли бўлиш даражалари аниқ кўрсатилган. Сизнинг-ку икки оёғингиз йўқ экан, ҳатто икки бармогингиз бўлма-гандা ҳам, мен сизни самолётни бошқаришга йўлатмас эдим. Олинг бу журналингизни, бу далил-исбот бўлол-майди. Иштиёқингиз борлигига тасанно дейман аммо лекин...

Мересьевнинг қони қайнаб жаҳли чиқабошлади ва сиёҳдонни кўтариб унинг ярқираб турган тоз пешона-сига солишига сал қолди, броқ ўзини зўрға босиб:

— Бу-чи?—деди бўғиқ товуш блан.

У энг охирги хужжатини чиқариб стол устига қўйди. Бу, биринчи даражали ҳарбий врач қўл қўйиб берган қоғоз эди. Майор шубҳаланиб қоғозни олди. Қоғоз расми-русум томондан ўринлатиб ёзилган эди, унда медицина-санитария бўлиммининг штемпели ва печати босилган эди; остида эса учучилар орасида э’тибори зўр бўлган кишининг имзоси бор эди. Майор қоғозни ўқиб чиққач, муомаласини яна яхшироқ қилди. Йўқ унинг олдида турган бу киши жинни эмас. Тенги йўқ бу йигит оёқлари бўлмаса ҳам ҳақиқатан ҳавога учмоқчи. Ҳаттотки у жиддий ва му’табар бир зот бўлган ҳарбий врачни ҳам авраб ишини тўғрилаб олипти.

— Нима деса дейишаберсин, ҳар ҳолда мен бу ишни қилолмайман,—деди майор уҳ тортиб ва Мересьевнинг «дело»сини нари суриб қўйди.— Биринчи даражали ҳарбий врач нима деб ёёса ёзаберади, аммо бизда йўл-йўриқ бор, унда ҳамма гап очиқ ва аниқ айтилган, бир ҳарфини ҳам бузиб бўлмайди... Агар мен уни бузсам, жавобгарлигини ким тортади: ҳарбий врачми?

Қорни тўқ, ўзига бино қўйган, ўз гапидан қолмайдиган, оғир ва хушмуомала, ихчам кителининг ёқасига тоза ёқалик қадаб олган, жун босган қўлларининг катта-катта ва хунук тирноқлари текис қайчиланган бу одамга Мересьев ғазаб блан қараб турарди. Гап тушунтириб бўладими бу одамга? Гапни тушунармиди у? Ҳаво жанги нималигини билармиди у? Балки умрида ўқнинг товушини ҳам эшитмагандир. Алексей бор куичи блан ўзини босиб бўғиқ товуш блан сўради:

— Хўш, энди мен нима қилишим керак?

— Шу ишга қаттиқ жазм қилган бўлсангиз, у вақтда мен сизни аскар тўплаш бўлимидағи комиссияга юборишим мумкин,—деди майор елкасини қисиб.— Лекин шуни айтиб қўяйки, бекорга овора бўласиз.

— Нима бўлса бўлар, ёзинг комиссияга!—деди Мересьев бўғилиб ва стулга ўтирди.

Унинг идорадан-идорага танда қуриб юриши ана шу тарзда бошланди. Иши бошидан ошиб-тошиб ётган ҳорғин кишилар унинг арзига қулоқ солар, ҳайрон бўлар, унинг ҳолига ачиниб хайриҳоҳлик билдирав, бош

қотирап ва қўлларини икки томонга ёзib чорасизликларини кўрсатардилар. Дарҳақиқат, улар нима ҳам қилаолар эдилар? Қўмёндонлик томонидан тасдиқланган жуда тўғри йўл-йўриқ бор эди, кўп йиллар давомида муқаддас таомил ҳукмига кириб қолган ан'ана бор эди, буларни бузиш, хусусан мана шундай сра ради-бадал қилиб бўлмайдиган ҳодисани кўра-билатуриб бу йўл-йўриқ ва таомилларни бузиш иложи бормиди, ахир? Жанг майдонида жовлон уриш орзусида юрган бу тиниб-тинчимайдиган инвалидинг ҳолига ҳамма ачинарди, унинг талабига қат'ий қилиб «йўқ» дейишга ҳечкимнинг тили бормасди, шунинг учун уни кадрлар бўлимидан аскар тўплаш бўлимига, бир столдан иккичи столга юборардилар ва хайриҳоҳлик қилиб комиссияга йўллардилар.

Охири Мересьев парво қилмайдиган бўлиб қолди: унинг иззат нафси тўлқинланиб ис'ён кўтармоқчи бўлганда ҳам у ҳарқандай муомалага кўнадиган бўлиб қолган эди, бирор йўқ деса ҳам, насиҳат қилса ҳам, камситиб ва илтифот-мурувват қилиб гапирса ҳам индамас эди. У ўзини вазмин тутиш ва илтимос қилиб сўраш йўлини ўрганиб олган эди, илтимосига ҳар кун икки-уч жойдан «йўқ» жавоби олганда ҳам руҳини туширмас эди ва умидини узмас эди. Журналдан қирқиб олинган варақ блан биринчи даражали ҳарбий врач берган қофоз чўнтакдан олиб солабериш натижасида қатларидан йиртилиб кетган эди ва буларни чандирдек ёғлиқ қофоз блан елимлаб олган эди.

Бу оворагарчилик устига пул, озиқ-овқат ҳужжатлари тўғрисида полкдан тезликда жавоб бўлмади, у ҳали ҳам аттестатсиз юрмоқда эди. Санаториядан берилган озиқ-овқат тамом бўлган эди. Тўғри, у дўстлашган қўшини чол-кампир унинг уйда овқат тайёрламай қўйганини кўриб, қистаб овқатга таклиф қилардилар. Лекин у бормас эди, чунки бу чол блан кампирнинг тепалик тагидаги бир парча ерда сабзавот экиб уни нечоглиқ машаққат блан ўстиришларини, ундаги ҳарбир бош пиёзнинг, ҳарбир дона савзининг ҳисоби борлигини биларди, улар ҳар эрта блан тегишли нонларини болаларча тантилик блан расо бўлишиб олишларини

билар эди, шунинг учун уларнинг таклифини қабул қилмас эди ва, қозон-товоқ қилиб овора бўлиб юраманми, деб ҳозир командирлар ошхонасида овқатланиб юрибман, деб дангал айтиб қўяқолди.

Шанба келди, бугун Анютанинг уйга келадиган куни. Ҳар куни у қиз блан телефонда гаплашиб ўз ишларининг мазаси йўқлигини айтарди. Ниҳоят унинг миясига бир фикр келди. Буюм халтасида отасидан қолган эски кумуш папирос қутиси бор эди, унинг қопқоғида учта қатор турган чопқир отнинг сурати чиройли қилиб солинган ва «Кумуш тўй куни дўстлардан совфа» деган хат ўйилган эди. Алексей папирос чекмаса ҳам, онаси азиз фарзандини фронтга жўнатиш куни бу қутини унинг чўнтағига солиб қўйган эди. Шундан бери у, отасидан қолган ва оиласда жуда азиз тутилган бу оғир ва қўпол буюмни ёнида олиб юарди ва ҳавога учган маҳалларида «бахти очилиши» учун чўнтағига солиб қўярди. Буюм халтасини ахтариб қутини топиб олди ва тўғри «комиссион» магазинига олиб борди.

Нафталин ҳиди бурқсиб турган озғингина аёл папирос қутини қўлида айлантириб қаради ва суякдек бармоғи блан қути устидаги ўйма хатни кўрсатди:

— Ном ёзилган буюмлар комиссияга қабул қилинмайди.

— Қиммат сўрамайман, ўз нархингизга қараб бераберинг,—деди Алексей.

Нафталин ҳиди бурқсиб турган аёл нурсиз кўзларини ўқрайтириб Алексейга қаараркан, заҳар сочиб деди:

— Йўқ, йўқ, шунни ҳам айтиб қўяйки сизга, гражданин ҳарбий киши, менимча, сизнинг тўйда кумуш совға олишингизга ҳали анча бор.

Учучи қипқизариб, папирос қутини тахта устидан олди-да, ўзини эшикка урди. Қимдир бирор унинг енгидан тортди ва вино ҳиди бурқиб турган оғзини унинг кулоғига тўғрилади:

— Қизиқ нарса экан. Қиммат эмасми?—деди у кўкимтири бурни тагидаги патак соқолини серкиллатиб ва қалтираб турган чандир қўлинини папирос қутига

узатди.—Оғир әкан. Майли, Ватан уруши қаҳрамони-  
нинг ҳурмати учун беш қоғоз бераман.

Алексей савдолашиб ўтирмасдан беш юз сўмни ол-  
диди, бу сассиқ эски-туски хонадан тоза ҳавога югуриб  
чиқди. Яқинроқдаги бозордан бир бўлак гўшт, ёғ, нон,  
картошка, пиёс сотиб олди. Ҳатто бирнечча дона пет-  
рушка олишни ҳам унутмади. Қилган харидини кўта-  
риб «уй»га борди.

Келтирилган нарсаларини ошхонага киргизиб, стол  
устига қўйди ва кампирга қараб:

— Тағин хомлайича оладиган бўлдим, унда овқат-  
ни бемаза пиширишади,—деб кампирни алдади ва  
масаллиқларини стол устига қўйди.

Кечқурун Аютанинг келишига серҳашам овқат  
тайёр эди. Гўштнинг суюклари ажратиб қайнатилган  
ёғлик картошка шўрва устида петрушканинг жингила  
барглари ўйнаб юрарди, алоҳида қилиб пиёс блан гўшт  
қовурилди, ҳаттоки клюквадан пиширилган кисель  
ҳам тайёр эди: кампир уни картошка пўчоқларини то-  
залаб пиширган крахмалдан ҳозирлаган эди. Қиз ҳо-  
риган ва ранглари оқарган ҳолда кириб келди. Зўрға  
ҳаракат қилиб ювинди ва бошқатдан кийинди, Апил-  
тапил шўрва блан қовурмани сб бўлди-да, сеҳрли  
эски креслога чўзилди, бу кресло ҳорғин кишини гўё  
юмшоққина баҳмал бағрига босиб ва қулоғига алла  
айтиб роҳат уйқуга соларди. Бу қиз шундай қилиб,  
совуш учун битонга солиб совуқ сувга қўйилган ва  
келишириб пиширилган кисельни кутмасдан ухлаб  
қолди.

Қиз бир пас мизғиб кўзини очганда эски ва чиройли  
буюмларга тўла бўлган, ҳамон тозагина турган уй-  
га сал-пал қоронги тушган эди, унинг кўзи овқат столи  
ёнида, эски лампанинг теварак-четидаги шоқиласи  
ўргумчак нусха қилиб ясалган ва унга болалигидан  
таниш бўлган абажури орқасида ўтирган Алексейга  
тушди. У, бошини икки кафти орасига сиқиб ўтирас  
ва худди икки қўли блан миясини эзиб ташламоқчилик  
кўринарди. Гарчи унинг юзи кўринмаса ҳам, лекин ўти-  
риш авзойидан оғир бир дард кечираётганлиги сезилиб  
туарди, иродаси кучли ва азми зўр бўлган бу киши-

нинг ҳозиргى аҳволини кўрган қизнинг юраги эзилиб кетди ва бу ачиниш юракдан тўлқинланиб томоқقا тикилди. Қиз секин ўрнидан туриб унинг ёнига борди, бошини бағрига босиб ва бармоқлари блан соchlарини тараб, силайбошлади. У, қизнинг қўлини ушлаб кафтидан ўпди, сўнгра бирдан чеҳраси очилиб, кулимсираб иргиб турди:

— Ҳа, айтгандай, кисель бор эди-я! Жуда соз қиёмга келган пайти ҳозир. Мен куйиб-пишиб, совутиб об-тобига келтиргунимча эсим кетди, қарасам, қизча ухлаб қолипти, бундай вақтда ошпаз албатта ғам-ғусса ютади-да!

Улар бу аччиқ-нордон «мислсиз» кисельдан бир тарелкадан ҳузур қилиб ейиши, лақиллашиб, ўтириши, аммо улар худди маслаҳат қилиб қўйгандай, икки мавзу'га тил тегизишмади, я'ни Гвоздев блан унинг Мересьевнинг иши тўгрисида оғиз очишмади. Сўнгра ҳарқайси ўзи ётадиган жойини тўгрилади. Анюта даҳлизга чиқиб турди, Алексейнинг протезлари ешилиб пол устида тўқ этиб тушгандан кейин уйга кирди ва чироқни ўчирди-да, ешиниб ўз ўрнига ётди. Уй қоронғи эди, улар индамасдан ётишарди, лекин чойшабнинг шифирлашидан ва каравотнинг ғижирлашидан уларнинг иккови ҳам ухламаганлиги ўзларига сезилиб турарди.

Ниҳоят Аньотанинг юраги сиқилиб кетди:

- Алёша, ухлаганингиз йўқми?
- Йўқ, уйғоқман.
- Хаёл сураяпсизми?
- Хаёл сураяпман, сизчи?
- Мен ҳам хаёл сураяпман.

Яна жим қолиши. Трамвайнинг бурилишдан ғижирлаб ўтиши ойнадан эшлитилиб турарди. Трамвай дугаси устида кўкимтир сачраган учқунлардан бирлаҳза уй ёришиб кетди ва шу топда улар бир-бири нинг юзини кўриб қолиши. Иккови ҳам кўзини очиб ётарди.

... Алексей бугун ўз оворагарчилигининг натижаси тўгрисида Аньотага бир сўз ҳам айтмади, аммо қиз унинг ишлари яхши эмаслигини ва бу иродаси зўришишининг умиди сўнай-сўнай деб турганини пайқади.

У хотинларға хос туйғуси блан ҳозир унинг аҳволи оғир эканлигини сезди ва унинг руҳий ҳолати ҳозир қандай оғир бўлса ҳам, унга тасалли берадиган бирон гап айтиш, барибир, ярага туз сепгандай бўлишини ва ачиниб хайриҳоҳлик қилиб гапириш ҳақорат бўлиб туюлишини фаҳмлади.

Алексей эса қўлларини бош тагига қўйиб чалқан-часига ётар ва хаёл сурарди: мана ундан уч қадам нарида қоронғиликда каравот устида яхшигина бир қиз ётипти, бу қиз ўз дўстининг қаллиғи бўлади, у яхши ва очиқ йигит. Ҳозир ўрнидан туриб, қоронғи уйда икки-уч қадам нари босса, қизнинг ёнига боради, йўқ, икки дун'ёда ҳам у бу ишни қилмайди, бундай қадамларни босмайди, ҳали жуда яхши таниш бўлмаса ҳам, аммо унга иссиққина жой берган бу қиз унинг ўз синглисидеқ эди. У, шу ҳолни майор Стручков билса, балки, мени боплаб сўкарди ва ҳатто гапимга ишонмас эди, деб ўйлади. Ким билсин, балки у ҳам ҳозир бу ҳолни бошқалардан кўра яхшироқ тушунган бўлар эди... Ажойиб қиз бу Анюта; боёқиши шу қадар чарчашига қарамай, ўз ишига жуда берилган ва кўчма госпитальдаги оғир ишига қаттиқ ҳавас қўйган эди!...

— Алёша, — деб чақирди Анюта секин товуш чиқариб.

Мересьев ётган девондан бир мақомда пишиллаган товуш эшитилди. Учучи ухлаб қолган эди. Қиз ўрнидан турди, яланг оёқлари блан оҳиста-оҳиста шипиллаб унинг ёнига борди, худди ёш болани эҳтиёт қилгандай унинг ёстигини тўғрилади ва ён томонларига одеялни тортиб қўйди.

## 7

Комиссияга энг биринчи Алексейни чақирдилар. Командировкадан қайтиб келган йўғон ва семиз биринчи даражали ҳарбий врач раислик ўрнида ўтирган эди. У, Алексейни дарров таниди ва ҳатто ўриндан туриб унинг қаршисига чиқди.

— Нима, олишмаяптими? Тўғри, азизим, сизнинг ишингиз оғир, биласизми, қонундан четга чиқишга тўғри келади. Хўш, қонундан қандай қилиб четга чи-

қиши мумкин? — деди у очиқ күнгіл блан хайріхоҳлик билдириб.

Алексейни ҳатто текшириб ҳам күришмади. Ҳарбий врач унинг қофозига қизил қалам блан: «Қадрлар бўлимига. Машқ қилучи авиация бўлимига синаш учун юбориш мумкин деб хисоблайман» деб ёзib берди. Алексей қофозни олиб тўғри кадрлар бўлими босилиғига борди. Уни генерал олдига киргани қўймадилар Мересьевнинг тажанглиги тутабошлаган эди, лекин генералнинг ад'ютанти ёш ва келишган, кичкинагина қора мўйловли, қувноқ ва одамшинавандга бир капитан бўлганидан, Мересьев, ўз та'бирича, «малоикаларни» азалдан ёқтиирмаса ҳам, унинг столи ёнига ўтириди ва, ўзи ҳам пайқамасдан, бошидан ўтган бутун воқиаларни унга батафсил ҳикоя қилиб берди. Ҳар замон телефон жиринглаб унинг ҳикоясини бўларди Капитан эса дам-бадам ўрнидан туриб бошлигининг кабинетига югуради. Қайтиб келиши блан у дарров Мересьев қаршисида ўтириб олар ва болаларницидек содда кўзларини унга тикиб турарди, аммо кўзларида ҳайронлик, қойиллик ва ҳатто ишонмаслик аломатлари кўриниб турган ҳолда:

— Хўш, хўш, тарин нима бўлди? — деб қистарди, ёки қўлларини икки томонга ёзиб: — Ёлғон эмасми? Худо ҳақи, шу гапларинг ростми? — деб сўрарди.

Мересьев унга идорадан-идорага қатнаб юрганларини айтиб берганда, ёшлигига қарамай идора ишларида жуда моҳир бўлган капитан газабланиб бақирди.

— Ёмон одам экан-ку улар! Сени бехудага овора қилишипти-да. Сен, қандай десам бўларкан, жуда яхши, тенги йўқ йигитсан!. Аммо уларнинг гапи ўринник; оёқлари бўлмаган киши ҳавога учмайди.

— Учади... Мана... — Мересьев журнал варорини ва ҳарбий врачу ёзив берган қофозларини чиқариб қўйди.

— Оёқларинг бўлмаса, қандай қилиб учасан ахир? Тентак экансан-ку! Йўқ, биродар, «Оёғи йўқдан ўйинчи чиқмайди» деган мақол бор.

Бошқа киши бўлганда, Мересьевнинг албатта жаҳли чиқиб, қўпол гапларни ҳам айтиб юборган бўлар

эди. Лекин капитаннинг очиқ юзидан дўстлик ва хайриҳоҳлик аломати кўриниб турганидан, Алексей хафа бўлмади ва хафа бўлиш ўрнига болаларча завқ блан:

— Шунақами ҳали? — деб қичқириб юборди ва бирдан ўйинга тушиб кетди.

Капитан ҳайрон қолиб унга қараб турди, сўнгра бир сўз айтмасдан, унинг қофозларини кўтариб кабинетга кириб кетди.

У узоқ вақтгача чиқмади. Ичкарида икки кишининг сўзлашаётганини эшишиб турган учучининг а'зойи бадани жимиirlаб кетди, юраги қаттиқ урабошлади, у, худди тез юрар машинага тушиб айланма йўллар блан энг баланд чўққига чиқаётгандек бўлди.

Капитан хурсандлик блан кулимсираб кабинетдан чиқди.

— Гап шуки,—деди у,—учучи қилиб юбориш талабига генералнинг қулоқ солгуси ҳам келмади, лекин у: моянаси ва бошқа та'миноти камайтирилмаган ҳолда хизмат қилиш учун БАО\* га юборилсин, деб ёзib берди. Онгладингми? Моянани камайтирмасдан...

Алексейнинг юзида хурсандлик ўрнига ғазаб аломатини кўрган капитан ҳайрон бўлиб қолди.

— БАО га? Ҳечбир-да! Гапга тушунсаларингчи, ахир: мен қорним учун ва кўпроқ мояна олиш учун югуриб юрганим йўқ. Мен учучиман, тушунасизми, учучиман, учишни ва ҳавода жанг қилишни истайман... Бирон киши ҳам тушунмайди менинг бу дардимни?! Оппа-очиқ бир...

Капитан донг қотиб қолган эди. Шунақа ҳам қайсар киши бўладими, бошқа киши бўлганда бу илтифотни кўриб яна ўйинга тушиб кетган бўларди, бу эса... Тентакка ўхшайди. Лекин бу тентак капитанга жуда ёқиб қолди... У, Алексейнинг ҳолига ачинди, унга ўз мақсадига эришиш учун қандай бўлса ҳам ёрдам бермоқчи бўлди. Бирдан унинг миясига яхши бир фикр келди. Алексейга кўз қисиб, бармоғи блан ўзига имлади ва

---

\* БАО — Аэродром хизматидаги батальон.

бошлиғининг кабинетига қараб-қараб унинг қулоғига шивирлади:

— Генералнинг қўлидан келгани шу. Бундан ортиғига қувваги етмайди. Худо ҳақи! Йўқса, уни жинни бўлиши, деб кулар эдилар; оёри йўқ кишини учучи қилиб юборипти, дер эдилар. Шу ердан чиқиб тўғри бизнинг катта бошлиғимизга бор, бу ишни фақат ўша ҳал қилаолади.

Янги ошнаси пропуска тўғрилаб бергандан кейин Мересьев ярим соатдан сўнг катта бошлиқнинг қабулхонасида, гилам устида асабий бир ҳолда юрмоқда эди. Нега илгарироқ шуни пайқамади экан! Шунча вақтни бекорга ўтказмасдан, аввал бошда келиб шу кишига мурожаат қилиш керак эди! Ё ўёғлик, ё буёғлик бўларди-қоларди. Бошлиқнинг ўзи ҳам асс дейишган эди. У тушунар, у, қиручини БАО га юбормас.

Қабулхонада генераллар, полковниклар сipoҳона бир қиёфада ўтиришарди. Улар секин товуш чиқариб ўзаро сўзлашардилар, улардан ба’зилари безовта кўринар эди, устма-уст чекишар эди, фақат старший лейтенант гилам устида ғалати диркиллаб нари-бери юрмоқда эди. Ҳамма бошлиқнинг олдига кириб чиқдандан кейин навбаг Мересьевга келди ва у шағдам юриб стол ёнида ўтирган думалоқ юз ва чеҳраси очиқ ёш майор ёнига борди.

— Сиз, ўзларига кирасизми, ўртоқ старший лейтенант?

— Ҳа, менинг у кишининг ўзларига шахсан айтадиган жуда муҳим ишм бор.

— Балки сиз мени ҳам ўз ишингиз блан таништирасиз? Ўтирангизчи, қани ўтиринг, чекасизми? — деди ва очиқ папирос қутини Мересьевга туғди.

Мересьев чекмаса ҳам, негадир бир дона папиросни олдида; қўлида ғижимлаб столга қўйди ва сўнгра бирдан худди капитанга ҳикоя қилиб бергани сингари, майорга ҳам бошидан ўтган воқиаларнинг ҳаммасини айтиб берди. Генераллар эшиги олдида «муаккил» бўлиб туручи «малоикалар» тўғрисидаги фикри у энди тамоман ўзгартган эди. Унинг гапларига майор дўстларча астойдил қулоқ солди ва жуда та’сирланди.

Журнал мақоласини ўқиди ва врачнинг қоғози блан танишди. Мересьев жуда руҳланиб кетганидан иргиб ўрнидан турди ва қаерда турганини ҳам унтиб, яна бир марта ўз оёқ ўйинини намойиш қилмоқчи бўлди... Лекин шу вақтда бутун ишнинг пачава бўлишига сал қолди. Бирдан кабинет эшиги очилиб, ундан узун бўйли, озғин ва қорасоч бир киши чиқди, Мересьев уни суратларидан тусмоллаб, дарров таниди. У киши йўл-йўлакай шинелининг тугмаларини солиб, орқасидан бораётган генералга нималарнидир сўзларди. Ў, ташвиши зўр бўлганидан, ҳатто Мересьевни кўрмай қолди.

— Мен Кремльга кетаяпман,—деди у майорга ва соатига қаради.—Соат олтига Сталинградга учиш учун кечки самолёт буюриб қўйинг. Верхная Погромнаяга қўнилади,— у тез юриб чиқиб кетди.

Майор шу ойда самолёт буюорди ва Мересьев эсига келиб қўлларини ёзди:

— Омадингиз юрмади, учиб кетадиган бўлдик. Кутуб туришга тўғри келади, турадиган жойингиз борми?

Бир дақиқа бурун жуда ғайратли ва ирёдаси зўр бўлиб кўринган Алексейнинг юзи бирдан ўзгариб руҳсизлик ва ҳорғинлик аломатини ифода қилди. Бу ҳолни кўрган майор қарорини ўзгартди:

— Хўп... Бошлиғимизнинг одатини биламан, у ҳам худди шундай қилган бўлар эди.

У иш варақасига бирнеча оғиз сўз ёзиб конвертга солди ва устига: «Қадрлар бўлими бошлиғига» деб ёзди. Хатни Мересьевга бериб, унинг қўлини сиқди:

— Чин қалбимдан муваффақият тилайман!

Хатда бундай деб ёзилган эди: «Лейтенант А. Мересьев қўмондоннинг ҳузурида бўлди. Бу кишига эътибор блан қараш керак. Унинг жанговар авиацияга қайтиб бориши учун мумкин бўлган ҳамма чоралар блан ёрдам бермоқ зарур».

Бир соатдан кейин қора мўйловли капитан Мересьевни ўз бошлиғининг кабинетига олиб кирди. Гавдаси йўғон кекса генерал қуюқ қошларини чимириб хатни ўқиди ва кўк кўзларини ялтиратиб учучига қараб илжайди.

— У ерга ҳам бориб көлдінгмі... дарров-а! БАО га юборганим учун хафа бўлибсан-да? Ха-ха-ха! — У қаҳқаҳлаб кулди. — Балли!. Аслзод учучини дарров танийман. БАО га боришни истамайди, буни ўзига ҳақорат деб билибди... Қизиқ!. Хўш, ўйинчи, нима қилдим сен блан энди? Йиқилиб абжафинг чиқса, менинг калламни олишади, миянгни едингми чол, нега уни учишга юбординг, дейишади. Ким билсин, сен ҳам бутун дун'ёни ҳайратга солган йигитларимиздан бири бўлиб чиқарсан... Қани, қофозни буёқقا ол.

Генерал қофозни эгри қўйиб, кўк қалам блан тушуниб бўлмайдиган ёзув блан сўзларни чала-чала қилиб: «Машқ қилиш мактабига юборилсин» деб ёзди. Мересьев қўллари қалтираб қофозни олди. У, аввал шу ернинг ўзида, сўнгра зинапоя ёнида, ундан кейин пастда, пропуска кўриб киргизадиган часовой ёнида, сўнгра трамвайда, ниҳоят, йўлакда туриб ёмғир гомчилари остида хатни қайта-қайта ўқиди. Бутун ер юзидағи кишилардан ёлғиз угина чала-чулпа ёзилган бу тўрт сўзнинг ма'носини чинакам тушунаоларди.

Алексей Мересьев шу куни қувонганидан дивизия командири сийлов қилиб берган соатни чиқариб сотди ва пулига ҳархил таомлик ва вино сотиб олди, Анюта а телефон қилиб, бир-икки соатга кўчма госпитальда ўрнига бироп кишини қўйиб келиб кетишини сўради ва қўшни чол-кампирни таклиф қилиб улуғ ғалабаси шарафига катта зиёфат қилиб берди.

## 8

Москва яқинида, Осоавиахим аэродромчаси ёнида жойлашган машқ қилиш мактабида ўша кунларда ишлар жуда қизиб кетган эди.

Сталинград жангига авиация учун иш кўп эди. Ёнгин ва портлашлардан доимо тутун қоплаб турган Волга қал'асининг устида ҳаво жангиги муттасил давом этиб, тўс-тўполон урушларга айланиб бормоқда эди. Ҳар икки томондан ҳам катта талафот берилмоқда эди. Курашаётган Сталинград орқа томондан ҳа деб учучилар талаб қилгани қилган эди... Машқ қилиш мактаби-

да госпитальлардан келган учучилар бирмунча такрор ўргатилар, бу дамгача орқа томонда граждан самолётларни учирив келган учучиларга эса янги жанговар самолётларни учирив ҳунари та'лим берилар эди, шунинг учун ҳам бу мактабнинг ишлари ниҳоятда кўпайиб кетган эди. «Ушка», «Уточка» деб аталган сўзанак нусха машқ самолётлари тор аэродромда йиғилмаган дастурхон устида ўрмалаб юрган пашшадек фужрон ўйнарди. Улар кун чиқишидан то кун ботишигача тепада ғўнғиллаб учишар ва фидирек изларидан эгри-буғри бўлиб ётган ерга бири қўниб, бири учиб турарди.

Машқ мактаби штабининг бошлиғи миттигина, уйқусизликдан кўзлари қизариб кетган бир киши эди. У, Мересьевга ўқрайиб қааркан, худди: «Қайси ажилд сени тагин бу ерга учирив келди. Ўз ташвишим ўз бошимдан ошиб ётган бир пайтда фақат сен камлик қилиб турган эдинг!» — дегандек бўлди ва хатлар солинган пакетни унинг қўлидан зарда блан юлиб олди.

Мересьев подполковникнинг кўпдан бери қирилмаган ва соқоллари жингила-жингила бўлиб кетган ксиг юзига қўрқа-писа қараб тураркан. «Ҳозир оёқ тўғрисида гап бошлайди-ю, ҳайдаб юборади» деб ўйлади. Аммо, шу топда бирдан иккала телефон ҳам жиринглаб кетди. Подполковник бир трубкани елкасига қистириб қулоғига қўйди ва иккинчисига овози қалтираб алланималар деб бақирабошлади ва шу блан бирга Мересьевнинг ҳужжатларига ҳам кўз югуртириди. У фақат генералнинг резолюциясини ўқиган бўлса керак, чунки телефон трубкасини қўймасдан резолюция тагиға: «Учинчи машқ отрядига, лейтенант Наумовга» деб ёзди. Сўнгра трубкани қўйди ва ҳорғин бир оҳангда сўради:

— Буюм аттестати қани? Озиқ-овқат аттестати-чи? Йўқ? Ҳаммасида йўқ. Биламан, биламан бу ашулани. Госпитальда ҳамманинг боши қотиб қолган, бундақа ишларга қўли ҳам тегмайди. Хўш, мен сизларга нимадан овқат пишириб бераман? Рапорт ёзинг, аттестат бўлмаса, буйруқдан ўтказмайман.

— Есть написать рапорт! — бурро қилиб айтди завқ блан Мересьев қоматини керган ва қўлини чаккасига қўйган ҳолда. — Кетишга руҳсатми?

— Боринг,— деди подполковник қўлини сал силкитиб. Сўнгра у бирдан бақириб юборди: — Тўхтанг! Бу нима қилиқ? — бармоғи блан Алексей қўлидаги, теварагида олтин ҳарфлар ўйилган ва Василий Васильевич ин'ом қилган таёқни кўрсатди. Мересьев шошиб қолганидан таёқни кабинет бурчагида уннутиб чиққан эди, — нима бу олифтагарчилик? Ташланг таёқни! Ҳарбий қисм эмас, лўлихона бўлиб қолдими энди бу ер! Ёки шаҳар боғи бўлдими: ҳасса, таёқ, хипчин, қамчи... яқинда бўйинларингга тумор тақиб, ёнларингда қора мушук ҳам олиб юрарсизлар дейман. Бундан бўён кўзимга бундақа нарсалар кўринмасин! Олифта!

— Есть, ўртоқ подполковник!

Олдинда ҳали кўп қийинчиликлар ва ўнггайсизликлар бор эди: баджаҳл подполковнику рапорт ёзиб аттестатларнинг йўқлиги сабабини батафсил тушунтирмоқ керак эди; мактабда кўп кишилар тўхтовсиз келиб кетиши орқасида овқатларнинг мазаси йўқроқ эди ва ўқучилар пешинлик овқатни еб бўлибоқ, кечки овқат тўғрисида ўйлашар эдилар; учучилар учун муваққат равишда учинчи сон умумий ётоқхонага айлантирилган ўрта мактаб биносидаги печка трубалари ёрилиб кетган эди, ҳаво қаттиқ совуқ эди, Алексей биринчи кеча одеял ва кўн реглан остида қалтираб чиқди. Шундай қийинчиликлар ва ўнггайсизликлар бўлса-да, Алексей буерда ўзини худди аввал қумлоқда ётиб ҳолдан кетган ва сўнгра тўлқин уриб сувга туширган балиқдек эркин сезарди. Бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси унга ёқди ва ҳаттоки бивуак ётоқхонанинг ўнггайсизликлари ҳам унга тездан ўз орзусига етадигандек бўлиб туюлди.

Бундай вазиятга у ўрганиб қолган эди; уруш вақтида эскириб, шалвираб қолган кўн реглан, жун этик кийган, офтобда қорайган, товуши хириллаб қолган ва хушчақчақ бўлган бу кишиларнинг ҳаммаси ўз туғишганидек эди; авиация бензинининг чўчмал ва каттиқ ҳиди, учишга ҳозирланаётган ва учайдигандек бўлиб туюлди.

нинг гулдираши ва бир мақомда ғунгфилаши унга роҳат берарди; ҳамма сри мойга буланган ва афтибашараси қорайиб кетган техника раҳбарлари, офтобда мисдек қорайиб кетган баджаҳл инструкторлар, метеорология будкасидаги ширмон юз қизлар, команда пункти тепасидан кўкимтири товланиб паға-паға бўлиб чиқаётган тутунлар, зуммерларнинг хириллаши ва телефонларнинг қаттиқ жиринглаши, фронтга кетучиларнинг «хотира учун» олиб кетиши орқасида ошхонада қошиқларнинг етишмаслиги, ҳархил рангдаги қаламлар блан ёзилган ва пастида албатта ҳавода учиб юриб қизлар тўғрисида ўйлайдиган учучилар каррикатура қилиб солинган «жанговар варақалар», ғилдираклар ва қўлтиқ таёқларнинг излари эгри-буғри бўлиб ётган учув майдонининг юмшоққина билчираб ётиши, ҳархил болохонадор сўкишлар ва авиация терминалари қўшилиб айтиладиган қувноқ гап-сўзлар — буларнинг ҳаммаси эскидан таниш ва одат бўлиб қолган нарсалар эди.

Мересьев бирданига очилиб яйраб кетди. Унга тамоман йўқолиб кетгандек бўлиб кўринган қувноқлик ва қиручиларга оз-моз одат бўлиб қолган хушчақчақлик яна қайтиб келди. У, унвони кичикларнинг саломига чаққон ҳаракат блан чиройли қилиб жавоб қайтарар, унвони катталарни кўрганда шартиллатиб қадам босиб салом берарди. У, янги форма олиши блан уни дарров ўз бичимиға тўғрилаш учун, урушга келмасдан бурун касби машиначи бўлган ва ҳозир БАО да озиқ-овқат ёзиб беручилик вазифасини ўтайдиган кекса сержантга берди. Сержант кечалари ҳам ишлаб, серпардоз олифта лейтенантларга давлатдан тикиғлик ҳолича берилган сарполарни «бичимиға тўғрилаб» берарди.

Мересьев келган куниёқ учинчи отряд инструктори лейтенант Наумовни учув майдонидан қидирабошлади, чунки ўшанинг қарамогига юборилган эди. Бўйи пакана, серҳаракат, боши катта, қўллари дароз бир киши бўлган Наумов «Т» доирасида югуриб юрар ва ҳавода учаётган «ушка»га қараб, уни бошқаручи уччини ҳадеб сўkkани сўkkан эди:

— Бир қоп... тилла... ортилган арава... «Қиручи бўлганман» дейди тағин! Кимни алдамоқчи бўлар экан бу киши?

Мересьев ўзининг бўлғуси инструкторига қоидасини тўла келтириб салом берди, у эса жавоб ўрнига қўлини силтаб, осмонни кўрсатди:

— Кўрдингизми? «Қиручи», ҳавога даҳшат солмоқда... музга суқиб қўйилган гулга ўхшайди.

Инструктор Алексейга ёқди. У, шунга ўхшаган бироз телба-кезик, ишга жон сабил кишиларни яхши кўради, чунки уқувли ва серҳаракат одам бўлганидан бундай кишилар блан тез тиллашиб кетар эди. Алексей ҳавода учайтган кишининг камчилиги тўғрисида бир-икки оғиз бама'ни сўз айтди. Пакана лейтенант унга бошдан-оёқ қараб олгач, сўради:

— Сизни менинг отрядимга юборишдими? Фамилиянгиз нима? Нимада учган эдингиз? Урушга қатнашганимисиз? Учмаганингизга қанча вақт бўлди?

Алексей берган жавобларига лейтенантнинг қулоқ селганига ишонмади, чунки у осмонга қараб бир кафтини кўзига соябон қилиб тураган ва бир қўлини муштум қилиб ҳавога силкитарди:

— Аравакаш!.. Машинани буришга қаранг уни! Худди осов отни нўхталаб удда қилиб ҳайдайолмасдан юрган аравакашга ўхшайди.

У, Алексейга эрталаб учиш бошланадиган вақтда келишини тайинлади ва дарҳол «синаб кўришни» ва'да қилди.

— Энди бориб дам олинг, йўлдан чарчаб келгансиз. Овқат қилдингизми? Шундай ола-тасир пайтда овқат беришни унутиб қўйишлари ҳам мумкин... Алвастининг қўғирчоғига ўхшамай ўл! Ҳали сен ерга туш, «қиручи» қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман!

Мересьев дам олишга бормади, чунки совуқ шамол қуруқ қум тўзонини сочиб турган аэродром унинг тахта каравоти турган «тўққизинчи А» синфидан иссироқ эди. У, БАО га бориб, этикдўзни топди ва унга бир ҳафталик тамакисини бериб, командирлар боғлайдиган камардан иккита боғичли тасма ясад беришни сўради.

Бу тасмалар унга учиш вақтида протезларини самолётни оёқ блан ҳаракатга келтирадиган рачагларига маҳкам қилиб боғлаш учун керак эди. Этикдўз бу иш шошилинч бўлгани ва бундай нарсани умрида биринчи марта ясашини важ қилиб, «ярим литрга» пул ҳам сўраб олди ва тасмаларни жуда созлаб ясад беришга ва’да қилди. Мересьев аэродромга қайтиб борди ва то қоронги тушгунча, энг охирги самолёт линейкага келтирилиб арқон блан темир қозиққа боғлангуича самолётларнинг учишига қараб юрди, бу учишлар кўзига оддий машқ бўлиб эмас, балки уста учучиларнинг ким ўзар мусобақасига ўхшаб кўринарди. У фақат учишга қарамас эди. У аэродром муҳитига, унда елиб-югуриб қилинаётган ишларга, моторларнинг тинмасдан гулдирашига, ракетницаларнинг қарсиллашига, бензин ва майнинг ҳидларига кўмилиб маҳлиё бўлиб кетган эди. Унинг бутун вужуди қувнамоқда эди, эртага учмоқчи бўлганида самолёт бўйин бермасдан, қўл остидан чиқиб кетиши ва ҳалокат юз бериши мумкинлиги ҳатто хаёлига ҳам келмас эди.

Эрта блан у учиш майдонига келганда майдон ҳали бўш эди. Линейкаларда турган самолётларнинг қизиётган моторлари гулдирап, «қутбий» печлардан ўт сараб турар ва механиклар винтларни очасолиб, бу ўтдан илондан қочгандек қочардилар. Ҳар эрта блан айтиладиган таниш сўзлар эшитилди:

- К запуску!
- Контакт!
- Есть контакт!

Алексей эрта саҳарда келиб негадир самолётлар олдида тентираб юргани учун, кимдир уни боплаб сўкди. У эса сўкишни ҳазилга олди ва негадир миясида ўрнашиб қолган гапни ўз-ўзича хурсандлик блан такрорлаб: «Есть контакт, есть контакт, есть контакт»... деб юраберди. Охири, самолётлар диркиллаб, қанотлари саланглаб ва қанотлари тагидан механиклар суюган ҳолда стартга чиқабошлади. Наумов ҳам етиб келган эди, у тамакини кичкина қилиб ўраб чекиб юради ва худди чимитилган сариқ бармоқларидан туутун сўраётгандай кўринарди.

У, Алекseyning ҳамма қоидасини ўрнига келтириб берган расмий саломига жавоб бермасдан сўради:

— Ҳа, келдингми? Хўп, тузук: биринчи келган бўлсанг, биринчи бўлиб учасан. Қани, тўққизинчининг оғقا кабинасига чиқиб ўтири, мен ҳозир. Қўрамиз, қани нима ҳунар кўрсатар экансан.

У қўлидаги кичкина папиросини тез-тез сўриб чекабошлади, Алексей эса тезроқ самолётга чиқиб олишига шошилди. У, инструктор келгунча оёқларига тасмаларни боғлаб олмоқчи эди. Ўзи яхши одам-у, аммо ким билсин, бирдан қайсарлиги тутиб қолиб, учишга қўймаслиги ва галва кўтариб юбориши ҳам мумкин. Мересьев сирғончиқ қанотга тармашиб қалтираб кабинага осилиб олди. Қаттиқ ҳаяжон босганидан ва ҳали ўрганмаганидан, у нуқул сирғаниб тушар ва сра оёғини кўтариб кабинага қўялмас эди, унинг ҳаракатларига ҳайрон бўлиб қараб турган юзлари чўзиқ ва қовоғи солинган механик: «маст шекилли, аблах» деб ўйлади.

Алексей охири қотма оёқларининг бирини кабинага олди ва ниҳоятда зўр уриб иккинчисини ҳам қўйгандан кейин ўзи ҳарсиллаб кабина ўринидигига ўтирди ва дарров қайиш тасмаларни протезларидан ўтказиб педальга боғлаб олди. Тасмалар жуда соз ишланган экан, улар протезларни ричагларга жипс сиқиб турарди. Алексей ҳозир ўзини худди ёшлигида оёқларига коńкенини жуда соз қилиб боғлагандек ҳис қиласади.

Инструктор кабинага бошини тиқиб сўради:

— Сен, биродар, шу топда маст эмасмисан? Пуф де, қани?

Алексей пуф деди. Инструктор ҳечқандай ичкилик ҳиди келмаганини сезгач, механикка муштумини силкитди.

— К запуску!

— Контакт!

— Есть контакт!

Мотор бирнеча бор қаттиқ партиллади, сўнgra поршнлари гумбур-гумбур қилиб урабошлади. Мересьев хурсандлигидан ҳатто қичқириб юборди ва дарров газ

берадиган дастакни ушлаб тортди, лекин гапириладиган карнайдан инструкторнинг бақириб сўккан овози эшитилди:

— Элдан бурун ўзингни ўтга урма.

Инструкторнинг ўзи газ берди, мотор гулдиради ва самолёт диркиллаб чопиб кетди. Наумов чақон бошқариб, дастакни ўзига олди ва сўзанакка ўхшаган, ҳар ерда ҳархил ном блан — Шимолий фронтда «лесник», Марказий фронтда «капустник», жанубда «кукурузник» деб эркалаб аталган, ҳамма ерда солдатларнинг очиқ кўнгил блан айтадиган ҳазил-мазахига мавзу' бўлган ва эски қадрдан дўст каби ҳурмат қилинадиган, бир вақтлар ҳамма учучилар учиш илмини шундан ўрганган бу машина тикка ҳавога кўтарилиди.

Қийшайтириб қўйилган ойнада инструктор янги курсантнинг юзини кўриб туради. У, кўп вақт учмай юргандан кейин биринчи марта ҳавога учган учучиларнинг бундай қиёфасини қанчадаи қанча марта кўрган! У, уста учучиларнинг очиқ кўнгил блан мурувват қилиб ўтирганларини кўрган, у, кўп вақт госпитальларда юриб келган азмкор учучилар таниш муҳитга кирганиларидан сўнг кўзлари қандай чақнаганигини кўрган. У, ҳавода бўлган оғир ҳалокатдан қаттиқ шикаст еган учучилар ҳавога кўтарилиш блан ранглари оқариб, асабийлашиб, лабларини тишлиайбошлаганларини кўрган. У, биринчи марта ҳавога ўчган янги учучиларнинг завқ-шавққа тўлганларини кўрган. Лекин Наумов шунча йил инструкторлик қилиб келган бўлсада, бу дамгача мана бу келишган қорача йигитда юз берган ҳолатни сра кўрмаган эди.

Янги келган бу кишининг қорача териси орасидан қизилча доғлар йилтиллаб кўринарди. Унинг лаблари оқариб кетган эди, лекин бу қўрқишиб натижаси эмас, балки сабаби Наумовга нома'лум бўлган қандайдир олижаноб бир ҳаяжон натижаси эди. Ким экан бу киши? Нега унинг авзойи бундақа бўлиб қолди? Техника раҳбари нега уни мост деб билди? Самолёт ердан узилиб ҳавода сузган чоқда инструктор курсантнинг қопқора жовдир кўзлари бирдан ёшга тўлганини ва ёшлари юзларига думалаб тушганини, сўнгра бури-

лишда ҳаво оқими юзига уриб уларни сидириб кетганини кўрган эди.

«Қандайдир тентакка ўхшайди! Ундан эҳтиёт бўлмоқ керак. Тағин бирон фалокатни бошлаб қўймасин!»— деб ўйлади Наумов. Лекин тўрт бурчак ойнадан унга қараб турган бу ташвишли юздаги алла-қандай нарса инструкторга қаттиқ та'сир қијди. У томоғида бир нарса липиллаб тиқилганини ва кўз олдини қора босабошлаганини сезиб ҳайрон бўлди.

— Ол, ўзинг бошқар,— деди у. Лекин қандақа кишилигини билиб бўлмайдиган бу ғалати кишидан истаган вақтда бошқаришни қайтариб олишга тайёрланиб, қўлини ва оёғини сал бўшатиб қўйди. Наумов ҳарбир ҳаракатни такрорлаб турадиган асбоблар орқали бу янги шогирднинг тажрибаси зўр киши эканлигини пайқади; гражданлар уруши вақтида ҳам учучи бўлган, учучилик илмини сув қилиб ичган штаб бошлигининг та'бири блан айтганда бу шогирд «худо берган учучи» бўлиб чиқди.

Бир айланишдан кейин Наумов шогирддан хагфисрамай қўйди. Самолёт дадил ва равон учиб бормоқда эди. Фақат шуниси ғалати бўлиб кўринардики, шогирд машинани равон учиратуриб, дам юқорига кўтарар, дам пастга эндирарди, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга буради. У худди ўз кучини синаб кўраётгандек эди. Наумов ичидаги ўйлаб борарди: янги шогирдни эртага ёлғиз бир зонага юбориш мумкин, икки-уч марта учгандан кейин «Утка»га — фанердан қиручи самолётга ўхшагиб ясалган машқ-та'лим самолёти «УТ-2»га — ўтказса бўлади.

Изғирин совуқ эди, қанот ёнида турган термометр 12 даражага совуқни кўрсатиб турарди. Қабина ичидаги уриб турган ўткир шамол жун этиклардан ўтиб инструкторнинг оёқларини музлатди. Ерга қўниш вақти ҳам бўлган эди.

Броқ Наумов карнай орқали «ерга қўндири!» деб команда берганида, ойнадан ҳар сафар унга ёниб турган бир жуфт қора кўзларнинг илтимос қилиб, ҳатто талаб қилиб жовдирагани кўринарди ва у ўз буйруғини такрорлашга жур'ат қилолмасди. Улар ўн минут ўрнига ярим соатча учиб юрдилар.

Ерга қўнгандан кейин Наумов қабинадан сакраб тушди ва қўлқопли қўлларини бир-бирига уриб, оёқларини ерга қоқиб самолёт ёнида диркиллаб юрди. Шогирд эса негадир ҳали ҳам кабинада ўтирас эди, сўнгра у тушишга кўнгли йўқдек секин ерга тушди ва бориб самолёт қаноти ёнига ўтирди, совуқдан ва изтиробдан унинг юзлари маст кишининг юзида йқиқизарип кетган эди.

— Жуда совуққотдинг-а? Менинг жун этикларимдан совуқ бирам ўтиб кетдик! Сен ботинкаларинг блан жуда ҳам боллангандирсан? Оёқларинг музлаб қолмадимикин?

— Менда оёқ йўқ,— деди курсант ўз қилган ишига ўзи кулиб.

— Нима?— Наумовнинг юзлари чўзилиб қимиirlай-бошлиди.

— Менинг оёқларим йўқ,— деди Мересьев бурро такрорлаб.

— Бу нима деганинг: «оёқларим йўқ»? Хўш, оёқ оғриғинг борми?

— Йўқ оёғим, ана шу... протез қилинган.

Наумов худди бошига тўқмоқ блан ургандек турган жойида қотиб қолди. Бу ғалати йигитнинг унга айтган гапларига ақл сра бовар қилмас эди. Оёқларим йўқ дегани нимаси? Ахир у ҳозиргина учдику...

— Кўрсат оёқларингни,— деди инструктор қандайдир даҳшат босиб.

Алексейга бу гап қаттиқ ботмади. Аксинча, у бу ҳазилкаш ва қувноқ кишини тамом ҳайратда қолдириш учун цирк найрангбозларидай ҳаракат қилиб почала-рини юқори кўтарди.

Курсант кўн ва қалайдан ясалган протезларини кўрсатиб, инструкторга, механикка ва навбат кутиб турган учучиларга кулимсираб қараб турарди.

Наумов бу кишининг бунчалик тортган изтиробларини, юзларидаги ғайри оддий ифодани ва қора кўзларидан чиққан ёшларни, учиш вақтини чўзишга бунчалик иштиёқи зўр бўлганини дарҳол пайқади. Шогирд уни тамом ҳайратда қолдирди. Наумов унга маҳкам ёпишиб, қўлларини қаттиқ-қаттиқ силкитди:

— Азизим, қандай қилиб сен?.. Сен, қандай десамбўларкин, ажойиб бир киши экансан!..

Шу блан асосий масала ҳал бўлган эди. Инструкторнинг юраги қўлга олинган эди. Кечқурун улар бирга ўтиришиб машқ қилиш планини туздилар. Улар бамаслаҳат шундай фикрга келдилар: Алексейнинг аҳволи оғир, андаккина хато қилиб қўйса, уни самолётнинг қулоғини ушлашдан умрбод маҳрум қилишлари мумкин. Ҳозирги вақтда учинг бутун фикри-зикри тезроқ қиручи самолётга ўтириб, мамлакатимизнинг энг яхши аскарлари жанг қилаётган ерга, Волга бўйилаги машҳур шаҳарга бориш бўлганидан, сабр тоқат ва қунт блан машқ қилишга рози бўлди.

## 9

Мересьев та’лим-машқ мактабида беш ойдан ошиқроқ машқ қилди. Аэродромни қор босиб, самолётларга чанги боғланди. Алексей «зонага» учиб бораркан, остидаги ерда энди ялтироқ куз рангини эмас, балки фақат оқ ва қора рангни кўрарди. Сталинград ёнида немисларнинг тор-мор қилинганлиги, олтинчи немис армиясининг ҳалокатга учраганлиги, Паулюснинг асир қилиб олинганлиги ҳақида хабарлар келабошлаган эди. Жанубда мисли кўрилмаган шиддатли ҳужум авж олиб кетган эди. Генерал Ротмистровнинг танкчилари фронтни ёриб ўтиб, дадил ҳужум блан душманнинг орқа томонидаги кучларини яксон қилмоқда эди. Фронтда шундай ишлар бўлиб турган, фронг устида ҳавода жанглар қизиб кетган бир вақтда Алексейнинг кичкина машқ самолётида ҳавода тинмай «Фижирлаб» юриши унга ҳарнарсадан оғир туюлмоқда эди, бу ҳол госпиталь коридори ёнида ҳар куни сон-саноқсиз қадам ташлаб юришдан ёки шишиб кетган, зирқираб оғриётган оёқлари блан мазурка ва фокстротга тушишдан ҳам оғирроқ туюлмоқда эди.

Лекин у ҳали госпитальда бўлган чоридаёқ авиацияга қайтиб боришга аҳд қилган эди. У, ўз мақсадига эришмоқ учун зўр бериб интилмоқда, хасталик, ҳоргинлик ва умидсизланишларни енгиб давон ошмоқда

эди. Бир куни унинг ҳозирги янги адресига катта бир пакет келди. Клавдия Михайловна госпитальга унинг номига келган хатларни бу ерга юборипти ва ундан ҳол-аҳвол сўраб, ишларингиз қалай, орзунгизга етдингизми, деб сўрапти.

«Орзумга етдимми ёки йўқми?» — деб сўради у ўз-ўзидан ва жавоб бермай, хатларни битта-битта қарай-бошлади. Бирданига бирнеча хат келган эди: онасидан, Олядан, Гвоздевдан ва яна «метеорология сержанти» қўли блан ёзилган ва пастида: «Капитан К. Кукушкиндан» деб қўйилган бир хат ҳам бор эди, Алексей дастлаб шу хатни ўқиди.

Кукушкин ёзган эдики, самолётимни яна уришти, ёнаётган самолётдан ўзимни ташладим, жуда яхши сакрадим, ўзимизникилар томонига тушдим, аммо бир қўлим чиқди, ҳозир медсанбатда «клистирнинг шавкатли ходимлари» орасида зерикаб ётипман, ҳеччима эмас, тездан яна сафга қайтаман. Бу хатни менинг сўзимдан олиб Вера Гаврилова ёзаётир, уни сен танийсан, менинг шарофатим блан уни ҳали ҳам полкда «Метеорология сержанти» деб аташади. Хатда яна айтилган эдики, Вера жуда яхши ўртоқ, бахтсизликка учраган вақтларимда ҳамиша менга ёрдам беради. Шу ўринда қовс ичида Вера, Костянинг бу гаплари муболаға, албатта, деб ёзиб қўйган эди. Алексейга хатдан ма’лум бўлдики, полкда ҳали ҳам уни йўқлаб туар эканлар, полк етиштирган қаҳрамонларнинг ошхонада осиб қўйилган суратлари орасида унинг ҳам сурати бор экан, гвардиячилар ҳали ҳам уни ўз қаторларида кўришни орзу қиласар эканлар. Гвардиячилар! Мересьев кулиб бошини қимиранлатди. Кукушкин ва унинг кўнгилли котиби полкнинг гвардия байроғи олгани каби янгиликни унга хабар қилмаганликларидан, уларнинг ақли-эси бошқа нарсада эканлиги сезилиб турарди.

Сўнгра Алексей онасидан келган хатни очди. Бу хат кампирларнинг одатдаги хатларидан эди, хатдаги гапларнинг ҳаммаси Алексей тўғрисидаги ташвишлар ва меҳрибончиликлардан иборат эди: аҳволинг қалай, совуқотмаяпсанми, тузуккина овқат беришадими,

қишига беришган усти-бош кийими иссиққинами, ёки, ҳеч бўлмаса, бир жуфтгина қўлқоп тўқиб юборайми? Беш жуфт қўлқоп тўқиб Қизил Армияга бердим, ҳам-масининг бошбармоғига, буюрсин, деган хат солиб қўйдим. Шу қўлқоплардан сенга ҳам бир жуфтгина тегса, қандай яхши бўлар эди! Узиям шундай иссиққи-на ва юмшоққинаки, уларни қуёnlарнинг жунидан тараб олиб тўқиганман. Ҳа, айтгандай, ҳозир менинг қуёnlарим бор: бир эркақ, бир урғочи ва еттита боласи бор. Қампирларга хос ана шундай майда гаплардан кейингина асосий масала тўғрисида ёзилган эди: немисларни Сталинграддан чиқариб қувишди, уриб абжанини чиқаришти, айтишларича, ҳатто битта энг каттасини асир ҳам қилиб олишишти. Немисларни ҳай-дашгандан кейин Оля Камишинга келиб беш кун туриб кетди; тўғри бизникига келиб тушди ва шу ерда турди, чунки Олялар турадиган уйга бомба тушган эди. Ҳозир у сапёrlар батальонида хизмат қилади, лейте-нантлик унвони ҳам бор, елкасидан ўқ тегиб ярадор ҳам бўлган экан, тузалиб кетипти, мукофотга орден олипти. Қанақа орден олганини кампир ёзмаган. Қам-пир яна ёзганки Оля бизнида турганда нуқул ухлар-ди, ухламаган чоқларида сенинг тўғрингда гапиради, икковимиз ҳар замон карта блан фол очардик, нуқул чилликнинг шоҳи чиқиб ғиштин даманинг кўкрагига тушарди. Онаси яна ёзган эдикى, агар менга қолса. фақат шу ғиштин дама менинг келиним бўлсин, дей-ман.

Алексей кампирнинг кишига та’сир қиласидан бун-дай уста сиёсатига кулиб қўйди-да, «ғиштин дама»дан келган кўк конвертни очабошлади. Хат қисқагина эди. Оля ёзганки, «окоплар»ни қазиб бўлганимиздан кейин ишчи батальонимизнинг энг яхши жангчиларини мун-тазам сапёр қисмига ўтказдилар. Мен ҳозир техник-лейтенантман. Ҳозир ҳамма ерга дэвруғи кетган Мамаев қурган истеҳкомларини, сўнгра трактор заводи ёни-даги айланма истеҳкомни бизнинг қисмимиз қурди за шунинг учун жанговар Қизил Байроқ ордени олди. Қўп мушкул ҳолларни кечирдик, консервадан тортиб бел кураккача ҳамма нарсани пулемёт ўқлари остида

Волганинг йараги төмөнидан ташиб келдик. Шаҳарнинг бутунисида битта ҳам соғ уй қолмаган, ҳамма срүнқир-чўнқир бўлиб ётипи.

Оля ёзганки, госпитальдан чиққанимиздан кейин бизни машинага солиб Сталинград ичидан айлантириб ўтказдилар. Шаҳарда немисларнинг ўлиги тоғ-тоғ бўлиб ётипи, уларни ҳаржой-ҳаржойга йигиб кўмиша-ётган экан. Йўлларда кета-кетгунча мурда бўлиб чўзилиб ётган немисларнинг сон-саноғи йўқ! «Сенинг ана у танкчи ўртоғинг борку, отини унудим, бутун оиласини немислар ўлдирган ўртоғинг-чи, ана ўша ўртоғинг бу ерга келиб буларни ўз кўзи блан кўрса эди. Чиндан ҳам, ана шуларнинг ҳаммасини кинога олиб, ана ўша ўртоғинг сингари кишиларга кўрсатмоқ керак эди. Бизнинг улар учун душмандан қандай ўч олганимизни кўрсинар эди». Хатининг охирида Оля Сталинград жангидан кейин мен ўзимни қаҳрамонлар қаҳрамони бўлмиш сенга энди муносиб деб биламан деб ёзган. Алексей бу гапга яхши гушумасдан бирнечча бор қайта-қайта ўқиди. Оля бу хаини уларнинг эшелони турган бир станцияда шошиб ёзган. Уларни қаёққа олиб боришларини ва янги ҳарбий адреси қанақа бўлишини билмаган. Алексей ундан то яна бир хат олгунча унга жавоб хат ёзиш имкониятидан маҳрум эди. У жавоб ёзганида: мен эмас, балки уруш майдонида жавлон уриб юрган сен қаҳрамонларнинг ҳақиқий қаҳрамонисан деб айтмоқни эди. Алексей хатни ва конвертни яна бир мартаба айлантириб қаради. Конвертнинг пастида очиқ қилиб: гвардиячи младший техник-лейтенант Ольга фалончисева, деб ёзилган эди.

Алексей бу хатни аэродромда дам олиш пайтларида бирнечча марта чўнтағидан олиб қайта-қайта ўқиди. Учиш майдонининг изғирин совуғида ва унинг истиқомат жойи бўлган, ҳар томондан муздек шамол уриб турган «тўққизинчи А» класида бу хат унинг жонига узоқ вақтгача иссиққина роҳат берди.

Ниҳоят инструктор Наумов уни синов машқидан ўтказмоқчи бўлди. «УТ-2» да учмоқ керак эди ва учиш вақтида назорат ишини инструктор эмас, балки Алексей мактабга келган куни уни қўполлик блан қарши

олган ўша семиз ва пакана подполковник олиб бориши лозим эди.

Алексей бугун унга ердан туриб қаттиқ э'тибор блан қарашларини ва бугун ўз тақдирি ҳал бўлишини пайқади ва учишни қойил қилиб бажарди. У енгилгина ва кичкина самолётни шундай қалтис ва хатарли ҳаракатларга солдики, кўпни кўрган подполковник қойил қолганидан ихтиёрсиз дод деб юборди. Мересьев самолётдан тушиб бошлиқлар олдида турганида, Наумовнинг қувноқ юзига қараб, ишининг натижаси соз бўлганини дарров пайқади.

— Жуда соз, жуда соз! Ҳақиқатан ҳам... худо берган учучи экан,— деб валдирарди подполковник.— Хўш энди, тақсир, бизда инструктор бўлиб қолмайсанми? Сендақалар бизга керак.

Мересьев қат'ий қилиб йўқ, деди.

— Демак, аҳмоқ экансан! Уруш ҳам гап бўлип-тими. Бу ерда бўлсанг, одамларга та'лим бериб юрадинг.

Подполковникнинг кўзи бирдан Мересьев суюниб турган таёққа тушиб тутақиб кетди:

— Яна бошладингми ўша қилиғишни? Бер буёққа таёқни! Боғ сайрига бормоқчимисан, ҳасса ўйнатиб! Биласанми турган ерингни, ё кўча деб хаёл қилдингми бу ерни сен? Буйруқни бажармаганилигинг учун қамоққа! Икки кечакундуз!.. Тумор, бозбанд тақиб олишипти, асслар, уста учучилар эмиш булар тагин... Кўз бўёқчи, ҳуққабоз демоқ керак буларни. Самолётнинг қорнига ғишин тузни осиб қўйиш қолипти энди фақат. Икки сутка қамоққа! Эшитдингизми?

Подполковник таёқни Мересьев қўлидан тортиб олиб, бирон нарсага уриб синдиришни мўлжаллаб уёқ-буёққа аланглаб қаради.

— Ўртоқ подполковник, айтишга рухсат этинг: унинг оёқлари йўқ,— деди инструктор Наумов дўстининг ёнини олиб.

Штаб бошлигининг тутақиши яна зўрайди. У кўзларини ўқрайтириб оғир нафас олабошлиди:

— Нима дединг? Тағин сен нималар деб менинг бошимни қотираяпсан!.. Ростдан айтаяптими?

Мересьев тасдиқ ишораси блан бошини силкитди ва синиш хавфи олдида турган муқаддас таёғига изтироб блан тикилиб турди. Ҳақиқатан ҳам у, Василий Васильевич берган бу ин'омдан сра ажралмас эди.

Подполковник икки ўртоққа гумонсираб олайиб қааркан, деди:

— Хўп, агар шундай бўлса, биласанми нима... Хўш, қани кўрсатчи оёқларингни... Ҳа-а-а!..

Алексей Мересьев машқ мактабидан а’ло баҳо олиб чиқди. «Эски туллак учучи», сержаҳл подполковник Мересьевнинг ботирлигига жуда баланд баҳо берди. У, ёзган тавсифномасида кўп мақтовли сўзлар блан Мересьевни «моҳир, тажрибали ва иродаси зўр учучи сифатида» авиациянинг ҳарбир хилига хизмат қилиши мумкин деб тавсия қилди.

## 10

Қишининг қолган қисмини ва эрта баҳорни Мересьев учучиларни қайта тайёрлаш мактабида ўтказди. Бу мактаб илгаридан ҳарбий учучилар мактаби эди. Унинг жуда яхши аэродроми, ҳашам ётоқхонаси, ускуналанган катта клуби бор эди. Москва театрларининг сайдер труппалари ҳар замонда бу ерга келиб тамоша кўрсатиб кетишарди. Бу мактаб ҳам лиқ тўлган эди, лекин шундай бўлса ҳам, бунда урушдан бурунги тартибга қаттиқ риоя қилинарди. Ҳарбий форманинг ҳарбир майда-чуйда нуқсонига диққат блан қарашга тўғри келарди, чунки этик тозаланмай қолса, регланнинг биронта тугмаси узилиб тушган бўлса, ёки учиш плашети камар устидан пала-партиш осилган бўлса, комендантнинг буйруғи блан икки соатча «лўқиллаб» машқ қилиш лозим бўларди.

Бир тўда учучилар қаторига ёзилган Алексей Мересьев ўша вақтда янги чиққан совет қиручи самолёти «Ла-5»ни ўрганишга киришди. Тайёрлик иши жиддий олиб борилди. Моторни, материал қисмни ўрганабошлидилар, техникадан дарс олишга киришдилар. Алексей лекцияларни эшитаркан, армияда бўлмаган озгина вақт ичидаги совет авиацияси нечоғлик олдин кетганини кўриб

ҳайратда қолди. Уруш бошланған чоқларда ҳарбий техника соҳасида дадил новаторлик бўлиб кўринган нарсалар энди тамоман эскириб қолган эди. Уруш бошларида топилмас гавҳар бўлиб кўринган ва баланд учиб жанг қиласидиган тез учар «ласточкалар» ва енгил «мигалар» энди қурол-аслаҳа қаторидан чиқарилган эди. Буларнинг ўрнига совет заводлари уруш вақтида жуда қисқа бир муддатда энг янги модель блан ишланган «Ла-5» хилига кирадиган ҳашаматли «якларни» ҳамда бизда учучи танклар деб ном чиқарган, жуда паст учиб, душман устига бомба ҳам, ўқ ҳам, снаряд ҳам ёғдирадиган ва немис аскарлари орасида ваҳимаси зўрлигидан «шварце тод» я'ни «қора ўлим» деб ном берилган икки ўринли «иллар»ни ясаб чиқарган эди. Курашаётган ҳалқнинг доҳиёна заковатидан вужудга келган янги техника ҳаво жангини ниҳоят мураккаблаштириди ва учучидан ўз машинасини ишлата билиш, жаҳду жадалла дадил ҳаракат қилици блан бирга, жанг майдонида усталик блан мўлжаллаб иш кўриш, ҳаво жангини айрим-айрим таркибий қисмларга бўлиш, аксар вақтда команда берилишини кутмасдан, мардлик ва азаматлик блан бир қарорга келиб, бу қарорни дарҳол амалга оширишни талаб қиласиди.

Буларнинг ҳаммаси ғоят даражада қизиқ нарсалар эди, лекин фронтда жуда қаттиқ ва тўхтовсиз ҳужум жанглари бормоқда эди. Алексей Мересьев баланд ва ёруғ синфда, ўқиш учун маҳсус ясалган қора стол ёнида ўтириб, лекция тинглар экан. зўр иштиёқ ва дард блан энтикиб фронтни соғинар ва жанг майдонида жавлон ургуси келарди. У, бирон жойи оғриса, чидайларди. У, ҳарқандай оғир ишни улдалайоларди. Лекин бу ердаги зўрма-зўраки бекорчиликдан у шундай ҳам зерикиб қолган эдики, бунга чидаш ва сабр-тоқат қилиш учун ўзида ҳечқандай куч тополмас эди. Шунинг учун ҳам у мактабда ба'zan бир ҳафталаб хафагазак бир ҳолда хаёлпаришон бўлиб ва қош-қовоги осилиб юрарди.

Алексейнинг баҳтига майор Стручков ҳам малакасини ошириш учун шу мактабга келган эди. Улар эски қадрдан дўстлардек кўришилар. Стручков мактабга

икки ҳафта кейинроқ келган бўлса ҳам, лекин дарров унинг кундалик турмушига элашиб кетди ва ундаги тартиб-интизомлар уруш вақтида ғайри оддий бўлиб кўринса ҳам, уларга риоя қиласидиган бўлди ва ҳаммага манзур киши бўлиб қолди. У, Алексейнинг нимадан хафалигини дарҳол пайқади ва кечқурун юванишдан кейин жой-жойларига қайтиб бораётганларида, Стручков унинг биқинига туртди:

— Хафа бўлма, йигит, сен блан биз урушдан қуруқ қолмаймиз. Берлинга боргунча ҳали анча гап бор: ҳали кўп йўл юрамиз. Кўп урушамиз, тўйгунча урушамиз.

Улар бир-бирларини кўрмаганларига икки ёки уч ой бўлган эди. Лекин шу орада майор, аскарлар орасида айтганларидек, анча «сўлиб», буришиб, қартайиб қолипти.

Қиши ўрталарига бориб Мересьев ва Стручков ўқийдиган курс учучиларининг учиш машқи бошланди. Бунгача Алексей қанотлари қисқагина бўлган, афт-андоми қанотли балиққа ўхшагаи кичкинагина «Ла-5» — самолётини бутун икир-чикири блан ўрганиб олган эди. У дам олиш чоқларida кўпинча аэродромга бориб, бу самолётларнинг бирнеча қадам югуриб бориб сўнгра бирдан тикка ҳавога кўтарилишини ва кўкимтири қоринларини қуёшда ялтиратиб осмонда муаллақ отишларини қараб турарди. Самолёт олдига бориб, худди гижинг ва чиройли қора тўриқ отга қарагаи сингари, уни ҳар томондан қарап, қанотларини силар ва биқинларига уриб-уриб қўярди. Бир куни бир тўда учучилар учиш мэррасига чиқишиди. Уларнинг ҳарбири тезроқ ўз кучини синаб кўришга ҳаракат қиласиди ва сескингина бошқалардан олдинга ўтиб туришга тиришарди. Инструктор биринчи Стручковни чақирди. Майорнинг қўзлари ялтираб кетди, ғалати қилиб кулимсиради ва парашют қайишини боғлаб, кабина эшигини ёпгунча ҳаяжон блан ҳуштак чалиб турди.

Сўнгра мотор даҳшат блан гулдиради, самолёт ўрнидан қўзғолди ва қорларни тўзитиб, аэродром бўйлаб югуриб кетди, кейин қанотларини қуёшда ялтиратиб тикка ҳавога кўтарилди. Стручков аэродром устидан аввал камалак қилиб ўтди, сўнгра бирнеча бор чиройли

қилиб муаллақ ошди, қанотидан айлантириди ва тегишли машқларнинг ҳаммасини ҳавас ва моҳирлик блан бажаргандан кейин кўздан ғойиб бўлди, яна бирдан мактаб орқасидан чиқди, моторни гулдиратиб жуда тез ҳайдаб аэродром устидан паст учиб ва учиш навбатини кутиб турган курсантларнинг шапкаларига тегай-тегай деб ўтиб кетди. Яна кўздан ғойиб бўлди, сўнгра қайтиб келди ва усталик блан ерга қўниш учун виқор блан пастга эгилди. Стручков кабинадан сакраб тушаркан худди шум бир ишни жуда боллаб бажарган шўх боладек, қувончи ичига сиғмай шошиб қолган эди.

Инструктор унга ҳаддан ташқари тез учганини таних қилганида, Стручков унинг сўзини бўлиб шовқин солди:

— Машина эмас, худди музикага ўхшайди, скрипка-га ўхшайди, унда Чайковский мақомларини чалгандай бўласан киши... Худо ҳақи. Мазза, Алёшка, мазза!— деди ва Мересьевни қаттиқ қучоқлаб бағрига босди.

Машина ҳақиқатан ҳам соз эди. Бу тўғрида ҳамманинг фикри бир эди. Броқ Мересьевга навбат етганда, у протезларини тасма блан педальга боғлаб ҳавога кўтариларкан, оёқсиз киши учун бу отнинг жуда гайирлигини ва унга эҳтиётроқ бўлиб миниш кераклигини пайқади. У ердан кўтарилиши блан учучига завқ берадиган мосликини сезмади. Бу алоҳида хилда ясалган самолёт эди. Ҳарбир ҳаракатгина эмас, балки рульни ушлаб турган қўлларнинг сал қалтираши ҳам машинага дарров та’сир қиласарди ва унинг ҳаводаги вазияти дарҳол ўзгарарди. Бу машина ҳақиқатан ҳам андак қўл тегизилса жаранглайдиган яхши скрипка сингари жуда нозик эди. Ана шунда Алексей оёқларининг йўқлиги ишга қандай касри уришини ва ҳарқандай усталик блан кўп машқ қилганда ҳам протезлар бу машинани бошқариш учун ҳақиқий эгилучан оёқлар бўлолмаслигини пайқади.

Самолёт салгина ҳаракатга амал қилиб, ҳавони маийин кесиб бормоқда эди. Лекин Алексей ундан қўрқиб қолган эди. У, тикка учиб муаллақ ошмоқчи бўлганда оёқлари мунтазам суратда мослашиб ҳаракат қилишга улгурмай қолишини сезди, уччининг усталиги ҳам ана шу мосликда эди. Бундай номослик сезгир машинани

ҳавода тикқа қилиб қўйиб, қўрқинчли бир ҳавф туғдириши мумкин эди. Алексей ўзини оёғига кишан солиб қўйилган отдек сезмоқда эди. У қўрқоқ эмас эди, йўқ, у ўз жонини азиз тутмас эди, ҳатточи учгаんだ парашютни текшириб ҳам кўрмаган эди. У фақат, салгина ишни чатоқ қилиб қўйсам, қиручи авиациядан умрбод кетаман ва севикли ҳунаримдан тамоман маҳрум бўлиб қоламан, деб қўрқарди. Унинг эҳтиёткорлиги яна ошибб, жуда кайфи учиб самолётни ерга қўндириди ва шунда ҳам оёқларининг тўғри ишламаслиги орқасида машинани «ҳалангчи чўк» қилиб юборди ва самолёт бирнече бор қор устида сакраб-сакраб тушди.

Алексей кабинадан қовоғини солиб индамай тушди. Уртоқлари ва ҳатто инструкторнинг ўзи ҳам ёлғондакам бўлсада, кўнгил учун уни мақтаб кетдилар ва табрик қилабошлидилар. Бундай меҳрибонликлар унинг кўнглини яна ортироқ ғаш қилди. У қўлини силтаб, чўлоқланиб, қор устидан сандираклаб юриб, мактаб биносига қараб кетди. Қиручи самолётга чиққандан кейин ожизлик кўрсатиш энди жуда оғир ҳалокат эди. Ҳатточи бу ҳалокат ана у апрель эртаси унинг ишикаст еган самолёти қарағайларнинг шохлари устига ағдарилиб тушгандан ҳам оғирроқ эди. Алексей кундузги овқатга ҳам, кечки овқатга ҳам келмади. Мактаб қоидасига кўра, кундуз куни ётоқхонада бўлмаслик тўғрисида қаттиқ буйруқ борлигига қарамай, ботинкалари блан каравотга чиқиб, қўлларини боши тагига қўйиб ётиб олди. Мактаб навбатчиси ҳам ва унинг хафалиги сабабини билган бошқа командирлар ҳам унинг ёнидан ўтгандан бир оғиз қаттиқ гапирмадилар. Стручков келиб гапга солмоқчи бўлди, натижча чиқаролмагач, бошини сарак-сарак қилиб чиқиб кетди.

Стручков чиқиб кетгандан кейин сал ўтмай, мактаб командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Копустин Мересьев ётган ётоққа келиб кирди. У, пакана бўйли, бесўнақай бир киши бўлиб, кўзларида қалин кўз ойнаги бор эди ва ҳарбий кийимлари халтадек сўрпайиб осилиб турарди. Унинг халқаро аҳвол тўғрисидаги лекцияларини курсантлар севиб тинглар эдилар ва сумбати келишмаган бу киши, улур

урушда иштирок қилаётганлари учун тингловчиларнинг кўнглига фаҳр ва ғурур туйғуларини соларди. Лекин уни ба'зан бошлиқ ўрнида кўрмас эдилар, авиаацияга тасодифан келиб қолган, учиш ишларида ҳечнимани тушунмайдиган граждан киши ҳисоблар эдилар. Капустин Мересьевга э'тибор бермай, ётоқча кўз юргутириб чиқди, ҳавони ҳидлаб кўрди ва бирдан жаҳли чиқди:

— Ким тамаки чекди бу ерда? Чекадиган жой бор-ку, ахир. Ўртоқ старший лейтенант, бу нима қилиқ?

— Мен чекмайман,— деди Алексей бепарволик блан ва ўрнидан қимиirlамади.

— Хўш, нега каравотда ётибсиз? Ёки қоидани билмайсизми? Унвони катта бошлиқ кирганда нега ўрнингиздан турмайсиз? Тулинг ўрнингиздан!

Бу гапда команда оҳангги йўқ эди, аксинча, ҳарбийча бўлмаган оҳангда жуда секин айтилган эди. Шундай бўлса ҳам Мересьев эранқираб ўрнидан қўзғолди ва каравот ёнида қоматини кериб тикка турди.

— Балли, ўртоқ старший лейтенант,— деди Капустин унинг руҳини кўтариб,— қани энди ўтириинг, маслаҳатлашайлик.

— Нима тўғрисида?

— Сизни нима қилишимиз тўғрисида. Балки бу ердан чиқармиз? Менинг чекким келаяпти, бу ерда эса чекиш мумкин эмас.

Улар қора қопланган лампалар блан хира ёритилган коридорга чиқиб, дераза олдида турдилар. Капустининг оғзидағи трубкадан тутун бурқисиб туради. Тортгандаги трубканинг ўти лопиллаб ёнаркан, унинг кенг ва хаёлчан юзи бир пастгина ёришиб кетарди.

— Мен бугун сизнинг группангиз инструкторига жазо бермоқчиман.

— Нима учун?

— Мактаб қўмондонлигидан рухсат олмай сизни учиш зонасига қўйгани учун... Ҳа, ҳа, нега менга мунча ўқрайиб қарайсиз? Аслини айтганда, ҳозиргача келиб сиз блан гаплашмаганим учун, мен энг аввал ўзимга жазо беришим керак эди. Ҳечбир вақт бўлмади, қўл бўшамади, аммо келмоқчи бўлган эдим... Хўп, майли.

Гапга қулоқ солинг, Мересьев, сизнинг учишингиз осон иш эмас. Ана шунинг учун мен балки, инструкторга жазо беришим керак бўлади.

Алексей индамади. Унинг ёнида трубкасини бурқситиб турган киши ким ўзи? Мактаб ҳаётида бирон ёмон воқиа юз берганда ўз вақтида унга хабар қилмасдан унинг ҳуқуқини бузган деб ҳисобловчи бюрократми? Ёки учучилар танлаш қоидасида жисмоний нуқсони бўлган кишининг ҳавога учишини ман' қиласиган бирон модда топган бир тўрами? Ёхуд шунчаки ўзининг катталигини кўрсатиш учун дуч келган кишидан ҳисоб оладиган бир тентакми? Нима керак экан унга шу пайтда, ҳозир юрагинг эзилиб, ҳатто бўйнингга ҳалқа тузоқ солиб осишларига рози бўлиб турганинг бир чоқда, унинг бу ерга келиб даҳмаза қилиши қизиқ.

Мересьев ичини ит тимдалётгандай бўлса ҳам, ўзини зўрға босиб турди. Аммо бахтсизлик блан ўтган бирнеча ойлар уни шошқалоқлик блан хулоса чиқармасликка ўргатган эди. Дарҳақиқат бесӯнақай бўлиб кўринган бу Қапустинда Алексей фикран чин инсон деб атаган комиссар Воробьев сингари қандайдир бир сир борга ўхшарди. Трубкадаги ўт лопиллаб ёпади-ю ўчади, шу пайтда қоронгилик орасидан бурни катта, кўзлари ўткир ва зийрак, кенг юзлар яна ялтираб кўринди.

— Биласизми, Мересьев, мен сизни юзингизга мақтамоқчи эмасман, аммо хоҳ ишонинг-хоҳ ишонманг, сиз ер юзида қиручи самолётни оёқсиз бошқаручи ягона кишисиз. Ягона! — деди у ва мундуштугининг тешигига, сўнгра лампочканинг хира ёругига қарадида, ғамгин бир қиёфада бошини қимиirlатиб қўйди.— Мен сизнинг жанговар авиацияга қайтиб бориш орзунгиз тўғрисида гапириб ўтиромайман. Бу, албатта, қаҳрамонлик, бунда кишини ажаблантирадиган нарса ҳам йўқ. Ҳозир шундай вақтки, ҳарбир киши ғалаба учун қўлидан келган ишни қилишга уринади... Нима бўлди тагин бу қуриб кеткур трубкага, тортилмай қолди?

У яна мундуштугини кавлайбошлади ва бутун хаёли шу ишга банд бўлгандай эди. Алексей бўлса безовталашиб, гапнинг охири нимага бориб тақалишини кутиб турар эди. Қапустин ўз сўзларининг ёнидаги кишига

қандай та'сир қилаётганига мұтлақо әтибор бермagan бўлиб, трубкасини кавлаган ҳолда, гапини давом этдириди:

— Бунда гап сиз тўғрингизда, старший лейтенант Алексей Мересьев тўғрисида бормайди. Гап шундаки, сиз оёқларингиз бўлмаган ҳолда шундай бир моҳирликка эришдингизки, бутун дунъёда энг соғлом кишигина бундай моҳирликка мұяссар бўлиши мумкин, ўшанда ҳам фақат юздан биттаси мұяссар бўлса бўлади, бўлмаса йўқ. Сиз оддийгина граждан Мересьев эмассиз, сиз улуф тажрибакорсиз... Хайрият, очилди ахир. Нима қилиб мен буни кирлатиб қўйипман?.. Шундай қилиб сизга оддий учучига қиладиган мұомалани қилишга бизнинг ҳақимиз йўқ, тушунаясизми, бундай қилишга бизнинг ҳақимиз йўқ. Сиз мұҳим бир тажрибани бошлаб юборибсиз, биз сизга қўлимиздан келган ёрдамни бермоғимиз керак. Хўш, қандай ёрдам керак? Ўзингиз айтингиз-чи, сизга қандай ёрдам беришимиз мумкин?

Капустин яна трубкасига тамаки солиб чекабошлади ва яна унинг қизил ўти гоҳ ёниб, гоҳ сўниб, унинг кенг ва қирра бурун юзини дамба-дам ёритиб турди.

Капустин Мересьевга учиш сонини кўпайтириш тўғрисида мактаб бошлиғи блан сўзлашишга ва’да берди ва машқ программасини тузишни Алексейнинг ўзига таклиф қилди.

Алексей бу пакана ва бесўнақай киши ундаги шубҳани оддий ва амалий тарзда ҳал қилганига ҳайрон бўлиб, деди:

— Ахир бензин жуда кўп кетадику бунга?

— Бензин мұҳим нарса, айниқса ҳозирги вақтда. Биз уни ҳозир ангишвонага солиб ўлчагандай ўлчаб берамиз. Аммо бензиндан ҳам қадрлироқ нарса бор,— Капустин эгри трубкаси ичидаги иссиқ кулни пошнасига уриб туширабошлади.

Эртаси кундан бошлаб Мересьев алоҳида машқ қилабошлади. У юришни, чопишни ва танца қилишни ўрганган вақтдагидан ҳам ортироқ тиришиб ишлади. Унинг руҳи кўтарилиб, чинакам илҳоми келган эди. У, учиш техникасини таҳлил қилишга киришди, унинг ҳарбир майда-чуйдасини ўйлаб кўрди, уни майда

Ҳаракатларга бўлиб, ҳарбир ҳаракатни алоҳида ўрганиди. Ҳозир у бутун ақл-эсини ўрганиб, билиб олишга қўйган эди,— илгарилари тажриба ва малака блан зеҳнга олган нарсаларини энди ақл блан текшириб ўргаңабошлади. Самолётни бошқаришни у бирнеча ҳарақатга бўлиб, ҳарбир ҳаракат учун алоҳида маҳорат қозонишга ва бутун сезги қувватини товондан тиззага ўтказишга тиришди. Бу жуда қийин ва зериктирадиган иш эди. Бундан натижা жуда оз ва ҳатто сезилмас даражада эди. Шундай бўлса ҳам Алексей ҳар сафар учганида самолёт унга эл бўлиб қолаётганини ва итоаткор бўлаётганини сезмоқда эди.

Капустин ҳар замон уни кўрганда:

— Ишлар қалай, маэстро?— деб сўраб қўярди.

Мересьев унга бош бармоғини кўрсатарди. Ҳақиқатан ҳам унинг ишлари жўнашиб кетган эди. Гарчи жуда ҳам ўнғайлик блан силлиқ бормаса ҳам, аммо ишнинг натижаси ёмон эмас эди, энг муҳими шуки Алексей энди ўзини самолётда ғайир ва учар от устида омонат ўтирган нўноқ суворидек сезмас эди. У ўз маҳоратига яна ишонган эди. Унинг тагидаги самолёт худди уста чавондоз қўлига тушган отдек тобора ром бўлиб бормоқда эди. Машина аста-секи“ Алексейга ўзининг бутун сирларини очиб бермоқда эди.

## 11

Алексей бир вақтлар ёшлик чоқларида Волга кўрфази бўйлаб кетган текис, ялтироқ ва унча қаттиқ бўлмаган муз устида коньки отишни ўрганганди. Унинг ўз конькиси йўқ эди. Коньки сотиб олишга онасинине кучи етмас эди. Онаси бир темирчининг кирларини ювиб берар эди, онасининг илтимоси блан шу темирчи ёғочдан бир жуфт қолипча ясад, тагига йўғон симдан сирғанадиган темир қоқиб ва ён томонидан иш ўтказадиган тешикча қилиб берди.

Алексей шу қолипчаларни таги тикилган эски вален-каларига ёғоч қўйиб, устидан иш блан боғлаб олди. Шу блан у кўрфазга бориб, оёқ тагида қирсиллаб

Эгилиб турган юпқа муз ўстига тушди, унда Қамишин атрофидаги болалар қий-чув күтаришиб яхмалак учеб юрарди. Болалар бир-бирларини қувлашиб югуришар, конъки устида сакрашар ва танца қилишарди. Четдан қараганда бу осонгина бир иш бўлиб кўринарди. Лекин Алексей кўрфазга тушиши блан оёғи остидаги музга сийғаниб кетди ва чалқамчасига қаттиқ йиқилиб тушди. У, йиқилганимни ўртоқларим кўриб қолмасин тағин, деб сакраб ўрнидан турди. У, орқага йиқилишдан қўрқиб, олдинга эгилиб оёқ босишга ҳаракат қилди, лекин дарҳол бурни блан йиқилиб тушди. У яна ирғиб турди, оёқлари қалтираб бироз тик туриб, бошқа болалар қандай қилиб юраолишиларини ўйлади ва уларга разм солиб қараб турди. Шундан кейин у жуда орқага ҳам ва жуда одинга ҳам эгилмаслик кераклигини тушунди. У ўзини тўғри тутишга тиришиб, бирнече қадам ташлади ва ёни блан ағдарилиб тушди. То, кечқурунгача у шу тариқа йиқилиб туриб, сўнгра ҳамма ери қорга буланган, а'зои бадани кўкариб ва шишиб кетган ҳолда сандираклаб ўйига қайтди, боласини бу ҳолда кўрган она куйиб ачинди.

Эртасига у яна яхмалакка борди. Энди у анчагина тўғри ҳаракат қиласидиган бўлди, йиқилиши ҳам анча камайди, ҳатто маррадан бирнече метр югуриб тийғанишни ҳам ўрганди, аммо эрта бландан то қоронғи тушгунча йиқилиб сурилиб қанча ҳаракат қилса ҳам бундан нарига ўтаолмади. Аммо бир куни у қандайдир тўғри ҳаракат қилиб, бирдан тез югурадиган бўлиб қолди ва айланиб ютурган сари ўзига ишончи ортаборди (Алексей қор бўрони уриб турган бу изғирин кунни сра унутмайди). У, шу тариқа йиқилиб ва баданларини кўқартириб кундан-кун тажриба ва малака ортдирив борди, бу тажрибалари ва малакалари аста секин йиғилиб катта бир маҳоратга айланиб кетди ва натижада у уста яхмалак учадиган ва қувончи ичига сифмайдиган бўлиб қолди.

Ҳозир ҳам у худди шундай бир ҳолни кечирмоқда эди. У жаҳду-жадал блан кўп учар ва яна самолётни тамоман ўзига бўйсундириб олишга тиришарди, у самолётни протезларнинг метал ва кўни орқали сезишга

ҳаракат қиласы. Ба'зан унга бу ишни қилиш мүмкіндек туюларди. У қувониб, машинани ғалати бир мүқомга солиб учирмоқчи бўлганида дарҳол ҳаракатнинг нотўғрилигини ва самолёт қўлдан чиқиб кетаётгандай бўлганини сезиб ҳавсаласи пир бўларди, аммо яна қаттиқроқ машқ қилишга киришарди.

Март ойининг илиқ кунларидан бирида эрта блан аэродром бирдан қоронғилашиб қолди, гупиллаб ураётган қор ерни шундай қалин қопладики, самолётлар юрганда унда чуқур жўяклар пайдо бўларди. Худди шу пайтда Алексей ўз қиручи самолётига тушиб зонага учди. Учган вақтда ҳам олд томондан, ҳам ён томондан уриб турган шамол самолётни суриб кетарди, шунинг учун ҳамавақт уни буриб тўғрилаш керак бўларди. Ана шунда Алексей самолётни буриб тўғри йўлга соларкан, машинани тамоман қўлга киритиб ўзига бўйсундириб олганини сезди, унинг ўз вужуди блан қўшилиб бир тан-бир жон бўлиб қолганичи ҳис қилди. Бу ҳис яшиндай тез хаёлига урилди. Дастреблаб Алексей бунга ишонмади. У кўп алам ва изтиробларни, ноумидликларни кечирганидан, бундай бахтга дарров ишонақолмас эди. У тиккасига юқори кўтарилиб бирдан ўнгга шўнғиди. Машина итоат блан кўрсатган йўлдан борди. Алексей ёшлигида Волга кўрфазида қорамтири ва қирсилдоқ муз устида қандай ҳиссиётни кечирган бўлса, ҳозир ҳам худди шундай ҳиссиёт кечирмоқда эди. Булутли ҳаво бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Юраги қувонч блан гупиллаб урмоқда эди, ҳаяжоннинг зўрлигидан бўйни сал қотиб қолгандай туюлди.

Унинг зўр бериб қилган машқларининг натижаси қандайдир кўз илғамас бир чизиқ блан белгилаб қўйилган эди. Бу чизиқдан ўтди ва жуда кўп кунлар давомида қилган оғир меҳнатларининг роҳатини энди бемалол сурмоқда эди. Унинг энг катта орзуси самолётни ўзи блан бир жон бир тан қилиш эди, кўп мashaқ-қатлардан кейин бу орзусига ёришди. Ҳатто тарашадек қотиб қолган жонсиз протезлар ҳам энди унинг самолёт блан бир тан бўлишига халақит бермас эди. Алексейнинг хурсандлиги ичига сигмай, бирнече бор

чуқур вираж қилди, сўнгра чархфалак қилиб айлантириди ва бирдан самолётни пармадай тикка айлантириб пастга ташлади. Ер шамалағ бўлиб айланиб, аэродром, мактаб биноси ва тепасида пуллаб шишириб қўйилган ола-була қопчаси ликиллаб турганeteorология минораси бир доирага қўшилиб кетди. У, дадил буриб машинани пармадан чиқарди ва уни ҳалангичўкка солди. Ўша кунларда жуда машҳур бўлган «Ла-5» самолёти ана энди унга яширин ва оиқ сифатларининг ҳаммасини барада очиб берди. Тажрибали киши қўлида бу машинанинг баҳоси йўқ эди. Ҳарқандай ҳаракатга солинса ҳам у бекаму-кўст бажаарарди, турли муқомда айланар ва муаллақ ошарди, эпчилик, чаққон, елдиримдек тез ва тўқис машина эди.

Мересьев маст кишидай сандираклаб, илжайиб самолётдан тушди. У, жаҳли чиқиб тажанг бўлиб турган инструкторга қарамади ва унинг сўкишларига қулоқ солмади. Сўкса сўкаберсин! «Қамоқми?» Жуда соз, гаупваҳтига солаберсин, тайёр у, неча кун ўтири деса, ўтираберади, энди унга барибир эмасми? Энди ҳамма билади: у учучи, уста учучи, унинг машқ қилиши учун қимматбаҳо бензинни нормадан ошиқ сарф қилишлари бефойда кетмади. Энди у бу бензиннинг қусурини юз марта чиқариб беради, тезроқ уни фронтга, жангга юборсалар бўлгани.

Ётоқхонада ҳам уни ҳушхабар кутиб турган эди. Ёстиғи устида Гвоздевдан келган хат ётарди. Бу хат эгасини излаб кўп вақт ҳаркимларнинг чўнтағида юрганидац, уни таниб бўлмас эди, конверти эзилиб, ғижимланиб, кирланиб кетган эди. Аниота уни янги конвертга солиб юборган эди.

Алексейга танкчи жуда бир хунук воқиага учраганини ёзипти. У бошидан ярадор бўлипти. Нимадан денг? Немис самолётининг қаногидан. Ҳозир корпус госпиталида ётган экан, аммо яқинда ундан чиқмоқчи экан. Ақлга сифмайдиган бу ғалати ҳодиса мана бу тарзда оз берипти. Олтинчи немис армияси Сталинград ёнида кесилиб, қуршаб олинигандан кейин, уларнинг корпусий чекишаётган немислар сафини ёриб ўтипти ва

бутун танклари блан дашт-саҳро бўйлаб немисларнинг орқа томонига қараб югурипти. Бу рейдда Гвоздев танк батальонига командирлик қилипти. Бу жуда ажойиб рейд бўлипти! Гулдираб бораётган пўлат карвон немисларнинг орқа томонига ўтиб, истеҳкомга айлантирилган қишлоқларга, катта станцияларга бостириб кирипти ва қўққисдан немислар устига ҳужум қилипти. Танклар кўчаларга бостириб кириб, йўлда учраган немисларни отиб ва босиб яксон қилипти, немис аскарларининг қолган-қутгани тумтарақай қочиб кетгандан кейин, танкчилар ва танк устида келтирилган автоматчилар ўқ-дори омборларига ўт қўйишипти, станциялардаги кўприкларни, стрелкаларни ва айланмаларни бузиб ташлаб, чекинаётган немис поездларининг йўлини тўсишипти. Душман запас қилиб қўйган ёнилгини ўлжа қилиб, машиналарга қуйиб олишипти ва озиқ-овқат ғамлаб олгандан кейин яна жадал олға босишипти. Немислар то эс-ҳушини йиғиб, куч тўплаб қарши зарба бераман дегунча, ёки ҳеч бўлмагандага танкларнинг қаёққа боришини аниқлаб олгунича фурсат бермай, яна ичкарига уриб кетишипти.

«Шундай қилиб, дейсан, Алёша, худди будённий-чилар сингари дашт-саҳрони кезиб юрдик! Немислар биздан бирам қўрқишиди! Ишонмассан балки, ба’зан учта «тэ тридцатевёрка» ва битта ўлжа броневикча блан ҳархил катта-катта омборлари бўлган бутун-бутун қишлоқларни олдик. Урушда ваҳима солиш жуда катта нарса, дўстим Алёша. Душманга яхшилаб ваҳима солиб берсами, бу ваҳима ҳужум қилучи томоннинг иккита тўлиқ дивизиясидан яхшироқ хизмат қилиб беради. Ваҳима солгандан кейин орқасини бўшаштирмай уриб туриш керак, худди ёниб турган гулхан ўчиб қолмасин учун кетма-кет ўтин ташлаб тургандек, устма-уст зарба бериб туриш керак. Биз фронтда худди немис бронясини илма-тешик қилиб ташлагандек бўлдик, броня тешилгандан кейин немис фақат пўк бир нарсага ва сассиқ мағзавага ўхшаб қолар экан, холос. Шундан кейин биз хамирдан қил суғургандай bemalol кетабердик...

...Энди қандай қилиб бошдан ярадор бўлганимни айтай. Бизни каттаконимиз чақирди. Разведкачи самолёт унга ишора берипти. Фалон ерда катта аэродром бор депти ва ёнида базаси ҳам борлигини кўрсатилти. Унда уч юзтacha самолёт, ёнилгиси ва юклари блан турганини билдирипти. Кўмондонимиз сариқ мўйловини чимтиб туриб, буюрди: «Гвоздев, кечаси галва қилмасдан, ўқ чиқармасдан, сипоҳгарчилик блан, гўё ўз кишилари бўлиб, аэродромга яқинлашиб бор, сўнгра бутун танкларинг блан ўқ узиб ҳужум қил, то улар эси-хушини йигиб оламан дегунча, ҳаммасини остин-устин қилиб ташла, токи аblaҳларнинг биттаси ҳам ҳавога кўтарилилмасин». Бу вазифа менинг батальонимга ва менинг ихтиёrimга берилган яна бир батальонга топширилди. Танкларимизнинг асосий қисми илгарича Ростовга қараб йўл олди. Шундай қилиб, Алёша биз, товуқ катагига секин кириб олган тулкидек, ўша аэродромга кириб олдик. Дўстим Алёша, ишонмассан балки, то немисларнинг байроқча силкитадиганлари турадиган ергача катта йўлдан юриб бордик. Немислар бизга ҳечбир э'тибор беришмади, ўзимизнилар деб ўтказиб юбораберди, тонг саҳар чоғи, туман, ҳечнарсани кўриб бўлмайди, фақат моторларнинг гулдираши ва занжирларнинг шилдираши эшитилади, холос. Сўнгра аэродромга бостириб кириб, бирдан ўққа тутдик; ажаб қиёмат бир иш бўлди Алёша! Самолётлар ёнма-ён турипти. Биз уларни бронтешардан отабердик. Бир ўқ блан бешта, олтиласини абжақ қиласиз. Сўнгра қарасак, ҳаммасини бирданига эпламаётганга ўхшаймиз: уларнинг экипажларидан ба'зи юраги борлари моторларини юргизабошлиди. Биз дарров люкларни кўтариб, таран қилишга киришдик, броня блан самолётнинг қуйруғига урабошлидик. Жуда катта транспорт самолётлар бўлгани учун моторларига етиб бўлмайди, шунинг учун фақат думига урдик, думи бўлмаса, барибир, учолмайди, дедик. Худди ана шу пайтда менинг ишим чатоқ бўлди. Мен бошимни чиқариб, теварак-атрофда нима борлигини билмоқчи бўлдим, шу пайтда танк бориб самолётга урилди. Қанотнинг бир парчаси учиб


бошимга келиб тегди. Хайриятки, шлём сақлаб қолди, бўлмаса, асфаласофилинга кетган бўлар эдим. Зара-ри йўқ, яқинда соғайиб чиқаман ва яна бориб ўз танқчиларимни кўраман. Лекин бошқа бир ишим чатоқ бўлди: госпитальда соқолимни қириб олишди. Уни кўп парваришлар қилиб ўстирган эдим, эндигина анча ялпайиб қолган эди. Булар бўлса аямай-нетмай шартта қирди-ю, ташлади. Ҳа, майли, йўқолсин ўша соқол. Жуда тез олға босиб кетаётган бўлсак ҳам, уруш охиригача яна бошқаси ўсиб, юзимдаги доғларни ёпиб кетар деб ўйлайман. Ҳа, айтгандай Алёша: негадир Анюта менинг соқолимни ёмон кўриб қолипти ва ҳарбир хатида унга ҳужум қилгани қилган».

Ҳат жуда узун эди. Гвоздев госпитальда зерикканидан уни хўп ўтириб ёзганга ўхшайди. Дегандай, хатнинг охирида ёзганки, менинг танқчиларим Сталинград, ёнида танкларидан ажралиб, янги танклар келишини кутиб турмоқда эдилар ва то танклар келгунча биз машҳур Мамаев курган доирасида пиёда жанг қилиб юрган эдик, шу вақтда мен Степан Иванович блан учрашиб қолдим. Чол курсни тамомлаб чиқипти, у ҳозир старшина бўлган ва танк отучилар взводига командир бўлиб юрипти. Лекин снайперлик одатларини ташламапти. У айтадики, мен пойлаб юрадиган йиртқич энди бошқача бўлди: окопдан чиқиб офтобда исиниб ўтирадиган лавашанг фрицни эмас, балки немиснинг айёр ва мустаҳкам танкини овлашга тўғри келади энди. Лекин чол ҳозир ҳам илгаригидек сабртоқат ва усталик блан ҳаракат қилиб, йиртқични жуда боплаб урар экан. Учраштан вақтда улар Гвоздев блан бир сувдай бемаза ўлжа винони ичишиптилар. Бу винони Степан Иванович асраб юрган экан. Улар вино ичишиб ҳамма ёр-ошиналарини йўқлаптилар ва чол шу пайтда Мересьевга жуда қуюқ салом айтиб юборипти, уруш тамом бўлгандан кейин, ўлмай тирик қолсаларинг, икковлашиб бизнинг колхозга меҳмон бўлиб боринглар, олмахон тутасизлар ёки ўрдак овлаб ўйнаб келасизлар, депти.

Бу хатни ўқиб Мересьевнинг кўнглида ғамгинлик пайдо бўлди. Қирқ иккинчи палатада бирга ётган

ўртоқларнинг ҳаммаси ҳозир урушга қатнашади. Гриша Гвоздев ва кекса чол Степан Иванович ҳозир қаерда экан? Уларга нима бўлди экан? Уруш шамоли уларни қайси томонларда учирив юрган экан, тирикмикан улар? Оля қаерда бўлса ҳозир?


Алексей ҳозир яна комиссар Воробьевнинг: ҳарбий жатлар сўниб кетган юлдузларнинг нурига ўхшайди, бизга жуда узоқ йўл босиб келади, юлдуз аллақачон сўниб кетган бўлса ҳам, унинг ёрқин шу'ласи яна узоқ вақтгacha ялтираб макон кезади ва одамларга ҳозир ҳаётда бўлмаган юлдузларнинг порлоқ нурларини сочиб туради, деган сўзларини эслади.



# Пірмінгем

## Бўлим





## I

1943 йил ёз фаслининг иссиқ кунларидан бири. Ҳужум қилиб бораётган Қизил Армия дивизияларининг от-аравалари ташландиқ ҳолда шўразор бўлиб ётган далани тўпир қилиб кетган фронт йўлидан эски бир юк автомобили ўнқир-чўнқирларда чайқалиб ва дўқирлаб, шалағи чиқсан тахталарини тақирлатиб фронтга қараб бормоқда эди. Унинг илма-тешик бўлиб кетган ва қалин чанг-тўзон босган ён тахталарида «Полевая почта» деб ёзилган катта-катта оқ ҳарфлар аранг кўринарди. Фидираклари остидан қалин чанг уюрмаси чўзилиб чиқар ва шамолсиз дим ҳавода секин тарқалиб кетарди.

Машина устида даста-даста хатлар ва янги газеталар тахланиб лиқ тўлиб ётарди. Тенада икки ҳарбий киши ўтирган эди. Уларнинг эгнида ёзлик гимнастёрка

ва бошларида теварагига кўж мовут тутилган фуражка бор эди. Улар машина устидаги юклар блан бирга чайқалиб ва диркиллаб бормоқда эдилар. Улардан бирин ёшроқ бўлиб, ҳали рахти бузилмаган янги погонларидан авиация старший сержанти эканлиги билиниб турарди. У нозик, қадди-қомати келишган, оқтан ва малларанг бир киши эди. Юзлари қизларникидай шундай латиф эдики, оқ пўсти орасидаги қизил қон сиртга тепиб турарди. Афтидан у ўн тўққиз ёшлиар чамасида эди. У жон-жаҳди блан ўзини кўпни кўрган солдат қилиб кўрсатишга тиришиб, тишлари орасидан чиртиллаб туфук отарди, овозини дўриллатиб солмоғдор қилиб сўкинарди, тамакини бармоқдай йўғон қилиб ўради ва ҳечнарсага парво қилмагандек қўринарди, лекин шунга қарамай, унинг фронтга биринчи марта бораётганилиги ва ичидаги ташвиши зўр эканлиги равшан сезилиб турарди. Йўл ёқасида оғзини ерга тираб бузуқ замбарак ётарди, ишдан чиққан совет танки тепасигача ўт-ўланлар ичидаги кўмилиб кетган эди; аэропландан ташланган бомбанинг роса келиб текканидан бўлса керак бир немис танки дабдала бўлиб ҳартомонга сочилиб ётарди; снаряддан ўйилган хандақларни ўт қоплаган эди; сапёрлар кавлаб олиб, янги кечим ёқасида устма-уст қалаштириб қўйган миналарнинг чуқурчалари кўзга яққол ташланиб турарди; немис солдатлари кўмилган ва тепасида крест тахтачалар қоқилган гўристон узоқдан, ўт-ўланлар орасидан аранг қўринарди; буларнинг ҳаммаси бир вақтлар бу ерларда бўлган жангларнинг излари бўлиб, фронт кўрган солдат бундайларни кўрабериб кўзи пишиб қолган эди; лекин булар машина устида ўтирган ёш кишини ҳайратда қолдирди ва унинг кўзига энг қизиқ, энг муҳим ва баҳайбат нарсалар бўлиб қўринабошлади.

Унинг ёнидаги ҳамроҳи старший лейтенант, аксинча, тажриба кўрган фронтчи эканлигини дарҳол пайқаш мумкин эди. Даф'атан қараганда унинг ёши 23 — 24 ларда бўлиб қўринарди. Броқ қуёшдан қорайган шамолдан парсиллаган юзига, кўзлари тагидаги, манглайидаги, оғиз чеккаларидаги майдага ажинларга, хаёлчан ва ҳорғин кўзларига разм солиб туриб, унинг ёшига

яна ўн йил қўшиш мумкин эди. У, теварак-атрофига беларво назар ташлаб борарди. Унда-мунда чилпарчин бўлиб, занг босиб ётган ҳарбий техника ҳам, йўлнинг икки томонида ёниб култепа бўлиб ётган қишлоқлар ҳам, ҳатто қалайлари эриб қўмиртак бўлиб қолган, мотори бир ёқда ва номерланган, қизил юлдузли қўйруғи бирёқда айрилиб ётган совет самолётининг синиқлари ҳам уни ҳечбир ҳайратда қолдирмас эди; аммо ёнидаги ёш киши буларга қараган сари қизариб, ташвиши тобора ортар эди.

Офицер даста-даста қилиб бойланган газеталарни тагига ва ёнбошига териб қўйиб, ўзига қулай ўрин қилиб олиб ва эгасининг номи олтин ҳарфлар блан ёзилган қора таёғига иягини тираб мудраб бормоқда эди; гоҳи-гоҳида у кўзларини очиб, теварак атрофига қувноқ назар ташлар ва иссиқ дим ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас оларди. Шу тобда унинг кўзи йўлдан четда чўзилиб кетган беор қалин шўразорлар устида сузиб бора-ётган икки қора нуқтага тушди; яхшилаб разм солиб қаралса, улар иккита самолёт экан; самолётлар шошмасдан гўё бир-бирини қувалагандек ҳавода секин

Ёш аскар истеҳзо блан кулиб қўйди. Самолётлар узоқда ўзларича муаллақ отишиб юрарди: сокин саҳрода тўс-тўполон, чанг-тўзон кўтариб бораётган бу ёлғиз юқ машинасига уларнинг ҳечбир иши йўқдек кўринарди. Ёш киши этиroz билдириб, тўғри кетабериш керак, дейман дегунча, машина йўлдан тез бурилиб, тақир-туқир блан сойликка тушди.

Старший лейтенант дарҳол машинадан тушиб, кўкатлар устига ўтириди-да йўлга қаттиқ тикилиб турди.

Ёш аскар унга масхара назари блан қараб:

— Ишингизга қаранг-гу... — деб гап бошлаган эди. сузиб борарди; офицер бирдан жонланиб, кўзлари чақнаб кетди ва қирра бурнининг тешиклари тез-тез керилабошлади; у кўзини самолётлардан узмасдан, кафти блан кабинанинг тепасига қоқди:

— Осмонга қара! Машинани четга бур!

У ўрнидан туриб, теварак-атрофга тусмоллаб қаради ва шоферга қўли блан ишора қилиб, чаман очилиб ётган ўтлоқ орасидаги сойликни кўрсатди.

Шу лаҳзада старший лейтенант бирдан ўзини ўтлар орасига урди ва жаҳли блан бақириб юборди:

— Ёт!

Шу онда моторларнинг қаттиқ гулдираган овози эшитилди ва иккита қопқора бадҳайбат кўланка ҳавони ларзага солиб ва ғалати вағиллаб, уларнинг худди боши устидан ўтиб кетди. Ёш аскарга, бу унча қўрқинчли бўлиб туйилмади: оддий самолётлар, ўзимизники бўлса керак, деб ўйлади. У, атрофига аланглаб қаради ва бирдан кўзи йўл бўйида ағдарилиб, бўлак-бўлак бўлиб тутун ичидан алангаланиб ётган юк машинасига тушди.

— Қаранг-а, ёндиручи бомба ташлаётир,— деди шофер заҳарханда блан ва снаряд тегиб ўт олаётган машинага қараб турди,— машинага тегипти.

— Овчилар,— деди старший лейтенант бепарво бир оҳангда ва кўкатлар устига яхшилаб чўзилиб олди.— Кутиб туришга тўғри келади, улар ҳозир қайтиб келишади. Йўлни пойлаб юришипти. Оғайни, тур, машинани нарироққа суриб қўй, лоақал ана у қайин дарахти тағига олиб бориб қўй.

Бу сўзларни у шундай бепарволик блан ва шуадай ишонч блан айтдики, гўё немис учучилари ҳозиргина унга ўз ниятларини билдириб қўйгандек эди. Машинани ҳарбий почтальон қиз кузатиб борди; қиз оппоқ оқариб кетган эди, чанг босган лаблари ҳайрат блан зўрга жилмайиб турарди. У, тинч осмонга қўрқа-писа минграйиб қараб қўярди, осмонда эса оппоқ барра булутлар тез сузиб, бир-бирига қўшилиб айланиб юрарди. Шунинг учун ҳам старший сержант, қаттиқ ҳаяжон ичидан бўлишига қарамай, ўйламасдан гапириб юборди:

— Яххиси жўнаб кетиши керак эди, вақтни бекор ўтказишдан нима фойда? Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади.

Бир дона кўкатни тишлаб бепарво ўтирган старший лейтенант ёш аскарга қаради. Унинг хўмрайган қора кўзларида салгина истеҳзо аломати бор эди.

— Сен, оғайни, бу аҳмоқона мақолингни тезроқ ташла, бўлмаса кейин ўзинг пушаймон бўласан. Сўнгра шуни ҳам билиб қўйки, ўртоқ старший сержант,

фронтда унвони катталарнинг гапига қулоқ соладиган қоида бор. «Ёт» деб буйруқ берилдими, демак, ётмоқ керак.

У, кўкатлар орасидан бир туп шавель топиб олиб, унинг тукли пўстини тирноги блан юлиб ташлади ва оғзига солиб қарсиллатиб чайнайбошлади. Яна моторларнинг гулдираган товуши эшитилди, бояги самолётлар йўл тепасидан қанотларини саланглатиб пастрлаб учиб ўтди,— улар жуда яқиндан учиб ўтаётгани сабабли, қанотларининг сарғич-малла тузи, оқ-қора кресглари, ҳатто олдиагисининг қорнига сурати солиниб қўйилган қарға тузнинг шакли яққол кўриниб турарди Старший лейтенант эранқираб яна бирнеча дона «тожихўроздан» юлиб олди, сўнгра соатига қаради-да, шоферга буюрди:

— Қани жўнадик! Оғайни, тезроқ ҳайд, бу ердан ийроқлашмоқ керак.

Шофер гудок берди, сойликдан почтальон қиз югуриб чиқди У, бирнеча дона қизариб турган маймунжонни шохчаси блан келтириб старший лейтенантга узатди.

— Пишай деб қолипти... Ёзнинг келганини сезмай қолибмиз,—деди старший лейтенант ва маймунжонни искаб кўрди, сўнгра уларни гулдек гимнастёркасининг ёқа чўитагига қистириб қўйди.

— Самолётларнинг энди қайтиб келмаслигини ва жўнаш мумкинлигини сиз қаердан биласиз?— деб сўради ёш аскар старший лейтенантдан. Старший лейтенант шу тобда яна сукут қилиб, ўнқир-чўнқирга тушиб диркиллаб бораётган машинанинг мақомига чайқалиб бормоқда эди.

— Буни билиш осон,— деди у.— Булар «мессерлар»—«Me-109» деб юритилган самолётлар. Уларнинг ёнилғи запаси 45 минутга етади. Ҳозир ёнилғиси тамом бўлди, ёнилғи олиш учун маконига қайтиб кетишди.

Буни у бепарволик блан тушунтиаркан, шундай оддий нарсаларни қандай қилиб билмасликка ҳайрон қолгандек бўлиб кўринарди. Ёш аскар эса диққат блан осмонга қараб борарди. У, учучи «мессерлар»ни биринчи бўлиб кўришга ҳаракат қиласарди. Лекин осмон тиник

эди, гуркираб гуллаган кўкатларнинг ҳиди чанг-тўзон аралаш ҳавони қоплаб олган эди, кўкатлар орасида чигиртка ва сўзанаклар тинмасдан чириллашади. Қалин шўралар босиб мунғайиб ётган бу саҳронинг қайси-бир жойида тўрғай дард блан сайрайди. Шу тобда ёш аскарнинг хаёлидан немис самолёти ҳам, хавф-хатарлар ҳам бирдан кўтарили; у, хушёқим қўнғироқдай овози блан ўша вақтларда фронтда севиб айтиладиган ашу-лани бошлаб юборди. Бу ашула ер тўлада ўтириб йироқдаги ёрини соғинган аскар ша'нига айтиларди.

— «Четан дарахти» ашуласини биласанми? — деб сўради бирдан ҳамроҳи.

Ёш аскар бош силкиб, бу қадимий ашулани бошлаб юборди. Старший лейтенантнинг чанг қоплаган ҳорғин юзини ғамгинлик босди.

— Яхши айтмаяпсан, оғайнини. Бу сенга лафармиди, бу чинакам қўшиқ. Уни юракдан чиқариб айтиш керак,— деди у ва ўзи ҳам ингичка овози блан секин-секин, аммо оҳангини келтириб айтабошлади.

Машина бирпас секинлашди. Қабинадан почтальон қиз сакраб тушди. У, машинанинг орқасидан сакраб тепага чиқди ва ўзини газеталар устига ташлади, машина устидагилар қизни суюб ёnlарига ўтқиздилар.

— Ашула айтаётганларингизни эшитиб, мен ҳам келдим...

Машинанинг тақир-туқири ва чигирткаларнинг тинимсиз чириллаши ичида улар учовлашиб бараварига ашулани кўтардилар.

Ёш аскар қизиб кетди. У, буюм халтасини очиб, лаб блан чаладиган катта бир гармошкани чиқарди ва дам чалиб, дам ашулага қўшилиб, қўшиқни бошқариб борди. Тащландиқ ҳолга келиб, мунғайиб қолган фронт йўлида, чанг-тўзон қоплаб ётган қалин шўразорлар орасида кучли ва мунгли қўшиқ овоздлари янгради. Бу қўшиқ жазирама ёз ҳавосида қақраб, инграб ётган худди шу далалар сингари дилафгор, дим кўкатлар орасида чириллашиб ётган сўзанаклар сингари ноловор, тиниқ осмон тагида сайрашиб юрган тўрғайлар сингари оҳангдор, худди шу осмон сингари баланд ва бепоён, худди шулар каби қадимий ва навқирон бир қўшиқ эди.

Улар қўшиққа жуда маҳлиё бўлиб кетганларидан, машина бирдан орқага силтаниб тўхтаганда, ағдарилиб тушишларига сал қолди. Машина тўсатдан йўл ўртасида тўхтаб қолди. Ён томонда уч тонналик бир машина ёнбоши блан чуқурга ағдарилиб, чанг босган филдираклари юқори кўтарилиб, мажақланниб ётарди. Ёш аскарнинг ранги оқариб кетди. Унинг ҳамроҳи эса дарров пастга тушиб, ағдарилиб ётган машина а қараб югурди. У, ғалати ҳаракат блан, оёқларини лапанглатиб бораради. Бирпасдан кейин шофер мажақланган кабина ичидан интендант хизмати капитанининг қонга беланган гавдасини тортиб олди. Унинг юзлари синиқ шишаларнинг зарбидан бўлса керақ, тамоман кесилган ва тимдаланган эди, ранги эса кўкариб кетган эди. Старший лейтенант унинг қовофини сал кўтариб кўзини очиб қаради.

— Буниси тамом бўлипти,— деди у бошидан шапкасини олиб. — Тағин борми унда?

— Бор. Машина ҳайдовчи бор,— деб жавоб берди шофер.

— Нимага бақрайиб турибсиз? Кўмаклашинг! — деди старший лейтенант, турган ерида довдираб қолган ёш аскарга қараб. — Кон кўрмаганмисиз? Ўрганиш керак, бир кун кўришга тўғри келади... Бу, бояги гушналарнинг — немис самолётларининг кўрсатган корномаси.

Шофер тирик экан. У, кўзларини очмасдан секин инқиради. Унинг ҳеч ерида ярадорлик аломати кўринмас эди. Афтидан, машина тез юриб бораётганда, унга снаряд тегиб чуқурга ағдарилган, шунда шофер кўкраги блан рульга урилган ва кабина мажақланниб уни қаттиқ эзган. Старший лейтенант уни машинага кўтариб қўйишини буюрди. Ҳали кийилмаган ва бир парча коленкорга ўраб қўйилган янги шинелини олиб ярадорнинг тагига солди. Ўзи пастроқда ўтириб, ярадорнинг бошини тиззаси устига олиб қўйди.

— Жонинг борича тез ҳайда! — деди у шоферга.

У, ярадорнинг бошини авайлабгина ушлаб бораракан, ўзининг қандайдир ўтмиши эсига тушиб, жилмайиб қўйди.

Қоронғи тушабошлаганда машина кичкина бир қишлоққа кирди. Тажриба кўрган киши бу қишлоқда кичик бир авиация қисми жойлашганини дарров пай-қар эди. Бирнече телефон сими шумурт дараҳтларининг чанг босган шохларига, нозиккина олма дараҳтларига илиниб қўйилган ва уй атрофларида тўсилган чийларга ўралиб кетган эди. Уларнинг ёнида, устига похол босилган бостиrmалар тагида, одатда деҳқонларнинг от аравалари, плуг ва моллари турадиган ерда, юрабериб шалаги чиққан «эм» ва «виллислар» кўринарди. Ундан бунда хира деразачалардан, теварак четига кўк мовут тутилган фуражкали ҳарбийлар кўзга чалиниб қоларди. Ёзув машиналарининг тақирлаган овози эшитиларди. Симларнинг ҳаммаси келиб туташган бир уйдан телеграф аппаратининг бир мақомда тирқиллаган тоvuши эшитилиб турарди.

Қатта ва кичик йўллардан четда жойлашган бу қишлоқча ўт-ўлан босган хилват саҳрода сақланиб қолган эди; бу қишлоқ немислар келгунга қадар бу ўлкаларда одамлар қандай роҳат ва эркинлик блан яшаганларини кўрсатиш учун гўё сақланиб қолган бир эсадалик жой эди. Ҳатто атрофида сарғич қамиш-қиёқлар ўсиб ётган ҳовузча ҳам сувга лиқ тўла эди. Кекса мажнун толлар соясида бу ҳовузча муздек ялтираб турар ва унинг ичидаги бир жуфт тумшуғи қизил оппоқ гоз виқор блан сузиб чўмилиб, юради.

Ярадорни қизил крест тамғалик байроқ осилиб турган бир уйга топширдилар. Сўнгра машина қишлоқдан ўтиб, ихчам қилиб ясалган қишлоқ мактаби ёнида тўхтади. Кўп телефон симлари деразанинг бир синиқ кўзидан ўтганлигидан ва бўйнига автомат осиб эшик олдида турган солдатдан бу ернинг штаб эканлиги билиниб турган эди.

Старший лейтенант очиқ дераза олдида «Красноармеец» журналидаги кроссвордни ешиб ўтирган дежурнийга мурожаат қилиб деди:

— Полк командири олдига кирмоқчимиз.

Старший лейтенант орқасидан келаётган ёш аскар, штабга кириш чоғида унинг чаққон ҳаракат блан гимнастёркасини тузатиб, бош бармоғи блан уни камари

остига яхшилаб тортиб қўйганини ва ёқасининг тугмаларини ўтказганини кўриб, ўзи ҳам дарҳол шундай қилди. Ҳозир у камга бўлган ва унга жуда ёқиб қолган ҳамроҳига ҳаржиҳатдан тақлид қилиб иш кўришга ҳаракат қиласиди.

— Полковник ҳозир банд,— деб жавоб берди дежурний.

— Кириб айтинг, Ҳаво Армияси штабидан шошилинч пакет олиб келишибди денг.

— Туратуинг: ҳозир унга ҳаво разведкасининг экипажи доклад қиласипти. Ҳалақит бермасликни сўради. Ана у уй ёнидаги боқчада бир пас ўтириб туринг.

Дежурний яна кроссворд блан машғул бўлди; келучилар эса боқчага чиқиб, ғиштдан чиройли қилиб ясалган, ҳозир эса қаровсиз қолиб, ҳамма томонини ўт босган скамейкага ўтиришди; урушдан илгари бу скамейкага, эҳтимол, ўқитучи кампир шундай сокин ёз кечаларида, ишдан кейин ҳордиқ чиқариш учун ўтириб дам олгандир. Очиқ деразадан икки кишининг овози барала эшитилиб турарди. Улардан бирори бўғиқ товуш блан ҳаяжонланиб доклад қиласиди:

— Мана бу ва мана бу йўллардан Большое Городово ва Крестовоздвиженский қабристони томонига қатнов жуда зўр, йўлни бошдан-оёқ машиналар қоплаб олган; ҳаммаси бир томонга, фронтга қараб бормоқда. Мана бунда, қабристон ёнидаги сойликда эса, юқ машиналари ёки танклар турипти... Ўйлайманки, унда катта бир ҳарбий қисм тўпланган бўлса керак.

— Нимага асосланиб шундай деб ўйлайсан? — унинг гапини бўлди ингичка овозли киши.

— Жуда қаттиқ ўт очилиб йўлимиз тўсилди. Зўрга чиқиб олдик. Кеча бу ерда ҳечнума йўқ эди, фақаг қандайдир ошхоналардан тутун чиқиб турган эди. Мен худди томларнинг устидан учиб, қўрқитиши учун бирнечча ўқ уздим. Бугун эса жуда ҳам бошқача. Бирам ўқ-қа тутиб бердикни!.. Уларнинг ҳаммаси фронтга қараб бориши очиқ кўриниб турипти.

— «Зет» квадратида-чи?

— Бунда ҳам қатнов бор-у, аммо унча катта эмас. Мана бу ўрмонзор ёнида эса катта бир танк колоннаси марш блан бораяпти. Юзтача танка бор. Эшелон-эшелон бўлишиб беш километрча чўзилиб кетган, кундузи ниқобланмасдан кетаяпти. Эҳтимол ёлғондакам ҳаракат бўлса керак... Мана бунда, мана бу ерда, сўнгра ана унда артиллерия кўрдик, худди олдинги марралар ёнида турипти. Ўқ-дори омборлари ҳам бор. Шох-шабба блан хаспушлаб қўйилган. Кеча улар йўқ эди... Жуда катта омборлар.

— Ҳаммаси шуми?

— Ҳаммаси шу, ўртоқ полковник. Рапорт ёзишга рухсат этасизми?

— Бунга ҳечқанақа рапорт керак эмас! Ҳозир армияга борасиз. Рапорт эмиш! Биласизми, бу нима деган гап? Ҳой, дежурний! Менинг «виллисим»ни чақирикинг: капитанни ҳозир Ҳаво Армияси штабига юборинг.

Полк командирининг кабинети кенг бир синфда жойлашган эди. Деворлари ғўлабанд қилиб ясалган бу хонада бор-йўғи биттагина стол бўлиб, унинг устида телефонларнинг кўн жилдлари, катта авиацион планшет ва битта қизил қалам турган эди. Миттигина, ҳаракатчан ва гавдаси гирдиғумдан келган полковник қўлларини орқасига қилиб, девор ёнида тез-тез нарибери юрмокда эди. У, ўз фикри блан банд бўлганидан, кабинетда қоматини кериб турган учучилар ёнидан бир-икки марта югуриб ўтди-да, сўнгра бирдан тўхтаб, жиддий қиёфада уларга қаради.

— Старший лейтенант Алексей Мересьев, — қорачадан келган офицер қоматини кериб ва пошналарини шарақлатиб уриб ўзини таништириди.— Сизнинг ихтиёри-нигизга келдим.

— Старший сержант Александр Петров, — деб рапорт берди ёш аскар; рапорт бераркан, у қоматини яна тўғрироқ чўзишга ва солдатча кирз этикларининг пошнасини полга яна қаттиқроқ шарақлатиб уришга тиришарди.

— Полк командири полковник Иванов, — деди бошлиқ.— Пакет борми?

Мересьев чаққон ҳаракат блан планшетидан пакетни олиб, полковникка узатди. Полковник йўллаш қоғозини ўқиб бўлгач, келучиларга кўз югуртириб чиқди.

— Жуда соз, вақтида келибсизлар. Лекин нега мунча оз киши юборишипти!— Сўнгра бирдан бир нимани эслади шекилли, юзида таажжуб аломати пайдо бўлди.— Менга қаранг, Мересьев дегани сиз бўласизми? Ҳаво Армиясининг штаб бошлиги менга сиз тўғрингизда телефон қилди. У мени огоҳлантириб айтдики, сиз...

— Бунинг аҳамияти йўқ, ўртоқ полковник,— Алексей бироз қўрслик қилиб унинг сўзини бўлди — Хизматни бажаришга рухсат этингиз.

Полковник қизиқсиниб старший лейтенантга қарап кан, кулимсираб, бошини қимирлатиб ма'қуллади:

— Тўғри. Дежурний, буларни штаб бошлигига тўғрилаб қўйинг, менинг номимдан айтинг, уларга овқат ва ётоқ беришсин. Айтинг, буларни гвардиячи капитан Чеслов эскадрильясига расмийлаштиришсиз. Боринг, бажаринг айтганларимни.

Петровга полк командири жуда жонсарак кишидек бўлиб кўринди. Лекин у, Мересьевга ма'қул бўлди. Ана шундай тез иш кўрадиган, ҳамма нарсани дарҳол уқиб, тез ўйлаб, қат'ий қарорга келадиган кишилар Алексеининг таб'ига ёқар эди. Улар боғчада ўтирганларида ҳаво разведкачисининг қилган доклади полковникнинг миассида кетмаган эди. Ҳарбий кишига ма'lум бўлган кўп аломатлардан, чунончи: улар армиядан йўлга чиқиб, «қўл кўтариш» усули блан бир машинадан иккинчи машинага тушиб келганларида, йўлга сифмай келаётган аскар ва қурол-аслаҳалардан, кечалари часавойлар ниқобланиб юришни қаттиқ талаб қилиб, ким тартибини бузса, машинасининг гилдирагига ўқ отилади, деб дўқ уришларидан, фронтга борадиган йўлларнинг четларидаги қайназорларда, чакалакзорларда ғужрон бўлиб ётган танклар, юк машиналари, тўпу тўхоналардан, ҳатто бугун келаётганларида бўмбўш саҳродағи ҳарбий йўлда немис самолётлари уларга ҳужум қилганидан, Мересьев фронтда жимжитлик даври тамом бўлаётганини ва шу атрофларда немислар янгидан ҳужум

қилиш хаёлига тушганларини, бу ҳужум яқин орада бошланишини ва Қизил Армия қўмондонлиги бундан хабардор бўлиб, зарбага боплаб қарши зарба беришга тайёрланганини пайқади.

## 2

Беором старший лейтенант, Петровга ошхонада учинчига бериладиган овқатни кутишга имкон бермади. Улар бензин ташийдиган йўловчи машинага тушиб, бир қишлоқ орқасидаги майдончада жойлашган аэродромга бордилар. Бу ерга келгач, улар эскадрилья командири гвардиячи капитан Чеслов блан танишдилар. Чеслов кўринишидан жиддий, камгац, шу блан бирга олий-жаноб бир киши эди. Капитан гапни чўзиб ўтирасдан, янги келган учучиларни атрофи ўт-ўланлар блан ўралган ертўла капонирларга олиб борди, унда ялтираб турган ва рульларига 11 ва 12 номерлари ёзилган янги гина кўк тусли «Ла-5» самолётлари турган эди. Янги келганлар ана шу самолётларда учиши керак эди. Улар ҳушбўй ҳид сочиб турган ва моторларнинг тўхтосиз гулдирашига қарамай, күшларнинг жўр бўлиб сайраши барака эшитилиб турган қайнзорда, самолётлар ёнида ўзларининг янги механиклари блан анча маҳалгача гаплашиб ўтиридилар ва полкнинг ҳаёти блан танишдилар.

Улар гапга қизиқиб кетганларидан, энг охирги юк машинасига тушиб қишлоққа етиб келдилар. Жуда кеч келганлари учун, кечки овқатга улгурмадилар. Лекин бунга унча хафа ҳам бўлмадилар. Уларнинг буюм халталарида йўл учун берилган озиқдани бироз қолган эди. Энг қийини ётадиган жой масаласи эди. Яланг саҳрода шўразорлар, бутазорлар орасида жойлашган бу хилват қишлоқчада турган икки авиация полкнинг учучилари ва ходимлари томонидан ҳамма уйлар банд қилинган эди. Лиқ тўла уйларга кириб-чиқиб узоқ вақтгача жой излаб юришдилар; янги келганларни уйга киргизишни истамаган истиқоматчилар блан орада қаттиқ-аччиқ сўзлар ҳам бўлиб ўтди ва уйларнинг резинкадан ясалмаганига, шунинг учун уларни кенгайтириш иложи йўқлигига кўп афсуслар қилиниб, анча

фалсафа ҳам согилди. Ниҳоят комендант янги келганларни дуч келган бир «үйга» киргизиб қўйди:

— Бугунчалик шу ерда ётинглар, эртага бир илоҗини қиласиз,— деди.

Кичик бир уйчада тўқиз киши истиқомат қиласар эди. Учучилар эрта ётишади. Снаряд стаканидан ясалган, уруш бошларида «катюша» деб, Сталинград жангидан кейин «сталинградка» деб оталган жинчироқнинг хира ёруғида ётганларнинг қораси аранг кўринарди. Улар каравотда, тахталарда, похол солиниб устидан плашпалатка ёйилган ерда ётардилар. Бу уйда тўқизта учучидан бўлак уйнинг эгалари—кампир ва учинг бўйига етган қизи ҳам туради; жой торлигидан, улар катта рус печи устига чиқиб ётган эдилар.

Янги келганлар ётган кишилар устидан қандай қилиб ўтишни билмай, бироз остоноада тўхтаб туришди. Печка устидан кампирнинг жаҳл блан бақирган овози эшитилди:

— Жой йўқ, жой йўқ. Қаранг, тиқилишиб ётипти, Шифда ётмоқчимисизлар ёки?

Петров ҳозир қайтиб кетмоқчи бўлиб, эшик олдида ўнғайсизланиб туради, аммо Мересьев ётганлар устидан эҳтиётлик блан хатлаб стол ёнига бораберди

— Онажон, биз бир жойга ўтириб овқагланиб олсак бўлгани, кун бўйи овқат еганимиз йўқ. Бизга иккита тарелка, иккита чашка, иккита вилка берсаларинг-а? Ётадиган бўлсак, ташқарида ҳам ётаберамиз. Ҳечнима қилмайди, ёз фасли.

Печканинг тўридан, тўнгиллаб ётган кампирнинг орқасидан чиқиб келаётган бир кишининг кичкина яланг оёқлари кўринди. Гавдаси нозиккина бир қизча индамай печкадан тушди ва ухлаб ётган кишилар устидан чаққонлик блан ўтиб даҳлизга кирди ва иккита тарелка, иккита занг босган вилка ва ингичка бармоқларига кийгизиб иккита ола-була чашка олиб чиқди. Бу қиз дастлаб Петровга энди бўйига етиб келаётган ёш қизчадек кўринган эди. Қиз стол ёнига келиб, лампанинг хира ёруғи юзига тушгач, Негров унинг бўйига етган яхшигина қиз эканини билди. Фақат чиптадан тикилган сариқ кофтаси, юбкаси ва кўкраги устидан

кампирлардек орқасига ўтказиб боғлаган хунук рўмоли унинг ҳуснини бузиб турган эди.

— Марина, Марина, буёққа кел, жувонмарг, — деб тўнғиллади кампир печка устидан.

Лекин қиз парво қилмай тураберди. У, кўз таги блан Петровга тез-тез боқиб, чаққон ҳаракат блан стол устига тоза газета ёзи, идишларни ва вилкаларни қўйиб чиқди.

— Мана энди баҳузур овқатланиб олинглар. Тўғраб ёки иситиб берадиганларинг бўлса, айтинглар? Мен бир пасда тайёрлаб бераман.Faқат шуниси борки, комендант ташқарида ўт ёқилмасин деган.

— Маринка, кел буёққа! — деб чақирди кампир.

— Унинг гапига э’тибор берманг, ўзи шунаقا, бироз эсини йўқотиб қўйган. Немислар уни қўрқитиб юрагини олиб қўйишган. Қечаси ҳарбийларни қўрса, жон-жаҳди блан мени қўриқлашга тушади. Унинг гапларидан хафа бўлманг: қечаси бўлса у шунаقا қилади, кундуз куни бинойидек гаплашади.

Мересьевнинг буюм халтасидан колбаса, консерва, тузлаган балиқ ва ҳатто бир буханка аскарлик иони чиқди. Петров унча режалик эмас экан: ундан фақат гўшт блан сухари чиқди. Маринка нозик қўллари блан буларнинг ҳаммасини тўғраб, тарелкаларга яхшилаб териб қўйди. Қизнинг узун киприклари остида яширинган ўйноқи кўзлар тез-тез Петровнинг юзига боқарди, Петров кўз қири блан секин унга қараб қўярди. Уларнинг кўз қарашлари бир-бири блан учрашиб қолганда, иккаласи ҳам қизариб кетар, дарров қевоқларини солишиб олар, бетларини ўгиришар ва бир-бirlарига қарамасдан, фақат Мересьев орқали гап қотишар эдилар. Алексей уларнинг қилиғини қўриб кулгуси қистарди, шу блан бирга у бироз ғамгин ҳам бўларди: уларнинг иккаласи ҳам новқирон, уларга қараганда Алексей кекса, ҳорғин ва кўп умр кечирган бўлиб қўринарди ўзига.

— Менга қара, Маринка, иттифоқо бир-икки дона бодринг топилмасмикин? — деб сўради Алексей.

— Иттифоқо топилиб қолар, — секингина жавоб берди қиз жилмайиб.

— Пиширилган картошкаданчи? Икки донагина?  
— Сўрасангиз, топилади.

Қиз яна ухлаб ётганлар устидан парвонадек чаққон сакраб ўтиб, секингина даҳлизга кирди.

— Ўрлоқ старший лейтенант, бу қизга сиз нега бундай муомала қиласиз? Таниш бўлмаган бир қизга сен-сенлаб гапирасиз, бодринг сўрайсиз ва...

Мересьев қоқолаб кулиб юборди:

— Оғайнини, қаерда юрибсан ўзинг? Бу фронтми сен аёки бошқа жойми?.. Кампир, бўлди кўп вайсама, кел. бирга овқат қиласамиз, қани, келасанми?

Кампир инқираб-синқираб ва ўзича нималарнидир тўнгиллаб, печкадағ тушди ва келасолиб колбасага қўл чўзди. Айтишига қараганда, кампир тинчлик вақтларда колбасага жуда ўч экан

Улар тўрт киши бўлишиб сгол ёнига ўтирилар ва турли мақомда чиқаётган хуррак товушлари ва ухлаб ётганларнинг уйқу аралаш гулдирашлари орасида иштаҳа блан овқат қилишдилар. Алексей тиимасдан сўзлаб, кампирга ҳазилкашлик қилар ва Маринкани кулдирарди. Ниҳоят, у ўрганиб қолган ҳарбий шароитга яна қоришиб кетганига жуда хурсанд бўлиб, ўзини худди бегона юртларда кўп сарсон-саргардон бўлиб, охири ўз уйига келган кишидек ҳис қиласарди.

Гап-гап блан овқат охирида ма’лум бўлдики, қишлоқнинг омон қолишига сабаб: унда бирвақтлар немис штаби турган. Қизил Армия ҳужум қилиб келабошлигач, немис штаби шошилиб тездан қочтан ва қишлоқни яксон қилишга улгуролмаган. Кампирнинг катта қизини немислар унинг кўзи олдида зўрлаганлар ва қиз ўзини ҳовузнинг сувига ташлаб ўлдирган, шундан кейин кампирнинг эси оғиб қолган. Маринканинг ўзи бўлса немислар қишлоқда турган саккиз ой мобайнида офтоб юзини кўрмасдан ҳовлидаги ертўла-омборда ётган, ертўланинг оғзи похол ва бошқа эски-туски нарсалар блан бекитиб қўйилган. Кечалари онаси унга тўйнуқдан овқат ва сув бериб турган. Алексей қиз блан гаплашган сайин, қиз тез-тез Петровга кўз ташларди ва унинг ўткир ва тортинчоқ қарашларида завқ аломати яққол сезилиб турарди.

Гап-гап блан кечки овқат ҳам ейилиб бўлди. Қолган овқатни Маринка ихчам қилиб ўраб, Мересьевнинг халтасига солиб қўйди: солдатга овқат ҳамиша керак бўлади. Сўнгра у кампир блан шивирлашиб олгач, қат’ий қилиб деди:

— Энди гап шуки, сизларни бу ерга комендант келтириб қўйган бўлса, демак, шу ерда турасизлар. Сизлар пекканинг устига чиқиб ётинг, онам блан мен даҳлизда ётамиз. Бугунча ётиб дамингизни олинг, йўлдан чарчаб келгансиз. Эртага сизларга ўрин топамиз.

Қиз яна боягидек, ухлаб ётганлар устидан чаққон сакраб ўтиб, ташқаридан бир боғ майин похол келтирида, кенг печка устига тахлаб ёйди ва бош томонга турли кийимларни қўйиб ёстиқ қилиб берди; бу ишларнинг ҳаммасини у бир пас ичида, ҳечбир товуш чиқармай эпчиллик блан қилиб ташлади.

Мересьев похол устида ҳузур қилиб чўзилар экан, бўғинлари ёзилиб қисирлаб кетди.

— Яхшигина қиз экан-а, оғайн!

— Ёмон эмас, шекилли,— деди Петров ясама бепарволик блан.

— Сенга хўп тикилиб қарадими, дейман!..

— Қараб бўпти менга. Нуқул сиз блан гаплашиб ўтириди-ку...

Сал ўтмай Петровнинг пиҳиллаб ухлагани эши билди. Мересьевнинг уйқуси келмас эди. У, ҳиди бурқиб турган муздек похол устида чўзилиб ётарди. У, Маринканинг даҳлиздан чиқиб уйга кирганини, унда ниманидир излаб юрганини кўрди. Қиз дам-бадам сеқингина печка тепасига қараб қўярди. У, лампанинг пилигини тўғрилаб қўйди-да, яна бир марта печка устига қараб, сўнгра оҳиста-оҳиста юриб эшикка қараб кетди. Эски-туски лиbosга ўранган бу нозиккина, гўзал қизнинг кўриниши негадир Алексейнинг кўнглига ма’юс ором берди. Мана улар иссиққина уй ҳам топдилар. Эрта блан уларнинг биринчи жанговар учиши белгиланган. Улар иккови бирга учиши лозим, Алексей етакчи бўлиб Петров эса эргашучи бўлиб учиши керак. Қандай бўлиб чиқар экан? Афтидан, яхши йигитга ўх-

шайди! Мана Маринка ҳам бир кўришда уни яхши кў-  
риб қолди. Хўп майли, энди ухлаш керак

Мересьев ёнбошига ағдарилиб, тагидаги похолни  
тузатди, сўнгра кўзини юмид, дарров уйқуга кетди.

У, нимадандир қаттиқ сесканиб уйғониб кетди. Нима  
ҳодиса бўлганини дарҳол тушунмади; лекин ҳарбий  
одатга кўра, иргиб ўрнидан туриб, тўппончани қўлига  
олди. У қаерда турганини ҳам, нима бўлаётганини ҳам  
 билмас эди. Ҳамма жойни аччиқ заҳар тутун қоплаб  
олган эди; кучли шамол қалин тутунларни тарқатиб  
юборгандан кейин, Алексей боши устида катта-катта  
юлдузларнинг ғалати ялтираб турганини кўрди. Ҳам-  
ма жой кундуздек ёришиб кетган эди. Уйнинг ғўла  
ёғочлари гугурт доналаридек чаппа-роста сочилиб  
ётарди, том бир томонга қийшайиб, стропиллари оси-  
либ қолган эди; бироз нарида нимадир қинғир-қийшиқ  
бўлиб ёнмоқда эди. Унинг қулоғига инграган товуш-  
лар, тепасидан тўлқинланиб чиқаётган гулдироқлар,  
тушаётган бомбаларнинг эскидан таниш бўлган, наф-  
ратни қўзғотадиган ва кишининг бадан-баданига сан-  
чилиб ғазаблантирадиган чийиллаши эшитилди.

У, тўрт томони қулаб тушган уйнинг ўртасида қақ-  
қайган печка устида гангиг чўкка турган Петровга  
бақирди:

— Ёт!

Улар ўзларини ғиштларнинг панасига олиб, кўкрак-  
ларини печкага тираб ётиб олдилар, лекин шу вақтда  
катта бир осколок печнинг мўрисини учирив юборди ва  
уларни қизил кесак тупроқлари ва ҳидларига кўмиб  
ташлади.

— Ўриндан жилинмасин, ётилсин!— деб команда  
берди Мересьев; лекин унинг ўзи шу тобда иргиб туриб  
қочишдан ўзини зўрға тутиб қолди; кечаси бомбарди-  
мон остида қолган киши ҳамиша, беихтиёр, қаёққадир  
қочишга интилади ва қаёққа қочишни ўзи ҳам бил-  
майди.

Бомбардимончилар кўзга кўринмас эди. Улар ҳаво-  
да осиб қўйган ёруғлик беручи ракеталари тепасида  
қоронғиликда айланишиб юради. Аммо ракеталар-  
нинг ёруғида қопқора бомбаларнинг визиллаб тушаёт-

ганлиги ва тушган ерида аланга кўтараётганлиги очиқ кўриниб турган эди. Ер худди бўлак-бўлак бўлиб ёрилиб кетаётгандек туйилар ва бомбаларнинг зарбидан гулдиради.

Икки учучи узала тушиб печка устида ётар ва ҳарбири тушган бомба зарбидан учиб-учиб тушарди. Улар бутун гавдаси блан печкага маҳкам ёнишиб, юзларини, оёқларини гишталарга маҳкам босиб ётар, беихтиёр худди гишталар орасига кириб кетгудек ҳаракат қилишарди. Сўнгра моторларнинг гулдираган товуши узоклашаборди, пуфакчалари блан пастда осилиб турган ёритучи ракеталарнинг пишиллаб сўнаётгани ва кўчанинг нариги томонида кўтарилиган ёнғин аланга-сининг шовуллаши эшитилабошлади.

— Мана пўстагимизни қоқиб қўйишиди,— деди Мересьев ўзини бепарволикка солиб ва гимнастёркаси блан шимидағи қизил кесак тупроқларини қоқабошлиди.

— Ана улар, пастда ётганлар нима бўлдикин?— деди Петров даҳшат босиб; у шақирлаб бир-бирига урилаётган жағларини ва тинмасдан тутаётган ҳиқичогини босишга тиришарди.— Маринка нима бўлдикин?

Улар печкадан тушдилар. Мересьев чўнтак фонарини ёқди, вайрон бўлиб, тахта ва ёғочларга кўмилиб ётган уйнинг полини ёритиб қарашди. Польда ҳечким йўқ эди. Сўнгра ма’лум бўлдики, ухлаб ётган учучилар тревогани эшитиб, ташқарига қочиб чиқишган ва шелларга бекиниб олишган экан. Петров блан Мересьев вайрона уйнинг ҳамма ерини қараб чиқдилар. Маринка блан кампирни ҳечқаердан тополмадилар. Шунча бақириб чақирсалар ҳам, ҳечким жавоб бермади. Қаёққа кетиб қолдикин улар? Қочишимикин, қутилиб қолишдимикин?

Кўчаларда комендант патруллари юриб, тартиб ўрнаштиради. Сапёрлар ёнғинни ўчириб, вайроналарни кавлаб, ўликларни ва ярадорларни тортиб чиқармоқда эди. Командирлар юборган кишилар қоронғида зир югуришиб, учучиларнинг фамилияларини айтиб қичқи-рардилар. Полк тездан янги ўринга кўчирилабошлади. Тонг саҳар блан ўз самолётларида учиб кетиш учун

учучилар аэроромда тўпланмоқда эди. Тахминий ма’лумотларга қараганда шахсий составдан нобуд бўлганларнинг сони кўп эмас эди. Бир учучи ярадор бўлган, икки техник ва ҳужум вақтида постида турган бирнечча часовой ўлган. Чамаси, маҳаллий аҳолидан нобуд бўлганлар кўп эди, лекин қанча нобуд бўлганлигини қоронфида ва шошқинда аниқлаш қийин эди.

Саҳар пайти Мересьев блан Петров аэроромга кетаётганларида, кечаси тунағанлари вайрона уй ёнида беихтиёр тўхтаб қолдилар. Сапёрлар чаппа-роста қалашиб ётган тахта ва ёғочлар орасидан носилка кўтариб чиқмоқда эди, носилкада қонли чойшабга ўралган бир нарса ётарди.

— Кимни олиб бораяпсизлар? — деб сўради Петров; даҳшатли бир нимани сезгандек унинг ранги оппоқ оқариб кетди.

Носилкани олдидан кўтариб бораётган, Мересьевга Степан Ивановичга ўхшаб кўринган мўйловли ва салобатли сапёр батафсил жавоб берди:

— Мана шу ертўладан бир кампир блан бир қизни кавлаб олдик. Тош тегиб ўлипти. Тегиши блан тамом бўлипти. Биттаси қизалоқми ёки бўйга етган қизми — билиб бўлмайди, жажжигина ўзи... чиройли қиз экан. Тош бориб худди кўкрагига тегипти. Жуда суюмли, жажжигина қиз экан.

...Ана шу кеча немис армияси ўзининг сўнгги зўр ҳужумини бошлаган эди; у, шу кечаси совет қўшинларининг истеҳкомларига атака қилиб, Курск доирасида қаттиқ жангга киришди ва бу жанг унинг ўз бошига бало бўлди.

### 3

Қуёш ҳали чиқмаган эди; қисқа ёз кечасининг энг қоронфи соати эди; ҳарбий аэроромда эса қизиётган моторлар ҳалитдан гулдирамоқда эди. Қапитан Чеслов шудрингли кўкат устига харитани ёзиб, эскадрилья учучиларига маршрутни ва янги вазият нуқтасини кўрсатмоқда эди.

— Орқа-олдиларингга қараб боринглар. Бир-бирларингдан кўз узмасдан, алоқа қилиб туринглар. Аэродром олдинги марра ёнида бўлади.

Янги қўниш нуқтаси ҳақиқатдан фронт чизиғида бўлиб, кўк қалам блан харитада немис қўшинлари турган ернинг тумшүғида нишона қилиб қўйилган эди. Орқага эмас, балки олдинга қараб учар эдилар. Учучилар қувонишарди: немислар ташаббусни яна ўз қўлларига олишига қарамай, Қизил Армия чекинишни хаёлига ҳам келтирмай, ҳужумга шайланмоқда эди.

Қуёш эндиғина нур сочабошлиган ва қизимтил товланучи туман ҳали ҳам майдонда айланиб юрган чоқда, иккинчи эскадрилья ўз командири орқасидан ҳавога кўтарилиди ва самолётлар бир-бирини назардан қочирмай, жанубга йўл олди.

Мересьев блан Петров биринчи марта биргаликда учишиб, ёнма-ён бормоқда эдилар. Улар бирнече минут ҳавода учиб юрганларидан кейин, Петров ўз етакчисининг учиш қоидасини жуда дўндириб учадиган чинакам уста киши эканлигига қойил бўлди. Мересьев эса учиб боратуриб, жўрттага бирнече бор тиккасига шўнғиб ва бирдан муаллақ ошиб вираж қилди, шу пайтда у эргашувчисининг башарасига разм солиб, унинг кўзлари ўткир, ўзи зийрак фаҳм эканлигини, асаблари бақувватлигини сезди; унинг энг яхши хусусияти шу эдики, юраги унча дов бермаса ҳам, учиш қоидасини келтириб учарди.

Янги аэродром бир ўқчи полкнинг орқа томонида жойлашган эди. Агар немислар шу ерда аэродром борлигини билсалар, уни майда калибрли замбараклардан ва катта миномётлардан ўққа тутаолардилар. Лекин ҳозир тумшуқлари тагида пайдо бўлган аэродром уларни унча қизиқтирмас эди. Улар тоңг ёришмасдан турибоқ, совет қўшинларининг истеҳкомларини баҳор фаслидан бошлаб келтирган ҳамма тўпу, тўпхоналаридан ўққа тутган эдилар. Аскарлар турган истеҳкомлар устини қипқизил аланга қоплаган эди. Отилаётган ўқлар ҳамаернинг тўс-тўполонини чиқариб, еру осмонни қора булутга айлантирган эди. Ҳатто қуёш чиққанда ҳам ер устини кўриб бўлмас эди. Қизил-

қора бўлиб липиллаб турган ҳавода бирнумани ажратиб олиш қийин эди. Осмонда қуёш куйган нондек қорайиб, хираланиб турарди.

Бундан бир ойча бурун совет самолётларининг немис истеҳкомлари устидан учиб юришлари бечиз эмас эди. Немис қўмондонлигининг нияти ва режалари аллақачон пайқалган эди, уларнинг истеҳкомлари ва куч тўплаётган жойлари харитада белгилаб қўйилган ва квадратма-квадрат аниқлаб олинган эди. Немислар ўз одатларича, ўз кучларини кенг ёйиб, тонг отар олдинан ухлаб қоладиган душманнинг орқасига тўсатдан пишоқ уриш хаёлига тушган эдилар. Лекин душман ўзини ёлғондакам уйқуга солиб ётган эди. У, пишоқ солмоқчи бўлган қўлни маҳкам ушлаб олди ва бу қўл забардаст полвоннинг темирдек панжалари блан сиқиб олингач, қақшаб титради. Фронтда бирнече километр узунасига чўзилиб кетган қаттиқ артиллерия отишмаси тинмасданоқ, ўз тўпларининг гулдироғидан гаранг бўлиб ва истеҳкомлари устини қоплаган ўқ-дори қурумидан кўзларини очолмай қолган немислар ўз траншеяларига тушиб гумбирлаб ёрилаётган катта-катта ўқларни кўрдилар. Совет артиллерияси, немислар сингари қуруқ ерга эмас, балки душманнинг турган ерини, батареяларини, атака маррасига чиқсан танклари ва пиёда аскарлари тўпланган жойларни, душман кучлари ўтадиган кўприкларни, ўқ-дори тўлдириб қўйган ертаги омборларини, блиндажлари ва команда пунктларини росо мўлжаллаб бехато отаберди.

Немисларнинг артиллерия отишмаси икки томонлама жуда катта отишмага айланниб кетди. Икки томондан ўн мингларча катта-кичик тўплардан қарама-қарши ўқ узилабошлади. Капитан Чеслов эскадрильяси аэродромга қўнган вақтда ер блан осмон ларзага келиб турган эди; учучиларнинг оёғи остида ер титради. Пайдар-пай ёрилаётган тўп ўқларининг гумбирлаши бир-бирига қўшилиб кетиб, худди катта бир темир кўприк устидан шақирлаб ўтаётган ва охири одоф бўлмайдиган поезднинг гулдир-гулдирига ўхшаб эшитиларди. Осмонни қопқора тутун қоплаган эди. Полк аэродромчаси тепасида гоҳ ғоз сингари кетма-кет

бўлишиб, гоҳ турна қатор бўлишиб, гоҳ кенг ёйилишиб бомбардимончи самолётлар учарди, улар ташлаган бомбаларнинг бўмбиллаган овози тинимсиз тўп отиш-маси орасидан яққол эшитилиб туради.

Эскадрильяларга хабар қилиниб, № 2 вазиятида тайёр бўлиб туриш буюрилган эди. Бунинг ма’носи шу эдикি, учучилар ҳамиша ўз самолётлари кабинасида тайёр бўлиб туришлари ва биринчи ракета отилиб сигнал берилиши блан, ҳавога кўтарилишлари лозим эди. Самолётларни қайназор ўрмонча тагига олиб бўриб, шоҳ-шаббалар блан хаспӯшлаб қўйдилар. Урмондан салқин шабада эсар, қўзиқориннинг хушбўй ҳидлари думоқقا урар ва жанг қасир-қусури ичидагини филлаши эшитилмайдиган пашшалар учучиларнинг юзларига, қўлларига, бўйинларига жизиллаб ёпишарди.

Мересьев бошидан шлёмини олиб, эринқираб пашшалардан ўзини қўрир, кабинасида хаёл суриб ўгираш ва ўрмондан эсаётган эртанги хушбўй шабададан ҳузур қилиб нафас оларди. Қўшини капонирда унинг эргаши Петровнинг самолётни туради. Петров кабина ўриндиғидан дамба-дам сакраб-сакраб қўяр ва ҳатто ўриндиқ устига чиқиб олиб, жанг бўлаётган томонга қарап ёки бомбардимончиларнинг учшига тикилиб қоларди. Унинг юраги шопириб, тездан ҳавода парвоз қилгуси келарди; ҳаётида биринчи мартаба чин душман блан рўпара бўлгуси келарди; энди «Р—5» самолётни думига боғлаб учирив юрган ва ичига шамол кириб ҳурпайган қопчани эмас, балки душманинг серҳарасини ва чап бериб юрадиган самолётини ўқса тутгуси келарди; эҳтимол, унга рўпара келадиган душман самолётни ичидаги бугун ана у нозик ва паридек гўзал қизни бомба ташлаб ўлдирган немис чиганоқ ичидаги шиллиқ қуртдек мушшайиб ўтиргандир.

Мересьев ўз эргашининг безовталаниб ва ҳаяжочланиб ўтирганини кўриб ўйларди: ёшга қараганда уларни бир-бирига тенгқур деса бўлади: Петров ўн тўққизда, Мересьев эса йигирма учда. Эркак кишининг уч-тўрт ёш катта-кичик бўлиши ҳам гапми? Лекин Мересьев ўз эргашига қараганда, ўзини кекса, тажри-

бали, вазмин ва ҳорғин ҳис қиласарди. Мана шу тобда Петров кабинада тинч ўтиромасдан, ўзини ҳартомонга ташлар, қўлини қўлига урар, кулар ва учайдган «иллар»га қараб бирнима деб қичқиради, Алексей эса кабинанинг кўн ўринидига чўзилиб ётиб олган эди. У вазмин эди. Унинг оёқлари йўқ, ҳавога учиш унинг учун дун'ёда бор учучиларнинг ҳаммасидан ҳам ниҳоятда қийин; лекин ҳатто бу ҳам унинг парвосига келмайди. У ўз маҳоратини, усталигини яхши билади ва чўлоқ оёқларига ишонади.

Шу тариқа полк то кечқурунгача № 2 вазиятида шайланиб турди. Негадир уни резерв қилиб сақламоқда эдилар. Афтидан, полкнинг турган жойини бемаҳал билдиримоқчи эмас эдилар.

Қичкина ертўлалар ётоқхона қилиб берилди. Бу ертўлаларни бир вақтлар немислар шу ерда турганла-рида ясаганлар; ертўлаларнинг тахталари устидан сариқ қофоз ва картон ёпиштириб қўйилган эди. Ҳатто деворларида оғзи йиртқичнинг оғзига ўхшашиб кино артисткаларининг суратлари ва немис шаҳарларининг бўёқ чалпидан безатилган расмлари қадалиб турарди.

Артиллерия жанги давом этмоқда эди. Ер ларзага келиб турагарди. Қуруқ тупроқ ертўла қофозларига тушиб, худди қурт-қумурсқа ўрмалашиб юргандек шитирлаб, кишининг ғашини келтиради.

Мересьев блан Петров очиқ ҳавода плашпалатка-ларни ёйиб ётишга қарор қилишди. Ешинмасдан ётилсин, деб буйруқ берилган эди. Мересьев протезлари-нинг тасмаларини сал бўшатиб қўйди ва чалқамчасига ётиб, ўқларнинг портлашидан яллиғланиб турган осмонга кўз тикди. Петров дарҳол ухлаб қолди. У хуррак отиб ётар, уйқусида нималарнидир айтиб минфиллар, тишларини ғижирлатар ва лабларини чўлпиллатарди, у худди ёш боладек думдумалоқ бўлиб буришиб ётарди. Мересьев шинелини унинг устига ташлаб қўйди. Уйқуси келмаслигини сезиб, ўрнидан турди-да, зах ерда совуқотганидан исиш учун бирнече бор қаттиқ ҳара-кат блан гимнастика қилди ва бориб бир тўнка устига ўтиради.

Артиллериya отишмаси пасайган эди. Фақат унда-  
бунда батареялар ҳарзамонда бир қаттиқ ўқ сочиб  
кўярди. Бирнеча дайди снаряд чийиллаб ўтди-да, аэро-  
дром атрофига тушиб ёрилди. Бу безовта қилучи деб  
оталган отишма одатда урушда ҳечкимни безовта қил-  
мас эди. Алексей ҳатто снарядларнинг тушиб ёрили-  
шига ҳам қарамади. У, фронт чизигига — жанг майдо-  
нига қараб турарди. Қоронғида уни яққол кўриш  
мумкин эди. Ҳатто ҳозир тун ярмидан ошган пайтда  
ҳам, унда жонталаш кураш бормоқда эди ва сокин  
уйқуда ётган ср устини то уфққача ўқ алансасининг  
яллиғи қоплаган эди. Жанг майдони устида ракеталар  
липиллаб ёниб турарди. Кўкиш товланиб ёнаётгани  
немисларники, сарғич тусдагиси бизники эди. Гоҳ ун-  
дан, гоҳ бундан бирдан отилиб чиқиб, зулмат чодири-  
ни бир лаҳзагина ер устидан кўтарарди ва шундан  
кейин гумбирлаган ўқ овози эшитиларди.

Ана шу пайтда туиги бомбардимончиларнинг  
варанғлаган овози эшитилди. Бутун фронт чизигини  
бирдан рангго-ранг тизилиб чиқаётган ўқлар қоплади.  
Зенит тўпларидан тарақлиаб ҳавога учайдан ўқлар қон  
томчиларига ўхшаб кўринарди. Ер яна ҳансираб, лар-  
зага келди. Лекин бу, қайнзорлар орасида гўнғиллаб  
ётган қўнғизларни безовта қилмас эди; ўрмон ичида  
ҳағ-ҳатардан хабар бериб ва худди одамдек овоз  
чиқариб укки увлади. Сойликдаги буталар орасида  
кундузги таҳлиқадан писиб ётган булбул аввал худди  
созини созлаётгандек ёки овозини синаб кўрғандек,  
секин-секин товуш чиқариб чулдиради, сўнгра бирдан  
авжга чиқиб ва ҳуштагини чалиб бирам сайрадики,  
ҳатто ўз овозига ўзи ғарқ бўлиб кетди. Унга бошқа  
булбуллар ҳам қўшилишди ва сал ўтмай фронт ёқаси-  
даги ўрмон ичи булбуллар базмига айланиб кетди, ҳар  
томондан ҳушхон садолар барага эшитилабошлиди.  
Курск булбулларининг донги оламга ёйилганлиги бе-  
жиз эмас экан!

Мана ҳозир ҳам Курск булбуллари ўрмонда дард  
блан хониш қилмоқда. Эртага комиссия олдида эмас,  
ўлим олдида имтиҳондан ўтиши лозим бўлган Алексей  
ухлайолмасдан, булбулларнинг бахсма-бахс сайрашига

Ҷулоқ солиб ётарди. У, эртангӣ кунни эмас, бўладиган жангни эмас, ўлимни эмас, балки йироқдаги булбулни, бир вақтлар Камишин шаҳри четида уларга сайраб берган булбулни, «ўзларининг» булбулини, Оляни, туғилган шаҳрини ўйларди.

Осмон шарқдан ёришабошлади. Тўп овозларининг яна гулдираши булбулларнинг овозини ўчирди. Қуёш жанг майдони устида секин кўтарилимоқда эди, унинг кенг гардиши жигарранг-қизил тусда яллиғланар, отиш ва портлашларнинг қалин тутунларини зўрга ёриб ўтарди.

#### 4

Курск ярим доирасида жанг қизиб кетди. Немисларнинг тузган режалари, я'ни кўп танкларни жангга солиб, Курскнинг жануб ва шимол томонидан бизнинг истеҳкомларимизни бир зарб блан емириб, Қизил Армиянинг Курск доирасида тўпланган кучларини қуршаб олиб, унда «немисча Сталинград» қилиш хаёллари, мустаҳкам мудофаа зарбасига йўлиқиб, барбод бўлди. Немис қўмандонлиги бизнинг мудофаамизни ёриб ўтаолмаслигини, ёриб ўтган тақдирда ҳам жуда кўп талафотлар беришини ва натижада бизнинг қўшниларимизни қуршаб олишга кучи етмаслигини биринчи кунлардаёқ равshan пайқаган эди. Лекин фурсат ўтган эди, энди тўхтаб қолиш мумкин эмас эди. Гитлер бу жангга стратегия, тактика ва сиёсий томондан кўп умидлар боллаган эди. Душман танклари ва тўп-тўҳоналари ёпирилиб қўзғолди, ғўлда учраган нарсаларнинг ҳаммасини яксон қилиб, хароб қилиб, бало-қазодай ялмаб кетаберди, кишиларнинг ўзи ҳам энди уни тўхтатолмас эди. Немисларнинг ҳаракати километрлаб саналса, талафоти дивизиялаб, корпуслаб саналарди; улар ҳар куни юзларча танкларидан, тўпларидан ва мингларча машиналаридан ажralардилар. Ҳужум қилиб бораётган немис армиялари қонига беланиб, дармони қурийбошлади. Немис штаби буни яхши билса ҳам, энди бошқа иложи йўқ эди; воқиаларни тўхтатиш энди унинг қўлидан келмас эди, шунинг

учун ҳам у янги-янги резервларини келтириб, жаҳаннам оташидек қизиб кетган жангга солишга мажбур эди.

Совет қўмондонлиги олдинги қаторни мудофаа қилиб турган аскарларнинг кучи блан немисларнинг зарбасини қайтариб турди. У, немисларнинг қутириб ҳужум қилиб келаётганини кўриб, ўз резервларини орқароқда эҳтиёт сақлади ва душманнинг шашти пасайиб, ҳовридан тушишини кутиб турди. Кейин Мересьев билсаки, уларнинг полки мудофаа учун эмас, балки қарши зарба бериш учун шайланиб турган армиямизни ҳимоя қилиши лозим экан. Шунинг учун урушнинг биринчи кунларида танкчилар ва улар блан бирга ҳракат қиласиган қиручи-учучилар бу катта ҳарб-зарб чоғида фақат кузатути бўлиб турган эдилар. Душман бутун кучларини йиғиб жангга солгандан кейин, аэродромда шайланиб туриш бекор қилинди. Учучиларга ертўлада ётишга ва ҳатто кечалари ечиниб ухлашга рухсат берилди. Мересьев блан Петров ўз ётоқхонасини қайтадан тузатишиди. Улар кино артисткаларининг расмларини ва бегона шаҳарларнинг суратларини чиқариб ташладилар ва немислар ёпишириб қўйган қофозларни йиртиб ташлаб, ертўла деворларини сербарг, хушбўй шохчалар блан безатдилар: уларнинг ертўласи энди тўкилган тупроқдан шитирлаб кишининг ғашини келтирмайдиган бўлди.

Бир кун эрталаб, қуёшнинг равшан нурлари туйнукдан тагига хушбўй барглар тўшалган ертўлага тушган чоқда, тепадаги йўлакдан оёқ шарласи эшитилди ва фронтда жозибаси зўр бўлган «Почтачи» деган сўз бирдан қулоққа чалинди. Бу вақтда икки дўст девор ёнидаги супачаларда ҳали ҳам чўзилишиб ётган эдилар.

«Почтачи» деган сўзни эшитиш блан иккалалари бирдан одеялни устларидан ағдариб ташлаб, ўринларидан турдилар. Мересьев то протезларнинг тасмаларини боғлаб олгунча, Петров почтачи орқасидан югуракетди ва қувончи ичига сифмай, Алексейга иккита хат олиб келди. Булар онасидан ва Олядан келган хатлар эди. Алексей дўстининг қўлидан хатларни юлиб олиши

блан аэродромда тез-тез занг чалинабошләди. Бу, учучиларни самолётга чақирув ишораси эди.

Мересьев дарров хатларни қўлтиғига солди-да, улар тўғрисида ўйламасдан, ўрмон ичидаги сўқмоқдан Петров орқасидан самолётга қараб югурди. У, таёги-га суяниб ва сал оқсоқланиб жуда тез чопиб борарди. У самолёти олдига етиб борганда, моторининг жилди олинган бўлиб, чўтириб ва ҳазилкаш механик машина олдида бетоқатланиб турган эди.

Мотор гулдираб кетди. Мересьев эскадрилья командири тушган «олтиламчи»га кўз тикиб турди. Капитан Чеслов ўз самолётини майдончага чиқарди. Мана у кабинада қўлини кўтарди. Бунинг ма’носи: «Дик-қат!» демак эди. Моторлар гулдирашиб кетди. Қаттиқ шамолдан ердаги кўкатлар оқариб кўринарди ва мажнун қайнин дарахтларнинг шода-шода бўлиб осилиб ётган кўк шохчалари бир-бирига ўралишиб қуюндай ҳавога кўтарилиди, улар қаттиқ ларзонга келиб, худди таналаридан узилиб кетаётгандек эди.

Алексей ҳали самолётига қараб югуриб бораётганида, унга эргашган учучилардан бирор, танкчилар ҳужумга ўтаётир, деб қичқирған эди. Демак, учучилар олдида ҳозир танкчиларнинг тўп ўқлари блан горат қилиб ташланган душман истеҳкомлари устидан ўтишини ҳимоя қилиш, ҳужум қилиб бораётган танкчиларни ҳаводан мудофаа қилиш ва улар устига душман самолётларини йўлатмаслик вазифаси тураган эди. Фақат ҳавони қўриқлаб юриш керак бўлармикин? Барibir бундай қаттиқ ҳарб-зарбда ҳавода қуруқдан-қуруқ учиб юриш бўймас. Осмоннинг қаерида бўлмасин, душман блан рўпара келиш турган гап. Ана шунда кучлар синалади, аниа шунда Мересьев бошқа учучилардан сра кам эмаслигини ва ўз мақсадига эришганлигини исбот қиласди

Алексейни ҳаяжон босди. Лекин бу ўлимдан қўрқиши эмас эди. Бу ҳатто энг ботир ва энг вазмин кишиларга хос бўлган хавфсираш ҳам эмас эди. Унинг ташвиши бошқа нарсада эди: қуролчилар пулемёт ва замбаракларни текшириб қўришдимикин; ҳали жангда синаб қўрилмаган янги шлёмнинг мегафони тўсиндан

ишламай қолса-я; Петров орқада қолиб кетмаса эди ва душман блан жангга киришганда ҳовлиқиб қолмаса эди; қўлтаёқ қаёқда қолди, Василий Васильевичнинг ин'оми йўқолиб қолмадимикин; ҳаттоқи қизиқ еригача ўқиб борганда, шошилинч орқасида ертўлада стол устида унутилиб қолган романни бирор кўтариб кетмадимикин, деб ўйларди. У, Петров блан хайрлашмай қолганини эслади ва кабинадан туриб унга қўл силкитди. Лекин Петров кўрмади. Унинг кўн шлём орасидан кўриниб турган юзлари қип-қизариб кетган эди. Унинг бутун фикри-зикри командирнинг кўтариб турган қўлида эди. Мана командир қўлини туширди. Кабиналар бекилди.

Уч самолёт учишга тайёрланиб, йўлга чиқди, унинг орқасидан яна учтаси югуриб учиш маррасига борди, сўнгра яна учтаси ҳаракатга кирди. Биринчи қатор самолётлар ҳавога кўтарилиди. Улар кетидан Мересьев звеноси кўтарилиди. Энди пастдаги япалоқ ер ҳарто-монга чайқалмоқда эди. Алексей олдинда бораётган уч самолётни назардан қочирмай, унга ўз звеносини тўғрилади; унинг орқасидан эса думба-дум бўлиб учинчи звено келмоқда эди.

Мана, жанг майдонининг олдинги қатори ҳам кўриниб қолди. Снарядлар зарбидан ўнқир-чўнқир бўлиб кетган ер, тепадан дўл ёқсан чангли йўлга ўхшаб кўринарди. Траншеялар ва алоқа йўллари форат бўлиб ётарди, кичкина дўнгалак бўлиб кўринган блиндажлар ва дзотлар остин-устун бўлиб, ёғоч ва ғиштлари ағанаб ётарди. Форат бўлган кенг водида сариқ учқунлар гоҳ лопиллаб, гоҳ сўниб турарди. Бу, улуғ жангнинг алангаси эди. Буларнинг ҳаммаси тепадан қараганда жуда майда, ўйинчоқдек ғалати бўлиб кўринарди! Ернинг қайси томонига қараманг, ҳамма жойни алана босган, ўририлган, емирилган ернинг ҳамма жойида, тутунлар ва чанг-тўзонлар орасида ажал оралаб юради ва ўз ҳосилини тутдек қоқиб олади.

Улар жанг майдони устига учиб бордилар ва душманнинг орқа томонида ярим доира шаклида айланниб, яна жанг чизифидан учиб ўтдилар. Уларга ҳечким ўқ отмас эди. Ердагилар ҳаммаси ўз кор-бори блан ово-

ра эди, шунинг учун ўз тепаларида турна қатор бўлиб учайтган тўққизта кичкина самолётга э’тибор беришга ҳечкимнинг вақти йўқ эди. Хўш, танкчиларимиз қаёқда қолди? Ҳа, ҳа! Ана улар. Мересьев барглари кўмкўк товланиб турган ўрмон ичидан ўрмалаб чиқаётган танкларни кўрди; тепадан қараганда, улар худди саланглаб юрадиган қўнғизларга ўхшарди. Бир пасдан кейин улар жуда кўпайиб кетди, лекин ҳали ҳам ўрмон ичидан улар орқаси узилмасдан қаторлашиб чиқмоқда эди. Танклар йўлдан ва сойликлар ичидан югуриб бормоқда эдилар. Уларнинг олдинги қатордагилари тепалик тагига, снарядлардан горат бўлган ерга бориб етди. Танкларнинг кичкина дўнгалагидан қизил учкунлар сачраб турарди, уларнинг бу зўр атакасини, юзларча машиналарнинг немисларнинг қолган истеҳкомларига қилаётган бу шиддатли ҳужумини агар ёш бола, ёки асабий хотин, Мересьев сингари тепадан туриб кузатганида, сра қўрқмас эди. Шу пайтда у, илёмининг наушникларидаги ғовур-ғувур орасидан капитач Чесловнинг бўғиқ ва ҳозир ҳам босиқ товушини эшилди:

— Диққат! Мен — Леопард\* уч, мен — Леопард уч. Ўнг томондан «чиптаковушлар» келаётир, «чиптаковушлар» келаётир!

Алексей олдинда командир самолётининг қорасини кўриб қолди. Унинг самолёти чайқалабошлиди. Бу, сен ҳам шундай қил, деган ишора эди.

Мересьев бу командани орқа томонга, ўз звеносига етказди. У, аланглаб, теварагига қаради. Петров деярлик ёнгинасида учиб бормоқда эди. Балли, шоввоз!

— Бўш келма, оғайни! — деб қичқирди унга Мересьев.

— Бўш келмайман,— деган жавоб келди унинг қулогига гала-ғовур орасидан.

— Мен — Леопард уч, мен — Леопард уч. За мной! — деган овоз эшишилди ларингофонда.

Душман яқинда эди. Улардан сал пастроқда, немислар одатда яхши кўрадиган саф блан—икки қатордан бўлишиб — бир моторли шўнғучи «Ю—87» самолётлари

\* Леопард — қоплон.

учиб келмоқда эди. Уларнинг шассилари йигилмас эди. Шунинг учун улар қоринлари тагида осилиб, турарди. Фидираклар чиптаковушга ўхшаган узунчоқ обтекательлар блан қопланган эди. Самолётларниң қорни остида чиптаковуш кийган оёқлар осилиб турғандек кўринарди. Шунинг учун бутун фронтдаги учучилар уларга «чиптаковушлар» деб ном қўйган эди. Польша, Франция, Голландия, Дания, Бельгия ва Югославия устида бўлган жангларда ўз босқинчиликлари блан ном чиқарган бу шўнғучи самолётлар, немисларнинг ана шу янги ўйлаб чиқарган дахмазаси ҳақида уруш бошларида бутун жаҳон матбуоти кўп даҳшатли хабарларни тарқатган эди. Лекин бу янгилик Совет Иттифоқининг кенг ери устида тездан эскириб қолди. Совет учучилари кўп жангларда «чиптаковушларнинг» қалтис жойларини пайқаб олдилар, шунинг учун совет лочинлари уларни кўрганда худди қулай ов қўлга тушгандек қувонар эдилар; уларнинг наздида бу немис самолётлари овчидан унчалик маҳорат талаб қилмайдиган тустовуқ ёки қўёнга ўхшаб кўринарди.

Капитан Чеслов ўз эскадрильясини душман устига тортмасдан, четга буриб кетди. Мересьев дарҳол пайқади: эҳтиётлик блан иш кўрадиган капитан, «қуёш остига» кириб олиб, унинг кўз қамаштиручи нурлари блан ниқобланади, ўзи кўзга чалинмайдиган бўлиб, секингина душманга яқинлашиб келади-да, бирдан ёпирилиб унга ҳужум қилади. Алексей истеҳзо блан кулди: Бу ишкан маневр «чиптаковушлар»га ортиқча шуҳрат бериб қўймасин тағин! Зотан, эҳтиёткорлик ёмон иш эмаску-я. У яна теварагига аланглаб қаради: Петров орқадан бормоқда эди. Оқ булутлар орасида у яққол кўриниб борарди.

Энди душман шўнғучи самолётлари уларнинг ўнег томонида қолди. Немислар жуда шинам бўлиб, бир текисда учиб бормоқда эдилар, улар худди бир-бирига қандайдир кўз илғамас ип блан боғлаб қўйилгандек эди. Немис самолётлари қуёш нури остида ялтираб, кўзни қамаштиради.

— ... Леопард уч. Атака! — командирнинг сўзлари Мересьевнинг қулоғига ана шундай юлиқ эшитилди.

У, Чеслов ва унинг шериги худди муз тоғидан сирғонгандай, шиддат блан пастга эниб душман сафининг ён томонидан ҳужумга бораётганини кўрди. Қаторасига отилган ўқлар яқиндаги бир «чиптаковуш»га тегди, у бирдан ағдарилиб тушди; Чеслов эса, шериги ва звеносининг учинчи самолёти блан очилган фазога ёриб кириб, немис сафлари орқасида кўздан ғойиб бўлди. Немис шўнгучи самолётларининг сафи дарҳол жипслашди. «Чиптаковушлар» жуда шинам тартибда учиб бормоқда эди.

Алексей ўз белгисини айтиб, «Атака!» деб қичқирмоқчи бўлди, броқ ҳаяжонининг зўридан томоғидан фақат «А-а-а!» деган товуш чириллаб чиқди, холос. У, душманнинг саф тортиб бораётган самолётларидан бошқа ҳечнимани кўрмасдан, шиддат блан пастга энди. У, Чеслов уриб туширган немиснинг ўрнига ўтиб олган душманни кўзлаб бормоқда эди. Алексейнинг қулоқлари жаранглар, юраги худди хонасидан чиқаёзгандек эди. У, душман самолётини нишонга тўғрилаб, икки бошбармолини гашеткага қўйиб бормоқда эди. Ўнг томонидан ўқлар арқондек чўзилиб ўтабошлади. Ҳа, ҳа! Отишайпти, тегизишаолмади. Яна отишди, бу сафар ўқлар яқиндан ўтди. Тегмади. Петровга-чи? У ҳам соғ эди. Петров чап томондан учиб бораётир. У, самолётини буриб юборди. Балли, йигитча! «Чиптаковушларнинг» курранг биқини нишонга каттароқ бўлиб кўринабошлади. Алексейнинг бармоқлари муздек гашеткаларни тутиб бормоқда. Тағин жиндек яқинлашилса...

Ана шу пайтда Алексей ўз самолёти блан бутунлай биржон-биртан бўлиб кетганини сезди. Мотор худди унинг юраги блан бирдек уради, қанотлар, қўйруқдаги парраклар худди унинг ўзига улаб қўйилгандек эди, ҳаттоқи ясама оёқларига ҳам ҳозир жон кириб, унинг шундай шиддатли ҳаракатларига ёрдамлашаётгандек эди. «Немиснинг» шинам силлиқ гавдаси пишондан бир қочди-ю, лекин яна дарров илинди. Мересьев шиддат блан бостириб бориб гашеткани босди. У, ўзи отган ўқ овозларини эшитмади, ҳатто қаторасига чўзилиб кетган ўқларни ҳам кўрмади, лекин, у, нишонга

тегизганини биларди ва душман самолёти дуч кел-  
масданоқ ағдарилиб тушишини пайқаб, унинг устига  
бостириб бораберди. Алексей нишондан кўзини узиб  
қараса, ёнидан яна бир душман самолёти ағдарилиб  
тушаётир. Ажабо, бунисини ҳам тўсиндан ўзи уриб  
туширдимикин? Йўқ, бунисини Петров урган. Ҳозир  
Петров ўнг томондан бормоқда эди. Бу, унинг иши.  
Балли, шоввоз! Алексей бу ёши дўстининг муваффакия-  
тини кўриб, ўз муваффакиятидан ҳам ортиқ даража  
хурсанд бўлди.

Иккинчи звено немисларнинг сафи орасига кириб  
олди. Унда олатасир жанг бормоқда эди. Немислар-  
нинг иккинчи қатори, тажрибаси камроқ учучилардан  
тузилган бўлса керак, дарҳол сафни бузиб тарқалиб  
кетишиди. Чеслов звеносининг самолётлари тарқали-  
шиб кетган «чиптаковушлар» орасига кириб олиб,  
уларни ўқбўронга тутди ва душманни бомбаларини  
шошиб-пишиб, ўз окоплари устига ташлашга мажбур  
қилиди. Қапитан Чесловнинг асли мақсади ҳам немис-  
ларни ўз истеҳкомларини бомбардимон этишга мажбур  
қилиш эди ва бутун тадбирини шунга қаратса қурган  
эди. Қуёш остига кириб ҳужум қилиш бу ишга фақат  
бир ёрдамчи бўлди.

Лекин немисларнинг биринчи қатори яна жис-  
лашиди, «чиптаковушлар» танклар ёриб кирадиган  
ерга қараб бормоқда эди. Учинчи звенонинг атакаси  
муваффакият қозонмади. Немислар битта ҳам самолёт  
йўқотмади. Аммо учинчи звенонинг бир қиручи само-  
лёти душман ўқига учиб, нобуд бўлди. Танкларнинг  
ёйилиб атака мэррасига чиқиши яқинлашиб қолган эди.  
Яна юқорига кўтарилишга вақт йўқ эди. Чеслов паст-  
дан атака қилиш қарорига келди. Алексей унинг бу  
қарорини фикран ма’қуллади. Унинг ўзи ҳам «Ла-5»  
нинг тиккасига юқори кўтарилиб маневр қилиш каби  
ажойиб хусусиятидан фойдаланиб, душман самолёти-  
нинг қорнидан бориб солишга иштиёқманд эди. Бирин-  
чи звено тиккасига юқори кўтарилиб кетди ва қато-  
расига чиқаётган ўқлар худди шиддат блан баландга  
отилган фонтанларга ўхшарди. Икки немис самолёти  
бирданига сафдан чиқди. Улардан биттаси, ўқлар тенг



ўртасидан кесиб ташлаганидан бўлса керак, ҳаводаёқ иккига бўлиниб кетди. Унинг қўйруғи Мересьевнинг машинасига тегиб кетишига сал қолди.

— Қараб бор!—деди Мересьев ўз эргаши Петровга ва ручкани ўзига тортди, самолётини тиккасига учишга тўғрилади.

Ер ағдарилиб кетгандек бўлиб кўринди. Худди оғир бир зарба уни ўтирган ерига қаттиқ босгандай бўлиб туюлди. Оғиздан ва лабларидан қон мазаси келарди, кўзларида аллақандай нарсалар жимиirlарди. Самолёт деярлик тикка юқорига учиб бормоқда эди. Алексей ўриндиқнинг орқасига тиранниб учиб бораркан, нишон парраги орасидан «чиптаковушнинг» ола-була қорнини, кулги қистайдиган ва қалин филдиракларига кийгизиб қўйилган чиптаковушларини ва ҳатто уларга аэроромдан ёпишиб қолган бир парча лойни ҳам кўрди.

Алексей иккала гашеткани бирдан босиб юборди. Ўқларнинг душман самолётининг қаерига бориб текканини пайқамай қолди: бакларига тегдими, моторигами ёки бомбалар солинган кассетларигами — билмади, лекин ҳар ҳолда немис самолёти портлаб қуюқ тутун ичидаги йўқолиб кетганини яқъол кўрди.

Мересьевнинг самолёти бирдан четга бурилиб кетди ва бир кўма ўт унинг ёнидан учиб ўтди. Алексей машинасини ётиғига учишга тўғрилаб, осмонга кўз югуртириди. Петров унинг орқасидан, ўнг томондан, совун кўпигига ўхшаш оқ булутлар устидан, поёни йўқ кўмкўй ҳаво ичидаги сузиб келмоқда эди. Ҳаво бўмбўши эди, фақат уфқ томонда, йироқдаги булутлар орасида «чиптаковушларнинг» учиб юргани аранг кўринарди. Алексей соатига қараб, ҳайрон бўлди. У, жанг, ҳеч бўлмаганда, ярим соат давом қилган ва бензин ҳам тамом бўлаётган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Соатига қараса, ҳаммаси бўлиб уч ярим минут вақт ўтипти.

— Тирикмисан?— деди Алексей, ўнгдан «суқилиб» ёнма-ён учиб бораётган Петровга.

Фовур-ғувурлар орасидан қулоғига қувноқ овоз эшитилди:

— Тирикман... Ер... Ерда...

Пастда, ер устида, ўйдим-чукур ва горат бўлиб кетган водида бирнеча жойда қора тутун ичида бензин алангалари бурқсиб, ҳавога оғир кўтарилимоқда эди. Лекин Алексей куйиб, кул бўлаётган бу душман самолётларига қарамади. У, пастда, бутун далада кенг ёйилиб югуриб бораётган кулранг-кўкиш қўнғизчаларга назар солиб борарди. Улар икки сойлик ичидан юриб, душман истеҳкомларига қараб югурап ва олдингилари траншеялар устидан кетма-кет ўтиб, дўнглакчаларидан немис истеҳкомларининг орқа томонига ўт сочиб, жадал илгари босарди; немислар ҳали ҳам улар орқасидан отаётган бўлса-да, улар тўхтовсиз ҳамон олға жиларди.

Бу юзларча қўнғизчалар душманинг вайрон қилинган истеҳкомлари орасига кириб бораётганлигининг оқибати нима бўлишини Мересьев пайқади.

Бунинг оқибатини эртаси куни бутун совет ҳалқи ва жаҳондаги барча ҳурриятпарвар кишилар газеталардан ўқиб, қувончларга тўлдилар. Курск жанг майдони участкаларидан бирида икки соат давом этган кучли артиллерия отишмасидан кейин, армиямиз бутун кучи блан немис мудофаасини ёриб ўтди ва ҳужумга ўтган совет қўшинларига йўл очиб берди.

Капитан Чеслов эскадрильясининг тўққиз самолётидан бугун иккитаси аэроромга қайтиб келмади. Жангда «чиптаковушлар» дан тўққизтаси уриб туширилди. Гап самолётлар тўғрисида борганда, жангнинг тўққиз ва икки талафот бериш блан тамом бўлгани албатта яхши натижа эди. Аммо икки ўртоқдан ажралиб қолиш — ғалаба қувончига доғ бўлиб тушган эди. Учучилар самолётлардан тушишлари блан, ҳарсафар ғолибона жангдан кейин қилганлари сингари, қичқиришиб ғовур кўтармадилар, қўл силкитишиб, жанг ҳангамаларини бир-бирларига ҳикоя қилмадилар. Улар фамғин бир қиёфада штаб бошлиги олдига бориб, ўз ишлари тўғрисида қисқагина доклад қилдилар ва бир-бирларига қарамасдан хомуш жой-жойларига қайтдилар.

Алексей полкда янги киши эди. У ҳатто жангда ҳалок бўлганларининг кимлигини ҳам билмас эди. Шун-

дай бўлса ҳам, у умумий қайғудан ўзини холи ҳис қилолмади. Бугун унинг ҳаётида энг муҳим ва энг катта воқиа рўй берган эди. Шундай кунга мұяссар бўлишни у кўпдан бери орзу қиласар ва бутун жаҳди блан, жон-тани ва ғайрати блан шунга азм қилган эди. Бу воқиа унинг бундан кейинги ҳаёт йўлини ҳал қилди ва уни яна энг соғлом ва жанговар кишилар қаторига келтириб қўшди. У, госпитальда ётган вақтларида, юришни машқ қилган ва танца қилишни ўрганиб, учучилик маҳоратини яна эгаллаб олиш учун зўр бериб ҳаракат қилиб юрган чоқларида, шундай кунга эришишни неча мартабалар орзу қилган эди. Мана бугун у жангга кириб икки немисни самолёти блан яксон қилди; демак, у яна қайтадан қиричилар оиласининг тенгҳуқуқли а'зоси бўлди. Мересьев шундай фикрларни ўйлаб, штаб бошлиғи ҳузурига борди, нечта самолёт уриб туширганини айтди, вазиятни аниқлаб олди ва эргаши Петровни мақтади, сўнгра чиқиб қайнизор томонига қараб кетаркан, бугун жангда ҳалок бўлгандар тўғрисида ўйлади.

Фақат Петров шлёмсиз ҳолда, қўнғир соchlарини серкиратиб, аэродромда югурап ва учраган кишининг қўлидан тутиб ҳикоя қиласарди:

— ... бир вақт қарасам, улар мен блан ёнма-ён учеб борајапти, орамиз қўл чўзса етгудек. Сен гапга қулоқ сол... қарасамки, старший лейтенант олдинда бораётганини нишонга олаяпти. Мен ҳам дарров ёнидагисини нишонга олдим-да, қарсиллатиб отиб ташладим!

У, юрганича Мересьев ёнига борди, ўзини унинг оёғи учидаги юмшоққина кўкатлар устига ташлаб чўзилди, броқ чўзилиб ётишга юраги чидамай, сакраб ўрнидан турди:

— Бугун жуда ҳам дўндириб чарх-фалак қилдингиз-да! Қулинг ўргилсин дегандай иш бўлди! Кўзим тиниб кетди... Биласизми, мен уни қандай боллаб туширдим! Сиз фақат қулоқ солиб туринг... Орқаңгиздан учеб бораётган эдим, қарасам ёнгинамиздан учеб борајапти, қўл чўзса етади, орамиз худди ҳозир сиз блан мен турган ерча келади...

— Тўхта, оғайни,— деди Алексей унинг сўзини бўлиб ва чўнтакларини кавлайбошлади.—Хатлар қани, қаерга қўйдим мен уларни?

Унинг эсига бугун эрта блан олиб ўқишга улгуролмай қолган хатлар келди. Чўнтакларини кавлаб, хатларни тополмагач, а’зойи-баданини совуқ тер босди. Сўнгра, кўйлаги тагини кавлаб, кўкрагидан шиқирланган конвертларни топди-да, енгил нафас олди. Олядан келган хатни олиб, қайнин дарахти тагига сурилиб ўтирди. Бугун завқи жуда ҳам қайнаб тошган дўстининг сўзларига қулоқ солмай, конверт ичидан бир парча қофозни авайлаб чиқарабошлади.

Шу тобда ракетница қарсилашиб отилди. Илондек эланг-беланг чўзилиб кетган қизил учқунлар аэропром устида камалак бўлиб сўнди ва чўзиқ кўкиш тутуни секин-секин тарқалабошлади. Учучилар иргиб ўрнидан туришди. Алексей югуриб боратуриб, хатни қўлтиғига солди. У, хатнинг бир йўлини ҳам ўқийолмади. У, конвертни очгандан кейин унда почта қофозидан бўлак яна қандайдир қаттиқроқ бир нарса борлигини сезди. Уз звеносининг олдида бояги йўлдан учиб бораракан, ҳар замон кўкрагидаги хатни пайпаслаб кўрарди. Ичидаги нима экан?

Танк армияси ҳужумга ўтган кундан бошлаб, Алексей ҳозир хизмат қилаётган гвардиячи қиручи полкнинг жанговар ишлари қизиб кетди. Ҳужум жанглари бораётган ернинг тепасида бир эскадрилья ўрнига иккинчи эскадрилья келиб турарди. Эскадрилья жангдан чиқиб ерга қўнар-қўнмас, унинг ўрнига иккинчиси учиб бораради, ерга қўнганларнинг бакларига дарров шалдиратиб бензин қуюлабошланарди. Қизиб кетган моторларнинг тепаси, қақраган далага ёзда ёққан ёмғирдек сароб сингари аранг буғланиб турарди. Учучилар кабинадан тушмасдан шайланиб турардилар. Ҳатто уларга овқатни ҳам аллюмин котелокларда шу ерга келтириб берардилар. Броқ ҳечкимнинг овқат егиси келмасди. Ҳамманинг фикри-зикри бошқа нарсага банд эди. Овқат томоқдан ўтмас эди.

Капитан Чеслов эскадрильяси яна ерга қўниб, самолётлар ўрмон тагига олиб борилиб бензин қуйилаёт-

гандада, Мересьев кулимсираб кабинада ўтиради. У, роҳат қилиб ҳордиқ оларкан, бетоқатланиб осмонга қарап ва бензин қуючиларга бақириб, тезроқ бўлинг, деб қистарди. Унинг қайта-қайта жангга кириб, ўзини яхшилаб синовдан ўтказгуси келарди. У, ҳарзамон қўлини қўлтиғига уриб, шиқирлаб турган конвертларни текшириб кўрарди, лекин ҳозирги қисталанг пайтда хат ўқишига рағбати йўқ эди.

Кечқурун, армиямиз ҳужум қилиб бораётган доира устини қуюқ қоронфилик қоплагандан кейин, учучиларга жой-жойларига боришга рухсат этилди. Мересьев одатдагича йўлни қисқа қилиб ўрмон ичидағи сўқмоқдан юрмасдан, айланма қилиб ўсиқ шўразорлар орасидан юриб борди. Унинг мақсади фикри-хаёлини бир ерга йигиб дам олиш ва бугунги тинимсиз ғовуруғувурлар, турли-туман таассуротлардан холи бўлиш эди.

Кеч пайти очиқ, хушбўй ва осойишта эди; узоқдан гумбирлаб эшитилаётган тўп овозлари ҳозир жанг ғовурига эмас, ўткинчи момоқалдироққа ўхшар эди. Ўртасидан йўл тушган бу ерлар илгари қорабуғдой экилган ерлар эди. Ҳозир эса ҳамма ерии шўралар қоплаб олган эди. Одатда қаровсиз қолган жойларда ўсиб, майда ўт-ўланларнинг ширасини сўриб оладиган бу беор ёввойи ўсимлик меҳнаткаш авлодларнинг пешона териси блан унумдор бўлган бу ерларнинг юзини қоплаб, ғужғон бўлиб серрайиб турмоқда эди. Фақат унда-мундагина ўз-ўзидан ўсиб чиққан яккадукка жовдарлар кўринарди, уларнинг бошоқлари ҳам шўралар орасида сиқилиб мирайиб турарди. Беор шўралар ернинг бутун кучини сўриб, қуёш нурларининг ҳаммасини ўзича тортиб, бечора жовдарларни озиқсиз ва нурсиз қолдирган эди, шунинг учун жовдарлар бош тортиб, гулга кирмасдан хазон бўлгач эди.

Мересьевнинг хаёлига шундай бир фикр келди: немислар ҳам худди шу сассиқ шўралар сингари бизнинг еримизда илдиз отмоқчи бўлган эди; улар ҳам бизнинг ширамизни сўриб, бойлигимизни оёқ ости қилмоқчи ва бизни қуёш нурларидан маҳрум қилмоқчи бўлган эдилар; меҳнатсевар қудратли халқни ўз

еридан, боғ-роғидан, пойз-пайкалларидан суреб чиқарыб, худди ана шу беор шўралар жовдар бошоқларини сиқиб, бўғиб ташлагандай, бўғиб ташламоқчи бўлган эдилар Шу вақтда Алексейнинг болаларча шўхлиги тутиб кетди; қўлидаги таёфи блан сассиқ алафларни калтаклайбошлади; беор шўраларнинг даста-даста бўлиб узилиб тушаётганини кўриб қувонди ва уларни яна қаттиқроқ савалади. Унинг юзларини тер босди, шундай бўлса ҳам у тинмасдан жовдарларни бўғиб олган шўраларни калтаклайберди, у бу кураш ва ҳаракатдан ҳоргин баданида қувноқлик наш'у намосини тотмоқда эди.

Тўсатдан орқасидан «виллис» нинг товуши эшитилди ва машина келиб йўл устида тўхтади. Мересьев орқасига қарамасдан, келган киши полк командири эканлигини пайқади ва ўзининг бундай болаларча қилиқ қилиб турганидан уялди. Алексей, уялганидан қулоқларигача қизариб кетди ва ўзини билмасликка солиб, ҳассаси блан ерни чўқилайбошлади.

— Қиличбозлик қилаётимизми? Бу ҳам яхши касб. Мен тамом аэродромни излаб чиқибман: қаҳрамонимиз қани, қаёқда қолди, қаҳрамонимиз, деб қидириб юрибман. У бўлса мана бу ерда, шўралар блан жанг қилиб юрипти.

Полковник сакраб «виллис»дан тушибди. Унинг ўзи машинани яхши ҳайдарди ва бўш вақтларида машинага тушиб айланиб юришни яхши кўрарди. У, ўз полкини энг қийин топшириқни бажаришга бошлаб боришга ва сўнгра кечқурунлари техниклар блан бирга мойга беланиб самолётнинг моторларини кавлаб, тузатиб юришга қандай ишқибоз бўлса, автомобильга ҳам шундай ишқибозлик блан қаарарди. Одатда у кўк комбинезон кийиб юрарди ва уни фақат жиддий қиёфасидан ҳамда бошига шинам қўндирилган ёзлик шапкасидан таниб, қора мойга беланиб юрган бошқа механиклардан ажратиш мумкин эди.

У бориб, уялганидан ҳали ҳам ер чуқилаб турган Мересьевнинг елкасидан ушлади.

— Қани баққа қаранг-чи, афтингизни бир кўрай. Бундақа эканлигингизни ким билар эди, дейсиз. Ана

Энди очиқ айтишим мүмкин: сизни юборган вақтларийда мен ишонмаган эдим, армияда сиз түфриңизда қанча гапирган бўлсалар ҳам ишонмаган эдим, жангга тоб беролмайсиз, деб ўйлаган эдим. Энди билсан, жангга тоб бериш ўёқда турсин... мана она Ватанимиз Россиянинг қудрати қандай! Табриклайман. Қутлайман, қойилман. Хўш, сиз қайси томонга борасиз? Каламушхонагами? Қани ўтилинг, олиб бориб қўйай.

«Виллис» юриб кетди, у дала йўлидан бор шахти блан югурап ва қайрилмаларда, самолёт осмонда чарх-фалак қилгандек, тўхтовсиз бурилиб кетарди.

Командир машинани усталик блан йўлсиз дараҳтзорлар орасидан ва тепаси дўнгалак бўлиб турган ертўлалар, учучилар тили блан айтилганда, «каламушхона» ёнидан чоптириб бораркан, Мересьевга қараб деди:

— Хўш, балки сизга бирон нима керакдир? Балки бирон нимадан қийналаётгандирсиз? Тортинмасдан айтаберинг, сизнинг ҳақингиз бор сўрашга.

— Ҳечнима керак эмас, ўртоқ полковник. Мен ҳам кўп қаториман. Яхшиси шуки, менинг оёқларим йўқлигини хаёлингизга ҳам келтирмасангиз.

— Рост. Тўғри айтасиз. Қайсибири сизнинг ертўлангиз? Ана шунисими.

Полковник ертўла олдида машинани тўхтатди. Мересьев тушиши блан «виллис» яна жадал югуриб шохчаларни қасирлатиб дараҳтлар орасига кириб кетди.

Алексей ертўлага кирмади. Бир қайнин дараҳти тагига бориб, намга беланиб юмшоқцина бўлиб ётган ва қўзиқорин ҳиди анқиб турган кўкатлар устига чўзиди-да, конвертдан авайлаб Олянинг хатини олди. Қўлига қандайдир бир сурат илиниб ерга, кўкатлар устига тушди. Алексей уни дарров чанглаб қўлига олди. Юраги қаттиқ урабошлиди.

Суратдан асли таниш бўлса ҳам, лекин ҳозир тамоман бошқача қиёфада бўлган киши қараб турарди. Оля ҳарбий кийим блан суратга тушган эди. Танида гимнастёрка, устидан камар ва елкадан ўтказиб портупея тортилган, кўкрагида Қизил Юлдуз ордени ялти-

раб турарди ва ҳатто гвардия значоги ҳам бор — буларнинг ҳаммаси қизга жуда ярашиб тушган эди. Оля офицер формаси кийган нозиккина ва чиройли ёш болага ўхшарди. Лекин унинг юзларида ҳорғинлик аломати бўлиб, катта-катта шаҳло кўзлари порлаб, улуссимон кишилардек ўткир боқарди.

Алексей бу кўзларга узоқ тикилиб турди. Кўнгли орзиқиб, илиққина ғамгин меҳрга тўлди; кечқурунги пайтларда бирон севган ашула оҳангини узоқдан эшитганда худди шундай ма'юс бўласан киши. У чўнтағини кавлаб Олянинг илгариги суратини топди. Қиз бу суратда чаманзор ичида, юлдуздек сочилиб турган оқ гуллар орасида, гулдор кўйлаги блан тушган эди. Шуниси қизиқки, қизнинг ҳозир бундай ҳарбий форма кийиб ва ҳорғин кўзларини сузиб туриши негадир унга кўпроқ ёқди, ўзига яқинроқ туюлди. Суратниг орқасида: «Унутма» деб ёзилган эди.

Хат қисқа ва завқ блан ёзилган эди. Қиз ҳозир сапёrlар взводига командирлик қилар экан. Взводи ҳозир урушда эмас экан. Тинчлик ишлари блан машғул экан. Улар ҳозир Сталинградни тиклаш ишларини бажараётган эканлар. Оля ўзи тўғрисида кам ёзган эди. Аммо улуғ шаҳар тўғрисида, унинг харобаларининг тузалаётганлиги тўғрисида шавқ блан ҳикоя қилган эди: ҳозир мамлакатнинг ҳар томонидан хотин-қизлар, ўспириналар ўз юртларига қайтиб келиб, урушдан қолган ертўлаларда, бункерлар, блиндажларда, дотларда ҳамда темирийўл вагонларида, фанердан ясалган баракларда туриб, шаҳарни қайтадан қурмоқдалар ва тикламоқдалар. Айтишларига қараганда, қурилишда ким яхши иш кўрсатса, қайтадан қурилган Сталинграддан яхши уй берилар экан. Агар шундай бўладиган бўлса, жуда соз; демак, билгинки, Алёша, урушдан келганингда сенинг ҳам дам оладиган жойинг бўлади.

Тез орада қоронги тушди. Хатнинг охирги сатрларини Алексей чўнтақ фонари блан ёритиб ўқиди. Хатни ўқиб бўлгандан кейин фонарини яна суратга тўғрилади. Ёш болага ўхшаган солдатниг кўзлари жиддий ва ҳалол қараб турарди. Жонгинам, жонгинам биламан,

ҳақиқатан сенга қийин... Урушдан сен ҳам четда қолмабсан, лекин ҳар ҳолда уруш сенинг руҳингни синдираолмапти! Кутасанми мени? Кут, бораман! Севасанми мени? Сев, жоним, сев, севгингга вафо қиласман! Шу тобда Алексей бирдан уялиб кетди: бир ярим йилдан бери ўз бошига тушган кулфатни Сталинград жангчисидан яшириб келганидан уялди. У ҳозирнинг ўзидаёқ ертўлага тушиб, бошдан ўтганларнинг ҳаммасини қизга очиқ айтиб, адл ёзмоқчи бўлди: билсин ва фикрини ҳозирдаёқ айтсин, бу масала қанча тез ҳал бўлса, шунча яхши. Иш тезроқ бирёғлиқ бўлса, мен ҳам жонимни қийнаб юрмайман, унинг ўзи ҳам.

Бугун кўрсатган ишидан кейин Алексей Оля блан дадил гапираволар эди. У ҳозир фақат ҳавода учибина юрмайди, балки уруш ҳам қиласди. У бир вақтлар ўзига сўз бериб айтган эди-ку: ё бутун ҳаракатим бекорга кетиб, умидим пучга чиққанда, ёки кўп қатори жангда иштирок қилиб бошқалардан қолишмасдан иш кўрсатганимда ҳамма воқиани баён қилиб унга хат ёзаман. Ҳозир у ўз мақсадига эришди. Ҳамманинг кўзи олдида икки немис самолётини уриб туширди. Буни навбатчи журналга ёзив ҳам қўйди. Бу тўғрида ҳозир дивизияга, армияга ва ҳатто Москвага ҳам хабар бориб етгандир.

Шундай қилиб, қасам ўрнига қўйилди; демак, энди ёзиш мумкин. Лекин ҳақиқатни суриштирганда, шу «чипта ковуш» ҳам қиручи самолёт олдида зўр душман бўлиптими? Ҳечбир уста овчи, масалан, мен бугун қуён отдим, деб мақтамайди-ку!

Ўрмонни нам аралаш илиқ ва қуюқ қоронғилик босди. Энди, уруш гулдироқлари жанубга кетиб узоқлашганидан ва йироқдаги ёнғинларнинг аланглари қалин шохчалар орасидан аранг кўринадиган бўлганидан сўнг, гулга ботиб хушбўй ҳид сочиб ётган ўрмоннинг тунги шалдир-шулдирлари, сўзанакларнинг визиллаши, чигирткаларнинг чириллаши, ўрмон ёқасидаги ботқоқликдаги юзларча қурбақаларнинг вақир-вуқурлари, қарқуноқнинг қарқиллаши барака эшитилмоқда эди; лекин булбулларнинг жўр бўлиб сайраши булар-

нинг ҳаммасини босиб, намлиқ хирад ўрмонни таомом қоплаган эди.

Алексей ҳали ҳам қайин дарахти тагида, намланган юмшоқ кўкатлар устида ўтироқда эди; ойнинг дарахтлар орасидан тушган ола-чалпоқ шу'ласи унине оёқлари учida ўйнаб турарди. У яна чўнтагини кавлаб, суратни олди ва тиззаси устига тушиб турған бир парча ой шу'ласига тутиб, хаёлга кетди. Тепада, ёруғ ва кўкимтири осмонда жанубгә қараб учиб бораётган тунги бомбардимончиларнинг қораси дарахтлар орасидан кўзга аранг чалинарди. Уларнинг моторлари тўхтосиз гулдирав, лекин урушдан хабар беручи бу овозлар ҳозир ой нурига ва булбулларнинг хушхон товушларига гарқ бўлиб ётган бу ўрмонда, худди тилла қўнғизларнинг тинчгина ғўнғиллашига ўхшарди. Алексей бир уф тортиб қўйди-да, суратни гимнастёркаси чўнтаига солди, ўрнидан сакраб туриб, кечанинг бу сеҳрловчи жодуларини ўзидан силкиб ташлади ва шохчаларни қасир-қусир босиб, ертўласига бориб кирди; ертўлада шериги Петров кичкина солдатча супада арслондек чўзилиб қаттиқ хуррак отиб, маза қилиб ухларди.

## 5

Тонг саҳарда учучилар уйғотилди. Армия штабига, совет танкчилари ҳужум қилиб ёриб ўтган жойда кеча немисларнинг жуда кўп самолётлардан иборат катта ҳаво қўшилмаси пайдо бўлди, деган разведка ма'lумоти келган эди. Ердан кузатилган ва агентларнинг хабарлари блан тасдиқланган ма'lумотларга қараб, немис қўмондонлиги Курск ярим доирасининг энг муҳим еридан совет танкчиларининг ёриб ўтиши натижасида туғилган хавфнинг оқибати нима бўлишини билиб, бу ерга «Рихтгофен» ҳаво дивизиясини чақирган, деган холосага келиш мумкин эди. «Рихтгофен» дивизияси Германиянинг энг уста учучилари блан тўлдирилган эди. Бу дивизия сўнгги мартаба Сталинград устида бўлган жангларда тор-мор қилинган эди, немислар уни қаердадир ўз орқа томонларида қайта-

Дан тұлдириб ишга солған әдилар. Полкка хабар қилиниб қўйилган эдикі, душманнинг бу кучлари соң жиҳатидан кўп бўлиб, янги чиққан «Фокке-вульф-190» самолётлари блан қуролланган ва учучилари тажриба кўрган кишилардир. Ҳушёр бўлмоқ керак, душман сафларини ёриб ўтган танкларимиз орқасидан кечаси юриш бошлаган ҳаракатчан қисмларни қаттиқ ҳимоя қилмоқ керак, деб буюрилган эди.

«Рихтгофен»! Тажрибали учучилар, Геринг-нинг шахсий оталигига бўлган бу дивизиянинг нималигини яхши билар әдилар. Немислар типирчилаб қолган ерда дарров шу дивизияни ишга солардилар. Бу дивизиянинг учучилари усталик блан, ваҳшиёна жанг қилар эди ва уларнинг бир қисми республикачи Испания устида босмачиларча ҳаракат қилиб, уста бўлиб қолган эди; шунинг учун бу дивизия энг хавфли душман саналарди...

— «Рихтгофен» деган қандақадир самолётлар бизнинг устимизга келган эмиш. Қани ҳозир шулар блан бир учрашсак эди! «Рихтгофенлари»ни бир боплаб савалар эдик-а! — деб гап сотарди ошхонада Петров; ўшшиб-пишиб завтрак қилар ва кўз таги блан очиқ ойнадан, ташқарида даста-даста гул териб снаряд гильзасидан ясалган ва бўр блан тозалланган стаканларга солаётган официантка Раяга қараб-қараб қўярди.

«Рихтгофен» тўғрисидаги бу жангаралик гаплари, албатта, кофесини ичиб тамом қилаётган Алексейга эмас, балки бояги официантка қизга қаратилган эди; қиз ҳам гул тературиб, чиройли ва келишган Петровга дамба-дам кўз қири блан назар ташлаб қўярди. Уларнинг бу қилигини кўрган Мересьев кулимсираб ўтиради. Лекин гап ишга келиб тақалганда, унинг ҳазилга ва қуруқ гапларга тоби йўқ эди:

— «Рихтгофен» дегани қандақадир «Рихтгофен» эмас,— деди Алексей,— бунинг ма’носи: агар бугун шўразорга йиқилиб, шўралар блан куйиб жингак бўлмай десанг, ҳушёр бўл, орқа-олдингга қараб юр, демакдир. Қулоқларингни динг қилиб юр ва шеригингдан узилиб қолма, демакдир. «Рихтгофен» дегани

шундай йиртқич ҳайвонларки, бўш келиб қолсанг, ҳашпаш дегунча икки ямлаб,— бир ютади...

Тонг отар-отмас биринчи эскадрилья полковникнинг ўз қўмондонлиги остида ҳавога кўтарилиди. Биринчи эскадрилья жанг қилиб турганда, ўн икки қиручиндан иборат иккинчи группа учишга тайёрланмоқда эди. Бу группани полкда командирдан кейин энг тажрибали учучи бўлган Совет Иттифоқи Қаҳрамони гвардиячи майор Федотов бошлаб бормоги керак эди. Машиналар шай бўлиб, учучилар ўз кабиналарида ўтирган эди. Моторлар секингина ғилдираб турарди, шундан ҳам ўрмон ёқасида шамол қўзғолиб, ерни супуран ва дараҳтчаларни силкитарди; бу худди қақраган катта-катта томчилаб ёғадиган ёмғир олдидан иссиқ ҳавода қуюн кўтариб, ердаги ҳас-ҳашакларни супуриб кетадиган шамолга ўхшарди.

Кабинада ўтирган Алексей жангдан қайтган биринчи группа самолётларнинг шиддат блан тикка ерга тушишига қараб турарди: у, беихтиёр, ерга қўнаётган самолётларни санади ва ерга қўнган икки самолёт оралигини бўш кўриб, ҳаяжонга тушди. Шу тобда охирги самолёт қўниб ўз ўрнида турди, ҳаммаси жойида! Алексей кўнгли енгил тортди.

Энг охирги самолёт ерга қўниб, чеккага тортилиши блан, майор Федотовнинг «бирламчиси» ҳавога кўгарилиди. Қиручи самолётлар жуфт-жуфт бўлишиб уча бошладилар. Улар ўрмон орқасида сафга тизилиб олдилар. Федотов қанотларини ланғиллатиб йўл олди. Улар кеча танклар ёриб ўтган доира бўйлаб эҳтиёглик блан паст учеб бормоқда эдилар. Ҳозир Алексей самолёти остидаги ерда нарсалар кечагидек узоқдан кичкинагина, ўйинчоқдек бўлиб эмас, балки яқиндан ҳақиқий тусда кўринар эди. Кеча унинг кўзига ўйиндеқ бўлиб кўринган нарса, бугун жуда катта, даҳшатли жанг майдони бўлиб кўринмоқда эди. Үқ ва бомбалардан ғорат бўлган ерлар, вайрон бўлиб ётган окоп ва траншеялар кўкатзор ва дараҳтзорлар орасидан яққол кўриниб, тез орқада қолиб кетмоқда эди. Далада ўликлар, эгалари ташлаб қочган тўплар якка-дукка бўлиб ёки ҳар жойда тўпланиб ётарди; артиллерия аскарла-

римизнинг ҳужумини пана қилған жойларда шикастланган танклар ва узунасига устма-уст қалашиб кетган темир-терсаклар ва майдаланиб кетган дараҳтлар кўзга чалинарди. Артиллерия ўқлари тепасини шилиб кетган катта бир ўрмон орқага қараб сузиб кетмоқда эди. Юқоридан у худди кўп пода юриб, поймол қилиб ташлаган экинзорга ўхшарди. Буларнинг ҳаммаси кино лентаси сингари тез ўтиб борар ва бу лентанинг ҳеч-бир поёни йўқдек кўринарди.

Буларнинг ҳаммаси бу ерда жуда қаттиқ жанглар бўлганидан, кўп қон тўкилганидан, катта талафот берилганидан ва бунда эришилган ғалабанинг улуг-ворлигидан далолат берарди.

Танкларнинг ўрмаловчи филдираклари кенг майдонда икки қатор эгри-буғри излар қолдириб кетган эди. Бу излар тобора ичга кириб, немис истеҳкомларига қараб чўзилиб борарди. Уларнинг сон-саноғи йўқ эди. Бу изларни ҳамаерда кўриш мумкин эди; улар то уфқ-қача чўзилиб кетган бўлиб, худди жуда кўп нома'лум йиртқичлар подаси далаларда тўғри келган жойдан юриб жанубга қараб кетгандек кўринарди. Илгарилаб кетган танклар орқасидан эса моторлаштирилган артиллерия, бензиноцистерналар, тракторлар тортиб бораётган улкан кўчма мастерскойлар ва усти брезент блан қопланган юқ автомобильлари йўлни тўлдириб, тўс-тўполонини чиқариб бормоқда эди; осмондан улар жуда секин юргандек бўлиб кўринарди; қиручи самолётлар юқори кўтарилиганда, буларнинг ҳаммаси баҳор фаслида изма-из тизилиб кетадиган чумолиларга ўхшаб кўринди.

Дим ҳавода жуда юқори кўтарилиган бу чанг-тўзонлар кўмаси орасида қиручилар булутлар орасида учгандек учиб, колоннанинг олдида бораётган «виллислар» устига етдилар; бу «виллисларда» афтидан танк бошлиқлари бораётган эди. Колонна устида осмон бўмбўш эди. Аммо йироқроқда, туман қоплаб турган уфқ ёнида паст-баланд бўлиб чиқаётган жанг тутунлари кўринмоқда эди. Самолётлар орқага бурилди ва думба-дум бўлишиб осмон тагига кириб кетди. Худди шу пайтда Алексей уфқ чизиги ёнида паст учиб кела-

ётган бир қора кўрди; сўнгра бу қора аридек кўпайиб кетди. Немислар! Улар ҳам пастлашиб учиб келмоқда эди ва худди шўразор далаларни қоплаб келаётган чанг-тўзонларни кўзлаб келаётгандек кўринарди. Алексей беихтиёр атрофга аланглаб қаради. Эргаши Петров орани сал очиқ қўйиб юриш қоидасига амал қилиб, орқадан келмоқда эди.

Алексей диққат блан қулоқ солиб туриб, узоқдан келаётган товушни эшитди:

— Мен Чайка-2, Федотов; мен—Чайка-2, Федотов. Диққат! За мной!

Ҳавода ана шундай интизом бор; унда ҳарбир учучининг асаблари ниҳоят даражада сезгири бўлади; у ўз командирининг буйруғини охиригача эшитмасданоқ, пайқаб олиб, бажаришга киришади. Йироқдан, ғовур-ғувурлар орасидан, янаги команда сўзлари қулоққа чалиниши блан бутун группа жуфт-жуфт бўлиб, жипс саф тортиб бориш қоидасига амал қилгани ҳолда, немисларга човт солишга юзланди. Бутун диққат ва э’тибор бир нуқтага тўпланди: қулоқлар динг, кўзлар ола-зарак бўлиб турди, фикр бир ерга йиғилди. Алексей кўз олдида тобора улканлашиб келаётган бегона самолётлардан бўлак ҳечнимани кўрмас эди; шлём наушникларидағи ғовур-ғувурлардан бошқа ҳечнимани эшитмас эди. Фақат қулоқ солиб командир буйруғини кутарди. Бирдан у, буйруқ ўрнига, бегона тилда ҳовлиқиб гапираётган сўзларни яққол эшитабошлади:

— Ахтунг! Ахтунг!.. «Ла-Фюнф» Ахтунг!\* — деб бақиқарди бирор; афтидан, бу немисларнинг ердаги наводчиги (нишон кўрсатучиси) булиб, у ўз самолётларини хавфдан огоҳлантироқда эди.

Немисларнинг бу машҳур авиация дивизияси ўз одатича ишига жуда бино қўйиб, жанг майдонида кўп наводчиклар ва ердан кузатучилар келтириб қўярди; уларни кечаси ҳаво жангига бўлиши мўлжалланган ерга радио эшиттиручи аппаратлар блан бирга парашютларда ташларди.

Яна немисча тилда жаҳл блан хириллаб гапираётган бошқа бир овоз эшитилабошлади:

\* Диққат! Диққат!.. «Ла-беш». Диққат! — Тарж.

— О, доннер-вett'ер! Линкс «Ла-фюнф»! Линкс «Ла-фюнф»!\*

· Бу овозда руҳсизлик ва безовталик оҳанги бор эди.

— «Рихтгофен», ҳа, «лавочкинлардан» қўрқар экансан-ку,— истеҳзо блан деди Мересьев саф тортиб яқинлашиб келаётган душман самолётларига қараб; шу пайтда унинг а'зойи-бадани енгил тортиб, кўнгли завққа тўлди ва ҳатто бошдаги соchlари ҳам силкиниб кетди.

У, душманга яхшилаб разм солиб қаради. Булар қиручи штурмчи «Фокке-вульф-190» самолётлар бўлиб, кучли, чаққон ва яқиндагина чиққан самолётлар эди ва совет учучилари уларга «фока»(«елкан») деб ном ҳам қўйған эдилар.

Уларнинг сони икки ҳисса ошиқ эди. Улар «Рихтенгофен» дивизиясининг одатига кўра тўғри сафга тизилиб, шотидай жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирининг қўйруғини пана қилиб келмоқда эди. Федотов юқорида, қулай вазиятда бўлганлигидан фойдаланиб, ўз группасини атакага бошлаб борди. Алексей бир душман самолётини фикран мўлжалга олиб, бошқаларидан кўзини узмай, ҳужумга борди ва уни нишондан қочирмасликка ҳарарат қилди. Лекин шу вақтда кимdir Федотовдан олдин ўтиб кетди. Кимнингдир группаси «яклар» блан иккичи томондан кириб, юқоридан немислар устига шиддат блан атака қилди ва шу ондаёқ немисларнинг сафини бузиб юборди. Ҳавода ола-тасир жанг бошланди. Йкки томон ҳам иккита-иккита ва тўртта-тўрттага бўлиниб жангга киришиб кетди. Қиручи самолётлар қаторасига ўқ узиб душман йўлини тўсишга ва орқа томондан кириб, ёндан атака қилишга тиришиди.

Жуфт-жуфт самолётлар айланишар, бир-бирини қувишарди; гулдираган, варанглаган, қасирлаган товушлар ва ўқ-ўт бўрон ҳавони тамом қоплаган эди.

Фақат тажриба кўрган кўзларгина бу ола-тасирда нима бўлаётганини кўраолар ва фақат тажрибали қулоқларгина бундаги ғовур-ғувурлардан бирнимани ажратиб олабиларди. Ҳавода ҳозир не-не овозлар

\* Вой, худо урди! Чап томонда «Ла-беш!». Чап томонда «Ла-беш!» — Тарж.

Эшитилмаётган эди: атака қилиб бораётганинг болаҳонадор сўкишлари, самолёти блан бирга уриб туширилганинг дод-фар'ёди ва енгучининг ғолибона ҳайқириғи, ярадорнингвой-войлаши ва чарх-фалак бўлиб айланавётганинг тишларининг ғижирлаши ва хириллаб нафас олиши — ҳаммаси эшитилиб турарди. Бирор жангдан эсанкираб ёт тилда қўшиқ айтар, бирор ёш боладеквой-войлаб «онажон» деб қичқирап, бирор, чамаси гашеткани босиб, жаҳл блан: «Мана сенга, мана сенга, мана сенга!»— дер эди.

Мересьев нишонга олган душман самолёти кўздан ғойиб бўлди. Унинг ўрнига ўзидан юқорироқда учайётган «як»ни кўриб қолди; унинг думига қанотлари диккайиб турган ва гавдаси дарвозага ўхшаган «фока» маҳкам осилиб олган эди. «Фока»нинг икки қанотидан қатор тизилиб чиқаётган ўқлар «як»га учиб келмоқда эди. Ўқлар «як»нинг қуйруғига келиб тегди. Мересьев ўқдек отилиб тикка юқори кўтарилиди ва «як»ни қутқаришга шошилди. Кўз очиб юмгундек фурсат ўтгунча унинг устида бир қора кўланка пайдо бўлди ва у бутун қуролидан бу кўланкани ўққа тутишга тиришди. «Фока»нинг нима бўлганини у кўрмай қолди. Броқ «як» шикастланган қуйруғи блан якка ўзи нарига учиб кетганини яққол кўрди. Мересьев аланглаб атрофига қаради: эргаши Петров бу тўс-тўполон ичидаги йўқолиб кетмадимикин? Йўқ, у деярлик ёнма-ён бормоқда эди.

— Кейинда қолиб кетма, оғайни,— деди Алексей унга.

Қулоқлари ичи ғувиллар, жаранглар, икки тилда ғолибона ҳайқиришлар, даҳшатли бақиришлар, хириллаб нафас олишлар, тиш ғижирлатишлар, сўкишлар эшитиларди. Гўё қириучи самолётлар ҳавода курашаётгандек эмас, балки душманлар ерда ёқама-ёқа олишиб, ҳансираб, бўғилиб, юмалашиб уришаётгандек туюларди.

Мересьев душман самолётини мўлжаллаб ҳавога кўз югуртириди ва бирдан елкаси жимиirlаб, юраги арзиқиб кетди ва ҳатто орқа соchlари ҳам силкиниб тиккайди. У, ўзидан сал пастроқда «Ла-5»ни ва унга тепадан ҳужум қилаётгани «Фока»ни кўриб қолди. У,

совет самолётининг номерини аниқлайолмади, лекин сезги блан бу Петровнинг самолёти эканини дарров пайқади. «Фокке-вульф» бутун қуролларидан ўқ ёғдириб унга ҳужум қилиб бормоқда эди. Петровнинг умри тамом бўлишига кўз очиб юмгудек фурсат қолган эди. Улар жуда яқинда жанг қилаётганидан, Алексей ҳаво жанги қоидасига амал қилиб, дўстига ёрдамга боромас эди. Самолётни айлантириб олиб келиш учун фурсат ҳам, ўрин ҳам йўқ эди. Мересьев дўстининг ҳаёти таҳлика остида қолганини кўриб, таваккалига ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Машинасининг тумшуғини тиккасига пастга эндириб, шиддат блан ҳайдади. Самолётнинг ўз оғирлиги, моторининг қаттиқ ишлаши бирга қўшилиб, худди осмондан тушаётган тошдек, тош эмас, балки ўқдек шашт блан физиллаб калта қанот «Фока» устига тушмоқда ва уни қаттиқ ўққа тутиб келмоқда эди. Мересьев ақлига сра сифмайдиган бундай телбаларча тез ҳайдашдан эси-ҳушини йўқотиб қўяётганини сезиб, пастга шўнғиб кетди ва қонга тўлган кўзлари блан худди самолётининг тумшуғи олдида «Фока»нинг портлаб, қора тутун ичиди қолганини аранг кўриб қолди. Петров қани? У, йўқ эди. Қаерда қолди у? Уриб туширилдими? Ўзини ерга ташладими? Еки кетиб қолдими?

Осмон бўмбўш эди. Йироқдан, кўзга кўринмайдиган самолётдан, ҳозир жимжит бўлиб қолган ҳавода овоз эшитилди:

— Мен — Чайка-2, Федотов, мен — Чайка-2, Федотов. Менинг орқамдан тизилишинг, менинг орқамдан тизилишинг. Манзилга қайтдик. Мен — Чайка-2...

Чамаси, Федотов ўз группасини олиб қайтмоқда эди.

Мересьев, «Фокке-вульф»нинг қасосини бергандан кейин, ўз самолётини телба-кезик шўнғишдан чиқарди; у ҳансираф нафас олар, осойишталикдан оромланиб, хавф-хатардан кутилганига қувонар, ғалабасига суюнار эди. У, манзилга қайтиладиган йўлни аниқлаш учун компасга қаради-да, бирдан қовоқлари солинди: бензин жуда оз қолган эди ва аэродромгача етиши гумон эди. Броқ шу тобда бундан хавфлироқ бир нарсани кўриб қолди. Барра булутлар орасидан тўсатдан

бир «Фокке-вульф 190» чиқиб қолди; қаерданdir пайдо бўлган бу душман самолёти тикка унинг устига бостириб келмоқда эди. Ҳозир ўйлашга фурсат ҳам, кетишга йўл ҳам йўқ эди.

Икки душман шиддат блан бир-бирига ҳезланди.

## 6

Хужум қилаётган армиянинг кети узилмасдан бора. ётган йўллар тепасида бошланган ҳаво жангининг шовқин-сурони фақат бир-бири блан олишаётган самолётларнинг кабиналарида ўтирган учучиларгагина эши-тилаётгани йўқ эди.

Бу шовқин-суронлар аэроромдаги кучли радио аппарати (рация) орқали гвардиячи қиручи полкнинг командири полковник Ивановга ҳам эшитилди. У, тажрибали уста учучи бўлганидан, ҳаводан эшитилаётган ғовур-ғувурларга қулоқ солиб, қизғин жанг бораётганини, душман қаттиқ қаршилик кўрсатиб, осмонни бўшатиб беришга унамаётганини сезди. Федотов йўллар устида қаттиқ жанг қилаяпти, деган хабар тездан аэроромга тарқалди. Ҳаммалари ўрмондан майдончага югуриб чиқишиб, самолётлар қайтиб келадиган томонга — жанубга қараб безовталаниб турдилар.

Халат кийган врачлар ниманидир чайнаб, ошхонадан югуриб чиқдилар. Тепасига қизил крест расми катта қилиб туширилган санитар машиналар, филдек ҳаланглаб, бутазорлар орасидан чиқди ва моторларини рилдиратиб ҳозирланабошладилар.

Аввал қалин ўрмонзор орқасидан бирдан иккита самолёт пайдо бўлди, улар айланма қилмасдан тўғри ерга қўнди ва кенг майдонда югуриб кетди, булар: Совет Иттифоқи Қаҳрамони Федотовнинг «бирламчиси» ва унинг эргашининг «иккиламчи» самолётлари эди: Улардан кейин яна иккитаси қўнди. Ўрмон тепаси ўз манзилига қайтаётган самолётларнинг гулдирашига тўлди.

Аэроромда турганлар:

— Еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи,—деб баланд овоз блан санашар ва яна қаттиқ тикилишиб осмонга қарашарди.

Ерга қўнган машиналар дарров майдонликдан панѓа олиб борилди ва ўз ўринларига қўйилиб, моторлари ўчирилди. Лекин иккита самолётдан дарак йўқ эди.

Кутиб турганлар орасида сукунат чўќди. Бир минутча вақт жуда оғир изтиробда секин ўтди.

— Мересьев блан Петров,— деди бирор секин овоз чиқариб.

Шу тобда кимнингдир хотинларча ингичка товуши бутун аэродромда қувноқ янгради:

— Келаяпти!

Моторнинг варанғлаган товуши келди. Қайин дарахтлар орқасидан, осиғлик ғилдираклари шохларга сал тегиб, «ўнинкинчи» кўринди. Самолёт илма-тешик бўлиб кетган эди, қўйруғининг бир парчаси узилган бўлиб чап қанотининг кесилган учи осилиб келарди. Самолёт ғалати вазиятда ерга тегди-да, яна диркиллаб баланд кўтарилиб кетди, яна ерга тегиб диркиллади. У, аэроромнинг то охиригача шу тариқа сакраб-сакраб борди, сўнгра қўйруғини юқори кўтариб тўхтаб қолди. Пиллапояларида врачлар тикка турган санитар машиналар, яна бирнече «виллис» ва кутиб турган кишилар самолётга қараб югуришди. Қабинадан ҳечким чиқмади.

Қабинанинг қопқоғи кўтарилди. Петровнинг ўринидикда парчинланган гавдаси қонга беланиб ётарди. Боши кўкрагига шалпайиб тушган, узун қўнғир сочлари паға-паға бўлиб юзларини қоплаган эди. Врачлар блан сестралар тасмаларни ечиб, осколк тешиб ўтган парашют сумкасини ажратиб олдилар ва ҳаракатсиз гавдани авайлаб ерга туширдилар. Учучининг оёғига ўқ тегилти ва бир қўли шикаст епти. Қора доғлар бир пасда ҳавонинг комбинезон орқасига ёйилиб кетди.

Петровнинг яраларини шу ернинг ўзидаёқ тез боғладилар ва носилкага қўйиб, машинага солабошладилар. Шу пайтда у кўзларини очди. У, пицирлаб нималарнидир гапирабошлади, лекин товуши зўрга чиққанидан нима деганини тушуниб бўлмас эди. Полковник унга яқинроқ эгилди.

— Мересьев қани? — деб сўради ярадор.

— Ҳали келгани йўқ.

Яна носилкани кўтардилар, лекин ярадор қаттиқ бош чайқатиб унамади ва ҳатто носилкадан ўзини ташламоқчидек ҳаракат қилди:

— Тўхтанг, олиб кетманг мени, бормайман дозир! Мересьевни кутаман. У, менинг жонимни қутқариб қолди.

Учучи қаттиқ э’тиroz билдириди, ҳатто яраларини очиб ташламоқчи ҳам бўлди; полковник юзини тескари бураркан, қўл силкиб деди:

— Майли, қўйинглар, турсин... Мересьевнинг келишига бир минутча вақт қолди. Ёнилғиси ундан ошиққа етмайди. Үлиб қолмас.

Полковник соатига қараб турди. Соатининг секунд кўрсатучи қизил тилчаси чирқиллаб айланмоқда эди. Ҳамманинг кўзи кўмкўй ўрмоннинг тепасида, энг охириги самолёт келадиган томонда эди. Қулоқлар динг бўлиб турарди. Броқ йироқдан аранг келаётган тўп овозлари ва қизил иштоннинг тўқ-тўқидан бошқа ҳечнима эши-тилмас эди

Ба’зан бир минуг ҳам қандай узоққа чўзилади-я!

## 7

Икки душман самолёт шиддат блан бир-бирига хезланди.

«Лавочкин-5» ва «Фокке-вульф-190» — иккови ҳам тезучар самолёт эди. Икки душман яшиндай тез бориб бир-бирига яқинлашди.

Алексей Мересьев ва машҳур «Рихтгофен» дивизиясининг унга нома’лум бўлган уста учучиси бир-бирига тўғридан, юзма-юз атака қилишди. Авиацияда рўпарадан атака қилиш шундай тез бўладики, орадан ҳатто энг эпчил киши папиросини ёндириб олгуича ҳам фурсат ўтмайди. Лекин ана шу бир лаҳза ичиде учучи бутун асабларини ва бутун ма’навий кучларини шундай йиғиб ишга соладики, бу куч-қувват ердаги жангда бир кунга бемалол етади.

Кўз олдингизга иккита тезучар қиручи самолётни ва бу самолётларнинг шиддат блан учиб бир-бирига рўпара келишини келтиринг. Душман самолёти тобора улканлашиб кўринмоқда. Унинг ҳамма икир-чикирлари:

тумшуғи, пирилдоги, ичидаги замбараклари яққол кўри-  
набошлади Яна бир марта кўз очиб юмгунча бу само-  
лётлар тўқнашиб кетади ва бундай онларда самолётдан  
ҳам, ичидаги одамдам ҳам асар қолмай, парча-парча  
бўлиб кетади. Шу лаҳзада учучининг бутун иродаси ва  
бутун ма'навий кучи ишга тушади. Қим қўрқоқлик  
қилса, юраги дов бермаса, ўз асабларининг қаттиқ  
ҳаракатига бардош беролмаса, ғалаба йўлида жонидан  
кечгуси келмаса, у, шу лаҳзада беихтиёр ручкани ўзига  
тортиб, тўғридан вабо-қозодай югуриб келаётган даҳ-  
шатдан ўзини олиб қочмоқчи бўлади-ю, аммо яна бир  
лаҳзадан кейин унинг самолёти қорнидан тешилиб ёки  
қанотидан ажралиб ерга ағдарилади. Унинг қутилиш  
иложи бўлмайди. Тажрибали учучилар буни яхши  
биладилар ва улардан ҳам энг довюракларигина шун-  
дай рўпарадан атака қилишга жур'ат этаолади.

Икки душман шиддат блан бир-бирига хезланиб  
бормоқда эди.

Алексей билардики, рўпарасидан келаётган душман,  
Геринг чақириғи блан келган ва учиш ҳунари чала-  
чўлпа ўргатилиб, Шарқий фронтда немисларнинг берган  
катта талафоти натижасида ҳосил бўлган ўпирлишни  
тўлдириш учун дарҳол юборилган ёш болалар хилидан  
эмас эди. Мересьев рўпарасидан келаётган учучи  
«Рихтгофен» дивизиясидаги энг уста учучиларидан  
бири эди; унинг самолётида, эҳтимол ҳавода эришган  
ғалабаларининг нишонаси қилиб бирнеча аэроплантағ-  
ма расмлар солингандир. У, бўш келадиганлардан,  
бўйин товлаб жангдан қочадиганлардан эмас эди.

— Ҳолингни кўрамиз, «Рихтгофен!— деди Алексей  
тишини-тишига босиб ва лабларини қаттиқ тишлаб,  
бор кучи блан тиришиб нишонга кўз тикди; У, бутун  
куч-иродасини ишга солиб, даҳшат блан келаётган  
душман самолёти қаршисида кўзини юмасликка ҳара-  
кат қиласарди.

У шу қадар зўр диққат блан тикилиб қаардики,  
гўё самолётнинг ялтираб турган ярим тўгарак винти  
орқали душман кабинасини ва ундан қараб турган бир  
жуфт кўзни кўргандек бўларди; у кўзлар ҳам Алексей-  
га ғазаб блан ёниб қараб тургандек эди. Бу, асаблар-

нинг ҳаддан ташқарӣ ҳаракатидан пайдо бўлган бир рӯё эди. Аммо Алексей энди унинг кўзларини яққол кўрди. «Тамом!»—деб ўйлади Алексей ва мускулларини яна қаттиқроқ тириштирди. Тамом! У, кўз узмасдан рўпарадан қуюндеқ отилиб келаётган душманга қараб шиддат блан бораберди. Йўқ, немис ҳам қайтмасга ўхшайди. Тамом!

Алексей бир лаҳзадан кейин келадиган ўлимга ҳозирланди. Аммо худди шу онда, унинг самолётидан чамаси қўл стгудек нарида (унга шундай туюлди) немис тоб беролмай, бирдан самолётини юқорига буриб юборди ва Алексейнинг кўзига, худди яшин чақнагандек, қуёшда ялтираб кўкиш товланган самолёт қорни қўриниб қолди; у, дарҳол ҳамма қуролларидан ўт очиб, душман самолётининг қорини уч жойидан ёриб юборди. У, шу ондаёқ самолётини чарх-фалак қилиб айлантириди ва шалпайиб ерга ағнаб бораётган душман самолётини кўрди. У, ўз ғалабасидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, қичқириб юборди:

— Оля!—шу пайтда у ҳамма нарсани унутиб, ҳавода ғириллаб айланиб, немис самолёти то шўразорлар устига бориб тушгунча уни кузатиб борди ва немис ўз самолёти блан бирга ерга зарб блан урилиб, қора тутун ичиди қолгандан кейингина йўлига қайtdi.

Ана шундан кейингина Мересьевнинг асаблари ва мускуллари бўшаши; у а'зойи-бадани қаттиқ ҷарчаганини сезди ва бирдан кўзи бензомерга тушди. Бензомер тилчаси худди нуль ёнида ликиллаб туарди.

Уч минутга ва жуда нари боргандга тўрт минутга етадиган бензин қолган эди. Аэродромга сиб бормоқ учун эса камида ўн минут вақт керак эди. Бундан ташқари ҳали тағин юқорига ҳам кўтарилимоқ керак. «Фока»ни уриб тушаришга-ку туширдинг, тағин уни ерга тушгунча кузатиб боришинг нимаси!?. «Ёш боланинг қилигини қилибман, мен аҳмоқ!» деб сўқди ўзини у.

Унинг мияси равшан ва тетик ишламоқда эди; жасур ва вазмин кишилар хавф-хатарга дуч келган пайтда ҳамиша шундай бўлади. Энг олдин ниҳоят даражада юқори кўтарилимоқ керак. Лекин айланма

қилиб эмас, йўқ: аэродромга томон йўл очиб юқори кўтарила бормоқ керак. Жуда соз.

Мересьев самолётни йўлга тўғрилади ва пастда ернинг орқага ҳаракат қилиб, назардан тобора узоқлашиб уфққа улашиб булутларга ўралабошлаганини кўргач, хотиржам бўлиб чамалашини давом эттириди. Барibir бензин етмас эди. Ҳатто бензомер сал-пал нотўғри кўрсатганда ҳам, барibir, етмас эди. Йўлда бирон ерга қўнмоқ керак бўларми? Хўш, қаерга? У, фикран ҳамма яқин ҳаво йўлларини ўйлаб чиқди. Қалин баргли ўрмонлар, ўрмонлар орасидаги ботқоқ ерлар, узоқ муддатга мўлжалланиб кўрилган истеҳкомлар доирасидаги тепаликлар ва ўнқир-чўнқирлар, тиканлик симлар блан ўралиб олинган ерлар кўз олдига келди.

— Йўқ бўлмайди, қўниш — ўлиш демакдир.

Парашиот блан ерга сакраш керакми? Бундай қилса бўлади. Буни ҳозирнинг ўзида қилиш мумкин! Қопқоқ кўтарилади, бир чарх-фалак қилинади-ю, ручка орқага итарилиб, бир сакралади,—вассалом. Аммо лекин шундай яхши, қарчиғайдай эпчил ва чиройли самолётни ташлаб-а! Шу самолётнинг жанговар ҳосияти туфайли у бугун уч марта ўлимдан қутилиб қолди-ку! Энди ана шу ўз ҳалоскорини ташлаб, ерга абжағлаб, қўроғшин ва қалай уюмiga айлантириб кетаберадими? Хўш бунинг жавобгарлиги-чи? Йўқ, у жавобгарликдан қўрқмаса ҳам бўлади. Шундай танг пайтлар келганда, парашиот блан ерга ташлашга рухсат этилган. Самолёт ҳозир унинг кўзига жуда чиройли, кучли, ҳимматли, садоқатли ва жонли бир зот бўлиб кўринди ва шундай зотни ташлаб кетиш қабиҳ хиёнат бўлиб туюлди. Сўнгра, шу томони ҳам борки, биринчи жанговар учишдан кейин самолётсиз қайтиб келиш ва то янги самолёт берилгунча бекордан-бекор резервда ётиш, шундай қизғин пайтларни, фронтда улкан ғалабамиз вужудга келаётган кунлари яна бекорчилик блан ўтказиш — ярашадиган иш эмас эди. Шундай кунларда бекор тентираб юриш...

— Йўқ, бундай қилиш ярамайди!— деди Алексей баланд овоз блан; худди у бировнинг унга қилган шундай таклифини астойдил рад қилгандек гапирди.

То мотор тўхтаб қолгунча ўчиб борабериш керак; Хўш, ундан кейин? Ундан кейин бир гап бўлар.

У, уч минг, сўнгра тўрт минг метр баландликдан учиб, бирор майдонча кўринмасмикин, деб теваракатрофига қараб борарди. Ўфқдан катта кўк ўрмон аранг кўзга чалинди, аэродром шу ўрмоннинг нариги томонида эди. Унгача яна ўн беш километрча йўл босмоқ керак эди. Бензомер тилчаси ҳозир қимирламасдан, охирги нуқтага тегиб турарди. Броқ мотор ҳали ҳам ишламоқда эди. Нима блан ишлаётган экан у? Яна, яна юқорироқ... Соз!

Мотор бир текисда уриб турганда, соғлом киши ўз юрагининг уришини сезмагани каби, учучининг қулоғи ҳам уни сезмайди. Аммо бирданига моторнинг уриши бошқача бўлиб қолди. Алексей буни дарров пайқади. Ўрмон яқин кўриниб турарди. Унгача етти километрча келарди, ўрмон устида ҳам уч-тўрт километр учиш лозим эди. Унча катта масофа эмас. Аммо моторнинг ҳаракати жуда ёмон ўзгарди. Учучи киши буни дарров пайқайди, шундай пайтларда мотор эмас, балки унинг ўзи зўрға нафас олаётгандек бўлади. Бирдак мотор «чих, чих» қилиб қолди ва бу даҳшатли товуш Алексейнинг а’зойи-баданига игна санчгандай бўлиб туюлди...

Йўқ, тузук-ку. Мотор яна бир текис ишлаб кетди. Ишлади, ишлаб кетди, ура! Ишлаб кетди! Мана ўрмон ҳам кўриниб қолди: мана қайнинларнинг жингалак учлари кўмкўк бўлиб, қуёш нурларидан жимирлаб турипти. Мана ўрмон. Энди аэродромдан бошқа қўнадиган ер ҳам йўқ. Йўл кесилган. Олға, олға!

Чих, чих, чих!..

Мотор тағин варанглаб кетди. Узоққа чўзилармий? Пастда ўрмон. Қумлоқдан узун, тўғри ва текис йўл кетган; у худди полк командирининг бош фарқига ўхшарди. Ҳозир аэродромга уч километрча қолган. Мана у ҳозир тепаси кунгра бўлиб турган ўрмон орқасидан Алексейнинг кўзига кўрингандек ҳам бўлди.

Чих, чих, чих! Бирдан мотор жимжит бўлиб қолди; фақат шамолда тинч учайтган варрак овозидек бир

товуш эшитилиб турарди, холос. Тамом? Мересьев устидан худди совуқ сув қуйгандай бўлди. Сакраш керакми? Йўқ, тағин бироз... Алексей самолётни ётифига тушириб, сал нишаб олиб эндирабешлади ва тиккасига ағдарилиб кетишдан эҳтиёт қилиб борди.

Ҳаводаги жимжитлик жуда ҳам даҳшатли бўлади! Хаттоки моторнинг чирсиллаб совуётгани барада эштилар, юқоридан тез тушиш натижасида чакка томирларининг уриши ва қулоқларнинг жаранглаши яққол сезиларди. Ер уни худди катта бир магнит ўзига тортаётгандай, самолётга қараб жадал югирмоқда!

Мана ўрмоннинг чеккаси ҳам кўриниб қолди. Мана унинг орқасида ферўзадек товланиб аэродром ҳам кўзга аранг чалинабошлиди. Етиб бўлармикан? Пирил доқ ярим айланган ҳолича осилиб турити. Ҳавода учганди уни бу ҳолда кўриш жуда ҳам даҳшатли туюлади. Ўрмон яқинлашиб қолди. Тамом?.. Ноҳотки у қиз шу ўн саккиз ой бадалида унинг бошидан кечган шундай даҳшатли воқиаларни эшитмаса? Ахир, у ҳарҳолда ўз мақсадига эришди-ку, чин инсон, дарҳақиқат, чин инсонлик фазилатига етишди-ку! Хўш, энди шундай улуғ фазилатга етишган бир чоқда беҳудага ерга урилиб чилпарчин бўлиб кетаберадими?

Сакраш керакми? Вақт ўтди! Пастда ўрмон югуриб орқага кетмоқда, унинг тепаси кўмкўк жимиirlаб ёппа бир кўкатзорга ўхшаб жадал сузиб бормоқта. У, қаердадир шундай манзарани кўрган эди, қаерда экан? Ҳа, ана у баҳор пайтида, энг ёмон фалокатга учраб самолётдан йиқилиб тушганида. Ўша вақтда ҳам худди шундай самолёт қанотлари остидан қалин ёйилиб ётган кўкатлар кўринган эди. Энг охирги марта зўр уриб кўриш керак, ручкани олдинга тортмоқ керак...

## 8

Қон кўп кетганидан Петровнинг қулоқлари ғувилла-моқда эди. Атрофдагиларнинг ҳаммаси—аэродром ҳам таниш кишилар ҳам, кечқурун осмонда теварак-четлари олтиндек товланиб турган барра булутлар ҳам тобраниб, секин-секин айланмоқда эди. У, ўқ теккан

оёғини беихтиёр қимирлатди ва оғриқнинг зўридан ҳушига келди.

— Келмадими ҳали ҳам?

— Йўқ ҳали. Сўзламанг,— деб жавоб беришди унга.

Бугун Петров, энди асфаласофилинга кетдим, деб ўйлаб турган пайтда, қаердандир худди қанотли фариштадек секин кириб бирдан немиснинг йўлини тўсган Алексей Мересьев, ноҳотки ҳозир ана ўша ғорат ва илма-тешик бўлиб кетган ернинг қайси бир жойида абжағланиб гўшт бўлиб ётган бўлса? Энди старший сержант Петров ўз етакчисининг ўйноқи ва меҳрибон қора кўзларини сра кўрмай қоладими? Сра кўрмай қоладими энди у?..

Полк командири гимнастёркасининг енгини туширди. Энди соатнинг кераги йўқ эди. Командир икки қўли блан ялтиратиб таралган соchlарини фарқидан икки томонга силаб, қандайдир беўхшов товуш блан деди:

— Энди тамом.

— Ҳечбир умид йўқми?— деб сўради кимдир бирор.

— Тамом. Бензин тугади. Балки йўлда бирон ерга қўнгандир ёки сақрагандир... Қани, кўтаринг носилкани, олиб боринг.

Командир тескари ўғирилиб, қандайдир бир оҳанг мақомини жуда бузиб ҳуштак чалабошлади. Петровнинг томогига яна илиқ бир нарса липиллаб тиқилди ва у зўрға нафас олабошлади. Пирқ-пирқ қилган галати товуш эштилди. Аэрордrom ўртасида сукут қилиб турган кишилар ўғирилиб қарашиб блан дарҳол яна тескари бурилдилар: носилкада ётган ярадор учучи пирқиллаб йиғламоқда эди.

— Олиб кетсаларинг-чи тезроқ, қанақа одамсизлар!

— деб бақирди командир беўхшов товуш блан ва ўзи одамлардан юзини буриб ва гўё шамолдан кўзларини жимириб нарига кетди.

Одамлар секин-аста тарқалабошладилар. Худди шу пайтда кўланкадек, мутлақо овоз чиқармай, гилдиракларини дарахтларнинг учларига сал-пал текизиб ўрмон орқасидан бир самолёт отилиб чиқди. У, одамларнинг бошидан париллаб учиб ўтиб ерга тушди ва шу ондаёқ

ўч филдирати блан баравар кўкатлар ўстига қўпди. Бир-бирига урилган қайроқ тошлардек шақирлаган товуш эшилди, ердаги кўкатлар шитирлаб кетди; бундай овоз учучига бегона эди, чунки учучи одатда моторларнинг қаттиқ гулдираши орасида бундай товушларни сра эшилмас эди. Бу воқиа шундай тўсатдан бўлдики, ҳечким унинг нималигини тушунмай ҳайрон бўлиб қолди, ваҳолонки ҳайрон бўладиган ҳечнарса йўқ эди чунки одатдаги воқиа рўй бериб, ҳамма зориқиб кутиб турган ўша «ўн биринчи» самолётнинг ўзи келгап эди.

— Келди! — деб бақириб юборди бирор; у жуда беўхшов ва ғайри табиий бир овоз блан бақирдики, ҳамма бирдан сесканиб кетди.

Самолёт югуришдан тўхтаб, аэродромнинг бир четига бориб, жингалак учлари кечқурунги шафақдан яллиғланиб турган йўғон қайнин дараҳтлари олдида турди.

Бу сафар ҳам кабинадан ҳечким чиқмади. Одамлар тағин бирон фалокат бўлди шекилли, деб кучлари борича самолётга қараб ҳарсиллаб чопдилар. Полк командири аввал югуриб бориб, сакраб қанот тепасига чиқди ва қопқоғини кўтариб кабина ичига қаради Алексей Мересьев кабинада шлёмсиз ўтирган эди, у булутдек оппоқ оқариб кетган бўлиб, қонсиз, кўкарган лаблари илжайиб турарди. Тишланган пастки лабидав ияигига икки томчи қон оқиб тушган эди.

— Тирикмисан? Ярадор бўлдингми?

Алексей зўрға жилмайиб жуда ҳорғин кўзлари блан полковникка қаради:

— Йўқ, соғман. Жуда ёмон қўрқдим... Олти километрча бензинсиз учиб келдим.

Учучилар ғовур-ғувур қилишиб Алексейга ташландилар, табриклаб, қўлини сиқабошладилар.

— Оғайнилар, қанотларни синдириб қўясизлар. Шу ҳам иш бўлдими? Қаранг, қанча киши чиқиб олибсизлар... Ҳозир ўзим тушаман.

Шу пайтда у пастдан, тепасига йиғилган одамлар орасидан зўрға чиқаётган таниш бир товушни эшилди; бу товуш худди жуда йироқдан келаётгандек аранг эшитиларди:

— Алёша, Алёша!

Мересьевга дарров жон кирди. У ирғиб турди, қўлларини тираб, оғир оёқларини кабинадан чиқарди ва кимнидир итариб юборишига сал қолиб, сакраб ерга тушди.

Петровнинг юзи ёстиққа ботиб кетган эди. Унинг ичга тушган кўз косахоналарида катта-катта икки томчи ёш думаланиб турарди.

— Ҳа, оғайни!.. Тирикмисан? Вой, шоввозей!

Алексей носилка олдига чўккалаб, дармонсиз ётган ўртоғининг бошини бағрига босди ва унинг жовдираб турган ферўза кўзларига тикилиб қаради.

— Тирикмисан?

— Раҳмат, Алёша, сен мени ўлимдан халос қилдинг. Жонажон йигитсан, Алёша...

— Олиб борсаларинг-чи носилкани, нега бақрайиб қолдиларинг! — ён томондан полковникнинг бақирган товуши эштилди.

Пакана ва серҳаракат полк командири оёқлари ўстида тебраниб, бир четда турарди; унинг ҳаворанг комбинезон ҷолвори тагидан кўриниб, оёқларини маҳкам сиқиб турган этиклари ялтиради.

— Старший лейтенант Мересьев, учиш натижаси тўғрисида доклад қилинг. Уриб туширганингиз борми?

— Бор, ўртоқ полковник. Иккита «Фокке-вульф».

— Қандай вазиятда?

— Биттаси пастдан тиккасига атака қилиниб. У, Петров самолётининг қуйруғига осилиб бораётган эди. Иккинчиси — умумий ҳаво жангги бораётган жойдан уч километр шимолроқда, рўпарадан атака қилиниб уриб туширилди.

— Биламан. Бу тўғрида ҳозиргина ердан кузатучи хабар қилди... Раҳмат.

— Служу... — Алексей қоидасини келтириб: «Служу Советскому Союзу» демоқчи эди, лекин ҳамавақт уставнинг ҳарбир рукнини сўзсиз бажаришни қаттиқ талаб қиласидан командир бу сафар юмшоқ оҳанг блан унинг сўзини бўлиб, деди:

— Жуда соз! Эртага... ўрнигә эскадрильяни қабул қилинг. Учинчи эскадрилья командири бугун базага қайтмади...

Улар команда пунктига пиёда жүнадилар. Бугунги учиш тамом бўлгани учун бошқа учучилар ҳам уларга эргашиб кетдилар. Команда пункти жойлашган кўк тепачага яқинлашганларида, у ердан навбатчи офицер югуриб чиқиб рўпарага келаберди. У, югуриб келиб командир олдида тўхтади ва соchlарини селкиратиб, қувноқ қиёфа блан бирнимани айтмоқчи бўлиб оғзини жуфтлади. Лекин полковник уни қаттиқ жеркиб ташлади:

— Нима учун фуражка киймай юрибсиз? Нима қилиқ бу? ёки сиз танаффусга чиққан мактаб боласими?

— Ўртоқ полковник, рухсат этинг мурожаат қилишга,— деди шошиб қолган лейтенант қоматини кериб ва зўрға нафас олиб.

— Хўш?

— Ёнимиздаги «Яклар» полкининг командири сизни телефонга сўраётир.

— Қўшни? Хўш, сўраса нима бўлипти?

Полковник югуриб ертўлага кирди.

— Сенинг тўғрингда...,— деб энди гап бошлаган эди навбатчи лейтенант, пастдан командирнинг бақирган овози эшитилди:

— Мересьев буёқча келсин!

Мересьев унинг олдида икки қўлини ёнига қўйиб қотиб тургач, полковник кафти блан трубка оғзини босиб, унга бақирди:

— Нега менга нотўғри гапирасиз? Қўшнимиз менга телефон қилиб сўради: «Ўн биринчи»да учучиларингдан қайси бири учиб юрипти? деб. Мен: Старший лейтенант Мересьев дедим. У яна: «Сен бугун унинг ҳисобига нечта уриб туширилган самолёт ёздинг?» деб сўради. «Иккита» дедим мен. «Яна битта ёзиб қўй»— дейди. «У бугун менинг самолётимнинг думига ёпишиб олган «Фокке-вульф»ни уриб туширди. Ерга афдарилиб тушганини ўз кўзим блан кўрдим» дейди. Хўш? Нега сиз бу тўғрида гапирмайсиз?— полковник хўмрайиб Алексейга қараб туарди, унинг ҳазиллашаётганини ҳам, жиддий сўзлаётганини ҳам пайқаш қийин эди:— Шундай бўлган

эдими?.. Мана олинг, ўзингиз гаплашинг. Алло, эшита-япсанми? Старший лейтенант Мересьев мана телефон ёнида. Трубкани бераман.

Унинг қулоғига нотаниш дўрриқ овоз эшитилди:

— Раҳмат, старший лейтенант. Жуда боплаб урдинг, қойилман, мени ўлимдан қутқаздинг. Шундай. Мен уни то ерга бориб тушгунча кузатиб турдим ва ағдарилиб тушганини ўз кўзим блан кўрдим... Арақ ичасанми? Қел мечинг команда пунктимга, мен сендан бир литр қарздорман. Хўп, раҳмат, омон бўл. Аямасдан ураббер!

Мересьев трубкани қўйди. У бугунги воқиалардан шундай чарчаган эдики, зўрға оёқ устида турарди. Унинг бутун фикри-зикри ҳозир тезроқ «каламушхона» га бориб, ертўлага кириб олиш ва протезларини ешиб ташлаб, супачада чўзилиб ётиш эди. У, телефон олдида бироз ўнғайсизланиб турди-да, сўнгра аста-аста юриб эшикка томон келди.

— Қаёққа борасиз?— Полк командири унинг йўлини тўсди ва Мересьевнинг қўлини ушлаб кичкина чандир қўли блан қаттиқ сиқди.— Хўш, нима десам экан сизга? Балли! Сиздек кишилар блан бирга ишлаганимга фахрланаман... Хўш, яна нима? Раҳмат... Ана у дўстингиз Петровчи, ёмон одамми у? Қолганлари-чи... Эҳе, бундай азамат кишилар блан урушда ютқазиш мумкин эмас!

У, Мересьевнинг қўлини яна бир бор қаттиқ сиқди.

Мересьев тун қоронғисида ертўласига келиб, сра ухлай олмади. У, дамба-дам ёстигини ағдариб қўяр ва таниш-билишларини эслаб, аввал фамилияси «А» ҳарфи блан бошланадиганларини, сўнгра «Б» ҳарфидагиларини ва бошқаларини эслар, кейин минггacha қайтадан санаб келарди, у жин чироқларнинг тутаб ёнаётган ўтига ҳам анча тикилиб турди, лекин юзларча мартаба текшириб синаб кўрилган бу уйқу келтириш усули бугун сра та’сир кўрсатмади. Алексей кўзини юмган ҳамон унинг олдига таниш-билишларининг суратлари гоҳ равшан бўлиб, гоҳ хира шаклта ясов тортиб келарди: Михайла бобо оппоқ соchlари орасидан унга меҳрибон назар ташлаб турипти; Андрей Дегтяренко «тана» кўзларини ўйнатиб илжайиб турипти; Василий Васильевич

елкасига осилиб турған мош-гуруч сочларини жаҳл блан силкитиб кимнидир ғазабга оляпти; кекса снайпер солдатликда ортдирган ажинларини буришириб илжа-йиб турибди; комиссар Воробьев ақлли ва ҳамма нарсани тушунадиган ўтирил кўзлари блан оқ ёстиқ орасидан Алексейга қараб турипти; Зиночканинг ўтдек ёниб турган олтин соchlari кўзи олдидан шамолда ҳилпираб ўтарди; пакана ва серҳаракат инструктор Наумов меҳрибонлик ва шафқат блан жилмайиб кўз қисиб қўярди. Қанчадан қанча дўстона юзлар қоронғи-лик орасидан унга боқар, хотираларни ўйғотиб, шундай ҳам тўлиб тошган юрагини яна меҳрларга тўлдиради! Лекин худди шу маҳалда Олянинг юзи бирдан намоён бўлиб, бу дўстона юзларнинг ҳаммасини тўсиб қўйди; У, офицерлик гимнастёркаси кийган ўспирин йигит каби озғин юзлари ва ҳорғин шаҳло кўзлари блан тикилиб қараб туради. Алексей уни яққол ва равшан кўрди, гўё қиз ҳақиқатан ҳам унинг олдига келиб тургандеи эди ва бу сиёқда уни Алексей ҳечқачон кўрган эмас эди. Қизнинг сиймоси Алексейнинг кўзига чинакам намоён бўлиб кўриндики, у ҳатто ўрнидан бир кўзгалиб ҳам қўйди.

Шундай пайтда уйқу келарми! Алексейнинг ҳозир шавқи келиб тетикланди ва супачадан ирғиб туриб «сталинградка»ни ёруғроқ қилди; дафтаридан бир варақ қофоз йиртиб олди ва қаламнинг учини таг чармга суйкаб ингичкалади-да, хат ёзишга тутинди.

«Азизим!— деб ёди чалкаш ҳарфлар блан ва тез учиб бораётган фикрларини қаламга олишга зўрга улгuriб ёзакетди.— Мен бугун уч немисни самолёти блан уриб туширдим. Лекин гап бунда эмас. Ба’зи ўртоқларим бундақа уриб туширишларни деярлик ҳар кун қилиб турадилар. Мен бу тўғрида сенга мақтансас эдим... Азизим, йироқдаги севгилим! Бугун мен сенга ёзиб билдиromoқчиман, бундан ўн саккиз ой муқаддам бошимдан ўтган бутун воқиани бугун сенга ёзиб билдиришга ўзимни ҳақли биламан: буни сендан яшириб келганимга чандон-чандон пушаймонмань. Мана, ниҳояти бугун ҳаммасини сенга билдиришга қарор қилдим...».

Алексей ўйланиб қолди. Ертўланинг тахталари орасида сичқонлар югуришиб юрар ва шитирлатиб қуруқ тупроқ тўкарди. Очиқ эшикдан қайин дарахтларнинг ва гуллаб ётган кўкатларнинг нам ва тоза ҳиди думоқقا урар, булбулларнинг жўр бўлиб дард блан сайраши қулоқقا чалинарди. Яқиндан, афтидан, жарликнинг нариги томонидан, офицерлар ошхонасидан бўлса керак, бир эркак блан хотин дардли оҳанг блан жўр бўлишиб «Четан дарахти» ашуласини куйламоқда эди. Майнин садоси йироқдан эштилаётган бу куй, кечасидан яна зиёдароқ нафосат касб этган эди — юракларни тирнаб қувноқ соғиниш ҳисларини, соғиниш, кутиш ва умид ҳисларини уйғотмоқда эди.

Жуда йироқда гулдираётган ва бир пасда жуда орқада қолиб кетган ҳарбий аэродромга аранг сас берадиган тўпларнинг овози ҳозир бу қўшиқнинг оҳангини ҳам, булбулларнинг сайрашини ҳам, ўрмоннинг тунда секинсекин шилдраган товушини ҳам босиб кетаолмас эди.



# СҮНГИ СҮЗ





Орёл жангининг ғалаба блан тамом бўлиши яқинлашган кунлар эди. Шимол томондан ҳужум қилиб бораётган илгор полклардан, Красногор тепалигидан туриб ёнаётган шаҳарни кўраяпмиз, деган хабар ҳам келган эди. Худди шу кунларда Брянск фронти штабига: ўша доирада жанг қилган гвардиячи қиручи полкнинг учучилари сўнгги тўққиз кун ичидаги душманинг қирқ етти самолётини уриб туширдилар ва ўзлари беш самолёт ва уч киши талафот бердилар, уриб туширилгач самолётлардан икки киши парашютда сакраб полка пиёда келишди, деган хабар келди. Қизил Армиянинг ҳужум жанглари авж олиб кетган ўша кунларда ҳам бундай ғалаба одатдан ташқари ғалаба эди. Мен, гвардиячи учучиларнинг қаҳрамонлиги ҳақида «Правда»га ёзиш нияти блан алоқа самолётига тушиб ўша полкка бордим.

Полк аэродроми қишлоқда мол боқиладиган ўтлоқ-да жойлашган эди. Ундаги түнкалар бир амаллаб кесиб олинган ва каламушлар ини тепасида тўпланиб турган тупроқлар сал-пал текисланган эди. Самолётлар янги тухумдан чиққан қуш болалариdek кичкина ўрмонзорнинг четларида пана қилиб қўйилган эди. Хулласки, бу ўша қунлардаги жадал ҳарб-зарб вақти учун одатдаги ҳарбий аэродром саналар эди.

Биз кечқурун бориб аэродромга қўндик. Полк ҳозиргина бу куниги жанг-жадалдан қайтиб келган эди. Орёл ёнида немислар ҳавода жуда «активлик» кўрсатибдилар. Қиручиларга бугун етти мартабадан қайта-қайта учиб жанг қилишга тўғри келибди. Қўёш ботаётган пайтда энг охирги звено саккизинчи учишдан қайтиб келмоқда эди. Полк командири паканагина, чаққон ва серҳаракат, қорагина бир киши экан; унинг эгнида янги кўк комбинезон бўлиб, устидан камар блан тортиб боғлаган эди ва соchlари чиройли қилиб икки томонга тараб қўйилган эди. Полк командири менга тўпта-тўғри ҳалол гапни айтди: бугун сизга тузукроқ бир нарсани айтиб беролмайман, эрта блан соат олтидан бери аэродромда юрибман, ўзим ҳам уч мартаба учиб бориб-келдим; шу қадар чарчадимки, ҳозир зўрга оёқ устида турибмац, деди. Бошқа командирларнинг ҳам бугун газета учун суҳбат қиладиган ҳоллари йўқ эди. Билдимки, менга эртагача шу ерда қолишга тўғри келади, бунинг устига ҳозир кеч бўлганидан қайтиб кетиб ҳам бўлмас эди. Қўёш қайинзор тепасига олтин яллиғ сочиб ботмоқда эди.

Охирги самолётлар келиб қўнди. Улар ерга қўниши блан тўғри дараҳтзор тагига олиб борилди. Механиклар уларни қўл блан итаришиб бордилар. Самолётлар ўрин-ўрнига жойлаштирилиб саранжом қилингандан кейингина юzlари оқарган, ҳориган учучилар секин-секин кабиналардан тушабошладилар.

Ҳаммадан кейин учинчи эскадрилья командирининг самолёти келиб қўнди. Кабинанинг ялтираб турган қопқоғи очилди. Энг олдин кабинадан қора ёғочдан ясалган ва теваракларига олтин ҳарфлар ёзилган йўғон қўлтаёқ отилиб, кўкатлар устига келиб тушди. Сўнgra

қораачадан келган, юзлари кенг ва сочлари қора бир киши бақувват қўлларини тираб юқори кўтарилиди ва чаққонлик блан гавдасини кабинадан олиб қанотга қўйди, сўнгра ўзи вазмин ҳаракат қилиб ерга тушди. Кимdir менга, бу киши полкнинг энг яхши учучиси, деди. Мен кеч пайтни бекор ўтказмаслик учун ҳозир у блан сўзлашмоқчи бўлдим. Жуда яхши эсимда: унинг қопқора ўйноқи кўзларида болаларча шўхлик ифодаси кўп воқиаларни бошдан кечирган тажрибали ва ҳорғин кишининг донишмандлиги блан ғалати бир суратда мослашиб қўшилган эди; у ана шу қора кўзлари блан тўғри юзимга тикилиб деди:

— Гапнинг тўғрисини айтсан, раҳмингиз келсин, йиқилай-йиқилай деб турибман. Қулоқларим ғувиллагани-ғувиллаган. Сиз овқатландингизми? Йўқ? Жуда соз, юринг ошхонага борамиз, бирга овқатланамиз. Бизда ҳарбир уриб туширилган самолёт учун кечки овқат олдидан икки юз грамдан арақ берилади. Менга бугун тўрт юз грам беришлари керак. Икковимизга баббаравар етади. Хўш, қани борамизми? Агар жуда шошилаётган бўлсангиз, ўша ерда овқат еб-еб сўзлашамиз.

Мен кўндим. Бу очиқ ва қувноқ киши шу ондаёқ менга жуда ёқди. Биз, учучилар ўрмон ичидан тўғри босиб ўтган сўқмоқ йўлдан юриб кетдик. Янги танишим тез-тез қадам ташлаб борар ва ҳар замон йўлда учраган ёввойи меваларни эгилиб чанглаб узиб дарров оғзига соларди. У, бугун жуда қаттиқ чарчаганидан бўлса керак, ҳарсиллаб юрарди. Броқ кўлидаги ғалати таёғига таянмасдан борарди. Таёқни у билагида осилтириб борар ва ҳар замон қўлига олиб пашшахўр қўзиқоринларни ва қиёқларни савалаб каллаклаб кетарди. Биз жарликдан ўтиб қиялиқдан баландга кўтарилиганимизда, учучи буталарни ушлаб секин-секин чиқыб борарди. Лекин шунда ҳам у таёғига суюнмас эди.

Ошхонага бориб киришимиз блан уидаги ҳордиқларнинг ҳаммаси бирдан учиб кетгандай бўлди. У бориб дераза тагига ўтирди; деразадан қуёш ботиш олдидан осмон қипқизил яллиғланиб кўринар ва, учучилар та'бирича, бу эрта бўладиган шамол аломати

эди; у келиб ўтириши блан катта бир кружка сувни тамом сипқорди, сўнгра соchlари жингалак дўндиққина официантка блан ҳазиллашиб, госпитальда ётган қандайдир бир ўртоғи тўғрисида гапирди ва, ўшанинг аламидан бугун ҳаммага шўрвани шўр қилиб берибсиз, деди у, иштаҳа блан анчагина овқат еди ва бақувват тишлари блан қўйининг қовурғасини қарсиллатиб тозади. Ўртоқлари блан ҳазиллашиб олгандан кейин, мендан Москвада қандай янгиликлар борлигини, қандай янги китоблар чиққанини ва Москва театрларида қандай тамошалар кўрсатилаётганини сўради; ўз айтишича, у ҳали бир марта ҳам Москва театрини кўрмаган экан. Биз учинчига бериладиган таомни — бу ерда «қора булут» деб ном қўйилган черник киселини еб бўлганимиздан кейин, у мендан сўради:

— Хўш, бу кеча қаерда тунамоқчисиз? Билмайман! Билмасангиз, жуда соз; менинг ертўламга бориб ётасиз,— бир пас унинг қовоғи солиниб бўғиқ товуш блан деди:— шеригим бугун жангдан қайтмади... демак, ўрин бор. Тоза чойшаб ҳам топилар, қани кетдик.

Афтидан, у янги келган киши блан лақиллашиб кўнгил ёзишни яхши кўрадиган ва ҳамма янгиликларни ундан сўраб биладиган кишилар хилидан эди. Мен розилик бердим. Биз жарликка келдик; унинг икки томонидаги нишабликда хушбўй ўт-ўланлар ва ёввойи мевалар, қиёқ гуллар орасида ертўлалар қурилган эди.

Кўлда ясалган «сталинградка» лампаси ёқилиб, ертўла равшан бўлгач, бу ернинг анчагина кенг ва озодагина бир жой эканлиги кўзга ташланди. Ертўланинг икки томонидаги супачада ичига хушбўй похол тиқилган тўшаклар ихчам солиниб, устидан плаш-палатка ёпиб қўйилган эди. Қайин дараҳтининг ёш новдалари бурчакларда кўмкўк бўлиб турарди; учучи буни «бахр очиш учун» деб тушунтириди. Супачалар устида токчалар ўйилган бўлиб, унда ёйилган газеталар устида китоблар, ювинадиган ва соқол оладиган асбоблар турган эди. Етоқлардан бирининг боши устида ялтироқ плексгласдан ясалган рамкачалар ичиде иккита сурат хираланиб кўринарди. Жимжитлик вақтларида полкнинг ҳархил уста билармандлари уриб туширилган душ-

ман самолётларининг парчаларидан шундай рамкачаларни кўплаб ясар эдилар. Стол устида солдатча котелок тўла хушбўй ўрмон маймунжони туради. Маймунжондан, тоза узилган қайн новдаларидан, ерга тўшаб қўйилган тоза кўкатлар ва арча барғларидан жуда хуни бўй, қуюқ, жонга роҳат берадиган ҳидлар анқиб туради; сртўлада муздеккина шабада айланар жарликда сўзанаклар аллалаган оҳанг блан визилларди, буларнинг ҳаммаси танга роҳат бериб мурдоқ бостиради, биз уй эгаси блан сухбатни ҳам ва эндигина қўл чўзиб олабошлаганимиз маймунжонни ейишни ҳам эрта бланга қолдиришга қарор бердик.

Учуши ташқарига чиқди; унинг ташқаридаги тишларини тозалаётганлиги, шариллатиб сув қуйиб «уҳ-вуҳ» деб ювинаётганлиги эшитилди. У, қошларидан ва соchlаридан сув томчиларини томизиб, тозагина бўлиб хурсандлик блан ичкари кирди, арtingач, лампанинг пилигини пасайтириб, ечинабошлади. Нимадир тақирлаб ерга тушди. Мен ерга қараб, ҳайрон бўлиб қолдим. У оёқларини ечиб ерга ташлаган эди. Оёқсиз учучи ҳам бўладими! Учуши-қиручининг оёғи бўлмаса-я! Бугун етти марта қайта-қайта учуб жангга кирган ва икки немис самолётини уриб туширган бир учучининг оёғи йўқлиги қандақа бўлди энди! Бу сра ақлга сиғадиган нарса эмас эди.

Лекин унинг оёқлари, тўғрисини айтганда, протезлари ихчам ҳарбийча ботинка кийгизилган ҳолда ерда чўзилиб ётарди. Уларнинг тиззага боғлайдиган томони супача тагида бекиниб турганидан, бу унда яшириниб ётган бирон кишининг оёқлари бўлса керак, деб гумон қилиш мумкин эди. Шу пайтда учучи, менинг кўзларимдаги ҳайронлик аломатини сезган бўлса керак, менга қараб, муғомбирларча кулимсираб сўради:

— Сиз олдин пайқамаган эдингизми?

— Ҳатто хаёлимга ҳам келган эмас.

— Ўндаи бўлса, жуда яхши! Ўндаи бўјса раҳмат! Фақат ҳечким бу тўғрида сизга гапирмаганига ҳайронман. Бизнинг полкимизда қанча уста учучи бўлса, шунча уста карнайчи ҳам бор. Қандай қилиб улар янги келган кишини, бунинг устига «Правда»дан келган

кишини бу ғароиботдан хабарсиз қолдирибдилар, унга ҳикоя қилиб мақтамаптилар?

— Ахир, бу ҳечбир бўлмаган иш-ку? Оёқсиз бўла-туриб қиручи самолётда учиш бу ақлга сифадиган гап эмас, ахир! Менинг билишимча, авиация тарихида бундақа воқиа асло бўлган эмас.

Учучи қувноқ ҳуштак чалабошлади:

— Албатта, авиация тарихи... кўп нарсани билмас эди, бу урушда у совет учучиларидан кўп нарсани билиб олди. Хўш, бунинг нимаси яхши? Чинакам сёқларим бўлганда жон-жон дер эдимку-я! На чора? Қўргулиқ шу экан,— учучи уф тортиб қўйди.— Айтгандай, ҳақиқатни суриштиргандай, авиация тарихида шундай воқиалар бўлиб ўтган.

У планшетини кавлаб, журналдан кесиб олинган ва ушланаберид увадаси чиқиб, бир тахта целофанга авайлаб ёпиштириб қўйилган қоғозни чиқарди. Унда бир товони йўқ учучининг самолётда учганлиги тўғрисида ёзилган эди.

— Унинг ҳар ҳолда битта оёғи бор экан-ку? Иккинчидан у қиручи самолётда эмас, доққионусдан қолган «Фарман»да учган экан.

— Чунки мен совет учучисиман. Сиз, мени мақтана-япти, деб ўйламанг. Бу сўзлар менини эмас. Бу сўзларни менга яхши бир киши, чин инсон... айтиб берган эди, («чин» сўзини айниқса уқдириб айтди). Ҳозир у йўқ ўлган.

Учучининг кенг ва тетик юзларида ажойиб, меҳрибонлик ифодаси пайдо бўлди; кўзлари ялтираб илиқ-қина нур сочди; унинг юзи бирдан ўн ёшга камайиб новқиронлик тусини олди; менга бир минут илгари ўрта ёшларда бўлиб кўринган бу кишининг ҳали йигирма уч ёшга ҳам тўлиб етмаганини билиб ҳайрон қолдим.

— Нима бўлди, қачон, нима учун деб сўрайберсалар жаҳлим чиқади... Мана шу тобда ўтган воқиаларнинг ҳаммаси хотиримга келди... Сиз бошқа ёқдан келган кишисиз, эртага хайрлашиб жўнаб қоласиз, бундан кейин балки учрашмасмиз... Истасангиз оёғим қандай қилиб бундоқ бўлганини бошдан оёқ айтиб берай?

У супачада ўрнидан турраб ўтириб, иягигача одеялни тортиб, ҳикоя бошлади. Гүё у ўз-ўзича баланд овоз блан гапираёттандек, ёнида киши борлитини тамоман унугиб, қизиқ қилиб ва тасвирини келишишириб сўзла-моқда эди. У ақли-идрохи нозик, фаҳм-фаросати ўткири ва юраги кенг бир киши эканлиги сезилиб туради. Одатдан ташқари ва жуда катта бир воқиа тўғрисида ҳикоя эшитаетганимни дарров пайқадим, бундай ҳикояни яна бирон марта эшитишга балки сра тўғри келмас деб ўйладим-да, стол устида ётган ва тепасига «учинчи эскадрильянинг жанговар учишлар кундалиги» деб ёзилган мактаб дафтарини олиб ҳикояни ёзабошладим.

Тун билинмасдан ўтиб бормоқда эди. Стол устида турган жинчироқ ҳам чирсиллаб, пириллайбошлади. Эҳтиётсиз парвона бўладиган кўп капалаклар қанотларини куйдериб, чироқ атрофида қимирлашиб ётарди. Энг аввал қулоғимизга гармон садоси эшитилди. Сўнгра бу садо учиб, ўрмоннинг тунги шалдир-шулдири, шабхез қушнинг қаттиқ чириллаши, уккининг йироқдан эшитилаётган фар'еди ён томондаги ботқоқликда қурбақаларнинг вақир-вуқури ва сўзанакларнинг визиллаши орасидан ҳамсуҳбатнинг овози ҳали ҳам бир мақомда сал хириллаб эшитилмоқда эди.

Бу кишининг ажойиб ҳикояси мени жуда қизиқтирганидан, мумкин қадар тўлароқ ёзиб олишга тиришдим. Бир дафтарни тўлдириб бўлгач, токчадан яна бир дафтар топиб олдим, уни ҳам ёзиб тўлдирдим; шундай қилиб кеч қандай ўтганини ҳам сезмай қолибман; бир вақт ертўланинг туйнугидан қарасам, ташқарида осмон ёришиб қолипти. Алексей Мересьев ўз ҳикоясини «Рехтгофен» ҳаво дивизиясидан учта самолётни уриб тушириб, ўзини яна тўла ҳукуқли ва уста учучи деб сезган кунга қадар олиб бориб тамомлади.

— Ўхў, биз икковимиз жуда лақиллашиб қолибмиз-ку; мен бўлсам эрта блан учишим керак,— дед ј жумласини тамом қилмасдан,— гапирабериб бошингизни қотиргандирман? Хўп, ухлайлик.

— Хўш, Оля нима қилди? У сизга нима жавоб берди?— деб сўрадим ва шу ондаёқ қўшимча қилиб

айтдим: Кечирасиз, балки бу саволим сизга оғир туюлар, оғир туюлса жавоб берманг.

— Йўқ, ундаи эмас,— деди у кулимсираб,— иккамиз ҳам хўп жиннилик қилган эканмиз. У ҳамма гапни аллақачон эшитган экан. Ҳали мен сизга ўртоғим Андрей Дегтяренко ҳақида гапирдим-ку, ана шу ўртоғим Оляга ўша вақтдаёқ ёзган экан; аввал самолётдан йиқилганимни сўнгра оёқларимни кессанларини батафсил ёзиб юборган экан. Оля ҳам бу воқиани ундан яширишимнинг бирон сабаби бордир ёки бу ҳақда сўзлаш оғирдир, деб ўйлаб, ҳамавақт ўзини билмаганга солиб юрган экан. Демак, биз ҳечбир сабабсиз бир-биримизни алдаб келган эканмиз. Кўрасизми унинг суратини?

Мересьев чироқнинг пилигини бироз чиқариб қўлига олди ва бош устида плексигласдан ясалган рамкалар ичига солиб қўйилган суратга яқинлаштириди. Жуда қорайиб кетган ва сийқаланган суратдан кўкатзор гули ичида бепарво илжайиб ўтирган қизнинг башараси аранг кўринарди. Иккинчи суратдан эса, худди шу қизнинг ўзи младший техник-лейтенант формасида бўлиб, назокат ва заковат ифодаланиб турган юзи тетик ҳараб турарди. У жуда кичик бўлиб, ҳарбий формада худди чиройли ўспирин йигиттага ўхшаб кўринарди, аммо бу ўспирин йигитнинг кўзлари болаларнидек эмас эди, уларнинг ҳорғинлик ва ўткирлик аломати билиниб турарди.

— Сизга ма’қул бўладими у?

— Жуда ма’қул,— дедим мен самимият блан.

— Менга ҳам,— деди у очиқ кўнгил блан, кулимсираб.

— Хўш, Стручков қаерда ҳозир?

— Билмадим. Унинг Великие Луки ёнидан ёзган бир хатини олган эдим. Шундан кейин хат олганим йўқ.

— Ана у танкчининг, оти нима эди ҳали?

— Гриша Гвоздевми? У ҳозир майор. Прохоровка ёнида бўлган машҳур жангда иштирок қилган. Сўнгра Курск ярим доирасидан танклар блан ёриб ўтишга қатнашган. Ёнма-ён туриб жанг қилган бўлсак ҳам учраш-

ганимиз йўқ. Танк полкига командирлик қиласди. Ҳозир негадир овози чиқмай қолди. Майли, омон бўлсак, кўришармиз. Ҳали кўп яшаймизку-я! Қани ухладик, тонг отиб қолди.

У, чироқни пуфлаб ўчирди. Ўйни ярим қоронгилик босди; ташқарида ёришиб келаётган тонг шу'ласининг акси ертўлага сал уриб турган эди; пашшалар ғиринг-лайбошлади; ўрмон ичидаги бу истиқоматгоҳни бирдан-бир безовта қилиб турган нарса ҳам эҳтимол фақат ана шу пашшаларнинг гиринглаши эди.

— Сиз тўғрингизда «Правда» га ёёсам эдим.

— Майли, ёзинг — деди учучи бироз тайсалланиб ва сўнгра уйқу аралаш қўшиб қўйди:—балки ёзишнинг кераги йўқдир? Газета Геббелъсининг қўлига тушиб қолса, руслар оёғи йўқларни урушга солиптилар деб бутун дун'ёга жар солиб юборар... Бундақаларга фашистлар жуда уста-да.

Бир пасдан кейин у маза қилиб хуррак отабошлиди. Менинг эса сра уйқим келмас эди. Кутилмаган бу оддий ҳикоянинг улуғворлиги мени жуда ҳаяжонга солган эди. Агар бу ҳикоянинг қаҳрамони рўпарада ухлаб ётмаганда ва унинг протезлари-тонг ёруғида яққол кўриниб, шудринг босиб ерда турмаганда, буларнинг ҳаммасини яхши бир эртак деб ўйлаш мумкин эди...

— Ушандан буён мен Алексей Мересьевни қайта учратмадим. Лекин Орёл ёнида бу учучининг foят зўр қаҳрамонлиги ҳақида ёзис олганим икки дафтар қаерга борсам ҳамиша ёнимда юрди. Уруш вақтларида, жимжитлик чоғларида, ва ундан кейин Европанинг озод қилинган мамлакатларида сафар қилиб юрганимда, бирнече марта унинг ҳақида очерк ёзмоқчи бўлиб, ҳарсафар яна орқага сурардим, чунки ёзган нарсаларимнинг ҳаммаси унинг ҳаётидан фақат юзаки бир кўланка бўлиб кўринарди!

Мен Нюрибергда Халқаро Ҳарбий Трибунал мажлисида иштирок қилдим. Герман Герингдан сўроқ қилиш охирига етмоқда эди. «Германиянинг иккинчи наци» деб ном кўтарган Геринг жиноятларини барада очиб ташлайдиган ҳужжатлар, совет қораловчисининг сўроқлари

олдида типирчилаб қолди, у вақтгача мағлубият нималигини билмаган фашизмнинг зўр армияси менинг Ватаним тупроғига киргац, совет ерининг кенг майдонларида бўлган жангларда Қизил Армия зарбаси блан ҳалокатга учраб, тор-мор бўлабошлаганини судга зўрға, тилар-тиlamас айтиб беришга мажбур бўлди. Геринг гўё ўзини оқламоқчи бўлиб, нурсиз кўзларини осмонга тикди ва: «Тақдирнинг иродаси шунаقا экан» деди.

Совет қораловчиси Роман Руденко Герингдан сўради:

— Сиз Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилдингиз, бунинг натижасида Германия тор-мор қилинди, шу блан сиз энг оғир жиноят қилганингизни бўйнингизга оласизми?

— Бу жиноят эмас, бу маш'ум бир хато, — деди бўғиқ товуш блан Геринг, кўзларини ерга тикиб.— Мен фақат шуни иқор қилишим мумкинки, пала-партиш иш қилибмиз, чунки уруш давомида ма'lум бўлдики, биз кўп нарсани билмаган эканмиз ва кўп нарса ҳақида гумон ҳам қилмаганмиз. Айниқса биз совет русларини билмаган ва тушунмаган эканмиз. Улар билиб бўлмас муаммо эди ва шундай бўлиб қоларди. Ҳечқандай агентура, ҳатто агентуранинг энг ўткири ҳам, Советларнинг ҳақиқий ҳарбий имкониятларини очаолмайди. Мен тўплар, самолётлар ва танкларнинг сони ҳақида гапираётганим йўқ. Уларнинг қанчалигини биз тахминан билар эдик. Мен саноатнинг қуввати ва эпчилиги тўғрисида ҳам гапираётганим йўқ. Мен одамлар тўғрисида гапираётбиман, рус кишиси ҳамиша ажнабийлар учун муаммо эди. Наполеон ҳам рус кишининг кимлигини билмаган эди. Биз фақат Наполеоннинг хатосини такрорладик, холос.

Биз «сирли рус кишиси» ҳақида, Ватанимизнинг «билиб бўлмас ҳарбий потенциали» ҳақида «очиқ иқор қилиб» айтилган бу гапларни фаҳр блан эшитардик. Қобилияти, таланти, фидокорлиги, мардлиги уруш кунларида бутун дун'ёни қойил қолдирган совет кишининг бундақа геринг-перинглар учун ҳақиқатан ҳам маш'ум сир бўлиб қолганлигига ишониш мумкин.

Дарҳақиқат, немисларнинг «ҳукмрон ирқ» түғрисидаги разил «назарияни» ўйлаб чиқарган бу жаноблар, солиалистик мамлакатда ўсиб тарбияланган кишининг юрагини ва куч-қувватини, қайдан билсин! Шу тобда бирдан Алексей Маресьев хотиримга келди. Унинг хотирдан бирмунча фаромуш бўлган образи мана шу чўбкори залда яққол кўз олдимга келди. Худди ана шу ерда, фашизмнинг бешиги бўлган ана шу Нюрнберг шаҳрида, Кейтель армияларини, Герингнинг ҳаво флотини тор-мор келтирган, Редернинг ҳарбий кемаларини денгиз тагида гўрга тиққан ва қудратли зарбаси блан Гитлернинг босқинчи давлатини вайрон қилиб ташлаган миллионларча оддий совет кишиларидан бири ҳақида ҳикоя бошлаб юборгим келди.

Сариф муқовали икки мактаб дафтарини ўзим блан бирга Нюрнбергга олиб келган эдим; улардан бирининг устига Маресьев хати блан «Учинчи эскадрильянинг жанговар учиш дафтари» деб ёзиб қўйилган эди. Трибунал мажлисидан қайтиб келганимдан кейин эски ёзувларимни тартибга солиб, яна иш бошладим ва Алексей Маресьев ҳақида, унинг ўз тилидан эшитганим ҳақиқатларни ҳикоя қилиб бермоқчи бўлдим.

Кўп нарсани ўз вақтида ёзиб олмаганман, тўрт йил мобайнida кўп нарсалар хотирдан фаромуш бўлган. Кўп нарсани ўша вақтда Алексей Маресьев камтарлик қилиб айтмасдан қолдирган. Ўйлаб, қўшимчалар қилишга тўғри келди. Маресьев ўша кечаси очиқ ва жозибали қилиб айтиб берган ўртоқларининг суратлари хаёлимдан кўтарилиган. Уларни янгидан ўйлаб тасвирлаш лозим бўлди. Мен бунда фактларга қаттиқ риоя қилиш имкониятига эга бўлмаганим сабабли қаҳрамоннинг фамилиясини салгина ўзgartдим ва қаҳрамонлик кўрсатиш йўлида унга ёрдам берганларга, унга ҳамроҳ бўлганларга янги ном қўйдим. Агар улар бу ҳикоядан ўзларини таниб олар эканлар, мендан ранжимасинлар.

Китобнинг номини мен «Чин инсон ҳакида қисса» деб атадим, чунки Алексей Маресьев ҳақиқатан ҳам чин совет кишисидир; бу кишининг кимлигини Герман Геринг ҳечвақт билмаган эди ва то шарманда бўлиб

ўлгунича ҳам билмасдан кетди; тарих сабоқларини унутмоқчи бўлган ва ҳозир ҳам кўнглида Наполеон блан Гитлер йўлидан боришини орзу қилиб юрган кишилар ҳали ҳам унинг кимлигини билмайди.

Чин совет кишисининг қиссаси ана шундай вужудга келди.

*Нюрнберг.*

*Бавария.*

*1946 йилнинг кўклам фасли.*



*На узбекском языке*

**Б. ПОЛЕВОЙ**

**ПОВЕСТЬ**

**О НАСТОЯЩЕМ ЧЕЛОВЕКЕ**

*Госиздат УзССР — 1951*

*Ташкент*

*Редакторлар: Ш. Са'д улла,*  
*П. Турсун*

*Техредактор П. Уманский*

\* \* \*

*Тершига берилди 10 III 1951 й. Босиша руҳсат этилди 19/VII 1951 й.  
Р 06031 Қоғоз  $84 \times 108_{32}$  = 6,4 қоғоз  
л. = 20,91 босма л. Нашр л. 20,04  
Шартнома № 354-48. Индекс н/а.  
Тираж 25000 (1--15000) Ледерин муковада  
баҳоси 12 с. Қоғоз муковада  
баҳоси 11 с.*

\* \* \*

*ЎзССР МС ҳузуриданда ўзбекпо-  
лиграфнашрининг й-нчи босмахонаси.  
Ташкент Ҳамза кўчаси 33. 1951.  
Зак. № 677.*